Ҳозирги кунда 2020 йилнинг сентябрь ойидан “Ипак йўли” туризм халқаро университети “Ўзбек тили ва адабиёти ва ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчisi лавозимида ишлаб келмоқда.

Ашуррова Шахноза Алмасовна 1981 йилда Самарқанд вилояти Жомбой туманидатуғилган. 1998-2002 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институтида бакалавр йўналишида таҳсил олган. 2011-2013 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институтида магистратура йўналишида таҳсил олган. Мехнат фаолиятини 2005 йилдан бошлаган. Дастреб иш юритувчи, кабинет мудири, асистент-ўқитувчи лавозимларида ишлаб келган. 2018 йилнинг январь ойидан бошлаб Мирзо Улугбек номидаги Ўз миллий университетга мустақил тадқиқотчиликка қабул қилинган. 2020 йилнинг август ойида “Инглиззабон ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётида анималистика жанри хусусиятлари” (Э.Сетон-Томпсон ва Н.Норқобилов ижоди мисолида) мавзусидаги 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, ҷоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Ш.А.Ашуреванинг диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашр қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, хорижий журналда 3 та мақола нашр қилинган[3].

Ҳозирги кунда 2020 йилнинг сентябрь ойидан “Ипак йўли” туризм халқаро университети “Хорижий тиллар” кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Сидикова Маствура Ҳакбердиевна 1983 йилда Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида туғилган. 2004 йилда Самарқанд давлат университетининг Тарих факултетини бакалавр йўналишида, 2006 йилда Самарқанд давлат университетининг Тарих факултетини магистратура йўналишида таҳсил олган. М.Сидикова меҳнат фаолиятини Тайлук туманидаги 21-ўрта мактабда тарих фани ўқитувчилигидан бошлаган. 2016-2019 йилларда Самарқанд



давлат университети Тарих факультети “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг таянч докторанти бўлган. 2019 йилда “Самарқандда замонавий шаҳар маданиятининг ривожланиш хусусиятлари” (1991-2017 йй.) мавзусидаги 07.00.01. – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

М.Х.Сидикованинг диссертацияси юзасидан жами 18 та иш эълон қилинган. Жумладан, тадқиқотнинг асосий мазмуни, хулоса ва натижалари диссертант томонидан эълон қилинган 8 та илмий мақола, 8 та тезис, ҳаммуаллифликда 1 та монография ва 1 та рисолада ўз аксини топган[4].

Ҳозирги кунда 2020 йилнинг сентябрь ойидан “Ипак йўли” туризм халқаро университети “Ўзбек тили ва адабиёти ва ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчisi лавозимида ишлаб келмоқда.

Университет илмий салоҳиятига шу пайтгача оз бўлса-да, ўз ҳиссасини қўшиб келаётган, илмий ижодини яқинда бошлаганига қарамай, анчагина ютуқларга эришиб келаётган олима аёллар ҳам мавжуд.

Хашимова Мадина Муродхоновна 1999 йил Самарқанд давлат университетининг иқтисодиёт факультетини битирган. 08.00.05. – Иқтисод ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун “Ипак йўли” халқаро университетида 2019 йил декабр ойидан бошлаб, “Экотуризмнинг ташкилий иқтисодий механизмини такомиллаштириш” мавзусида мустақил тадқиқотчилик фаолиятини олиб бормоқда. Айни дамда “Минтақаларнинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш: назария, амалиёт ва истиқболлари” номли халқаро конференцияга “The potential of building tourist cities using existing resources in Uzbekistan with innovative approach” мақоласи билан қатнашган ва шу мақола Indonesian Jurnal of law and Economic Review да нашр этилди. Бундан ташқари “Сервис” журналида “Экотуризмга оид илмий қарашларни амалиётга тадбиқ этиш стратегияси” ва “Молодой учёный” журналида “Стратегия практической реализации научных взглядов в сфере экотуризма” номли мақолалари чоп этилди. “Тарихий-маданий, меъморий ёдгорликлар ва объектлар геолокациялари асосида Интернет хариталарини янгилаш ва туристик маршрутларни дифференциялаш” номли лойиҳага раҳбарлик қилиб, “Ипак йўли” туризм халқаро университети талабалари билан тадқиқот ишларини олиб борилди.

Турдиева Наргиза Мардоновна 1997 йилда СамДУ рус филология факультетини тутатган. 2018 йилдан бошлаб, “Ипак йўли” туризм халқаро университетида рус тили ва нутқ маданияти фани ўқитувчisi лавозимига ишга қабул қилинди. Иш жараёнда Н. Турдиева ўзини меҳнатсевар, илмга чанқоқ ва масъулиятли ходим сифатида жамоада ўз ўрнини топди.

2017 йилда Турдиева Наргиза Мардоновна 13.00.01–Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун “Лойиҳа таълим технологияси асосида талабаларда мустақил ишлаш кўнимкамаларини ривожлантириш” мавзусида диссертация ишини бошлаган. Раҳбар ТошДЎТАУ хузуридаги ПККТМО тармоқ маркази директори проф. Н.М.Эгамбердиева.

Ўз фаолияти давомида Н.М. Турдиева халқаро илмий журналларга 6 та мақола, ОАК рўйхатига киритилган журналларда 4 та мақола, 1та Scopus илмий техник базасига киритилган журналда мақола чоп этган, шунингдек бир нечта халқаро илмий - амалий конференция тўпламларида тезис мақолалар чоп этирган.

Н. Турдиева ҳозирги кунда университетнинг “Хорижий тиллар” кафедраси ўқитувчisi лавозимида ишлаб келмоқда.

Инновацион ривожланиш Вазирлиги республикамизда хотин-қизларни илм-фанга кенг жалб қилиш, уларнинг янги ғоя ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш мақсадида илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида “Олима аёллар грантлари” ташаббускор амалий инновацион танловини эълон қилди [5]. Бундай танловларнинг кўпроқ ўтказилиши аёлларга бўлган эътиборнинг юксак даражада эътироф этилишидан далолат беради.



Бу соҳадаги самарали изланишлар ҳали давом этаётган бўлиб, ушбу мақола ўз навбатида келажакда университетимизда олима аёллар сафининг янада кенгайишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. Ўзбек таълим модели ижроси ва баркамол шахсни тарбиялашда олималарнинг ўрни (Илмий-амалий конференция материаллари). – Самарқанд, 2012. – 265 б.
2. Тошниёзова Р.Т. Алишер Навоий таффакури онтологиясининг поэтик ифодаси (“Хамса” достонлари асосида). Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори...(PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 47 б.
3. Ашуррова Ш.А. Инглиззабон ғарб адабиёти ва ўзбек адабиётида анималистика жанри хусусиятлари (Э.Сетон-Томпсон ва Н.Норқобилов ижоди мисолида). Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори... (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 46 б.
4. Сидикова М.Х. Самарқандда замонавий шаҳар маданиятининг ривожланиш хусусиятлари (1991-2017 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори... (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 53 б.
5. <https://mininnovation.uz>
6. Юлдашева Д. Университетимиз тараққиётида олима аёлларнинг тутган ўрни / Янгиланаётган Ўзбекистон: Илм-фан инновациясида аёллар ва ёшлар мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари – Тошкент, 2020. 90-94 бетлар.
7. Юлдашева Д. Ўзбек тилшунослиги фани тараққиётида олима аёлларнинг тутган ўрнига доир / “Илм сарчашмалари” журнали, Урганч, УрДУ, 2020,1(9)-сон, 104-109-бетлар.



XX ASRDA AFG'ONISTONDA AYOLLAR MASALASI VA ISLOHOTLAR

Ostonov Jahongir Davlatovich

O'zResFA Abu Rayhon Beruniy nomidagi

Sharqshunoslik instituti

Stajyor tадqiqotchi

Annotatsiya: Ushbu maqolada Afg'onistonda XX asrning 20 va 50-60-yillarida yuz bergan siyosiy islohotlarning eng muhimlaridan biri bo'lgan ayollarning siyosiy huquqlari masalasi yoritib berilgan. Unda Afg'oniston hukmron doiralarining ayollarga oid islohotlarni qanchalik tushunib yetganliklari va ularning ahvolini o'nglashga, ilm olishlari uchun sharoit yaratib berishga, o'zlariga mos kasbhunar egallashlariga ko'maklashadigan islohotlar haqida so'z boradi. Shu bilan birga islohotlarning nima sababdan inqirozga yuz tutgani tarixiy manbalardagi ma'lumotlar asosida xulosalangan.

ЖЕНСКИЕ ПРОБЛЕМЫ И РЕФОРМЫ В АФГАНИСТАНЕ В XX ВЕКЕ**Остонов Джаконгир Давлатович**

Институт востоковедения

имени Абу Райхона Беруни

Академии наук Республики Узбекистан

Стажер-исследователь

Аннотация: В этой статье освещаются события, связанные с женщинами, а также одно из важнейших политических реформ, произошедших в Афганистане в 1920-х и 1950-60-х годах. В статье речь идет, насколько афганские власти осознают важность реформ связанных с женщинами, которые помогут им улучшить свое положение, создать условия для их образования и получить соответствующие профессии. К тому же причины кризиса реформ основываются на исторических источниках.

WOMEN'S ISSUES AND REFORMS IN AFGHANISTAN IN THE 20TH CENTURY**Ostonov Jahongir Davlatovich**

Institute of Oriental Studies

named after Abu Rayhon Beruni

of the Academy of Sciences of

the Republic of Uzbekistan researcher

Abstract: This article highlights events involving women and one of the most important political reforms that took place in Afghanistan in the 1920s and 1950s and 1960s. The article discusses to what extent the Afghan authorities realize the importance of reforms related to women, which will help them improve their situation, create conditions for their education and get the appropriate professions. In addition, the causes of the reform crisis are based on historical sources.

Mana qirq yildirki Afg'oniston zaminida urush. Sovet Ittifoqining intervensiysi bilan boshlangan qurolli to'qnashuvlar qizil armiya mamlakatni tark etgach, fuqarolar urushiga aylanib ketdi. Hokimiyat uchun kurashda ikkiga bo'lingan afg'on jangchilari oxir-oqibatda Pokistonda tayyorgarlikdan o'tgan Tolibon guruhiga mag'lub bo'ldilar. 1996-yilda Afg'onistonda Tolibon hokimiyati o'rnatildi. 2001-yil 11-sentabr voqealaridan keyin, AQSh qurolli kuchlari Tolibonga qarshi urush e'lon qildi va uning hukumatini ag'darib tashladi. Shunga qaramay, bugun Afg'oniston hududining katta qismini hamon Tolibon nazorat qilib kelmoqda.

Ana shunday murakkab davrda eng ko'p jabr ko'rgan qism ayollar, qariyalar va yosh bolalar bo'lmoqda. Afg'onistondagi urush ushbu mamlakatdagi ayollar masalasini kun tartibiga olib



chiqmoqda. Ko‘plab jurnalistlar, siyosatchilar, ayollar huquqlari bilan shug‘ullanuvchi tashkilotlar Afg‘onistondagi ayollar bilan bog‘liq holatlarni o‘rganib, turli ilmiy maqolalar, tezislar tayyorladilar. Ular orasida Mishelin Demon, Soniya Jadidi, Foxira Musavi, Nurjahon Akbar, Sesil Dushelarni sanab o‘tish mumkin. Shuningdek, XX asrda Shveytsariyalik Ella Mayyart va Annamari Shvarzenbaxlar Afg‘onistonga sahoyatlari davomida Afg‘on ayollari haqida ko‘plab qiziqarli ma’lumotlarni qoldirganlar. Bundan tashqari Rossiyalik tarixchi Afg‘oniston tarixi bo‘yicha mutaxassis V.G Korgun o‘zining “Afgo‘niston tarixi. XX asr” deb nomlangan kitobida XX asrning 20-yillarda va 60-yillarda Afg‘onistonda ayollar huquqlari bo‘yicha qilingan bir qator islohotlarni sanab o‘tadi.

Aslida, Afg‘onistonda ayollar masalasi faqat bugun paydo bo‘lib qolgan yangi jarayon emas. XX asr Afg‘oniston tarixida 1978-yilgi Aprel inqilobigacha bo‘lgan davrda islohotlar o‘tkazilishi bilan bog‘liq eng muhim uch davrni sanab o‘tish mumkin. Ular Amir Omonullaxon, qirol Zohir Shoh va prezident Muhammad Dovudxonlarning hukmronlik davrini o‘z ichiga oladi. Mazkur hukmdorlarning uchalasi ham ayollar bilan bog‘liq bir qator islohotlarga qo‘l urgan.

Ayniqsa, Afg‘oniston mustaqilligining me’mori, islohotchi amir Omonullaxon hukmronligining ilk yillardanoq ayollarning ta’lim olishi masalasida jiddiy qadamlarni tashladi. Bu borada unga ayoli Surayyo Tarziy ko‘makchi bo‘ldi desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Surayyo Tarziy Afg‘onistonda ma’rifatparvarlik harakatining asoschisi bo‘lgan Mahmudbek tarziyning qizi edi. Aynan uning tashabbusi bilan 1921-yilda “Ismat” deb nomlangan ayollar litseyi tashkil etildi. Keyinchalik mazkur litsey Malalay deb qayta nomlandi. Mazkur litseyning xarajatlari Surayyo xonim va uning onasi tomonidan qoplab borildi.

1928-yilga kelib, o‘quvchi qizlarning soni 800 nafarni tashkil etdi. Shu yildan boshlab qizlar “Omoniya” litseyiga ham qabul qilina boshlandi. Bir paytning o‘zida bir nechta afg‘on qizlari Turkiya, Fransiya va Shveytsariya kabi xorijiy mamlakatlarda ham o‘qishni davom ettirdi. Shu davrda Omonulla yana beshta shunday maktablar tashkil qilib, qizlar uchun ham ta’limni majburiy qilishni reja qilib qo‘yan edi. Ammo, 1928-yilgi voqealar, ya’ni uning taxtdan ag‘darilishiga sabab bo‘lgan norozilik namoyishlari va qo‘zg‘alon natijasida uning rejalarini amalga oshmay qoldi. Xotin-qizlar ta’limi masalasi uning ayollar borasidagi islohotlarining bir qismi edi xolos. 1923-yilda Omonullaxon ayolalr huquqlari masalasida yana bir muhim hujat, Oila Kodeksini qabul qilinishga erishdi. Mazkur kodeks o‘z navbatida nikoh masalalarini tartibga soldi. Xususan, voyaga yetmaganlar va o‘zaro qarindoshlar o‘rtasidagi nikohlar taqiqlandi. Shuningdek, amir to‘ylarga ishlatiladigan xarajatlarga ham qat’iy cheklolvar joriy qildirdi. Bundan tashqari ayollarga agar islom buyurgan haqlarga rioya qilmasalar, erlari ustidan sudga shikoyat qilish huquqi ham berildi. Bundan keyin qizlar o‘z turmush o‘rtoqlarini o‘zları tanlash imkoniyatiga ham ega bo‘ldilar.

Surayyo Tarziyning yana bir qadami ayollarning dunyo qarashini o‘zgartiradigan, ularni dunyo bilan tanishtiradigan ayollar jurnali tashkil qilish bo‘ldi. 1924-yilda Afg‘onistonda ilk ayollar jurnali – “Irshodi nesvon” jurnali tashkil etildi. Mazkur jurnal haftada bir marta chiqarildigan bo‘ldi. Jurnalda ayollar huquqlari masalalari va ularning jamiyatdagi o‘rnini haqida mulohazalar bitilgan maqolalar e’lon qilinib borildi. Yana bir jurnal “Oynai irfon”da ham islomda ayollarning huquqlari va ularning Afg‘oniston mustaqilligining qo‘lga kiritilishida qo‘shgan hissasi haqida maqola e’lon qilindi. Umuman olganda, o‘sha davrdagi jurnallarda butun dunyodagi va islom olamidagi ayollarning umumiy ahvoli haqida bir qator maqolalar e’lon qilinib borildi.

XX asrning 20-yillarda Omonullaxonning singillaridan biri bo‘lgan Kubrojon tashabbusi bilan ayollarni himoya qilish tashkiloti – Anjumani himoyati nesvon tuzildi. Shu davrda yuz bergan eng muhim voqealardan biri bu ayollarning chadri – paranjidan voz kechishi bo‘ldi. Amirning ayoli Surayyo Tarziy birinchilardan bo‘lib paranjisiz jamoat oldida ko‘rinish berdi. Bu voqealarning 1928-yilda yuz berdi va shu yilning oktabr oyiga kelib yuz nafarga yaqin ayol paranjidan voz kechdi. Omonullaxon esa bu voqealarga izoh berar ekan, ularning mutlaqo xohishiy ekaniga urg‘u berdi. Bundan tashqari u ayollarga emansipatsiyaga qarshi kurashish chaqirig‘I bilan chiqdi. 1927-yili “Anis” gazetasi o‘z sahifalarida “Oila baxti” ruknini e’lon qildi hamda u yerda oila masalalari, ayollar huquqlari bilan bog‘liq voqeliklar yoritib borildi. Shuningdek, shu yili afg‘on ayollari ilk bor aeroplanda Kobul osmoni uzra parvoz qilishdi.



Omonullaxonning barcha islohotlari kabi bu boradagi islohotlari ham 1929-yilda uning taxtdan ag‘darilishi va Bachai Saqo hukmronligi yillarda bekor qilindi. Ayollar masalalari esa, faqatgina 1940-50-yillarga kelib yana qayta kun tartibiga chiqqa boshladи. Yana bir narsani qayd etib joizki, mazkur islohotlar asosan o‘rta va yuqori qatlam vakillarinigina qamrab olgan edi. Asosan, poytaxt va yirik shaharlarda amalga oshgan islohotlar chekka qishloq hududlariga yetib bormadi.

1960-yillarda yuz bergen voqealar davomida ayollar masalasi ham qayta ko‘rib chiqildi. Xususan, mamlakatning 1963-yil qabul qilingan Konstitutsiyasiga ko‘ra Afg‘oniston tarixida ilk marta ayollarga saylovda qatnashish huquqi berildi. Bular asosiy qonunning 11-12-moddalarida belgilab qo‘yildi. 1965-yilgi parlament saylovlarida ayollar ham qatnashib, deputatlikka saylanadi. Albatta, ularning soni unchalik ko‘p bo‘lmasdi.

Aynan, Muhammad Zohirshoh hukmronligi yillarda ayollarning universitetlarda o‘qishi, g‘arbona kiyimlari kiyishi, chadrasiz yurishlari urfga aylanib bordi. Ammo, keyinchalik, kommunistik kayfiyatdagi kuchlarning ko‘payib borishi va unga qarshi paydo bo‘lgan muxolifat harakatlari natijasida ayollar borasidagi islohotlarning amalga oshishi qiyinlashib bordi. Urush boshlanganidan keyin esa, ayollar ham ikki oqimga bo‘linib ketdi. Jumladan, hayotini islom an’analari bilan bog‘lagan ayollar Sovet armiyasiga qarshi kurashaytgan mujohidlarga yordam bergan bo‘lsa, so‘l kayfiyatga ega hamda kommunistik g‘oyalar ta’siriga tushib qolgan ayollar faollik bilan kommunistlarni qo‘llab-quvvatladilar.

Xulosa o‘laroq aytish mumkinki, mamlakatda boshqa sohalardagi islohotlar singari ayollar borasidagi islohotlar ham anchayin radikal tusga ega edi va aholining qarashlari va qadriyatları inobatga olinmagan edi. Aynan, ana shu sababli Afg‘onistonda XX asrda amalga oshirilgan islohotlarning ko‘pchiligi muvaffaqiyatsizlikka uchradi. Omonullaxon, Muhammad Zohirshoh va Muhammad Dovudxonlar davlat to‘ntarishi oqibatida ag‘darib tashlandi. Ayniqsa, Afg‘onistonning birinchi prezidenti Muhammad Dovudxonning ag‘darilishi mamlakat uchun qimmatga tushdi va Afg‘oniston nihoyasi ko‘rinmayotgan urush girdobiga tortildi. Bugun mamlakat hukumati yangi islohotlar davrida ekan, ayollar huquqlari, ularning davlat va jamiyat hayotiga ta’sirini va ishtirokini oshirishni istar ekan, o‘tmishdagi xatolardan tegishli xulosalar chiqarishi lozim bo‘ladi.

Foydalilanigan adabiyotlar ro‘yxati:

1. В. Г. Коргун, ИСТОРИЯ АФГАНИСТАНА. XX век, Москва ИВ РАН Издательство «Крафт+», 2004, 528с.
2. Sara STIENERT BORELLA, La voix des femmes en Afghanistan : Les récits de voyage d’Ella Maillart et d’Annemarie Schwarzenbach // Publié sur Astrolabe (<https://astrolabe.msh.uca.fr>)
3. Fakhreh Moussavi, La guerre, la résistance et la femme afghane. 2016. fffhal-01399029ff
4. Sonia Jedidi, Levons le voile sur les femmes en Afghanistan // <https://www.cairn.info/revue-herodote-2010-1-page-121.htm>
5. Micheline Centlivres-Dumont, Hommes combattants, femmes discrètes: aspects des résistances subalternes dans le conflit et l’exil afghans, Graduate Institute Publication, p. 169-182. 2001.



ГЕНДЕР В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Ахмедходжаева И.А.,

проф. кафедры «Гидравлика и гидроинформатика» ТИИИМСХ

Апакходжаева Т.,

ст. преп. кафедры «Гидравлика и гидроинформатика» ТИИИМСХ

Ибрагимова З.,

асс. кафедры «Гидравлика и гидроинформатика» ТИИИМСХ

Гендер, или социальный пол - термин для обозначения изменчивых социально-культурных различий между женщинами и мужчинами, ролями, моделями поведения, приписываемыми качествами и другими характеристиками, которые не являются «природными», а диктуются общественными представлениями о нормах и традициях.



Гендерное равенство – имеет место в том случае, когда мужчины и женщины одинаково значимы в социальном плане, обладают равными правами и ответственностью, а также имеют равные шансы (равный доступ к ресурсам и возможностям) воспользоваться ими. Формальным равенством или “равенством на бумаге” означает равенство, закрепленное в законе.

Гендерная статистика – есть **статистика**, которая адекватно отражает реальное положение женщин и мужчин во всех стратегических направлениях, для выявления гендерных различий и их систематического изучения. Гендерная статистика относится ко всем статистическим темам, где собираются данные о человеке, и включает в себя:

- данные с разбивкой по полу,
- статистику, отражающую гендерные вопросы (гендерные показатели),
- внедрение гендерных подходов во все области статистики.

Гендерная статистика служит многим целям, но в первую очередь, она нужна для обнаружения скрытых проблем, касающихся условий и различного положения женщин и мужчин. В этой связи гендерная статистика необходима для успешного планирования, усиления адресности, эффективного мониторинга, и оценки воздействия программ развития. Гендерная статистика - инструмент для продвижения справедливости и равенства, а также улучшения качества жизни всех групп населения.

Право на образование гарантировано для всех граждан Конституцией Республики Узбекистан. Не существует каких-либо законодательных барьеров для девушек и женщин в доступе ко всем уровням системы образования, которое начинается с дошкольного, и включает обязательное начальное, общее среднее и средне-специальное образование. Высшее образование включает сеть образовательных учреждений, предлагающих академические и профессиональные программы, основанные на государственных стандартах, независимо от ведомственной принадлежности и формы собственности образовательного учреждения.

Гендерный баланс среди студентов варьируется в зависимости от подсектора образования. В системе начального и общего среднего образования сохраняется ситуация практически полного гендерного паритета. С 2009 года соотношение полов студентов профессиональных колледжей также приблизилось к паритету. В сфере высшего образования сохраняются значительные гендерные диспропорции.

В настоящее время Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (ТИИИМСХ) является основной кузницей специалистов – водников в Республике Узбекистан. Выпускники этого института работают во всех сферах водного и сельского хозяйства, многими из них мы заслуженно гордимся, они многое сделали для развития этих отраслей.



История ТИИИМСХ берёт своё начало в 1920 году, когда на базе Гидротехнического факультета Туркестанского государственного университета был организован Инженерно-мелиоративный факультет. Осуществление в республиках Средней Азии земельно-водной реформы и дальнейшее развитие ирригации и механизации сельскохозяйственного производства потребовали создания единого высшего технического учебного заведения.

В 1934 году 11 ноября был основан Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (ТИИИМСХ) с двумя факультетами: Гидромелиорации и Механизации. Впоследствии были открыты новые факультеты: Землеустроительный (1945г.), Механизация гидромелиоративных работ (1946г.), Гидроэнергетическое строительство (1946г.), Организация и технология ремонта сельскохозяйственных машин (1966г.), Экономика и организация водного хозяйства (1974 г.).

Новый важный этап своего развития переживает институт в настоящее время, осуществляется развитие института, ориентированное на международные стандарты. Сегодня институт — это известное как в стране, так и за рубежом учебное заведение, по оценкам ТИИИМСХ занимает второе место по Республике и стремится в недалеком будущем войти в список 1000 самых престижных институтов мира.

Коллектив института ориентирован на еще более настойчивую и целенаправленную работу по совершенствованию учебного процесса, повышению эффективности научных исследований, достижению более действенных результатов в воспитании будущих специалистов на гуманистических и духовных ценностях, присущих узбекскому народу и провозглашенных в качестве приоритетов государственной политики.

По данным гендерной оценки в 2007 г из общего числа преподавателей института (341 человек) 178 - составляли мужчины, а 163 – женщины, т.е. 47,8% от общего количества.

В 2010 году также была проведена гендерная оценка профессорско-преподавательского коллектива и студентов института. Обучение 4280 студентов осуществлялось на 5 факультетах, 29 кафедрах 358 преподавателями и научными сотрудниками. В их составе трудились 31 профессоров и докторов наук, 157 доцентов и кандидатов наук.


В таблице 1 представлен коллектив профессоров-преподавателей ТИИИМСХ в разрезе научных степеней и званий на 2020 год.

	Всего	В том числе		К.н., PhD		Д.н., DSc		Профессоры	
		муж	жен	муж	жен	муж	жен	муж	жен
Профессорско-преподавательский состав	500	350	150	137	38	59	9	48	9

При сравнении количественных изменений в составе профессоров-преподавателей за период с 2010 по 2020 годы видно, что количество кандидатов наук и PhD увеличилось на 18, а докторов наук и профессоров на 37 человек, что говорит о повышение научного потенциала сотрудников института почти в 1,5 раза.

В качестве сравнения гендерного соотношения в профессорско-преподавательском составе за 2007, 2010 и 2020 гг. приведена диаграмма (рис.1).

Рис. 1. Гендерное соотношение профессорско-





преподавательского состава института за 2007, 2010 и 2020 гг.

Из этой диаграммы видно, что в 2007 году было почти равное количество преподавателей - женщин и мужчин, разница составляла только 4,4%. В 2010 году количество женщин-преподавателей уменьшилось на 8,3%, а за последние 10 лет – на 9,5%. В общем, за последние 13 лет процентный состав преподавателей - женщин сократился на 17,8%.

Это говорит о том, что за этот период времени большинство женщин-преподавателей вышли на пенсию или в декретный отпуск, а набор преподавателей на работу в институт осуществлялся с ориентированием на приоритет мужского состава.

Ниже приведены диаграммы (рис.2), на которых показано гендерное распределение профессорско-преподавательского состава по факультетам.



Рис.2. Гендерное распределение профессорско-преподавательского состава по факультетам.

Из этих диаграмм видно, что больше педагогов-женщин работают на факультете Организация и управление водными ресурсами (56,2%), где такие кафедры, как Бухгалтерский учет и аудит, Экономика, Менежмент, Организация и управление водным хозяйством, Экологическая безопасность водного хозяйства, Экология и охрана окружающей среды считаются более «женскими» профессиями. Затем следует факультет Управление земельными ресурсами (29,5%), далее идут факультеты Гидромелиорация и Механизация гидромелиоративных работ по (26%). Менее всего женщин преподают на факультете Гидротехническое строительство (11,5%).

В 2007 году была проведена также и гендерная оценка состава студентов: из 4420



студентов девушек обучалось 575, то есть 13% от общего количества студентов.

По данным количественного соотношения студентов на 22 сентября 2010 года, из общего количества обучающихся в институте 4617 студентов количество девушек составляло 815 человек, т.е. 18%. Причем, в разрезе факультетов наибольшая доля девушек училась на факультете Организация и управление водными ресурсами - 26,8%, наименьшая – 11,4% на факультете Механизация сельского хозяйства.

Значит, за эти прошедшие три года, процентное соотношение девушек в процессе обучения в ТИИИМСХ, увеличилось на 5%. Это, по-видимому, обусловлено тем, что появились новые направления в обучении, которые более близки к так называемым «женским» специализациям: экология, профессиональное образование, экономика.

На диаграмме (рис.3) представлен сравнительный анализ соотношения студентов – бакалавров по половому признаку.




Рис. 3. Гендерное соотношение студентов бакалавриатуры за 2007, 2010 и 2020 гг.

Из этой диаграммы видно, что после небольшого увеличения количества девушек в составе студентов в начале рассматриваемого периода, за последние 10 лет произошёл спад на 2%. Это может быть обусловлено тем, что в сельской местности в семьях с ограниченным достатком в вопросе получения высшего образования предпочтение может быть отдано сыновьям, поскольку образование в большинстве случаев является платным. Это также может быть обусловлено нежеланием родителей отправлять своих дочерей учиться далеко от дома в течение длительного периода времени (с учетом того, что две трети высших учебных заведений расположены в трех крупных городах страны).

Низкая по сравнению с мужчинами доля женщин в высшем образовании может в дальнейшем служить серьезным барьером для повышения конкурентоспособности женщин на рынке труда.

В 2017 году несколько высших учебных заведений возобновили набор на заочные отделения по различным специальностям, что позволяет студентам получать высшее образование без необходимости физического присутствия на занятиях, кроме периода сдачи экзаменов. Возобновление заочной формы вузовского образования имеет хороший потенциал для достижения гендерного баланса в высшем образовании. На рис.3 представлена диаграмма гендерного соотношения между студентами заочного обучения.



Соотношение среди студентов заочного обучения, %



Рис.3. Гендерное соотношение студентов заочного обучения за 2020 г.

Из диаграммы видно, что с каждым курсом процентное соотношение девушек увеличивается, на третьем курсе количество девушек почти в 2 раза больше, чем на 1 курсе.

Ниже представлена даграмма распределения студентов магистратуры по гендерному признаку за 2020 год.

Соотношение среди студентов магистратуры, %

■ парни ■ девушки

2020 67,8 32,2

Рис. 4. Гендерное соотношение студентов магистратуры за 2020 г.

Данные этой диаграммы показывают, что на обучение в магистратуру в процентном соотношении девушек поступает более чем в 2 раза больше, чем в бакалавриатуру. Это говорит о том, что девушки, окончившие институт, более осознанно выбирают дальнейшую учёбу в магистратуре, чтобы стать высококвалифицированными кадрами и продолжать свою деятельность в научной сфере.

На рис. 5 показаны доли девушек - студенток в разрезе факультетов от общего количества учащихся за 2020 год.

ГЕНДЕРНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПО ФАКУЛЬТЕТАМ ТИИИМСХ (из общего числа студентов), %




Рис. 5. Гендерные показатели по факультетам от общего числа студентов института.



Из общего числа студентов наибольшее количество девушек учится на факультете ГМ (3,36%), наименьшее – на факультете МГР (1,69%).

Соотношение девушек и парней в составе студентов-бакалавров по факультетам показано на рис. 6.




Рис.6. Гендерное соотношение среди студентов бакалавриатуры в разрезе факультетов (2020г.)

По факультетам гендерное соотношение следующее: самое большое количество студенток на факультете Организация и управление водными ресурсами (31,3%), затем следует Управление земельными ресурсами (17,15%), потом факультет Гидромелиорации (15,66%). Самое меньшее количество студенток обучается на факультете Механизация сельского хозяйства (11,6%). Это обусловлено тем, что профессия механизаторов всегда считалась мужской, хотя в годы СССР на всю страну была знаменита трактористка, Герой социалистического труда Турсуной Ахунова.




Рис.7. Гендерное соотношение среди студентов бакалавриатуры по курсам обучения (2020г.).



Из диаграммы видно, что на последнем курсе процент девушек больше, чем на втором и третьем курсах, что может быть связано с объемом поступивших в определенные годы девушек.

Одной из основных задач в сфере образования на настоящий момент является гендерное образование. Следует обучать основам гендерной грамотности преподавательский состав, через который можно будет давать знания студентам.

На сегодняшний момент сквозные аспекты гендерного равенства прав женщин соответствует международным стандартам. Однако, традиционный гендерный контракт, хотя и не имеет законной силы, предписывает роли женщин и мужчин в семье и обществе, определяет правила, которые управляют гендерными отношениями, предписывает разные функции, ценности, обязательства и ответственность для женщин и мужчин.

В Узбекистане превалируют ценности материнства и семьи. Если женщина решает сделать карьеру в бизнесе, политике или любой другой сфере, от нее ожидают, что она будет совмещать работу со своими бытовыми обязанностями, поскольку традиционное распределение семейных ролей обычно остается неизменным. Данное равновесие в основном достигается за счет времени, необходимого женщинам для самообразования, отдыха, и усиливает дефицит времени у женщин. В результате ограничиваются возможности для саморазвития, конкурентоспособности на рынке труда, выборе профессии.

Брак и создание семьи считаются одной из нерушимых основ общества. В случаях, когда приходится делать выбор, родители молодой девушки могут скорее предпочесть выдать дочь замуж после получения обязательного среднего профессионального образования (колледж или академический лицей), а не стремиться к дальнейшему получению ею высшего образования. Тому могут быть также причины экономического характера, поскольку высшее образование не является бесплатным, и семьи, особенно стесненные в финансовых ресурсах, предпочитают, чтобы высшее образование получили сыновья, поскольку дочь выйдет замуж и покинет родительский дом, и поэтому инвестиции в ее высшее образование могут рассматриваться как излишняя нагрузка на семейный бюджет.

На законодательном уровне не существуют каких-либо гендерных ограничений для получения высшего образования. Однако в этом сегменте образования сохраняются значительные гендерные диспропорции. Доля девушек среди студентов на высшем уровне образования ниже, чем у мужчин: 38,2% против 61,8%, и имеет тенденцию к снижению. Низкая доля женщин в высшем образовании по сравнению с мужчинами, а также сокращение их численности среди студентов и выпускников может в дальнейшем стать серьезным препятствием для женщин на рынке труда.

На институциональном уровне доля женщин среди кадров в системе высшего образования является довольно высокой – 48,6% от общего числа сотрудников. Среди них – восемь женщин-академиков, 310 докторов наук (16%) и 3 025 кандидатов наук (33%). Женщины занимают значительное число руководящих позиций в научных и образовательных учреждениях: 20 женщин являются проректорами высших учебных заведений, две – ректорами, 34 – деканами (сведения предоставлены Государственным комитетом Республики Узбекистан по статистике в ходе сбора данных для обновленной гендерной оценки по Узбекистану в сентябре-октябре 2017 г. Ташкент. Узбекистан).

Чтобы строить новое общество, необходимы новые ценности уважения к личности и не навязывание женщине той роли, которая больше удобна для мужчин. Тем более что женщины Узбекистана обладают высоким образовательным уровнем: число специалистов-женщин с высшим и средним специальным образованием составляет свыше 50%. Наше общество состоит из семей, где именно женщина является основным источником информации всех общественных ценностей в формировании духовного и нравственного мировоззрения, в процессе воспитания подрастающего поколения. Поэтому большое значение в развитии общества имеет определение места и роли женщины. Только самостоятельно развитая женщина может воспитать свободную, гендерно чуткую личность



и тем самым, осуществлять свой вклад в укрепление гражданских позиций в обществе.

Список использованной литературы

1. Постановление Президента. 2017г. Стратегия действий в 5 приоритетных направлениях развития Узбекистана в 2017-2021 гг. №4947 от 7 февраля 2017 г. Ташкент, Узбекистан. www.lex.uz.
2. Н. Кургановская. «Ресурсы гендерного образования в Узбекистане», Международная конференция «Участие женщин Узбекистана в развитии и социальных изменениях переходного периода». Ташкент, 2002 г.
3. Программа развития ООН. Отчет о человеческом развитии в 2016 г. http://hdr.undp.org/sites/all/themes/hdr_theme/country-notes/UZB.pdf.
4. Комитет женщин Узбекистана. 2017. Женские организации в Узбекистане. Доклад на форуме некоммерческих организаций. Ташкент. Узбекистан. С.4.
5. Д.Алимджанова. «Гендерные проблемы социально – экономического развития Узбекистана», Международная конференция «Участие женщин Узбекистана в развитии и социальных изменениях переходного периода». Ташкент, 2002 г.
6. Четвертый периодический доклад РУз О выполнении положений Конвенции «О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин», Ташкент, 2010 г.
7. Программа развития ООН и Центр экономических исследований при Кабинете Министров РУз. 2015.
8. Узбекистан: Обновленная Гендерная Оценка по Стране. Декабрь 2018. АБР.
9. Государственный комитет Узбекистана по статистике. Узбекистан. Гендерная статистика. www.gender.stat.uz (по состоянию на 16 января 2018).
10. Государственный комитет по статистике Республики Узбекистан. 2017. Демографический Ежегодник Узбекистана 2017. Ташкент.



ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАРИ

Умарова Наргиза Холдаровна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчи

Одилова Дилноза Барноевна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчи

Норова Фарзона Ғайрат қизи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

1-курс магистратура талабаси

Аннотация: Мақолада мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида ва интеллектуал салоҳиятни яратишда инсон капиталининг, хусусан, хотин-қизларнинг ўрни ёритилган. Тадқиқотнинг асосий йўналишлари билимларни тўплаш ва узатишнинг турли шаклларини ўрганишга, таълим тизими орқали инсон капитали даражасини оширишга қаратилган.

Калит сўзлар: интеллектуал салоҳият, инновацион иқтисодиёт, инсон капитали, гендер тенглиги, барқарор ривожланиш.

Аннотация: Статья посвящена роли человеческого капитала, в частности, роли женщин в создании интеллектуального потенциала и экономическом развитии стран. Ключевые направления исследований нацелены на изучение различных форм накопления знаний и их передачи, повышения уровня человеческого капитала через систему образования.

Ключевые слова: интеллектуальный потенциал, инновационная экономика, человеческий капитал, гендерное равенство, устойчивое развитие.

Annotation: the article is devoted to the role of human capital, in particular, the role of woman in the creation of intellectual potential and the economic development of countries. Key areas of research are aimed at studying various forms of accumulation of knowledge and their transfer, increasing the level of human capital through the education system.

Key words: intellectual potential, innovative economy, human capital, gender equality, sustainable development.

Инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини яратиш ва ижтимоий хулқ-авторнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг муқаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Бунинг учун, аввалимбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур.

Ҳар қандай давлат мамлакатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак. Глобаллашув даврида интеллектуал билим мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини кўпайтиришнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда, аҳолининг юксак маънавий даражаси эса одамларда хукукий маданиятни, эркин ва демократик хукукий давлатда яшаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини шакллантириш, ўз хуқуқ ва эркинликларини англаш имконини беради.

Рақамли иқтисодиёт тизимида интеллектуал билимлардан ресурс сифатида фойдаланиш – билимларни жорий этиш, биринчи навбатда, инновацион жараённи амалга ошириш билан боғлиқдир. Билимларни жорий этиш самараси, энг аввало инсон фаровонлигини акс эттирадиган унинг саломатлиги, турмуш даражасининг сифати ва умр кўриш давомийлигига



ўз ифодасини топади. Товарлар ва хизматлар таннархини арzonлаштиришга хизмат қиладиган билимлардан фойдаланиш ишлаб чиқарувчиларга рақобатда стратегик устунлик беради. Натижада корхоналар ва улар ходимларининг даромадлари ортади. Пировард натижада эса бу миллий иқтисодиёт барқарор ва юқори суръатларда ўсишни таъминлайди. Бундан ташқари даромадларни қайта тақсимлашга қаратилган давлат сиёсати таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларини, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини молиялаштиришни кўпайтиради.[3]

Интеллектуал капитал, яъни билим, кўникма ва тажриба, шунингдек, дастурий таъминот, патентлар, савдо маркалари ва бошқаларни ўз ичига оладиган номоддий активлар корхона фойдасини, иқтисодий ва техник натижаларни максималлаштиришда кенг фойдаланилади.[4]

Сўнгги икки-уч йилда умуммиллий бойликнинг ажралмас қисми ҳисобланган инсон капитали ривожига эътибор кучайди. Ижтимоий ҳимоя, инсон саломатлиги, оиласвий муносабатларни яхшилаш, маҳалла институтлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда таълим-тарбия тизимидағи туб бурилишлар шулар жумласидандир.

Инсон капитали – бу инсонда жамланган қобилият, малака ва мақсадлар заҳираси бўлиб, ҳар қандай мамлакат ва давлат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатдардошлигини таъминловчи, давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро органлари фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи омилдир.[5] Бунда аёлларнинг ўринини бекиёсдир.

Аёллар ва қизлар дунё аҳолисининг ярмини ташкил этади, бу инсоният салоҳиятининг ярмiga тенгdir. Инсон хукуқларининг асосидан бири бўлган гендер тенглиги жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш ҳамда барқарор ривожланиш орқали инсон салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Зеро, хотин-қизларни жамият ҳаётига жалб қилиш самарадорликни ошириш ва иқтисодий ўсишга олиб келиши исботлангандир.

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг ўрни янада ошмоқда. Хусусан, “хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича олиб борган ислоҳотларимиз натижасида парламентимиз янги таркибининг 30 фоизи аёллардан иборат бўлди”. Аёллар масаласига алоҳида эътибор қаратилиши, яъни хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик кенгашининг ташкил этилиши хотин-қизларни рафбатлантириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган устувор вазифалардан биридир..

С усилением роли и значения человеческого капитала в развитии конкурентоспособности и экономическом росте стран Организацией объединенных наций в 2014 г. было принято решение о переходе от расчета «индекса развития человеческого потенциала» к «индексу человеческого капитала» (Human Capital Index (HCI)). В основе HCI было использовано 46 показателей, главными из которых являются уровень жизни, образованности и долголетия населения страны или региона. С усилением роли и значения человеческого капитала в развитии конкурентоспособности и экономическом росте стран Организацией объединенных наций в 2014 г. было принято решение о переходе от расчета «индекса развития человеческого потенциала» к «индексу человеческого капитала» (Human Capital Index (HCI)). В основе HCI было использовано 46 показателей, главными из которых являются уровень жизни, образованности и долголетия населения страны или региона.

Мамлакатларнинг рақобатдошлиги ривожлантириш ва иқтисодий ўсишини таъминлашда инсон капиталининг роли ва аҳамияти ортиб бораётганлиги сабабли БМТ томонидан “инсон салоҳияти ривожланиши индекси”ни ҳисоблашдан “инсон капитали индексига” ўтишга қарор қилинди. (Human Capital Index – HCI) . HCI 46 та кўрсаткичга асосланган бўлиб, уларнинг асосий кўрсаткичлари мамлакакт ёки минтақа аҳолисининг турмуш даражаси, маълумоти ва узоқ умр кўришидир.

Маълумки, Жаҳон Банки томонидан дунё давлатларининг 2020 йил учун инсон капитали индекси эълон қилинди. Дунё аҳолисининг 98 фоизи истиқомат қилувчи 174 та мамлакат иштирок этган мазкур рейтингга илк маротаба Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасига оид маълумотлар ҳам киритилган.



Илк бор 2018 йилда ишга туширилган инсон капитали индекси (HCI) боланинг тугилгандан то 18 ёшга қадар бўлан ривожланиш даражасини таҳлил қиласди. Болаларнинг 5 ёшгача яшаш эҳтимоли, болаларнинг бошланғич ва ўрта мактабларда таълимни давом эттириш эҳтимоли, болаларнинг ўсишида орқада қолиши, 15 ёшга тўлганларнинг 60 ёшгача яшаш эҳтимоли каби қўрсаткичларни ўз ичига олади. Жаҳон банки томонидан берилган маълумотда Ўзбекистонда қизларнинг инсон капитали индекси (HCI) ўғил болаларнинг исон капитали индексидан юқори қўрсатиб ўтилган.

Ушбу тадқиқотларда илк маротаба иштирок этган Ўзбекистон 62 фоиз натижа қўрсатган. Бундан шуни англашимиз мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда туғилган боланинг меҳнат унумдорлиги, балоғат ёшига етганда тўлиқ маълумот олиш ва соғлом бўлиш шарти билан таъминланадиган меҳнат унумдорлигининг 62 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида Беларусь (70 фоиз), Россия (68 фоиз) ва Қозоғистондан (63 фоиз) кейинги ўринга жойлашган. Марказий Осиё мамлакатлари миқёсида эса Қозоғистон ва Ўзбекистондан ташқари, Қирғизистон 60 фоиз, Тоҷикистон 50 фоиз натижа қўрсатган. Бу Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги ўртacha қўрсаткичдан паст, аммо ўртacha даромад даражаси паст бўлган мамлакатлар учун ўртacha қўрсаткичдан юқори.

Исон капиталига инвестиция (исон ҳаёти давомида тўпланган билим, кўнишка ва саломатлик) боланинг салоҳиятини намойиш этиш ва ҳар бир мамлакатда иқтисодий ўсишни жадаллаштиришда асосий роль ўйнайди.

Қайд этиш лозимки, инсон капитали индекси боланинг келажакда қай даражада самарали кадр бўлиб шаклланишини ўлчайди. Индекс қиймати 0 дан 1 гача интервалда бўлиб, қиймат 1 га яқинлашиши бугунги болаларнинг келажакда қай даражада етук инсон бўлиб шаклланишини ифодалайди.

Ўзбекистон	Даромади паст давлатлар (low Income)	Даромади ўртачадан паст давлатлар (Lower Middle Income)	Даромади ўртачадан юқори давлатлар (Upper Middle Income)	Даромади юқори давлатлар (High Income)
Исон капитали индекси (HCI) 2020	0.62	0.37	0.48	0.56
				0.71

Манба: <https://tdi.uz/> Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси матбуот хизмати расмий сайти

Маълумки, COVID-19 пандемияси дунёдаги барча давлатларнинг соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига ўз таъсирини қўрсатмай қолмади. Бу айниқса энг камбағал мамлакатларга кучли таъсир қўрсатиб, эришилган ютуқларга таҳдид солиб келмоқда. Таҳлиллар шуни қўрсатадики, пандемия бошлангунга қадар кўпгина давлатлар болаларда инсон капиталини шакллантириш бўйича барқарор ўсишга эришган. Ҳусусан, Ўзбекистонда кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди. 2020 йилда олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсади, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожатномасида халқ таълими соҳасига доир жуда муҳим вазифалар белгилаб берилганлиги, асосий эътибор мактаб таълимида сифатини юқори босқичга олиб чиқишига қаратилиб, бунда олдимизда турган муаммоларни ечиш борасида аниқ йўналишлар қўрсатиб берилганлигини муҳим аҳамият касб этади. Президенти Шавкат Мирзиёев айтганидек, “бир сўз билан айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама кўллаб-куvvatлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз



тизим яратилади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиши учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради”.

Инсон капиталининг ривожланиш жараёнида гендер тенглигининг ахамияти бекиёс. Чунки гендер тенглигининг юқори даражаси меҳнат унумдорлигига кучли таъсир кўрсатади, бу эса ўз навбатида иқтисодий самарадорликка олиб келади.

Жамиятда билимли, маълумотли ва юксак интеллектга эга одамларнинг мавқеини ошириш; таълим ва касб-хунар дастурларининг жаҳондаги таълим, илм-фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ҳамда маданият соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлиги; таълимни ёшларнинг келажакдаги амалий меҳнат фаолияти билан узвийлигини таъминлаш; таълим олаётган ўқувчи-ёшлар онгидаги умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш устуворлигини шакллантириш; таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан муштараклиги, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш таълим тизимини ислоҳ этишининг асосий принциплари бўлиши лозим. Зеро, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдига қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1."2020 йил – илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь, №19 (7521)
- 2."2021 йил –ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўли". Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778)
3. Мингалева Ж.А., Максименко И.И. Роль научного и образовательного потенциалов в инновационном развитии национальной экономики // Научно-технические ведомости СПбГПУ (серия «Экономические науки») № 4, 2008 г. С. 21-28.
4. Руус Й., Пайк С., Фернстрём Л. Интеллектуальный капитал: практика управления. СПб. : Высшая школа менеджмента. 2008. 436 с
5. Седова Т. В. Интеллектуальный капитал как основа формирования организации в экономике знаний // Креативная экономика. 2012. № 2 (62). С. 4–9.
6. Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннынг роли – Т.: “Фан ва технология”, 2015 .
7. <https://tdi.uz/> Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси матбуот хизмати расмий сайти
8. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/34432> - Халқаро банк гуруҳи расмий сайти



ТАЪЛИМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Куватова Нозима Бахтиёровна

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими
бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш институти таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилияtlари ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, аёлларнинг ижтимоий тенгликка эришишдаги олиб борилган тарихий ислоҳотлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Гендер, таълим, хотин-қизлар, тарих, тадқиқот, олимлар.

РОЛЬ ЖЕНЩИН В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ

Куватова Нозима Бахтиёровна

Докторант института педагогических инноваций,
переподготовки и повышения квалификации
управленческих и педагогических кадров
профессионального образования.

Аннотация. В статье освещаются исторические реформы, проводимые с целью повышения социально-политической и социальной активности женщин, создания условий для реализации ими своих способностей и потенциала в различных сферах и секторах, для достижения социального равенства женщин.

Ключевые слова. Гендер, образование, женщины, история, исследования, ученые.

THE ROLE OF WOMEN IN INCREASING THE EFFECTIVENESS OF EDUCATION

Kuvatova Nozima Bakhtiyorovna

PhD student of the Institute of Pedagogical
Innovation, Management of Vocational Education,
Retraining and Advanced Training

Annotation. This article highlights the historical reforms carried out to increase the socio-political and social activity of women, to create conditions for them to realize their abilities and potential in various fields and sectors, to achieve social equality for women.

Keywords. Gender, education, females, history, research, researchers (scientists).

Кириш. Ўзбекистон ислоҳотлари инсон манфаатлари устунлигини таъминлаш баробарида жамиятда хотин-қизлар мавқенини ошириш, уларнинг хукуқ ҳамда имкониятларини устувор қадриятлардан бири сифатида химоя қилишга қаратилган. Бунда, айниқса, аёлларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида рўёбга чиқарилмоқда. Эркак ва аёлнинг тенг хукуклилиги халқ фаровонлигига, жамият тинчлиги ҳамда иқтисодий барқарорликда муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан аёлларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ўз интилиш ва қобилияtlарини тўлақонли рўёбга чиқара олишлари учун имкониятларни кенгайтириш масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказида. Жумладан, давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди. Ҳозирги кунда уларни турли раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш бўйича тизимли ўқувлар ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси



барча фуқаролар учун таълим олиш ҳуқукини кафолатлайди. Таълим тизимининг барча даражаларига киришда қизлар ва аёллар учун қонунчилик томонидан тўсиқлар йўқ. [1]

Гендер тарихда асосийси – бу жамиятда гендер фарқлашнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил этишdir, яъни устун хукмронлик тизими пайдо бўлишини ва жинсий белгиси бўйича камситишни, эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий фарқларини ва ана шу фарқларга жамиятнинг баҳосини таҳлил этишdir.

Гендер тарих инсоният тарихига бошқача кўз билан қараашга, одат бўлмаган нарсаларни одатдагидек кўришга, тарихчилар шу пайтгача кўриб чиқмаган қўплаб янги мавзуларни очишга имкон беради.

Инсоният ривожланишининг барча - ибтидоий жамоя тузумдан бошлаб ҳазирги вақтгача - даврлари гендер тарихчиларнинг дикқатини жалб қиласди. Уларнинг илмий таҳлили бирламчи меҳнат тақсимоти сабаблари ва оқибатларини, хотин-қизлар устидан ижтимоий назоратнинг шакллари, жамиятда эркаклар устунлиги мағкурасининг шаклланиши жараёнини, оила, никоҳ муносабатларнинг эркаклар ва аёллар ҳаётига таъсирини, жамиятда гендер тенгисзлик шаклланишига диний қараашларнинг таъсирини, аёллар ва эркакларнинг ижтимоий ҳуқукий мақомини, сиёсатда ва юқори ҳокимият тизимларида хотин-қизлар йўқлигига ва гендер масалаларининг бошқа муҳимлиги булардан кам бўлмаган жиҳатларини ўрганишга қаратилган. [4]

Шундай қилиб хотин қизларни тарихга олиб кириш ва тарихдаги андроцентристликка барҳам бериш мақсадида тарих билимларини қайта кўриб чиқиш ўтган асрнинг 70-йилларида бошланди. Гендер тарихи янги фанлараро илмий ўналишларнинг бир қисми сифатида – аёлларнинг гендер тадқиқотлари Ғарбда 70-йилларининг охири ва 80-йилларнинг бошларида шаклланди. 60 йилларда жадал ривожланаётган аёллар харакати Ғарбий Европа ва Американинг қўплаб ёш тарихчи олимлари тадқиқот обьекти сифатида аёлларни танлаб олишди ва уларнинг ўтмишини ўрганиш ва ҳозирги кунни таҳлил қилиш каби, хар иккала жинсга тегишли маълумотларга таяниш керак деб оқилона ишониб аёллар тарихини ўрганишни бошлашди. Дастрраб, аввал тарихшунослик томонидан унитилган аёлларга нисбатан адолатни тиклаш учун уларнинг ишлаб чиқилган тадқиқотлари нафакат илмий жамоатчилик томонидан балки жинсни белгилайдиган мақом сифатида тан олмаган қўплаб ижтимоий тарихчилар томонидан хам шубҳа билан қабул қилинди. Бироқ 70- йилларнинг иккинчи ярмида содир бўлган жамоат ва касбий онгдаги бурилиш қўплаб субъектив тўсиқларни олиб ташлади. 1980-йилларнинг бошларига келиб Ғарб мамлакатларида хотин-қизлар тарихига оид курсларни ўз дастурларида кирифтган юзлаб олий ўкув юртлари мавжуд бўлиб, уларнинг қўпчилиги талабаларга бу соҳага ихтисослашиш имкониятини яратиб берди. [5]

Ҳозирги гендер ва маданият муаммоси модели камида Зта муҳим ишни ўз ичига олмоғи даркор: 1) қонун билан мустаҳкамланган ва хотин-қизлар томонидан реал амалга ошириладиган маданий ривожланиш ва таълим олиш ҳуқуки, 2) маданият ва санъат ютуқларидан эркин тенг ҳуқуқли фойдалана олиш, 3) гендер фарқларни тан олган ҳолда маданий ва бадиий қадриятларни яратиша қатнашиш. [4]

Ўтмишда мана шу учта санаб ўтилган бандни баб-баравар амалга оширган жамиятни топиш мушкул. Аён бўлиб турибдик, мақсад ҳам ана шуларга эришиш, маданиятда гендер ривожланишининг ҳозирги замондаги жараёни ҳам шу мақсадга қаратилган. Бундай ҳаракатнинг муваффақияти қўп жиҳатдан энг ҳилма-хил анъаналар ва маданиятларда шу соҳада тўпланган улкан тарихий тажриба қанчалик чуқур ва ҳар томонлама назарда тутилишига ва қайтадан англанишига боғлиқдир.

Гендер мезонларини жамоатчилик онгига олиб киришга доир фаолиятини кенгайтириш – бу замон талаби. Бундай фаолият аҳолининг, биринчи навбатда аёллар ва ёшларнинг эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги соҳасидаги дунёқарашини бойитишга, ижтимоий ва гендер мувозанатни вужудга келтиришда гендер сезирлиқ, мўжални аниқ белгилаш кўникмаларини сингдиришга, ҳозирги дунёда тўғрироқ ўналишга эга бўлишга, келажакни бағри кенглик билан, адолатли, барқарор тарзда



кўра билишга, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат режаларини амалга оширишда гендер ёндашувни жорий этиш зарурлигини тушунишга кўмаклашади.

Мустақиллик шароитида хотин-қизлар ҳуқуқларини химоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишидир. Хотин-қизлар сиёсий партияларда, бизнес соҳасида, яъни тенглик сиёсати тарафдорлари тармоғини қенгайтириш учун ҳокимиятнинг реал воситаларига эга бўладиган жойларда тобора нуфузли кучга айланишлари керак. Ҳокимиятнинг турли органларида хотин-қизлар сонини кўпайтира бориб, гендер тенглик сиёсатини амалга оширишда анча жадалликка эришиш мумкин. [2]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5325. 2018 йил 2 февралдаги “Хотин қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, 2016.
3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1995 йил 2 мартағи “Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёллар ролини ошириш чора- тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.
4. Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётига кириш(илмий мақолалар тўплами) Мезенцева Е.Б., Юкина И.И.(илм. муҳар.) Тошкент, 2007.
5. Репина Л. П. Гендер в истории: проблематика и методология исследований. / Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций. М. МЦГИ – МВШСЭН – МФФ, 2001
6. <https://parliament.gov.uz/>
7. <https://finland.fi/>



ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА “ОПТИКА” БЎЛИМИНИ ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДИК ТАЪМИНОТИ (“PV lighthouse” дастурй тизими мисолида)

Х.Н.Қодирова

Ўз Тест ДУК мутахассиси

Андижон Давлат университети эркин тадқиқотчи

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасаларида “Оптика” бўлими мазмунининг илмийлигини ва амалий аҳамиятини таъминлаш билан бир вақтда талабаларни илмий тадқиқотларга фаол жалб этувчи услугу сифатида “PV lighthouse” дастурй тизимидан фойдаланиш ва “PV lighthouse” дастурй тизими ёрдамида талабаларнинг мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришлари учун шакллантирилган илмий-амалий топшириқлар рўйхати (пластина қалинлигининг таъсири, материалнинг таъсири, сиртнинг таъсири, нур қайтишини, ютилишини, ўтишини бошқариш имкониятлари) ишлаб чиқилганлиги ҳақида айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: “PV lighthouse” дастурй тизими, оптик қатлам, нурланиш параметрлари, пластина қалинлигининг таъсири, материалнинг таъсири, сиртнинг таъсири, нур қайтиши ва ютилиши.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРЕПОДАВАНИЯ «ОПТИКА» НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОГО ПОДХОДА. (Пример программного обеспечения PV Lighthouse)

Аннотация. В статье в высших учебных заведениях содержится перечень научно-практических задач для проведения студентами самостоятельных исследований с использованием программы «PV lighthouse» и программы «PV lighthouse» как метода активного вовлечения студентов в научные исследования при обеспечении научной и практической значимости содержание «Оптики» (влияние толщины пластины, эффект материала, эффект поверхности, возврат света, поглощение, возможности управления переходом).

Ключевые слова: программный комплекс PV Lighthouse, оптический слой, параметры излучения, эффект толщины пластины, материальный эффект, поверхностный эффект, возврат и поглощение света.

METHODOLOGICAL SUPPORT OF TEACHING "OPTICS" BASED ON AN INNOVATIVE APPROACH. (PV Lighthouse Software Example)

Abstract. The article in higher education institutions contains a list of scientific and practical tasks for students to conduct independent research using the "PV lighthouse" program and the "PV lighthouse" program as a method of actively involving students in scientific research while ensuring the scientific and practical significance of the content of "Optics" (influence of plate thickness, effect material, surface effect, light return, absorption, transition control capabilities).

Key words: PV Lighthouse software package, optical layer, radiation parameters, plate thickness effect, material effect, surface effect, light return and absorption.

Мамлакатимизда илм-фан, маданият, техника, технологиялар, иқтисоднинг замонавий ютуқлари, мамлакатнинг иқтисоди ва маданиятининг ижтимоий истиқболини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш услубларини тизимли такомиллаштириш эса бугуннинг долзарб масалаларидан биридир [1-26].

Муаллиф томонидан “Оптика” бўлими мазмунининг илмийлигини ва амалий аҳамиятини таъминлаш билан бир вақтда талабаларни илмий тадқиқотларга фаол жалб этувчи услугу сифатида “PV lighthouse” дастурй тизими танлаб олинди.



Аввало “PV lighthouse” дастурий тизими тўғрисида умумий маълумотларга тўхталиб ўтамиз. “PV Lighthouse” веб иловаси 2011 йил июнъ ойида ишга туширилган бўлиб, ҳозирги кунда у Кит Макинтош (Keith MacIntosh), Малкольм Эбботт (Malcolm Abbott), Бен Садбери (Ben Sudbury) ва бошқа бир қанча фотоэлектроника саноати билан шуғулланувчи мутахассислар томонидан кенгайтириб борилмоқда [2-56]. Тизимнинг ҳозирги кундаги фойдаланувчилари сони кескин ортиб бормоқда ва унга мурожаатлар сони бир ойда 10000 дан ортиб кетмоқда.

Мазкур тизим онлайн асосда ишлайди ва дастур ёрдамида бир қанча тадқиқот ишларни амалга ошириш мумкин. Жумладан, қуёш элементларини яратишда танлаб олинадиган материаллар параметрларни киритиб, уларни назарий тахлил қилиш мумкин. Бунинг учун мазкур тизимнинг асосий ойнасидан “CALCULATORS” менюси танланади. Ҳосил бўлган қисм менюдан “WAFERS” бўлимига кирилади. Бу бўлимда “Wafer Dimensions” ва “Wafer ray tracer” буйруқлари мавжуд бўлиб, улардан “Wafer ray tracer”ни танланади. Бу бўлим ёрдамида қуёш элементларининг ёки улар учун танланган базавий материалнинг оптик факторлари – ютилиш, қайтиш ва ўтиш параметрлари ўрганилади. Мухим томони шундан иборатки, базавий материал сифатида бир неча турдаги кремний ва унинг турли қалинликларда танланиши мумкин.

Тадқиқот ўтказиш учун ушбу дастур орқали қуидаги датлабки параметрлар ҳам танланади: “Illumination” – нурланиш параметрлари: зенит бўйича – қуёш тиклик бурчагини танлаб киритилади, спектр – қуёш нури, абсолют қора жисм, галоген ёки ксеснонли лампа каби ёруғлик манбайнинг тури (спектри) танлаб олинади. “Surface morphology” – юза морфологияси: фронтал қатлам – планар, оптик қатлам ёки текстура танланади, шунингдек орқа қатлам учун ҳам – планар, оптик қатлам ёки текстура танланади. “Layer materials” – қатлам материаллари: бу ерда оптик қатлам материалининг тури ва унинг қалинлиги танланади. Шундай имконият яратилганки, бир ва кўпқатламли оптик қатламларни танлаш ва уларни турлича кетма-кетликларда шакллантириш мумкин [3, 3-9].

Мисол тариқасида кремний кристали сиртига тушган қуёш нурининг қайтиши, ютилиши ва ўтишини нурнинг тўлқин узунлигига боғлиқлигини таҳлил этайлик [4,58-60]. Бунинг учун кремний пластинасининг турли қалинликларини танлаб олайлик: 1 ҳолатда $d=200$ мкм, 2 ҳолатда $d=100$ мкм ва 3 ҳолатда $d=10$ мкм. Дастлабки ҳисоблашларни кремний сиртига хеч қандай оптик қатламлар қопланмаган ва текстуралар шакллантирилмаган ҳолатни ўрганайлик.

Ўрганилаётган кремний пластинасини юқоридан (фронтал сиртга) тик тушаётган одатдагидек кундузги бир қуёш ёритилганлик остида тутиб, унда ҳосил бўлиши мумкин бўлган фотогенерация ёки ютилиш токи I_A нинг нур тўлқин узунлигига боғлиқлик микдори ҳисобланади. Ҳисоблаш натижаларини жадвал ёки график кўринишда олиш мумкин. Шунга ўхшаш ҳисоблашлар асосида нурнинг кремний сиртидан қайтиш (I_R) ва ундан ўтиш (I_T) кўрсаткичларини аниqlаш мумкин.



Кремний пластинаси учун ҳисоблаш натижаларининг умумий қайтиш $R(\lambda)$, ютиш $A(\lambda)$ ва ўтказиш $T(\lambda)$ кўрсаткичларининг нур тўлқин узунлиги (λ)га боғлиқлигини график кўринишида ифодаланишини расм -1 да кўриш мумкин.




Расм-1. Қалинлиги $d=200$ мкм бўлган кристал кремний пластинаси учун нур қайтариш, ютиш ва ўтказиш кўрсаткичининг нур тўлқин узунлигига боғланиш спектрал графиги

Кремнийнинг пластинасининг турли қалинликлари учун расм-1 да келтирилгандек график ёки жадвал маълумотлари олинади. Улардан фойдаланиб, физик нуктаи-назардан таҳлил қилиш учун қулай бўлган иккиласми боғланиш графикларини ёки жадвалларини олиш мумкин. Расм-2 да турли қалинликдаги кремний пластинаси нур ютиш кўрсаткичининг нур тўлқин узунлигига боғланиш графиги ($1-d=200$ мкм; $2-d=100$ мкм; $3-d=10$ мкм) келтирилган. Шунингдек, расм-3 да эса, турли қалинликдаги кремний пластинаси нур ўтказиш кўрсаткичининг нур тўлқин узунлигига боғланиш графиги ($1-d=200$ мкм; $2-d=100$ мкм; $3-d=10$ мкм) келтирилган [5, 264-266].

Бундай натижаларни таҳлил этар эканмиз, расм-2 ва расм-3 даги 1, 2 ва 3 эгри чизикларнинг нур тўлқин узунлигининг ортиб бориши билан бир-биридан тубдан фарқ қилишини кремнийда тўлқин узунлиги ҳар хил бўлган фотонларнинг ютилиш кўрсаткичларининг турлича қийматларга эга бўлиши билан боғлиқлигини тушунтиришимиз мумкин. Нурнинг ютилгандан қолган қисмини кремний пластина орқали ўтишини расм-3 даги эгри чизиклар билан тушунтирилади.



Расм-2. Кремнийдаги қалинликдаги кремний пластинаси нур ютиш кўрсаткичининг нур тўлқин узунлигига боғланиш графиги: 1— $d=200$ мкм; 2— $d=100$ мкм; 3— $d=10$ мкм.





Расм-3. Турли қалинликдаги кремний пластинаси нур ўтказиш кўрсаткичининг нур тўлқин узунлигига боғланиш графиги: 1—d=200 мкм; 2—d=100 мкм; 3—d=10 мкм.

Демак бу усул ёрдамида талабалар амалий жиҳатдан қуёш элементларининг ёки улар учун танланган базавий материалнинг оптик факторлари – ютилиш, қайтиш ва ўтиш параметрларини ўлчашни, хисоблашлар асосида нурнинг кремний сиртидан қайтиш (I_R) ва ундан ўтиш (I_T) кўрсаткичларини аниқлашни, жадваллар ва графиклар билан ишлашни ўрганади. Илмий жиҳатдан эса олинган маълумотларга таяниб физик нуқтаи-назардан статистик маълумотларни таҳлил этишни, эгри чизиклар нур тўлқин узунлигининг ортиб бориши билан бир-биридан тубдан фарқ қилишини, кремнийда тўлқин узунлиги ҳар хил бўлган фотонларнинг ютилиш кўрсаткичларининг турлича қийматларга эга бўлишини физиканинг асосий тушунчалари, қонунлари, назарияларини илмий мушоҳада қилишни ўрганади.

“PV lighthouse” дастурий тизими ёрдамида талабаларнинг мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришлири учун шакллантирилган илмий-амалий топшириқлар рўйхати (пластина қалинлигининг таъсири, материалнинг таъсири, сиртнинг таъсири, нур қайтишини, ютилишини, ўтишини бошқариш имкониятлари) ишлаб чиқилди.

Демак ўрганилган дастурий тизим ёрдамида талабалар ва ўқитувчилар тадқиқотлар бажариш яъни сиртга оптик қатламлар қоплаш ёки мунтазам текстуралар шакллантириш орқали нур қайтириш, ютиш, ўтказиш кўрсаткичларини ўзгартириш ва оптималь шарт шароитларни аниқлаш, олинган натижаларни, графикларни физик қонун, тушунчалар асосида таҳлил қилиш, мустақил тажрибалар ўтказиш, мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришлири мумкин. Бу эса уларда мустақил фикрлаш, ижодий ёндашиш, интернет материалларидан унумли фойдаланиш, илмий текшириш ишлари бўйича қўнишка ва малакалар шаклланишига хизмат қиласди.

Адабиётлар

1. “Олий таълим тўғриси”даги Низом, Олий таълимнинг мақсад ва вазифалари - 2018 йил, 2-боб.
2. С.Б.Туранов Энергоэффективная адаптивная оптико-электронная система облучения. // диссертация канд. наук. 2019, Томс, -144 с.
3. С.Зайнабидинов, Р.Алиев, М.Муйдинова, Б.Урманов Об оптической эффективности кремниевых фотоэлектрических преобразователей солнечной энергии. // Гелиотехника (Applied solar energy), т. 50, №5, 2018, С. 3-9.
4. С.С.Насриддинов, М.А.Муйдинова Цифровое моделирование процесса оптимизации антиотражающих покрытий для кремниевых солнечных элементов. // Национальная ассоциация ученых (НАУ). Ежемесячный научный журнал. 2020, № 56, С. 58-60.
5. С.Зайнабидинов, Р.Алиев, М.Муйдинова Особенности поглощения излучения в кремнии с поверхностью текстурой и излучение на свойства фотоэлектрических преобразователей. // Международный научный журнал «Альтернативная энергетика и экология» 2019, № 28-33. С. 264-266.



ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ТАЛАБАНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ВА ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Ў.Х. Қурбанова
ТДТУ, ф.м.-ф.н.,

Аннотация. Бу мақолада таълим тизими учун кадрлар тайёрлашда талабанинг ижодий фаолияти ва тафаккурини ривожлантириш усуллари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилганлиги ва бугунги кунда бу масала жуда долзарб эканлиги баён қилинган. Бу масала амалда “Устоз-шогирд” тизими ва талабаларнинг мустақил фаолият олиб боришлари натижасида ижобий ҳал қилиниши кенг ёритилган. Муаллиф Курбанова Ў.Х. педагогик фаолияти давомида соҳа бўйича етук кадрлар тайёрлашда шундай мавзуга бағишлиланган ва уларнинг ечими кўрсатилган кўплаб илмий-услубий мақолалар чоп эттирган ва талабалар томонидан ўқув- лаборатория қурилмаларини яратишиларига раҳбарлик қилган.

Калит сўзлари: устоз-шогирд, фотоэлемент, ички фотоэффект, ташки фотоэффект, ўқув лаборатория қурилмаси, ёруғлик энергияси, мустақил иш, куёш энергияси.

МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И МЫШЛЕНИЯ СТУДЕНТОВ ПРИ ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ ДЛЯ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация. В данной статье изложены исследовательские работы по методам развития творческой деятельности и мышления студентов при подготовке кадров для системы образования и актуальность данной задачи в настоящее время. Широко освещены пути положительного решения этой задачи на практике с помощью системы “Наставник- ученик” и в результате ведения самостоятельной работы студентов. Автор Курбанова У.Х. в течении своей педагогической деятельности при подготовке кадров по специальности опубликовала множество научно-методических статей посвященной данной тематике и показала пути их решения, а также руководила созданием учебно-лабораторных приборов студентами.

Ключевые слова: наставник-ученик, фотоэлемент, внутренний фотоэффект, внешний фотоэффект, учебно-лабораторный прибор, световая энергия, самостоятельная работа, солнечная энергия.

METHODS FOR THE DEVELOPMENT OF CREATIVE ACTIVITY AND THINKING OF STUDENTS IN TRAINING PERSONNEL FOR THE EDUCATION SYSTEM

Annotation. This article presents research work on the methods of developing students' creative activity and thinking in training personnel for the education system and the relevance of this task at the present time. Ways of a positive solution to this problem in practice with the help of the “Mentor-student” system and as a result of students' independent work are widely covered. Author Kurbanova U.Kh. in the course of her pedagogical activity in the training of personnel in the specialty, she published many scientific and methodological articles on this topic and showed ways to solve them, and also supervised the creation of educational laboratory devices by students.

Key words: mentor-student, photocell, internal photoelectric effect, external photoelectric effect, educational laboratory devices, light energy, independent work, solar energy.

Малакали ва маънавиятли мутахассислар тайёрлашнинг илмий асосланган йуналишларидан бири бу “Устоз-шогирд” тизимидир. Бу тизимнинг асоси, бакалаврият йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларни I курсдан бошлаб, мутахасислик кафедра ўқитувчилари ва уларнинг илмий йўналишлари, лаборатория тажриба қурилмалари билан



алоҳида-алоҳида умумий сұхбат тариқасида ҳар томонлама таништириш йўли билан талабаларни ўз хоҳиши, салоҳияти ва қизиқишлиарини инобатга олган ҳолда 3 - 4 та талабаларни ўқитувчиларга биритиришдан иборатdir. Бу деган сўз ўқитувчи раҳбарлигига 3-4 талабадан иборат кичик ижодий гурӯҳ ташкил этишдир. Бунда гурӯҳ илмий раҳбари: устоз, кафедра илмий йўналиши асосида илмий гурӯхнинг умумий иш режасини тузиши, уни кафедра мажлисида муҳокама қилиниши ва тасдиқлангандан сўнг гурӯҳ аъзоларига батафсил тушинтириб бериши лозим. “Устоз-шогирд” услубида мутахассислар тайёрлашнинг энг асосий афзалликлари шундан иборатки:

- биринчидан талаба II - курсдан бошлаб, университетни тамом-лагунга қадар битта устоз раҳбарлигига ҳамма вақт унинг назоратида бўлади. Устоз унинг энг яқин катта дўсти сифатида талаба ҳаётининг барча томонларидан, яъни иқтисодий, маънавий, ўкув, илмий, оиласвий масалаларидаги муаммоларидан хабардор бўлиши билан бирга, уларнинг муаммоларини ижобий ҳал қилиш масаласида талабага яқин ишончли ёрдамчи бўлиб қолади. Энди талаба ўзини бу ўкув даргоҳида ишончли “бошпана” остида эканлигини ҳис этади, чунки унинг энди маслаҳат берадиган, ёрдам кўрсатадиган раҳбари бор.

- иккинчидан. талабанинг 3 йил давомидаги танлаган мавзуси бўйича илмий фаолияти унга аниқ ва равшан бўлгани учун, у энди бутун дикқатини, вақтини ва салоҳиятини мана шу топширилган вазифани бажаришда аниқ мақсад сари йўналтиради. Бу эса уни кун сайин, ой сайин шу соҳа бўйича интилишга, илгарилашга ва кўпроқ натижаларга эришишга олиб келади. Чунки унинг мақсади, иш бажарадиган жойи ва лаборатория тажриба ускуналари аниқ, устида меҳрибон устози-маслаҳатчиси ва йўл - йўриқ кўрсатувчиси бор.

- учинчидан “Устоз-шогирд” тизимида 3-4 та талаба бўлганлиги умумий илмий йўналиш бирлиги, илмий раҳбар бирлиги, уларни “кичик” илмий жамоа сифатида шаклтанишига, ўзаро ҳам илмий, ҳам ўкув, ҳам маънавий-маърифий масалаларда, ҳаттоқи юриш - туриши, муомала ва кийиниш маданияти масалаларида ҳам ижобий натижаларга эришишлари мумкин.

-тўртинчидан унверситет. кафедра, умуман жамоатчилик учун зарур бўлган, бўлажак юқори малакали мутахассислар тайёрлашда иқтидорли ёшлар танлашнинг энг асосий манбай ҳам мана шу “Устоз-шогирд” тизими бўлиб қолади. Чунки бундай тизим услубида вояга етган талабада илмга қизиқиши, илмий иш олиб бориш кўнимкалари аниқ ва шаклланган бўлиши билан бирга, уларда энди шу даргоҳда устозлар билан ишласа албатта катта натижаларга эришиш мумкинлигига тўла ишонч ҳосил қилиш юзага келади. Юқоридаги айтилган гапларни исботи сифатида кафедрада академик М.К.Баходирхонов раҳбарлигига ташкил қилинган илмий мактаб негизида “Устоз-шогирд” тизими асосида 10 дан ортиқ фан докторлари ва 40 дан ортиқ фан номзодлари тайёрланди.

“Устоз-шогирд” тизимида яна асосий масалалардан бири гурӯҳ раҳ-бари-устознинг салоҳияти, маънавияти, талабалар билан ишлаш қобилияти, уларни илмга қизиқтириши ва энг асосийси ўзини талабалар олдида ишончли ва меҳрибон, уларга ҳар томонлама намуна ва ўрнак бўладиган устоз сифатида уларнинг ишончини қозониши лозим. Бу масалада кафедра мудири ва кафедра жамоаси ўз устида юксак маъсулият олган ҳолда, устозлар фаолиятини тез-тез муҳокама қилиши ва талабалар нуқтаи назаридан қарашлари лозим.

Жамият тараккиётини ривожлантиришда малакали ёш мута-хассисларга қўйиладиган асосий талаб, бу нафақат унинг назарий билимларини яхши эгаллаши, шу билимлар асосида олдига қўйиладиган аниқ масала ва муаммоларни мустақил даражада ечишдан иборатdir. Шунинг учун талабаларга улардан маълум миқдорда ижобий тафаккурни талаб қиласиган, чуқуррок ўйлашга, илмий техникавий билимларга ва кўнимкаларга эга бўлишга ундейдиган, ҳозирги замон фан - техника ютуқларига асосланган мустақил ишлар мавзуларини тақдим этиш зарур. Уларни бажариш жараёнида ўқитувчиларнинг доимий, илмий, амалий кўнимка-назорати бўлиши, талабаларнинг қизиқиши ва ижодий ёндашишини кучайтиради.

Куйида 3-курс талабалари томонидан бажарадиган бир мустақил ишни мисол тариқасида келтирмокчимиз. Мавзу: “Куёш энергиясини фотоэлементлар ёрдамида



энергиянинг бир турдан бошқа турларига айланишини намойиш этувчи тажриба қурилмасини яратиш". Бу ишдан максад:

1. Қўёш битмас-туганмас, тоза энергия манбаси эканлиги, унинг энергияси қандай ҳолда ерга етиб келиши ҳақида тўла маълумот.
2. Фотоэлементлар ўзи нима? Фотоэлементларнинг тузилиши, параметрлар катталиклари, турлари ва уларнинг яратилиш технологиялари ҳақида тўлик маълумотлар йиғиш ва ишлатиш.
3. Ички фотоэффект нима? Қачон ва қандай шароитда рўй беради ва унинг тажрибада кузатиш усуллари ҳақида маълумотлар тўплаш.
4. Қўёш энергияси - яъни ёруғлик энергиясини электр энергиясига фотоэлементлар ёрдамида айланишининг физикавий моҳияти.
5. Фотоэлементлар электр манбаси, яъни батарея сифатида ишлашини тўла тасаввур қилиш ва тажрибада кўрсатиш.
6. Фотоэлементлар асосида ҳосил қилинган энергия миқдори нималарга боғлик эканлигини аниқлаш.
7. Олинган энергияни яна қандай энергия турларига айлантириш мумкин эканлигини тажрибада намойиш қилиш.

Бу тажрибани кўрсатиш ва тушунтириб бериш З та талабага таклиф этилган. Уларнинг учта қўрилмалари муҳокамадан ўтиши нати-жасида барча фикр ва таклифлар ҳисобга олиниб, камчиликлари туза-тилган ҳолда қурилманинг охирги якунланган кўриниши яратилди. Бу жараёнда бўлиб ўтган жуда кўп муҳокама ва баҳслар шуни кўрсатдики, талabalарнинг бу ишга ижодий ёндашуви, уларнинг ижодий тафаккури кун сайин ошиб борганлиги, уларда ўзларига ишонч тобора ортаётганлиги ва топширилган ишни юкори савияда бажаришга интилиши ва қизики-шининг ортиб бориши, энди ёш талabalарнинг ижодкор сифатида шаклланганликлари намоён бўла бошлади. Қуйида қўёш элементи асосида яратилган ўқув лаборатория қурилмаси кўрсатилган (1-расм).



1-расм. Қурилманинг ташқи кўриниши

Бу яратилган қурилма ёруғлик энергиясини тўғридан - тўғри механик энергияга, яна қайтадан ёруғлик диодлари ёрдамида ёруғликка ва товуш сигналларига айланишини тўлик намойиш этади. Бу тажриба қурилмаси мактаб ва лицей ўқувчиларида - Қўёш энергиясидан ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида зарур бўлган энергия турларини олиш мумкинлигини, қўёш мавжуд экан у доимий тоза энергия манбаси эканлиги хамда ундан унумли фойдаланиш йўлларини излаш ва такомиллаштириш фикрларини ўйғотади [1-5]. Бу тажриба қурилмаси ёрдамида талabalар фотоэлемент юзасига тушаётган қўёш нурлари оқими ва нурлар рангини (спектрларини) бошқариш йўли билан олинаётган энергия миқдорини билиш мумкин эканлигини намойиш этиш мумкин.



Яратилган ўқув лаборатория қурилмалари мавжуд қурилмалардан энг асосий афзаллик томонлари қуидагича: - бу ўқув лаборатория қурилмалари умуман хавфсиз, чунки унинг ишлаши учун ҳеч қандай ташқи электр манбаларига уланиш учун зарурат бўлмайди. - ўқув лаборатория қурилмалар ўқувчилар ва ўқитувчиларни ижодий фикрлашга, чуқур тафаккур қилишга, энг асосийси эса унинг имкониятлари негизида янада қўпроқ ҳамда қизиқарлироқ тажрибалар ўтказишга замин яратади: - бу ўқув лаборатория қурилмалар ёрдамида - қуёш бу доимий тоза ва текин энергия манбаси эканлиги, инсоният келажаги учун асосий энергия манбаси бўлиб қолишига ҳамда Ўзбекистон учун қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятларини тушинишга ва тарғиб этишга ундейди. - қурилмалар ишлашга қулай, кўриниши жиҳатидан ўқувчиларни ўзига жалб қила оладиган, ташқи таъсирларга чидамли, ҳар қандай шароитда (электр энергияси мавжуд бўлмаган жойларда) ишлай олади. Уни узок муддат давомида ишлатиш мумкин. - бу ўқув лаборатория қурилмалари ҳозирги вақтда дунёда жуда тез ривожланаётган фотоэнергетика ва янги ишга тушаётган жуда катта қуёш электр станциялари моҳиятини тушунишга ёрдам беради.- бу қурилмалар, бирон - бир бошқа асбоблар ёрдамида намойиш этиш ва моҳиятини тушинтириш мумкин бўлмаган физик ҳодисалар, яъни ички фотоэффект ҳодисасини ва қуёш нурини тўғридан тўғри электр энергиясига айланиши жараёнини намойиш эта олади. - бу қурилмалар ҳозирги замоннинг энг илғор фан йўналиши бўлган - электроника ва микроэлектрониканинг ютуқларини бевосита таълим соҳасига тадбиқ қилишга ҳамда ўқувчиларнинг бу жараёнларни чуқур тушунишларига ёрдам беради. - энг асосийси бундай қурилмалар ўзимизда Ўзбекистоннинг ёш олимлари томонидан яратил-ганлиги ва ишлаб чиқарилганлиги, бундан ташқари кўплаб шунга ўхшаш янада мукаммалроқ, яхшироқ ҳамда кўп қиррали бундай қурилмалар яратиш биринчи қадам эканлигидан дарак беради.

Фойдаланган адабиётлар

1. Зикриллаев Н.Ф., Қурбонова Ў.Х., Раҳмонов Б.Р., Сайтов Б.Р. Қуёш элементларини ишлатишида оптик ҳодисалар қонуниятларидан фойдаланиш// Техник таълим тизимида инновацион педагогик технологияларни жорий этиш. Республика илмий-амалий анжумани. Маъруза тўплами. Тошкент, 2013. 229-230 б.
2. Ў.Х. Қурбонова, Б.Р. Раҳмонов, У.Х. Содиков, О.Э. Сатторов, С.Б. Исамов, С.А. Валиев. Тарабанинг ижодий фаолияти ва тафаккурини ривожланишида мустақил ишларни ўрни. “Юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Бухоро-2016й. 178 бет.
3. Ў.Х. Қурбонова, А.А. Сатторов, Б.Р. Раҳмонов “Фотоэлектрик ҳодисалар моҳиятини намойиш этувчи қуёш элементи ёрдамида яратилган тубдан янги ўқув лаборатория асбоблари”// “Ta’lim texnologiyalari” ilmiy-uslubiy jurnalı. №3 2018 й. 54-576.
4. О’Н. Qurbonova, A.A. Sattorov “Uzlaksiz ta’lim tizimida fizika fanining o’ziga xos jihatlari”// “Xalq ta’limi” ilmiy-uslubiy jurnalı. №4, 2019й. 48-536.
5. Ў.Х. Қурбонова, А.А. Сатторов Қуёш элементи ёрдамида энергиянинг бир турдан бошқа турларга узлуксиз ўтишини намойиш этувчи ўқув лаборатория қурилмаси. Fan va jamiyat ilmiy-uslubiy jurnalı. Нукус давлат педагогика институти. №3 2020й 11-13 б.



РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ

Арипжанова Махфузা Акмаловна

Тошкент тўқимачилик ва
енгил саноат институти асистенти
aripjanova83@mail.ru

Мақолада республикамизда тикув-трикотаж соҳасини ривожлантиришда инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва унда хотин-қизлар фаолиятини ошириш масалалари ёритилган.

Таянч иборалар: инновацион технологиилар, тикув-трикотаж буюмлари, ишлаб чиқариш, анимация, мультимедия

РОЛЬ ЖЕНЩИН В ОБЩЕСТВЕ В РАЗВИТИИ ШВЕЙНО-ТРИКОТАЖНОГО ПРОИЗВОДСТВА В СТРАНЕ

В статье рассматривается внедрение инновационных технологий в развитие швейной промышленности страны и продвижение женской активности.

Ключевые слова: инновационные технологии, швейные трикотажные изделия, производство, анимация, мультимедиа

THE ROLE OF WOMEN IN SOCIETY IN THE DEVELOPMENT OF GARMENT AND KNITWEAR PRODUCTION IN THE COUNTRY

The article discusses the introduction of innovative technologies in the development of the country's garment industry and the promotion of women's activity.

Key words: innovative technologies, sewing knitwear, production, animation, multimedia

Бугунги кунда енгил саноат республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сон Фармони ва 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4453-сон қарорларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, унда янги инновацион технологииларни қўллаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичини оширишга алоҳида аҳамият берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги “Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 919-сон қарори ва 5 та муҳим ташаббуснинг 5-ташаббусида ҳам айнан республикамизда хотин-қизларни иштирокини оширишга уларни тадбиркорлик билан шуғулланишларига кенг имкониятлар яратиш вазифа қилиб белгиланган.

Жамият ривожини аёл-қизларсиз, уларнинг иштирокисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Хотин-қизларнинг оилада, жамиятда тутган ўрни бекиёс. Оқила, гўзал аёлларимиз ўзларининг меҳри, ғамхўрлиги билан оилада, қолаверса, бутун жамиятда поклик, самимият ва юксак маънавий мухитини шаклланишига бекиёс хисса қўшиб келмоқдалар.

Тикувчилик касби билан ўзбек хотин-қизлари азалдан шуғулланиб келишган. Тикувчилик воситалари, кийимларга ишлов бериш усуллари халқимизнинг моддий ва маънавий савиёси, иқлим шароити, эҳтиёж ва имкониятлари, урф-одатлари заминида тараққий этиб келган. Яна бир жиҳат, ўзбек қизларини беш ёшдан бошлаб оналари, опалари бичиши-тишишга пухта ўргатишган. Деярли барча қизлар чок ишларини, дўппи тикиш, сўзана ва



кашталарга нақш солиши мукаммал билишган. Одобда солиҳа, фикрида зебо бўлиб улғайишган.

Бугунги кунга келиб республикамида бир қатор тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Республикаизда ишлаб чиқарилаётган тикув-трикотаж маҳсулотлари турли давлатларга экспорт қилинмоқда. Ўзбекистоннинг ички ва ташки бозорини сифатли тикув-трикотаж маҳсулотлари билан таъминлашда корхоналарни ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, унда тажрибали кадрларни ишлашини таъминлаш асосий масалалардан бири хисобланади.

Бунда корхоналарга мутахассислар етиштириб берувчи олий таълим муассасларини ҳам ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Шиддат билан ривожланаётган техника ва технологиялар олий таълим муассасаси мутахассисларига ҳам бир қатор талаблар қўймоқда. Яъни таълим бериш жараённида ихтисослик фан ўқитувчиларига қўйилаётган талаблардан бири бу замон билан ҳамнафас бўлиш, яъни замонавий техника-технологияларни билиши, интернет тармоғи ва унда мавжуд турли хилдаги фанга оид дастурлардан фойдалана олиши зарур. Чунки илмий техник тараққиёт ютуқларини биринчи навбатда акс эттирадиган энг муҳим соҳалардан бири бу таълим соҳаси хисобланади.

Бизга маълумки, инсон маълумотларни ўзлаштириш даражаси ўқиган вазиятда – 10%, эшитган вазиятда – 20%, кўрган вазиятда – 30%, эшитган ва кўрган вазиятда – 50% хотирада қолади. Шу кўрсаткичларни инобатга олсак, ўқув жараёнига кенг форматли коммуникацион технологияларни жорий қилиш, назарий таълим билан амалиётни узвийлигини таъминлаш талabalarda фанга нисбатан қизиқиши оширишига, уларда тасаввур қилиш қобилиятини ривожланишига ва мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришга, баён қилган маълумотлар, нарса ва ҳодисаларни идрок қилишларига, мавзуни мукаммал тушунишларига, билимларини мустаҳкамлашга ва амалда қўллашларига ёрдам беради. Бу эса уларни келажакда етук мутахассис бўлиб етишишларига асос бўлиб хизмат қиласди.

Ҳар бир соҳада амалиёт назарий билиш тараққиётининг асоси бўлиб хизмат қиласди. Назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида талabalarni Республика ва ҳалқaro миқиёсида ташкил қилинаётган лойиҳаларда, мода ҳафталикларида талabalari иштирокини таъминлаш, уларни илмий изланиш олиб боришга ундаш, ишлаб чиқариш шароитлари билан олий таълим муассасаси ўқув жараёнларини ўзаро боғлаш, ишлаб чиқариш ва малака амалиётларни айнан иш берувчи корхона билан тузилган шартномага мувофиқ ташкил қилиниши талabalarni амалиёт даврида янги моделларни яратиш ва конструкциясини қуриш, андозаларни тайёрлаш уларни бичиши ва тикиш жараёнлари билан батафсил танишишларига, тегишли ҳолатда у ердаги технологик жараёнларда иштирок этишиларига имконият яратади. Бу эса талabalarni соҳага бўлган қизиқишиларини ортишига ва келажакда мустақил равишда ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилиб хотин-қизлар учун иш ўринлари яратишларига туртки беради. Албатта бу жараёнларни ташкил қилишда амалиёт ўз давридаги назарияга, билимга мос келишига аҳамият бериш лозим.

Корхоналарда фаолият юритадиган модельер-дизайнер, конструктор, технолог хаттоқи корхона раҳбари ҳам аёллардан ташкил топгани бугунги кунда аёлларга билдирилган ишончдан дарак беради. Чунки тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда аёлларнинг диди, бой тажрибасига таянилса ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам истеъмолчиларнинг талабига жавоб бериши шубҳасиз. Бугунги кунга келиб тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида айнан аёлларимиз томонидан бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда, янгиликлар яратилмоқда. Масалан, янги технологияларни кўллаб кийим ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, турли соҳа вакиллари учун янги конструкцияли кийимлар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга тавсия қилиш ва х.к.з.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, ички ва ташки бозоримизни сифатли маҳсулотлари билан таъминлашда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни бекиёс.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4453-сон қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги “Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 919-сон қарори
4. Да.Абдураҳимова, Ра.Мавлонова “Педагогик маҳорат” ўкув қўлланма Тошкент- “Фан ва технология” 2012 й.



ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИННОВАЦИЯЛАР

Ш.И.Низамова

Низомий номидаги ТДПУ

Аннотация. Ушбу маколада таълим тизимидағи инновацион ўзгаришлар тўғрисида ўзгаришлар тўғрисида фикр билдирилади. Соҳани ривожлантириш юзасидан раҳбарнинг иқтисодий масалалар билан шуғулланишдаги инноваторлик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Инновацион фаолиятнинг мазмуни ва инновацион маданият тушунчалари ёритилган.

Калит сўзлар: инновация, инновацион ривожланиш, иқтисодий муаммолар, инновацион инсон, инновацион муҳит, инновацион фаолият, инновацион маданият.

Аннотация. В этой статье дается понятие об инновационных изменениях в области образования. Приводятся сведения об инноваторских способностях руководителя, применяемые для решения экономических вопросов в целях развития отрасли. Освещаются понятия такие как смысл деятельности и инновационная культура.

Ключевые слова: инновация, инновационное развитие, экономические проблемы, инновационная личность, инновационная обстановка, инновационная деятельность, инновационная культура.

Annotation. This article provides a concept of innovative changes in the field of education. The article provides information about the innovative abilities of the manager, used to solve economic issues for the development of the industry. Concepts such as the meaning of activity and innovation culture are highlighted.

Keywords: innovation, innovative development, economic problems, innovative personality, innovative environment, innovative activity, innovative culture.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида эътироф этилган давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилишдек долзарб вазифаларни амалга ошириш инновацион ривожланишнинг кўлами ҳамда суръатига боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, инновацион ривожланиш раҳбарларда, хусусан, турли ташкилот, корхона ва фирма ходимлари, мутахассисларида инновацион билимларга асосланган фаолият билан шуғулланиш имкониятини ҳамда муайян амалий тажрибани шакллантиришни тақозо этади. Бошқача айтганда, инновацион ривожланиш “инновацион раҳбар”ни шакллантиришни талаб этади. Инновацион раҳбар эса кенг маънодаги ибора бўлиб, у мамлакат ҳар бир фуқаросининг ижтимоий ҳаётда, иқтисодий тараққиётда, фан ва технологиялар ривожланишида рўй бераётган ўзгаришларнинг фаол ташаббускори, яратувчиси бўлишини ва бу ўзгаришлар унинг ҳаётий принципларининг ажралмас қисми бўлиб қолишини англаради. Бу ҳар бир раҳбардан инновацион муҳитда ўзининг бошқарувчанлик қобилияти, қизиқиши, салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши деганидир. Инновацион муҳит раҳбарларга ва у бошқараётган қилаётган таълим муассаса (корхона)га жуда юқори талабларни кўяди. Раҳбардан узлуксиз таълим тизимиға тайёр бўлиш, ўз устида тинимсиз ишлаш, мустақил таълим олиш билан шуғулланиш, доимо янгиликка интилишни, бажарилаётган ишларни танқидий таҳлил қилиш, жамоани бошқара олиш лаёқати борлигини кўрсатишни, ракобатбардошлиқ муҳитида фаол бўлиш кўнимасини намоён этиш, ишга ижодий ёндашибдан иборатдир. Бундан ташқари раҳбар хорижий тилларни мулоқот қилиш учун пухта эгаллаши зарур, бу албатта хорижий давлатлардиги янгиликларни ва тажрибаларни ўрганишга имконият беради. Бу барча эътироф этилган қобилият ва сифатларни шакллантиришда давлатнинг нафақат бир соҳадаги (таълим соҳаси



назарда тутилмоқда), балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги муҳитни ўзгартириб, инсонларнинг қобилияtlарини тўла намоён қила оладиган ҳамда меҳнати рағбатлантириладиган шароитни яратишга қаратилган сиёсати бўлиши лозим. Бугунги куннинг талаби бу шитоб билан ривожланиб бораётган давр талабларга жавоб берадиган “инновацион раҳбар”ни шакллантириш вазифаси мамлакатимизда давлат томонидан амалга оширилаётган таълим соҳасидаги сиёсатнинг муҳим йўналишларини, айниқса, таълим соҳасини тубдан янгилашни талаб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “инновацион фаолиятини рағбатлантириш, инновация ютуқларини амалиётга жорий этишининг самарали механизмларини яратиш” каби устувор йўналишлар белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида мазкур жараённи тадқиқ этиш ва таҳлилий йўналишга эга бўлган педагогик тизим сифатида кўриб чиқиш зарурдир.

Республикамизда таълим соҳаси инновацион йўналишда ислоҳ қилинар экан қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим. Таълим тизимининг дастлабки босқичи ҳисобланган мактабгача таълим тизимини мазмун-моҳият, технология, методлар, тубдан янгилаши зарур. Бунинг учун айнан шу талабларга жавоб берадиган глобал миқёсда рақобатбардош бўлган раҳбарлар ва менежерларнинг янги тоифасини шакллантиришdir керак. Бу жараён ҳамкорликда фаолият натижасидир. Асосий эътибор бунда таълим тизимининг узлуксиз бўлишини, иқтисодий фаол аҳолининг, ходим ва мутахассисларнинг ўз малакаларини доимий равишда ошириб боришлини рағбатлантиришни, бунинг учун қулай шарт-шароит яратилишига қаратилишини тақазо этади.

Бугунги давр яратилаётган технологияларнинг тез оммалашиши, олинган билимларнинг тез эскириши, қадрсизланишини, ижтимоий-иқтисодий тизимда бўлаётган тузилмавий ўзгаришлар, раҳбарлик фаолияти давомида молиявий иқтисодий камчиликларга йўл қўйилганлиги суръатини раҳбарларда тезкор, креатив, жараёнларни танқидий таҳлил қилиш қобилиятини, катта ҳажмдаги янги ахборотларни қабул қилиш, қиёслаш, ўзлаштириш ва улардан ўринли фойдаланиш қобилияtlарини шакллантириш зарурлигини кўрсатмоқда. Янгиликлардан орқада қолмаслик учун шароит тақозо этса, бир неча фаолият турини мукаммал эгаллаш қобилиятига ҳам эга бўлиши шарт. Бундан ташқари ёшларнинг креативлигини қўллаб-куватлатлаган ҳолда уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантирувчи тизимни яратиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу тизимда мактаб ўкувчилари ва талabalар ўртасида ўтказилаётган турли кўрик танловлардаги иштироки, ёш дастурчилар, техник ҳамда мутахассисликлар бўйича қўшимча дастурларда ва лойиҳаларда иштирок этишини таъминлаш ва қўллаб-куватлаш масаласига эътиборни қаратиш лозим. Жамиятда инновацион фаолият юритаётган раҳбарларнинг обрўсини ошириш, инновацион маданиятни тезкор шакллантириш масалаларига ҳам эътиборини қаратиш бугунги куннинг муаммосидир. Бу борада ижтимоий хизмат кўрсатиш турларининг буткул янги кўринишлари (инновацион музейлар ташкил этиш, замонавий кинотеатрлар қуриш, интерактив сервисни кенгайтириш, таълим тизимининг буткул янги инфратузилмасини яратиш) ва бошқаларни жорий этиш давр талабидир. Инновацион маданиятни шакллантириш янада сермазмун, оммабоп, маърифий телерадио кўрсатув ва эшиттиришларини кўпайтириш, автоматлаштирилган электрон ахборотлар манбаларига кенг йўл очиб беришни тақозо этади. Инновацион фаолиятни юксалтириш, таълим тизимини такомиллаштиришда илмий оммабоп китоб ҳамда журналлар, айниқса, ёшлар, ўсмирларга мўлжалланган нашрлар кўплаб яратилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Мактаб ўкувчиларини илм-фан, техника соҳасидаги ютуқлар билан таништириб бориш, уларда билимга бўлган қизиқишини уйғотади, талантли ёшларни аниқлаш имконини беради ҳамда уларда илмий фаолият билан шуғулланишга қизиқиш уйғотади. Инновацион фаолият қачон ривожланади агарда раҳбарлар томомнидан соҳалар ўртасида ҳамкорлик ташаббускорлиги йўлга қўйилган бўлса. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бошқа соҳаларнинг иқтисодий ривожланганлиги ва барқарорлиги айнан таълим соҳасидаги инновацион ўзгаришларнинг натижасида яратилганлиги маълум. Демак, инсон капитали мамлакат ривожланишининг кафолати ҳамда хар қандай давлатнинг янги босқичга кўтарилишини таъминловчи кучдир. Инновацион ғоя муаллифларининг давлатимиз



томонидан қўллаб-қувватланиши уларга ўз қобилиятини ва салоҳиятини тўлалигича намоён этиш имкониятини беради. Инновацион таълим тизими мамлакатда интеллектуал қатламни яратишга, ҳар бир инсоннинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилиши керак. Айни пайтда, бу таълим тизими барчага баробар очик ҳамда юқори сифат даражасида бўлиши лозим. Инновацион таълим нафақат раҳбарларнинг касбий ўсишини, ижтимоий мақомини, балки улар ҳаётининг мазмунини ҳам белгилаб бериши керак. Хулоса қилиб айтганда, инновацион раҳбар таълим инсонда мустақил ҳамда ижодий фикрлашни тарбиялаш билан бир қаторда, у ходимларнинг ўзини намоён этишига, тинмай илмга интилишига, янги-янги билимларни ўзлаштиришига, қисқаси инновацион маданиятнинг шаклланишига хизмат қиласиган тизим бўлиши лозим.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. –Т., 2017. – Б.39
2. Ортиков.А. Инновацион таълим қандай бўлиши керак? Адолат ижтимоий-сиёсий газетаси.2020 й.№18.
3. Курбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. –Т.: «Турон–Иқбол», 2006. –592 б.;
4. Яковлева Н. О. Педагогическое проектирование инновационных систем. Автореф. дис. д-ра пед. наук. Челябинск, 2003. 48с.
5. Смирнов В. Х Система управления многопрофильным инновационным; образовательным учреждением. Автореф. дис.д-ра пед. наук.- Казань: ИСПО РАО; 2000:



TA'LIM TIZIMIDA KOMPYUTERLI O'QITISH JARAYONINI SHAKLLANTIRISH AHAMIYATI

Maxmudova Maloxat Axmatovna

katta o'qituvchi, Navoiy davlat pedagogika instituti

Fizika-matematika fakulteti

E-mail: maloxat_1977@mail.ru

Nasirova Shaira Narmuradovna

Informatika o'qitish metodikasi kafedrasи,
professor, Navoiy davlat pedagogika instituti

E-mail: nosirova_61@mail.ru

Annotatsiya. Ushbu maqolada ta'lismizda kompyuterli o'qitish jarayonini shakllantirishning ahamiyati haqidagi ma'lumotlar keltirilgan. Ilg'or pedagogik va axborot kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish samaradorliklari, o'qitishning noan'anaviy usullari, axborot kommunikatsion texnologiyalari asosida ta'limga rivojlantirish masalalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: axborot, multimedya, vosita, texnologiya, ta'limga, xotira, animasiya, kompyuter.

ВАЖНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОЦЕССА КОМПЬЮТЕРНОГО ОБУЧЕНИЯ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация. В данной статье представлена информация о важности формирования компьютерного процесса обучения в системе образования. Освещается эффективность использования передовых педагогических и информационно-коммуникационных технологий, нетрадиционных методов обучения, развития образования на основе информационно-коммуникационных технологий.

Ключевые слова: информация, мультимедиа, медиа, технологии, образование, память, анимация, компьютер.

THE IMPORTANCE OF FORMATION OF COMPUTER LEARNING IN THE EDUCATION SYSTEM

Annotation. This article provides information on the importance of shaping the computer-based learning process in the education system. The effectiveness of the use of advanced pedagogical and information and communication technologies, non-traditional methods of teaching, the development of education based on information and communication technologies are covered.

Keywords: information, multimedia, media, technology, education, memory, animation, computer.

Ta'limga islohoti natijasida rivojlanayotgan ta'limga muassasalarini jamiyatimizda juda muhim ijtimoiy vazifani bajaradi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "Ma'lumki, yosh avlod tarbiyasi hamma zamonlarda ham muhim va dolzarb ahamiyatga ega bo'lib kelgan. Ammo biz yashayotgan XXI asrda bu masala haqiqatan ham hayot-mamot masalasiga aylanib bormoqda". Bu vazifani bajarish jamiyatda yaratilgan ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va pedagogik-tashkiliy shart-sharoitlar bilan birga bulardan har bir ta'limga muassasasining to'g'ri, o'rinni foydalana olishi, ya'ni ichki omillariga ham bog'liq bo'ladi. Ta'limga muassasasining ichki imkoniyatlari - unda ta'limga tizimi, obyektiv va subyektiv munosabatlar, jamoat tashkilotlari, pedagogik jamoaning jipsligi, shakllanganlik darajasi bilan belgilanadi.

Respublikamizda ta'limga tizimining mazmunini tubdan o'zgartirish, uning yaxlit axborot makonini vujudga keltirish, ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy etish, axborot texnologiyalaridan



unumli foydalanish, o‘quv reja va dasturlarni jahon andozalariga moslab tuzish, shunga mos ravishda mutaxassislar tayyorlashni amalga oshirish orqaligina yoshlarimizning buyuk kelajagini ta’minlashimiz mumkin. Shuni alohida qayd etish lozimki, hozirgi globallashuv asrida yoshlarning dunyoqarashi, fikri kun sayin o‘zgarib bormoqda. Bugungi kunda yoshlarni hayratlantirish, ularning ko‘nglidan chuqur joy oladigan loyihalarini ishlab chiqish ham qiyinlashib bormoqda. Buning asosiy sabablaridan biri ularning zamонавиъ axborot kommunikatsiyalaridan faol foydalanishi, dunyoda ro‘y berayotgan yangiliklar, voqeа-hodisalardan tez xabardor bo‘lishi bilan ham izohlanadi.

Ta’lim sohasidagi axborot texnologiyalari va multimedya texnologiyalaridan foydalanish ta’lim tizimini tubdan o‘zgartirishi mumkin. Zamонавиъ elektron o‘quv kursi - turli elektron o‘quv materiallaridan tashkil topgan, kompyuter texnologiyalari va internet imkoniyatlaridan foydalanadigan, individual va muqobil o‘quv rejalariga muvofiq o‘quv jarayonini boshqarish va o‘qitishni ta’minlaydigan yaxlit didaktik tizimdir. Elektron ta’lim bo‘yicha kalit so‘z – interaktivlik. Interaktivlik “O‘qituvchi va talaba o‘quvchilarning o‘quv jarayonida o‘zaro muntazam tizimli o‘zaro ta’siri” va o‘quvchilarning kontekst bilan o‘zaro aloqasidir. Elektron o‘quv kursining o‘ziga xos xususiyati - tinglovchilarga zamонавиъ axborot texnologiyalaridan foydalangan holda o‘rganish imkonini berishdir. Axborot resurslari va ma’lumotlar bazalari, axborot bazalari, kompyuter va multimedia o‘qitish va nazorat qilish tizimlari, video va audio yozuvlar va elektron kutubxonalar bo‘lishi mumkin.

Kompyuter texnologiyalarini mohiyatan chuqur ijtimoiy jarayon bo‘lgan umumiyy texnologik rivojlanish jarayonidan ham alohida o‘rganib bo‘lmaydi. Kompyuter texnologiyalarini faqatgina texnologik rivojlanishga aloqador qilish, siyosiy, madaniy va ijtimoiy rivojlanishni rad qilish o‘qitishning yangi texnologiyalarini ham kompleksda, ham alohida holatlardagi fenomenini o‘rganishni cheklaydi va hatto uni imkoniyatsiz qoldiradi. Shu sababli texnologik inqilob global ijtimoiy o‘zgarish jarayoni ekanligidan kelib chiqib taxmin qilish mumkinki, ta’lim tizimlari XXI asrga ta’lim muassasalarida kompyuter texnologiyalarini joriy qilish natijasida paydo bo‘lgan o‘qitish va tarbiya berishning tubdan o‘zgartirilgan falsafasi, maqsadlari, tuzilmasi, mohiyati, tashkil qilinishi va usullari bilan kiradi. Odatdagidek, kurslar talabalarni dasturchi kasbini o‘zlashtirishga qaratilgan. Shunday qilib, oliy ta’lim muassasasida ishlab chiqarish ta’limi va fakultativ kurslar doirasida kibernetika va informatika kabi ikkita yo‘nalish paydo bo‘ldi: informatsion jarayonlar, turli tabiatli o‘z-o‘zi boshqariladigan tizimlar, tuzilishi va ishlashi tamoyillarini o‘rganish bilan bog‘liq umumta’lim yo‘nalish va oliy ta’lim muassasasining yuqori kurslarida ta’lim bilan ishlab chiqarish ta’limi differensiatsiyasi doirasida amalga oshiriladigan amaliy yo‘nalish dolzarb hisoblanadi.

Kompyuter va dasturiy ta’midot taqdimot yaratish va multimediali effektlarni yaratish uchun vosita bo‘lib xizmat qiladi. O‘quv auditoriyasi uchun mo‘ljallangan taqdimot alohida e’tiborni talab etadi, unda butun e’tibor materiallarni talabalarga yetkazishga qaratilgan bo‘lishi kerak.

Yoshlar orasidan kreativ qobiliyatli o‘quvchilarni topish, ajratish, maqsadli tayyorlash nixoyatda dolzarb vazifalardan biridir. Bu vazifalarni amalga oshirish uchun masalan matematika darslarida mantiqiy vanosandart masalalarni yechish xamda yechishda qiyinchiliklarga sabab bo‘ladigan masalalarni kompyuterda yechishni o‘rgatish kerak deb o‘ylaymiz. Kreativlik o‘quvchilarning shaxsiy sifatining integratsiyasidir.

Kompyuterli o‘yin dasturlaridan tashqari uchun kompyuterli nashrlar, shu jumladan virtual laboratoriya, ijodiy ishlanmalar, virtual sayohatlar va boshqa elektron axborot resurslari yaratilmoqdaki, ulardan foydalanish bugungi kunda o‘z samarasini ko‘rsatmoqda.

Axborot texnologiyalarini ta’lim jarayonida qo‘llashning afzalliklari:

- | | |
|---|---|
| 1 | • Talabalarning erkin ishlay olishlari pedagogik jarayondagi eng muhim kamchiliklardan hisoblangan subyektivizmni cheklaydi |
| 2 | • kompyuter orgali bolaga yetkazilayotgan ma’lumotni zarurat bo‘lganida, qayta - qayta chaqirish va takrorlash imkoniyati |
| 3 | • har bir professor-o‘qituvchining o‘zigagina xos bo‘lgan tushuntirish uslubi, metodik yondashuvi |



Ta'limning zamonaviy texnik vositalaridan foydalanish pedagogik jarayonlar ichidagi samarasiz uslubiyotlarga barham beradi, talabalarning o'quv materiallarini elektron nusxalarini olishi va ularni mustaqil o'rganishini ham ta'minlaydi.

Ta'lim muassasalarida kompyuterli o'qitish – predmetlar muhitini elementlarini o'zgartiruvchi va boyituvchi sifatida qaraladi. Bu esa o'quvchilarda aqliy qobiliyatlarini jadal rivojlanish jarayoni kechadi, uning intellektual salohiyatini rivojlanishi uchun fundament yaratiladi. O'quv jarayonida pedagogik, innovatsion va axborot texnologiyalaridan foydalanish ta'limning dolzarb masalalarini samarali yechish uchun imkoniyat yaratadi, jumladan:

- o'quv jarayonini qiziqarli va mahsuldor qilish hisobiga o'quvchida materialni anglab olish motivatsiyasi ortadi;
- mustaqil ishslash va o'zini-o'zi nazorat qilish ko'nikmasi rivojlanadi;
- darsning samaradorligini va har bir o'quvchining o'zlashtirishini ta'minlaydi;
- har bir o'quvchining fikrlashini, bilish hissiyotini, maqsad sari intilishlarini, ma'naviy tasavvurlarini rivojlantirish hisobiga umumiylashtirishga erishiladi;
- sinfdagi barcha bolalarning faol ishlashi ta'minlanadi.

Innovatsion va axborot texnologiyalarini ta'lim jarayoniga tadbiq qilishni zamonaviy axborot dunyosining rivojlanishidagi mantiqiy va zaruriy qadam deb xarakterlash mumkin. Zamonaviy pedagog kompyuterdan foydalanishni bilish, kompyuter yordamida o'qitish vositalaridan foydalana olishi, uni o'quv jarayoniga tadbiq qilish ko'nikmalariga ega bo'lishi va o'z bilimini kompyuterli o'qitish bo'yicha doimo takomillashtirib borishi zarur.

Xulosa qilib aytish mumkinki, informatika fanidan talabalarga beradigan jarayonlarni virtual shaklda ko'rgazmali namoyish etish orqali ularning bilim olishlariga qiziqishlari ortishi bilan bir vaqtda zerikishdan qiziqishga o'tishiga olib keladi va bilim olish samaradorligini orttiradi. Talabalarni o'qitishda texnologik jarayonlarni boshqarishning axborot-kommunikatsiya tizimlaridan foydalanish usullarini egallashi muhim kompetensiyasi sifatida qaraladi. Shuning uchun bunda zamonaviy kompyuter tizimlari va dasturiy ta'minotidan izchil va uzviy o'zaro aloqadorlikni e'tiborga olgan holda, o'quv reja va dasturlarni takomillashtirishni takozo etmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- [1.] Maxmudova M. A., Nasirova Sh.N. Aniq fanlarni o'qitishda innovatsion texnologiyalar. Science and education, Scientific journal, ISSN 2181-0842 VOLUME 1, ISSUE 2, May 2020, p. 472-475.
- [2.] Maxmudova M. A., Nasirova Sh.N., Salomov O'.A. Innovatsion ta'lim texnologiyalarini takomillashtirish yo'nalishlari. "Ilm-fan va ta'limning rivojlanish istiqbollarli" mavzusidagi birinchi Respublika konferensiysi to'plami, ISSN 2181-0842, 27 aprel 2020 yil, 387-390 b.
- [3.] Makhmudova M. A., Nasirova Sh.N., Muhammedova M. M. Tasks for a future computer teacher in educational information. International conference on economics and social sciences ISSN: 2349-0721 ICDSIIL 10-11 May 2020 Impact Factor: SJIF - 6.549, 197-199 r.
- [4.] Maxmudova M.A., Nasirova Sh.N., Yodgorov G'.R., Qutbiddinov A. Effectiveness Of Using Computer Technologies In Developing Students' Learning Ability. Psychology and Education (ISSN: 0033-3077) i Volume 57 No 8 (2020) (<https://www.scopus.com/sourceid/50205>) USA, p. 619-624



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМ-ФАНИ РИВОЖИДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ

Рашидова Дилбар Каримовна

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, катта илмий ходим
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти
E-mail: etoille111@yandex.ru

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалиги илм-фани ривожланишида олима аёлларнинг ўрни ва роли, гендер тенглиги, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтидаги Хотин қизлар кенгаши ва “Олима” ўюшмасининг илмий, илмий ва педагогик фаолиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Таянч иборалар. Қишлоқ хўжалиги, инновация, хотин-қизлар кенгаши, олима ўюшмаси, гендер тенглиги, илмий, илмий-педагогик, олтин куз.

РОЛЬ УЧЕНЫХ ЖЕНЩИН В РАЗВИТИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ НАУКИ

Аннотация. В статье представлена информация о роли и месте ученых женщин- в развитии аграрной науки, гендерного равенства, о женском совете Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивание хлопка, а также о научной и научно-педагогической деятельности ассоциации «Олима».

THE ROLE OF WOMEN SCIENTISTS - IN THE DEVELOPMENT OF AGRICULTURAL SCIENCE

Annotation. The article provides information on the role and place of women scientists in the development of agricultural science, gender equality, on the women's Council of the Research institute of Cotton breeding, seed production and agrrotechnologies, as well as on the scientific and scientific-pedagogical activities of the “Olima” association.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг маънавий-маърифий, илмий салоҳиятини юксалтириш ҳамда уларнинг гендер тенглигини таъминлаш борасида ҳукуматимиз томонидан кенг миқёсда амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада кўплаб қонунлар, фармонлар ва қарорлар ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 02.09.2019 йилдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сон Қонунининг 6-боб 26-моддасида давлат таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркакларга тенг имкониятлар яратилишини таъминлаши, хотин-қизлар ва эркакларнинг таълим олиш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг барча турларидан фойдаланишга, таълим ва илмий жараённи амалга оширишда иштирок этишга ҳамда маданий қадриятлар ва меросдан фойдаланишга доир тенг ҳуқук ва имкониятларини, турли таълим дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали фуқароларнинг гендерга оид манфаатини оширишга қўмаклашиш, жинслардан бирининг устунлиги ғоясига асосланган нотўғри тасаввурлардан ҳоли ўқув адабиётларини тайёрлаш ва чоп этиш, ўқув дастурлари ва дарсликларни жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципига мувофиқлик юзасидан мунтазам равишда мониторинг қилиш ва бошқалар ушбу қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган [1]

Шунингдек, мухтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев БМО 2020 йилнинг 23 сентябридаги 75-йиллик юбилей сессиясида ўзининг илк бора ўзбек тилида сўзлаган нутқида республикамиздаги хотин-қизларнинг жамиятимиздаги, уларнинг бугунги кундаги илм-фан, сиёсий ва ижтимоий ҳаётимиздаги ўрнини юксак баҳолаб, “биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни



тобора кучаймоқда. Янги парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга қўпайди”-деган эди [2].

Дарҳақиқат, юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг хотин-қизларнинг фаоллиги кундан-кунга ортиб бормоқда ва бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Ҳозирги ривожланиб бораётган замонамида аёллар тадбиркорликлари, фаолликлари билан, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ўз мавқеларини сақлаб қолмоқдалар. Айниқса охирги уч-тўрт йил ичидаги олимий мустақиллик неъматига эришгач ижодларига кенг йўл очилгандигини ҳис қилдилар. Аёлларимиз муаммоларни ҳал қилишда эркаклардан қолишмаган ҳолда ҳаракат қилиши мумкинлигига шонли тарихимиз ҳам гувоҳлик бериши эътироф этилади [3].

Жамиятимида хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг ҳуқукий ваколатларини кенгайтириш, фаолият самарадорлигини янада оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда хотин-қизларнинг салмоқли қисми нодавлат нотижорат ташкилотларининг таълим, аёллар ҳуқуклари, репродуктив саломатлик, касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни ҳимоялаш каби соҳаларда самарали фаолият кўрсатиб келаётганлиги таъкидланади [4].

Шу каби, қишлоқ ҳўжалигининг турли соҳаларида олимий аёллар илмий ва педагогик фаолиятлари билан қишлоқ ҳўжалиги илм-фанининг ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Улар фаолиятлари давомида янгиликка интилевчанликлари, ташаббускорликлари, яратувчанликлари хусусан, қишлоқ ҳўжалик экинларнинг янги навларини яратиш, уларнинг элита ва юқори авлодли уруғчилигини ташкил этишдаги илмий ва инновацион изланишлари ҳамда соҳа доирасида ёш олимларни тарбиялашдаги самарали меҳнатлари билан кенг имкониятларини намоён қилиб келмоқдалар.

Бу борада Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ва унинг вилоятлардаги филиалларидағи олимий аёлларнинг олиб бораётган илмий ва илмий-педагогик фаолиятларини юксак даражада баҳолаш жоизdir.

Мазкур институтда Республика Хотин-қизлар қўмитаси, “Олим” аёллар уюшмаси ҳамда O’zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши “Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш” бўлими билан ҳамкорликда республика миқёсида олимий аёлларнинг қишлоқ ҳўжалиги илм-фанидаги самарали меҳнат фаолиятларини муносиб баҳолаш, эришаётган ютуқларини кенг жорий этиш ва тақдирлаш тадбирлари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

Жумладан, институтимида Хотин-қизлар кенгаши ва “Олим” уюшмаси ташаббуси билан Касаба уюшмаси ҳамкорлигига “Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари куни”га бағишлиб республика олий ўқув юртларида- Фанлар Академияси ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази тасаруфидаги илмий-тадқиқот институтларидағи самарали меҳнат қилаётган, илмий изланишлари олиб бораётган аёлларнинг орасидан илғор, ташаббускор, ижодкор, фидоий, инновацион технологиялардан унумли фойдаланиб, самарали натижаларга эришаётган олималарни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, рағбатлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича “Олтин куз” кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда ва ғолиблар “Олтин куз” медали ҳамда дипломи билан тақдирланмоқда.

Ушбу кўрик танлов илк бор 2019 йилда ўтказилганида 8 нафар иштирокчи қатнашган бўлса, 2020 йилда иштирок этишни истаб хужжат топширган номзодлар сони 50 нафарни ташкил этди.

Танлов иштирокчилари илмий ишни тақдим эта олиши, нотиқлик маҳорати, шахсий имиджининг борлиги, тадқиқотнинг янгилиги, илмийлик мезонларига риоя қилиниши, нутқнинг равонлиги, амалиётга тадбиқ этишда фойдалилик даражаси, лойиҳанинг долзарблиги жамият, икки ва ундан ортиқ иқтисодиёт тармоқларига ҳамда Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, худудларга амалга оширилган ташрифлари чоғида билдириган фикр мулоҳазалари, тармок учун устувор ва манбаатли илмий йўналишга мослиги, маҳаллий ва хорижий илмий нашрларда, конференцияларда мақолалар, тезислар ва маъruzалар мавжудлиги, ихтиро(лар)ни рўйхатга олиш бўйича ариза топширилганлиги, янги



илмий ҳажмдор маҳсулот (технология ёки ишланма) ишлаб чиқилганлиги, такомиллаштирилганлиги ва бошқа кўрсаткичлари бўйича баҳоланди.

Тадбирда магистрантлар, докторантлар, фан номзодлари, фалсафа (PhD) ва фан (DSc) докторлари қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича ўз ишланмаларини ҳавола этдилар. “Олтин куз” кўрик-танловида иштирок этган номзодларнинг 18 нафарининг иши ҳакамлар томонидан муносиб баҳоланиб, “Олтин куз” медали ҳамда дипломи билан тақдирланди.

Шундай қилиб, институтда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кўрик-танловлар қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали меҳнат қилаётган олималарнинг қишлоқ хўжалиги илм-фанини ривожланишида муносиб ҳисса қўшиши ва ўз ўрнини эгаллашида муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 02 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Конуни.
2. hudud24.uz
3. Эшонқурова А.Х. Хотин-қизларнинг таълим ва илм-фандаги фаолиятлари. /Марказий Осиё давлатлари олима аёлларининг илм-фан соҳасига қўшган ҳиссаси. Халқаро илмий-амалий анжуман мәиериаллари (1-кисм). Тошкент, 2020.-349 б.
4. Муродова З. Аёлни улуғлаш оила, ҳаётни, ватанинни улуғлаш демакдир. /Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим омили мавзусида республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами (2019 йил 26 февраль). – Тошкент.: ТДИУ, 2019. Б. 271-275.



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШФУЛОТЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЎРНИ

Казоқов Р.Т.
ЎзДЖТСУ.,Ўқитувчи.
Хабибжонова Хушруя Муроджон қизи.,
19-11 магистр.
Аминова Азиза Алижановна
20-13 магистр.


Мухтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин - қизларнинг ролини ошириш чора – тадбирлари тўғрисидаги» ги қарори, «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб – қувватлаш тўғрисида» ги фармони, «Хотин – қизларга қўшича итиёзлар тўғримида» ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни Олий Мажлиснинг 15–сессиядаги «Сайловлар тўғрисидаги» ги Конуннинг 22 – моддасига Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Парламентига сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни кўрсатишга аёллар сони 30 фойздан кам бўлмаслиги лозимлиги тўғрисидаги норманинг киритилиши жамиятимиз хотин – қизларининг манфаатларини , оналик ва болаликни химоя қилиш , уларнинг ижтимоий - сиёсий фаолликларини ошириш ва амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлардаги фаол иштирокини таъминлашда самарали хизмат қилмоқда. Аммо хотин – қизларнинг салоҳиятидан ва имкониятларидан жамият тараққиёти учун тўла фойданишга эришганимиз йўқ. Демак олдимизда бу борада жуда кўп долзарб вазифалар бор. Айниқса, болалар ва қизлар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган жадал саъй – харакатлар бугун юртимизнинг хар бир гўшасида ўз самарасини кўрсатмоқда. [1]

Мустақил Республикамиз, юртимиз, миллатимиз равнақи ва порлоқ келажагимизнинг асосий пойдевори – бу ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлиги ва етуклигига эришиш, уларда , соғлом турмуш тарзини шакллантириш , спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришга эришиш учун диёrimизнинг барча худудлардаги етарлича шарт – шароитлар яратиб бериш, болалар оммавий спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш , соғлом – спортчиларни танлаб олиш ҳамда уларнинг қобилиятини намоён этиш ва ривожлантишга кўмаклашиш каби долзарб вазифаларни ҳал этиш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган. [2]

Республикамиз Президентининг шахсий ташаббусига кўра мамлакатимиз барча худудларида, айниқса чекка қишлоқларда, келажакда соғлом авлод дунёга келишининг асоси ҳисобланган – қизларни сиҳат саломатлигига ғамхўрликни кучайтириш мақсадида узоқ келажакни қўзлат Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт Университетида таълим олаётган талabalар орасидаги қиз Университетга қабул қилинаётган талabalар сафиға ҳар йили «Қизлар спорти» йўналиши бўйича 550 дан ортиқ қизлар қўшилиб , жисмоний тарбия ва спорт соҳаси сиру – синоатларидан сабоқ олмоқдалар. Ушбу йўналишда қабул қилинган қизларнинг бир гурӯх қалдирғочлари эса ўқиши мувваффақиятли тамомлаб турли йўналишларда спорт билан шуғулланиш ва шу йўл билан сиҳат – саломатликка эътиборни кучайтириш ҳамда соғлом турмуш тарзи афзалликлари , аҳолининг кенгроқ жалб этиш ва болалар спортини янада такомиллаштириш ва оммавийлаштириш , аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш , қиз болаларга хос бўлган спорт турларини ривожлантириш ишлари бўйича жамланган билим , малака ва қўнималарини қизалоқларга ўргатишни бошладилар. Ҳозирги кунда ЎзДЖТСУ бакалавр даражасини олиш учун талабгор талabalari умумий сони 5249 тани ташкил этиб , улардан 1343 таси (25,5 % и) қизлардан иборат. Шулардан қизларбоп спорт турлари ва мутахассислардан иборат бўлган гимнастика ва спорт психологияси факультетига талаба – қизларнинг катта қисми (уларнинг умумий сони 537 нафар бўлиб , ушбу факультет талabalari сонининг 67,5 % ини , Университет талаба – қизлари умумий сонининг қарийб 40% ини ташкил этади) таълим олмоқда. [3] Мазкур факультетда



спортинг энг нафис турлари ҳисобланган бадиий ва спорт гимнастикаси ҳамда спорт гимнастикаси ҳамда спорт соҳаси психологлари сингари йўналишларига қизларнинг қизиқиши табиий. Кўйидаги даиграммаларда талабаларнинг умумий сони ва улардан қизлар сонига оид маълумотлар (1 – диаграмма) ҳамда Университетнинг



1 – диаграмма. ЎзДЖТСУ факультетлари бўйича талабалар ва шулар жумласидан қизлар сони.

Юқоридаги диаграммада ЎзДЖТСУ факультетлари қўйидаги шартли белгилашлар орқали ифодаланган:

- 1 – спорт ўйинлари факультети
- 2 – яккакураш факультети
- 3 – кўпкураш факультети
- 4 – футбол факультети
- 5 – гимнастика ва спорт психологияси

Юқорида зикр этилган маълумотларга кўра (даграммага қаранг) қизлар энг кам жалб этилган йўналиш сифатида футбол қайд этилганлигини кўриш а бўлади, чунки аёллар футболи хам бутун дуеёга тез тарқалиб бормоқда. Унинг устига жаҳон аёллар футболи соҳасида етарли даражада машҳур жамоалардан Қарши шаҳрининг “Севинч” ва “Олимпия” жамоалари ҳамда Андижон шаҳрининг “Андижанка” жамоаларига муносиб ўринбосарлар тайёрлаш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Қизиқарлилиги бўйича кейинги ўринларда спорт ўйинлари, кўпкураш ва яккакураш спорт турлари факультетлари қизларини айтиш мумкин. Жумладан, волейбол бўйича Ўзбекистон Республикаси аёллар терма жамоа асосий қисмини ташкил этган Жисмоний тарбия Университети спорт клуби (СКИФ) жамоасини айтиш мумкин. Умуман олганда, спортивизнинг барча соҳасидаги етакчи ва маҳоратли спортчиларнинг халқаро миқёсда эришган ютуқларини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш ҳамда шу йўл билан жонажон Ўзбекистонимизни оламга янада машҳур этиш учун ҳам ёшлиаримиз ва айниқса қизларимиз, биринчи навбатда, соғлом бўлишлари керак. Ана шунда улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида, жумладан спорт соҳасида ҳам юксак натижаларга эришишлари учун мустаҳкам замин яратилиди. Бу дегани янада узоқ йиллар давомида энг юқори даражадаги мусобақаларда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадхияси баралла чалинади, байроғимиз баланд кўтарилиди ва ҳилпираб туради.



Ана шундай долзарб лиги вақт ўтиши билан ҳам ҳеч пасаймайдиган ва, аксинча, янада кучайиб борадиган вазифани ҳал қилишда спортчи – қизларимиз ва мураббийларимиз ўрни бекиёс, албатта. Иккинчи томондан, бугунги кундаги спортчи – талаба – эртанги мутахассис – мураббий аёл ўз келгуси фаолияти жараёнида минг– минглаб ёш қизларимиз соғлом турмуш тарзига оид билим, малака ва қўникмаларини шакллантиришга ўз хиссасини қўшиши ҳамда шунинг ўзи миллатнинг соғлом давомчилари дунёга келиши учун замин тайёрланиши эканлиги қувонса арзигулик ҳолдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Каримов И.А.”Юксак маънавият–енгилмас куч”, –Т: ”Маънавият ”,2008. – 173 бет.
2. Каримов И.А.”Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, –Т: ”Ўзбекистон”,2008. – 440 бет.
- 3.Акбаров А, Адашева М.У,Казоқов Р.Т,Жуманова С.Ғ.”Баркамол авлодни вояга етказишида аёллар спортининг ўрни” Республика илмий амалий конференцияси.Жиззах.45 бет.



АЁЛ –ЖАМИЯТ ГУЛТОЖИ, МЕХР ВА МУҲАББАТ ТИМСОЛИДИР.

Дустназарова Санобар Атауллаевна
ТИКХММИ

Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждан ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак.

(Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1-модда)

Оила жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. У инсон авлодини давом эттиришдек буюк ва улуғвор вазифани бажаради. Оила одамнинг шакллантирувчи, меҳнат қобилиятини тиклашга хизмат қилувчи ва энг муҳими маънавий тарбияловчи муҳитdir. Болаликнинг дастлабки йилларида инсон шахси феъл-авторининг асоси вужудга келади, инсонийлик фазилатлари ва ахлоқи таркиб топа бошлади. Оила тўғрисида сўз кетган заҳоти унинг бош вазифаси сифатида фарзанд кўриш, насл қолдириш, авлодлар ўртасидаги ворисийликни, боғлиқликни таъминловчи фарзандлар етишириш – репродукция тилга олинади. Аёлларнинг вазифаси учта: репродуктив, продуктив ва ижтимоий вазифалардир. Репродуктив вазифа – бола туғиши ва уй-хўжалигини юритиши – иш кучини тиклаш ва сақлаб туриш учун зарур». Бу ўринда репродуктив вазифа аёллар билан боғлиқ вазифа сифатида тилга олинаётгани бежиз эмас. Шарқда оила ва фарзанд кўриш, Бола тарбияси энг аввало аёл билан боғлиқ ҳолда тушунилиб, ушбу вазифа аёлга тааъллукли деб қаралади. Шунинг учун Шарқ поэтикаси ва адабиётларида «аҳлу аёл» ибораси кенг қўлланилади. «Аҳл» дегани оила, аёл демақдир. Айнан репродуктив вазифа аёлни оиласи, оиладаги бажариладиган вазифаларга боғлаб кўяди, унинг кўп вақти оиласи кечади. Динда эр-хотин муносабатларини маънавий-ахлоқий асосда мустаҳкамлашга даъват бор. Демак, оиладаги диний урф-одатлар инсоннинг эркин ва эзгу амалларга мувофиқ яшави учун муҳимдир. Ислом дини негизидаги маънавий-ахлоқий қадриятлар, қарашларнинг қиммати ҳам шундадир. Кишилар эркин ижодий фаолият ва элга, юрга манзур ижтимоий вазифаларни бажариш мартаба билан боғлиқлигини тўғри англайдилар. Уларнинг фикрига кўра, мартабага интилиш маънавий-ахлоқий қораланадиган амал, қизиқиш эмас, ҳар бир киши ўз хоҳишлири, қизиқишлари ва кўникмаларига мос келадиган даражадаги вазифани эгаллаши мумкин.

Оилавий ҳаёт учун эр ёки хотиннинг мартабага эришиши муҳим. Айниқса, бозор иқтисодиёти оиласидан тадбиркорликни, ишбилармонликни, ўзини ўзи боқишини талаб этаётганида мартаба ана шу эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида баҳоланиши турган гап. Демак, мартабага эришиши маънавий манфаатлар қаторидан чукур ўрин олган. Оиладаги маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий қадриятларнинг шаклланиши оила аъзоларининг, энг аввало, эркак кишининг юқори мартабасига ҳам боғлиқ, деган фикр жамиятимизда мавжуд.

Аммо кейинги йилларда мартабага интилиш аёллар ўртасида ҳам кенг тарқалаётган воқеликка айланмоқда. Бунда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда эркин қатнашаётгани, айниқса уларнинг ушбу фаоллигини давлат, жамият қўллаб-қувватлаётгани ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу интилишлар, қизиқишлар оилавий ҳаётга, эр-хотин ўртасидаги муносабатларга ҳам таъсир этмай қолмайди.

Оиладаги маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий муҳит нафақат ота-оналар, балки фарзандларнинг ҳам маънавий хислатларига бевосита боғлиқдир. Ҳатто фарзандларнинг маънавий-маданий қизиқишлари ва ижтимоий-ахлоқий фазилатлари баъзан оиладаги муносабатларни белгилаб беради.

Минг афсуски, айрим оилаларда маънавий ва ақлий етишмовчилик сабабми, ҳозирги кунда ҳам аёлларга нисбатан оилаларда тазийқ зўравонликлар учраб турибди. Айрим



оилаларда аёлнинг вазифаси фарзанд тарбиялаш, уй ишларини бажариш, қайнона –қайнота хизматини қилиш деган қарашлар билан чекланиб қолмоқдамиз. Лекин жамиятда аёлларнинг ўрни бекиёслигини ҳар доим ҳам тушунавермаймиз. Айрим оиласидаги келишмовчиликлар, жанжаллар, ажримлар айнан хотин қизларнинг ўрни фақат оиласада деган қарашлар сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда хотин-қизларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш борасида жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратишучун чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда хотин-қизларни зўравонлиқдан ҳимоя қилишга оид бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Инсон ҳукукларига оид халқаро ҳужжатларда шахсни зўравонликлардан, шу жумладан оиласада содир этиладиган жиноий зўравонликлардан ҳимоя қилиш механизми мустаҳкамлаб қўйилган. Инсон ҳукуклари бўйича умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар бўйича халқаро келишув ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлар бўйича халқаро келишув оиласи жамият асосидаги гурӯҳ деб тан олади ҳамда шахсни оиласидаги зўравонликлардан ҳимоя қилади.

Сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, илгари “ёпиқ“ бўлган зўравонлик мавзусини кенг ёритиш имконини берди. Ички ишлар органларининг зўравонликка қарши курашдаги фаолиятларини тартибга солувчи норматив-ҳукукий ҳужжатлар асосан қўйидагилардан, яъни:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси;

2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида“ти Қонуни;

2014 йил 14 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида“ти Қонуни;

2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида“ти Қонуни;

2019 йил 23 августда қонунчилик палатаси томонидан хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида қонун

2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиштўғрисида“ти Қонуни;

2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида“ти Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта ПҚ-2833-сонли “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ти Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ти Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 марта ПҚ-4235-сонли “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳукуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида“ти Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июня ПҚ-3808-сонли “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида“ти Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3827-сонли “Ижтимоий реабилитация қилишва мослаштириш, шунингдек, оиласий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришчора-тадбирлари тўғрисида“ти Қарори;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сон қарорлари ишлаб чиқилди. Бу қарор ва қонунлар албатта фаравон хаёт, соғлом турмуш, порлоқ келажак учун яна бир марта аёлларни қўллаб –кувватлаш мақсадида хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, аёлларга ҳуқуқ ва имконият бериш эркакларни ёмон кўриш ва кексаларни хурмат қиласликни англатмайди. Аёллар барибир табиатига ҳос бўлганлиги учун фарзандларига (улар кўпинча шу учун мос бўлган ишларда меҳнат қилишади) ва уйдаги кексаларга қўлидан келганича ғамхўрлик қилишади. Аммо уларга уй бекаси ёки мутахассис бўлишни танлаш ва зўравонликсиз ҳаёт кечириш имкониятини бериш керак. Гап бу ерда Ўзбекистон Конституциясига асосланган ҳолда аёлларга адолатли муносабатда бўлиш ва уларнинг ҳудди эркаклар сингари имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаб бериш ҳақида кетмоқда. Ўзбек жамияти яқин қунларда зўравонлик ва камситишларга барҳам бериш масаласига тизимли ёндашувга эришилади. Бу болаларнинг ҳозирги ва келажак ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ушбу қадам тараққиёт учун муҳимдир. Имкон қадар кўпроқ эркаклар (ва аёллар) ушбу ғояларни тарғиб қилишига умид киламан, чунки бу ҳаммамизнинг узоқ муддатли манфаатларимизга мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги конвенция 1979. <http://taraqqiyot.uz/hotin-izlar-uularikamsitil>.
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция 1989. <http://taraqqiyot.uz/bola-uulari-trisidagi-kon>.
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: <http://www.lex.uz> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz>
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>
- Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизими такомиллаштиришчора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3827-сон қарори // URL: <http://www.lex.uz>
- 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизларни тазайқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиштўғрисида» Қонуни; 10.Астанов И. Р. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ва уларни тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари: Ўқув қўлланма. –Т., ТДЮУ, 2015. – Б. 139.



ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЁЖИ

Файзуллаева Нилуфар

доцент кафедры

«Инновационное образование Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация: Необходимым условием инновационного развития является постоянный рост интеллектуального потенциала, который непосредственно связан с эффективностью образования и вкладом выпускников образовательных учреждений в национальную экономику.

Ключевые слова: интеллектуальный потенциал, инновационное развитие, молодёжь, образование, рынок труда

Положение женщины в обществе на всех этапах исторического развития являлось центральным объектом анализа и оценки философов, теологов, историков, археологов, этнографов, биологов, психологов, богословов, политических лидеров и общественных деятелей и др.

Человечество всегда стремилось к науке, но по данным Института статистики ЮНЕСКО, в науке и технике по-прежнему доминируют мужчины. Во всем мире только одну четверть ученых составляют женщины, примерно 10% университетских профессоров и менее 5% членов академий наук – представительницы слабого пола. Доля женщин, возглавляющих научные учреждения, значительно варьируется между странами и составляет 6% в Японии, 27% в США, 29% во Франции и 34% в Испании. И наконец, с высшими наградами дело обстоит тоже не лучшим образом – скажем, за всю историю Нобелевской премии среди лауреатов было лишь 3% женщин.

В результате проводимых в Узбекистане реформ уделяется особое внимание укреплению роли и статуса женщин в обществе, повышению их социально-политической и медицинской культуры, интеллектуального потенциала, поддержке их прав и интересов. В отличие от других восточных государств, в частности, Афганистана, Ирана и Пакистана, преимущество состоит в том, что Узбекистан вышел из Советского Союза, когда в течение 70 лет женщины, независимо от нации, религии и этнических обычаев и традиций получили фундаментальное образование и воспитание, наравне с мужчинами. Уже в то время, женщины, получили большие возможности в сфере научных исследований. Эти исторические достижения являются базой для анализа центрально-азиатских государств как единого целого.

Гендерный дисбаланс в мировой науке является состоявшимся фактом. По последним доступным данным, несмотря на то, что женщины в глобальном масштабе решительно движутся вперед к получению высшего образования (на них приходится более половины выпускников университетов), женщины составляют менее одной трети исследователей в мире; к тому же из-за системной дискриминации женщины занимают менее 30% должностей в сфере научно-исследовательской работы по всему миру; в академическом сообществе заметно преобладание мужчин на руководящих должностях; во всем мире преобладает гендерный разрыв в таких областях науки, как технологии, инженерное дело, информационные системы, математика и т.д. Разрыв между мужчинами и женщинами в науке обусловлен многими причинами - от экономического развития до дискриминации, от предрассудков в отношении женского пола до культурных аспектов. «Для девочки важнее дом, замужество, семья», «девочки должны быть послушны...» «девочкам не стоит увлекаться науками, чтобы не остаться одинокой» и прочие знакомые стандартные стереотипы мешают женщине пробовать себя в науке, в особенности в естественных науках, впоследствии конструируя гендерный аспект науки. Но все прагматичные нации давно поняли, что из-за стереотипов нельзя терять женские умы, что ничто не мешает девушке быть женой, матерью



и при этом ученым, если государство обеспечивает условия для совмещения материнства и занятия наукой. Без женщин и их интеллектуального капитала страна не сможет уйти вперед по уровню экономического развития.

В первую очередь отметим общую тенденцию феминизации центральноазиатской науки. По публикационной активности среди стран Центральной Азии 1 место принадлежит Узбекистану (4, 416), второе –Казахстану (4, 068), третье Кыргыстану (850), далее Таджикистану (571). В Узбекистане женщины все чаще занимают лидирующие позиции во всех сферах деятельности. Они вносят весомый вклад в развитие образования, культуры и науки. Узбекские женщины-ученые проявили себя в области химии, биотехнологий, сельского хозяйства и многих других сферах. Их интеллектуальный труд высоко оценивается зарубежными научными центрами. В стране уделяется особое внимание воспитанию девочек и девушек. С ранних лет они имеют возможность развивать свои лидерские качества, организаторские способности. Им оказывается всесторонняя поддержка, консультации помогают формировать мировоззрение, разбираться в политике, психологии, экономических законах.

В Узбекистане формируется новый тип деловой женщины. Они осваивают новые сферы деятельности (предпринимательство, малый, средний бизнес, политика, управление). Инновационный потенциал женщины способен обеспечить структурные сдвиги в экономике, социальной и политической сферах.

Интеллектуальный потенциал человека представляет собой результат его духовной, мыслительной, интеллектуальной деятельности и включает творческие способности, образовательную и профессионально-квалификационную подготовку, потребности в создании интеллектуальных продуктов, отличающихся новизной, оригинальностью и уникальностью. Интеллектуальный потенциал - это возможности интеллекта в процессе развития. Различают личностный, групповой, организационный, общественный интеллектуальный потенциал. Как характеристика группы, организации, общества, он выражает сумму образовательных и интеллектуально-творческих достижений индивидов и возможности их раскрытия в потенции.[1] Несмотря на то, что формирование интеллектуального потенциала осуществляется в течение всей жизни индивида, основным периодом его формирования является период обучения в университете.

Развитию интеллектуального потенциала студентов способствуют, прежде всего, практические и семинарские занятия, а также их самостоятельная работа. Именно в рамках данных видов работы проявляются разносторонние способности и умения студентов, в том числе их интеллектуальный уровень, работоспособность, работа в группе, критичность, генерирование идей и т.д. Для формирования интеллектуального потенциала студентов необходимо увеличение времени для самостоятельной работы, сокращение времени аудиторной нагрузки преподавателей, увеличение времени индивидуальной работы со студентами, участие студентов в научных исследованиях и дискуссиях. Следовательно, необходим инновационный подход к формированию интеллектуальных способностей студентов. В отличие от традиционного подхода, основанного на передаче и воспроизведении знаний преподавателем студентам с использованием упрощенных примеров и схем, инновационный подход основан на самостоятельном усвоении знаний при поддержке преподавателя и развитии навыков анализа и решения реальных проблем.

Наиболее эффективным методом, применяемым на семинарских и практических занятиях, является метод дискуссии. В организацию и проведение подобных занятий в целях формирования и развития интеллектуального потенциала студентов необходимо водить элементы проблемности, основанные на разрешении различных противоречий, использовать нетрадиционные формы организации учебных занятий.

Но все же основой развития интеллектуального потенциала студентов является их самостоятельная работа. Именно она формирует готовность к самообразованию, создает базу непрерывного образования, возможность постоянно повышать свою квалификацию, быть сознательным и активным гражданином и работником. Необходимо отметить, что



значительная часть студентов-первокурсников учится ниже своих возможностей из-за отсутствия навыков самостоятельной работы. Перед преподавателем каждой учебной дисциплины в вузе ставится задача, максимально используя особенности предмета, помочь студенту наиболее эффективно организовать свою учебно-познавательную деятельность, рационально планировать и осуществлять самостоятельную работу, а также обеспечивать формирование общих умений и навыков самостоятельной деятельности.

Новый тип экономического развития, утверждающийся в информационном обществе, вызывает необходимость для работников несколько раз в течение жизни менять профессию, постоянно повышать свою квалификацию. Для повышения конкурентоспособности на рынке труда, профессионал любого уровня и специализации должен постоянно углублять свои знания, приобретать и совершенствовать уже полученные навыки. Руководство организаций и сами специалисты должны быть заинтересованы в повышении образовательного уровня, поскольку наличие фундаментальных знаний и практических умений обеспечивает эффективную деятельность любого предприятия. Процесс развития интеллектуального потенциала можно представить в виде системы, состоящей из следующих элементов: обучение и повышение квалификации, создание деловой карьеры, формирование кадрового резерва, ротация персонала и мотивация интеллектуальной активности.

Сегодня в развитие науки и образования женщины вносят весомый вклад. Наука является сферой, в которой гендерное равенство соблюдается в пользу женщин.

Заключение. Таким образом, демократизация общества, реализация новых моделей образования предопределяют доступность образования женщин, изменяют понимание места и роли женщины в обществе, все больше вызывают у нее потребность в повышении своего образовательного уровня как жизненно важной ценности.

Список используемых источников

1. Руткевич М. Н., Левашов В. К. Потенциал интеллектуальный // Социологический словарь; отв. ред. Г. В. Осипов. М, 2014. С. 349-350.
2. Антипова О.И., Сыротюк С.Д. Повышение интеллектуального потенциала организации за счет управления компетентностью персонала // Вектор науки Тольяттинского государственного университета – 2012. – № 1. – С. 107-112.
3. Горбунова О. Н. Инвестиции в образование как неотъемлемый элемент формирования трудовых ресурсов // Социально-экономические явления и процессы. Тамбов, 2011. № 5-6. С. 57-66.
4. Ирматова А. Б. Ўзбекистонда аёлларнинг илмий -тадқиқот соҳасида иш билан бандлиги. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil
5. Руденко А.Н. Интеллектуальный потенциал студенчества: концептуализация понятия// Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. - 2017. - № 2. - С. 29-35.



ТУПРОҚШУНОСЛИК СОҲАСИДА ҲИССА ҚЎШГАН ОЛИМА АЁЛЛАР

Ж.У Хаитбаева,
Д.Э.Муродова

Бугунги кунда илмий тафаккурнинг янгиланиши нафақат умумий маънавий мухитнинг, балки, ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир.

XXI аср бошида ижтимоий ривожланишни таъминловчи қадриятлар ва мўлжаллар ўзгаргани айниқса, яққол намоён бўлмокда. Жамият янги асрга қадам қўйгани билан боғлик бўлган умумбашарий ўзгаришлар инсон фаолиятини ташкил этиш омиллари ва усусларида ҳам ўзгариш ясамоқда. Миллий фаровонликни яратиш манбаларидан фойдаланишда асосий эътибор илм талаб технологиялар ва интеллектуал салоҳиятга каратилмоқда ҳамда бунда олима аёлларнинг хассаси бенихоя каттадир. Тупроқшунослик соҳасида ҳам олима аёллар фан ва илмнинг ривожланишига ўзининг хиссасини қўшишган.

Фофурова Лазиза Акрамовна-тупроқлар генезиси, эволюцияси, мелиорацияси, эрозияшунослик, тупроқларнинг унумдорлигини оширишнинг биологик асослари соҳаларида ўз мактабини яратган таниқли олимадир. Л.А. Фофурова ўзининг биринчи илмий фаолиятини 1975 йил Ўзбекистон (Тошкент Давлат) Миллий университетида турли механик таркибли тупроқ-грунтларида сувнинг ҳаракатини ўрганишдан бошлади.

Олима биринчи навбатда унумдорлик-тупроқ у ёки бу тупроқлар генезиси билан, даставвал, уни вужудга келтирган она жинси билан боғлиқлигини тадқиқ қилди. Олима суфориладиган ер майдонларини кенгайтириш учун истиқболга жалб қилиниши режалаштирилган учламчи қизғиши тусли ётқизиқларда ривожланган тупроқлар, уларни ўзлаштириш жараёнида бир қанча муаммолар келтириб чиқариши мумкинлигини эътиборга олиб, бу тупроқлар генезиси, эволюцияси, морфологияси ва барча хоссаларини кенг дастур асосида амалга оширеди.

Тупроқнинг умумий физикавий, физик-механик, сув-физик хоссалари тупроқнинг эрозияланишига ва қишлоқ хўжалигига фойдаланиш типига боғлиқ ҳолда унинг гумус ҳолати ва биоэнергетика ресурсларини ҳам аниқлади.

Ўзбекистоннинг қироқчил минтақасида жойлашганлиги сув ресурсларига бўлган талабни ортиши ва у билан боғлик муаммоларни илмий асосда таҳлил этиш ни кун тартибига киритди. Бу масала Н. И. Собитовани ҳам бефарқ қолдирмади.

Ноила Исмаиловна Собитова Россиядаги Пушино академик шаҳарчасидаги Фанлар академиясининг Тупроқшунослик ва фотосинтез институтида тупроқшуносларнинг "отахони" академик В.А. Ковда ва профессор И.Н.Степановлар раҳбарлигига тадқиқотчи сифатида фаолиятини бошлагани унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди.

Н.И.Собитова Кўйи Амударё суфориладиган худудлари мисолида ўхшашлиқ усусларини қўллаган ҳолда горизонтал зовурларнинг гидрокимёвий сув оқимини башоратлаш, бу худуддаги суфориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, экин турларини жойлаштириш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг илмий асосларини ривожланишига ўзининг салмоқли хиссасини қўшди.

Н.И.Собитова республиканинг етук олимлари билан биргаликда мавзули хариталар тузди ва турли конференцияларда иштирок этди. Бундан ташқари Наила Исмаиловнанинг илм соҳасида қўлга киритган янгилик ва ғоялари -Ўзбекистонда янги усусларда (рельеф пластикаси) геоморфологик районлаштиришга, тупроқшунослик тадқиқотларининг ривожланишига ҳисса қўшди. шу билан бир қаторда тузилган хариталардаги турли геометрик шаклларнинг табиатдаги жараёнлар билан боғлиқлигини очиб берди.

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг илмий грантларида ҳамда хўжалик шартномаларида турли илмий, назарий, амалий масалаларни ҳал этишда мунтазам иштирок этиб келди.



Рисқиева Хуршида Турсуновна (1953). X.T.Рисқиева республикамизнинг асосий қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли хосил олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва оширишга қаратилган катта назарий ва амалий ахамиятга эга муаммоларни ечишда фаол ҳамда фидокорона меҳнат қилмоқда.

X.T.Рисқиеванинг илмий изланишлари суғорма дехқончилик ва минерал ўғитларни интенсив қўллаш шароитида тупроқларда азот бирикмаларининг бир турдан иккинчи турга ўтиши, ўсимликлар тамонидан ўзлаштирилиши қонунятларини очишга қаратилган. Агрокимё фанининг бу йўналиши жуда ҳам кам ўрганилган бўлиб қуруқ иқлимли арид минтақалар тупроқларининг юқори биогенлиги сабабли бу минтақалар тупроқларида азот захиралари жуда кам бўлади ва тупроа ҳамда минерал ўғитлар таркибидаги азотнинг самарадорлиги паст деб ҳисобланар эди. Қишлоқ хўжалигида азотли ўғитлар қўллаш меърида эса эмпирик равишда режалаштирилган хосилдорлик юзасидан ҳисобланган.

X.T.Рисқиеванинг суғорма дехқончилик шароитидаги тупроқларнинг азотли ҳолати муаммоларига бағишлиланган илмий ишлари тупроқшунослик ва агрокимё сахасидаги изланувчилар орасида катта қизиқиш уйғотди. Натижада бундай изланишлар Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида, ЎзПИТИда, Паҳтачилик бўйича Қирғизистон тажриба станцияси институтида ўtkазила бошланди.

X.Рисқиқва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожлантиришида катта ахамиятга эга бўлган агрокимё фани соҳасида ўз мактабини яратди. Бу соҳада фундаментал тадқиқотлар олиб бориб, республикамиз сугориладиган тупроқларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг мувозатлаштирилгин озиқланиш назарясига асос солди. Шу назария асосида тупроқ шароитларини эътиборга олган ҳолда асосий қишлоқ хўжалиги экинларини минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантириш тизимларини ишлаб чиқди.

X.T.Рисқиева – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, 140 дан ортиқ илмий асарлар–монографиялар, услубий кўрсатмалар муаллифи, бир қанча шогирдларнинг устози.

Ўзбек олималари йилдан-йилга жаҳон майдонида илмий тадқиқот ишларини намоён қилмоқдалар. Шуни алоҳида эътироф қилиш лозимки, олималаримизнинг нуфузи ошиши ўзбек аёли нафақат уй бекаси, балки илмий кашфиётлар, катта–катта илмий асарлар муаллифи сифатида дунё олималари билан тенгма-тeng бахслаша олиши билан ўзига ҳос шуур қасб қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Л.Турсунов, М. Қахарова “Ўзбекистон тупроқшунос олимлари” 2009 й.
2. www.ziyo.net



АЁЛЛАР ЙОРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ ВА ОИЛА ТИНЧЛИГИ ПОСБОНЛАРИДИР

Дурдона Мустафоева

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти доценти, PhD

Хайрулло Тўйчиев

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт омили, эҳтиёжи, талаби ва ҳаётий тамойиллари мавжуд. Табиийки, уларни шакллантириш ва ривожлантириш, уларга алоҳида маъно-мазмун бағишилаш, бу даврда давлат, жамият ҳаёти, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилаб берувчи улкан тарихий воқеалар бўлади.

Мақолада бугунги кунда диёримизда хотин-қизларга катта эътибор қаратилиши, жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитларнинг етарлиги, қолаверса мамлакатимизда аёлга бўлган муносабат ўз тарихий илдизларига эга, аждодларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нисбатан хурмат ва иззатда бўлиш ва албатта устозларга эҳтиром ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: конвенция, оила, жамият, қадриятлар, аёлларга эҳтиром

ЖЕНЩИНЫ БУДУЩЕЕ НАШЕЙ СТРАНЫ И СЕМЬИ МИРОТВОРЦЫ

АННОТАЦИЯ

Каждый период имеет свой фактор развития, потребность, талаби и жизненные принципы. Естественно, произойдут огромные исторические события, которые сформируют и разовьют их, придают им особый смысл, определят точные направления деятельности государства, жизни общества, общественно-политических институтов в этот период.

В статье говорится о большом внимании, уделяемом женщинам и девочкам в нашей стране сегодня, об этике всех условий для их активного участия в различных сферах нашего общества, а также об отношении к женщинам в нашей стране, имеющем свои исторические корни, наши предки всегда говорили об уважении к женщинам, уважении и уважении к ним и, конечно же, уважении к женщинам.

Ключевые слова: Конвенция, семья, общество, ценности, почтение женщинам.

WOMEN THE FUTURE OF OUR COUNTRY AND FAMILY PEACEKEEPERS

ANNOTATION

Each period has its own factor of development, need, talabi and vital principles. Naturally, there will be huge historical events that will shape and develop them, give them special meaning, determine the exact directions of the activities of the state, the life of society, socio-political institutions in this period. The article talks about the great attention paid to women and girls in our country today, the ethic of all conditions for their active participation in various spheres of our society, as well as the attitude towards women in our country have their historical roots, our ancestors always said about the respect of women, respect and respect for them and of course respect for

Keywords: Convention, family, society, values, extirom to women

Республикамиз БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш ҳақидаги конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги



конвенцияларига МДҲ давлатлари орасидан биринчилар қаторида қўшилди. Бу хужжатлар хотин- қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг оила ва умуман жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-хукуқий хужжатлар комплексининг таркибий қисмидир.

Мұхтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги -Хотин- қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5325- сонли Фармони қабул қилинганини бунинг ёрқин ифодасидир. Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, хукуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб- қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу Фармонни қабул қилишдан асосий мақсад хотин-қизларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, салоҳиятини тўла намоён этиши, оиласардаги ижтимоий- маънавий мухитни янада соғломлаштиришга хизмат қиласди.

Хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда эътибор кучайтирилаётганинг яна бошқа жиҳатлари ҳам бор. Хусусан, уларнинг хукуқий маданияти ва хукукий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаолиятни кенг йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалалари давлатнинг муҳим мақсадлари қаторидан жой олди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар таълим ва тарбияга эътиборнинг кучайтирилиши билан янада мустаҳкамланди. Юртимиз равнақи, фарзандларимизнинг, хусусан қизларимизнинг билимли, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишида, жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан юксалишида хотин-қизларимизнинг ҳиссаси каттадир.

Юксак маънавиятли ва маърифатли, намунали одоби ва тарбияси билан эътироф этилган оналаримизнинг издошлари бугун давлат ва жамият қурилишида, ишлаб чиқаришда, илм-фан, маданият, тиббиёт, таълим ва ҳатто ҳарбий соҳада хизматлари бекёс. Юртимизда хотин-қизларнинг мавқеини янада юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун ижтимоий- сиёсий, иқтисодий соҳаларда уларнинг билимларини кучайтириш учун янада кенгроқ шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини янада юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларда улар фаоллигини таъминлашнинг асосий омили таълим ва тарбия уйғунлиги бўлиб, унинг қўйидаги босқичларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, оиласа ота-оналар томонидан фарзандларга тарбия бериш жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятлар қаторида, ижтимоий-сиёсий қадриятлар хусусида тушунчалар бериб бориш;

Иккинчидан, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчилар мамлакат сиёсий хаётининг бўлажак иштирокчилари эканлиги хиссини уйғотувчи услубларнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш;

Учинчидан, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига ижтимоий-сиёсий билимларга бўлган эҳтиёжини оширишга йўналтирилган фанлардан таълим бериш;

Тўртинчидан, олий таълим ва ундан кейинги босқичларда сиёсий ва хукукий маданиятни тадқиқ этишга оид илмий-назарий ва амалий фаолиятга рағбат бериш, бунда таълим муассасалари ва давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш;

Бешинчидан, ёш қизларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда маданият



объектлари (кино, театр, музей ва ҳ.к.) билан чекланиб қолмасдан, ижтимоий-сиёсий тадбирларда уларнинг иштирокини таъминлаш, ушбу йўналишлардаги мунозара-дебатлардаги фаоллигини ошириш;

Олтинчидан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ёш қизларнинг жамиятда содир бўлаётган воқеа-ходисаларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш ҳам ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларимизнинг асосини ташкил этади.

Хотин-қизларнинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ҳам роли катта. Чунки, нодавлат характердаги, турли гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини ифодалайдиган жамоат ташкилотлари бугунги кунда замонавий фуқаролик жамиятининг муҳим институти эътироф этилган. Бундай ташкилотларга хотин-қизларни кенг жалб этиш орқали уларнинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлашга эришилади, шу билан бирга давлат ва жамият бошқарувида бевосита ва билвосита иштироки таъминланади.

Хозирги кунда хотин-қизларимиз барча жабҳаларда: тадбиркорлик, кичик бизнес, касаначилик, хунармандчилик, тибиёт соҳасида, ўқитувчи-мураббийлик, хуллас барча-барча соҳаларда жонкуярлик ва фидойилик билан фаоллият кўрсатаётгандарни таъкидланмоқда. Аёлларимизнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги туфайли уларнинг жамиятдаги тутган ўрни ошиб бориоқда. Буни ўзбек аёли исми шарифи ёнига «Ўзбекистон Қаҳрамони», «депутат», «сенатор», «тадбиркор», «директор» атамалари қўшиб айтиладиган, Зулфия, Ниҳол мукофоти совриндори сўзлари қўшиб ёзилишида ҳам ҳис қилиш мумкин.

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни ва бошқа ҳужжатларда фуқаролар ирқи, жинси, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли эканлиги «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар», деб мустаҳкамланган.

Аёл баҳтилининг тўқислиги, тўлиқлиги унинг оилада суюкли ёр, меҳрибон она, саришта, тутумли бека сифатидаги ўрнининг эътироф этилиши билан белгиланади. Қолаверса, хаёт, жамиятнинг ўзи ҳам ана шу аёлларга боғлиқ қадриятлар билан тўлиқ ва мазмунли. Шу боис ҳам юртимизда аёллар қадрланиб, эъзозланади. Аёлларсиз оилаларни тасаввур этиб бўлмаганидек, уларсиз жамиятни ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Ҳаётимизнинг янада гуллаб-яшнашида жамиятимизни ҳар томонлама тараққий эттиришда хотин-қизларнинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қолаверса, аёл маънавияти, аҳлоқи – бизнинг ҳаётимиз, турмуш тарзимизни кўрсатиб турувчи ойнадир. У уйда тежамкор, сариштали, муомалали бўлса, фарзандининг ўқиши, юриш-туришини кузатса, ўзи китоб ўқиса, газета варақласа, спорт билан шугулланса, буларнинг барини кўриб вояга етаётган болалари ҳам оиладаги тутум, муносабатдан ибрат олади.

Хотин-қизларимизнинг нуфузи бекиёс даражада ортиши билан бирга уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига қўтарилиди. Республикамиз хотин-қизлар қўмиталари томонидан ўтказилаётган ҳар бир анжуман ва тадбирларнинг замирида ҳам, асосан, инсон манфаати, юрт фаровонлиги, тинчлиги масаласи асосий ўрин олган. Маънавияти юксак, маърифатли аёл ҳақиқий бой аёлдир. У ҳар қандай оғир вазиятда ҳам имкон топа олади. Ишнинг кўзини билади, оиладагилар кўнглини кичик бир имо-ишорадан, кўз карашидан англай олади.

Илмли, сабр-қаноатли, маънавиятдан хабардор аёл ва оналар ҳар қандай шароитда ҳам турмуш ташвишлари, камчиликларини бартараф қилиш йўлларини излаб топа оладилар. Ана шундай аёл устозлардан институтимиз профессори, педагогика фанлари номзоди Зухра Карабаевна Исмаиловани мисол келтиришимиз мумкин.

Зухра Карабаевна оддий ишчилар оиласида дунёга келган. Мактабда ўқиб юрган кезларида опа институтда ўқишни жуда орзу қилганлар, чунки мактабда физика, химия, тарих



каби фанлардан аёл ўқитувчилар дарс бериб, уларнинг кийиниши, одоби, мулоқот маданияти опага жуда хам катта таъсурот уйғотган ва ўқитувчи булиш истагини янада оширган.

Ана шу истак Зухра Карабаевнани 1979 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалагини механизациялаш инженерлари институтига ўқишига киришларига катта туртки бўлди ва ушбу институтни 1984 йилда имтиёзли диплом билан битирдилар.

1985 йилдан бошлаб Зухра Карабаевнанинг меҳнат фаолиятлари ана шу масканда бошланиб шу кунгача давом этиб келмоқда. Зухра Карабаевна 2000 йил педагогика фанлари номзоди ва 2006 йилда педагогика фанлари доктори бўйича диссертация химоясини қилиб, ҳозирда педагогика фанлари доктори ҳамда „Профессионал таълим ва жисмоний маданият“ кафедраси мудири, профессор сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Зухра Карабаевнанинг ҳозирги кунда 15 нафар (2 нафар фан доктори ва 13 нафар фан номзоди) шогирдлари илм фаннинг турли жабҳаларида зиё тарқатиб келмоқдалар.

Зухра Карабаевна Исмаилова фаолияти жараёнида бир қанча илмий нашрлар, жумладан 3 та дарслик (“Тарбиявий иш методикаси”, “Педагогика”, “Педагогика. Психология” номли), 7 та ўқув қўлланма (“Педагогикадан амалий машғулотлар”, ”Таълимни техник воситалари”, (“Ўқитишининг замонавий технологиялари”, “Касбий фанларни ўқитиш методикаси”, “Сув хўжалигига менежмент психологияси”, ”Касбий психология”номли), 3 та монография, 50 га яқин услубий ишланма ва рисолалар, 300 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар, шундан 20 дан ортиқ хорижий илмий журналларда чоп этилган ишлари мавжуд бўлиб, ҳозирда Республика олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида фойдалиниб келинмоқда. Шу билан бирга 5 та дастурий таъминот бўйича Патент ва муаллифлик гувоҳномаси. Давлат бюджети мавзулари бўйича илмий ишлар, бир қанча хўжалик шартномалари ва давлат грантлари асосидаги лойиҳаларда иштирок этган ва раҳбарлик килган.

Зухра Карабаевна Исмаилова нафақат таълим – трбия ва педагогик фаолияти билан шуғулланиб келмасдан, балки ўз малакасини ҳам соҳа ўйналишлари борасида ошириб бормоқда. Улардан фаолияти жараёнида “Устоз” жамғармаси томонидан АҚШнинг Нью-Йорк штатидаги Нью-Палтц университетида ташкил этилган малака ошириш курсини, ТАССИС Маркази томонидан ташкил этилган “Замонавий таълим технологиялари” курсларида малакасини оширган шу билан бирга ГТЦ лойиҳаси асосида минтақавий ташкил этилган семинар-тренингда модератор сифатида, USCHOOL “Building People to Bild Nations” программаси, Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти (КХТИРПКМОвАҚТИ) да модераторлик, Бош илмий методик Марказида “Таълимда менежмент” ўйналиши бўйича доимий малакасини ошириб келган.

Зухра Карабаевна Исмаилова институт ва бошқа жамоат ташкилотлардаги фаолияти, институтдаги педагогик фаолияти, жамоатдаги меҳнатлари учун бир неча бор ОЎМТВ, шаҳар, туман хокимияти, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан Фахрий ёрликлар совриндори бўлган ва шу билан бирга З.Исмаилова ўзининг билимдонлиги, фаоллиги, ташкилотчилиги, ўз касбига бўлган ҳурматини жамоада ва бириктирилган маҳаллаларда кўрсата олган раҳбарлардан бири сифатида Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан “Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги” ва “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги” кўкрак нишони, 2019 йил “Муътабар Аёл” кўкрак нишони билан 3 маротаба тақдирланган.

Сўзим сўнгига педагог олима, профессор Зухра Карабаевнанинг ўзбек педагогикаси фанига равнақи учун ўзининг хиссасини қўшиб, Ўзбекистон Республикасида малакали кадрлар тайёрлаб беришда жонбозлик кўрсатиб келаётган Инсон, қолаверса меҳрибон Она, севимли Оила бекаси бўлиб, биз ҳам уларнинг шогирдларидан бири сифатида улардан фахрланишимни қолаверса эл юрт учун фарзандларини баркамо инсон тарбиялаётган улуғ Она сифатида фахр ила айта олишимни билдириб қоламиз.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.. "ўзбекистон". 2003 й.
2. Инсон хукуклари Умумжаҳон декларацияси. Т., 1998 й.
3. Ўзбекистон аёллар нодавлат нотижорат ташкилоти. Маълумотнома, Т., 2000 й.
4. Аёл хукуклари. Аёллар ва сайловлар. Аёллар ва нодавлат ташкилотлар. "Аёлларни фуқаровий ва хуқуқий ўқитиш дастури". Т., 1999 й.
5. "Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хотин-қизлар ролини ошириш истиқболлари" мавзусида ўтказилган Форум материаллари. Т. 2006 й.
6. Ismailova, Z., Choriev, R., Musurmanova, A., & Aripjanova, M. (2020). Methods of training of teachers of university on advanced training courses. Journal of Critical Reviews. Innovare Academics Sciences Pvt. Ltd. <https://doi.org/10.31838/jcr.07.05.85>



ЭРГОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

Халдаров Хикматилло Ахматович

к.т.н., доцент Khaldarov1946@mail.ru

Ташкентский государственный педагогический университет,
Г. Ташкент, Узбекистан

Аннотация: Данная исследовательская работа посвящена разработке и созданию математической модели процесса обучения на основе эргономики, для исследования качества образования в приобретении знаний, с использованием технических средств обучения, где обучаемый чувствителен к участию ТСО в процессе обучения и груб.

Ключевые слова и направления: эргономика, математическое моделирование процесса обучения, качество обучения образовательных систем, математические методы исследования, технических средств обучения.

ERGONOMIC STUDIES OF THE QUALITY OF EDUCATION

Khaldarov Hikmatullo Akhmatovich

Candidate of Technical Sciences,

Associate Professor Khaldarov1946@mail.ru

Tashkent State Pedagogical University,

Tashkent, Uzbekistan

Abstract: This research paper is devoted to the development and creation of a mathematical model of the learning process based on ergonomics, for the study of the quality of education in the acquisition of knowledge, using technical means of training, where the student is sensitive to the participation of TSO in the learning process and rude.

Keywords and directions: ergonomics, mathematical modeling of the learning process, quality of learning of educational systems, mathematical research methods, technical means of teaching.

Интенсивное развитие в нашего общества доказывает, что для приобретения знаний разрабатываются и представляются разные инновационные методы и виды преподавания: от дистанционного до ON LINE и другие.

Но наша цель ни как глобально сказано выше, а локально представить возможность приобретение знания, для повышения качества образования с использованием: методов эргономики, методов математического моделирования и разных прикладных методов исследования, а также с применением АОС и ТСО разных видов и уровней. Из результатов предыдущих исследований [2], мы пришли к выводу, что хоть первое приближение в общем виде, т.е. платформа стандартного обучения будет как выше сказано, но исследование и развитие будет как мы предлагаем [2,6].

Целью данной исследовательской работы является, изучение процесса образования [3], на ее основе получение эргономической модели исследования [4], разработать ее математическую модель [5,6] и на ее основе создание имитационной модели исследования для определения качества приобретаемого знания в целом.

Основой эргономических исследований – является определение, в каком расстоянии, и в каком положении преподаватель может дать максимальное знание обучаемым, или обучаемые максимально и эффективно могут приобретать знания от преподавателя, с использованием разных технических средств обучения – ТСО, независимо от ее вида.



Эргономика – как наука, которая разрабатывается и создается для исследования разных областей науки, техники, а также образования. Она используется в: технических разработках/решениях, спорте, машиностроении, медицине, педагогике и т.д.

Системный подход ведения исследований задач в области эргономики преподавания.

Выбор методов, по которым ведутся расчеты эконометрических моделей эргономики преподавания.

Анализ полученных результатов исследований и предложение.

Один из видов определения эргономики образования - это разные виды расположения обучаемых в аудитории и расстояния между преподавателем, где на основе чего можно определить эффективность приобретенного знания и оценить качество процесса обучения для ее оптимального управления.

Исследования показывают, что использование и внедрение в учебный процесс эргономических показателей в преподавании зависит:

- от расстояния преподавателя и обучаемого в аудитории;
- от расположения преподавателя и обучаемого в аудитории;
- от коэффициента воспринимаемости обучаемого во время занятия, которое определяется проведением «опроса» методом Мозгового штурма и заполняется таблица Инсерт, где условно «весы приобретённого знания» могут быть равны: если оно в баллах, 0, 0.25, 0.5, 0.75 и 1.0 [1] или в виде оценок, то 1, 2, 3, 4 и 5).

Основой исследования является определение видов расположения обучаемых в аудиториях рисунок 1, и на основе чего строится эргономический модель процесса обучения, это:

- радиальный вид расположения;
- кольцевой вид расположения;
- радиально – кольцевое расположение обучаемых в аудитории.




Рисунок 1.

Исходя из расположения обучаемых в аудитории рисунок 1, то исследование качества образования в приобретении знаний, необходимо проводить по этапно, с помощью:

- построения эргономической модели расположения;
- математического моделирования процесса образования;
- создания имитационной модели процесса образования;
- определения информационной взаимосвязи дисциплин;
- определения логической схемы взаимосвязи дисциплин;



- и стандартных математических методов расчета.

Для исследования качество обучения в приобретении знания рассмотрим одного из видов - радиального расположения обучаемых в аудитории. На основе рисунка 1 построим ее эргономический модель рисунок 2.




Рисунок 2.

Следующим этапом исследования является построение ее математической модели для проведения расчета и определения качества образования. Так как расположение обучаемых в виде квадрата в радиальном расположении обучаемых, то воспользуемся из раздела математики теории множеств, где расположение обучаемых можно описать в виде матрицы, например, A_{ij} .

Алгоритм матричного метода исследования выглядит следующим образом:

- определение вида аудитории;
- построение эргономической модели исследования;
- описание математической модели процесса образования;
- и решение ее математическим методом Гаусса.

Отсюда и вытекает квадратная матрица A_{ij} формула (1) (где А – аудитория, a_{mn} – обучаемые, индексы (i,j) соответствующие расположению обучаемых студентов в аудитории). Размерность матрицы зависит от количества обучаемых студентов a_{mn} .

$$A_{ij} = \begin{vmatrix} a_{11}, & a_{12}, & \dots, & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22}, & \dots, & a_{2n} \\ \vdots & \vdots & & \vdots \\ a_{m1}, & a_{m2}, & \dots, & a_{mn} \end{vmatrix} \quad (1)$$

Заполнение промежуточной матрицы W_n (W_n - матрица результирующая опросов и вычисления), которая заполняется с помощью проводимого опроса группы, т. е. от ответа каждого обучаемого a_{ij} . И так полученными ответами, т.е. статистическими данными заполняется матрица $W_1, W_2, W_3, \dots, W_n$. Где $a_{1j}, a_{2j}, \dots, a_{ij}$ значения приобретенных знаний, которые зависят от количества проводимых занятий – j и количество обучаемых - i . Например, если проводимый объем лекции составляет 36 часов, то обучающие будут опрошены 18 раз – после каждого занятия, т.е. $a_{m,18}$ и матрица W_{18} будет заполнена ответами обучаемых 18 раз, который осуществляется методом Мозгового штурма. Значит, матрица полученных результатов 18 раз циклически будет вычисляться, суммироваться и делиться на 18 для определения конечного результата – оценку каждого обучаемого, т.е. качество обучения.

После каждого вычисления заполняется следующая результирующая матрица W_{n+1} , с учетом всех ответов, обучаемых группы с оценками (1, 2, 3, 4, 5).

Обучаемые будут приобретать знания от преподавателя с помощью вектора B_i , из-за этого формулу (1) для расчета результата приобретенного знания запишем в следующем виде

$$W_i = A_{ij} + B_i \quad (2)$$

Где вектор $B_i = (b_1, b_2, b_3, \dots, b_i)$ – это знание преподавателя в виде: конспекта лекции т.д.

Рассмотрим пример где участвуют двое: обучаемый и преподаватель, которая представляется в следующем виде, рисунок 3.




Рисунок 3. Рисунок 4. Рисунок 5.

Исследования показывают, что обучаемый приобретает знание в основном преподавателя и от других источников, как: электронная доска, громкоговоритель, электронного устройства, машины, механизмы, плакаты, медицинские приборы и устройства, манипуляторы, роботы и др., которые могут участвовать в учебном процессе и являются необходимыми в приобретении дополнительных знаний влияющие на качество обучения.

Для облегчения составления программы на алгоритмическом языке, для разработки ее имитационной модели проводимого исследования, т.е. обучения этот процесс напишем в операторном виде

$$<\text{обучаемый}> = <\text{преподаватель}>.$$

Это технические средства обучения (ТСО). Существуют множество видов ТСО активно участвующих в приобретение знаний в виде факторов, которые связаны с подготовкой разных специальностей и специализаций.

Целью является, исследование образовательной системы с помощью эргономики за счет подключения ТСО в приобретение дополнительных знаний.

Для этого необходимо определить вид ТСО для участия в приобретении знаний:

- провести анализ учебного процесса для определения вида аудиторий;
- разработать математическую модель процесса обучения;
- на основе математической модели создать имитационную модель для ее исследования при помощи разных математических методов и ново вводимых данных;
- определить вид метода расчета;
- определить необходимость подключение дополнительных ТСО;
- каков долевое участие ТСО в процессе обучения;
- и насколько оно чувствительно к приобретаемому знанию при использовании ТСО.

Например, рассмотрим использование ТСО1 в учебном процессе рисунок 4, обучаемые будут приобретать дополнительные знания от вектора C_i , из-за этого формулу (2) запишем в следующем виде

$$W_i = A_{ij} + B_i + C_i \quad (3)$$

где $C_i = (c_1, c_2, c_3 \dots c_n)$ вектор данных, т.е. дополнительные знания в виде: искусственного интеллекта, установки, машины, электронная доска и т.д.

В свою очередь будет необходимо ввести информацию, т.е. изучаемый материал - знание передаваемое от ТСО 1 например при помощи электронной доски в виде вектора C_i .

И так, решая уравнение (3) при помощи численным методом Гаусса мы получим результат, т.е. приобретенное знание.

Операторный вид второго примера будет записано в следующем

$$<\text{обучаемый}> = <\text{преподаватель}> <\text{TCO } 1>.$$

Из этого примера можно сделать следующее заключение:



- обучаемый – т.е. один из элементов матрицы, например, a_{11} входит в контакт не только с преподавателем, но еще он дополнительно приобретает знание от TCO1, например, от электронной доски.

Резюме:

Так как проведённое исследование является первым приближением в нашей практике, из-за этого необходимо продолжать изучение и исследование процесса обучения и относительно каждого случая необходимо строить их эргономические модели.

Список использованной литературы

1. Халдаров Х.А., Кадырова Г.А. Программа методики оценивания знаний учащихся с использованием педагогической технологии таблично - опросного метода Инсерт в образовании. Агентство по интеллектуальной собственности РУз. Авторская справка № DGU 04556. Ташкент 13.07.2017.
2. Халдаров Х.А. Алимарданова Н. Управление качеством образования в процессе проектирования образовательных систем. Межд. НПК «Новая наука и формирование культуры знаний современного человека», Москва, 2018, С. 358-363.
3. Абдуллаева Б. С., Халдаров Х.А. Концептуальное управление качеством образования в проектировании образовательных систем. Eastern European Scientific Journal, Ausgaba 1-2019 ISSN: 2199-7977, Auris. Pages: 130-134.
4. Халдаров Х.А., Примкулова А.А., Жаббарова И.Р., Построение математической модели процесса обучения с помощью эргономики. Proceedings of GLOBAL TECNOVATION, An International Multidisciplinary Conference, Samsun, Turkey. October 31st 2020. Ст. 114-118.
5. Khaldarov Kh. A, Primkulova A. A., Jabbarova I. R. MATRIX METHOD IN THE STUDY OF THE LEARNING PROCESS USING ERGONOMICS. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer reviewed Open Access International Journal. ELSEVIER SSRN. 19th Nov 2020. Volume 09, Issue 11, Pages: 77-80.
6. Khaldarov Kh. A, Primkulova A. A., Urakova Sh. B., THE CONSTRUCTION OF THE MATHEMATICAL MODEL OF THE LEARNINGPROCESS WITH THE HELP OF ERGONOMICS. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer reviewed Open Access International Journal. ELSEVIER SSRN. 19th Nov 2020. Volume 09, Issue 11, Pages: 72-76.



ИСЛОМДА АЁЛГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИ

Хусайнбекова Гульчира Мавланбековна

Хоразм вилояти ХТҲҚТМОҲМ “Ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси” кафедраси доценти. (т.ф.н).

Аннотация. Ушбу мақолада Ислом динимизда аёлларга бўлган муносабатлар ёритилган. Аёлни эркак билан тенглиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: Гендер, оила, аёл, тенглик, ислом, муносабат.

ОТНОШЕНИЕ К ЖЕНЩИНАМ В ИСЛАМЕ

Аннотация. В этой статье отражены отношения между женщиной и мужчиной в Исламе. Выражено мнение о равенстве между женщиной и мужчиной.

Ключевые слова: Пол, женщина, мужчина, равенство ,ислам, отношение.

ATTITUDE TOWARDS WOMEN IN ISLAM

Annotation. This article reflects the relationship between a woman and a man in Islam. An opinion was expressed about equality between a woman and a man.

Key words: Gender, woman, man, equality, Islam, attitude.

Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади», — деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун мунособ мөхнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи мамлакатда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. [1]

Инсон ўз ҳаёти мобайнида оила қурари, фарзанд қўради ва шу тариқа ўз наслини сақлайди. Ислом дини ақидасида ҳали бола дунёга келмай туриб унинг келажаги тўғрисида қайғуришга буюрилади. Ислом дини аёл кишини бокира қиз, опа-сингил, умр йўлдош ва мўътабар она сифатида эъзозлайди. Узоқ тарихимизга назар ташласак диёrimизда таваллуд топиб, ўзларининг ахлоқ-одоблари билан барчага намуна бўлган фозила, олима, шоира ва давлат раҳбарларигача кўтарилган аёлларимиз: Зебунисо, Увайсий, Махзуна, Акбар отин, Нодирабегим каби момоларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Мозийга назар солсак, қадимдан Ўрта Осиё ҳалқларида ҳурмат ва эҳтиром юзасидан ёши улуг аёлларга ҳамда маликаларга “Биби” ёхуд “бибиш” атамасини қўшиб айтган. [2]

Жумладан, Ислом оламида шу ном билан машҳур бўлган аёллар талайгина. Булар Биби Марям, Биби Фотима, Биби Ойша Биби Хадича кабилардир.[3]

Темурий маликалар орасида Сараймулхоним тарихда Бибихоним номи билан машҳур бўлган.

Ислом тарихига назар соладиган бўлсак, жоҳилият даврларида аёлларнинг деярли ҳеч қандай ҳуқуқлари бўлмаган. Ҳаттоқи жанг қила олмайди, номусимизни ер билан тенг қиласади, камбағалликка сабаб бўлади, деб қиз чақалоқларни тириклай кўмиш тез-тез учраб турган. Ислом бу масалани ҳам адолатли ҳал қилган. Аллоҳ Қурони Каримда барча инсонлар, жинсидан қатъий назар тенг эканини ва уларни бир жондан яратганини баён қилган. (Нисо сураси 10ят). [4]

Исломда аёллардаги заифлик кораланмайди. Чунки улар бунга айбордor эмас. Қалбларини нозиклиги, латофатли бўлишса бу мақтовга лойикдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом аёлларда мана шу заифликни доим эътиборга логан ва уларни химоя қилган. Ул зот ҳамиша аёлларни қадрлашга чақирган. Динимизда киши ўзига ҳам ўзгаларга ҳам зулм қилиши катта гуноҳ ҳисобланади.



Бугунги кунда баъзи бир эркаклар жиддий бир сабабсиз ўз аёлини қаровсиз қолдиришмоқда. Муқаддас динимиз таълимотларида аёлнинг шарафини, ифратини, ҳукуклари улуғ эканлиги кўрсатилган. Ислом бундан 15 аср муқаддам аёл эркак билан тенг ҳукукларга эга эканлигини эълон қилган. Илм олиш эркагу аёлга бирдек фарз эканлиги қайд қилинган.

Исломда оила масаласига жиддий эътибор қаратилади, унинг мустаҳкамлиги, эр-хотин ўртасидаги меҳр-мухаббатни таъминлаш учун динимиз ўзига хос қонун-қоидаларни жорий қилган. Эр-хотиннинг ҳар бирига ўзига хос бурч ва вазифаларни юклаган.

Эр-хотинни яхши кўрса, жуда ҳурматлаши лозим, ёмон кўрса зулм қилмаслиги керак. Истаса чидаб яшасин ё яхшиликга ажрашсин. Аёлни фақат мардлар қадрлайди, пастлар ҳўрлайди деб ёзилган динимизда ҳозирги кунда аёлларимизга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳукуклари ва манфаатларини таъминлаш борасидаги амалга оширилаётган ишларнинг ҳукуқий асоси Баш қомусимизда ўз ифодасини топган. Бундан ташқари 2019 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қабул қилинган қонун ҳам фикримизни исботиди.

Бу хужжат мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган асосий қонун хужжати хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва.: “Ленин” 1981. 1-жилд. 110 бет.
2. Абрамов С.М. Рождение детство киргизского ребенка // Сборник музея антропологии и этнографии. М-Л. 1949 № X-11-С. 83.
3. Сайд Комил. Хўш, гендер тенглиги нима ўзи? Интернет маълумоти. 2019.
4. Машарипов А. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаси. <https://www.minjust.uz/uz/>
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил 4 январь, 3-сон
6. Куръони Карим. Т.: “Ўзбекистон” 1992 йил.



ИЛМ-ФАН-ТЕХНИКА ВА ИННОВАЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Элибаева Наргиза Туйчи қизи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
мухандислари институти “Мелиорация ва суформа техқончилик”
йўналиши II босқич магистранти;
nargiza.elibaeva90@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада илм-фан-техника соҳаларида олима аёлларнинг ўрнини
янада ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг илм олишлари учун кенг шароитлар
яратиб бериш, илм-фанга йўналтириш ҳамда уларни қўллаб-кувватлаш ҳақидаги маълумотлар
келтирилган.

Таянч иборалар: илм-фан-техника, ижтимоий-сиёсий соҳа, олима аёл, гендер
тенглиги, илмий тадқиқотлар, технологиялар.

Аннотация: В этой статье представлена информация о дальнейшем повышении роли
женщин-ученых в области науки и технологий, укреплении их здоровья, создания широкого
спектра условий для их образования, научной ориентации и поддержки.

Кириш

Гендер тенглик бу – хукуқларнинг тенглиги демакдир. Ҳаётнинг ҳар жабҳаларида аёл
ва эркакларга бўлган муносабат ҳамда имкониятларнинг тенглигидир. Инсонларнинг хукуқ ва
бурчлари уларнинг эркак ёки аёл бўлиб яратилганига боғлиқ эмас. Бу эса аёл ва эркаклар бир
хил бўлиши кераклигини англатмайди. Балки, уларнинг танловлари мустақил бўлиши
кераклиги, ўз фикрларини эркин баён эта олиши ва ўзини ҳар қандай соҳада кўрсата олиши
кераклигини англатади.

Ҳозирги кунга қадар, илм-фан-техника тушунчалари ҳақида гап кетганида, негадир
ҳаёлимизга бу соҳаларда фақатгина эркакларгина ишлаши мумкин деган фикр келар эди. Ҳар
бир инсоннинг, у ҳоҳ эркак киши ҳоҳ аёл киши бўлсин билим олиши учун, ижтимоий-сиёсий
фаоллигини ошириш учун ҳамда ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши учун бирон бир
сабаб тўсиқ бўла олмайди. Аёлларнинг юқори лавозимларда фаолият юритмасли ёки баъзи
соҳаларда кам учратишимиш уларнинг билимсизлигини белгилаб бермайди.

Илмий тадқиқотлар соҳасини дунё миқёсида кўриб чиқадиган бўлсак, олий таълим
муассасаларининг бакалавриат ва магистратура бўлимларида ўқиш бўйича аёллар эркакларни
ортда қолдирап экан. Олий таълим муассасаларини битирувчи талабалари орасида аёлларнинг
улуси 53 %ни ташкил этишига қарамай, минг афсуслар бўлсинки, бу кўрсаткич, докторлик
даражасига етмай ўз-ўзидан тушиб кетар экан. Яъни эркакларнинг улуси 57 %га илгарилаб
кетади [1].

Статистика маълумотлари шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда илмий изланишлар
соҳасидаги эркакларнинг улуси 72 % ни ташкил қиласди. Дунё бўйича олия аёлларнинг улуси
эса атига 28% ни ташкил этади [2]. Ҳудудлар бўйича олима аёлларнинг улуси Жануби-
Шарқий Европа давлатларида 48,5 %, Марказий Осиё давлатларида 44,3 %ни, Лотин
Америкасида олима аёлларнинг улуси 44,3 %ни, Араб давлатларида 36,8 %ни ва Европа
Иттифоқи давлатларида эса бу кўрсаткич 33,1 %ни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал.

Т/р	Худудлар	Худудлар бўйича олима аёлларнинг улуси*	
		Олима аёлларнинг улуси %	хисобида
1	Жануби-Шарқий Европа		48,5
2	Марказий Осиё		44,3
3	Лотин Америка		44,3



4	Араб давлатлари	36,8
5	Европа Иттифоқи	33,1

* ЮНЕСКОнинг статистика институти томонидан тайёрланган маълумотлар базаси асосида баҳолаш, 2015 йил июл.

Олимларнинг текширув натижалари шуни кўрсатадики, жамиятда олима аёлларнинг кам бўлишига асосий сабаблар, булар:

- уларга бўлган эътиборнинг камлиги;
- оила ва фарзандлар;
 - эркаклар ва аёлларни тенглик даражасидаги ўзаро фарқларнинг номутаносиблиги;
 - ишчи-ходимларни ишга қабул қилишдаги баланснинг бузилиши.

Абдулла Авлоний айтганлариdek, “Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари керак, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар”. Бу сўзлар, ҳаттоқи, ҳалқнинг маданиятини ҳам аёллар белгилаб беришидан далолатdir. Чунки, аёл ўз фарзандларига берган яхши тарбияси билан гўзалdir.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан “Тараққиёт мақсадларидағи фан, техника ва инновациялар” тўғрисида қабул қилинган резолюцияда ушбу соҳаларда гендер тенгликни таъминлаш асосий масала этиб кўрсатилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига биноан, 2016 йилдан бошлаб ҳар 11 феврал куни “Илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар ҳалқаро куни” деб эътироф этилган. Бундан асосий мақсад аёлларни ижтимоий ва сиёсий нуфузини ошириш, илм-фан соҳасидаги салоҳиятини ошириб бориш ва уларни кўллаб-куватлашдан иборатdir [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институти мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли фармони [4] ҳамда “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4235-сон қарорининг қабул қилинганилиги аёлларимизга бўлган чуқур хурмат ва эҳтиром намунасидир [5].

Бугунги кунда “Аёли улуғланган ва қадрланган юртда яшаш нақадар баҳтдир” дея барадла айта оламиз. Зеро ҳукуматимиз томонидан чиқарилган фармон ва қарорлар, азиз ва муҳтарама аёлларимизни оила ва жамиятдаги ўрини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик ва ишбилиармонлик сифатларини қўллаб-куватлашга ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтган йили бўлиб ўтган “Олима аёллар” ташаббускор илмий лойиҳалар танлови ҳам айнан хотин-қизларнинг илм-фандаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Кечаги уй бекаси – бугун жамиятнинг тўлақонли аъзосидир. Аввалари фақатгина тиббиёт ва таълим соҳаларида аёллар фаолият олиб борган бўлса, ҳозирга келиб, банк-молия, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, фармацевтика, электроника соҳаси, ахборот коммуникация, сервис ва бозор иқтисодиёти каби юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқларда ҳам олима аёлларимиз ва қизларимизни кўришимиз мумкин [6].

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бутун дунёда илм-фан-техника ва инновациялар самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш ҳамда янгиликларни амалга оширишда олима аёлларнинг иштироки бекиёсдир. Яъни бугунги кунда аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги фаолият улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда аёлларимизга берилаётган юксак эътибор, илм-фан соҳасига яратилган шарт-шароитлар ва кенг имкониятлар натижасидир. Юртимизнинг равнақи йўлида ўз хиссасини қўшиб келаётган олима аёлларимиз кўпаяверсин. Барча, яъни, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик ва бозор, техника ва технологиялар ҳамда илм – фан соҳаларини ривожлантиришда ўз хиссасини қўшишдан чарчашмасин.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Abreu, A. (2011) National Assessments of Gender, Science, Technology and Innovation: Brazil. Prepared for Women in Global Science and Technology and the Organization for Women in Science for the Developing World: Brighton (Canada). ASSAf (2011) Participati;
2. Bonder, G. (2015) National Assessments of Gender, Science, Technology and Innovation: Argentina. Women in Global Science and Technology and the Organization for Women in Science for the Developing World: Brighton (Canada);
3. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Тараққиёт мақсадларидағи фан, техника ва инновациялар” тұғрисидаги резолюцияси;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустахкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида” ги ПФ-5325 сонли Фармони, 2018 йил 2 феврал;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат хуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тұғрисида” ги ПҚ-4235-сон қарори, 2019 йил 7 март;
6. Ирматова А.Б. Интеллектуал меҳнатни ривожланиши аёлларни иш билан бандлигига таъсири. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnalı. № 1, yanvar-fevral, 2020 yil.



ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИННОВАЦИЯЛАР, МАЪНАВИЙ МАЪРИФИЙ ИСЛОҲАТЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ҳасанова Феруза Раҳмоналиевна
Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ ўқитувчиси
Турон ФА Фаҳрий академиги

Аннотация: Мақолада гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хукукий манфаатларини таъминлаш, турли соҳаларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши эканлиги, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари, хотин – қизларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: гендер тенглик, хотин-қизлар, давлат сиёсати, ислоҳот, жамият, ижтимоий фаоллик, маҳалла ва оила институти, давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-сиёсий соҳа, аёллар хукуқ ва манфаатлари.

Annotation: The article goes on and on the social and sexual activity of the ayats.ensure private interests,turchi abilities and opportunities in the field creating convenient part-ipatoites for chikari an important priority of public policy that is ,the social activism of hotits-girls opiate factors ,the state of the females and participation in public administation toshan .

Keywords: rendering equality, woman, public policy, reform.society, social activity, community and family institute . state and the administration of society,the socio-political sphere rights and interests.

*Гендер тенглик инсон ривожланишии концепцияси билан
боғлиқ ҳолда барча одамларга моддий ва маънавий эҳтиёжларни
қондиришида тенг имкониятлар яратилишини кўзда тутади. Бу,
аввало, таълим, соглиқни сақлаш, бандлик ва жамиятнинг
сиёсий ҳаётида иштирок этиши имкониятларига таалуклидир.*

Гулруҳ Аззамова
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Дунёда ҳаёт суръатлари жадаллашиб бораётган бир даврда аёллар масаласи глобал муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Кўп давлатларда бозор иқтисодиётига ўтиш фуқароларнинг турмушини қийинлаштириб, аёллар ахволига салбий таъсир этмоқда. Кейинги йилларда ҳақ тўланмайдиган иш аёлларнинг эркакларга қараганда тахминан икки баробар кўп вақтини олмоқда. Жаҳоннинг тараққий этган давлатларда ҳам хотин-қизлар расмий ишчи кучини учдан бирини ташкил этишига қарамай, аёлларни сиёсий, иқтисодий хукуқларини, гендер тенглигини таъминлаш муаммо бўлиб қолмоқда. Шу боис аёллар масаласини ҳар бир ижтимоий-сиёсий даврда эътибор берилиши лозим бўлган асосий масалалардан бири бўлиб қолиши лозимлигини тасдиқлади[9: 3].

Маълумки, мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг хукуқ ва имкониятларини кенгайтириш , турли соҳаларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши хисобланади. Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча жабхаларида хотин-қизлар ролини кучайтириш ва мақомини



ошириш, уларнинг хукуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ахолисининг қарийиб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иктисодий ҳаётнинг барча соҳаларида самарали ва фаол меҳнат қилиб келмоқда. Конституцияда хотин-қизларнинг барча соҳаларда тенг хукуқли эканлиги эътироф этилган. Юртимизда аёллар, оилалар, фарзандлар манфаати ҳамиша устувор бўлиб келмоқда. Бу саъй-харакатлар аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги орқали ўз ифодасини топаётганлиги ҳам айни хақиқат.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб хотин-қизларга эркаклар билан тенг хукуқлар берилиши борасида қатор тадбирларни амалга оширди. 1995 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар хукуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенцияни (CEDAW) ратификация қилди.^[4] Унинг қатор моддалари миллий қонунчиликка киритилди. Шу муносабат билан жинслар тенглигига эришиш бўйича тегишли дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб масалага айланмоқда. Бу узоқ муддатли мақсад бўлиб маданий, ижтимлий, сиёсий ва иқтисодий меъёрларда жиддий принципиал ўзгаришларни ва мутлақо янги тафаккурнинг шаклланишини тақозо этади.

Ўзбекистонда хотин-қизларини эъзозлаш, жамиятдаги ролини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Шу мақсадда хотин-қизлар манфаатини ифодаловчи қатор хукукий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2019 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазиيқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидан. Аёлларга қўплаб ижтимоий имтиёзлар жорий қилинди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли аёлларимиз бугунги кунда ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг, давлат ва жамиятда кечётган ҳаётбахш ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланди. ^[4]

Ҳозирги глабаллашув жараёғида хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаоллиги, уларнинг жамиятдаги мақоми ва мавқенини юксалтириш зарурати табиий бир жараён бўлиб, уни амалга ошириш инсон хукуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг таркибий қисми саналади. Айниқса, демократик янгиланишлар даврида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқенини ошириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда уларнинг хукукий маданияти ва хукукий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаолиятни кенг йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалалари давлатнинг муҳим мақсадлари қаторидан жой олди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шунингдек, 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонлари ушбу йўналишдаги ишларни тизимли амалга оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилди ва бу борадаги саъй-харакатлар самарадорлигини яна бир янги босқичга олиб чиқишида муҳим тарихий ҳужжат бўлди.

Фармонда Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида хотин-қизлар билан ишлашнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Президент Фармонига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Вазирлик хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг ташкилий-хукукий механизmlарини тубдан ислоҳ қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонга кўра, куйидаги асосий вазифалар белгилаб қўйилди:

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, “Соғлом оила – соғлом жамият” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш,



мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга мухтоҷ бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга,

шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-хукуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Айнан, фуқаролар йигини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис лавозимларининг жорий этилиши ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг ташкил этилиши аёллар ижтимоий муаммоларининг самарали ҳал этилиши ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдаги ислоҳотлар натижадорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Президент Ш.Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва гендер тенглик сиёсатини тамиллаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони, 2 та қарори, Ҳукуматнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди. Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита ташкил этилди. Бу тузилма, албатта, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга кенг имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этади. Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳукуқ ва имкониятларини кенгайтириш Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларида асосий мақсадларнинг бири сифатида белгиланди.

“Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳамда “Хотин қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” конунлар қабул қилинди. Бу билан хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш, гендер тенгликни таъминлаш, аёлларга нисбатан турли тазийқ ва зўравонликларни олдини олиш ҳолатлари янада мустаҳкамланди. Конунда давлат хизматида гендер сиёсатини амалга ошириш учун вақтинчалик тарзда бир жинсдаги хизматчилар учун квоталаш органи жорий этилмоқда. Яъни ҳар бир давлат корхона ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар вакилларининг мутаносиблиги таъминлангунча вақтинчалик жинс квоталари белгиланади. Мутаносибликка эришгач, квоталар бекор қилиш мумкин. Айниқса, “Гендер тенглик” тўғрисидаги Конун хотин-қизларни давлат бошқарувнинг ижтимоий-сиёсий соҳаларидағи ролини ошириш учун замин яратади.

Таъкидлаш жоизки, БМТ нинг Барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиқиб қабул қилинган “Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари” даги 5-мақсад- Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳукуқ ва имкониятларини кенгайтириш” га қаратилган. Ушбу ҳужжат жамиятилизда гендер тенгликни таъминлаш масаласида янада кенг имкониятлар яратди.

2019 йил 7 марта ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳукуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб- қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига тўсиқ бўладиган айrim омилларга чек қўйилди. Жумладан, аёллар пенсия ёшига етганда ҳам (55 ёш) улар билан тузилган меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш таъқиқланди; гендер тенгликнинг бузилиши билан боғлиқ ишларда адвокатлар хизматига эҳтиёж туғилса, бу хизматлар давлат томонидан қопланиши белгиланди; аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича таъқиқлар бекор қилинди; тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хотин-қизлар учун имтиёзли кредитлар ажратилди, натижада тадбиркор аёллар сони бугунга келиб 14000 нафардан ошиб кетди.



2019 йил сентябрида қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун гендер тенглик бобида қўйилган улкан қадам бўлди. Унга кўра миллий қонунчилигимизда биринчи марта “гендер” аёл ва эркакларнинг жамиятдаги ўрнини топишга қаратилган тушунча сифатида моҳиятан ёритилди. Гендер хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятидаги барча соҳалар – сиёsat, иқтисодиёт, хуқуқ, мафкура ва маданият, таълим, илм-фанда бўладиган ижтимоий жиҳат эканлиги таъкидланди. Мазкур қонуннинг 4-моддасида эса демократизм, хотин-қизлар ва эркакларга тенг хуқуқлилик, жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик, очиқлик ва шаффофлик каби принциплар гендер тенгликни таъминлашдаги асосий принциплар сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75 сессиясида онлайн тарзда ва ўзбек тилида қилган нутқида 11та глобал муаммолар қаторида гендер тенглик масалалари ҳақида

гапириб, Ўзбекистонда гендер сиёsat давлат аҳамиятига молик масала эканлиги, айниқса, янги парламент таркибидағи депутат хотин-қизлар сони бугунги кунда 2 баравар ошганлиги таъкидланди. [2.]

9. де Гуж О. Декларация прав женщины и гражданки // Newlibrary. ru: электронная библиотека [Электронный ресурс].–Режим доступа: http://read.newlibrary.ru/read/olimpija_de_guzh/page0/deklaracija_prav_zhenshiny_i_grazhdanki.html (дата обращения: 25.24. 2017).
10. Ўзбекистон тарихи. Т., “ЎЗАЖБНТ” Маркази, 2003. 456-б.
11. Чистяков О. И. Конституция СССР 1924 года. – Зертало-М, 2004. – С. 224-224.
12. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 09/18/841/2081-сон.



ГЕНДЕРНАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА

Зияева Шолпан Кудайбергеновна
ассистент,
Худойбердиева Фатима Рахмонали кизи,
Пулатова Дурдона Лутфулло кизи
студентки направления «ГЭО в ИС», ТИИМСХ.
Эл.почта – sholpan679132@mail.ru

Аннотация. В данной статье говорится о деятельности Комитета женщин Узбекистана, гендерной статистике, инновационных проектах для женщин. А также о некоторых проектах, организованных для поддержки женщин Узбекистана.

Ключевые слова. Комитет женщин Узбекистана, основные проблемы женщин, гендерная статистика, SelfMama Forum, инновационные проекты.

Annotation. This article talks about the activities of the Women's Committee of Uzbekistan, gender statistics, innovative projects for women. And also about some projects organized to support women in Uzbekistan.

Keywords. Women's Committee of Uzbekistan, main problems of women, gender statistics, SelfMama Forum, innovative projects.

*«Молитвами наших матерей, самоотверженностью
женщин укрепляются в стране мир и благополучие»,*
Ш.М.Мирзиёев

*«Если вы хотите, чтобы вам что-нибудь сказали,
попросите мужчину, но если вы хотите, чтобы
что-то было сделано, нужно звать женщину».*
Маргарет Тэтчер

Гендерное равенство в Узбекистане переживало периоды спада и роста после обретения независимости в 1991 году. В Конституции Республики Узбекистан закреплен принцип недопущения дискриминации и обеспечения равных прав женщин и мужчин, для чего в структуре правительства создан Комитет женщин Узбекистана (КЖУ), возглавляемый заместителем Премьер-министра, которая является ключевым игроком в содействии гендерному равенству. Комитет женщин имеет сеть филиалов в каждой территориальной административной единице, возглавляемый заместителем главы администрации по делам женщин. Последний Указ Президента от 2 февраля 2018 года создает условия для дальнейшего развития деятельности КЖУ и будет способствовать более системным подходам к вопросам гендерного равенства [1]. Как наиболее актуальные вопросы КЖУ выделяет «трудоустройство, создание новых рабочих мест, развитие деловых и предпринимательских навыков» как основные проблемы городских женщин. Для сельских женщин «недостаточность социальной и коммунальной инфраструктуры на местах, необходимость развивать семейный и надомный труд» были отнесены к наиболее актуальным вопросам, требующим решения [2].

В 2014 году при поддержке АБР был запущен вебсайт, посвященный гендерной статистике (<https://gender.stat.uz/ru>).



ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО СТАТИСТИКЕ
ГЕНДЕРНАЯ СТАТИСТИКА УЗБЕКИСТАНА

ГЛАВНАЯ О ГЕНДЕРНОЙ СТАТИСТИКЕ ОСНОВНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ КОНТАКТЫ

Сайт работает в тестовом режиме

Поиск

Демография

Здравоохранение

Образование

Преступность

Экономические структуры, участие в производительной деятельности и доступ к ресурсам

Образование

Здравоохранение и смежные услуги

Общественная жизнь и участие в принятии решений

Данный онлайн-ресурс содержит информацию с разбивкой по полу по таким основным показателям, как демография, занятость, туризм, системы социальной защиты и статистика правонарушений. Отсутствие на сайте гендерной статистики дезагрегированных по признаку пола данных в ключевых для операций АБР секторах, таких как энергетика, строительство, транспорт и связь является одним из препятствий для оценки гендерного неравенства и проблем, которые могут решаться в рамках проекта АБР. Также отсутствуют глобально сформулированные ключевые индикаторы (например, доля участия женщин в политической жизни и принятии решений, права собственности и доступ к ресурсам, доля женщин, занятых на оплачиваемой и неоплачиваемой работе, а также в надомном труде, доля нетрудоустроенных женщин, использование времени) – эти сведения в настоящее время недоступны на веб-ресурсе.

С 2004 года, когда была установлена квота в 30% мест, резервируемых в списках политических партий для женщин, их число в Парламенте выросло с 9,4% до 16% в 2017 году. Однако, этот показатель с тех пор остается практически неизменным. Женщины все еще недостаточно представлены на уровне принятия решений и управления во всех секторах, т.е. они еще не достигли критического меньшинства в 30%, необходимого для эффективного влияния на принимаемые решения.

Занятость и создание рабочих мест всегда находятся в центре внимания государства, при этом отчетливо прослеживается и гендерный подход. В Стратегии действий на 2017-2021 гг. непосредственно затрагивается вопрос занятости женщин и выпускниц профессиональных колледжей. Женщины составляют 49,6% населения Узбекистана. Доля женщин в формальной занятости все еще ниже, чем у мужчин: 45,7% по сравнению с 54,3% соответственно. На рынке труда четко отслеживаются гендерные тенденции: женщины широко представлены в социальных секторах (образование, здравоохранение и социальные услуги, гостиничный сервис и общественное питание) с более низкими зарплатами, и мужчины доминируют в технических и других, более доходных отраслях (например, строительство, финансы, промышленность, транспорт, связь) [3].

24 октября состоялся первый SelfMama Forum, который объединил женщин, стремящихся совмещать материнство и самореализацию.

SelfMama Uzbekistan получил международный статус, объединившись с SelfMama-форумами Москвы, Алматы, Амстердама, Бишкека, Бостона, Душанбе, Лондона, Новосибирска, Риги, Токио, Штутгартта, Уtrechtta, Якутска и других.



Спикеры первого SelfMama Forum Tashkent – это женщины: мамы, личности, эксперты. Они столкнулись с социальной изоляцией, эмоциональным выгоранием, выбором между материнством и самореализацией, дискриминацией при трудоустройстве. Эти проблемы и обсуждались в рамках мероприятия [4].



26 февраля 2019 года в Университете Инха г.Ташкента состоялась Торжественная церемония награждения победителей II республиканского конкурса «100 лучших инновационных проектов женщин Узбекистана».

В конкурсе приняли участие представители международных организаций, руководители министерств, агентств, сотрудники Комитета женщин Узбекистана, члены Центра Женщин изобретателей Узбекистана, Республиканского Экспертного Совета и представители СМИ.

На первом этапе конкурса представлены более 4000 технических проектов, инновационных предложений и изобретений, имеющих научное и практическое значение для народного хозяйства. Участники: студентки и ученицы, женщины-изобретатели, рационализаторы, инженеры, программисты, дизайнеры, врачи, фармацевты, специалисты, женщины-предприниматели.

На заключительном этапе II республиканского конкурса «100 лучших инновационных проектов женщин Узбекистана» более 300 участниц представили свои конкурсные проекты для оценки Республиканскому Экспертному Совету. Из представленных проектов были выбраны 100 лучших, авторы которых стали победителями конкурса [5].



Ссылки:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» от 2 февраля 2018 года № УП-5325.
2. <https://www.adb.org/sites/default/files/institutionaldocument/495911/uzbekistan-country-gender-assessment-update-ru.pdf>
3. <https://gender.stat.uz/ru>
4. <https://kun.uz/ru/news/2020/10/30/zarojdeniye-sotsialnoy-kampanii-vusloviyax-pandemii-jyenskiy-oblik-uzbekistana-flagmanskoye-razvitiye-i-mirovyye-tendensii>
5. <https://mitc.uz/ru/news/809>



ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ БАХТИ ШУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА, ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАЁТГАНИ ВА МЕХНАТ ҚИЛАЁТГАНИДАДИР!

Аббасова Муҳаё Садиллоевна

“Ипак йўли” туризм халқаро университети,
Хотин-қизлар масалалари бўйича ректор маслаҳатчиси

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, уларга бўлган эътибор, уларнинг ижтимоий-сиёсий ислоҳотлардаги иштироки имкон қадар ёритилган. Қолаверса, “Ипак йўли” туризм халқаро университетининг юксалишига ўз хиссасини қўшиб келаётган иқтидорли ҳамда ижодкор аёллар тўғрисида, шунингдек, республикамизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга, уларнинг имкониятларини кенгайтиришга кенг йўл берилаётгани, гендер тенглиги, репродуктив саломатликка оид лойиҳалар, истиқболли дастурларга кўра амалга оширилаётган чора-тадбирларга тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар. Олима аёллар, илм-фан, баркамол авлод, халқаро университет, гендерлик, илмий тадқиқотлар, ички ва ташки туризм, рақобатбардош муҳит, инновацион технологиялар.

Аннотация. В данной статье максимально освещена роль женщин в обществе за годы независимости нашей страны, внимание к ним, их участие в общественно-политических реформах. Кроме того, о талантливых и творческих женщинах, которые способствуют развитию Международного университета туризма «Шелковый путь», а также усилиению роли и места женщин в государстве и обществе, расширению их возможностей, гендерному равенству, репродуктивности, проекты по здравоохранению проведённые в университете, меры принимаемые в соответствии с перспективными программами.

Ключевые слова: Женщины-ученые, наука, гармонично развитое поколение, международный университет, гендер, научные исследования, внутренний и зарубежный туризм, конкурентная среда, инновационные технологии.

Annotatsion. This article highlights the role of women in society, attention to them, their participation in social and political reforms over the years of independence of our country. In addition, it focuses on talented and creative women who contribute to the development of the “Silk Road” International University of Tourism, as well as the tasks being carried out under promising programs of strengthening the role and position of women in the state and society, expanding their opportunities, gender equality, reproductive health projects.

Key words: Women scientists, science, harmoniously developed generation, international university, gender, scientific research, domestic and foreign tourism, competitive environment, innovative technologies.

Бундан уч йил муқаддам Президентимизнинг 2018 йил 28 июнданги “Ипак йўли” туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисидаги қарори билан Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейи базасида “Ипак йўли” туризм халқаро университети ташкил этилди. Университетнинг ташкил этилганига қисқа вақт бўлган бўлса-да, бу давр мобайнида университет ҳар томонлама катта ютуқларга эришиб келмоқда. Ушбу ютуқларни қўлга киритишида хотин-қизларимизнинг меҳнатлари бекиёсdir. Университетда жами 75 нафар профессор-ўқитувчilar ва ходималар фаолият юритиб келмоқда. Бу ўринда университетимизнинг ўқув-услубий, маърифат ва маънавияти ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётган хотин-қизларимизнинг, айниқса, ижодкор ва олима аёлларимизнинг хизматларини ва талаба-қизларимизнинг қўлга киритган ютуқларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Эътиборлиси шундаки, бу муваффақиятлар замирида университетимизда фаолият юритаётган олима аёлларнинг алоҳида ўрни бор. Масалан, халқаро туризмни ривожлантириш ҳамда мазкур соҳада професионал кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, илмий-тадқиқот



ва ижодий ишларни олиб бориш бўйича ташаббусларни амалий рўёбга чиқариш, Ўзбекистонинг туризм соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик натижалари ва келажакдаги истиқболлари, виртуал туризмни ривожлантириш борасида халқаро тажриба ва уни мамлакатимизда татбиқ этиш имкониятлари, “Буюк Ипак йўли”нинг барча йўналишларида туризмни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини йўлга қўйиш каби вазифаларда университетимиз олима аёлларининг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шуни назарда тутиб “Ипак йўли” туризм халқаро университети жамоаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги буйруқлари ҳамда йўриқномаларида кўрсатилган меъёрий тартибларидан келиб чиқиб меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш вазифасини ўз фаолиятининг бош мезони қилиб белгилаган. Бу долзарб масалани амалга оширишда илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим ўрин тутади. Чунки, бу илмий тадқиқотлар ёш мутахассисларда синчковлик, янгилик излаш ҳиссиётларини шакллантиради ҳамда университет илмий салоҳиятини юксалтиради. Хотин-қизларимизнинг илмий салоҳиятларини янада кўтариш мақсадида илмий тадқиқот жараёнига мунтазам жалб қилинмоқда. Skopus, Web of Science маълумотлар базасида индексланган журналларда профессор-ўқитувчилар томонидан мақолалар эълон қилинмоқда.

Ёш олималаримиздан 2020 йил 24 январда “Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси Д.Юлдашева “Ўзбек тилида орнитонимларнинг семантик ва структуравий тадқики” мавзусида, 2020 йил 28-октябрь куни “Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси Р.Тошлиёзова “Алишер Навоий тафаккури онтологиясининг бадиий ифодаси (“Хамса” достонлари асосида)” мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини қўлга киритиши. Бундан ташқари бир қатор давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари билан йўлга қўйилган ҳамкорликлар асосида ташкил этилаётган илмий-услубий семинарларнинг фаол иштирокчиси, ўқув-ишлаб чиқариш маркази (ЎИЧМ) директори И.В.Мухаммедназарова университетимизда инновацион таълим тизими сифатида тан олинган Dual таълимни йўлга қўйиш борасида аҳамиятли ишларни амалга ошироқда.

Ана шу жиҳатдан олганда, университетимиз фаолиятида ўзининг ноёб иқтидори, билими, савияси ва зукколиги билан ажralиб турадиган ҳамда мустақил дунёқарашга, фалсафий мушоҳадага эга, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда алоҳида хизмат қилаётган ўнлаб аёллар номини келтириш мумкин. Булардан, М.Сидикова, Д.Юлдашева, Ш.Ашуррова, Р.Тошлиёзова, З.Салиева, Н.Абдуваҳидова, Н.Турдиева, М.Хашимова каби ижодкор ва олималар бугунги ёшларга ибрат ва ўрнак бўлиб келмоқдалар. Университетнинг асосий мақсади ёш олимларимиз ва, айниқса, олима аёлларни қўллаб-куватлашга доир давлат сиёсатини амалга ошириш, уларнинг хукуқ ва манбаатларини ҳимоя қилишдаги муаммо ва ечимларини ижобий ҳал қилишга қаратилган. Университетнинг жамоатчилик билан алоқалар (PR) бўлимининг ҳам университет сиёсатини ёритиб бориша, университетга тегишли кенг қамровли фаолиятни тизимли йўлга қўйишда хизмати каттадир.

“Хорижий тиллар” кафедраси ўқитувчиси Д.Б.Мирбобоева Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўтказилган BLCD-2020 номли гранти голиби бўлди. Гранд шартлари бўйича Д.Б.Мирбобоева томонидан дарс ўтиш методикаси ёритилган эссе ёзилди. Гранд совриндори Францияга икки хафталик бепул малака оширишга жўнатилиши кўзда тутилган! Шу муносабат билан Париж академияси билан ҳамкорлик ишларининг янги босқичи йўлга қўйилди.

Жорий йилда илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион гурӯх аъзолигига жалб этилган иқтидорли талабаларнинг 60 нафарини талаба-қизлар ташкил этади. Бу ҳам ўз навбатида университетимиз олималарининг сафини янада кенгайишига пойdevor бўлиб хизмат қиласи. Университетимизда таҳсил олаётган “Оммавий тадбирлар менежменти” йўналиши 2-босқич талабаси Обидова Дилфуза “Eurasian Youth Online Conference 2 Speaker”, “SAMMUN 3 CONFRENCE UNICEF Speaker”, “International Diplomats in Uzbekistan World bank” йўналиши



координатори, “International Youth Online Conference 5 UNICEF” спикерлиги каби қатор республика ва халқаро сертификатлари соҳибидир.

Университет иқтидорли талаба қизлари 2020 йилнинг 10-11 декабрь ойида “I халқаро ёшлар туристик форуми” доирасида амалга оширилаётган лойиҳада Норбоева Зулфизар, Амирова Динора, Исроилова Севинчбону, Назарбаева Мақсадалар 5 та йўналишдан 4 нафар йўналишда фаол иштирок этиб, дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Талабалардан бири Бухоро вилоят туризми элчиси этиб сайлангани муҳим воқеага айланди.

Университетда талабаларнинг креативлик, инновацион ғояларини қўллаб-куватлаш, лойиҳаларни бошқара олиш хусусиятларни намоён этиш мақсадида “Энг яхши Start-Up” кўрик-танлови ташкил этилди. Қатор талабалар, хусусан, Ҳамроқулова Шаҳло ҳамда Акбарова Нигиналар 800 000 сўмлик грант ҳамда сертификат соҳиби бўлиши.

“Туризм фаолиятида логистика” йўналиши талабаси Ҳамроқулова Шаҳло Равшан қизи “Ватан равнақида менинг ҳиссам” мавзусидаги иншолар кўрик-танловида ҳам фаол иштирок этди. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг тавсиясига биноан университетнинг биринчи босқич талабаси Жўраева Шоҳнигорбегим Халим қизи Ўзбекистон талабалар ассоциациясининг “Ипак йўли” туризм халқаро университети вакили лавозимида фаолият юрита бошлади. Шунингдек, университет талабалар парламенти президентлигига қатор иқтидорли ва фаол талаба қизларимизнинг ҳам номзодлари қўрсатилгани қувонарли ҳолдир.

“Ипак йўли” туризм халқаро университети ташкил топганига ҳали кўп бўлгани йўқ, лекин ўтган уч йил давомида ушбу даргоҳда бир қанча янгиликлар қилинди. Республика олий таълим муассасалари орасида ilk бор “Ипак йўли” халқаро университетида халқаролашув жараёнини тезлаштириш ҳамда талабаларга эътиборни янада кучайтириш мақсадида 2021 йил январь ойидан бошлаб талабаларга таҳсил давридаёқ хизмат қўрсатадиган обьектларда ишлаш (part-time on- Campus job) имконияти яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 декабрь куни республика I Ёшлар форумидаги иштироки, сўzlари ва ташабbusлари навқирон авлодга, шу қаторда, университетимиз ёшларига катта мотивация бағишилди. Ушбу форумда Жўраева Шоҳнигорбегим ёшларни қўллаб-куватлаш муаммоларига тегишли ўз таклифи билан иштирок этди.

Талабалар билимдонлигини баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этиладиган Республика фан олимпиадасида “Туризм ва меҳмонхона асослари” фанидан талабамиз Сайдзода Шаҳлохон 1-ўринга муносиб деб топилди ҳамда Бош вазир ўринbosари, университетимиз ректори А.Абдухакимов томонидан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июнь № 402 сонли Қарорига жавобан университетда “Имтиёзли” ўқишига кирган “Туризм маркетинги” йўналиши талабаси С.Сайдова ҳамда “Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти” йўналиши талабаси Г.Эсоноваларга раҳбариyt томонидан ташаккурномалар берилди ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиши.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига иқтидорли ва ташабbusкор қизларимиздан қўрсатилган номзод қизларимиздан магистратура бўлими 2 босқичи талабаси М.Хусаинова, “Туризм маркетинги” йўналиши 2 босқич талабаси Сайдзода Шаҳлолар юқори баллар тўплаб, вилоят босқичига ўтиши.

Университет Хотин-қизлар кенгаши томонидан ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Учинчи Ренессанс”нинг ilk асосларни яратиш мақсадида 2021 йил – Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб эълон қилинди. Мурожаатномага асосан университетимизда бўлажак кадрларга муносиб таълимтарбия беришда, давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълимтарбиядан бошланади” гояси асосида хотин-қизлар кенгаши томонидан инновацион ривожланиш стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришда умумтаълим тизимининг



аҳамияти, унда мавжуд муаммо ва камчиликлар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида қарорлар қабул қилинди. Университетнинг вилоят мактаблари билан ҳамкорликдаги фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича таклифлар асосида режалар тузилди. Шунингдек, ҳар йили олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Учинчи Ренессанс ёшлар нигоҳида” лойиҳасида профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-қизларимизнинг иштироки таъминланиши белгиланди.

Профессор-ўқитувчилар, ходималар ҳамда талаба-қизлар орасида мавжуд чин етим, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, ногиронлиги мавжуд бўлган, нотинч оиласаларда яшаётганлар, отоналар эътиборидан ҳамда уларнинг қарамоғидан маҳрум бўлганлар, шундан “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилганларга университет хотин-қизлар кенгаши ва касаба ўюшмаси томонидан алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватланмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, аёлларни эъзозлайдиган юрт – Ўзбекистонда тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш кун тартибига қўйилгани, аёлларнинг мавқеи ва обрўси ҳимоя қилинаётгани, уларнинг имкониятларини кенгайтиришга кенг йўл берилаётгани, гендер тенглиги, репродуктив саломатликка оид лойиҳаларнинг, истиқболли дастурлар ва чоратадбирларнинг амалга оширилаётгани бизга қанот бағишлайди. Мурожаатномада кўрсатиб ўтилганидек, бугунги кунда хотин-қизларимизнинг давлатимизда дунё аёлларининг турмуштарзи, саломатлик даражаси, умуман олганда, ўзлари яшаётган жамиятдаги ўрни ва ролига назар ташласак, ўзимизни янада баҳтиёр, янада севикили ҳис этамиз. Чунки, ҳеч бир юртда аёл зотига бу қадар эътибор, бу қадар ҳурмат ва меҳр-муҳаббат кўрсатилган эмас. Барчамиз кўриб-билиб турибмиз, бизнинг юртимизда, оналарнинг, аёлларнинг заҳматли меҳнати муносиб шарафланаяпти. Кўксида “Олтин юлдуз”, юзида қуёш балқиб турган аёлларимизга қараганда қалбимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлади. Ҳа, ўз бекалари, бегойим, бекажонларини эъзозлаётган Ўзбекистон деб аталган бу боғ жаннатмонанд бир боғ бўлади. Бунга аёлларни қадрлаш, уларни қўллаб-кувватлаш, оғирини енгил қилиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Аёлларни, оналарни эъзозлаган юрт эса тараққиётда юксак бўлса юксак бўлади, асло ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмайди.

Бизнинг қулоғимизга оналаримиз алласи билан эзгулик синган эди. Ҳозирги янги авлод қулоғига эса Мустақиллик неъматларидан баҳра олган баҳтиёр оналарнинг аллалари билан эзгуликнинг хуш нафаси сингмоқда ва улар юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида яратилган шарт-шароитлардан баҳраманд бўлиб вояга етмоқда. Демакки, интеллектуал салоҳияти кенг бу авлод биздан кўра кўпроқ юртимизни, оналарни, аёлларни улуғлайди. Она-Ўзбекистонимизни қурдатли давлатлар ичida қурдатли, обод мамлакатлар ичра обод давлатга айлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағищланган учрашувидаги нутқи Халқ сўзи, 2018 йил 8 март. 10 (748) –сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил, 31-декабрь. “Самарқанд” газетаси, № 51-52.
3. “Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясида олималарнинг ўрни” мавзуусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. II қисм. (2016 йил, 15-16 апрел)
4. Ўзбек таълим модели ижроси ва баркамол шахсни тарбиялашда олималврнинг ўрни (Илмий-амалий конференция материаллари). – Самарқанд. 2012. – 265 б.
5. Proceedings of the International Conference “Tourism and education: ways of their interaction and development” Samarkand, 2019. - 310 pages.
6. Аёл-маънавият гулшани. II республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Жиззах, 2010. 15-16 апрель.
7. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясида олималарнинг ўрни. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Самарқанд. 2016, 15-16 апрель.



8. “Қобуснома”. Тошкент, 1993 йил.
9. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.



ШАРҚ АЁЛЛАРИ МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИ ТАРИХИЙ-МАЊНАВИЙ ХОДИСА СИФАТИДА

С.Дж.Сайдова

Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Санъатшунослик факультети декани
доцент

Аннотация. Ёшларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар бўлиб камол топишида, уларнинг мањнавий ва маданий дунёқарашини шакллантиришда, шунингдек, ахлоқий тарбиясига маълум мањнода таъсир кўрсатишида либос дизайнни ва унинг ўзига хос хусусиятларининг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir.

Мақолада бугунги кун ёшларини, яъни йигит ва қизларни мода оламига шиддат билан шўнғиб бораётган бир пайтда, уларда кийиниш маданиятини сингдиришга қаратилган. Бундан ташқари, ёшларни ахлоқий ва нафосат тарбиясида либос дизайнни ва услугуб (стиль)ларнинг ўзига хос хусусиятлари, психик таъсири ва аҳамиятини аниқлаш, инсон камолотида миллий ва замонавий либосларнинг инсон дунёқараши ва хулқ-автор нормаларига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши ҳамда орттирилган тажрибалардан фойдаланиш каби қатор масалалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: миллий либослар, рамзлар, анъана, урф-одат, дизайн.

Аннотация Сегодня несравнимы роль и значение дизайна одежды и его особенностей в развитии нашей молодежи как полностью зрелых и разносторонних людей, в формировании их духовного и культурного мировоззрения, а также в некотором смысле влияющих на их нравственное воспитание. Статья направлена на привитие культуры одежды современной молодежи, т.е. мальчикам и девочкам, в то время, когда они стремительно погружаются в мир моды. Кроме того, выявлены специфические особенности, умственное влияние и важность дизайна и стиля одежды в моральном и сложном образовании молодежи, положительное или отрицательное влияние национальной и современной одежды на мировоззрение и нормы поведения человека, а также использование опыта. проблемы выделены.

Ключевые слова: национальные костюмы, символы, традиции, обычаи, дизайн.

Annotation. Today, the role and significance of clothing design and its features in the development of our youth as fully mature and versatile people, in the formation of their spiritual and cultural worldview, and also in a sense influencing their moral education, are incomparable. The article is aimed at instilling a clothing culture of modern youth, i.e. boys and girls, at a time when they are rapidly immersed in the world of fashion. In addition, the specific features, mental influence and the importance of design and style of clothing in the moral and complex education of young people, the positive or negative influence of national and modern clothing on the worldview and norms of human behavior, as well as the use of experience are revealed. problems are highlighted.

Keywords: national costumes, symbols, traditions, customs, design.

Маълумки, инсонни либосларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Тарихий жараёнда инсон ривожланади ва у билан биргаликда унинг либослари ҳам тараққий этди. Инсоннинг мањнавий дунёсини камол топиши, эстетик дидини ўсиши натижасида, унинг либоси нафақат моддий, балки мањнавий бадиий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласидиган бўлди. Либослар инсон маданияти ривожланишининг кўзгусига айланди. Ҳозирги даврда либосларнинг кўпроқ, моддий негизи эмас, мањнавий бадиий хусусиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий қадриятлар тикланаётган ҳозирги даврда миллий либосларнинг ҳам тикланишига катта эҳтиёж туғилмоқда. Миллий либослар ривожланиши учун катта зарурат бўлсада, бироқ амалиётда миллатимиз вакилларининг бу борадаги эҳтиёжлари қондирилмай келмоқда. Аҳоли, айниқса ёшлар миллий либосларга кам эътибор қаратаётганлиги сабабли



ҳорижий либослар модасига берилиб кетмоқда. Бу эса, миллий қиёфамизнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш учун миллий либослар яратиш назариясига ва амалиётiga катта эътибор бериш зарур бўлмоқда.

Миллий либосни ривожлантириш учун эса энг аввало аждодларимиз томонидан яратилган рамзларни ва унинг фалсафий маънавий мазмунини чукур ўрганиш лозим.

Жаҳон маданиятининг бугунги тараққиётiga Шарқ халқларининг, жумладан бизнинг туркий халқларнинг маданияти санъати пойдевор бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо биз ана шу маданий — маънавий хазинамиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Маълумки, бунинг боиси шу пайтга қадар ҳалқимизнинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни, тарихий — илмий, фалсафий ва маданий бойликлари камситилиб ёки бўлмаса бир ёқлама ёритилиб келганлигидир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга, ҳалқимизнинг тафаккур даражасиинг ҳаёт тарзининг ойнаси бўлмиш қадриятларимизни, урф — одатларимизни, тарихимизни, фалсафий меросимизни ўрганишга шароит туғдирди. Ўзининг кимлигини англаган миллатгина миллат бўлади. Бугун амалга оширилиши мўлжалланаётган миллий мафкура ғоясининг мақсади ҳам ана шу — том маънода ўзини англаш орқали ёш авлодда миллий фурур, ўтмиш авлодлар хизматига хурмат-эътибор, Ватанг мухаббат туйғуларини шакллантиришdir.

Миллий либослар, уларнинг шакллари, улардаги рамзлар халқнинг фақат урф-одати ёки яшаётган ҳудудининг иқлими эҳтиёжи туфайлигина юзага келган маданий ҳодиса бўлибина қолмайди. Ҳар бир миллатнинг либосига у минг йиллардаи буён босиб ўтаётган йўлнинг, диний эътиқоднинг, тафаккур тарзининг, дунё ва инсон хақидаги фалсафий тушунчаларининг табиат ҳодисалари ҳақидаги хulosаларининг, атрофини ўраб турган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг, афсона ва ривоятларининг ойнаси сифатида қаралмоги керак ва нуқтаи назардан ўрганилмоғи керак.

Дунёдаги ҳар бир ашёning зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) маъноси бор. Шунингдек, миллий либосларининг ҳам. Айниқса ундаги шакллар-рамзларнинг ҳам. Ана шу маънолар сари борилса, улардаги моҳиятга назар ташланса миллатнинг ўзлиги, маънавий қиёфаси англаради ва бу англаш умуман инсонни англаш. Инсон ва жамият, инсон ва табиат, инсон ва худо сингари азалий ва абадий фалсафий масалалар ечими томон етаклайди. Холбуки аксарият Farb ва рус санъатшунослари бизнинг миллий либосларимиз ва ундаги рамзларнинг фақат зоҳирий шакли ҳақида мулоҳаза юритиб келдилар. Баъзан экзетик бир ашё сифатида қараб бир ёқлама таърифладилар. Бундай енгил ва нописанд муносабатнинг замирида миллатимизга булган муносабат ҳам акс этар эди. Шунинг учун ҳам бутун биз ўз меросимизга, аждодларимизнинг ҳаётий ақидаларига, урф-одатларига, бизга қолдирган илмий ва маданий бойликларига бошқача назардан қарап, хulosалар чиқариш зарурати туғилган. Бу эса бутун дунё дарвозалари очилган айни пайтда ва дунё дарвозалари янада кенгроқ очиладиган келажакда ташқи таъсирлар натижасида миллат ўз қиёфасини йўқотмаслиги, маънавий илдизларини сақлаб қолиши учун ўта зарурдир.

Эътибор берадиган бўлсак, ўзбек санъати миллий анъана ва замонавий йўналишларни ўзида мужассам этган ўзига хос ва бетакрор услуги билан ажralиб туради. Мамлакатимиз дизайннерлари ўз ишларида анъанавий матолар, шу жумладан, бекасам, шойи, хонатлас, зарбоф ва баҳмал газламалардан кенг фойдаланган ҳолда, уларни кашталар билан безамоқда ҳамда шу тариқа ёрқин рангларга бой шарқона санъатнинг гўзал намуналарини яратмоқда. Модельерларимиз фаолиятига янада мазмун киритишда турли ихтисосликлар вакиллари бўлган олимлар ёрдам бермоқда. Улар газламаларни чидамли, тоза ва ёрқин ранглар билан безашнинг қадимий услубларини тикламоқда ва янгиларини кашиф этмоқда, табиий тола хусусиятларини сақлаш усусларини ишлаб чиқмоқда, тўқимачилик маҳсулотлари, трикотаж ва шойи буюмлар ишлаб чиқаришни такомиллаштирум оқда.

Ўзбекистонда либос санъати ривожига асосий эътибор қаратилаётган бир пайтда, унинг инсон психикасига ҳамда тарбиявий жарайёнларга таъсири масаласи эътибордан четда қолмаслиги муҳимдир. Ҳозирги кунда республикада модельер рассомлар гуруҳи уларнинг



санъатида индивидуал ҳусусиятлари касб этмокда. Улар бу соҳани юксак даражага кўтариш, халқ либосларини бой анъаналарга йўналтириб, қизиқишларини қайтадан тиклашга интилмоқдалар. Ўрта асрларда Бухоро ва Самарқанд ўз матолари, заргарлик буюмлари, ажойиб либослари билан машҳур бўлган йирик маданият марказларидан бири ҳисобланиб, Марказий Осиё минтақасида модаларни оммавий тус олишига асосий ўрин тутган. [«Санъат» журнали. 99/2, 25 бет]

Биз шундай жамиятда яшамоқдамизки, инсонни ўраб турган яшаш муҳитининг барча элементларини эстетик сифатларига функционал қўйиладиган сифатлар билан баробар даражада талаблар қўйилмоқда.

Инсоннинг, уни ўраб турган муҳит, жисмларга бўлган турли хоҳишлари эътиборга олиниб, дизайннинг ривожланишига давлат миқёсида катта йўл очилди ва имкониятлар яратилди.

Биз ўз навбатида бадиий таълим тизимини ислоҳ этишни, унинг маъсулиятни ҳис килишни кўп маротаба такрорлаймиз. Соҳада ўтган йиллар давомида кўплаб ишлар амалга оширилгани ҳолда бугунги кунда ечимини кутаётган қатор муаммолар ҳам мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан булар:

- дизайн таълимини жаҳон таълим стандартлари даражасига етказиш, чет мамлакатлардаги дизайн йуналишидаги олийгоҳлар билан ҳамкорликни янада кенг миқёсларда амалга ошириш;

- либос дизайнининг замон талабларига жавоб берадиган янги қўринишини яратиш;
- дарс жараёнида ижод психологиясига кириш;

- бўлажак педагог-дизайнерлар томонидан ҳам замонавий, ҳам миллий либосларнинг ўзига хос ҳусусиятларини инсониятга таъсири, уларни безашда турли безак ва услубларини таҳлил этиб, либос дизайнини бугунгача бўлган ривожланиш тарихини ўргатишда уларга қўйиладиган умумий талаблар билан таништириш ва шу талаблар асосида янги либос дизайннда миллий характер ва ҳусусиятни, латофат ва назокатни, ор-номус ва ҳаёни ўзида акс этган либос намуналарини ишлаб чиқиши ўргатишдан иборат.

Шунингдек, Ўзбек халқининг анъанавий кийимлари моддий маданиятнинг бир қисмини ташкил этиб, ўзбек халқининг миллий ҳусусиятлари, урф одатлари ҳамда эстетик дидини намоён этган. Ўзбек халқининг анъанавий кийимлари бошқа миллат кийимларидан ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Бошқа халқ кийимлари сингари ўзбек халқ анъанавий кийимлари узоқ тарихий жараёнлар давомида, ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳамда урф-одат, маросим, анъаналар таъсирида даврлар ўтиши давомида ўзига хос ҳусусиятда шаклланиб, ривожланиб келган.

Ўрта Осиё халқларининг миллий кийимларига бағишлиланган ишлар билан таниқли этнограф олимлар О.А.Сухарева, П.Н.Лобачева, М.В.Горелик, М.А.Бикжанова кабилар шуғулланганлар. Элшунос олим О.А.Сухарева таъбири билан айтганда: “Кийимнинг юзага келиши ва турларининг кўпайишида кишиларнинг яшаш тарзи, меҳнати ва иқлим шароитидан ташқари уларнинг маданий ривожланиши, эстетик дидларининг ўсиши ҳам асосий омиллардандир”¹. [¹Сухарева О.А. Вопросы изучения костюма народов Средней Азии. // Костюм народов Средней Азии. М., «Наука», 1970.]

Н.П.Лабачева Марказий Осиё халқлари кийимлари тарихидаги қадимий анъаналарни таҳлил этиб, булар жуда узоқ замонлардан буён сақланиб келган аёллар ва эркаклар кийими шаклан бир хил қўринишда, деб ҳисоблайди. Олима Ўрта Осиё обидаларида сақланиб қолган деворий суратларни мутахассис – этнограф (элшунос) сифатида ғоят батафсил тадқиқ этганини ётироф этиб ўтиш жоиздир.

Кийимнинг асосий вазифаси баданни ҳар қандай ҳавф-хатар, иссик, совуқдан химоя қилишdir. Шунингдек, инсонларни жисмоний ва жинсий айриш ҳамда эстетик безак бериш каби вазифаларни бажарган.

Кийимлар даврлар ўтиши билан, ижтимоий сиёсий ривожланиш жараёнида ўзига хос тарзда ривожланиб боради. Бу эса этнограф олимлардан кийимлар тарихини ўрганиш ва уни ёритишида маъсулият талаб этади. Чунки халқларнинг этник таркибини ўрганишда ҳамда



илмий асосланишда кийимларнинг даврлар ўтишига қарамасдан ўз миллийлигини сақлаб қолганлиги ўзига хос ўринга эга.

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш йўлларини излаб топиш ва санаб ўтилган масалаларни тезроқ ҳаётга тадбиқ этиш дизайн йўналишидаги касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари олдида турган энг долзарб вазифалари қаторидан ўрин олиши даркор.

Бу эса дизайн санъатининг сир-синоатларини чуқур ўрганиб, юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг маънавий, маданий шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистонда либос санъати. «Санъат» журнали. 99/2, 25 бет.
2. Сухарева О.А. Вопросы изучения костюма народов Средней Азии. // Костюм народов Средней Азии. М., «Наука», 1970.
3. Лабачева Н.П. Среднеазиатский костюм раннесредневековой эпохи. 1970.
4. Горелик М.В. Среднеазиатский мужской кастюм на миниатюрах XV – XIXвв. Ўша тўпламда.
5. Бикжанова М.А. Одежда узбечек Ташкента XIX– нач.XX вв. Ўша тўпламда.



ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН – ҚИЗЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Шадманова Гулчера
gulcher_sh@mail.ru

Тошева Мафтуна Рустамовна
maftunaimronshoh@gmail.com

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ҳамда ҳозирги глабаллашув жараёнида уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга яратилаётган шароитлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: гендер тенглик, глобаллашув, жамият, оила, аёлларнинг меҳнат ҳукуқлари.

Шадманова Гулчехра
gulcher_sh@mail.ru

Тошева Мафтуна Рустамовна
maftunaimronshoh@gmail.com

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация. В данной статье анализируется роль женщин в обществе и условия, создаваемые для повышения их интеллектуального потенциала в ходе нынешней глобализации в Узбекистане.

Ключевые слова: гендерное равенство, глобализации, общество, семья, трудовые права женщин.

Shadmanova Gulchera
gulcher_sh@mail.ru

Tosheva Maftuna Rustamovna
maftunaimronshoh@gmail.com

Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers

Annotation. This article analyzes the role of women in society and the conditions created to increase their intellectual potential during the current globalization in Uzbekistan.

Key words: gender equality, globalization, family, society, women's labor rights.

Оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳалқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ш.Мирзиёев

Бугун тараққиёт шиддати тезлашди, имконият ва меҳнат шароитлари тубдан ўзгариб бормоқда. Меҳнат шароити ва меҳнат муносабатларининг миллий ва халқаро меҳнат стандартлари асосида ташкил қилинаётгани ходимлар манфаатини ҳимоя этишда янгича услубларни жорий этишни талаб этади. Шу шароитда аёлларни ўкиш ва ишдаги фаолиятига кўмаклашиш, аёл ва қизларга оила таянчи, миллат тарбиячиси сифатида эҳтиром кўрсатиш,



бунга узвий равища оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистонда меҳнат тўғрисидаги қонунлар аёллар учун маҳсус меъёрларни белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинди, шу билан биргалиқда, аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланди, болани парваришлаш учун таътил олиш ва иш жараёни давомида танаффус қилишнинг гендер тенгликни акс эттирувчи янгича тартиби белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги қўйидаги шахслар учун қўшимча кафолат ва имтиёзларни белгилайди:

- аёллар ва оиласи мажбуриятларни бажариш билан банд бўлган шахслар;
- ёшлар;
- ҳам ўқиб ҳам ишлаётган шахслар.

Ушбу кафолат ва имтиёзлар ишга қабул қилишда, иш ҳақи ҳисобланишида, таътил бериладиганда, саломатлигига таъсир қиласидиган ишларга қабул қилинаётганда ва х. қўлланилади.

Масалан, ҳомиладорлик ва болали бўлганлиги сабабли аёлларга ишга қабул қилишда рад жавобини бериш ва иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хуроса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг хафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Аёлларга туқкунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғишин кийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари берилади, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиши таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилади, бу даврда қонун хужжатларида белгиланганди тартибда нафақа тўланади. Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.


Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланганди танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (иш сменасининг) бошига ёки охирига кўчирилиб, иш куни (иш сменаси) шунга яраша қисқартирилиши мумкин.

Бу танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгилаб қўйилади.



Умуман олганда, хотин-қизлар бугунги кунда 33 миллиондан ортиқ кишидан иборат Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил қиладилар. Соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий хизматларда банд бўлганларнинг 79% идан кўпроғини аёллар ташкил этади, таълим соҳасида 67,5%, санъат соҳасида 44,7%, қишлоқ хўжалигида 43,3%, саноатда 42,1%. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг маълумотларига кўра, бизнес билан шуғулланаётган аёллар улуши қарийб 10% ни ташкил қилади.

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил қиладилар



Глобаллашув шароитида аёлларнинг интеллектуал салоҳиятларини юксалтиришнинг муаммолари Ўзбекистонда қонуний жиҳатдан бартараф қилиб борилмоқда деб иккilanмай айта оламиз. Юқорида юртимизда аёлларнинг меҳнат фаолиятларини юритишлари учун белгиланган имкониятларнинг хукуқий асослари мавжуд эканлигини кўриб чиқдик. Аммо кундалик турмуш тарзимизда бошқа жинс вакилларининг аралашуви эмас, балки аёлларимизнинг ўzlари ҳам бузганлик ҳолатлари кузатилади.

Гендер тенглигини биринчи навбатда оналар бузишади. Чунки қизларга ҳам, ўғил болаларга ҳам, жамиятга ҳам оналар тарбия берди. Баъзида оналарнинг ўzlари қизларнинг хукуқларини бузаттанига гувоҳ бўламиз – ўқишга киритиб, контракт пулингни тўлагунча, шу пулга сарпонгни қилиб берамиз, дейишади. Шу гапларимиз билан қизлар ва йигитларнинг имкониятлари орасидаги тенгликка дахл қиласиз. Одамларнинг бундай ҳаракатлари натижасида нотенглик одатга айланиб боради, оқибатда давлатнинг ўзи ҳам бунга эътибор бермай қўйиши, жамият нотенглик мухитига кўна бошлиши мумкин. «Гендер адолати фақат аёллар эмас, эркаклар учун ҳам керак» — Давлат ўз сиёсатини гендер ёндашуви бўйича ташкил қилиши керак – эркакларнинг ҳам ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда уларга ўз хукуқларидан бир хилда фойдалана олишини кафолатлаши лозим.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда нафақат бугунги глобаллашув шароитида, балки азал –азалдан аёлларга енгилликлар, кулай шарт- шароитлар яратиб берилган, уларга ҳурмат ва эҳтиром билан муомала қилинган. Мақолада глобаллашув шароитида ўқиш ҳамда иш билан банд бўлган аёлларнинг хукуқлари, уларга яратилаётган шароитлар ва имкониятлар таҳлил қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи. 2020йил 7 марта. <https://president.uz/uz/lists/view/1545>



2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат хуқуqlари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куvvatlashga оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги карори
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси
4. <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6548-demografiya>
- 5.<https://gender.stat.uz/uz/osnovnye-pokazateli-uz/trud-uz/zanyatost-naseleniya-uz/1035-iqtisodiy-faoliyat-turlari-bo-yisha-bandlar-sonining-taqsimlanishi-2018-yil-uchun-o-rtacha>
- 6.<https://nuz.uz/ekonomika-i-finansy/25390-sredi-predprinimateley-uzbekistana-vsego-10-procentov-zhenschin.html>
- 7.<https://telegra.ph/Gender-adolati--%D2%92arbda-pajdo-b%D1%9Elishidan-ancha-avval-Islom-bilan-vuzhudga-kelgan-tushuncha-Gender-mutahassisibilan-su%D2%B3bat-07-28-3>



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ - МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИНИ БАРПО ҚИЛИШНИНГ МУХИМ ВОСИТАСИДИР

Юлдашева Иноят Закиряевна,
ТИҚХММИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. “Ҳаракатлар стратегияси” Конституциямизнинг асосий демократик мөъёларини босқичма-босқич амалга ошириш доирасида демократик янгиланиши ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давоми ҳисобланади. Стратегия дунёда туб ўзгаришлар юз берадиган ҳозирги замонда сиёсий, хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг энг муҳим беш устувор йўналишини амалга оширишнинг беш йилга мўлжалланган миллий стратегияси сифатида ўз вазифасини бажармоқда. Ҳар қандай гоя, агар у келажакка бўлган ишончни мустаҳкамласа, жамиятнинг кучи ва ресурсларини жалб қила олсагина, муваффақиятга эришиши мумкин.

Калит сўзлар: Стратегия, демократия, конституция, бешта устувор йўналиш, сиёсий ислоҳот, хуқуқий ислоҳот, иқтисодий ислоҳот, ижтимоий ислоҳот, демократик давлат, «хуфиёна иқтисодиёт», мул солиғи, ёшларни кўллаб-куватлаш, саломатлик, дастур.

Бугунги кунда мамлакатимизда мустақиллик йилларида олиб борилган кенг қўламли ислоҳотлар натижасида миллий давлатчилигимиз пойдевори мустаҳкамланиб, давлатимиз суверенитети, чегараларимиз дахлсизлиги таъминланди, жамиятимизда тинчлик ва осоиштилиқ, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мухитини кучайтириш, қонун устуворлиги, инсон хуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини рӯёбга чиқариш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Дунёда ҳар бир давлат ривожланиши учун ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олади. Бугунги кунда шиддат билан ўсиб бораётган бир даврда Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг тараққиётини янги босқичга кўтариш учун муҳим устувор йўналишларни белгилаб олди. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чукур таҳлили бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктура ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини ҳар томонлама ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича стратегик ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёвнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzасида илгари сурилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” давлат ва жамиятнинг бош мақсади бўлган одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлашга қаратилганлиги билан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шундай тараққиёт йўлини белгилаб олишда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақидаги фармони айни муддао бўлди.

Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ҳаракатлар стратегияси” давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди. “Ҳаракатлар стратегияси” Конституциямизнинг асосий демократик мөъёларини босқичма-босқич амалга ошириш доирасида демократик янгиланиши ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давоми ҳисобланади. Стратегия дунёда туб ўзгаришлар юз берадиган ҳозирги замонда сиёсий, хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг энг муҳим беш устувор йўналишини амалга оширишнинг беш йилга мўлжалланган миллий стратегияси сифатида ўз вазифасини бажармоқда. Ҳар қандай гоя, агар у келажакка бўлган ишончни мустаҳкамласа, жамиятнинг кучи ва ресурсларини жалб қила олсагина, муваффақиятга эришиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳоли турли қатламлари билдираётган фикр-мулоҳазалар, таклифлар Ҳаракат стратегияси лойиҳаси



халқимизнинг яратувчанлик салоҳиятини янада кенг рўёбга чиқариб, одамларимизни шижаот билан эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга қодирлигини кўрсатмоқда. Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган хукукий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва хукуқтартибот, давлат чегараларининг дахлсизлиги, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлади.

Аммо бутун дунёни талвасага солиб қўйган Пандемия, яъни COVID-19 балосининг юртимизга ҳам кириб келиши Юртимиз иқтисодиётига, халқимизнинг саломатлигига жиддий таъсир кўрсатди. Лекин Ўзбекистон халқи пандемия шароитида ҳам ўзини йўқотмади. Чунки унинг бошида юртпарвар, халқпарвар, жонкуяр юртбошиси бор эди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг саъий ҳаракатлари ва халқимизнинг фидокорлиги пандемия балосини даф этишда жуда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йилни «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилдилар ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини тасдиқладилар.

Коронавирус пандемияси шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969 сон Фармони эълон қилинган эди. Ушбу Фармонда назарда тутилган вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қўра мавжуд қарзига пеня ҳисобланишини тўхтатиш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратиш чораларини қўрмаслик, коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқда турган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фойзиз кечикириш, яъни бўлиб-бўлиб тўлашни жорий қилиш, «хуфиёна иқтисодиёт» улушини қисқартириш учун солиқ аудити ўтказишида «таҳлика-таҳлил» тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларида солиқ аудити ўтказилишига мораторий белгилашни жорий этиш кўзда тутилган эди.

Амалий тадқиқот натижалари шуни кўрсатди, ушбу Фармонни ижроси назорат қилувчи органлар томонидан хақиқатда таъминланди. Фаолият юритаётган хўжалик субъектларида айланмадан солиқлар тўлаш пандемия шароити вақтида б ойга узайтирилди, солиқ ва бошқа ҳисботларни тақдим этиш бўйича муддатли эркинликлар берилди, корхоналар томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўловлар 12 % ўрнига 1%, яъни 11 % га туширилди. Бундай шароитлар пандемия шароитида хўжалик субъектларига кенг имкониятлар очиб бериб, уларни ночор ҳолатда ўзларини ўнглаб олишларига ёрдам бўлди.

Энди Дастурга қайтадиган бўлсақ, коронавирус пандемияси шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш мақсадида бу имкониятларни амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилди.

Менинг фикримча, «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшларга Президент гранти жорий этилиши, олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оиласарга таълим кредити берилиши, ушбу кредит ўқиш даври тугагандан сўнг қайтарилишини амалиётини йўлга қўйилиши, олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони 25 фойзга ҳамда эҳтиёжманд оиласар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони 2 бараварга оширилиши, шунингдек, хусусий олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти бериш тизимини жорий этилиши,



«Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали 2021 йил 1 апрелдан бошлаб нуфузли хорижий олийгоҳларнинг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилиши, «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳисобидан хорижда бакалавриат таълим дастурлари бўйича ўқитиш тизими жорий этилиши, 2021 йилда 100 нафар ёшларнинг хорижга таълим олиш учун юборилиши ва шунга ўхшаш жуда кўп масалаларда ёшларга катта имкониятларнинг берилиши тўғрисидаги қабул қилинган дастур ёшларни янада рухлантиради.

Ижтимоий соҳада ҳам кўплаб қарорлар қабул қилинганки, уларни амалда жорий этилиши аҳолини яшаш шароитларини яхшилашга, кексаларни, яъни пенсионерларни руҳини кўтаради. Чунки бу дастурда Пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида қуидаги тартиб ўрнатиладики, унга мувофиқ 2021 йил 1 июндан бошлаб пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи хужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади. Бу эса пенсия ёшидаги қарияларни ортиқча сарсон бўлиши, хужжатларни йиғишдаги англашилмовчиликларни олдини олишга ёрдам беради.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болаларнинг таълим олиши ва қасб эгаллашига кўмаклашиш, оғир қасалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида “Болаларни қўллаб-куватлаш фонд” ташкил этилиши ва унинг мақсадлари амалга оширилишини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилиши, 2021 йил якунига қадар меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтоҷ 900 нафар чин етим битирувчилари уй-жой билан таъминланиши жорий этилиши, ногиронларга ногиронлик ва артопедик мосламаларини хоҳлаган ишлаб чиқарувчидан сотиб олиш учун маблағларнинг ажратилиши аҳолининг айнан ёрдамга муҳтоҷ катламини мамлакатимизда янада қўллаб кувватланаётгандигидан далолат беради. Дастурда яна спорт соҳасига, ички туризмни ривожлантиришга, солиқ соҳасини ислоҳ қилишга, адлия соҳасида норматив хуқуқий хужжатларни қайта кўриб чиқишга, соғлиқни сақлашга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилинганки, халқимиз ҳаётини фаровон қилиш, қийналганларга, ёшларга ва аёлларга жамиятда ўз ўринларини топишда кўмаклашиш имкониятини беради.

Менинг фикримча, Ҳаракатлар стратегияси бўйича қабул қилинган ушбу Дастур мамлакатимиз келажагини барпо қилишнинг муҳим воситаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдагт ПФ 4947-сонли Фармони.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.

5.2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.



ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ХОТИН – ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗ ҚОБИЛИЯТЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

ШАРҚДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАСИГА МУНОСАБАТ: ТАРИХ ВА ИСЛОҲОТЛАР

Ачилова М.Э.

НавДПИ, катта ўқитувчи.

Resume The article examines the problem of women in the socio-philosophical views of Eastern thinkers from a scientific point of view, as well as on the example of modern reforms

Резюме В статье исследуется проблема женщин в социально-философских воззрениях восточных мыслителей с научной точки зрения, а также на примере современных реформ.

Резюме Мақолада Шарқ мутафаккирлари ижтимоий-фалсафий қарашларидаги хотин-қизлар масаласи илмий нуқтаи-назардан ўрганилган ва бугунги ислоҳотлар мисолида кенг ёритилган.

Гендер тенглик бобида Шарқ мутафаккирлари қарашларини ўрганар эканмиз, инсон ҳаётининг моҳияти ҳалол ва поклиқда, эзгулик ва фозилликда, адолат ва фаравонликда, тинчлик ва барқарорликда эканлигини англаймиз. Бундай яшаш тарзи иккала жинс вакиллари зиммасига бирдай масъулият юклайди. Масалан, буюк маънавий меросимиз “Авесто”да айтилишича, жамиятдаги адолатсизлик, зулмат, хуқуқсизликка қарши курашда Ахура Маздага Воху-Мана, Аша-Вахишта, Хшатра Варйа, Спента Армaitи, Хаур-ватат, Амэрэтотлар яқиндан кўмаклашганлар. Улар Ахура Мазданинг эзгу ўй, илоҳий тартиб, лойик ва муносиб куч-кудрат, жисман ва руҳан ҳамиша барҳаётликни кафолатловчи турли илоҳий кудрат қирраларидир. Булар билан бир қаторда турувчи Ардви Сура Анахита образи эса “кудратли, покиза, бокиралиқ” рамзи бўлиб, сув, файзу-баракот ҳомийси ҳисобланган. Шунингдек, оила, фарзандлар кўпайиши, ёшларнинг (айниқса, қизларнинг) баҳти, аёллар пуштида фарзанд пайдо бўлиши, туғруғини осон этиш, имонлиларга баҳт, омад бериш кабилар унинг вазифасига кирган.

Муқаддас ислом динимизда барча инсонлар Худо олдида тенг ҳисобланади. Бу ҳол мулкий ёки иқтисодий тенгликни эмас, балки маънавий-хуқуқий тенгликни назарда тутади. Ортиқлик, бир кишининг иккинчи кишидан афзаллиги молу дунёси билан белгиланмасдан, унинг яхши ва савоб ишларни бажаришида, динга эътиқодида билинади. Зоро, муқаддас диний манбаларимизда белгиланишича, “Оллоҳ бирор неъмат билан бирингизни бирингиздан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасад-адоват билан) орзу қилманг! Эркаклар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар, аёллар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар,” деб таълим беради. Демак, диний манбаларимиз ҳам хаётий фаравонликни таъминлашда жинслараро тенгликни эътироф этмоқда.

Шарқона маънавий меросимиздаги аёларнинг жамиятдаги ўрнига оқилона муносабатларни Абу наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино ижтимоий-фалсафий қарашларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Абу Али ибн Сино исломий анъаналар ва буюк мутафаккирлар маънавий меросидан илҳомланиб, аёлнинг жамиятдаги ролини кенг таҳлил қиласиди. Унинг фикрича, турмуш одоби туфайли оила баҳт-саодатга эришади, яхши тарбияланган фарзандлардан эса улуғ зотлар этишиб чиқади. Бу қўрсаткичга ўзида ўн етти хислат-фазилатни мужассамлаштирган “идеал мураббий” (аёл) туфайли эришиш мумкин, деган хulosани беради.

Аёлнинг оқила ва иймон-эътиқодлиги, шарм-ҳаёлиги ва ор-номуслиги, зийрак ва фаросатлиги, ёқимтойлиги, ўз эрига меҳру - муҳаббат қўйганлиги, бетга чопмаслиги, итоаткорлиги, дилининг поклиги, эри орқасидан ғийбат қиласлиги, эзма эмаслиги,



покизалиги, вазминлиги, жиддий ва улуғворлиги, эрининг оғир дамларида унга малҳам бўла олишлиги, меҳрибонлиги, сабр-қаноатлиги каби фазилатлар шулар жумласидандир.

“Инсон ҳуқуқлари ва озодлиги ҳақидаги деклорацияни ратификация қилиш тўғрисида”ги Республикаимиз Олий Кенгашининг (30.09.1991) қарори гендер тенгликни таъминлашга қаратилган дастлабки қонуний хужжатлардан бири бўлди. Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, “хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция”га қўшилиши эса бу борадаги ишларни янада жонлантирди. Таъкидлаш лозимки, ижтимоий муаммо сифатида гендер инсон ҳуқуқи-аёл ҳуқуки, инсон муаммоси-аёл муаммоси эканлигини эътироф этиб, нафақат аёлларнинг, балки эркакларнинг ҳам, жамиятнинг ҳам муаммоси сифатида тарих саҳнасига чиқади. Бу мавзуни кенг тадқиқ этган профессор олимга М.Холматованинг фикрича, “ Гендер муносабатлар бутун маданият, жамият қурилиши, давлат институтлари, қарор қабул қилиш жараёнлари ва фикрлаш услубларини қамраб олади. Улар тилга, урф-одатларга, уй ва ҳатто ишлаб чиқаришга ҳам кучли таъсир кўрсатади.» Мазкур фикрлар гендер тенгликнинг жамият тараққиётида ўзига хос муҳим ўрнидан дарак беради.

Дарҳакиқат, бугун янги Ўзбекистонда аёлларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манбаатларини таъминлаш, эскидан қолган қарашлардан воз кечиш, уларни том маънода ҳаётни бошқарадиган ҳал қилувчи ўринлар ва вазифаларга кўтариш, уларга ишонч билдириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. 2011 йил 11 октябрининг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Халқаро қизлар куни” деб эълон қилиниши хотин-қизларимизга қўш қанот бағишилади. Бугун жамиятда аҳолининг 50 фоиздан юқори қисмини ташкил этувчи оқила ва зукко аёлларимизнинг ижодий, интеллектуал ва меҳнат потенциалидан фойдаланмаган соҳанинг ўзи йўқ. Бугун аёл-она, аёл - устоз, аёл- ўқитувчи, аёл- шифокор, аёл- сиёsatчи, аёл-ижодкор, аёл- тадбиркор, аёл- раҳбар. Аёлнинг уй бекаси, фарзанд тарбиячиси бўлиш билан бир қаторда давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал қилишга лаёқатли шахс экани тобора қарор топмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида назарда тутилган “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш” деб номланган иккинчи бандида таъкидланганидек, “хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” аёллар мавқенини қўллаб – қувватлашга қаратилган ҳуқуқий кафолатлиги билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, БМТ нинг Барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиқиб қабул қилинган “Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари” даги 5-мақсад- Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” га қаратилган. Ушбу хужжат жамиятимизда гендер тенгликни таъминлаш масаласида янада кенг имкониятлар яратди.

2019 йил сентябрида қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун гендер тенглик бобида қўйилган улкан қадам бўлди. Унга кўра миллий қонунчилигимизда биринчи марта “гендер” аёл ва эркакларнинг жамиятдаги ўрнини топишга қаратилган тушунча сифатида моҳиятан ёритилди.

Гендер- хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятидаги барча соҳалар – сиёsat, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим, илм-фанда бўладиган ижтимоий жиҳат эканлиги таъкидланди. Мазкур қонуннинг 4-моддасида эса демократизм, хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқлилик, жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик, очиқлик ва шаффоффлик каби принциплар гендер тенгликни таъминлашдаги асосий принциплар сифатида белгиланди. 2019 йил 7 марта ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига тўсиқ бўладиган айрим омилларга чек қўйилди.



Жумладан, аёллар пенсия ёшига етганда ҳам (55 ёш) улар билан тузилган меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш таъкиқланди; гендер тенгликнинг бузилиши билан боғлиқ ишларда адвокатлар хизматига эҳтиёж туғилса, бу хизматлар давлат томонидан қопланиши белгиланди; аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича таъкиқлар бекор қилинди; тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хотин-қизлар учун имтиёзли кредитлар ажратилди, натижада тадбиркор аёллар сони бугунга келиб 14000 нафардан ошиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75 сессиясида онлайн тарзда ва ўзбек тилида қылган нутқида 11та глобал муаммолар қаторида гендер тенглик масалалари ҳақида гапириб, Ўзбекистонда гендер сиёsat давлат аҳамиятига молик масала эканлиги, айниқса, янги парламент таркибидаги депутат хотин-қизлар сони бугунги кунда 2 баравар ошганлиги таъкидланди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида 32 фоиз, Сенатда 25 фоиз, маҳаллий Кенгашларда 25 фоиз аёлларимизнинг борлиги уларнинг давлат бошқарувидаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги натижасидир. Ҳаёт мазмунини тўғри тушунадиган, билимдон, фаол ва ташабbusкор хотин-қизларимизнинг эришган бу кўрсаткичлари эса ўз ўрнида жамиятимизнинг иқтисодий ўсишига, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг моддий ва маънан юксалишига олиб келади.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” муносабати билан қылган нутқида Учинчи Ренессанс пойdevori мазмун-моҳияти ҳақида гапириб: “Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта маҳсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб хисоблаймиз.

Мен ишонаман-хурматли ота-оналар бу ташабbusни албатта қўллаб-куватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуни бўладилар” деб таъкидладилар. Таъкидлаш жоизки, таълим йўналишида ҳам хотин-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-куватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, қишлоқ қизлари ва аёлларининг олий маълумот олишлари учун 2019-2020 ўқув йилида 59 та олий ўқув юртида сиртқи курслар фаолияти йўлга кўйилган бўлса, 2020-2021 ўқув йилида қўшимча қабул квоталари жорий этилди. Умуман, Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларни рағбатлантириш борасида тизимли ишлар мониторинги кенг йўлга кўйилган.

Натижада сўнгги йилларда турли даражадаги давлат мукофоти совриндорлари бўлган хотин-қизлар сони 2 минг 224 нафарга етди. Айни пайтда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 300 дан зиёд хотин-қизларнинг 10 нафари ҳокимият тизимида, 30 нафари турли вазирлик, идора ва ташкилотларда, 70 нафари таълим тизимидағи бошқарув аппаратида фаолият юритяпти.

Маълумки, ислоҳатларни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида бугунги кунда мамлакатимизда биргина илм-фан соҳасида меҳнат қилаётган олима аёлларимизнинг 6 нафари академик, 514 нафари фан доктори, 4780 нафари фан номзодлари сифатида фаолият олиб бораётган бўлса, ҳалқ таълимидаги педагог ва мураббийларнинг 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этар экан. Бу статистик рақамларни инобатга оладиган бўлсак, янги Ренессанс пойdevorini яратишдек буюк вазифада аёлларимизнинг муносиб ўрни борлиги кундек равшан бўлади.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамиятимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя этишининг хукуқий асослари яратилган ва тобора такомиллашиб бормоқда. Шундай экан, гендер тенгликни таъминлаш бобида олиб борилаётган ислоҳатлар, яратилаётган шароитлар хотин-қизлардан жамиятдаги ўз ўрнига янада масъулият билан қараш, ўз устида ишлаш, ўз истеъодини, қобилиятини, интеллектуал салоҳиятини янада ошириш учун фаоллашишга чорлайди. Бу жараёнлар эса ўз ўрнида ҳақли равишда Учинчи Ренессанс учун пойdevor бўлиб хизмат қиласи. Демак, ҳар доимгидек “муҳтарама аёлларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёsatининг устувор йўналишларидан



бири бўлиб қолади”. Шундай экан “ жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиша үрни бекиёс бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги нуфузини янада оширишимиз зарур. Улар учун муносиб шарт-шароитлар, янги иш ўринлари яратиш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бизнинг доимий ва муҳим вазифамиз бўлиб қолади”.



ОИЛА ВА ТАЪЛИМ УЗВИЙЛИГИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Файзиева Ширин Шодмоновна

ҚарМИИ “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н

Юлдошева Шахрибону Анвар қизи

ҚарМИИ “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси асистенти

Аннотация: Мақолада жамиятимиз ривожланишида, оилаларнинг мустаҳкамлигигида, оила ва таълимнинг узвийлигини таъминлашда аёлларни тутган ўрни, ўзбек аёлларининг ўзига хос фазилатлари ёритиб берилган.

Таянч иборалар: оила, аёл, таълим, тарбия, жамият, Ренессанс, миллат, хотин-қизлар, тенг ҳуқуқлилик, алломалар

Аннотация: В статье освещается роль женщины в развитии нашего общества, укреплении семьи, обеспечении преемственности семьи и воспитания, особенности узбекских женщин.

Ключевые слова: семья, женщина, образование, воспитание, общество, Ренессанс, нация, женщины, равенство, ученые

Abstract: The article highlights the role of women in the development of our society, strengthening the family, ensuring the continuity of the family and upbringing, and the peculiarities of Uzbek women

Key words: family, woman, education, upbringing, society, renaissance, nation, women, equality, scientists.

Тарихдан бизга маълумки, жамият ривожланишида аёлларнинг алоҳида ўрни бўлиб, оилаларнинг саронжом-саришталиги, тўқислиги, тинч-тотувлиги, фарзандларнинг тарбиясида яққол кўзга ташланади. Ҳозирги кунда мамлакат ривожланишида нафақат оила ва фарзанд тарбиясида, балки давлат ва жамият бошқарувида, қонунчилик соҳасида, иқтисодиёт тармоқларида, таълим - тарбия соҳасида, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий соҳаларда, ҳарбий ва ички ишлар соҳасида, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда, қишлоқ хўялигига, саноатда, ишбилармонлик ва тадбиркорлик соҳаларида хотин-қизларимизнинг энг юқори кўрсаткичларга эришганлигини ва фаоллигини кўрамиз. Хотин-қизларимиз фаолият кўрсатишлари учун уларни ҳуқуқий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, шарт-шароитлар яратиш масаласи давлатимиз томонидан доимий равища эътиборга олинниб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг [1] 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар” деб таъкидланиши ҳамда бунга ҳаётнинг барча жабхаларида амал қилиниши ҳам фикримиз далилидир. Мамлакатимизда анъана сифатида “Йил номлари” ҳам аёлларга эътибор, хурмат, эҳтиром сифатида бир неча йилларда ўз ифодасини топди.

Ўзбек ҳалқига хос бўлган фазилатлардан аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш узоқ йиллардан бўён қадрланиб келаётган қадриятларимиздан саналади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан барча таълим-тарбияга оид фанларни умумлаштирган ҳолда мактабларимизнинг барча бошланғич синфларида ўргатилаётган “Тарбия” фанида ҳам оналарга, аёлларга эътиборли бўлиш юзасидан жуда мазмунли, маъноли ва таъсирли фикрлар келтирилган. Ҳадиси шарифдаги “Жаннат оналар оёғи остидадур” ҳамда “Аввал онангизга, яна онангизга ва яна онангизга, сўнгра отангизга яхшилик қилинг” деган беназир сўзларда ҳам оналаримизга туганмас эҳтиром намоён бўлиб турибди. Ўқувчиларимизга ёшлигиданоқ тарбия йўналишида тўғри йўл кўрсатилса ҳамда уларга ота-оналарига ва яқинларига бўлган меҳр-муҳаббатини кучайтириб борсак, келажакда албатта биз кутган оқибатли, ориятли, меҳрибон фарзандлар етишиб чиқади.

Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қиласи”, “Онасини кўрингда, қизини олинг” каби мақоллари жуда ардоқланиб келинади. Ушбу мақоллар мазмунини ёшингиз улғайган сайин чукур англаб етаркансиз. Айниқса, қиз болани ўстиришда, тарбия беришда оналаримиз



юқоридаги мақолларга тўлиқ риоя қилишлари мақсадга мувофиқдир. Оилада аёлга жуда кўп вазиятлар боғлиқ. Шу ўринда аёлларимиз, оналаримиз ва ёш келинларимиз сабр-бардошлилик, бағрикенглик, муомалалик, мулойимлик, тежамкорлик билан ҳар қандай ҳолатни юмшатишга қодирлар.

Буюк Соҳибқирон Амир Темурни салтанатни бошқаришда мадад берган, ўринли маслаҳатлар ва фикрлар берган, фарзандлари ва набираларини дунёвий илмлар билан тарбиялаган, биз учун намуна тимсоли бўлган аёл – Бибихонимдир. Биз шарқ аёллари авлодларимиздан қолган иболик, ҳаёлик, латофатлилик, жозибалик, орасталик, меҳр-шафқатлилик, ғурурлилик каби фазилатларимизни ўзимизда сақлаган ҳолда қизларимизга ўrnak бўлишимиз лозим.

Ҳозирги кунда жаҳонда глобаллашув, ривожланиш, интеграциялашув кетаётган бир даврда биз шарқ аёллари ўзимизнинг ҳаётимиздаги аёлларга хос бўлган фазилатлар ва намуналаримизни унутмаслигимиз зарур. Айрим европа мамлакатларининг урф-одатлари, кийинишлари, рўзгор тутишлари ва оиласавий муносабатлари сериаллар, кинолар, видеофильмлар орқали баъзи оиласаларда одатий тўсга айланиб бораётганлиги миллатимиз келажаги учун ачинарли ҳолатdir. Ёшларимизда миллатимизга хос бўлмаган салбий муносабатларга нисбатан теран фикрлаш туйғусини кучайтириш мухимдир. Шу ўринда ёзувчи Абдулла Қодирийнинг оиласа, муҳаббатга, миллатга ва миллийликка садоқат тимсоли сифатидаги образларни ёритиб берган “Ўтган кунлар” романини юқори баҳолаган ҳолда ҳар бир ўзбек оиласи амал қилишса мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек аёллари, оналари орасида шундайлар борки, улар ёш келинчак вақтида қўлида ёш гўдагини қучоқлаганча турмуш ўртоғини урушга жўнатиб, йиллар давомида қайтишини кутиб, лекин фақатгина улар ҳақида келган “кора хат”га эга бўлишган. Отаси ким эканлигини ҳатто кўрмаган, тушуним етолмаган, ота меҳрига ва сўзларига зор бўлган фарзандини ўстириб, улғайтириб, жамиятимиз учун етук кадр сифатида тарбия қилган садоқат ва вафо тимсолларини кўплаб мисол келтиришимиз мумкин. Шу ўринда Ўзбекистон мадхиясининг муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Ориповнинг [2] “Аёл” шеъридаги қуйидаги мисралар юқоридаги тимсолни ўзларида гавдалантирган аёлларга бағишиланади:

АЁЛ

Йигитлар мактубин битганда қондан,
Келинлар фироқдан чекканда ёху.
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.

Назокат пайтимас яқинроқ келинг,
Буюк зот қошида айлангиз салом.
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

Албатта, шоирнинг юқоридаги таъсирчан мисралари қалбларимизни ҳаяжонлантиради, кўз олдимизга шундай содиқ, вафодор, садоқатли аёлларимизни келтиради. Мана шундай юксак эҳтиромга арзийдиган аёлларимиз оила ва жамият ривожланида ҳамда таълим-тарбияда ҳам ўrnak бўлишган. Шарқ аёлларидан Нодирабегим, Зебунисо, Увайсийлар ўз даврларида кўплаб хотин-қизларнинг саводли бўлишида катта ҳисса қўшишган.

Бизга маълумки, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машхур даҳоларни етиштириб



берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига бекиёс таъсир кўрсатди.

“Ислом маданиятининг олтин асли” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғилоний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ва чексиз ғууруи хисобланади.

Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос соглан ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат, юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улугбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарағиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музахҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди.

Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-куvvват ва илҳом бағишлиши лозим. Авваламбор, миллый таълим тизимини ана шундай рух билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани буғунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур.

Донишманд ҳалқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган ҳалқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғуур ва ифтихор бағишлиайди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “**Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойdevорини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мухит ва шароитларни яратишимиз керак.** Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллний ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.”[3]

Ҳозирги кунда ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта мэрраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш - барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз ҳалқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади. Бунда ҳам оила ва оналаримиз ўз тарбиялари орқали мақсадга етаклайди.

Республикамизда кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди. Узоқ йиллар давомида оналаримиз ёш болали бўлишига қарамасдан белгиланган қисқа муддатдан сўнг ишга жалб қилинган. Бугунги кунда фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар бола тарбияси билан шуғулланиш имкониятининг берилиши ҳам ижобий ҳолатдир.

Аёлларга бўлган эътибордан яна бири шундан иборатки, эҳтиёжманд оиласларнинг мингга яқин қизлари илк бор 2020-2021 ўкув йилида олий ўкув юртларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинди. Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу мақсадда “**Янги Ўзбекистон - мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади**” деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширилишида ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Оилада аёлларимиз фарзандининг илмли бўлишида факат мактаб ўқитувчисига таяниб қолмасдан, балки чин дилдан қизиқиши, фарзанди эртага ким бўлиб етишиши ҳақида ўйлаши, оилада шарт-шароит яратиб бериши, қолаверса китоб ўқиши ва муомала маданиятларини ўргатишда кўп жиҳатдан



ўрнак бўлиши зарур. Айниқса, оилада отанинг ўрнини юқори даражада кўрсатиш ҳамда отага бўлган ҳурматни юксалтиришда аёллар алоҳида ўрин тутади.

Аёлларимиз жамиятимизда эркаклар билан елкама-елка туриб меҳнат қилишаётганликлари давлатимиз томонидан алоҳида қадрланаётганлигини “Йил аёли”, “Илм юлдузлари”, “Зулфияхоним” Давлат мукофоти танловларининг ташкил қилинганлигидан ҳам сезилиб туради. Айниқса, энг машақкатли илм-фан йўлида илмий-тадқиқотлар олиб бораётган олима аёлларимиз жамиятимиз гавҳарлариdir.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, оила ва таълим узвийлигини таъминлашда, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўйиш, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун яратилаётган шарт-шароитлардан самарали фойдаланишни дастур сифатида йўлга қўйишимизда аёллар алоҳида маъсулият билан ёндошишлари лозим. Айниқса, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказишда жамиятда аёлларнинг ўрни бекиёсdir.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент , “Ўзбекистон”,2018 йил, 17-бет
2. Абдулла Орипов “Танланган асарлар”. Тошкент, Фоур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000 йил, 1-қисм, 83-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь



МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РЕИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Маджидова Дилдора Абдухамидовна,

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий ходими, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Акбаров Баҳодир Абдураҳмонович,

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий ходими, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистонда меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилишнинг педагогик-психологик жиҳатлари таҳлил этилган. Шунингдек, оиласига қайтган меҳнат мигрантларининг жамиятга реинтеграцияси жараёнида ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларга оид хуносалар ифодаланган.

Калит сўзлар: миграция, меҳнат мигрантлари, ўз-ўзини бошқариш органи, оила, маҳалла, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, реинтеграция қилиш.

ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СОЦИАЛЬНОЙ ПОДДЕРЖКИ И РЕИНТЕГРАЦИИ ТРУДОВЫХ МИГРАНТОВ

Аннотация: В данной статье анализируются педагогические и психологические аспекты социальной поддержки и реинтеграции трудовых мигрантов в Узбекистане. В нем также изложены выводы о задачах, которые необходимо решить в процессе реинтеграции трудовых мигрантов, возвратившихся в свои семьи.

Ключевые слова: миграция, трудовые мигранты, органы самоуправления, семья, махалля, социальная поддержка, реинтеграция.

PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL ASPECTS OF SOCIAL SUPPORT AND REINTEGRATION OF LABOR MIGRANTS

Resume: This article analyzes the pedagogical and psychological aspects of social support and reintegration of labor migrants in Uzbekistan. It also contains conclusions on the tasks to be solved in the process of reintegration of labor migrants who have returned to their families.

Key words: migration, labor migrants, self-government bodies, family, makhalla, social support, reintegration.

Ҳозирги вақтда жаҳон миграция жараёнларининг йўналишлари, шакллари ва суръатлари кескин ўзгармоқда. Бу жараёнларнинг дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги айрим ўхшашликлари кузатилмоқда: миграциянинг устувор мотивлари ижтимоий-иктисодий, сиёсий, диний ва бошқалар хисобланади. Ҳозирги глобаллашув даврида Ўзбекистонда меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-қўллаб қувватлаш ва реинтеграция қилиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган, кўп фарзандли оилалар ҳукумат қарорлари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари асосида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали манзилли ижтимоий муҳофазаланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармони, 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция



қилиш тизимида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ўрни ва роли янада ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Олинган расмий маълумотларга кўра, ҳозирда 2,5 миллиондан ортиқ фуқаролар даромад топиш мақсадида Ўзбекистон худудидан ташқарида ишламоқда [1]. Уларнинг кўпчилик қисми оилали ва фарзандларига эгадир.

Нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам меҳнат миграциясининг оила ва болалар учун ижтимоий оқибатлари масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Шу муносабат билан, даромад топиш мақсадида меҳнат миграциясига кетаётган фуқаролар оилалари учун ижтимоий-психологик ва педагогик қўллаб-қувватлашни ташкил этиш долзарб масалалигича қолмоқда.

“Халқаро миграцияда асосий ўринни меҳнат миграцияси эгалламоқда. Чунки ҳозирги даврда инсоннинг яшаси учун иқтисодий омилнинг аҳамияти кучайди. Одатда миграциянинг асосий сабабларидан бири сифатида иқтисодий омил кўрсатилади” [2]. Миграцион жараёнларнинг кучайиши аҳамиятли ижтимоий-маданий ва ижтимоий-психологик муаммолар мажмуининг юзага келишига ва олимларнинг меҳнат мигрантларининг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ муаммоларига бағишлиланган тадқиқотларга эътиборларининг ортишига олиб келди. Глобаллашган ижтимоий-маданий мухитнинг жадал ўзгаришлари сабабли субъект ва ижтимоий мухитнинг уйғунлашуви, шахснинг мослашув механизмларини тушуниш муаммоси замонавий илмий-назарий ёндашувларни талаф этади.

Шу сабабли ҳам бугунги кунда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш мазкур муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади:

1. Меҳнат миграцияси муаммоларига бағишлиланган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, норматив-хукуқий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
2. Меҳнат миграциясининг ижтимоий-хукуқий, педагогик-психологик жиҳатларини ўрганиш;
3. Меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш соҳасидаги фаолият олиб борувчи мутахассислар фаолиятига доир таълимий-коррекцион дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш (МФЙ мутахассислари, мактаб психологлари учун);
4. Хотин-қизлар, ёшларни ташкил этувчи меҳнат мигрантларининг ижтимоий мавқеини ҳисобга олган ҳолда табақалашган ёндашув асосида жамиятга реинтеграция қилиш, уларнинг бандлигини таъминлашда ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштириш;
5. Меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш соҳасидаги мутахассислар ўртасида учрашув, давра сухбатларини ташкил этиш ва бошқалар.

Мазкур вазифаларни ҳал этишда, айниқса жамиятимиздаги барқарорлик меҳнат мигрантларини ижтимоий муносабатлар ва алоқалар тизимида киритиш жараёнига боғлиқлигига эътибор қаратиш лозимдир. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши бўйича стратегик режалар хорижга кетишини режалаштирган, хорижда меҳнат қилаётган ва меҳнат миграциясидан қайтганларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга асосланган мос миграция сиёсати билан боғлиқдир. Бунда меҳнат мигрантларининг ҳаёт фаолиятларидаги юз берувчи ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган психологик, ижтимоий муаммолар ҳал этилиши зарур бўлган мураккаб муаммолардан ҳисобланади.

Меҳнат мигрантларининг яшаш жойини ўзгартиришга ундовчи психологик сабаблар шахснинг хавфсизлиги ва психологик ҳамда бошқа эҳтиёжларини қондириши нуқтаи назаридан фаровон турмуш кечириш истаги билан боғлиқ. Нафақат кўпроқ даромад топиш, балки ўз имкониятларини кенгайтириш, ўз-ўзини ривожлантиришга интилиш ҳам муҳим ҳисобланади. Баъзи мигрантлар турмуш қуриш мақсадида, мазкур худудда истиқомат қилувчи



вакиллар билан никоҳ тузиш орқали ушбу жойда узоқ муддатли яшашни қолишини ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. Бу ўз ҳаётини яхши томонга ўзгаририш истаги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин [3].

Меҳнат миграцияси меҳнат мигрантининг замонавий тез ўзгарувчан жамиятда нафақат ижтимоий ва иқтисодий ишончи, балки психологик фаровонлигини таъминлашда мажбурий чора сифатида юзага келади. Мигрантлар учун нафақат иқтисодий фаровонлик, балки психологик фаровонлиги, шунингдек, жамиятда ўз ўрнини эгаллашлари муҳим аҳамиятга эга.

Мигрантларнинг психологик, ижтимоий мослашуви жуда мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Мигрантлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги аҳамиятли тилга оид ва ижтимоий-маданий фарқлар янги жамиятга мослашишнинг мураккаб жиҳатларидан ҳисобланади. Турли гурухдаги мигрантларнинг маданий хусусиятларини инобатга олиш бошқа мамлакат шароитларига мослашиш жараёнини осонлаштириш ва тезлаштириш имконини беради [4].

Шу билан бирга, ўз юртига қайтган меҳнат мигрантларини ишга жойлаштириш, уларни, айниқса, хотин-қизлар, ёшларни ташкил этувчи меҳнат мигрантларининг ижтимоий мавқеини ҳисобга олган ҳолда табақалашган ёндашув асосида жамиятга реинтеграция қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва ихтисослаштирилган иш жойларини яратиш масаласини ҳал этишда ўз-ўзини бошқариш органлари ва бошқа ваколатли орган, ташкилотларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Реинтеграциянинг қулай шароитларини яратиш ва таъминлаш фуқаронинг келажакда тўлақонли ва муваффақиятли ижтимоийлашуви учун имкониятлар яратади.

Меҳнат мигрантлари миграцияда ишлаш вақтида тажриба орттирадилар ва муайян малакаларни эгаллайдилар. Уларнинг аксарият қисми ўз юртларига қайтганларидан сўнг, иш топишни, ўз ҳаёт шароитларини ташкил этишни ва ўз бизнесларини бошлашни истайдилар. Аммо ўз юртларига қайтган меҳнат мигрантлари ишга жойлашиш ва иш ўринларининг етишмаслиги каби муаммоларга дуч келишлари мумкин. Оқибатда оиласига қайтган меҳнат мигрантлари ўз юртларида иш топа олмасликлари ижтимоий муаммоларнинг ортиши, уй хўжаликларининг даромадлари даражаси пасайишига олиб келиши мумкин. Бунда уларнинг эгаллаган малака ва компетенцияларини ўз юртларидан самарали қўллашлари учун шароитлар таъминланиши лозим. Айниқса, аҳолининг заиф тоифалари, хотин-қизлар алоҳида эътиборни талаб этади. Уларга моддий ёрдам – ишсизлик бўйича нафақалар тайинлаш, касбий қайта тайёрлаш, ишга жойлаштириш каби масалаларни ўз вақтида ҳал этилиши билан меҳнат миграциясидан қайтган фуқаро, унинг оиласи, маҳалланинг ва умуман жамиятнинг фаровонлигини оширишда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Фойдаланилган манбалар:

1. https://mehnat.uz/uploads/filemanager/source/Бандлик_тахлили_1_кв_январь_март.pdf
2. Азаматова Г.Б. Халқаро меҳнат миграция жараёнида жаҳон ва Ўзбекистон иштирокининг ўзига хос жиҳатлари // <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-12>
3. Осауленко О.А. Особенности социально-психологической адаптации мигрантов // Электронный научно-практический журнал «Гуманитарные научные исследования» / <http://human.snauka.ru/2017/12/24644>
4. Ионина О.С. Особенности социально-психологической адаптации мигрантов к новым условиям жизни // <http://shgpi.edu.ru/files/nauka/vestnik/2014/2014-2-20.pdf>
5. Холмуминов Ш., Абдурамонов Х. Қишлоқ аҳолисининг ташқи ва ички меҳнат миграцияларини самарали ташкил этиш // “Biznes-Ekspert” журнали, 2018 йил 11(131)-сон, 57-62 б.



КЕЛАЖАК АЁЛ ҚҰЛИДА ЙЎРГАКЛАНАДИ!

Бегимова Мафтуна Аззамовна

стажёр үқитувчи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги
механизациялаш мухандислари институти

*"Гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги,
қалби дарёлиги билан оиласидаги қолаверса бутун
жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик,
самимијат ва адолат муҳитини сақлаб турибодилар"*

И. Каримов

Аёл –она, аёл-мўътабар зот, олам бешигини тебратада олган Ҳазрати аёлдир. Аёлга атаб қанча қанча достонлар, қасидалар битилмаган , дейсиз.

Юртбошмиз “Ҳақиқий жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади” деганларида, нечоқлик ҳақ эдилар. Зоро, инсонга суюнчиқ бўлса, уни тушунса, қўллаб–куватласа, қалбидаги барча орзу ниятлари рўёбга чиқиши тайин.

Аёл-бетакрор неъмат. Аёл-муъжиза

Донишманндан сўрадилар:

- Ким ўзи аёл ? У айтди

Ха, аёл қалби осмон каби буюк , денгиз каби уммон . Шарқ аёли азалдан ўзининг ҳусни –жамоли, гўзал ҳулки или ахли жаҳонни мафтун этиб келган .

Уй, ойла –аёлнинг мустаҳкам қурғони. Жамиятда оила қурғонинг файзи, қолаверса, шу қўрғонинг эгаси эрнинг файзи, иқтидори, обрўсини аёл таъминлайди. Мавлоно Саъдий: “Ўйингни хотин меҳри обод этади” дея лутф қилган эдилар .

Аёл ўз эрки ва мустақиллиги учун курашувчи жондир. Энг мустақил аёл, аввало, энг яхши уй бекасидир .

Мустақил фикрга эга булмаган аёл панд ейишини тарих ва ўтмиш сабоқларидан ўргансин. Бу доно фикир ҳозирги замон аёлларига айнан мосдир.

Таъкидлаш жоиз, аёл ўзидан ўзи сиёсий фаол кучга айланмайди. Бунинг учун шароит, имконият яратилиши керак. Мамлакатимизда эса бу соҳада катта ишлар қилинняпти. Энг муҳими, қонунчиликнинг хуқукий асослари мустаҳкамланмоқда. Фақат биз бу қонун, қарорларни тарғиб қилишда етарли фаолият олиб бормаяпмиз. Опа-сингилларимизнинг қонунлардан беҳабарлиги эса ўз имкониятларидан етарли фойдаланмаслик, қонунбузилиш ҳолатларига олиб келаётгани ҳам ҳақиқат. Кейинги уч йил ичида қабул қилинган қонун, фармон ва қарорларга бир сўз билан таъриф берадиган бўлсак, улар аёлни қадрлашга, эъзозлашга, ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилди. Масалан, 2018 йил 2 февралда давлатимиз раҳбарининг “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Унга мувофиқ, барча фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий ва ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди. “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг худудий бўлимлари ташкил этилиши оила институтининг мустаҳкамланишида амалий қадам бўлди. Мазкур фармон билан ФХДЁ органларининг фаолияти туман, шаҳар ҳокимликларига бўйсундирилди. Уларнинг фаолиятини назорат қилиш хоким ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари зиммасига юклатилди.

Жамиятдаги қатор кўнгилсизликларнинг олдини олишда иш билан таъминланганлик жуда муҳим ҳисобланади. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда бу масала жуда муҳим. Бандлик қатор ҳаётий муаммоларнинг ечими ҳисобланади. Бандлик



жиноятлар, оиладаги ажримларнинг олдини олади, аёлнинг иш излаб узокларга кетишига тўсик бўлади. Энг муҳими, у болалари олдида бўлиб, рӯзғори бут, дастурхони тўкин бўлишига хисса кўшади. Лекин бандлик, бандлик, деган билан бу муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди.

Президентимизнинг 2019 йил 7 мартағи “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳукуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори мамлакатимизда хотин-қизлар ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳукуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга кенг имкониятлар яратади. Амалдаги Меҳнат кодексининг 100-моддасида пенсия ёшига етган фуқаро билан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиниши мумкин эди. Янги қарорда эса аёл 60 ёшга тўлгунича иш берувчининг ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тақиқланади.

Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар гендер тенглигини ҳимоя этиш бўйича комиссияси ҳам тузилди.

Хотин-қизлар ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда қонун ижодкорлигига катта эътибор берилгани натижасида “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тайзиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Хотин-қизлар меҳнатини рағбатлантиришга ҳам катта эътибор бериляпти. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан иқтидорли қизларни тақдирлаш тизими такомиллашди. Ҳар йили 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган қизларимизнинг 28 нафарига мазкур мукофот тақдим этилмоқда. Иқтидорли қизларнинг давлатимиз томонидан бундай қўллаб-қувватланиши, ижтимоий ҳимоянинг бундай қўриниши дунёдаги ҳеч қайси давлатда йўқ. Ёки ҳаётда, жамоат, меҳнат фаолиятида ўрнак бўлган аёлларимиз Президентимиз фармонига биноан “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланмоқда. Буларнинг барчаси замирида аёл зотига улкан ҳурмат, эҳтиром, ғамхўрлик бор. Ўз навбатида, бу эътибор барча хотин-қизларга катта масъулият юклайди.

Болаларимиз тарбиясида эътибор қаратишими зарур бўлган вазифаларни биз амалга оширмасак, фидойилик кўрсатмасак муваффақиятларга эриша олмаслигимиз тайин. Бу хақда давраларда кўп гапиришимиз керак. Токи, ҳар бир қабул қилинаётган қарор, қонундан аёл ўз вақтида хабардор бўлсин. Соатлаб телефонга тикилиб ўтирадиган ўғил-қизларимиз эътиборини ҳаётга қаратайлик. Қўлига китоб тутқазайлик, шеърга ошно қилайлик, санъатга шайдо этайлик.

Жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари учун уларни спорт тўғараклари томон бошлиб борайлик, юрагида китобга ҳавас уйғотиб, ўзимиз китобхонлиқда намуна кўрсатайлик. Ўзимиз намуна бўлайлик, деб тақрор-тақрор айтгим келади. Опасингилларимизга кийим, тақинчоқларимизни кўз-кўз этиб эмас, фарзандларимизнинг ақл-идроқи, фанлардаги муваффақиятлари билан мақтанайлик.

Ахир, шу кўзмунчоқ боламиз эртага спортда, фанда, санъатда дунёни забт этса, унинг билими, одобига дунё ҳавас қилса, шу бизнинг баҳтимиз, шу бизнинг фахримиз эмасми?! У ўз йўлини топиб олса, адашмаса, қоқилмаса, шу бизнинг тинчимиз эмасми?!

Биз дунё тан оладиган, ҳавас қиладиган ўғил-қизларни тарбиялашга масъулмиз. Аёлнинг ҳурматини жойига кўядиган, юртига таянч бўладиган марду майдонларни вояга етказишга, андишали қизларни, мард йигитларни тарбиялашга бурчлимиз. Бизнинг энг катта, асосий, шарафли вазифамиз ҳам ана шу.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фарида Абдураҳимова.” Оила –маънавият ва қадрият бешиги” Тошкент “Истиқлол”2009 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисида”. 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий – маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-



қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора- тадбирлари тўғрисидаги Фармони.

4. И.Хўжамуродов, Н. Саъдуллаев “Маънавият- инсоний гўзалликдир” Тошкент “Меҳнат” 1998 йил
5. Н.Жалил. “Кўнгилдан кўчирмалар”. “TAFFAKUR” нашриёти. 2020 йил.
6. З. Мўминова. “Буюк уйғониш”. “Mashur press”нашриёти. 2018 йил.
7. З.К.Исмаилова. “Аёлларни фуқаровий ва ҳуқуқий ўқитиш дастури”. Педагогика Тошкент, Молия- 2008 йил.



“ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ВА УНДА ХОТИН - ҚИЗЛАРГА ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР”

Р.А.Мулладжанова

Низомий номидаги ТДПУ доценти,
Турон ФА академиги,
педагогика фанлари номзоди.

Аннотация: Ушбу мақолада хотин-қизларнинг маҳаллий давлат ва жамият бошқаруви тизимидағи ўрни, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳукуқий манфаатларини ҳамда бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, кишлөк жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, гендер тенглик, ислоҳот, жамият, ижтимоий фаоллик, маҳалла ва оила институти, маҳаллий давлат ва жамият бошқаруви, , аёллар ҳукуқ ва манфаатлари.

Аннотация: В статье рассматривается роль женщин в местном самоуправлении и обществе, повышение их социально-политической активности, обеспечение их законных интересов и занятости, улучшение условий труда, особенно вовлечение молодых девушек в семейное и частное предпринимательство, ремесла.

Ключевые слова: семейное и частное предпринимательство, ремесла, гендерное равенство, реформа, общество, социальный активизм, община и институт семьи, местное самоуправление и общинное управление, права и интересы женщин.

Annotation: This article discusses the role of women in local government and society, increasing their socio-political activity, ensuring their legal interests and employment, improving working conditions, especially the involvement of young girls in family and private entrepreneurship, crafts.

Keywords: family and private entrepreneurship, crafts, gender equality, reform, society, social activism, community and family institution, local government and community management, women's rights and interests.

Бугун Ўзбекистон аёллари ҳар бир жабҳада ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини барчамиз бевосита амалда кўриб, чуқур ҳис этмоқдамиз. Ўтган йили юртимиз тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони бугунги кўрсаткичга кўтарилигани ҳам бунинг ёрқин тасдидидир. Гап шундаки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди. [1].

Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 31 фоизи ҳам жонкуяр, фаол аёллардир. Ана шундай натижалар туфайли Ўзбекистон парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-погонага кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил илгари 128-ўринда эди.

Бундай кескин ижобий ўзгаришлар парламент сайловлари шунчаки ўтказилмагани, “Янги Ўзбекистон — янги сайловлар” шиори ҳаётда бевосита ўз инъикосини топганини англатади. [6].

Бинобарин, Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласига жуда катта эътибор қаратиляпти. Уларнинг ҳукуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари Конституциямиз, қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган. [1].

Тан олиш керак, баъзи ҳолларда бу борадаги ислоҳотларнинг қўпи қоғозда қолиб кетди. Айрим ҳолатларда аёллар ўзларини намоён этишлари учун шароитлар камлик қилди ва уларга айрим тўсиқлар ҳам бўлди. Масалан, аёл тадбиркорлик қиласман, деса, преференциялар



бериш тизими йўқ эди. Умуман, уларга имтиёзлар яратиш бўйича хукуқий база яратилган бўлса-да, шуларни рўёбга чиқариш бўйича аниқ “Йўл харитаси” ишлаб чиқилмаган эди. Оқибатда жамиятнинг аслида фаол бўлиши керак бўлган мазкур қатлами тобора пассивлашиб кетди.

Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, бизда қизлар ва ўғил болаларнинг билим олишлари, касб танлашлари бўйича келажакларини таъминлашда фарқлар бор эди, ҳали ҳам бундай дунёқараш учраб турибди. Тўғри, ҳамма болалар мактабда ўқитилади. Бироқ кейинчалик касб танлаш, олий ўқув юртида таҳсил олишга келгандা, кўпроқ эътибор ва устунлик ўғил боланинг таълим олишига, унинг учун барча шароитни яратишга қаратилади. Чунки баъзи инсонларда фақат ўғил болага билим бериш керак, ўқитиш керак, чунки у бизнинг боқувчимиз, деган қарашлар устунлик қиласди. [8].

Қиз болага келгандা, бу бошқача тус олади. Мактаб таълими мажбурий бўлгани боис ўқиди. Аммо кейин “бу бирорнинг хасми, керак бўлса турмуш ўртоғи боқиб олади”, деган тушунчага ургу берилади.

Ваҳолонки, қиз бола олий маълумотли бўлса, қанчалик билим ва салоҳият олса, буни келгусида фарзандларига ҳам “юқтиради”, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш масаласига масъулият билан ёндашади. Юртнинг келажаги эса мана шундай дунёқарашга эга оналар томонидан яратилади.

Демак, хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида, биринчи навбатда, ота-оналарнинг муносабати катта роль ўйнаса, иккинчиси, олий таълимда уларни қамраб олиш имконияти муҳим ўрин тутади. Масалан, талаба қиз турмушга чиқса, ўқиши қийналиб давом эттиришга мажбур бўлади. Йиллар давомида тўпланиб қолган шу каби муаммолар, олий ўқув юртларига ёшларни қамраб олиш кўрсаткичининг тўққиз фоиз эканлиги олий маълумотли, кенг тафаккур ва дунёқарashi бор аёлларни тарбиялашда катта тўсиқ бўлди. [7].

Қувонарлиси, бугунги кунда замонавий фикрлайдиган ота-оналар, қайнота-қайноналар, қуёвлар қўпайиб боряпти. Ўз навбатида, хотин-қизларнинг таълим олиши, касбли бўлиши учун қофозда эмас, реал ҳаётда катта қулайликлар, енгилликлар яратилмоқда. Бугун гендер тенглик деган демократик тамойил ҳақида очиқ-ойдин гапирилаётгани, бу борада изчил чора-тадбирлар олиб борилаётгани фикримизга мисол бўла олади. [4].

Аслида “гендер тенглик” деганида нима тушунилади? Бу эркаклар ва аёлларга ҳамма нарсада тенг имкониятлар бериш керак, дегани. Яъни билим олиш, касб танлаш, лавозимда кўтарилишда эркаклар билан аёлларга бирдек имкониятлар яратилиши — гендер тенгликдир.

Шундай пайтлар бўлди, зўравонлик, камбағаллик сўзини ишлатишдан қанчалик кўрксак, раҳбарларимиз гендер тенглик сўзини қўллашдан ҳам шунчалик қўрқар эдилар. Бу сўзлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётида деярли ошкора тилга олинмасди. Шунинг учун ҳам, гендер тенглик деганда одамларимиз онгода нотўғри тушунчалар шаклланиб қолган эди. Худдики, гендер тенглик атамаси аёллар эркаклардан устун бўлиши, уларни менсимаслик, эркакларга ўз гапини ўтказиш, деган маъноларни англатади, дея қабул қилинди. Ваҳолонки, гендер тенглиги жуда ҳам чиройли тушунча.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўзларининг лавозимларига киришганларидан кейин ҳалқ билан мулоқот сиёсатини бошлади. Эндиликда жойлардаги масъулларимиз, сенаторларимиз ва депутатларимиз бу масъулиятни хис қилиб, алоҳида эътибор билан қарашга ўрганмоқда. Бу гендер тенгликни таъминлаш масаласига ҳам бевосита тааллуклидир. [2].

Тан олиш керак, аёллар муаммолари, жиноятчилиги, миграция масалалари, ақидапарастликка берилиши билан боғлиқ муаммолар кўп. Айнан шуларни бартараф этиш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан, энг аввало, хотин-қизларга ёрдам бера оладиган шароит яратиш мақсадида “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди. У гендер тенглик бўйича ишларни изчиллик билан йўлга қўйиш учун дастлабки қадамлардан бўлди. [2].



Унга кўра, оғир шароитда яшаётган аёлларга уй бериш тизими шаклланди. Шундан сўнг ҳар йили бир ярим минг нафар аёл биринчи тўловини давлат тўлаб берадиган имтиёзли уйлардан оладиган бўлди.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди. Шу орқали бизнесини йўлга қўйиш истагидаги хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратиш, бир ҳафталик ўкув курсларида ўқитиш, бизнес режаларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқиш механизми йўлга қўйилди.

Қийналган, ночор аёллар билан ишлаш учун реабилитация марказлари ташкил этилди. Айрим ҳолларда баъзи сабаблар билан кўчада қолиб кетиб, жиноят қилиб қўйиб, жамиятимизга қўшила олмаётган аёллари билан ишлаш учун маҳаллада мутахассис лавозими жорий этилди.

Яна бир долзарб вазифа – у ҳам бўлса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласи ҳам ҳал қилинди. [3].

Қонунларимизда хотин-қизлар учун парламентдаги сайловларда 30 фоизлик квота мавжуд бўлса-да, амалда бу нарса йўқ эди. Шундан сўнг, Республика миқёсида фаол аёллар аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат бошқаруви академияси ва унинг ҳудудий филиалларида улар қайта ўқитилди, социал қўникмалари, сиёсий билимлари такомиллаштирилди.

Қилинган меҳнатлар самарасиз кетмади. Олдинги сайловларда иштирок этган аёллар умумий кўрсаткичини 2019 йилдагиси билан солиширганда, кейинги пайтда бу рақам бирмунча ошганини қўрамиз. Бинобарин, парламентда аёллар сони кескин ошди. Олти нафар аёл туман ҳокими вазифасига тайинланди. Бу — жуда катта муваффақият. Сенат бу раҳбар аёлларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Улар билан биргаликда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда энг яқин ҳамкор бўлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати даражасига кўтарилган Гендер тенгликнинг асосий жиҳатларидан бири ҳам шудир. [2].

Гувоҳи бўлаётганингиздек, аёлларга давлат ва жамият тақдирига дахлдор қарорларни ҳаётга татбиқ этиш, хусусан, қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида бевосита қатнашишлари учун кенг йўл очилди. Бу аёл-ку, эртага қийналиб қолиши мумкин, деган тушунча тарихда қолди. Энди улар мана шундай масъулиятли вазифани шараф билан бажаришлари керак, деб ҳисоблайман. [5].

Марказий Осиё давлатлари интеграциясида опа-сингилларимиз, ёшларимиз ҳам фаол бўлади. Гендер масалалари юзасидан Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида анча илғор сиёсат юритмоқда. Шу боис БМТ Марказий Осиёдаги гендер платформасини Ўзбекистонда тузиш бўйича амалий таклифларни кўриб чиқди. Ҳозирги кунда мазкур масала юзасидан БМТнинг мартабали вакилларидан бири Наталья Герман билан ҳам шу масалада мулоқотлар олиб борилди. [3].

Натижада ушбу нуфузли ҳалқаро ташкилот ва қўшни давлатлар билан ҳамкорликда гендер тенгликни фаол илгари сураётган мамлакат сифатида Марказий Осиё платформасини яратиш ишлари янги босқичга кўтарилади. Бундан кўзланган асосий мақсад Марказий Осиё минтақаси бўйлаб гендер масаласида олиб бораётган саъй-ҳаракатларимизни тақдим этиш ҳамда қардошлар билан ўзаро билим, фикр ва тажриба алмашишdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида ҳам хотин-қизларимизнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш, уларни олий таълимга янада кўпроқ қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. [2].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хотин-қизларга мана шундай ғамхўрлик қилинса, унинг меваси ҳам ширин бўлади. Хотин-қизларимиз, эртага ишлаган ёки ишламаган тақдирда ҳам, олий маълумотли бўлса, оқиласлик либосини кияди, қўпол гапирмайди, бир қўлида қайнонаси, бир қўлида турмуш ўртоғини кўтариб юради, чиройли оиланинг дилбар ва доно



бекасига, ўзаро муносабатларда мохир дипломатга айланади. Мустаҳкам оила қуришда айнан шу жиҳатлар ниҳоятда муҳим эканлигини йигитлар ҳам яхши тушунади, улар ҳам, ўз навбатида, ўзига яқин бўлган турмуш ўртоғи ва онасини хурмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Файзиев Турғун. Темурий маликалар. А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. 1994.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони. 2020 й. Декабрь.
3. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2019 йил 2 сентябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. ”Ўзбекистон”. 2019 XIV боб. 21 б.
5. Нишонова Н. Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертация – Тошкент, 2020. – 120-1226.
6. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон деклерацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. 112.
7. Воҳобов А. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органлари // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. –Тошкент: Адолат, 1995. –Б.48.
8. Ҳусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. –Тошкент: Шарқ, 1996. –Б. 6.,22.



ГЕНДЕР АДОЛАТИДА ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ

Рўзиева Моҳинур Шахмardon қизи

СамДУ тарих факультети талабаси
mohinurshaxmardonovnaa@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада аёлларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни кечада ва бугун мисолида ёритилган ҳамда аёлларнинг жамиятдаги хукуqlари акс эттирилган.

Калит сўзлар: тарих, Туркистан, ислом, Қуръони карим, феминизм, мустақиллик, Конституция, гендер тенглик.

Аннотация: В статье обсуждается роль женщин в социально-политической жизни общества вчера и сегодня и отражены права женщин в обществе.

Ключевые слова: история, Туркистан, ислам, Коран, феминизм, независимость, Конституция, гендерное равенство.

Abstract: This article illustrates the role of women in social and political life of women in the past and in the present and denies the rights of women in society.

Key words: history, Turkestan, islam, Koran, feminism, independence, constitution, gender equality.

Тараққиётнинг маълум босқичларида ҳар қандай жамиятда гендер тенгсизлиги мавжуд бўлишига қарамасдан, аёллар алоҳида ижтимоий груп сифатида жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий соҳаларида ўз ўрнига эга бўлган. Шу ўринда, Марказий Осиё анъанавий жамиятларида муайян даражада гендер тенгсизлик мавжуд бўлганлигини қайд этиш лозим. Аммо бу билан “аёлларнинг ижтимоий ҳаётда иштирок этиш хукуқи таъкиқланган, улар фақат уй-рўзғор юмушлари, фарзанд тарбияси билан машғул бўлиши жоиз саналган”, деган бир ёқлама қарашларни инкор қилган ҳолда, аёлларнинг ҳам ижтимоий-иктисодий ҳаётда (ишлаб чиқариш, мулкчилик ва бошқа) ва ижтимоий муносабатларда иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. XIX аср охири - XX аср бошларига келиб, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг тутган ўрни ва иштироки масалалари Туркистан маърифатпарварларининг диққат марказида бўлган. Чунки аёл миллат фарзандлари тарбиячиси ҳисобланиб, уларнинг маърифатли бўлиши муҳим аҳамиятга молик саналган, шу боис, хотин-қизлар маорифи масалалари мазкур даврнинг долзарб муаммоларидан бири саналиб келган. Ўша даврда аёлларнинг жамиятдаги ролини оширишда уларнинг билим салоҳиятини юксалтиришда эркаклар билан жамият ҳаётида, ўзаро тенглик асосида, ижтимоийлашган ҳолда фаолият олиб бориша, биринчи навбатда, маориф соҳасини ислоҳ қилишдан бошланганлиги бежиз эмас, албатта.

Шарқда қадимдан шариат ва одат меъёрлари тамойиллари ўзбек аёлининг ҳаёт тарзини белгилаб берган. Муқаддас Қуръони каримнинг “Нисо” сурасида аёл, уй, оила, давлат, жамиятга алоқадор бўлган муҳим масалаларга жавоб берилади. Хусусан, эр-хотин ўртасидаги алоқалар – уларнинг бир-бирлари олдидағи хукуқ ва бурчлари ҳамда эр оиласида бошлик экани ва бу хукуқдан у қандай фойдаланиши лозимлиги ҳақида йўл-йўриқлар берилади. Сўнгра оила доирасидан жамият миқиёсига чиқиб, жамият мустаҳкам бўлиши учун кишилар ўртасида бирдамлик ва меҳр-шафқат, хослик ва бағрикенглик барқарор бўлиши зарурлиги ўзига хос услубда уқтирилади. Бу сурада бошқалардагига нисбатан аёлларга оид шариат хукмлари кўп ва батафсил баён этилганлиги сабабли унга «Нисо – аёллар» номи берилган.

Мисрлик олим Мухаммад Қутб мусулмон аёлларнинг хукукий ҳолати ҳақида “Европада аёллар ўз хукуқларига асрлар давомида узоқ ва шиддатли курашиб эришган бўлсалар, мусулмон аёллар эса ўз иктисодий ва хукукий мустақилларини ислом дини орқали қўлга киритганлар...” дейа таърифлаган.

Аёллар хукуқлари инсон хукуқларининг ажралмас қисмини ташкил этади. Тарихдан маълумки, хотин-қизларнинг тенг хукуқлиликка эришиш йўлидаги назария феминизм номи



билин аталган. Феминизм, яъни хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни кенгайтириш учун кураш тарихи узок ўтмишга эга.

Ўзбекистон мустакиликка эришгач, барча аҳоли қатламларининг тенг ҳуқуқлиги масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди ва унинг норматив-ҳуқуқий асослари мустаҳкам қарор топди. Ўтган давр мобайнида давлат аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг жамиятдаги тенглик тамойилига амал қилишининг ёрқин кафолати сифатида, бош Қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар”, дея кафолатланган. Таъкидлаш лозимки, аёллар тенг ҳуқуқлиги масаласи халқаро ҳуқуқнинг ҳам энг долзарб ва изчил ривожланиб бораётган тармоқларидан бири саналади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Ўтган йиллар мобайнида аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қарийб 100 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ратификация қилинди. Хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлаш ҳозирги жадаллик билан ривожланиб бораётган замонда муҳим аҳамият касб этади. Чунки жуда кўплаб касбларда аёллар меҳнатига эҳтиёж бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг ташаббуси билан ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташабbus ишлаб чиқилди. Жумладан, бешинчи ташабbus айнан хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида алоҳида чора-тадбирлар жорий қилинишига бағищланди. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуки ҳам тўла таъминланган бўлиб, давлат бошқарувида аёлларнинг иштироқи борган сари фаол тус олмоқда.

Хусусан, бугунги кунда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизи хотин-қизлардан иборатdir. Бугунги кунда аёлларимиз барча соҳаларда эркин ишлаш имкониятига эга бўлиб, хоҳ маориф бўлсин, хоҳ санъат ёки ижтимоий-сиёсий соҳалар ҳамда тадбиркорлик ва фермерлик соҳалари бўлсин барчасида аёллар меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдни, илм-фан, таълим-тарбия маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигига 45 фоиздан ортиқни саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда.

Шунинг баробарида, аёлларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари давлатимиз ва халқимиз томонидан муносаб тақдирланиб келинмоқда. Мамлакатимизда гендер тенглиги бўйича миллий институтлар, яъни Конституциявий суд, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг фаолияти самарадорлигига алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, ҳозир Адлия ва Ички ишлар вазирликларида, Бош прокуратурада гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича маҳсус тузилмалар ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Гребенкин Г. Узбеки // Туркестанские ведомости. 1871, № 30.
2. Электрон ресурс: Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. PDF/4219 КБ.
3. Муҳаммад Қутб. Ислам ва-ал-маръа. Шабухат хавла-л-ислам. - Кохира, 1954.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2014.



АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Махкамбаев А.Х.,
ЎзДЖТСУ., Ўқитувчи.

Рихсибаева М.Ф.,
ЎзДЖТСУ., 19-11 гурух магистри.

Махмудов Ш.А.,
ТДПУ., 102 гурух магистри.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмини ташкил этадиган хотин – қизларнинг жамиятда ўзларининг муносаб ўринларини эгаллаши ва ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда.

Хотин – қизларга, оналик ва болаликни ижтимоий ҳофаза қилишга муҳтарам президентимиз томонидан жиддий эътибор қарататётганлиги, уларга келажагимиз давомчилари дунёга келтириш ва тарбиялаш шунингдек аёлнинг жамиятдаги мавқеи ҳамда нуфузини ошишида алоҳида кенг имкониятлар яратилаётганидан далолат беради. [1]

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши ва давлат дастурининг қабул қилиниши мамлакатимизда оиласига чироғи бўлган хотин – қизларга яна да эътиборнинг кучайланлигини кўрсатади. Чунки жамиятимиз мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлашда соғлом оила ва соғлом аёл жуда муҳим аҳамиятга эга.

Муҳтарам Юртбошимиз ўз сўзларида “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтили бўлишлари шарт ” деган эдилар. Ушбу чукур маъноли сўзлар замирида ҳам аёлларга нисбатан юксак ишонч билдирилган.

Ана шундай фарзандларни дунёга келтириш учун аввалом бор, аёлнинг ўзи соғлом, ҳар томонлама етук, дунёқарashi замонавий, фикри теран ва ватанпарвар бўлиши керак.

Аёл бу оллоҳ томонидан яратилган энг буюк мўъжиза. Табиат қилиб берган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар қилувчи нафақат оиласига балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик ва меҳр оқибат бағишловчи ҳам аёллардир. Фарзандларимиз қалбига покиза туйғулар олижаноб инсоний фазилатлар аввало оналаримиз оқ – сути ва меҳр шафқати билан сингади [2].

Аниқ мақсадларга қаратилган тадбирлар натижасида спорт билан шуғулланувчи ўқувчилар қамрови 2015 йилдаги 34,9% дан 2019 йилда 37,3% гача шу жумладан қизлар салмоғи – мос равища 31,4 дан 34,3% га ошди. Қизларнинг умумий сонига нисбатан мунтазам спорт билан шуғулланувчиларнинг улуши 2015 йилда 6,6% ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 8,3% га етди. Алоҳида эътибор қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантиришга қаратилмоқда. Қишлоқ жойларда спорт билан шуғулланувчи болалар сони 2015 йилдаги 29,3% дан 2019 йилда 38,2% гача ўсди, шу жумладан қизлар – 24,1% дан 29,9% га ортганлиги кузатилди.

2180 та таъли муассасаларидаги умумий 1,3 миллион ўқўвчининг 324,7 минг нафари – 25,7 фоизи 1361 та спорт иншоотларидаги секцияларида машғулотларга жалб этилган. Улардан 120,4 минг нафари қизлардир. Олдинги йилга нисбатан спорт билан шуғулланувчилар сони 77,2 минг кишига, қизлар эса 33,6 минг кишига кўпайган.

Болалар спорти мактабларининг ўқитувчи – мураббийлари таркибини юқори малакали мутахассислардан шакллантириш таъинлаш бўйича олиб борилган ишлар натижасида ўқитувчи мураббийлар сони 2018 йилдаги 10034 нафардан 2019 йилда 10876 тага, шу жумладан аёл мураббийлар мос равища 2768 дан 3122 нафарга ошди.

Республика худуларида болалар спорти обьектлари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича Давлат дастурини амалга ошириш 2019 йилнинг ўзида қўшимча равища 6,3 мингдан ортиқ спорт секцияларини ташкил ва 107,2 минг болани (шундан 33,8 мингтаси қизлар) спорт билан шуғулланишга жалб этиш имконини беради. Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида соғлом



турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ҳамда болаларни оммавий равишида спорт билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида республика худудларида 4 мингдан зиёд, шу жумладан қишлоқ жойларида 3 мингдан ортиқ спорт тидбирлари ўтқазилди ва уларда 2,9 миллион болалар(1,4 миллион қизлар) иштирок этди.

Худудий ҳокимиятларнинг бевосита иштироки ва қўллаб – қувватлаш натижасида “Аёллар спорт фестивали”, вазирлик ва идораларда фаолият кўрсатаётган хотин – қизлар ўртасида “8 март хотин – қизлар куни” ҳамда “Наврӯз” умумхалқ байрами арафасида “Соғлом аёл – соғлом жамият” шиори остида ўтқазилган мусобақа, “Отам, онам ва мен – спортчи оила” каби мусобақалар мунтазам ўтқадилиб келинмоқда. [3]

“Аёллар спорт фестивали” мусобақаларида 2017 йилдаги туманли (шахар), вилоят босқичлари 75800 хотин – қизлар иштирок этди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 44,2% га ошганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

“Соғлом аёл – соғлом жамият” шиори остида 2016 йил ўтқазилган мусобақаларда 300 га яқин ташкилотларда ишловчи аёллар спортнинг 5 йўналиши бўйича қуч синашдилар.

2015 – 2016 ўқўв йилида Кўмита қошида жамланган “Иқтидорли қизлар” заҳирасининг 33 фоизини (126 нафарини) республика ва ҳалқаро даражадаги ютуқларни қўлга киритган 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган спортчи қизларни ташкил этди. Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларини 17 нафари ҳалқаро ва республика даражасида ютуқларни қўлга киритган спортчи қизлар бўлиб, бу йилги танловнинг республика босқичида иштирок этаётган 235 нафар қизларнинг 35 нафари спортнинг бадиий гимнастика, каратэ, шахмат, академик эшкак эшиш ва таэквондо турлари бўйича иштирок этмоқда. Уларнинг 20 нафари Осиё ва Ўзбекистон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлган. Деярли 80% спорт устаси ва ҳалқаро тоифадаги спорт устаси унвонини қўлга киритган.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиаллари ва маҳаллий хотин – қизлар қўмиталари билан биргаликда – спорт билан мунтазам шуғулланувчи қизларни, энг биринчи навбатда ижтимоий қўллаб – қувватлаш муҳтож бўлган оила қизларга спорт кийимлари – Президент совғалари берилди. Жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари фаол ва зафарли иштирок этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Каримов И.А.”Юксак маънавият–енгилмас қуч”, –Т: ”Маънавият ”,2008. – 173 бет.
2. Каримов И.А.”Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, –Т: ”Ўзбекистон”,2008. – 440 бет.
- 3.Акбаров А, Адашева М.У,Казоқов Р.Т,Жуманова С.Ғ.”Баркамол авлодни вояга етказишда аёллар спортининг ўрни” Республика илмий амалий конференцияси.Жиззах.45 бет.



OILADA AYOLNING GENDER TENGLIGI VA UNING FARZANDLAR TARBIYASIDAGI AHAMIYATI

Sidikova Mastura Xakberdiyevna

“Ipak yo‘li” turizm xalqaro universiteti v.b. dotsenti
email: sidikova2016@inbox.ru
<https://orcid.org/0000-0002-8193-4854>

Annotatsiya. Har bir jamiyatning ma’naviy darajasi hamda insonparvarlik sifati undagi ayollarga bo‘lgan muomala va e’tiborga nisbatdan belgilangan. Jamiyatning ijtimoiy yacheykasi hisoblanmish oilalarning mustahkamligida ayollar asosiy janjir sifatida muhim o‘rin egallagan. Zero, ayollar oilada farzand tarbiyasi hamda er uchun eng yaqin do’st va maslakdosh shaxs hisoblanadi. Ushbu maqolada ayollarning jamiyatdagi gender tengligi tahlil qilingan. Ayollarga nisbatan qilingan zo‘ravonliklarning oilada farzandlar tarbiyasidagi salbiy oqibatlari chuqur tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar. Ehtirom, e‘zoz, ayol, tarbiya, oila, zo‘ravonlik, gender tentglik.

Аннотация. Моральный дух и человечность любого общества определяется тем, как оно относится к женщинам и заботится о них. Женщины играют важную роль в стабильности семей, которые являются социальной ячейкой общества. Ведь женщины - самые близкие друзья и коллеги в семье по воспитанию детей и для мужа. В статье анализируется гендерное равенство женщин в обществе. Глубоко проанализированы негативные последствия насилия в отношении женщин при воспитании детей в семье.

Annotation. The morale and humanity of any society is determined by how it treats and cares for women. Women play an important role in the stability of families, which are the social unit of society. After all, women are the closest friends and colleagues in the family in raising children and for the husband. The article analyzes gender equality of women in society. The negative consequences of violence against women in raising children in the family are deeply analyzed.

Tarixdan ma‘lumki har qaysi jamiyatning insonparvarlik sifati va ma’naviy etukligi ayollarga bo‘lgan munosabat xususan, ularga bo‘lgan hurmat, izzat bilan belgilangan. Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov aytganlaridek, oilani ham, jamiyatimizni ham birlashtirib, unga fayzu barakot kiritadigan xonadonlarimizni mehr-muhabbat, nafosat, ezunglik nuri bilan munavvar qiladigan zotlar, aslida mo‘tabar onalarimiz munis opa-singillarimizdir.[1] Darhaqiqat, oiladagi sog‘lom ma’naviy muhitni yaratadigan ham ayoldir. Qaysi jamiyatda ayol zoti tahqirlangan va xo‘rlangan bo‘lsa, u jamiyat ma’naviy qolloqlikka va tubanlikka yuz tutgan. Zero, ayol bu jamiyatda kelajak avlodni dunyoga keltiradigan hamda millat naslini davom ettiradigan zotdir. Ayol qancha baxtli va mammun bo‘lsa, oilasiga va farzandlariga shunsha mehr va muhabbat qo‘yadi. Jamiyatimizda tinch totuv, ma‘nan etuk baxtli oilalar qancha ko‘p bo‘lsa, yurtimiz shuncha taraqqiy etadi.

Azaldan ayol zotini qadrlash, e‘zozlash hamda ularga e’tirom ko‘rsatish ajodolarimizga xos xususiyat bo‘lgan. Jumladan temuriylar, boburiylar saroyida ayollarga hurmat va ehtirom yuqori bo‘lgan. Amir Temur bobomiz “Ayollarga imkon qadar iliq muomalada bo‘lishga harakat qildim” degan va ayollarning ilmi bo‘lishlarini qo‘llab-quvvatlagan hamda ularga homiylik qilgan. Temuriylar saroyida bo‘lgan ispan elchisi Rui Gonsales de Klavixo ayollarning saroydagi mavqeylari, ularga bo‘lgan hurmat, ayollarning jamiyatdagi o‘rni haqida o‘z estaliklarida yozib qoldirganligi [2] so‘zimizga misol bo‘la oladi. Shuningdek, dinimiz Islomda ham ayol zoti e‘zozlangan. Uning jamiyatdagi xususan oiladagi o‘rni hamda vazifasi muqaddas kitobimiz Qur‘oni Karimning, Baqara (228), Rum (21), Niso (128) oyatlarida ko‘rsatilgan.[3] Zero, Islom dini jamiyatda ayollarning o‘rni, haq-huquqlari, burch va vazifalarini aniq va ravshan qilib ko‘rsatgan din hisoblanadi. Shuningdek, Islom dini ayol zotini qadrlash, e‘zozlash ularga ehtirom ko‘rsatishga da‘vat etadi. Er-xotin munosabatlarida har ikki jins vakillarining burch va vazifalari hamda ularning bir-biriga bo‘lgan haq-huquqlari aniq qilib ko‘rsatib o‘tilgan.



Qadimdan ajdodlarimiz oila masalalariga xususan, xotin olish, unga qanday minosabatda bo‘lish, farzand tarbiyasi, muomala madaniyati, ta’lim va boshqa shu kabi masalalarga juda jiddiy e‘tibor qaratgan. Onalarimiz, qizlarimiz, opa-singil va xotinlarga muloyim muomalada bo‘lishga da‘vat etilgan. XI- asrda yaratilgan butun Sharq va G‘arbda ma’lum va mashur bo‘lgan Kaykovusning “Qobusnoma” asari ham aynan ana shunday mavzularga bag‘ishlangan pandnomma asarlardan hisoblanadi. Jumladan, “Qobusnoma” asarida xotin olish zikrida quydagilarni o‘qishimiz mumkin “Agar sen xotininga rashklik qilmasang, u senga samimiyat bila munosabatda bulur. U senga otanonang va farzandingdin ham mushfiqroq bo‘lur va senga undin do‘stroq kishi bo‘lmas. Agar unga g‘ayrat ko‘rguzsang, senga ming dushmandin dushmanroq bo‘lur va begona dushmandin hazar qilsa bo‘lur, lekin undin hazar qilib bo‘lmas.[4]

XIX- asr oxiri va XX- asr boshlarida jadidlarimiz tomonidan ham oila masalalari, oilada ayollarning haq-huquqlari, undagi farzand tarbiyasi haqida jo‘shib gapirishgan va mahalliy gazetalarda ana shu go‘yalarni ilgari surganlar. Mahmudxo‘ja Behbudiy, Abdulla Avloniy, Munavvar Qori Abdurashidxonov, Abdurauf Fitrat ana shunday mavzularni ko‘targan va xalq orasida targ‘ib etgan jadidlardandirlar. Xususan, Abdurauf Fitrat o‘z maqolalarida oilada ayollarning kelajak avlodni tarbiyalovchi shaxslar sifatidagi ahamiyati haqidagi mavzularini, hukmron davr muammolarini ko‘tarib chiqqan. Uning quyidagi fikrlari darhaqiqat inson e‘tiborini o‘ziga tortadi, “Ma’lumki, odam birinchi tarbiyani onasining bag‘rida oladi. Shu narsa muqarrarki, birinchi tarbiya (oila tarbiyasi) tarbiyaning eng muhimi hisoblanadi. Uning ta’siri odam tabiatiga mustahkam o‘rnashadi. Shaxs ruhiyati, axloq javhari va odatlari, bolaligidanoq shakllanadi”.[5] Darhaqiqat oilada ayniqsa farzand ta’lim tarbiyasida ayollarimizning o‘rni beqiyos. Zero, bu masala tarixan har bir xalq va millat tomonidan takror va takror uqtirib kelingan.

Afsuski, bugungi kunda ba‘zi oilalar borki, unda ayol haq-huquqlari toptalgan, xo‘rlangan hamda tahqirlangan. So‘nggi kunlarda ommaviy axborot vositalari orqali ayniqsa, internet tarmoqlarida yosh ayollarimiz hayotida ana shunday holatlarni ko‘rib inson yuragi eziladi va shu o‘rinda bir savol tug‘iladi. Zaifa ayollarni xo‘rlagan, tahqirlagan, ma’naviy ongi past kishilar qanday oilada tarbiya topgan? Ular o‘sib ulg‘aygan oilada ona, ayol mavqeyi qanday bo‘lgan? Bu kabi savollar yuzlab tug‘ilishi mumkin.

Ayollarning oiladagi haq-huquqlarining paymol qilinishi eng avvalo oilada qizlarimizga etarli darajada hayotiy hamda milliy tarbiya makkabining oqsasyotganidir. Bundan tashqari ularda huquqiy madaniyatning sayozligi, boz ustiga qizlarning to‘la shaxs sifatida shakllanmay turib, erta turmushga berilishi ana shunday gender tenglikning buzilishiga sabab bo‘lmoqda. Yuqorida ta‘kidlab o‘tganimizdek, ayol oilada farzandni tarbiyalovchi asosiy shaxsdir. Endi o‘ylab qarasak, ruhan ezilgan, ma’naviy toptalgan hamda jismonan ezilgan ayoldan biz qanday farzand tarbiyasini kutamiz. Hayotga nafrat ko‘zi bilan qaragan, hayotdan ko‘ngli sovigan, doim qo‘rquiv, zulm va tazyiq ostida yurgan ayolni ruhan sog‘lom deb atash qanchalar to‘g’ri. Zero, ayol ojiza, zaifa, u faqatgina turmush o‘rtog‘i yelkasiga bosh qo‘yib ruhan kuch oladigan, Olloh tomonidan yaratilgan nafis ammo dunyo tashvishini ko‘tarib yuradigan zotdir.

Ana shunday notinch oilalarda o‘sayotgan farzandlarning aksariyatida agressiya, itoatsizlik, beparvolik, o‘ziga ishonchsizlik, yengil tabiatlilik, ongida ma’naviy bo‘shliq va shu kabi boshqa nosog‘lom illatlar shakllanadi. Bu esa o‘z o‘rnida jamiyat kelajagiga o‘zining salbiy ta’sirini ko‘rsatadi.

Albatta, so‘nggi yillarda tegishli tashkilotlar tomonidan bu kabi muammolar joylarga borib o‘rganilib, bartaraf etilmoqda. Xususan, O‘zbekistonda xotin-qizlarning jamiyatdagi o‘rni, va ularning ijtimoiy faolligini oshirish masalalariga alohida e‘tibor qaratilmoqda. Bu borada davlat ahamiyatiga molik salmoqli ishlar amalga oshirib kelinmoqda. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev o‘z ma’ruzalarida “ayollarni rozi qilish davlatimizning eng katta siyosatidir” deb ta‘kidlab o‘tganlari bejiz emas albatta. Ayollarga bo‘lgan e‘tiborni amaliy natijasi sifatida biz yillarning quyida nomlanishidan ham bilishimiz mumkin. Jumladan, 1999 yil “Ayollar yili”, 2000 yil “Sog‘lom avlod yili”, 2001 yil “Onalar va bolalar yili”, 2005 yil “Sihat-salomatlik yili” 2012 yil “Mustahkam oila yili”, 2013 yil “Obod turmush yili” va 2016 yil “Sog‘lom ona va bola yili” deb e‘lon qilinishida va shu munosabat bilan amalga oshirilayotgan ezgu ishlar, tadbirlar zamirida ayolga hurmat, ehtirom,



jismoniy kamoloti xususida fikrlash, qayg‘urish hissi borligi yaqqol namoyon bo‘ladi. [6] Bundan tashqari ayollarning haq-huquqlari ularning gender tengligi konstitutsiyamizning 46-moddasida “Xotin-qizlar va erkaklar teng huquqlidirlar” [7] deb qonunan belgilab qo‘yilgan. Shuningdek, Oila kodeksining 19-moddasiga binoan “...mulkiy va shaxsiy huquq va majburiyatlarning amalgalashishda er-xotinlarning teng huquq va majburiyatlariga egalik qiladilar va fodalanadilar” [8] deb aniq ko‘rsatib o‘tilgan. Ayollarning jamiyatdagi o‘rni hamda gender tenglik masalalri ayniqsa so‘nggi yillarda ancha rivojlanib bormoqda. Xususan, Oliy Majlis qonunchilik palatasiga saylangan 150 nafar deputatlarning 48 nafari yoki 32 %ni xotin-qizlar tashkil etadi. Bu ko‘rsatgich Senat va mahalliy kengashlarda 25 %dan oshadi. Mamalakatimiz parlamenti ayol deputatlar soni bo‘yicha dunyodagi 190 ta milliy parlament o‘rtasida 37-o‘ringa ko‘tarildi. Hozirgi vaqtida davlat va jamoat tashkilotlari tizimida 1 ming 380 nafardan ziyod xotin-qizlar rahbarli lavozimlarida mehnat qilmoqda.[9] 2019 yil sentabr oyida O‘zbekiston Respublikasining “”Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to‘g‘risida”gi[10] hamda “Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilish to‘g‘risida”gi[11] qonunlar qabul qilindi. Ushbu qonunlarda ayollarni jinsi bo‘yicha bevosita va bilvosita kamsitishni taqiqlanishiga hamda oiladagi zo‘ravonlik qurbanalriga yordam berish, ularga bospanalar ajratish, ishonch telefonlari va nafaqat jismoniy zo‘ravonlik, balki, psixologik yoki iqtisodiy jinoyatlar bo‘yicha majburiy javobgarlikka tortish orqali ayollarni himoya qilish alohida belgilab qo‘yildi.[12] Bundan tashqari davlatimiz rahbari Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham yurtimizdagи xotin-qizlar masalasiga jiddiy e‘tibor qaratish lozimligi ta‘kidlab o‘tildi. Jumladan, Xotin qizlarning jamiyat hayotidagi o‘rni va nufuzini oshirish ularga yangi imkoniyatlar yaratish bo‘yicha navbatdagi qadam sifatida hayotni va ayollar muammolarini yaxshi biladigan, faol va tashabbuskor opa-singillarimizdan iborat Respublika Xotin-qizlar jamoatchilik kengashini tashkil etish taklif etildi.[13]

Xulosa qilib aytish mumkinki, bugungi kunda ba’zi oilalarda ayollarning gender tengligining buzilishi eng avvallo ayollarimizning huquqiy savodxonlik darajasining pastligi bilan izohlanadi. Ularga qilingan zo‘ravonliklarning kelib chiqish omillari ba’zida iqtisodiy tanglik va nochorlik bo‘lsa, ba’zida to‘qlik, manmanlik va ruhiy nosog‘lomlik bilan xarakterlanadi.

Bugungi shiddat bilan rivojlanib borayotgan kompyuter texnologiyalari asrida qizlarimizga milliy mentalitetimiz asosida zamonaliviy ta’lim tarbiya berish maqsadga muvofiqdir. Xususan, umumta’lim maktablarining yuqori sinflariga hamda Oliy ta’lim muassasalarida aynan qizlar bilan hayotiy mavzularga oid debatlar, kofe brakelar uyuhtirish, o‘tmishda va bugungi kunda siyosat, sport, ilm-fan, san’at va madaniyat sohasida muvafaqqiyat qozongan ayollar haqida davra suhbatlar o‘tkazish orqali samarali natijalarga erishish mumkin bo‘ladi. Ayniqsa bunday tadbirlerda nosog‘lom oilada tarbiyalangan qizlarni kengroq jalb qilish maqsadga muvofiqdir.

Foydalangan adabiyotlar

- [1] Kariimov I.A. Ayolga ehtirom Toshkent. “O‘zbekiston”, 1999. -145 bet.
- [2] Pui Gonsales de Klavixo. Dnevnik putisheschiya v Samarkand ko dvoru Timura (1403-1406). Moskva. “Nauka” 1990. 105-106 betlar.
- [3] Qur‘oni karim (ma’nolar tarjimasi) Toshkent “Sharq” 2009
- [4] Kaykovus “Qobusnoma”. Toshkent “O‘qituvchi” 2019. – 103 bet.
- [5] Abdurauf Fitrat Oila yoki oila boshqarish tartibi. ikkinchi nashr, Toshkent. Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2019. – 42 bet.
- [6] 3.Розиева, Жамиятда аёлларнинг ўрни ва роли
[https://buxoro.adliya.uz/buxoro/uz/publikatsii/detail.php?ID=31547 /](https://buxoro.adliya.uz/buxoro/uz/publikatsii/detail.php?ID=31547/)
- [7] O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi Toshkent. “O‘zbekiston” 2019. -17 bet.
- [8] O‘zbekiston Respublikasi Kodekslari II-jild. Toshkent.“Adolat”, 2018. – 33 bet.
- [9] Mirziyoyev Sh.M. Milliy tiklanishdan-milliy yuksalish sari Toshkent. “O‘zbekiston” 2020. - 406 bet.
- [10] <https://lex.uz/docs/4494849> “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to‘g‘risida” O‘RQ-562-son. 02.09.2019



[11]<https://www.lex.uz/docs/-4494709>“Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilish to‘g‘risida”gi O‘RQ-561-son 02.09.2019

[12] Xudoyberdiyeva G. Гендер тенглик: Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуклар қандай таъминланаяпти? <http://hudud24.uz/gender-tenglik-hotin>

[13]O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasidagi nutqidan. Zarafshon gazetasi 31.12.2020. 155-156 sonlar



АКТУАЛЬНОСТЬ ПОДГОТОВКИ ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ МЕДИЦИНСКИХ ФИЗИКОВ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ

Зоирова Лола Хамидовна

Навоийский государственный горный институт
доцент кафедры «Общая физика», кандидат
физико-математических наук zoirova@mail.ru,

Аннотация. В данной статье приведены существенные обстоятельства высокой потребности и актуальность подготовки высококвалифицированных кадров – будущих медицинских физиков, особенно в условиях пандемии. Изложена роль и преспектива развития современной высокотехнологической медицинской физики – как важнейший аспект здоровья будущего поколения. Особо уделено внимание на то, что радиационная медицинская физика, кроме практических задач в клинических условиях, решает также целый ряд фундаментальных и прикладных научных проблем.

Ключевые слова. Радиационная медицинская физика, медицинский физик, повышение квалификации, диагностика, радиоактивность, лучевая терапия, физико-техническая вооруженность, подготовка будущих врачей, рентгеновские лучи, условие пандемии, клиническая медицина.

PANDEMIYA SHAROITLARIDA YUQORI MALAKALI TIBBIY FIZIKLARNI O'QITISHNING DOLZARBLIGI

Аннотация. Ushbu maqolada yuqori talabga ega bo'lgan muhim holatlar va yuqori malakali kadrlar - bo'lajak tibbiy fiziklarni tayyorlashning dolzarbligi, ayniqsa pandemiya holatida keltirilgan. Zamonaviy yuqori texnologik tibbiy fizikani rivojlantirishning roli va istiqbollari kelajak avlod salomatligining eng muhim yo'nalishi sifatida ko'rsatilgan. Radiatsion tibbiy fizika klinik sharoitdagi amaliy muammolardan tashqari, bir qator fundamental va amaliy ilmiy muammolarni ham hal qilishiga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Калит сўзлар. Ushbu maqolada yuqori talabga ega bo'lgan muhim holatlar va yuqori malakali kadrlar - bo'lajak tibbiy fiziklarni tayyorlashning dolzarbligi, ayniqsa pandemiya holatida keltirilgan. Zamonaviy yuqori texnologik tibbiy fizikani rivojlantirishning roli va istiqbollari kelajak avlod salomatligining eng muhim yo'nalishi sifatida ko'rsatilgan. Radiatsion tibbiy fizika klinik sharoitdagi amaliy muammolardan tashqari, bir qator fundamental va amaliy ilmiy muammolarni ham hal qilishiga alohida e'tibor qaratilmoqda.

RELEVANCE OF THE TRAINING OF HIGHLY QUALIFIED MEDICAL PHYSICISTS IN PANDEMIC CONDITIONS

Abstract. This article presents the significant circumstances of the high demand and the relevance of training highly qualified personnel - future medical physicists, especially in a pandemic. The role and prospects for the development of modern high-tech medical physics are stated as the most important aspect of the health of the future generation. Special attention is paid to the fact that radiation medical physics, in addition to practical problems in clinical conditions, also solves a number of fundamental and applied scientific problems.

Key words. Radiation medical physics, medical physicist, advanced training, diagnostics, radioactivity, radiation therapy, physical and technical equipment, training of future doctors, X-rays, pandemic condition, clinical medicine.

Широко известно, открытие рентгеновских лучей и радиоактивности в конце XIX века придало мощный импульс использованию физики в медицине. Появились и начали интенсивно развиваться такие области медицины, связанные с использованием



ионизирующих излучений и сложной аппаратуры, как лучевая терапия, лучевая диагностика, ядерная медицина. Затем активизировалось применение неионизирующих излучений и соответствующей техники (лазерные, ультразвуковые, магнитные и др. технологии).

Конечно, большая часть физиков многие десятилетия занимались развитием физики как фундаментальной основы современного естествознания. Постепенно физика, помимо этого, стала все больше и больше решать проблемы приложения физических законов, процессов, средств и технологий к различным областям деятельности человека, прежде всего к технике и вооружению. Сегодня ситуация изменилась, и физика смещает свои приоритеты на мирные цели, в том числе на здравоохранение. В настоящее время традиционная медицина все более превращается в физическую медицину, оснащенную сложнейшими, дорогостоящими и при этом очень эффективными медико-физическими комплексами и технологиями.

Главным признаком современной медицины является ее высокая физико-техническая вооруженность. При этом важнейшим оружием медиков в борьбе с заболеваниями становятся именно различные медико-физические технологии самого высокого уровня и радиологические аппараты диагностического и терапевтического назначения, которые многократно увеличивают возможности медицины. В настоящее время трудно себе представить какую-либо задачу профилактики, диагностики или лечения, где не были бы использованы достижения физики, прежде всего физики ионизирующих излучений, а медицинская радиология целиком и полностью базируется на достижениях современной медицинской физики [5].

Таким образом, современная МФ занимается изучением систем, состоящих из физических излучений, организма человека и его болезней, лечебных и диагностических аппаратов, препаратов, материалов и технологий, а также использованием физических излучений и приборов для профилактики и диагностики заболеваний, для лечения больных с помощью методов и средств физики, математики и техники.

В настоящее время из всех разделов МФ наибольшее развитие получила радиационная медицинская физика. Она составляет не менее 80% по объему работ и количеству специалистов от всей зарубежной и отечественной МФ, "обслуживая" лечебные и диагностические технологии, основанные на использовании ионизирующих излучений. Это, главным образом, лучевая терапия, ядерная медицина, рентгенологические исследования. В свою очередь, в клинических условиях основное назначение радиационной МФ – физико-техническое обеспечение терапевтической радиационной онкологии (лучевой терапии) [4].

Радиационная МФ, кроме практических задач в клинических условиях, решает целый ряд фундаментальных и прикладных научных проблем. Например:

- разработка радиационной терапевтической аппаратуры и технологий ее применения в клинических условиях;
- разработка аппаратуры и методик клинической дозиметрии;
- разработка методов и средств измерения пространственно-временного распределения радиофармпрепаратов в организме человека (приборные, физические и математические аспекты);
- разработка критериев оценки, методов контроля и управления качеством радиодиагностических исследований;
- разработка рентгеновских компьютерных томографов новых поколений и т.д [6].

Из всех этих актуальных научных задач хорошо виден комплексный характер МФ как науки, ее специфика и высокая практическая значимость. При этом все научные направления МФ не сводятся к каким-либо разделам собственно физики, в том числе и радиационной физики, или клинической медицины, в частности и медицинской радиологии, а представляют собой самостоятельные проблемы, специфические именно для радиационной МФ.

Медицинский физик – кто это такой? Медицинский физик это – специалист с высшим физико-техническим образованием, имеющий диплом университета или технического высшего учебного заведения по физике, математике, вычислительной технике, механике,



электротехнике или электронике, работающий в сотрудничестве с медицинским персоналом в лечебных учреждениях, университетах, учебных или научно-исследовательских институтах. Медицинский физик после получения базового высшего физического или технического образования должен пройти клиническую специализацию по МФ в научно-исследовательских или лечебных медицинских учреждениях онкологического или радиологического профиля, имеющих соответствующую лицензию. Специалисты, не прошедшие указанную специализацию и не получившие соответствующий квалификационный сертификат, к работе медицинским физиком допускаться не должны, так как на них лежит большая ответственность за судьбу больного.

Медицинские физики особенно нужны в клинической медицине. При этом их часто называют клиническими физиками. Без них врач при использовании наиболее сложных медико-физических технологий не в состоянии обеспечить высокие требования по точности, гарантии качества и безопасности, осуществлять ответственные физико-математические функции, например, по измерениям, обработке и анализу диагностических изображений, дозиметрическому планированию и контролю в процессе лучевого лечения. Медицинские физики совмещают глубокие физико-математические и медицинские знания, непосредственно участвуют в лечебно-диагностическом процессе, разделяют с врачом ответственность за пациента. Основной обязанностью медицинского физика является обеспечение надлежащего физико-технологического уровня и качества повседневных лечебно-диагностических процедур, выполняемых на основе высоких медицинских технологий. В рамках своей компетентности он должен отвечать за стандартизацию и калибровку медико-физического оборудования, точность и безопасность физических методов, используемых в повседневной клинической практике, гарантию качества радиологических лечебно-диагностических процедур, калибровку и метрологическую поверку дозиметрической и радиометрической аппаратуры. Медицинский физик также несет ответственность за проведение научных исследований по развитию новых технологий, радиационно-физических методов и техники. Он обеспечивает обучение прикладной радиационной физике и радиационной безопасности врачей, медицинских сестер, младшего медико-технического персонала, а также студентов, стажирующихся физиков и технических работников.

Актуальность. В настоящее время у нас в стране реализуется Государственная программа «Год поддержки молодежи и общественного здоровья», в которой особый акцент делается на необходимости нового взгляда на образование и его модернизацию, а также на ценность знаний и информации, овладение которыми требует высшего образования и прежде всего университетской подготовки кадров с участием представителями здравоохранения. Это связано с усложнением характера труда, решаемых производственных задач и проблем, резким увеличением необходимого объема знаний, особенно в случае с пандемией. Также идет разработка и внедрение в практику новой парадигмы образования, которая, в отличие от традиционной, ориентирована на передачу определенной суммы знаний от преподавателей студентам, магистрантам, аспирантам, слушателям курсов повышения квалификации, направлена на формирование потребностей в постоянном пополнении и обновлении знаний, совершенствование умений и навыков, их закрепление и превращение в компетенции [1]. Инновационное образование направлено на подготовку нового уровня специалистов, способных умело анализировать, обобщать и систематизировать имеющуюся информацию, генерировать новые знания, внедрять в производство результаты научных исследований (новые приборы, технологии, лекарства), повышать конкурентоспособность предприятий и учреждений [2, 3].

Выводы. Рассматривая вышеуказанные перспективы дальнейшего развития медицинской физики и техники, следует сделать вывод, что их реализация и внедрение в клиническую практику приведет к качественному скачку не только в медицинской радиологии, но и связанных с ней других важнейших разделах клинической медицины, особенно в онкологии, кардиологии, неврологии и т.д., что на сегодня важно и актуально,



особенно в условиях пандемии, то есть МФ сделает медицину наукой точной и значительно расширит ее возможности.

Очевидно, что развитие и внедрение в клиническую практику новых все более сложных и эффективных медико-физических средств и технологий предъявляет самые высокие требования к квалификации медицинских физиков, технических инженеров, радиационных онкологов, рентгенологов и других специалистов, занимающихся созданием и использованием этих и других аппаратов.

Рекомендации.

1. Удовенко И.М. Новые требования к развитию высшего образования в условиях формирования инновационного общества / И. М. Удовенко // Подготовка научных кадров высшей квалификации в условиях инновационного развития общества: Материалы Междунар. науч.-практ. конф. – Мин.: ГУ «БелИСА», 2009. – С. 251-253.
2. Терешко Т.А. Инновационное образование в высшей школе / Т. А. Терешко // Подготовка научных кадров высшей квалификации в условиях инновационного развития общества: Материалы Междунар. науч-практ. конф. – Мин.: ГУ «БелИСА», 2009. – С. 242-244.
3. Шатравко Н.С. Активные методы обучения как фактор формирования инновационной педагогической деятельности преподавателей / Н. С. Шатравко // Перспективы развития высшей школы: Материалы 2-й Междунар. науч.-метод. конф. – Гродно: ГГАУ, 2009. – С. 127-131.
4. Стожаров А.Н. Радиационная медицинская физика. Учебное пособие / А.Н. Стожаров. – Минск: Высш. шк., 2007. – С. 369.
5. Костылев В.А., Наркевич Б.Я. Радиационная медицинская физика – фундаментальная основа медицинской радиологии / В.А. Костылев, Б.Я. Наркевич // Российский онкологический научный центр им. Н.Н. Блохина РАМН. - Москва. Радиология и практика. №2, 2007. – С. 42-52.
6. Черняев А.П., Колыванова М.А., Борщеговская П.Ю. Радиационные технологии в медицине. Медицинские ускорители. // ВМУ. Серия 3. Физика. Астрономия. №6, 2015. – С. 28-36.



ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО: НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ И ЗАДАЧИ

Ф.А. Ахмедшина,
доктор исторических наук, профессор
Джизак, Узбекистан, Джизакский
государственный педагогический институт,

Аннотация: Статья посвящена анализу влияния гендерного фактора на возможности женщин использовать потенциал новых информационных и коммуникационных технологий в разных регионах мира и в Узбекистане. Также в статье рассмотрены основные тенденции развития ИКТ и их влияние на гендерные проблемы занятости, обеспечения достойного труда, оплаты труда, подготовки кадров, мотивации по освоению необходимых компетенций и участию женщин в развитии цифровой экономики.

Ключевые слова: гендерный фактор, ИКТ, гендерные проблемы занятости, достойный труд, подготовка женщин кадров ИКТ, высокопрофессиональные, компетентные женщины руководители.

Аннотация: Мақола жаҳоннинг турли минтақалари ва Ўзбекистонда аёлларнинг янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларига гендер омилининг таъсири масалаларини тахлил қилишга бағишлиланган. Шунингдек, мақолада АКТ ривожланишининг асосий тенденциялари ва уларнинг бандлик, муносиб иш ва иш хақи, кадрлар тайёрлаш, аёлларнинг рақамли иқтисодиятни ривожлантиришда иштирок этиши учун зарур компетенцияларни эгаллашга мотивацияларини ошириш масалаларига таъсири кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: гендер омил, АКТ, бандликнинг гендер муаммолари, муносиб иш, АКТга аёл кадрлар тайёрлаш, профессионал, компетент аёл раҳбарлар.

Annotation: The article analyzes the impact of the gender factor on women's ability to use the potential of new information and communication technologies in different regions of the world and in Uzbekistan. The article also examines the main trends in the development of ICTs and their impact on gender issues of employment, decent work, remuneration, training, motivation for the development of necessary competencies and women's participation in the development of the digital economy.

Keywords: gender factor, ICT, gender problems of employment, decent work, training of women in ICT personnel, highly professional, competent women managers.

Информационно-коммуникационные технологии (ИКТ) играют ключевую роль в мировом социально-экономическом развитии. В новых условиях общей проблемой мирового масштаба становится политика, направленная на преодоление цифрового гендерного неравенства, увеличение возможности женщин использовать потенциал новых информационных и коммуникационных технологий, интернета, определяющий степень участия в информационном обществе.

Сегодня преодоление цифрового гендерного разрыва становится одним из важнейших задач в достижении гендерного равенства и расширения прав и возможностей женщин. Однако с сожалением приходится констатировать существующий устойчивый цифровой гендерный разрыв, ярко проявляющийся на примере разных показателей пользователей интернетом. Так, согласно январскому отчету We Are Social и Hootsuite «Digital 2021» количество активных пользователей Интернетом составило 4,66 миллиарда человек, что на 316 миллионов (7,3 процента) больше, чем в 2020 году. Глобальное проникновение Интернета составило 59,5 процента. В целом, средний пользователь Интернета теперь проводит почти 7 часов в день, используя Интернет на всех устройствах, что соответствует



более 48 часам в неделю в сети - это 2 полных дня из каждого из 7. Мобильным телефоном пользуются 5,22 миллиарда человек, что составляет 66,6 процента от общей численности населения мира[8]. Самая быстрорастущая группа пользователей находится в Африке - 5 из 10 новых пользователей[6].

Количество пользователей интернета в Узбекистане к концу 2020 года достигло 22,1 миллиона человек, показав небольшой прирост. Уровень охвата мобильной связью населенных пунктов по стране составил 97%, а мобильным интернетом - 87%. К интернету на начало декабря подключены 70% школ и 78% объектов здравоохранения [11]. По данным 2020 года Узбекистан занял 69-е место в Индексе инклюзивного интернета (наличию, доступности, релевантности и готовности людей использовать его (навыки, грамотность и другое), составляемом британской исследовательской организацией The Economist Intelligence Unit. Всего рейтинг охватывает 100 стран, на которые приходится 91% населения мира и 96% глобального ВВП. По мнению экспертов, показатели Узбекистана в поддержке охвата интернетом отстают от других азиатских стран по всем основным направлениям. По показателю наличия интернета Узбекистан находится на 66-м месте в мире, по доступности — на 76-м, по релевантности — на 63-м. По показателю готовности страны на 84-й позиции. Среди недостатков аналитики отмечают четвертый по величине гендерный разрыв среди всех стран-участников индекса по доступу к мобильным устройствам: у мужчин в стране на 21% больше возможностей пользоваться мобильным доступом, чем у женщин[7].

В большинстве стран мира женщины все еще отстают от мужчин в использовании преимуществ цифровых технологий. Согласно оценкам, приведенным в докладе Международного союза электросвязи (МСЭ) «Измерение цифрового развития: Факты и цифры, 2019 год», более половины женщин в мире (52%) не пользовались интернетом, тогда как среди мужчин этот показатель составляет 42%[9]. Согласно статистике, особенно тяжело положение в небогатых странах, где женщин, имеющих доступ к мобильному интернету, на 300 млн меньше, чем мужчин, — разрыв достигает 23%[11].

Пандемия наглядно показывает, что в тех странах, где среди женщин больше неграмотных или менее образованных, то по мере дальнейшей цифровизации обществ и экономик женщины оказываются в невыгодном положении. Так, в Индии, где доля владеющих смартфонами среди женщин почти на 60 процентов меньше, чем среди мужчин, исследователи обнаружили, что большинство бедных женщин скорее всего не смогут участвовать в государственной программе помощи в связи с COVID-19, предполагающей предоставление денежных трансфертов по цифровым каналам: у этих женщин либо нет доступа к электронным услугам банковского обслуживания, либо они просто не знают об их существовании[5].

Узбекистан уделяет особое внимание вопросам создания правовой базы развития цифровой экономики и инновационного развития. Для успешного перехода на цифровую экономику с учетом современных реалий образованы Министерство инновационного развития, Фонд поддержки развития цифровой экономики «Цифровое доверие», принятые постановление Президента «О МЕРАХ ПО РАЗВИТИЮ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН» ОТ 4 ИЮЛЯ 2018 ГОДА, указ «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» от 5 октября 2020 года, широкомасштабные меры по развитию цифрового сектора экономики. 2020-й год был объявлен Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики. С целью подготовки высококвалифицированных специалистов в области информационных технологий запущен проект «Один миллион программистов». Новые исследования структур ООН и Всемирного банка показали, что среди малого и среднего бизнеса от коронакризиса предпринимательницы пострадали сильнее предпринимателей: 64% против 52%. А прежние проблемы лишь обострились в кризис: бизнесвумен еще больше времени занимаются детьми, пока школы закрыты, чаще сталкиваются с домашним насилием и хуже готовы к резкому уходу бизнеса в онлайн. А домашней работой женщины в среднем заняты почти на три часа в день больше, чем мужчины. Как пишет глава Международной финансовой корпорации (IFC) из группы Всемирного банка "Все эти факторы вместе взятые делают женщин уязвимыми перед



кризисом и по окончании пандемии грозят обернуться усилением гендерного неравенства в образовании, здоровье и благосостоянии. Десятилетия прогресса в этой области пойдут наスマрку"[1].

Согласно новому исследованию Европейского института гендерного равенства(ЕИГР) о последствиях неравногораспределения обязанностей по уходу для гендерного неравенства на рынке труда (2020), в Европе 92% женщин ежедневно занимаются семейными заботами, в сравнении с лишь 68% мужчин. Более того, наличие детей влияет на работу 60% трудящихся женщин, и 17% из них сокращают свои часы работы, чтобы заботиться о своих детях, в сравнении лишь с 3% мужчин [3]. Ныне 33 процентов женщин трудоспособного возраста Узбекистана в основном выполняют неоплачиваемую домашнюю работу, в то время как у мужчин трудоспособного возраста этот показатель составляет 3 процента[9].

В исследовании ЕИГР подчеркивается, что неравногораспределение семейных обязанностей между мужчинами и женщинами усугубляет гендерное неравенство на рынке труда, способствует гендерной разнице в зарплатах[3]. Исследования показывают, что даже среди продвинутых стран, таких как Канада, Австралия, Британия, США гендерный разрыв в зарплате остается на уровне 17-18% -в пользу мужчин[10].

Руководительницы Международного валютного фонда выделили четыре главные причины, по которым экономический кризис сильнее оказывается на женщинах. Женщины составляют костяк рабочей силы в секторах, наиболее пострадавших от карантина. Они чаще мужчин заняты в теневом секторе, где попрано право работников на социальную защиту и равную оплату. Им сложнее вернуться на работу в условиях карантина, если в доме есть дети или престарелые, требующие ухода. И наконец, в тяжелое время, особенно в бедных странах, девочки первыми жертвуют образованием и будущим ради помощи семье. Фирмы под началом женщин пострадали сильнее, поскольку их 44% в ресторанном и гостиничном бизнесе, 38% в розничной и оптовой торговле. И только 22-23% в IT и финансах[1].

В совместном докладе МОТ, Министерства занятости и трудовых отношений и социальных партнеров «Женщины и сфера труда в Узбекистане: на пути к гендерному равенству и достойному труду для всех» (2020) подчеркивается, что социально-экономическое развитие на принципах гендерного равенства требует более эффективных стратегических и практических мер, отвечающих международным трудовым нормам. Гендерный разрыв в сфере ИКТ по-прежнему велик. Даже в развитых странах женщины составляют всего 26% рабочей силы в STEM-индустрии. В развивающихся эта показатель значительно ниже. В Южной Африке только 10% женщин работают в технологической сфере[10].

Чтобы помочь изменению сложившейся гендерной диспропорции в сфере ИКТ, увеличению количества женщин активно участвующих в секторе технологий, женщин на руководящих постах МСЭ в 2011 году инициировал проведение Международного дня "Девушки в ИКТ". Ежегодное празднование Дня дает возможность продемонстрировать девушкам и молодым женщинам огромные возможности, предоставляемые ИКТ вообще и **возможности трудоустройства** женщинам, имеющим высокую квалификацию в технических областях в отрасли ИКТ в частности, убедить их учиться и выбирать профессию в сфере ИКТ.

При этом женщины и девочки зачастую не имеют свободу выбора специальности, место работы, что мешает или полностью лишает их возможности получения желаемой профессиональной подготовки, достойной платы за труд. Поэтому политика по устранению гендерного неравенства в сфере труда в условиях возрастающей цифровизации социально-экономического развития должна приобретать целенаправленный характер. Если различия между мужчинами и женщинами в владении различными профессиями в сфере ИКТ будут сохраняться, то по мере дальнейшей цифровизации женщины окажутся в еще более в уязвимом положении. Для достижения гендерного баланса, создания равных возможностей в реализации своего человеческого потенциала в сфере ИКТ мужчинам и женщинам необходимо обратить особенное внимание: активной деятельности по преодолению гендерного разрыва в цифровой экономике; продвижению гендерно



сбалансированной цифровой экономики; включению все большего количества женщин в цифровую экономику; обеспечению гендерного равенства на рабочем месте, недопущению дискриминации по признаку пола; недопущению дискриминации в сфере труда, расширению доступа к возможностям трудоустройства, равного вознаграждения за труд равной ценности; ликвидации разрыва в сфере оплачиваемого и неоплачиваемого труда мужчин и женщин путем перераспределения обязанностей по уходу за членами семьи и равноправной социальной защиты.

Использованная литература:

- 1.Гендерное неравенство на века. Почему женщины пострадают от коронакризиса больше мужчин<https://www.bbc.com/russian/features-53562532>
- 2.Гендерный вирус <https://liter.kz/gendernyj-virus/>
- 3.ЕИГР: Горизонтальная гендерная сегрегация подрывает качество и условия труда в РДО<https://www.csee-etuce.org/ru/novosti/zakonodatelstva-v-oblasti-obrazovaniya/4180-eige-horizontal-gender-segregation-undermines-quality-and-working-conditions-in-the-ece-3>
- 4.МОТ представила доклад «Женщины и сфера труда в Узбекистане: на пути к гендерному равенству и достойному труду для всех»https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_758048/lang-ru/index.
- 5.Равный доступ к цифровым технологиям: ключ к устойчивому восстановлению<https://blogs.worldbank.org/ru/voices/equal-access-digital-technologies-key-resilient-recovery>
- 6.Статистика интернета 2020: сайты, домены, хостинг, трафик<https://sdvv.ru/articles/elektronnaya-kommertsiya/statistika-interneta-2020-sayty-domeny-khosting-trafik/#:~:text=%b0>
- 7.Узбекистан занял 69-е место в индексе инклюзивного интернета <https://www.gazeta.uz/ru/2020/03/06/index/>
- 8.цифровые технологии 2021: последние сведения о «цифровом состоянии» <https://wearesocial.com/blog/2021/01/digital-2021-the-latest-insights-into-the-state-of-digital>
- 9.Цифровой гендерный разрыв увеличивается <https://eawf.ru/news/mezhdunarodnaya-povestka/tsifrovoy>
- 10..Четвертая промышленная революция = гендерная революция?
<https://womo.ua/chetvertaya-promyishlennaya-revolyutsiya-gendernaya-revolyutsiya/11.Число>
интернет-пользователей в Узбекистане — 22,1 миллиона
<https://ww.gazeta.uz/ru/2020/12/11/network/>
11. Число интернет-пользователей в Узбекистане — 22,1 миллиона
<https://ww.gazeta.uz/ru/2020/12/11/network/>



АЁЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ: ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК

Эргашева Махсада Пулатовна
ЖДПИ, с.ф.д. (PhD)
maxsuda 2021@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада янги Ўзбекистон шароитида хотин-қизларнинг бунёдкорлик вазифаларининг тараққиёт билан узвий боғлиқлиги, давлат томонидан уларга кўрсатилаётган эътибор, янги жамиятда хотин-қизлар фаолиятининг устувор йўналишлари масалалари атрофлича таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: хотин-қизлар, фаоллик, тараққиёт, давр, ҳаракатлар стратегияси, давлат, жамият

ЖЕНЩИНЫ И РАЗВИТИЕ: ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ

Аннотация: В статье подробно анализируется неотъемлемая роль созидательских задач женщин в развитии нового Узбекистана, внимание к ним со стороны государства, приоритетные направления деятельности женщин в новом обществе.

Ключевые слова: женщины, активность, развитие, период, стратегия действий, государство, общество

WOMEN AND DEVELOPMENT: INTERACTION

Annotation: The article analyzes in detail the integral role of the creative tasks of women in the development of the new Uzbekistan, the attention to them from the state, the priority directions of the activities of women in the new society.

Key words: women, activism, development, period, strategy of action, state, society

Фуқаролик жамияти қурилаётган даврда аёл-она, рафиқа, ҳамкасаба, сиёсий етакчи ва ниҳоят раҳбарлик ўрни қандай бўлиши керак, бу масалани биз барчамиз биргаликда ўйлашимиз, фикр қилишимиз, унинг ечимларини қидиришимиз давр талабидир.

Ким олға юрмаса, у орқага қараб кетади. Ҳозирги давр аёл кишидан факат олға юришни талаб қиласди. Чунки аёл кишига бунёд этишдек улуғ вазифа юклатилган. Бунёд этишлик эса тараққиёт билан боғлиқ тушунчадир. Шу боис, XXI аср учинчи ўн йиллиги бошида яна бир бор аёлнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, аёл ва тараққиёт ўзаро алоқадор эканлигига иқрор бўламиз.

Жамиятда аёлларнинг тутган ўрнига қараб демократия даражасини белгилаш мумкин. Шундай фикр мавжудки, эркаклар сиёсатга асли ҳаётни яхши томонга ўзгартириш учун эмас, балки бирор нарсага, анифроғи юқори мансабга сазовор бўлиш, яъни карьера қилиш учун интилар эканлар. Аёлларнинг эса ҳаётдан бош мақсади яхши ҳаёт кечириш бўлар экан. Аёлларда бунёдкорлик салоҳияти кучлироқдир. Шу боис, аёллар раҳбарликка айни яхши ҳаёт қидириб, уни яратиш учун келиши кузатилади.

Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаракатларидаги сифат ўзгаришлари бир томондан хотин-қизлар ҳаракатларининг ўзларига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, хокимият ва давлат томонидан масаланинг нечоғли мухимлигини англаш, ҳамда аёллар ҳаракатларини доимий қўллаб-куватланишига боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг келгуси ривожланиш стратегияси белгиланди. Шу маънода аёлларни жамиятни қайта қуриш ишларига кенг жалб этиш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда, чунки аёлларсиз бунёд этилаётган демократия ҳақиқий демократия бўла олмайди.

Шу боис, янгиланаётган Ўзбекистон шароитида мавжуд хотин-қизлар ҳаракатларини бир неча даврларга ажратиш мумкин.

1991-1992 йиллар---биринчи давр, иқтисодий бўхронлар ва парокандалик даври. Бу даврнинг бош хусусияти иқтисодий ва сиёсий инқизозлар авж олган пайтда хотин-



қизлар ҳаракатидаги тарқоқлик, эсанкираш, йўлидан адашиш, бош мақсаддан четга чиқиш билан характерланади. Бу давр хотин-қизлари ўз дардларига дардкаш бўла оладиган ҳамда уларни ҳар вақт ҳимоя қиласидаги совет давридаги “женсоветлардан” маҳрум бўлганликларини англалилар. Шу боис, хотин-қизлар ҳаракатидаги сифат ўзгаришлар аввало ижтимоий-сиёсий онглийликни талаб этарди. Жамиятимизнинг тенг ярми хисобланган хотин-қизлар демократик жамиятда яшаб, ўз хукуқларини ҳимоя қилишни ўрганишлари зарур, зеро, демократияга энг қисқа йўл унда яшашга ўрганишдир.

1992-1995 йиллар-иккинчи давр, нисбий бефарқлик даври. Бу йилларда жамият ва янги давлатчилик асосларини қайта куриш фаолияти авж олаётганлигига қарамасдан, хотин-қизларнинг мутасадди ташкилотлари фаолиятида замондан орқада қолиши, давр шиддатини англамаслик кўзга ташланади. Республика Президенти томонидан бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда янги жамиятнинг демократик асослари эълон қилинганига қарамай, аёлларни нафақат ўзгараётган иқтисодий муносабатларга ҳозирлаш, балки уларнинг бутун бир бошқа тизим, яъни эркин жамиятда яшаш масъулияти бўйича қайта тайёрлаш ишларida яққол оқсан сезилди. Шу билан бирга, хотин-қизлар таркибидан янги мулкдорлар, тадбиркорлар қатламининг ўз фаолиятини бошлаб, ривожланиб, биринчи қадамларини ташлагани ҳам худди шу даврга тегишилди.

1995-2004 йиллар-учинчи давр, ўзини англаш ва тикланиш даври. Бу даврнинг бош хусусияти шундаки, янги сиёсий, мафкуравий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларда хотин-қизлар ўзларининг табиий ривожланиш омилларига кўра эмас, балки давлат раҳбарининг барча бошқа ишлардан ортиб аёллар масаласига диққатини қаратгани боис аёлларга бўлган муносабатда қатъий ўзгаришларнинг юз бериши бўлди. 1995 йил март ойида Ўзбекистон Биринчи Президентининг “Давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармондан сўнг вазият анча ўзгарди. Айтиш мумкинки, мамлакатда хотин-қизларнинг мавжуд масалаларини ҳал этишда давлат протекцияси тикланди. Давлат протекцияси, ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, давлат органларининг ёрдами аёлларнинг янги жамиятга кўниши ва ўзлигини қайта топиб олишида жуда муҳим босқич бўлди. Бу фармон аёлларга муҳим имтиёзлар берди. Аввало хотин-қизларнинг ижро этувчи хокимият тизимларидағи мансаблари тикланди, уларга аёллар муаммолари билан шуғулланиш учун кенг шароитлар яратилди ва аёллар муаммолари долзарблигига қараб жамият томонидан муҳокама этила бошланди. Фуқаролик жамиятининг негизларидан бири хисобланган нодавлат нотижорат ташкилотларининг аёллар ичидан ҳам етакчиларни вояга етказиб берганлиги айнан шу даврга тааллуқлидир. Бу давр ҳам расмий доиралардаги хотин-қизлар ҳаракатлари учун, ҳам нодавлат тизимдаги ҳаракатлар учун ўзини англаш, тикланиш, кучга кириш, такомиллаштириш даври бўлди.

2004 йил-хотин-қизлар ҳаракатларидағи янги ўзгаришлар ва эркинлаштириш даври. Бу давр яна бир бор давлат раҳбари номи билан боғлиқ, чунки Ўзбекистон Биринчи Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-куватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди. “Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида” ги Қонуннинг янги таҳририда сиёсий партиялар ўз номзодлари таркибида 30% гача номзодларнинг хотин-қизлардан кўрсатиши мумкинлиги таъкидланди. Бу қарор аслан инқилобий қарорлардан бири бўлиб, унинг мазмуни давлат истиқболи ва келгусида аёлларнинг такомили учун асос бўлиб хизмат қилиши табиийдир.

Аммо энг оғир аҳвол аёллар психологиясидаги карахтлик ва ҳаётга ишонмаслик ҳолларини енгиш ва уларни қайтадан бунёдкорлик фаолиятига қайташ эди. Ана шу тарихий жараёнлардаги энг муҳим жиҳат шундаки, хотин-қизлар ҳаракати ана шу мураккаб даврларда ўзини қайта тиклади, ишлаш муаммоларини енгиш жараёнда қайта улғайди, танг ҳолатлардан кўркмайдиган бўлди. Ўзбекистон аёллар ҳаракатидаги маълум ютуқлар ва самаралар негизи ана шу омилларга суюнади ва бугунги ютуқларнинг бош сабабчиси фидоий, ҳаётга чанқоқ, ўз ҳаётини ватан ва миллат тақдири билан боғлай олишга қодир,



қийинчиликларни енгишга ўрганган аёллар эди. Шу боис фаол аёллар давлатнинг стратегик бойлиги, унинг ноёб захираси сифатида қадрлана бошланди.[1]

2016 йил – юксалиш даври. Бу давр Президент Шавкат Мирзиеев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-кувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиши билан аҳамиятли. Республикализ БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш ҳакида”ги конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида”ги конвенцияларига МДҲ давлатлари орасидан биринчилар қаторида қўшилди. Бу хужжатлар хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг оила ва умуман жамиятдаги мавқенини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-хукуқий хужжатлар комплексининг таркибий қисмидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда хотин-қизларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат хукуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-кувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.[2]

Хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари тузилмасида хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг худудий бўлинмалари, Хотин-қизларни ва оиласи қўллаб-кувватлаш жамоат фонди ташкил этилди, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиласининг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланиши, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларини қўллаб-кувватлашнинг янги тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони қабул қилиниши билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, хукуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Фармонни қабул қилишдан асосий мақсад хотин-қизларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янада соғломлаштиришга хизмат қилади[3]. Ўзбекистон аёллари давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг оиласидаги мавқени мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёsat хотин-қизларимизга чинакам баҳтли яшashi учун, уларнинг хукуқ ҳамда эркинликларни таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оиласий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратади.

Юртимизда хотин-қизларнинг қўллаб-кувватланаётганлиги ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллашиб бораётганлигини хотин-қизлар фаолиятининг устувор йўналишларида ҳам ўз аксини топмоқда. Бунга биринчидан, хотин-қизларни қўллаб-кувватлашга доир давлат сиёsatининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллиги ошиб бораётганлиги, иккинчидан, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий



аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-хуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатилаётганлиги, учинчидан, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оиласиб ва хусусий тадбиркорлик ва хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватланаётганлиги, тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, хуқуқбузарликка мойилиги бўлганлар билан якка тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни ўрнатиб, иш олиб бораётганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Адабиётлар:

1. С.Т.Иномова. “Эъзозли аёл иқболи”– Тошкент, 2005 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325- сонли Фармони



ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ ҲАМДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА ҲАМДА ОТМ-ОИЛА-МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ЎЗ- ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Раҳмонали Ҳасанов

Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ доценти,
Турон ФА академиги

Аннотация: Ушбу мақолада хотин-қизларнинг маҳаллий давлат ва жамият бошқаруви тизимидағи ўрни, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хукуқий манфаатларини ҳамда бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, гендер тенглик, ислоҳот, жамият, ижтимоий фаоллик, маҳалла ва оила институти, маҳаллий давлат ва жамият бошқаруви, , аёллар хукуқ ва манфаатлари.

Аннотация: В статье рассматривается роль женщин в местном самоуправлении и обществе, повышение их социально-политической активности, обеспечение их законных интересов и занятости, улучшение условий труда, особенно вовлечение молодых девушек в семейное и частное предпринимательство, ремесла.

Ключевые слова: семейное и частное предпринимательство, ремесла, гендерное равенство, реформа, общество, социальный активизм, община и институт семьи, местное самоуправление и общинное управление, права и интересы женщин.

Annotation: This article discusses the role of women in local government and society, increasing their socio-political activity, ensuring their legal interests and employment, improving working conditions, especially the involvement of young girls in family and private entrepreneurship, crafts.

Keywords: family and private entrepreneurship, crafts, gender equality, reform, society, social activism, community and family institution, local government and community management, women's rights and interests.

Ўзбекистонда амалга оширилаёйнан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ислоҳотлар Республикамиз миллий демократик тараққиётни таъминлашга, мамлакатимизни модернизациялаб, уни ривожланган давлатлар даражасига қўтаришга қаратилгандир.

Ижтимоий тараққиётнинг ушбу имманент конуни амалга оширилаётган ислоҳотларга бошқош бўлаётган давлатни, унинг бошқарув тизимларини халқнинг куч-қудратига, ташабусига, қўллаб-қувватлашига таянишга чорлайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

7 февралдаги ПФ-4947- Фармонидаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича "2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси"нинг тўртинчи йуналиши: "Ижтимоий соҳани ривожлантириш"да кайд этилган "**Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш**" бандига биноан, давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар фаолиятини янада кучайтириш орқали аҳолининг фаровонлигини ошириш, соғлиқни сақлаш учун килинаётган барча ҳаракатлар, бу ўз навбатида оила ва жамиятда хотин-қизлар фаолиятини мустаҳкамлашда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, мамлакатда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, барча хотин-қизларнинг хукуқ ва имкониятларини кенгайтириш, турли соҳаларда қобилият ва



имкониятларини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизлар ролини кучайтириш ва мақомини ошириш, уларнинг хукуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шуни таъқидлаш жоизки, хотин-қизларнинг маҳаллий давлат бошқарувидаги фаоллиги, уларнинг жамиятдаги мақоми ва мавқеини юксалтириш зарурати табиий бир жараён бўлиб, уни амалга ошириш инсон хукуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг таркибий қисми саналади.

Айниқса, демократик янгиланишлар даврида хотин-қизларнинг маҳаллий бошқарувда ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Айни шу йўналишдаги тадқиқотлар Г.А.Маткаримова, М.Холматова, В.Алимасов, Р.Самаров, М.Нурматова, С.Сафаева, Н.Т.Муравьева, Р.А.Убайдуллаева, О.Нишонова, Н.Нишонова, А.Хусеинова, Г.Б.Ўразалиева, Н.Ж.Юсупова, С.А.Ахрапова, С.Жаббаров, М.Эргашева, Я.А.Абдуллаева, М.Н.Минеев, М.В. Сухомлинова, Р.Муҳамедов, О.Турсунова, Д.Ортиқова, С.Раззақова, М.Ғаффорова, Т. Эгамбердиева ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Ҳозирги глабаллашув жараёнида хотин-қизларнинг маҳаллий давлат ва жамият бошқарувидаги фаоллиги, уларнинг жамиятдаги мақоми ва мавқеини юксалтириш зарурати табиий бир жараён бўлиб, уни амалга ошириш инсон хукуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг таркибий қисми саналади. Айниқса, демократик янгиланишлар даврида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда уларнинг хукуқий маданияти ва хукуқий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаолиятни кенг йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалалари давлатнинг муҳим мақсадлари қаторидан жой олди.

Мустақиллик йилларида янги маҳаллий давлат бошқарув тизими (ҳокимлик) юзага келтирилди. Айрим олимлар ҳокимлик институтини “ижро ҳокимиятининг мутлақо янги тури”[9: 6], деб ҳисобласа, айрим олимлар уни “янги кашфиёт эмас. У тарихий ривожланиш амалиётида синовдан ўтган анъанавий ҳокимият институтидир”[4:118]деб кўрсатади. Аммо улар ҳокимлик институтининг давлат бошқарув тизимидағи ўрнини юқори баҳолашади. “Ижро ҳокимияти, - деб ёзади О.Хусанов, – ҳокимлар томонидан бошқарилиб, улар яккабошчилик асосида иш юритади. Ҳокимлик институти вужудга келгач, маҳаллий миқёсда ҳам икки мустақил орган – вакиллик органи ва ижро ҳокимияти органи вужудга келди”[9:6].

Бу ўринда 1992 йил 4 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида”ги қонун муҳим роль ўйнади. Унга мувофиқ ҳокимлик институти маҳаллий ижро ҳокимиятининг органи, ҳалқ депутатлари Кенгашлари эса маҳаллий вакиллик органи деб эътироф этилди[3:21-23]. Натижада “аввал эътироф этиб келинган маҳаллий Совет (Кенгаш)лар ягона ҳокимият органи деган тушунча барҳам топди. Маҳаллий Кенгашлар давлат ҳокимиятининг вакиллик органига айланди, бу эса ҳокимиятнинг бўлининш принципига тўла мос келади” [9:25]. Ушбу ҳолат ва маҳаллий давлат бошқарув тизимидағи уйғунлик, яъни ҳоким ва ҳалқ депутатлари Кенгашлари фаолиятида бир-бирига таяниш, ёрдам бериш, тўлдириш зарурлигини Олий Мажлис томонидан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун билан мустаҳкамланди. Агар ҳокимлар Президент томонидан тасдиқланса, ҳалқ депутатлари Кенгашлари сайланади, аммо улар фаолиятига ҳокимлар раҳбарлик қиласи. Шу тариқа ижро ҳокимияти билан вакиллик органи фаолиятида уйғунлик таъминланди.

Илмий адабиётларда маҳалла, фуқаролар йигини, хотин-қизлар билан ишлаш қўмиталари билан бирга ҳалқ депутатлари Кенгашлари ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида қаралади. Айрим тадқиқотчилар ҳалқ депутатлари Кенгашларини ҳокимлик институти билан уйғун қарашга интилса, бошқа тадқиқотчилар уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштиришга хизмат қилувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотлари сифатида қарайди. Масалан, тадқиқотчи А.Воҳобов кейинги ёндашув тарафдори сифатида ёзади: “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими – ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини, худуднинг ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идораларини



(мавзеларнинг кенгашлари ва қўмиталарини, маҳалла, уй комитетларини ва бошқа идораларни), шунингдек бевосита демократиянинг турли шаклларини (маҳаллий халқ овоз беришлари референдумларни, фуқароларнинг йиғилишлари, йигинларини ва бошқаларни) ўз ичига олади”[5:140]. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат бошқаруви тизимига кирмайди, аммо ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари улар билан ҳамкорлик қилиши, биргаликда фаолият кўрсатиши, фаоллар ёрдамидан фойдаланиши лозим. Ўзини ўзи бошқариш органларининг, шу жумладан халқ депутатлари Кенгашларининг ҳам фаолияти, ташаббуслари мавҳум маконда эмас, балки давлат бошқаруви тизими амал қиласидиган, раҳбарлик қиласидиган ижтимоий маконда кечади.

Хотин-қизларнинг ҳоким ва унинг ўринбосарлари лавозимларига тайинланиши ҳар бир давр ва худуддаги ижтимоий, сиёсий ва маданий шарт-шароитлардан келиб чиқиб амалга оширилади. Ўтиш даврининг мураккаблиги, эскилик билан янгилик ўртасидаги зиддиятлар, ички ва ташки таҳдидларнинг ошиши бошқарув тизими олдига дуч келган киши ҳам бажаравермайдиган, гоҳо осойишталиқ, оилавий фароғат, ҳатто жонидан кечиб, фидойиликка ундовчи вазифаларни қўяди. Жамиятни, кишилар тасаввурларини янгилаш ҳеч қачон осон кечган эмас, у дадилликни, гоҳо эса қаттиққўлликни талаб этади.

Бу ўринда Ш.М.Мирзиёевнинг қуидаги фикрларини келтириш ўринлидир: “Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёsat бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, хукумат аъзоси ёки худудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак”[1: 6].

Демак, давр, айниқса жамият тараққиёт босқичига ўтаётганида, бутун ижтимоий тузум ва тартибларни ўзгартириш талаб этилаётганида раҳбардаги қаттиққўлликни кишилар табиий ҳол сифатида қабул қиласидилар. Тўғрисини айтиш лозимки, Шарқ аёлларида айнан шу фазилат етишавермайди, бу эса уларнинг раҳбар сифатида фаолият юритишига халақит беради. Қаттиққўллик кўрслик, ҳақоратомуз муомала эмас, у дадиллик, шижаат, бошқаларда етишмайдиган сифатлари билан кишиларни ўз кетидан эргаштириш эса санъатга тенгdir.

Янгилаётган Ўзбекистонда 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шунингдек, 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонлари ушбу йўналишдаги ишларни тизимли амалга оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилди ва бу борадаги саъи-ҳаракатлар самарадорлигини яна бир янги босқичга олиб чиқиша мухим тарихий ҳужжат бўлди.

Фармонда Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида хотин-қизлар билан ишлашнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Президент Фармонига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Вазирлик хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий механизmlарини тубдан ислоҳ қилишда мухим аҳамиятга эга бўлди. Фармонга кўра, қуидаги асосий вазифалар белгилаб қўйилди:

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, “Соғлом оила – соғлом жамият” фоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёsatини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмаклашишни ташкил этиш;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёsatининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаолигини ошириш, хотин-қизлар ва эрқаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вактида аниқлаш, ёрдамга мухтоҷ бўлган ва оғир ижтимоий ахволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-хуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;



хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-куватлаш шулар жумласидандир. Айнан, фуқаролар йигини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис лавозимларининг жорий этилиши ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг ташкил этилиши аёллар ижтимоий муаммоларининг самарали ҳал этилиши ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдаги ислоҳотлар натижадорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Маълумки, маҳаллий давлат бошқаруви тизимини маҳаллалар, фуқаролар йигини, улар қошидаги хотин-қизлар қўмиталари, нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқарувчи ихтиёрий уюшмалар, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, турли ассоциациялар билан ҳам ҳамкорлик қиласди. Айнан шу маънода маҳаллий давлат бошқаруви ҳудуднинг ижтимоий тараққиёти учун масъулдир.

Мазкур институтларда хотин-қизлар етакчи ўринда турадилар. Масалан, барча фуқаролар йигини қошида дин, маънавий-маърифий ишлар бўйича оқсоқол муовинлари мавжуд бўлиб, уларни асосан аёллар бошқаради. Бугун Республика бўйича уларнинг ўртача сони 9900 дан зиёддир. Маҳаллалар раислари ичida аёллар сони 742 та, хотин-қизларнинг 3342 таси масъул котиба, 8402 таси хотин-қизлар қўмиталарида фаолият кўрсатади[7: 129-130].

2004 йилда маҳаллалар раисларининг сони 734 та, фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчи аёллар сони 19080 та, масъул котиблар сони ўттиз фоизга 3323та, хотин-қизлар қўмиталарини бошқараётган аёллар сони эса 8360 та эди.[6:106]. 2017 йилги сайловлардаги кўрсаткичларда кескин ўзгариш кузатилмайди. Аммо, улар ичida олий маълумотли аёллар 5 фоизга ошган.

Маълумки, “Кучли давлатдан қучли фуқаролик жамияти сари” тамойили давлат бошқаруви органларининг ваколатларини аста-секинлик билан босқичма-босқич фуқаролик жамиятига ўтказишни тақозо этади. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукукий ҳужжатларда белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маърифий ва маъмурий бирлик сифатидаги мақомига эришди. Улар ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида маҳаллий урф-одатлар ва анъаналар, хўжалик, ҳукукий ва инсоний ҳусусиятлар бирлигини ташкил этгани ҳолда фуқароларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларини боғлаб туриш воситасига айланди” [10: 81].

Дарҳақиқат, ислоҳатларни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-куватлашга қаратилган давлатнинг ғамхўрлик сиёсати натижасида аёллар сиёсий жараёнларда нафақат фаол иштирокчи, балки жамият тараққиётида ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. раҳбарлик лавозимларида ишлаётган аёллар сони ҳам йилдан йилга ортмоқда. Жумладан, ижро ҳокимияти органларида раҳбарлик лавозимларининг 15 фоизини аёллар эгаллаган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашида 12,5 фоизни ташкил этаётгани мамлакатда хотин-қизларга қай даражада эътибор қаратилаётганлигига яққол далилдир.

Юқоридаги таҳлиллардан хulosса қилиб айтиш мумкинки, жамиятимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя этишининг ҳукукий асослари яратилган ва тобора такомиллашиб бормоқда. Шундай экан, гендер тенгликни таъминлаш бобида олиб борилаётган ислоҳатлар, яратилаётган шароитлар хотин-қизлардан жамиятдаги ўз ўрнига янада масъулият билан қараш, ўз устида ишлаш, ўз истеъдодини, қобилиятини, интеллектуал салоҳиятини янада ошириш учун фаоллашишга чорлайди. Бу жараёнлар эса ўз ўрнида ҳақли равишда Учинчи Ренессанс учун пойdevор бўлиб хизмат қиласди.

Демак, ҳар доимгидек “ муҳтарама аёлларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади”[3].

Янгиланаётган Ўзбекистон давлати ўз стратегиясида аёл шахсига ўзини қуршаб олган ижтимоий муҳитнинг таъсирини сустлик билан эмас, балки фаоллик билан қабул қилишга, давлатда ўз ўрнини жамиятнинг таркибий қисми сифатида ҳис этишига, янги келажакни яратувчи ҳақиқий сиёсат субъекти бўлишига ёрдам беради



Шундай экан “ жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат мухитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишида ўрни бекиёс бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги нуфузини янада оширишимиз зарур. Улар учун муносиб шартшароитлар, янги иш ўринлари яратиш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъодд ва қобилиятини рӯёбга чиқариш бизнинг доимий ва мухим вазифамиз бўлиб қолади”.[2.]

Айникса, куйи ва Ўрта поғоналардаги бошқарув тизимида хотин-қизларни жалб этиш, уларни раҳбарлик лавозимларига қўйиш, маҳаллий депутатлар Кенгашларига сайлаш кенгайтирилиши даркор. Куйи ва ўрта поғоналарда тажриба ортириш, давлат бошқаруви технологиясини эгаллаш хотин-қизларни олий давлат идораларида ишлашга, давлат, мамлакат микёсида ижтимоий-сиёсий фаолият олиб боришга тайёрлайди. Хеч ким, хатто шахс куйи ва ўрта поғоналарда, раҳбарлик лавозимларида ишлаганида ҳам, ўзидан ўзи, дарров кенг миқёсда ижтимоий-сиёсий фаолият олиб бориш санъатини эгаллайвермайди. Бунинг учун катта билим ва ҳаётий тажриба билан бирга, кишиларни бошқаришга оид туғма фазилатлар, стратегик вазифаларни бажаришга кодир хислатлар ҳам зарур.

Давлат бошқарув тизимини модернизациялаш нафақат бошқарув жараёнларини оптималлаштиришга, ижтимоий-сиёсий институтларни самарали, тез ишлашга ундиади.

Модернизациялаш хотин-қизларни янги касб-корларни эгаллашга, менежмент ва маркетинг усулларидан хабардор бўлишга, персонални бошқариш санъатини ўрганишни тақозо этади. Аёллар бошқараётган кичик корхоналар, фирмалар, маданий-маиший хизмат уйлари, оиласиб бизнес-марказлар, маърифат-тарғибот ишлари олиб борувчи муассасалар юзага келди. Мазкур позитив тажрибалар ва изланишлар хотин-қизларда ташаббускорлик, янгиликка интилиш, ижодий кучларини, ташкилотчилик қобилияtlарини амалда намоён эта олиш фазилатлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Кичик корхоналарни, гурухларни, фирмаларни бошқаришда хотин-қизлар эркаклардан қолишмайдилар, хатто баъзи ҳолларда (**масалан маданий-маиший, маърифий, тарбиявий, хуқуқий хизматлар кўрсатиш марказларини бошқаришда**) эркаклардан кўра кўпроқ топқирлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, ташкилотчилик қобилияtlарини намоён этмоқдалар.

Бугун биз қураётган замонавий демократик жамиятни барпо этишда эркаклар билан тенгма-тенг меҳнат қилаётган фаол ва фидойи опа-сингилларимизнинг меҳнати ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Аёл қадрини қанчалик юқори кўтаришга муссар бўлсак, миллий ғуруримиз, маънавият ва маданиятимиз шу қадар юксалади, оиласаримиз барқарорлиги таъминланди.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 6.
- 2..Ш.Мирзиёев. Ўқитувчи ва мураббийлар- янги Ўзбекистон барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир. ”Ўқитувчи ва мураббийлар куни”та бағишлиланган нутқ. Т. 2020 йил, 1 октябр.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил 3-сон. –Б. 21.
- 4.Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон хукуқларини химоя қилиш миллий тизими. –Тошкент: *Ўzbekiston*, 2010. –Б. 118.
- 5.Воҳобов А. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органлари // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. –Тошкент: Адолат, 1995. –Б.140.
- 6.Гадойбоев А. Халқ йўли - ҳақ йўли. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. –Б. 106.
- 7.Нишонова Н. Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертация – Тошкент, 2020. – 129-130б.
8. Эшов Баҳолир «Ўзбекисонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи». «Янги аср авлоди», - Т.: 2012 йил. 5
- 9.Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. –Тошкент: Шарқ, 1996. –Б. 6.,25.



10..Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. –

Тошкент: ИИВ Академияси, 2011.–Б. 81.

11.Хасанов Р,Утамуродов А ва бошқ. Фуқаролик жамияти. –Т.:”Navro’z” 2018. – Б.184-185.



TURKLARDA OILA, AYOLLAR VA GENDER MASALASI

Suvonkulov Muzaffar Zairovich,

GulDU magistranti,

Email: mirzoulugbeksoniy@mail.ru

Annotatsiya: Maqoladan ajdodlarimiz – turklarning ijtimoiy hayoti, oila va farzand, ayollarga munosabat, siyosiy-iqtisodiy masalalarda, madaniy hayotda ayollarning tutgan o'rni, yillar davomida shakllangan mahalla instituti, islomgacha ayollarni o'rni va islom dinining kirib kelishidan keyingi jarayonlar, XX asrda yuz bergan o'zgarishlar va ularning ayollar hayotiga ta'siri haqida mulohazalar o'rin olgan.

Kalit so'z: turklar, islom, gender masalasi, oila, munosabat.

Annotation: From the article our ancestors - the social life of the Turks, family and children, attitudes towards women, political and economic issues, the role of women in cultural life, the mahalla institute formed over the years, the role of pre-Islamic women and the post-Islamic process in the twentieth century. changes and their impact on women's lives.

Keyword: turks, Islam, gender issues, family, attitudes.

Аннотация: Из статьи наши предки - общественная жизнь турок, семья и дети, отношение к женщинам, политические и экономические вопросы, роль женщин в культурной жизни, институт махалли, сформированный годами, роль доисламских женщин и постисламский процесс в XX веке. изменения и их влияние на жизнь женщин.

Ключевое слово: тюрки, ислам, гендерные вопросы, семья, отношения.

Turklar butun hayot tarzlarini tabiat hodisalari, tabiiy-geografik hususiyatlar, xo'jalik-madaniy turmush tarzlariga moslashtirib yaratganlar. Shuning uchun ham turklar jamiyatida inson omili muhim o'rin egallagan. Erkaklar va ayollar birday mavqega ega bo'lgan, gender msalasi liberal hal qilingan. Turklar jamiyatida erkaklar janglarda, ov va chorvachilikda band bolgan bo'lsa, ayollar dehqonchilik, hunarmandchilik bilan va chorvachilik bilan band bo'lgan. Ayniqsa, gilamdo'zlik yuksak taraqqiy etgan. Turkman gilamlari, Farg'onatlaslari, adreslari, qirg'iz kigizlari hozirgacha dunyoda yuksak nufuzga ega bo'lib kelmoqda

Turklar misrliklar, yunonlar, rimliklar, iroqliklar, xitoyliklar qatori insoniyat tarixida chuqur iz qoldirgan qadimiy xalqlardan biri hisoblanadi. Turklar haqidagi ilk manbalarни qadimgi xitoy, yunon, rim, fors manbalaridan, keyinchalik arman, arab va yevropa xalqlari manbalaridan olamiz. Eng qadimgi davrlarda turklar boshqa nomlarda atalgan. Fors manbalarida sak, massaget, yunon manbalarida skif, "Avesto"da tur, xitoy manbalarida yuechji, tukyu, syunnu, rim manbalarida xunn, arman manbalarida xetal, eftal (oq xunn) va hakazo. Arab istilosidan so'ng "turk" (baquvvat, kelishgan, kuchli degan ma'noni anglatadi) deb atalgan. Asosan ko'chmanchi turmush tarzida, keng hududlarda istiqomat qilgani, jangu-jadallarda chiniqqanligi sababli proto-turklar (eng qadimgi turklar) hayoti tabiat injiqliklariga, iqlim sharoitlariga mos holda shakllangan.

Eng qadimgi turklarning ijtimoiy, ma'naviy-madaniy hayoti haqidagi ilk ma'lumotlarni "Avesto" da o'qiymiz. "Avesto"da keltirilgan "Ar'yanam Vayjah" (tur, ular yashaydigan hudud Turon) ham turklar qadimdan yashab kelgan Evroosiyo cho'llarga to'g'ri keladi. Oriylar hayoti, ular qoldirgan madaniy yodgorliklar (mozor-qo'rg'onlar, rasm-rusumlar, xo'jalik shakli) eng qadimgi turklarniki bilan aynan bir xil. [1,209] Turon nomi keyingi davrlarda, hususan sosoniylar davrida ham qo'llanilgan. Keyinchalik forslar Turiston nomini ham Turonga nisbatan ishlatishgan. III-IV asrlarda sosoniylar manbalarida Turiston bilan bir ma'noda Turgiston nomi ham muomalada bo'lgan, eftalitlar davrida (V asr) va Turk xoqonligi davrida (VI-VIII asrlar) Turkistonga aylangan. [2,9-10]

Avestoda belgilangan tartib qoidalar, g'oyalar, qarashlar, falsafa umuman uning mohiyati asrlar davomida sayqallanib hozirgi kungacha o'zgarmay saqlanib kelmoqda. Garchi turli madaniyatlar qorishsa-da milliy o'zlik xech o'zgarishsiz shu kunlargacha yetib keldi. Ular ichida eng



keng tarqalgani “mahalla instituti”dir. Mahalla qadriyatini boshqa xalqlarda kuzatmaymiz. Bu ham turklar ma’naviyatining o’ziga xosligini bir namunasi hisoblanadi. Umuman eng qadimgi turklar – xunlar davridayoq urug’ning, oilaning yoshi ulug’lari hurmat qilingan va yilda bir marta oqsoqollar kengashiga yig’ilib bajarilgan ishlar sarhisob qilingan. [3.1,47]

Abstract. This article describes the current application in the field of international management in the most advanced organizations, how to apply management approaches in each organization, the status of the organization, its goals, objectives, the scope of its activities, the capabilities of the organization, to It is argued that the long-term and short-term goals chosen are interrelated and require a certain mix of approaches.

Keywords: Management, old management, personality, economy, race, economic freedom, entrepreneur, business management tools, resource, industrial revolution, scientific management.

Boshqaruvning amaliyoti xuddi tashkilotlar kabi kelib chiqishi jihatidan ancha qadimi. Eramizgacha bo'lgan uchinchi ming yillikka oid bo'lgan loydan qilingan jadvallar topilmalarida tijorat amallari, qadimgi Shumeriyaning tijorat qoidalari haqida ma'lumotlar olingan. Bular boshqarov amaliyoti qadimdan mavjudligidan dalolat beradi. Albatta, qadimgi boshqarov xuddi tashkilotlari kabi tubdan hozirgilaridan farq qilib turadi.

Boshqarov boy tarixga ega bo'lib, tarixan ancha asrlar davomida shakllangan bo'lsa ham, fan va mustaqil faoliyat yo'nalishi sifatida faqat yigirmanchi asrdagina tan olingan. Qadimgi Rimdan qadimgi Persiyagacha, Yuliy Sezardan Amir Temurgacha bo'lgan davrlarda barcha tarixiy ishlarni amalga oshirgan shaxslar boshqarov amaliyotiga o'z hissalarini qo'shganlar. Aynan boshqarov borasida Arximed, Al-Xorazmiy, G.Galiley, B.Paskal, Diafant, G.Leybnits, Sh.Lagranj, M.Lomonosov, D. Rikardo, V.Petti, U.Djuort, ulardan so'ng F.Engels, K. Marks, A. Smit, D.Rikardo, Keyns, R.Ouenlar menejment g'oyalarini yaratishda o'z hissalarini qo'shganlar. Ammo, boshqaruvning alohida faoliyat turi sifatida tan olina boshlanishi 1900 yillardan boshlanadi.

Iqtisodiyot boshqarov shakllanishiga katta ta'sir ko'rsatib, iqtisodiyot va boshqarov bir-biri bilan uzviy bog'liq faoliyatdir.

Uni to'rtta davrga ajratish mumkin.



Birinchi davr - sanoat kapitalizmi davri (1776-1890y.) bo‘lib, samaradorlik bo‘yicha mutaxassis va ishlab chiqarish rahbarining davri bo‘ldi. Biznes bilan shug‘ullanuvchilarning ko‘pchiligi Adam Smitning "Xalqlarning boyligi" falsafasini tan olib, faqat erkin raqobatgina tovarlar to‘kinchilagini va hamma uchun birdek turmush darajasi sifatini oshirish imkonini beradi degan fikrni tan olganlar. Ammo, sanoat kapitalistlarining zaifligi biznesning moliyaviy jihatlariga e’tibor qaratmaganliklarida edi.

Ikkinci davr - moliyaviy kapitalizm (1890-1933y.) deb nomlanib, moliyachilarning ustunligi bilan farqlanadi. Tovarlar ishlab chiqarishida qatnashmagan holda, moliyachilar asosan foydani oshirish maqsadida moliyaviy resurslar bilan bog‘liq masalalarga asosiy kuchni qaratganlar.

Uchinchi davr ya’ni milliy kapitalizm (1933-1950 y.y.) davri hukumat dasturlarining ishlab chiqilishi hamda biznes va davlat orasidagi muvozanatni, barqarorlikni qo‘llab - quvvatlash davridir.

To‘rtinchı davr - boshqaruv kapitalizmi (1950 y. boshlab) davri esa hozirgi davrga xos bo‘lib, kishilar o‘z kompaniyalariga to‘la egalik qilmaydilar, balki uni boshqaradilar.

Boshqaruvga ilmiy qarashlarning boshlanshi 1911 yil F.Teylarning "Ilmiy boshqaruv tamoyillari" kitobining chop etilishi bilan bog‘liq. Aynan shu kitobning chop etilishi boshqaruvni fan sifatida tan olinish davrining boshlanishi deb hisoblanadi. Bu g‘oyalalar XIX asrning o‘rtalaridan XX asrning 20 yillarigacha bo‘lgan davrni qamrab oladi.

Boshqaruvga bo‘lgan qiziqishning kuchayishiga birinchi turtki sifatida Evropa mamlakatlaridagi jadal o‘zgarishlar, xususan, Angliyadagi sanoat revolyutsiyasining ro‘y berishi sabab bo‘lgan. Ammo, tashkilotning muvaffaqiyatini samarali boshqaruv ta’minalashi mumkinligi haqidagi tizimlashgan fikrlar Amerikada yuzaga kelgan bo‘lib, bunga bir necha omillar sabab bo‘ldi:

-Amerikadagi o‘sha davrdagi irqiy, iqtisodiy erkinlik, hamda kishilarning moddiy kelib chiqishi va sinfiy tabaqlanishining ahamiyatsizligi;

-XIX asrning oxirida Amerika yakunlangan transkontinental temir yo‘llarining to‘qnashuv joyi bo‘lganligi;

-davlatning iqtisodiyotga aralashmaslik siyosati.

O‘sha davrlarda kelib chiqishi turlicha bo‘lgan odamlarning o‘z omadini sinash maqsadida Amerikada to‘planishi, iqtisodiyotning rivojlanishi va tadbirkorlarning ko‘payishiga bu esa o‘z navbatida boshqaruvning fan sifatida shakllanishiga olib keldi. Bunga yirik tadbirkorlarning ehtiyoji va biznesning boshqaruv vositalariga bo‘lgan ehtiyojining kuchliligi; sanoat revolyutsiyasi natijasida texnika afzalliklarini qo‘llashning zarurligi; ishni samarali tashkil qilish va bir qator izlanuvchi-tadqiqotchilarni yuzaga kelishi v.b. shart-sharoitlar yaratib berdi.

Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev O‘zbekiston xotin-qizlariga yo‘llagan tabrigiga mamlakatimiz oldida turgan ustivor vazifalarni amalga oshirishda, yurtimiz erishgan va dunyo hamjamiyati tan olayotgan marralarni egallash yo‘lida butun xalqimiz qatori ayollarimizning hech narsa bilan qiyoslab bo‘lmaydigan hissasi borligini chuqur minnatdorchilik bilan e’tirof etadi: “Haqiqatdan ham ular o‘zlarining mehnatsevarligi, oqilalik va shukronalik fazilatlari, sabr-bardoshi, ertangi kunga ishonch tuyg‘usi bilan barcha qiyinchilik va mashaqqatlarni yengib, boshqalarga o‘rnak bo‘lib kelayotganini ko‘plab hayotiy misollarda yaqqol ko‘rish mumkin”.

Ayolga bunday ishonch unga yanada ruh beradi, uning ertangi kuniga umid uyg‘otadi, yangi-yangi rejalar tuzib, yanada samarali faoliyat olib borishga undaydi. Ayollarimiz, qizlarimizning jamiyatdagi o‘rini va mavqeini mustahkamlash, ezgu intilishlarini qo‘llab-quvvatlash borasida olib borilayotgan keng ko‘lamli ishlarning natijasi hisoblanadi. Yurtimizda xotin-qizlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, onalik va bolalikni muhofaza qilish, oila mustahkamligini ta’minalash davlat siyosati darajasida ekanligi bilan har qancha faxrlansak arziydi. Bu borada gap ketganda, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining xotin-qizlarni siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy huquqlarini himoyalashga qaratilgan 2018 yil 2 fevraldagagi “Xotin-qizlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni xotin-qizlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlashga xizmat qilmoqda Jamiyatda xotin-qizlarning rolini oshirish uchun avvalo, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish, qo‘llab-quvvatlash zarur.

Vatanimiz tarqqiyotida, oila va jamiyat hayotida xotin-qizlar muhim o‘ringa va mavqega ega. Bugungi kunda ozod va obod mamlakatimiz aholisining qariyb ellik foizini tashkil etadigan ayollar



hayotimizning barcha sohalarida – ijtimoy-ma’naviy, siyosiy-iqtisodiy, ishlab chiqarish, hatto davlat boshqaruvida samarali mehnat qilmoqdalar, Vatanimiz ravnaqiga muhim xissalarini qo’shib kelmoqdalar.

O’zbek ayoli haqida gapirganda, eng avvalo, oila ko‘z oldimizga keladi. Chunki o’zbek ayolini oilasiz, farzandlarsiz tasavvur qilish qiyin, bu degani ayol fakat oila, bola bilan shug‘ullanadi, degani emas. Xalqimiz uchun muqaddas bo‘lgan oilani hayotimizning tayanchi deb bilamiz.

Ayolga e’tibor uning ma’naviy, ruhiy jihatdan yuksalishiga imkon yaratadi. Shu bois bugun o’zbek ayolining o’rni nafaqat oilada, balki jamiyatda ham egaligi ham yaqqol ko‘rinmoqda. Ayollarning jamiyatdagи mavqeи va o’rnini ko‘tarish mustaqil davlatimizning ustivor va asosiy yo‘nalishlaridan biri bo‘lib kelmoqdaki, bu yurtimizda ayollarning ijtimoiy huquqlari kafolatlanganligi va muhofazalanganligidan dalolat beradi. Chindan ham ayolni ulug‘lagan, avaylab-asragan yurtning kelajagi porloqdir. Shuning uchun ham mustaqilligimizning ilk yillardanoq xotinqizlarga alohida e’tibor qaratilib, o’zbek ayollarining jamiyatda munosibt o‘rin egallashlari, o‘zlarining iqtidor va imkoniyatlarini to‘la namoyon etishlari uchun barcha sharoitlar yaratib berilgan va bermoqda.

Menejmentning ilmiy maktablari haqida gapiradigan bo‘lsak “**Ilmiy menejment**” maktabi XIX asrning oxiri va XX asrning boshlarida Amerikada shakllana boshlagan. Bu maktab ibtidosida amerikalik muhandis va ixtirochi F. Teylor (1856- 1915) turgan bo‘lib, uning nazariyasi keyinchalik “Teylorizm” degan nom olgan.

F. Teylor ta’limotining asosiy mazmuni - ish unumdorligini oshirishda g‘oyatda samarador va maqbul usullarni izlashdir.

Teylor kishi aql-zakovatiga katta e’tibor bergen. Masalan, u korxona ustasi quyidagi to‘qqiz sifatga ega bo‘lishi kerakligini ta’kidlagan:

1. aql-zakovatga;
2. ma’lum m’lumotga;
3. ish tajribasiga;
4. odobga;
5. g‘ayratga;
6. ziyraklikka;
7. xalollikka;
8. to‘g‘ri fikr yuritishga;
9. yaxshi saomatlikka;

Shu bilan birga Teylor bu sifatlarning barchasiga ega bo‘lgan kishini topish juda mushkul ekanligini aytgan. Ko‘pchilik faqat uchta sifatga ega bo‘ladi - ular oddiy ish xaqi to‘lanadigan ishga olinishi mumkin. Bu sifatlarning to‘rttasiga ega bo‘lgan kishi nisbatan ko‘p xaq to‘lanadigan ishga olinishi kerak. Beshta sifatni o‘zida jam etgan kishini topish ancha mushkul, olti, etti, sakkiz sifatga ega kishini topib bo‘lmaydi. Agar yuqorida sanab o‘tilgan to‘qqiz sifatga ega bo‘lgan kishi topilsa, uni usta lavozimiga emas, boshqaruvchi lavozimiga qabul qilish lozim.

Menejmentdagи “ilmiy boshqaruv maktabi” deb nom olgan bu birinchi maktab g‘oyalarining keng targ‘iboti, 1885-1920 yillarni qamrab oldi. Teylording 1903 yilda chop etilgan “Korxonani boshqarish”, 1911 yili chop etilgan “Ilmiy boshqaruv asoslari” kitoblari korxonani boshqarish bo‘yicha birinchi qo‘llanma bo‘ldi. U samaradorlikka, muvaffaqiyatga erishishda duch kelgancha emas, balki ilmiy asosda boshqarish zarur hamda ishchi joyini tashkil qilishga, vaqt omilini hisobga olishga, aniq va qat’iy vazifalarni belgilashga e’tibor qaratish, tashkilotda ma’lum tartib va qoidalarni o‘rnatish, ishni taqsimlash, kishilarni alohida talab asosida tanlash va joy-joyiga qo‘yish zarur deb biladi. Teylor nazariyasining ilg‘orligi - resurslarning, energiyaning minimal sarfi bilan yuqori unumdorlikni ta’minalashga qaratilganligidir. Bunga erishish maqsadida ishlab chiqarish operatsiyalarini alohida tashkiliy qismlarga ajratish tavsiya etilgan, kuzatish va xronometrajni qo‘llangan. Teylor bir qator boshqaruv tavsiyalarini ilgari suradi, ular boshqaruv organlari funksoyalariga, hisob tamoyillariga, personalni tayyorlashga, ishlarni normalashtirishga oid. U tavsiya etgan tashkilot tuzilmasi aynan tavsiya etilgan shaklida, ko‘rinishida tizim sifatida o‘z amaliy



ifodasini topmadi, ammo uning asosida yotgan boshqaruv jarayonining funksional bo‘linishi, ya’ni chiziqli boshqaruv tizimi hozirgacha keng qo‘llaniladi.

Teylarning izdoshlaridan biri Garrington Emerson Teylorga nisbatan faqat tor texnik va ishlab chiqarish sharoitinigina ko‘rib chiqmasdan, balki boshqaruvni ratsionallashtirishni ancha keng doirada ko‘rib chiqdi va unumdorlikning 12 tamoyilini ilgari surdi.

Ilmiy boshqaruv matabining yana bir namoyondasi amerikalik iqtisodchi Gamilton Cherchdir. U boshqaruv doirasidagi keng muammolar bilan shug‘ullandi, jumladan, boshqaruvning umumiylarini asos qilib olgan holda, boshqaruvning asosiy funksoyalari va tashkil qilish usullarini bat afsil o‘rgandi.

Shuningdek ilmiy boshqaruv maktabi namoyondalari - Frenk va Lilli Gilbretlardir. Ular har bir ishlab chiqarish operatsiyalarini parchalanadigan mikroelementlarini o‘rganib, harakatlarni o‘rganish uslubiyotini(metodikasini) ishlab chiqib, vaqt normativlarini belgilashni va har xil kasb yo‘nalishlarini shu yo‘l bilan takomillashtirish, unumdorligini oshirish ustida ish olib bordilar. F.Teylor izdoshlari va ilmiy boshqaruv maktabi namoyondalarini yana ko‘plab keltirish mumkin.

Ilmiy boshqaruv maktabi namoyondalari korxona miqyosida boshqaruv borasida izlanishlar olib borish bilan cheklanganlar. Ushbu matabning boshqaruvga oid g‘oyalaring rivojlanishiga qo‘sghan hissasini quyidagicha deb belgilash mumkin:

- belgilangan vazifalarni samarali bajarilishida ilmiy tahlildan foydalanish;
- ishchi xodimlarni tanlab olish va o‘qitishni ta’minlash;
- vazifalarni samarali yechimini ta’minlash uchun ishni zaruriy resurslar bilan to‘liq ta’minlash zaruratini ta’kidlash;
- o‘ylab olishni va rejalahtirishni ishning o‘zidan ajratib olib ko‘rish;
- moddiy rag‘batlantirishdan sistemali, doimiy va to‘g‘ri tarzda foydalanish.

“Ilmiy menejment” maktabi namoyandalari o‘z ilmiy ishlarini asosan korxona, tashkilot boshqaruvini takomillashtirishga bag‘ishlashgan. Ular boshqaruvining quyi darajasidagi masalalar bilan, ya’ni faqat ishlab chiqarish darajasidagi boshqaruv bilan shug‘ullanishgan.

Ma’muriy yoki “**Klassik muktab**” ning vujudga kelishi munosabati bilan mutaxassislar endi umumtashkilot darajasidaga boshqaruv muammolari bilan shug‘ullana boshladilar. Teylor va Gilbertlar oddiy ishchidan muvaffaqiyatga erishib, shuhrat qozonib martabaga minganlar. Aynan shu tajriba ularning boshqaruv to‘g‘risidagi tushunchalariga keskin ta’sir etgan. Ulardan farqli o‘laroq, mumtoz ma’muriy boshqaruv matabining asoschilari yirik biznes sohasida mashhur, boshqaruvning yuqori bo‘g‘inida esa yuksak tajribali amaliyotchi raxbarlar bo‘lishgan. Ushbu muktab g‘oyalari rivojiga fransuz muxandisi Anri Fayol muhim hissa qo‘sghan. 1916 yilda uning «Umumiylar va sanoat boshqaruv», 1924 yilda «Mehnatni ilmiy tashkil etish» va «Ijobiy boshqaruv» asarlari chop etildi.

A. Fayol boshqaruv fanining rivojlanishiga salmoqli hissa qo‘sghan fransuz olimlaridandir. U Fransiyadagi ko‘mir qazib oluvchi yirik kompaniyani boshqargan. A. Fayol o‘zining boy amaliy tajribasini “Umumiylar va sanoat boshqaruv” (1916) nomli kitobida umumlashtirgan. Uning ilgari surgan quyidagi boshqaruv tamoyillari hozirgi kunda ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan.

1920-1950 yillar oraliq‘ida ma’muriy yoki klassik muktab deb nomlangan yo‘nalishning g‘oyalari keng tarqaladi. Ikkinchis bosqich - klassik bosqich, A.Fayol tomonidan uning mashhur boshqaruv tamoyillari (prinsiplari)ning keng tarqalishi bilan bog‘liq. Buni ma’muriy matabning birinchi mustaqil natijasi deb bilish mumkin. Ushbu davrning izlanishlari formal tashkiliy tuzilmalar (strukturalar) va tizimlarni tashkil qilishga, shakllantirishga qaratilgan. Amerikaliklar Anri Fayolni “menejment otasi” deb atashgan. U birinchi bo‘lib butun bir samarali boshqaruv tuzilmasini shakllantirish, uning yuqorida pastgacha barcha bo‘g‘inlari faoliyatini tavsiflash, ularning birgalikdagi faoliyatining muvaffaqiyatini ta’minlovchi tamoyillarini ishlab chiqishning uddasidan chiqdi.

A. Fayol boshqaruvni kelajakni ko‘rvuchi, faoliyatni tashkillashtiruvchi, tashkilotni idora qiluvchi, faoliyat turlarini muvofiqlashtiruvchi, qaror va buyruqlarning bajarshshshini nazorat qiluvchi kuchli qurob deb ataydi. Bu fikrlar hozirgi kunda ham boshqarish fani asosida yotadi. A.Fayol birinchi bo‘lib tashkilotni boshqarish nazariyasini davlat boshqaruv organlariga qarata qo‘llash ham mumkinligini va zaruratini ta’kidladi. Eng asosiy e’tiborni Fayol ma’muriy apparat faoliyatini to‘g‘ri



tashkil qilish tamoyillarini aniqlashga qaratadi, u tashkilotga murakkab funksional organizm sifatida yondashadi, uni qismlarga bo‘ladi va boshqaruv borasidagi barcha tadbirlarni tipik olti xil operatsiyalarga bo‘ladi.

Ushbu maktabning yirik namoyondalaridan yana biri Genri Ford ishlab chiqarish korxonalarini boshqarishning tashkiliy-texnikaviy tamoyillarini yaratgan. Fordizm faqat boshqaruv texnikasi va tashkil etish rivojlanishida emas, balki mehnat unumdarligi o‘sishida ham yangi bosqich bo‘ldi. Ford ham Teylor singari kam xarajat bilan yuqori mehnat unumdarligiga erishishni maqsad qilib qo‘ygan bo‘lsada, unga boshqa yo‘l bilan erishishga harakat qildi. Teylor inson mehnatini tashkil etishga alohida e’tibor bergen bo‘lsa, Ford texnika, texnologiya, ishlab chiqarishni takomillashtirishga e’tibor bergen.

Ushbu maktab qarashlaridagi bosh masala umumtashkilot miqyosida samaradorlikka erishish bo‘lib, ular boshqaruvning sotsial jihatlariga unchalik e’tibor berishmagan, hamda ularning ishlari shaxsiy kuzatuvlar doirasidan chiqmagan. Shu sababli ularning yondoshuvlari ilmiy metodologik asosga ega bo‘lmagan.

Shunday bir sharoitda 1820-1830 yillari AQShda ilmiy va mumtoz menejmentlarga muqobil harakat sifatida "teylorizm" ga qandaydir darajada qarshi turuvchi yangi nazariya - "**Insoniy munosabatlар**" maktabi paydo bo‘ldi. Bu maktabga amerikalik jamiyatshunos va ruhshunos E. Meyo (1880-1949) asos soldi. Garvard universiteti professori E.Meyo «inson munosabatlari» nazariyasini ilgari surdi. Uning g‘oyalaringin mohiyati shundaki, mehnat jarayonida psixologik va ijtimoiy omillar yetakchi ahamiyatga ega. Shu sababli, Meyo fikriga binoan ishlab chiqarish va boshqaruvning barcha muammolariga inson munosabatlari nuqtai nazaridan qarash lozim. Bu nazariya insonning ma’lum ijtimoiy va psixologik ehtiyojlarini qondirish yo‘li bilan uni yanada unumli mehnat qilishi mumkin degan g‘oyaga asoslangan.

"Insoniy munosabatlар maktabi", keyinchalik esa "xulq-atvor" maktabi nomini olgan maktab ushbu maktab sababli ilmiy boshqaruv maktabi namoyondalarining fikrlari tanqidga uchrab, ular cheklanganlikda hamda inson omiliga kam e’tibor bergenlikda ayblandi.

Bu maktab nuqtai nazaridan ishchi - bu fiksiz robot emas, balki obro‘-e’tiborga, o‘z-o‘zini hurmat qilishga, o‘z qadr-qimmatini his etishga, boshqa kishilar tomonidan ma’qullanishga, shaxsiy maqsadlar va manfaatlarga erishishga intilishda muayyan ijtimoiy ehtiyojlarga ega bo‘lgan individdir.

Ayni individlar kompaniya va firmalarning manbai ekanligidan kelib chiqib, insoniy munosabatlар maktabi boshqaruvning:yu

- tashabbuskorlikdan;
- ishchilar bilan hamkorlikdan;
 - kompaniyada "birdamlik ruhi" va "mushtaraklik tuyg‘usi"ni shakillantirishdan foydalanish hamda ularni rag‘batlantirishga asoslangan tegishli usullarni ishlab chiqdi.

60-70 yillarda Amerikaning biznes maktablari o‘z dasturlarini inson resurslari bilan bog‘liq bo‘lgan fanlarni kiritish - sanoat psixologiyasi, tashkiliy xulq-atvor, xodimlarni boshqarish fanlarini kiritish hisobiga kengaytirdilar. Natijada iqtisodiyotda inson resurslarini boshqarishning zarurligi va muhimligini anglab etgan, hamda bu jarayonning moliya va xaridni boshqarishga nisbatan o‘ziga xos tomonlarini tushungan rahbarlar yuzaga kela boshladilar.

Ushbu maktab namoyondalarining fikriga ko‘ra, yuqori unumdarlikni ta’minalash uchun tashkilotni texnik jihatidan tashkil qilishga e’tibor qaratishdan tashqari yana shu tashkilotning negizini, asosiy harakatlantiruvchi kuchini va samaradorligining salohiyatini tashkil qilgan insonlarga e’tiborni kuchaytirish shart, ularni alohida sifatlarini hisobga olib, qobiliyatlarining to‘la namoyon bo‘lishiga sharoit yaratish zarur.

Insoniy munosabatlар maktabining rivoj topishiga amerikalik sotsiolog Elton Mayo asos solgan. Unumdarlikka ta’sir ko‘rsatadigan omillarni ko‘rib chiqish jarayonida Elton Mayo boshchiligidagi tadqiqotchilar, vaqtি kelib mehnat unumdarligi bu omillardan qat’iy nazar o‘zgara boshlar ekan, ya’ni mehnat unumdarligiga psixologik omillar ham, ishchi guruhlaridagi jipslashuv va o‘zaro bir-biriga yordam berishga intilish darajasi ta’sir etar ekan deb xulosa qildilar. Xotorn eksperimentlarining natijalari shuni ko‘rsatadiki, ishlab chiqarish vazifalarini bajarish jarayonida



xodimlar o‘rtasidagi o‘zaro ijtimoiy munosabatlar ular uchun nihoyatda muhimdir, shuning uchun ham uni jamoani boshqarishda hisobga olish zarur. Hatto yaxshi tashkil etilgan tashkilotda va jamoaning oqilona ishlab chiqilgan rasmiy tuzilmasida ham kichik guruhlarni va ularda mavjud bo‘lgan norasmiy yetakchilarni hisobga olmaslik barcha umidlarni chippakka chiqarishi mumkin va tashkilot boshqarib bo‘lmaydigan holatga kelib qolishi mumkin. Bu xulosadan tadqiqotchilar amaliy maqsadga o‘tdilar, ya’ni kishilar orasidagi mehnat unumdarligini oshirishga ijobjiy ta’sir qila oladigan munosabatlarni tashkil etib ko‘rishga kirishdilar. Bu nazariya boshqaruvga aynan insonlarni boshqarish sifatida qaraydi. Bu tadqiqotchilarning fikricha rahbarlarga ishchilar bilan muloqotda bo‘lishni o‘rgatish, so‘zlashish holatini va san’atini, o‘zini tutishni, ishchilarni o‘ziga tortib turadigan qilib o‘rgatish muhim va zarur. Shuningdek, rahbardan oqko‘ngililik, samimiylilik, halollik, hammaga hurmat bilan munosabatda bo‘lish, ishchi-xodimlariga hamma shart-sharoitlarni yaratishga intilish talab etiladi, u o‘zida shunday xislatlarni rivojlantirishi zarur deb biladilar.

1950 yillardan yana bir maktab rivojiana boshlagan, u miqdoriy maktabdir. "**Boshqaruv fani**" yoki "**miqdoriy**" deb nom olgan maktabning asosiga ikki maktabning fikrlari asos solgan, birinchisi - "empirik" deb nomlangan maktab bo‘lsa, ikkinchi maktab - "ijtimoiy tizimlar" maktabidir. Empirik so‘zi tajribaga asoslangan degan ma’noni anglatadi. Bu maktabning namoyondalari boshqaruvni tashkil qilish nazariyasini chuqur o‘rganish, nafaqat o‘rganish, balki ushbu nazariyaning ijobjiy amaliyotini, u bergen xulosalarini korxona va tashkilotlar amaliyotida keng qo‘llash hamda o‘quv fani sifatida foydalanish, ya’ni avvalgi tajribani qayta-qayta yodga olish, undan kelib chiqish zarur deydilar. «Emperik» (pragmatik) maktab menejment zarurligini umuman inkor etib, ochiq emperzmni targ‘ibot qiladi. U boshqaruvning maqsadi – rahbarlik qilish bo‘yicha ijobjiy tajriba va aniq xatolarni o‘rganishdan iborat, deb ta’kidlaydi. Bu maktab vakillari kamroq nazariy maslaxatlar berib, ko‘proq aniq vaziyatlarni taxlil etish bilan shug‘ullanish kerak deydilar, albatta, tajriba o‘rganish juda muhim. Lekin faqat amaliyotga asoslanib menejmentni shakllantirish mumkin emas «Emperik» maktabning eng yorqin namoyondalari - T.Draker, R.Devis, L.Nyuman, D.Miller va boshqalardir.

Miqdoriy usullarning dastlab yuzaga kelishida va hozirgi davrda keng tarqalib ketishiga eng katta turki bo‘lib kompyuterlarni qo‘llanilishi xizmat qildi. Kompyuter operatsiyalarni kuzatishda matematik va boshqa turdagи modellarni yaratishni, ularning hayotdagi kabi murakkab holida kuzatishni, iloji boricha haqiqiy hayotga yaqin vaziyat va holatlarni ko‘rib chiqish asosida to‘g‘ri qarorlar qabul qilish imkonini beradi. Ammo, shuni ta’kidlash lozimki, miqdoriy maktabning keng rivojlanganligiga qaramay uni hali-hanuz "bixevoiristik", ya’ni insoniy munosabatlar yo‘nalishidagi maktablarchalik qabul qilmaydilar. Bunga sabab, birinchidan, har bir rahbar kunda operatsiyalarni kuzatish va o‘rganishga nisbatan insonlar bilan munosabatda bo‘lishi borasida ko‘proq muammolar bilan to‘qnash kelishi bo‘lsa, ikkinchidan, rahbarning o‘zining bilimlari va malakasi murakkab miqdoriy usullarni to‘la tushunib etish darajasida bo‘lishi lozimligidadir, ya’ni yuqori kasb mahorati va bilim-ko‘nikmalari talab darajasida bo‘lishi kerakligidadir. Buning uchun maxsus kurslarda o‘qib, rejalashtirish, loyihalashtirish, modelllashtirish borasida usta bo‘lish zarur.

O‘rta Osiyoda menejmentning nazariy asoslari va uning asosiy prinsiplari qadim zamonlarda ham u yoki bu ko‘rinishda mavjud bo‘lgan. Ammo ular Amir Temur hukumronligi davriga kelib ma’lum shaklni kasb etgan, bunga Amir Temurning "Temur tuzuklari" asari yorqin misol bo‘la oladi.

"Temur tuzuklari" jahonga mashhur asardir. Uning qo‘lyozma nuxxalari dunyoning deyarli barcha mamlakatlari (Hindiston, Eron, Angliya, Daniya, Fransiya, Rossiya, Germaniya, Armaniston, O‘zbekiston va boshqalar) kutubxonalarida mavjud. Asar ikki qismdan iborat.

"Tuzuklar" muallifining fikricha, har bir sohibi toj davlat va jamiyatni ma’lum ijtimoiy-siyosiy guruhga tayangan holda boshqarishi lozim. Hazrat Amir Temur "Tuzuklar"da ma’lum qilishicha, o‘z faoliyatida quyidagi 12 ijtimoiy-siyosiy guruhga tayanib ish olib borgan¹:

Davlatni idora qilishda vazirlar, amirlar va viloyatlarda o‘tirgan noiblarning roli benihoya katta bo‘lgan. Shuning uchun ham Amir Temur ularni tanlash va vazifalarga tayinlash ishiga alohida ahamiyat bergen. Ular Sohibqironning fikricha sadoqatli, axloqiy pok, adolatpesha, tinchliksevar va tashabbuskor odamlar bo‘lishi kerak.



Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, boshqaruv tizimi bu mas’uliyatli vazifa, biz ayollar shunday yurtda dorul omon kunlarda tinch osoyishta yashayotganimizdan mamnun bo‘lib shukronalar keltiramiz. Sharq madaniyati, go‘zalligini saqlash, sog‘lom nasl bilan uni davom ettirish esa, ayol zimmasidaligi uchun u qanchalar farosatli, oqila, zukko bo‘lsa, oilada, jamiyatda tinchlik, osoyishtalik bardavom bo‘lib, kelajak davomchilaridan esa umid katta bo‘ladi. Boshqaruvda faol ayollar jamiyatimizda ko‘pchilikni tashkil qiladi. Jumladan, mening oyim ham bir necha yillardan buyon rahbarlik lavozimida faoliyat yuritib kelmoqdalar, uyda ham ularning fidoiyliklarini, mehribonliklarini har ishda mas’uliyat bilan yonoshishlarini ko‘rib ulg‘aydim. Gar shunday ekan, oila faravonligi, mustahkamligi, Vatan ravnaqi, rivoji go‘zalligi sizsiz ayollar! - degim keldi.

Adabiyotlar:

1. J.T Yo‘ldoshev, S.A. Usmonov Ta’lim menedjmenti, 2006.
2. (Rahbar faol. Nuks. Bart etish) - Xalq ta’limi 2000 №3)
3. Tillaboyev S. Rossiya imperiyasining Turkistonda ma’muriy-hududiy boshqaruv sohasidagi siyosatining ba’zi xususiyatlari. // O‘zbekiston tarixi, 2005. №3. 75 bet.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni. // Xalq so‘zi, 2018,3.02.№23.
5. Shoumarov G‘.B. “Oilal psixologiyasi” Toshkent - 2011y.
6. Михайлов М.Л. Женщины, их воспитание и значение в семье и обществе / М.Л.Михайлов // Современник. – 1860. - № 4. – С.473-500.



ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА АЁЛЛАРНИ ЎРНИ ВА РОЛИНИ ОРТИБ БОРИШИ

Исматуллаев Фарҳоджон Одилжонович,

Тошкент давлат педагогика университети
докторанти, тарих фанлари номзоди, доцент.

Орифа Омонова,

Наманган вилояти, Тўракўрғон туманидаги
20-мактаб директори

Аннотация: Мақолада жаҳон сиёсий жараёнларида аёлларни ўрни ва роли йилдан -йилга ортиб браётганлиги таҳлил этилган. Муаллиф турли давлатларни бошқараётган аёллар ва уларнинг ички ва ташки сиёсатдаги муваффақиятли фаолиятларини далиллар асосида кўрсатиб беришга харакат қилган. Шу билан бирга мақолада Ўзбекистондаги гендер тенглик борасидаги ютуқлар, аёлларнинг давлат бошқарувидаги иштироклари масаласи ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: Халқаро муносабатлар, аёл президентлар, гендер тенглик, ижтимоий масалалар, пандемия, аёллар хукуқи, Юнифем, инсон хукуқлари, Ангела Меркель, Камала Харрис, Халима Яқуб.

Аннотация: В статье анализируется возрастающая роль женщин в мировых политических процессах. Автор попытался на основе фактов показать женщин, управляющих разными странами, и их успешную деятельность во внутренней и внешней политике. В статье также освещаются достижения Узбекистана в области гендерного равенства, участие женщин в государственном управлении.

Ключевые слова. Международные отношения, женщины-президенты, гендерное равенство, социальные вопросы, пандемия, права женщин, Unifem, права человека, Ангела Меркель, Камала Харрис, Халима Якоб.

Annotation: The article analyzes the increasing role of women in world political processes. The author tried on the basis of facts to show women who rule different countries and their successful activities in domestic and foreign policy. The article also highlights the achievements of Uzbekistan in the field of gender equality, the participation of women in public administration.

Key words: International relations, women presidents, gender equality, social issues, pandemic, women's rights, Unifem, human rights, Angela Merkel, Kamala Harris, Halima Jakob.

Бугунги кунда ер сайёрасида 200 ортиқ мамлакат мавжуд бўлиб, шулардан 193 та давлат Бирлашаган Миллатлар ташкилоти аъзоси ҳисобланади. Маълумотларга кўра, 2021 йил ҳолатига қарийб 30 та мамлакатда аёллар раҳбарлик қилмоқда[8]. Европа давлатларида йилдан-йилга аёл президентлар сони ортиб бормоқда. Бунга мисол қилиб Словакия[3] тарихда биринчи марта аёл киши президент этиб сайланганида кўришимиз мумкин. Аёл раҳбарлар ичida мамлакатни жуда омадли бошқариб, унинг ривожланишига мунособ хисса қўшаётганлари ҳам борлиги қувончлидир. Ана шундай кучли давлат раҳбарларидан бири 2005 йилдан бўён Германияни муваффақиятли бошқариб келаётган канцлер Ангела Меркел бўлиб у ҳозирда(2021 йил февраль) нафақат ватанида балки халқаро миқёсдаги таъсирли сиёсатчи сифатида машҳур ҳисобланади.

Тарихга эътибор қаратсак инсоният ўтмишида аёллар ҳар доим давлат ишларида турли даражаларда иштирок этиб келганларини кўриш мумкин. Бунга оид мисолларни Европа, Осиё, Африка тарихларидан кўплаб келтириш мумкин.

Агар ўзимизнинг ватанимиз тарихга назар ташласак халқаро муносабатларда хотин - қизларнинг ҳам мунособ ўрни борлигига гувоҳ бўламиз. Амир Темур даврида Сароймулхоним, Бобурий маликалардан Гулбаданбегим, Зебинисо ва Аржумандбонулар, Қўқон хонлиги



бошқарувида мухим рол ўйнаган Нодирабегим ўз даврининг обрўли бекалари ва зарур холатларда ўз фикрлари ва маслаҳатлари билан хукумдорларга ёрдам беришганигини тарихий манбалар тасдиқлайди. Европада ўз даврининг кучли императорларидан бўлган Юстинан ўз рафиқаси Феадора маслаҳати билан кўплаб муваффакиятларга эришган. Ўрта асларда инглиз – француз халқлари ўртасида юз йил давом этган урушни ҳал қилувчи жангига айнан французларнинг мард қизи Жанна Дарк раҳбарлигига амалга ошганлиги, ва ҳалигача унинг тимсолида бутун Европа ва жаҳонда мардлик, ватанпарваликни ёрқин намунаси сифатида эътироф этилади.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий хукуклари учун курашни демократиянинг қарор топтириш учун олиб бориладиган ишларнинг мухим бир қисми, дейиш мумкин. Хотин-қизларнинг эркаклар билан ижтимоий ҳаётда, сиёсатда тенг хукуқлилиги борасида илк бор расмий даражада буюк француз инқилоби даврида, яъни XVIII асрда сўз юритила бошланган[6]. Бу Олимпия де Гурж томонидан 1789 йили эълон қилинган “Фуқаро аёлнинг хукуклари баёноти(Деклорацияси)”да ўз аксини топган. Европада 1918 йилга келиб, 30 ёшдан ошган аёллар сайлаш ва сайланиш хукукларига эриша бошлади. 1906 – йил Финландияда аёлларга сайланиш хукукини берган жаҳондаги биринчи давлат бўлди. 1921 йилда парламентнинг биринчи аёл депутати сайланди. Янги Зеландияда 1898 йили жаҳон тарихида биринчи бор хотин-қизларга сайланиш хукуки берилди. Натижада жамиятда аёлларнинг фаоллиги кузатилди.

Яқин тарихимизда ўз давлати ва жаҳон сиёсатига муносиб ҳисса қўшган аёл раҳбарларни кўришимиз мумкин. Британиянинг темир аёл деб, тан олинган собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер ёки Ҳиндистоннинг Собиқ иттифоқ билан дўстлигини мустаҳкамлаган собиқ бош вазири Индира Гандини эслаш кифоя. Буюк Британияни 11 йил давомида бошқарган Маргарет Тэтчер олиб борган ислоҳотлари “Тетчеризм” номи билан тарихга кирди[5]. Унинг олиб борган ички ва ташқи сиёсати ҳақида бир қанча йирик тахлилий асарлар яратилган бўлиб, уларда Буюк Британияни халқаро муносабатлардаги ўрни ва роли кўрсатиб ўтилган[2].

Маргарет Тетчер амалга оширган ислоҳотлар халқаро майдонда ўчмас из қолдирди. У оиласда, жамиятда, хизмат вазифасида ҳам барчага ибрат бўла олди. Шу сабабдан ҳам “Дунёнинг энг кучли аёли” деган номига сазовор бўлди ва халқ томонидан берилган бу унвонни оқлади. Улар бошқа ҳамкасларига нисбатан қаттиққўлроқ бўлишга мажбур бўлган. Айни пайтга келиб, президент ва вазирлик лавозимидағи аёллар сони кам, лекин уларни дунёнинг ҳар бир минтақасидан топиш мумкин.

Осие мамлакатлари давлат раҳбарлари қаторига Шри - Ланка президенти (1994-2005йиллар) Чандрика Кумаратунга, Индонезиянинг (2001-2004йиллар) Магавати Сукарнопури, Ҳиндистонни (2007-2012 йиллар) бошқарган Пратибха Патилнинг ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари мусулмон бунёсидаги биринчи аёл бош вазир Покистон тараққиётига мухим ҳисса қўшган, Беназир Бухуттони халқаро жамоатчилик этироф этган. Беназир Бухутто давлат бошқаруви фаолияти даврида Ўзбекистонга ташриф буюрган, икки давлат ва халқлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий, маданий соҳалардаги ҳамкорлик ривожига муносиб ҳисса қўшган давлат арбобидир.

Шу билан бирга жаҳонда ўзининг иқтисодий мўжизаси билан довруғ таратаётган Сингапур давлати тарихида ҳам 2017 йилдан биринчи президент аёл - Халима Яқуб сайланди[12]. Унинг даврида амалга оширилаётган самарали ислоҳотлар, Сингапурни янада тараққий этган давлат сифатида дунёга танитмоқда. Сингапур тажрибасини бутун дунё ўрганмоқда.

Жаҳоннинг энг илғор давлати бўлган Америка Кўшма Штаталари ҳали ўзининг аёл президентини сайлаганий йўқ, бироқ мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида, конгресда, давлат хизматларида иш юритишда аёллар жуда фаол. Қолаверса, 2016 йил мамлакат тарихида илк маротаба аёл киши Хиллари Клинтон хоним навбатдаги президент сайловида ўз номзодини илгари сурди. Аммо галаба унга насиб этмади. Бироқ бу билан АҚШнинг сиёсатчи аёллари президенлик учун курашни тўхтатишмади. 2020 йил нояброда бўлган сайловларда, дастлаб президенликка номзод бўлган Камала Харрис, АҚШ тарихидаги биринчи асли келиб чиқиши осиёлик бўлган қора танли аёл, шу билан бирга мамлакат тарихидаги биринчи вице –президент



етиб сайланди. Демак, воқеалар ривожидан шуни башорат қилиш мумкинки, яқин йилларда АҚШда аёл президент сайланиши мумкин.

Гендер тенглик масаласи халқаро даражадаги ташкилотларнинг ҳам асосий йўналишларидан ҳисобланади. Бундай фаолиятда БМТ ташкилоти ҳаммага намунадир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хотин – қизлар аҳволи борасидаги жамғармаси (ЮНИФЕМ) – ривожланаётган мамлакатларда хотин - қизларнинг сиёсий ва иқтисодий ролини оширишга кўмаклашадиган кўнгилли жамғармадир[1]. Юнифем асосан уч соҳа бўйича фаолият кўрсатади: тадбиркор ва ишлаб чиқарувчи сифатида ишлашлари учун хотин қизларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш; қарорлар қабул қилишда хотин қизлар иштирокини оширувчи бошқарув ва раҳбарликка ёрдамлашиш; хотин – қизлар борасида инсон ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлаш.

БМТнинг ижтимоий кенгаши тадқиқотига кўра, ҳар қандай давлатнинг қарор қабул қилиш даражасида аёллар иштирокининг юқорилиги билан мамлакат ахолисининг турмуш даражасининг юксалиши орасида бевосита боғлиқлик мавжуд[4]. Агар бирор давлат парламенти таркибида аёллар 20 % кўпроқ бўлса, қонуншунослар болалар муҳофазаси ва манфаатлари тўғрисидаги қонун лойиҳалари ишлаб чиқишга киришар экан.

Аёллар ҳуқуқларини тан олмай ва химоя қилмай, инсон ҳуқуқлари ҳакида гапириш, унга риоя қилиш ҳусусида сўз юритиш мумкин эмас. Ҳозирги кун нуқтаи назаридан жаҳон мамлакатларида аёллар парламент ўринларининг 23,4 % ни эгаллаган[9] Бу кўрсаткич 1990 йилда 4 % ни ташкил этганди, холос. Бу рақам жаҳонда йилдан-йилга аёлларнинг сиёсий жараёнларда ўрни ортиб бораётганидан далолат беради.

Бу борада юртимизда ҳам сезиларли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда аёллар томонидан эгалланган ўринлар жаҳондаги даражага мос бўлиб, 2019 йилги сайловларда республикамида биринчи марта Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасида аёллар улуши 32 фоиз, Сенат ҳамда маҳаллий Кенгашларда эса қарийб 25 фоизни ташкил этди[10].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Хотин- қизлар ҳуқуқини муҳофаза этишга ижтимоий – сиёсий ислоҳатларнинг устувор вазифаси этиб белгиланди. Мамлакатимиз ахолисининг ярмидан кўпроғини хотин- қизлар ташкил этади. Ҳозир республикамида 50 мингдан ортиқ аёл турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, албаттга бундай раҳбарлик лавозимида ишловчи, ўз хизмат вазифасига вижданан ёндашадиган, фидоий, жонкуяр хотин - қизларимиз сафи тобора кўпайишга харакат қилмоқда.

Аёллар ҳуқуқи доимо долзарб масала бўлган, айниқса, соҳага бўлган эътибор Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келади, - дейди Фридрих Эрбет номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Рейхард Крум. – Тарихдан маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошдан кечираётган аксар мамлакатлар аёлларига қийин бўлган.

Барча даражада қарорлар қабул қилиш жараёнида Хотин- қизлар ва эркаклар тенглигини таъминлаш борасидаги бундай силжишларга қарамай, мазкур ишлар кўламини ҳали талаблар даражасида деб бўлмайди. Хотин- қизлар ҳамон барча даражада қарор қабул қиласидаги жараёнларга тўла жалб этилмаган. Улар эришган ютуқларга жуда кўп ҳолларда эътибордан четда қолиб кетади. Айрим мутаҳассисиларнинг фикрича, юқори лавозимларда кўплаб хотин-қизлар фаолият кўрсатади, уларнинг бошқарув курсларини эгаллаши қийин. Улар янада қаттиққўл ва фаол бўлишлари талаб этилади ва шундагина халқаро сиёсатга таъсир қилиш ҳам осон кечади.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг 1945 йил Сан-Франсиско шаҳрида имзоланган Низоми эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги инсон ҳуқуқларининг таъмал тоши сифатида эътироф этган дастлабки халқаро хужжат бўлади[7]. Ўшандан буён БМТ бутун жаҳонда хотин- қизлар аҳволини яхшилашга доир халқаро миқёсидаги келишув асосида қабул қилинадиган стратегиялар, андозалар, дастурлар ҳамда мақсадларнинг мазкур тамойилига мос бўлиши учун катта саъй-харакат кўрсатиб келмоқда.

Шу ўринда яна бир қизик фактни келтириш ўринли назаримда, чунки ҳозирги (2020-2021 йиллар) пандемия шароитида муваффақиятли сиёсат юритган, халқини ушбу вирус хавфидан



кам талофат билан олиб чиқсан давлатларни аксариятини аёллар раҳбарлар бошқараётганлиги кўплаб халқаро таҳлилчи-экспертлар томонидан таъкидланмоқда. Бунга асос қилиб, Германия, Янги Зеландия, Тайвань, Исландия каби давлатларни пандемияга қарши курашда эришган натижларини келтириб ўтишган[11]. Бироқ бу ўринда, эркак раҳбарлар бошқараётган кўплаб давлатлар, жумладан Ўзбекистон, Туркия, Ветънам каби давлатларни энг кам йўқотиш ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини сақлаган ҳолда 2021 йилга қадам қўйилганлигини бутун дунё сиёsatчи ва экспертлари эътироф этаётганини ҳам эътибордан қочирмаслигимиз керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хотин-қизларнинг қарорлар ишлаб чиқишдаги тенг иштирокига нафакт адолатпарварлик ва демократия тамойилларига шунчаки амал қилиш, балки хотин-қизлар манфатларини инобатга олишнинг муҳим шарти сифатида ҳам қаралмоғи лозим. Барча даражада қарорлар ишлаб чиқиш жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштироки ва манфатларини ҳисобга олмасдан туриб, тенгликка ва тинчликка эришиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Асисий омиллар.Т., 2001. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2008. – Б.12.
- 2.Замятин Л.М. Горби ва Мэгги. Записки посла и ученого о двух известных политиках – Михаиле Горбачёве и Маргарет Тэтчер.М., 1995; Перегудов С.П. Тэтчер и тэтчеризм. М., 1996;
- 3.Зузана Чапутова– 2019 йилдан Словакия Президенти этиб сайланди.
- 4.Интернет маълумоти: WWW. UN.ORG / WOMENWATCH
- 5 Попов В.И. Маргарет Тетчер: человек и политик. Взгляд российского дипломата. М., 2000;
- 6.Хусанов О. Каримова О. Инсон хукуқлари. Т. Шарқ. 1997. –Б. 47.
- 7.Хусанов О. Каримова О. Инсон хукуқлари..Т.; “Шарқ” нашриёт- матбаа концерни. 1997. – Б.48.
- 8.<https://www.forbes.ru/forbes-woman/376063-v-kakih-stranah-prezidentami-yavlyayutsya-zhenshchiny-pyat-vdohnovlyayushchi>
- 9 .<http://news.un.org/ru/story/2018/03/1324811>
- 10.<https://yuz.uz/news/ozbekiston-respublikasi-gender-tenglikni-taminlash-masalalari-boyicha-komissiyasining-yigilishi-bolib-otdi>
- 11.<https://www.bbc.com/uzbek/world-52417987>
- 12.https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%AF%D0%BA%D0%BE%D0%B1,%_D0%A5%D0%B0%D0%BB%D0%B8%D0%BC%D0%B0



МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РЕИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Маджидова Дилдора Абдухамидовна,

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий ходими, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Акбаров Баҳодир Абдураҳмонович,

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий ходими, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистонда меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилишнинг педагогик-психологик жиҳатлари таҳлил этилган. Шунингдек, оиласига қайтган меҳнат мигрантларининг жамиятга реинтеграцияси жараёнида ҳал этилиши зарур бўлган вазифаларга оид хуносалар ифодаланган.

Калит сўзлар: миграция, меҳнат мигрантлари, ўз-ўзини бошқариш органи, оила, маҳалла, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, реинтеграция қилиш.

ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СОЦИАЛЬНОЙ ПОДДЕРЖКИ И РЕИНТЕГРАЦИИ ТРУДОВЫХ МИГРАНТОВ

Аннотация: В данной статье анализируются педагогические и психологические аспекты социальной поддержки и реинтеграции трудовых мигрантов в Узбекистане. В нем также изложены выводы о задачах, которые необходимо решить в процессе реинтеграции трудовых мигрантов, возвратившихся в свои семьи.

Ключевые слова: миграция, трудовые мигранты, органы самоуправления, семья, махалля, социальная поддержка, реинтеграция.

PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL ASPECTS OF SOCIAL SUPPORT AND REINTEGRATION OF LABOR MIGRANTS

Resume: This article analyzes the pedagogical and psychological aspects of social support and reintegration of labor migrants in Uzbekistan. It also contains conclusions on the tasks to be solved in the process of reintegration of labor migrants who have returned to their families.

Key words: migration, labor migrants, self-government bodies, family, makhalla, social support, reintegration.

Ҳозирги вақтда жаҳон миграция жараёнларининг йўналишлари, шакллари ва суръатлари кескин ўзгармоқда. Бу жараёнларинг дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги айрим ўхшашликлари кузатилмоқда: миграциянинг устувор мотивлари ижтимоий-иктисодий, сиёсий, диний ва бошқалар хисобланади. Ҳозирги глобаллашув даврида Ўзбекистонда меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-қўллаб қувватлаш ва реинтеграция қилиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган, кўп фарзандли оилалар ҳукумат қарорлари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари асосида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали манзилли ижтимоий муҳофазаланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармони, 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция



қилиш тизимида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ўрни ва роли янада ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Олинган расмий маълумотларга кўра, ҳозирда 2,5 миллиондан ортиқ фуқаролар даромад топиш мақсадида Ўзбекистон худудидан ташқарида ишламоқда [1]. Уларнинг кўпчилик қисми оилали ва фарзандларига эгадир.

Нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам меҳнат миграциясининг оила ва болалар учун ижтимоий оқибатлари масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Шу муносабат билан, даромад топиш мақсадида меҳнат миграциясига кетаётган фуқаролар оилалари учун ижтимоий-психологик ва педагогик қўллаб-қувватлашни ташкил этиш долзарб масалалигича қолмоқда.

“Халқаро миграцияда асосий ўринни меҳнат миграцияси эгалламоқда. Чунки ҳозирги даврда инсоннинг яшаси учун иқтисодий омилнинг аҳамияти кучайди. Одатда миграциянинг асосий сабабларидан бири сифатида иқтисодий омил кўрсатилади” [2]. Миграцион жараёнларнинг кучайиши аҳамиятли ижтимоий-маданий ва ижтимоий-психологик муаммолар мажмуининг юзага келишига ва олимларнинг меҳнат мигрантларининг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ муаммоларига бағишлиланган тадқиқотларга эътиборларининг ортишига олиб келди. Глобаллашган ижтимоий-маданий мухитнинг жадал ўзгаришлари сабабли субъект ва ижтимоий мухитнинг уйғунлашуви, шахснинг мослашув механизмларини тушуниш муаммоси замонавий илмий-назарий ёндашувларни талаф этади.

Шу сабабли ҳам бугунги кунда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш мазкур муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади:

6. Меҳнат миграцияси муаммоларига бағишлиланган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, норматив-хукуқий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
7. Меҳнат миграциясининг ижтимоий-хукуқий, педагогик-психологик жиҳатларини ўрганиш;
8. Меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш соҳасидаги фаолият олиб борувчи мутахассислар фаолиятига доир таълимий-коррекцион дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш (МФЙ мутахассислари, мактаб психологлари учун);
9. Хотин-қизлар, ёшларни ташкил этувчи меҳнат мигрантларининг ижтимоий мавқеини ҳисобга олган ҳолда табақалашган ёндашув асосида жамиятга реинтеграция қилиш, уларнинг бандлигини таъминлашда ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштириш;
10. Меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилиш соҳасидаги мутахассислар ўртасида учрашув, давра сухбатларини ташкил этиш ва бошқалар.

Мазкур вазифаларни ҳал этишда, айниқса жамиятимиздаги барқарорлик меҳнат мигрантларини ижтимоий муносабатлар ва алоқалар тизимида киритиш жараёнига боғлиқлигига эътибор қаратиш лозимдир. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши бўйича стратегик режалар хорижга кетишини режалаштирган, хорижда меҳнат қилаётган ва меҳнат миграциясидан қайтганларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга асосланган мос миграция сиёсати билан боғлиқдир. Бунда меҳнат мигрантларининг ҳаёт фаолиятларидаги юз берувчи ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган психологик, ижтимоий муаммолар ҳал этилиши зарур бўлган мураккаб муаммолардан ҳисобланади.

Меҳнат мигрантларининг яшаш жойини ўзгартиришга ундовчи психологик сабаблар шахснинг хавфсизлиги ва психологик ҳамда бошқа эҳтиёжларини қондириши нуқтаи назаридан фаровон турмуш кечириш истаги билан боғлиқ. Нафақат кўпроқ даромад топиш, балки ўз имкониятларини кенгайтириш, ўз-ўзини ривожлантиришга интилиш ҳам муҳим ҳисобланади. Баъзи мигрантлар турмуш қуриш мақсадида, мазкур худудда истиқомат қилувчи



вакиллар билан никоҳ тузиш орқали ушбу жойда узоқ муддатли яшашни қолишини ўз олдилариға мақсад қилиб қўядилар. Бу ўз ҳаётини яхши томонга ўзгаририш истаги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин [3].

Меҳнат миграцияси меҳнат мигрантининг замонавий тез ўзгарувчан жамиятда нафақат ижтимоий ва иқтисодий ишончи, балки психологик фаровонлигини таъминлашда мажбурий чора сифатида юзага келади. Мигрантлар учун нафақат иқтисодий фаровонлик, балки психологик фаровонлиги, шунингдек, жамиятда ўз ўрнини эгаллашлари муҳим аҳамиятга эга.

Мигрантларнинг психологик, ижтимоий мослашуви жуда мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Мигрантлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги аҳамиятли тилга оид ва ижтимоий-маданий фарқлар янги жамиятга мослашишнинг мураккаб жиҳатларидан ҳисобланади. Турли гурухдаги мигрантларнинг маданий хусусиятларини инобатга олиш бошқа мамлакат шароитларига мослашиш жараёнини осонлаштириш ва тезлаштириш имконини беради [4].

Шу билан бирга, ўз юртига қайтган меҳнат мигрантларини ишга жойлаштириш, уларни, айниқса, хотин-қизлар, ёшларни ташкил этувчи меҳнат мигрантларининг ижтимоий мавқеини ҳисобга олган ҳолда табақалашган ёндашув асосида жамиятга реинтеграция қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва ихтисослаштирилган иш жойларини яратиш масаласини ҳал этишда ўз-ўзини бошқариш органлари ва бошқа ваколатли орган, ташкилотларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Реинтеграциянинг қулай шароитларини яратиш ва таъминлаш фуқаронинг келажакда тўлақонли ва муваффақиятли ижтимоийлашуви учун имкониятлар яратади.

Меҳнат мигрантлари миграцияда ишлаш вақтида тажриба орттирадилар ва муайян малакаларни эгаллайдилар. Уларнинг аксарият қисми ўз юртларига қайтганларидан сўнг, иш топишни, ўз ҳаёт шароитларини ташкил этишни ва ўз бизнесларини бошлашни истайдилар. Аммо ўз юртларига қайтган меҳнат мигрантлари ишга жойлашиш ва иш ўринларининг етишмаслиги каби муаммоларга дуч келишлари мумкин. Оқибатда оиласига қайтган меҳнат мигрантлари ўз юртларида иш топа олмасликлари ижтимоий муаммоларнинг ортиши, уй хўжаликларининг даромадлари даражаси пасайишига олиб келиши мумкин. Бунда уларнинг эгаллаган малака ва компетенцияларини ўз юртларидан самарали қўллашлари учун шароитлар таъминланиши лозим. Айниқса, аҳолининг заиф тоифалари, хотин-қизлар алоҳида эътиборни талаб этади. Уларга моддий ёрдам – ишсизлик бўйича нафақалар тайинлаш, касбий қайта тайёрлаш, ишга жойлаштириш каби масалаларни ўз вақтида ҳал этилиши билан меҳнат миграциясидан қайтган фуқаро, унинг оиласи, маҳалланинг ва умуман жамиятнинг фаровонлигини оширишда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Фойдаланилган манбалар:

6. https://mehnat.uz/uploads/filemanager/source/Бандлик_тахлили_1_кв_январь_март.pdf
7. Азаматова Г.Б. Халқаро меҳнат миграция жараёнида жаҳон ва Ўзбекистон иштирокининг ўзига хос жиҳатлари // <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-12>
8. Осауленко О.А. Особенности социально-психологической адаптации мигрантов // Электронный научно-практический журнал «Гуманитарные научные исследования» / <http://human.snauka.ru/2017/12/24644>
9. Ионина О.С. Особенности социально-психологической адаптации мигрантов к новым условиям жизни // <http://shgpi.edu.ru/files/nauka/vestnik/2014/2014-2-20.pdf>
10. Холмуминов Ш., Абдурамонов Х. Қишлоқ аҳолисининг ташқи ва ички меҳнат миграцияларини самарали ташкил этиш // “Biznes-Ekspert” журнали, 2018 йил 11(131)-сон, 57-62 б.



ПОЛИТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ЖЕНЩИН В СТРАНЕ

Раджапова Наталья Базаровна

Термезский государственный университет
Преподаватель кафедры русского языка и литературы

Аннотация. Во всём мире гендерная политика тесно взаимосвязана с понятиями демократических ценностей, открытого гражданского общества и правового государства. Поэтому достижение демократичного развития тесно связано с реальной возможностью мужчин и женщин участвовать в построение демократичного государства. Международный опыт показывает, что участие женщин в политических и экономических сферах страны помогает в борьбе с бедностью и социальным неблагополучием населения. Реализация законодательных проектов, направленных на системное совершенствование гендерной политики, является необходимым условием в нашей стране для модернизации и развития институтов гражданского общества. Вопрос гендерного равенства составляет одну из важных тем научных исследований ученых международного масштаба. Несмотря на это не была сделана специальная исследовательская работа, посвященная реформам проводимым в сферах относительно гендерной политики и гендерного равенства в период демократических перемен Нового Узбекистана.

МАМЛАКАТДА АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

Radzhabova Natalia Bazarovna

Termez State University
Lecturer at the Department of Russian Linguistics

Annotation. Throughout the world, gender policy is closely interconnected with the concepts of democratic values, an open civil society and the rule of law. Therefore, the achievement of democratic development is closely related to the real possibility of men and women to participate in the building of a democratic state. International experience shows that the participation of women in the political and economic spheres of the country helps in the fight against poverty and social disadvantage of the population. The implementation of legislative projects aimed at systematically improving gender policy is a prerequisite in our country for the modernization and development of civil society institutions. The issue of gender equality is one of the important research topics of international scientists. Despite this, no special research work has been done on the reforms carried out in the areas of gender policy and gender equality during the period of democratic changes in New Uzbekistan.

POLITICAL ACTIVITIES OF WOMEN IN THE COUNTRY

Раджапова Наталья Базаровна

Термиз давлатуниверситети
Рус тилшунослиги кафедраси ўқитувчиши
nradzhabova@inbox.ru,

Annotatsiya. Butun dunyoda gender siyosati demokratik qadriyatlar, ochiq fuqarolik jamiyat va qonun ustuvorligi tushunchalari bilan chambarchas bog'liqidir. Demak, demokratik rivojlanishga erishish erkak va ayollarning demokratik davlat qurilishida ishtiroy etishining haqiqiy imkoniyati bilan ham bog'liqidir. Xalqaro tajriba shuni ko'rsatadiki, mamlakatning siyosiy va iqtisodiy sohalarida ayollarning ishtiroyi qashshoqlig va aholining ijtimoiy qashshoqliklariga qarshi kurashishda yordam beradi. Gender siyosatini muntazam takomillashtirishga qaratilgan qonunchilik loyihamini amalga oshirish mamlakatimizda fuqarolik jamiyatini modernizatsiya qilish va rivojlantirish



uchun zarur shartdir. Gender tengligi masalasi xalqaro olimlarning muhim tadqiqot mavzularidan biridir. Shunga qaramay, Yangi O'zbekistonda demokratik o'zgarishlar davrida gender siyosati va gender tengligi sohalarida amalga oshirilgan islohotlar bo'yicha maxsus tadqiqot ishlari olib borilmagan.

После принятия независимости государство стало внедрять новые преобразования в политической, экономической и социальной жизни. Обретя свободу во всех отношениях, Республика Узбекистан сумела самостоятельно настроить политический строй и обеспечить экономическое и социальное развитие.

Обеспечение достойной и здоровой жизни населения, качественное развитие человеческого потенциала стало главным приоритетом государственной политики страны. Различные Государственные программы о социальной защите, развитие рыночной экономики, усовершенствование и укрепление судебно-правовых отношений в основном были направлены на развитие демократического общества.

Возможность построения правильного демократического общества во многом зависит от поддержки всемирных и международных организаций, внешней политики развитых стран. В годы независимости благодаря целенаправленным стремлениям занять мировые позиции, Узбекистан приобрёл хорошую репутацию демократичного государства.

Успешная интеграция в мировой политике, экономическом и правовом пространстве указывает на большую, целенаправленную работу в правозащитной сфере. Углублённое международное сотрудничество по широкому спектру направлений требует от государственной политики обеспечения гендерного равенства являющимся важнейшим компонентом мировой политики.

Кроме универсального биологического отличия мужчин и женщин, разделяют социальные отличия, в ходе проявления которых проявляется гендерное равенство. Социальное поведение и специфические взаимоотношений женщин и мужчин в обществе предопределяют и направляют развитие общества в целом. В рамках одной культуры женщины и мужчины усваивают правила поведения, которые определяются деятельностью и главными задачами общества. Для правильного прогресса общество выбирает те социальные устройства и формирует те социальные институты, посредством которых оно сможет управлять его субъектами вне зависимости от пола. Поэтому современное общество приветствует участие в процессе становления правового общества, как мужчин, так и женщин. Следственно действующий механизм, игнорируя биологические отличия, которые могут отражаться в жизни мужчин и женщин, делает акцент на равном распоряжении экономических, социальных и политических возможностей всех граждан страны. Соответствующим образом моделирует социальные роли и внедряет их в данное общество.

Гендерное равенство в обществе определяется показателем степени участия женщин в процессе принятия каких-либо решений. В экономической и политической жизни Узбекистана, женщина до сегодняшних дней, имела второстепенную роль. Но социально-культурное и экономико-политическое развитие нашего времени не позволяет хранить и беречь старые тенденции. Для развития важного ресурса как человеческий капитал наше государство обеспечивает равные возможности всем гражданам общества. Установливаемая временем и закономерностями общества ценность равенства среди мужчин и женщин, делает сильнее любую нацию во всех отношениях.

Гендерная политика в Новом Узбекистане осуществляется на базе правовых, организационных, административных основах гендерного равенства. В силу того что получение образования и профессиональная подготовка, реализация права на труд и вознаграждение за него, общественно-политическая и культурная деятельность, а также специальные меры по охране труда и здоровья женщин нашли отражение в законодательстве страны, принцип равноправия мужчин и женщин берёт начало с Главного Закона страны – Конституции Республики Узбекистан.



Многообразность форм участия женщин в социально-трудовой деятельности, расширенные возможности самореализации, действенные меры по улучшению труда сельских женщин помогают построению нового, гражданского, демократического общества. Гендерное равенство нужно для устранения социальных барьеров, для оказания помощи проявления личности, как мужчины, так и женщины во всех сферах жизнедеятельности.

Проблема особенности пола человека, его психологические и социальные различия всегда были в числе самых обсуждаемых тем общества. За последнее время социальные роли мужчин и женщин значительно трансформировались. Общество, которое активно запустило механизмы демократизации и гуманизации, способствует реализации равных возможностей для развития личности независимо от социального происхождения, национальности, возраста и тем более пола. В действительности сознанием обоих полов руководят стереотипные представления о социальной роли в обществе. В основном итогом таких представлений становится нежелание мобилизовать свои возможности ради блага общества и неспособность самореализоваться как личность. Под надзором установленных обществом стереотипных взглядов мышление человека упрощается, но искажается восприятие представителя противоположного пола. Результатом чего становится неэффективное взаимодействие членов общества, недопонимание между собой, которые приводят в итоге к разногласию в отношениях порождающих конфликт.

В реальности положение женщин и мужчин может иметь различия. Если государственные программы, нормативно-правовые нормы и другие меры разрабатываются, не учитывая данных биологических и социальных различий, естественно эффективность проводимых мероприятий не даёт обществу никаких благ.

Международный опыт показывает, что участие женщин в политических и экономических сферах страны помогает в борьбе с бедностью и социальным неблагополучием населения. Самое масштабное мировое мероприятие, включающее, разнообразную тематику и различные результаты по направлению улучшению положения женщин и их равенства была, Четвёртая Всемирная конференция ООН по проблемам женщин, проведённая в 1995 году в Пекине (Китай). В ходе конференций была принята Платформа действий по повышению статуса женщин во всем мире 47000 участниками из 189 стран. Узбекистан, присоединившись к данной Платформе, открыл новый этап в осмыслении проблемы женского равенства. Пекинская декларация (статья 25 и 35) подчёркивает необходимость «обеспечения женщинам равного доступа к экономическим ресурсам, включая землю, кредиты, науку и технику, профессиональную подготовку, информацию, средства коммуникации и т.д.». Международные стандарты ООН по правам женщин помогают установки мировых норм в национальном законодательстве. Установление равных возможностей среди женщин и мужчин в сегодняшнее время отражается в этом процессе.

Благодаря правильно организованным государственным мерам существенно поменялось обращение к женщине. В основном ограничилось исключение женщины из политической, социально-экономической и культурной жизни общества. Прогресс в укрепление правовых рамок для установления равноправия стал активным в годы независимости.

Мусульманское право феодального периода не имело понятия юридической личности. Поэтому равенство в правоспособности не существовало. Правоспособность граждан зависела от пола, классового разделения, статуса собственности, религиозного верования и т.д. Соответственно женщина была лишена политического права, она не могла самостоятельно участвовать в правовых отношениях.

Становясь политиком, женщина не прекращает быть женщиной. Именно её женственность заключает в себе творческий потенциал и интеллектуальную силу. Способность принимать решения в меру своих возможностей это не гендерно специфическая черта, а чисто человеческое качество, посредством которого мы развиваем общество.

Законодательство республики предоставляет обязательные гендерные квоты при выборах в местные и региональные органы власти, в кандидаты политических партий, что в



свою очередь увеличило представительство женщин в парламенте и их участие в жизни партиях. Введение определённых квот считается необходимым условием демократизации общества. Сбалансированное участие женщин и мужчин в процессе принятия решений помогает стабилизировать социальную, духовно-культурную, политическую, экономическую обстановку в стране.

На сегодняшний день в Узбекистане политическое право сформировалось на должном уровне, о чём свидетельствует «Избирательный кодекс Республики Узбекистан» принятый в 2019 году. Четвёртая статья кодекса гласит: «Граждане имеют равные права голоса независимо от пола, расы или национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и социального статуса, образования, типа и характера занятий». Несмотря на то что, понятия «язык», «религия», «происхождение», «социальный статус», «национальность» имеют специфические черты, понятийное значение «пола» главенствует в статье кодекса. Это доказательство установления гендерного равенства в процессе становления демократии Нового Узбекистана. В Избирательном кодексе (статья 13) Членство в Центральной избирательной комиссии, также права уравниваются среди женщин и мужчин при отношениях как, письменном запросе на отставку и признанием судом недееспособным. Отношения, регулируемые в кодексе можно рассмотреть на примере выдвижения кандидатов в Президенты Республики Узбекистан, депутаты Законодательной палаты, членов партии, составления списка избирателей, члены Избирательной комиссии и т.д. Именно в статьях 70, 91 Избирательного кодекса говорится, что число женщин выдвигаемых политическими партиями в кандидаты должны составлять не менее тридцати процентов от общего числа кандидатов. Установление различных квот для женщин стало эффективным способом обеспечения равных политических представительств женщин и мужчин.

Список использованной литературы

1. Воронина О.В. Формирование гендерного подхода в социальных науках // Гендерный калейдоскоп. Курс лекций/Под общей редакцией М. М. Малышевой. – М.: Academia, 2002.
2. Закон «О защите женщин от притеснения и насилия», 2019, Ташкент, lex.uz.
3. Закон «О мерах по совершенствованию системы защиты женщин и девушки от притеснения и насилия», 2019, Ташкент, lex.uz.
4. Закон Республики Узбекистан «О гарантиях равных прав и возможностей для мужчин и женщин». <https://lex.uz/docs/4494873>
5. Конституция Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистан. 2018.
6. Избирательный кодекс Республики Узбекистан – Т.:Узбекистан. 2019.
7. Раджапова Н.Б. Международный опыт в продвижении гендерного равенства. Международный научный журнал «Theoretical&AppliedScience», 2020, 30 май, 412-419, Филадельфия, США.



ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИ (Навоий ва Бухоро вилояти хотин – қизларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки мисолида)

Рўзиева Дилшода Мавлоновна
Навоий давлат педагогика институтининг
мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳукуқий манфаатларини таъминлаш, турли соҳаларда қобилият ва имкониятларини рӯёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши эканлиги, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари, хотин – қизларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки Бухоро ва Навоий вилоятлари мисолида ўз ифодасини топган. Шунингдек, Бухоро ва Навоий вилоятлари аёллари орасидан сенатор ва депутат сифатида фаолият юритаётган хотин-қизлар фаолияти мисоллар орқали ўрганилган.

Калит сўзлар: хотин-қизлар, давлат сиёсати, ислоҳот, жамият, ижтимоий фаоллик, хотин-қизлар ҳаракати, давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-сиёсий соҳа, аёллар ҳукуқ ва манфаатлари.

УЧАСТИЕ ЖЕНЩИН В ПРАВИТЕЛЬСТВЕ И ОБЩЕСТВЕ (На примере участия женщин Навоийской и Бухарской областей в органах власти и общества)

Аннотация: В статье подчеркивается, что повышение общественно-политической активности женщин, обеспечение их законных интересов, создание благоприятных условий для реализации их способностей и потенциала в различных сферах является важным приоритетом государственной политики, факторами повышения социальной активности женщин, участия женщин в управлении государством и обществе. Это отражено на примере Навоийской области. Также была изучена деятельность женщин-сенаторов и депутатов из Бухарской и Навоийской областей.

Ключевые слова: женщины, государственная политика, реформа, общество, общественная активность, женское движение, государство и общественное управление, социально-политическая сфера, права и интересы женщин.

PARTICIPATION OF WOMEN IN GOVERNMENT AND SOCIETY (On the example of women's participation in Navoi and Bukhara regions in government and society)

Abstract: The article emphasizes that increasing the social and political activity of women, ensuring their legitimate interests, creating favorable conditions for the realization of their abilities and potential in various fields is an important priority of state policy, factors in increasing the social activity of women, and women's participation in government and society. This is reflected in the example of the Navoi region. The activity of women senators and deputies from Bukhara and Navoi regions was also studied.

Key words: women, state policy, reform, society, social activity, women's movement, state and public administration, socio-political sphere, rights and interests of women.

Кириш (Introduction):

Мустақиллик йилларида республикада хотин-қизларнинг ҳукуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёллар



тадбиркорлигини ривожлантириш, улар бандлигини таъминлаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4749-сонли Фармони асосида “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” каби вазифалар белгилаб қўйилди. Айнан, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони эса бу борадаги ишларнинг мантикий давоми бўлди.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидаги миллий тикланишдан миллий юксалиш йўлида амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда хотин-қизлар фаоллиги муҳим омиллардан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги кунда кенг қўлламли демократик ислоҳотларимиз натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кучайиб бормоқда. ...Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоиздан ошди. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, – шунга эътибор беришингизни сўрайман – бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик. ...28 мингга яқин опа-сингилларимизга тадбиркорлик, хунармандлик, касбга қайта тайёрлаш, бандликни таъминлаш юзасидан амалий ёрдам қўрсатилмоқда. Шунингдек, беш муҳим ташаббус доирасида 21 минг 500 нафар қизларимиз қисқа муддатли касб-хунар курсларида ўқитилди[2]. Бу кўрсаткичлар давлатнинг ғамхўрлик сиёсати натижасида аёллар фаоллигини ошириш имкониятлари кенгайиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар асосида аёл ҳуқуқлари ҳимоя этилаётгани ва улар фаоллиги ўсиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оилани мустаҳкамлашда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган иш механизмини тубдан ўзгартириш зарурати юзага келди.

Айниқса, 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, жамият ва оиласида соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тутувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиша мухим аҳамиятга эга бўлди.

Маҳалла институтининг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, фуқаролар йигини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринbosари, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг ташкил этилиши аёллар ижтимоий муаммоларининг самарали ҳал этилиши ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қиласи [3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг фикрларига кўра, жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишида бекиёс ўрин тутадиган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги нуфузини янада ошириш зарур ва улар учун муносиб шарт-шароитлар, янги иш ўринлари яратиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқарish



бундан кейин ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, хотин-қизларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, улар бандлигини ошириш масалаларига алоҳида урғу берилмоқда. Бунда давлат раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган бешта ташаббус муҳим асос бўлмоқда. Маълумки, бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига қаратилган. Бу борада республикамизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, хотин-қизларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидағи иштироки изчил ислоҳотлар самарадорлиги асосан аёлларнинг фаол иштирок этиши билан боғлиқдир. Айниқса, хотин-қизлар масаласини вилоятлар кесимида, жумладан, Навоий ва Бухоро вилоятлари мисолида ўрганиш, илмий таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хукуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оиласарда мънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу муаммоларни айниқса, вилоятларда, жумладан Навоий ва Бухоро вилоятлари мисолида ҳам ўрганиш долзарб вазифалар қаторига киради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review):

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги ва уларнинг жамиятдаги ўрни масалалари ижтимоий фалсафа, иқтисод, социология ва тарих соҳасидаги қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Бироқ, айнан Навоий ва Бухоро вилоятлари хотин-қизларининг ижтимоий-иктисодий ва маданий жараёнлардаги иштироки масаласи алоҳида, маҳсус тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистон хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни масаласи мустақиллик йилларида тарихчи олималар Д.Алимова[4], К.Нишонбоева[13], Я.Абдуллаева [5]Н.Джураева[6], Г.Ғаниева [11], Д.Собирова[8] каби тарихчи олималар томонидан амалга оширилган.

Д.Алимованинг Ўрта Осиё хотин-қизлари масаласига бағишлиланган илмий монографияси ва кўплаб илмий мақолаларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва оиласадаги ўрни масалалари анъанавий қарашлар ҳамда тарихийлик тамоили асосида ўрганилган[4].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology):

Тарихий-қиёсий ҳамда умумлаштирма таҳлиллар асосида хулоса бериш, холислик, илмийлик, тарихий ёндошув, тизимлаштириш тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results):

Мамлакатда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хукукий манфаатларини таъминлаш, турли соҳаларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизлар ролини кучайтириш ва мақомини ошириш, уларнинг хукуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаоллиги, уларнинг жамиятдаги мақоми ва мавқенини юксалтириш зарурати табиий бир жараён бўлиб, уни амалга ошириш инсон хукуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг таркибий қисми саналади. Айниқса, демократик янгиланишлар даврида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқенини ошириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда уларнинг хукукий маданияти ва хукукий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаолиятни кенг йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалалари давлатнинг муҳим мақсадлари қаторидан жой олди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир IV устувор йўналишида



мамлакатда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4749-сонли Фармони асосида “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” каби вазифалар белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан “Хозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт”, деб таъкидланиши, бу борадаги ишларни янада ривожлантириш долзарб масалаэканлигидан далолатdir. Шу боис аёлларнинг оиласида ҳам, давлат ва жамоат ишларида ҳам эркин фаолият юритишлари, уларнинг ҳукуқ ва манфаатларини сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш борасида мамлакат миқёсида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳётга жорий этилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони ушбу йўналишдаги ишларни тизимли амалга оширишда дастуруламал бўлиб хизмат қилди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини яна бир янги босқичга олиб чиқишида муҳим тарихий ҳужжат бўлди.

Фармонда Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида хотин-қизлар билан ишлашнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилди:

биринчидан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳётидаги роли ва фаоллигини ошириш;

иккинчидан, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий ахволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳукуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

учинчидан, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, ҳукуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан якка тартибда иш олиб бориши ҳамда жазони ижро этиш муссасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш каби аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур вазифалар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг жамият ҳётидаги фаоллигини ошириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг худудий бўлинмаларининг янгиланган тузилмалари тасдиқланди. Фармонда аввало ушбу жиҳатга муҳим эътибор қаратилиб, фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига тегишли штат бирликлари туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари тузилмасига ўтказилди ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби сакланган ҳолда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди.



Навоий вилоятида ушбу лавозимларга 954 нафар номзодлар тавсия этилиб, ишчи гурухлари томонидан уларнинг орасидан хар томонлама етук бўлган, хотин-қизлар дардини ўзининг дарди деб қабул қиласидан 316 нафар мутахассислар танлаб олиниб улар билан сухбат ўтказилиб туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан 6 ой муддатга лавозимларга тайинланди. Яна бир муҳим воқелик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ташкил этилиши замонавий оилани ривожлантириш, энг аввало, “Соғлом оила-соғлом жамият” концептуал гоясини ҳаётга тадбиқ этиш учун аҳамиятли бўлди. “Оила” маркази раҳбарлиги учун 34 нафар номзодлар тавсия этилиб, улардан 11 нафари вилоят ва ҳудудий “Оила” марказларининг раҳбарлари этиб тайинланди, оила марказлари учун 8 нафар мутахассис штатлари жорий этилди. Шунингдек, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб, ФХДЁ органларини никоҳ муносабатларига оид актларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига буйсундирилди. Фармонда эътибор қаратилган муҳим масала, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳукуқий, психологик асосларини ўргатиш, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича маҳсус курслар ташкил этиш вазифаси йўлга қўйилди. Вилоядта Навоий тиббиёт коллежи биносида ушбу ўқув курси ташкил этилиб, бугунги кунда 80 дан ортиқ “Оила” маркази ходимлари ҳамда мутахассисларнинг малакаси оширилди.

Шунингдек, бу борадаги изчил ислоҳотлар давомида 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Вазирлик хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳукуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилишдамухим аҳамиятга эга бўлди. Фармонга кўра, қуидаги асосий вазифалар белгилаб қўйилди:

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, “Соғлом оила – соғлом жамият” гоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли қўмаклашишни ташкил этиш;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаолигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга,

шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳукуқий, психологик ва моддий ёрдам қўрсатиш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Айнан, фуқаролар йигини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари, оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис лавозимларининг жорий этилиши ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг ташкил этилиши аёллар ижтимоий муаммоларининг самарали ҳал этилиши ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдаги ислоҳотлар натижадорлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Президент Ш.Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва гендер тенглик сиёсатини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони, 2 та қарори, Хукуматнинг 6 та қарори ва 4 та фармойишиқабул қилинди. Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Хотин-қизлар ва гендер



тенглик масалалари бўйича қўмита ташкил этилди. Бу тузилма, албатта, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга кенг имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этади. Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг хукуқ ва имкониятларини кенгайтириш Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларида асосий мақсадларнинг бири сифатида белгиланди.

“Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳамда “Хотин қизлар ва эркаклар учун тент ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” конунлар қабул қилинди. Бу билан хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш, гендер тенгликни таъминлаш, аёлларга нисбатан турли тазиик ва зўравонликларни олдини олиш ҳолатлари янада мустаҳкамланди. Конунда давлат хизматида гендер сиёсатини амалга ошириш учун вақтинчалик тарзда бир жинсдаги хизматчилар учун квоталаш органи жорий этилмоқда. Яъни ҳар бир давлат корхона ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар вакилларининг мутаносиблиги таъминлангунча вақтинчалик жинс квоталари белгиланади. Мутаносибликка эришгач, квоталар бекор қилиш мумкин. Айниқса, “Гендер тенглик” тўғрисидаги Конун хотин-қизларни давлат бошқарувнинг ижтимоий-сиёсий соҳаларидағи ролини ошириш учун замин яратади.

Маълумки, хотин-қизларнинг сиёсий хукуқлари, сайловларда иштироки, парламентда ўз ўрнига эга бўлиши, бошқарув ва ҳокимият идораларида ҳизмат қилиши тўлиқ кафолатланган. Хотин-қизларнинг турли-туман ижтимоий институтлар (аёллар кенгаши, тадбиркор аёллар уюшмалари, партиялардаги фаолияти, хайрия ташкилотлари ва х.к.)нинг мавжудлиги турли манфаат ва нуқтаи назарларни ифодалаш, эҳтиёжларни қондириш, муҳофазалаш имконини беради. Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувидаги ролини кучайтириш, уларнинг сиёсий хукуқларини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли уларнинг жамиятдаги тутган ўрни юксалди. Аёллар орасида “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Депутат”, “Сенатор”, “Вазир”, “Вазир ўринбосари”, “Академик”, “Олим”, “Тадбиркор”, “Директор” атамалари кўшиб айтилиши бунинг яққол мисолидир. Давлат ва жамият институтларида аёлларнинг раҳбар лавозимларга тайинланиши нисбатан ортди. Раҳбар аёллар кўрсаткичи 2017 йили 44,2%ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 %га етган”. Маълумки, 2007 йилда бўлиб ўтган Президентлик сайловида мамлакатда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўрсатилган бир неча номзод қаторида аёл киши – Д.Тошмуҳамедованинг ҳам номзоди кўрсатилди ва илк бор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингининг Конунчилик палатаси Спикери лавозимига аёл киши сайланди. Олий Мажлис Сенати раиси лавозимига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев тавсияси билан Т.Норбоева сайланди. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири лавозимига Агрепина Шин, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига Э.Баситханова, Бош прокурор ўринбосари лавозимига С.Ортиқова, қатор тумани ҳокимлари ҳамда олий таълим муассасаларида ректор лавозимига ҳам аёллардан номзодлар тайинланди. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиласи шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланиши, оналик ва болалик муҳофазасига муносаб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди.

Шунингдек, сайлов тизими хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқенини оширишда муҳим аҳамиятга эга. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ти Конуннинг 22-моддасида хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камиди 30%ни ташкил этиши белгиланганлиги юқоридаги фикрларнинг тасдиғидир. 2019 йил 22 декабрь куни мамлакат парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларнтижасига кўра, Олий Мажлис Конунчилик палатасида 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. 2014 йилда Конунчилик палатасига 24 нафар аёл сайланган эди. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоиздан ошди, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатларининг 31,2%ини аёллар ташкил қилди.



Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "...Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилиди. Ҳолбуки, – шунга эътибор беришингизни сўрайман – бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик".

Албатта аёлларнинг вакиллик органларидағи бу кўрсаткичлар аввалги сайловлардаги рақамлардан анча юқори бўлса-да, ҳамон эркакларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Чунки, юқори давлат вакиллик органи бутун тармоқнинг фаолиятини ташкил этиш маҳоратини талаб этгани боис, катта билим ва салоҳият билан бирга кўп вақт ҳам талаб этилади. Аёллар учун эса, шарқона қадриятлар асосида оила бирламчи аҳамият касб этади, аксарият вақтини уй-рўзгор юмушларига қаратиши тақозо этилади. Яъни, аёллар жамиятдаги анъанавий ва функционал вазифаларидан келиб чиқиб, бевосита оила, фарзанд тарбияси, рўзғор юмушлари билан банд бўлиб қоладилар. Айнан, юқори давлат бошқарув тизимлари (вазирликлар, давлат қўмиталари)да аёллар камчиликни ташкил этишининг объектив сабабларидан бири ҳам шундадир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаолияти сустлигининг сабаблари яна хотин-қизларда сиёсий ваколат учун кураш тажрибасининг этишмаслигига, сиёсий каръера имкониятларининг етарли тарғиб қилинмаганлигига, аёл мутахассисларнинг раҳбарлик лаёқатини кам деб баҳолаш устунлиги, ташкилотларда номзодлар заҳираларни тайёрлаб борилишига эътибор берилмаслигига ва бошқарув органларида ҳали ҳам эркакларга нисбатан озчиликни ташкил қилишларида кўринади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, жамият ривожида аёлларнинг сиёсий жараёнларда ва давлат бошқарувидаги иштироки даражасини аниқлашда куйидаги омиллар мухим мезон ҳисобланади:

қарорлар қабул қилишда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли иштирок этиши;

хотин-қизларнинг сон микдори ўсиб боришини таъминлаган холда бошқарув органларидағи фаолияти;

аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги;

хотин-қизларнинг бошқарув органларидағи иштирокига таъсир этадиган институционал (хотин-қизларнинг сиёсатга интеграциялашуви, сиёсий партияларнинг хотин-қизлар ҳаётига кенг кириб бориш имконияти) ва индивидуал (хотин-қизларнинг маълумотлилик даражаси, касбий малакаси, ҳуқуқий саводхонлиги, сиёсий фаоллиги) омиллар;

хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ва аёл етакчилар (лидерлар) тайёрлаш муаммолари;

хотин-қизларнинг бошқарув органларидағи фаоллигини оширишда давлат бошқарув органлари ходимлари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларининг ўрни шулар жумласидандир.

Навоий вилояти аҳолиси 2019 йилда 964783 нафар бўлиб, аҳолининг 501727 нафари, яъни 51 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. 2010 йилда вилоят аҳолисининг 50,8 фоизини ёки 413200 нафарини хотин-қизлар ташкил этган бўлса, 2017 йилда 468000 нафар бўлган.

Бухоро вилояти аҳолиси 2008 йилда 1566,1 нафар бўлиб, аҳолининг 786,7 нафари хотин-қизлардан иборат бўлган. 2018 йилда 1870,2 нафар вилоят аҳолисининг 934,6 нафарини аёллар ташкил этган.

2016 йилда Навоий вилоятидан Г.Сатторова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси бўлган бўлса, 2019 йилда Томди тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Тўлекова ҳамда Навоий шаҳар “Мехрибонлик уйи” директори Д.Орзиеva, Бухоро вилоятидан эса республика “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи Абера Ҳусейнова сенатор сифатида сайландилар. Конунчилик палатасига эса, Навоий вилоятидан И.Коржикова, А.Тулегенова, Бухоро вилоятидан М.Баратова, У.Рахмонова, Э.Аслоновалар депутат сифатида сайланishi.



Маҳаллий кенгашларга эса Бухоро вилоятидан 80 нафар депутат аёл сайланган бўлиб, худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хотин-қизларга муносабат масаласига мажмуавий ёндашув туфайли ана шундай натижалар қўлга киритилмоқда. Чунки мамлакатда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий замин, балки самарали институционал база ҳам мавжуддир. Мисол тариқасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўрсатиш мумкин. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кенг қўллаб-кувватлаб келаётган фуқаролик институтларидан бири Хотин-қизлар қўмитаси бўлиб келибди. Деярли йигирма саккиз йилдан ошик тажрибага эга мазкур ташкилот ўз атрофига 35 мингдан ортиқ хотин-қизни бирлаштириди. Айнан, 1991 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташкил топиши билан аёллар ҳаракати тарихининг янги босқичи бошланди ва қўмита аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш учун хизмат қилиб келди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси аёлларни қўллаб-кувватлашга оид давлат сиёсатини амалга оширап экан, ушбу қўмитанинг фаолияти давлат бу борада олиб бораётган сайд-ҳаракатларига монанд бўлишини тақозо этади. Шунга кўра, хотин-қизларни қўллаб-кувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш қўмитанинг устувор вазифаларидан бири бўлиб келди.

Хусусан, 2018 йилда Навоий вилоятида 698 та бошланғич ташкилотлари фаолиятлари намуналий йўлга қўйилиб, 65 та янги очилган корхона, ташкилот ва муассасаларда бошланғич ташкилотлар ташкил этилди.

Вилоят лидер аёллари етакчилигига 2019 йилда ўтказилган сайловларда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ўтказилган сайловлар якунига кўра, Навоий вилоятидан Олий Мажлис Сенатига 2 нафар, Қонунчилик палатасига 2 нафар, вилоят кенгашига 17 нафар ҳамда маҳаллий кенгашга 70 нафар хотин-қизлар депутатликка сайланди. 265 та заҳираға олинган хотин-қизларнинг 86 нафарини 30 ёшгача бўлғанлар ташкил этади. Вилоятда кўплаб лидер-етакчи аёллар фаолият юритишади. Вилоятда 84 нафар хотин-қизлар фахрий унвон ва орденлар билан тақдирланган бўлса, 22 нафар иқтидорли қизлар Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларири, 64560 нафар қизлар "Қизларжон клуби" аъзоси сифатида турли тадбирларга жалб этилди. Вилоятда ўз меҳнати билан сиёсий-иктисодий ислоҳотлар, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида самарали ва фаол меҳнат қилиб, маънавий янгиланиш жараёнида қатнашиб келаётган Д.Усмонова, В.Лаптева, О.Очилова, И.Абдуллаева, С.Бозорова, Л.Юрикова, С.Рахимова Р.Тошева каби ижтимоий фаол аёлларнинг меҳнати мунособи тақдирланган. Мамлакат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан К.Нармуратова – Конимех тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, (Халқ депутатлари Конимех туман Кенгashi депутати) – "Шуҳрат" медали билан тақдирланган. Ўзбекистон Қаҳрамони олий даражадаги унвон билан 1995 йилда Бухоро шаҳридаги "Зардўз" аксионерлик жамияти юксак бадиий буюмлар тайёрлаш участкасининг катта устаси М.Темирова, 2000 йилда. "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти 1-йигириув-тўқув фабрикасининг йигириувчиси М. Раҳматоваларнинг меҳнати рағбатлантирилган.

Хотин-қизлар қўмитаси ўз фаолиятини Ўзбекистоннинг барча худудлари бўйича амалга ошириб келишида нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ижтимоий шерикчилик катта аҳамиятга эга бўлди.

Ижтимоий шерикчилик институти жамият ва давлат ўртасида мулоқот муҳитини яратиш орқали давлат ва нотижорат ташкилотларнинг ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, жумладан, аёллар ННТлари томонидан жамиятдаги муаммоларни очиш ҳамда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида хизмат қиласи.

Аёллар ННТлари ва давлат органлари ижтимоий шерикчилигининг қуидаги йўналишларини ажратиш мумкин:

Аёллар ва уларнинг оиласаларини ижтимоий-психологик қўллаб-кувватлаш;



Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш;

Аёллар бандлигини таъминлаш;

Аёллар ўртасида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш;

Аҳоли саломатлиги ва табиатни муҳофаза қилиш;

Ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш;

Она ва бола муҳофазаси;

Барча жабҳаларда аёллар хукуқ ва манфаатларини ҳимоялаш;

Аёлларнинг хукуқий маданиятини ошириш ва бошқа масалалар.

Аёллар масалалари билан шуғулланишни танлаган жамоат институтлари ҳамда аёллар томонидан ташкил этилаётган ва бошқарилаётган ташкилотлар аёллар ташкилотларирид. Шунингдек, Ўзбекистонда бундай ташкилотларни аёллар, болалар ва оиласлар ҳимояси ҳамда манфаатларини таъминлашга қаратилган фаолият олиб борувчи ташкилотлар сифатида тушунилади. Республикада аёллар ва оила масалаларига ихтисослашган 500 дан ортиқ аёллар нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) фаолият юритади, бироқ республика худудида бир текисда тақсимланмаган. Аксарият ташкилотлар шаҳар ва вилоят марказларида ташкил этилган. Уларнинг энг йириклари қўйидагилар: 214 ҳудудий бўлинмасига эга Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси: 14 та – вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри миқёсида ва 200 та – туман ва шаҳар миқёсида; 57 ҳудудий бўлинмасига эга “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмаси; 1 республика ва 3 ҳудудий бўлинмасига эга Ўзбекистон хотин-қизларининг “Олим” уюшмаси. Агар бу ташкилотларнинг фақат вилоят филиаллари ҳисобга олинса ҳам, уларнинг аёллар ҳаракатидаги салмоғи 50%га етади. Мамлакатнинг 8 ҳудудида Хотин-қизлар қўмитаси билан ташкил этилган “Аёллар ва уларнинг оиласларини ижтимоий-хукуқий қўллаб-кувватлаш марказлари” фаолият юритиб келди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда 300 дан зиёд ННТ аёллар, ёшлар ва болаларни қўллаб-кувватлашга йўналтирилган ишларни олиб боради. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси таҳлилларига кўра, сўнгги вактларда аёллар ННТлари қўйидаги асосий йўналишларда фаолият юритади: Аёллар ва уларнинг оиласларини ижтимоий қўллаб-кувватлаш – 54%; Аёллар ва аҳолининг хукуқий билими ва маданиятини ошириш – 49%; Аёллар ва уларнинг оиласлари саломатлиги, ногиронлиги бўлган кишилар, спортни ривожлантириш – 44%; Фан ва таълим – 14 %; Атроф-муҳит муҳофазаси кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда аёллар ННТлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий қисми Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятини қўллаб-кувватлаш жамоат фонди томонидан амалга оширилади. Аёллар хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий лойиҳалар Фонд томонидан молиялаштирилади. 2018-2020 йиллар давомида Фонд томонидан аёллар масалаларига йўналтирилган 40 га яқин лойиҳа молиялаштирилган. Шунингдек, қатор ННТлар Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро жамғармалардан грант ёрдамларини олади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаши, ижтимоий шериклик доирасида фаолиятни амалга ошириш чоғида аёллар, болалар, оиласларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиши лозим бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатади, аёллар ННТлари олдида қўйидаги вазифаларни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади: БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ти Конвенцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мутаносиб равиша аёллар ва болалар хукуқларини таъминлашга доир қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; Аёлларни иш жойи ва оиласда хукуклари бузилиш холатларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича хукуқ-тарғибот идоралари, ижтимоий ва тиббий хизмат вакиллари кўнімларини оширишга қаратилган комплекс тизимини ташкил қилиш; 2017-2021 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларида аёллар фаоллигини оширишга йўналтирилган бўлимлар ижросини таъминлаш; Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини



фаоллаштириш; Аёллар, айниқса, ёш қизларнинг иқтидорини юзага чиқарувчи қўшимча имкониятлар яратиш; Аёллар бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш кабилар шулар жумласидандир.

Маълумки, 2000 йилга келиб Республикада энг йирик 3 та аёллар ташкилотлари хисобланган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ишбилармон аёллари “Тадбиркор аёл” ассоциацияси, Ўзбекистон хотин-қизлари “Олим” уюшмалари географик жиҳатдан ҳам, аъзоларининг сони жиҳатидан ҳам энг йирик ташкилотларга айланганлигини кўриш мумкин. Ушбу ташкилотларнинг деярли барча вилоятларда филиаллари фаолияти йўлга қўйилди.

Бухоро вилоятида 1994 йил декабрда “Тегина бегим моҳ” маркази ташкил топган бўлиб, мазкур аёллар нодавлат нотижорат ташкилоти 1999 йил 22 февралда адлия идоралари рўйхатидан ўтган. Ташкилотга З.Муродова раҳбарлик қилиб, аёлларнинг амалий, тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятини қўллаб-кувватлаш, қизлар ва аёлларга касб танлаш масалалари, шахслараро муносабатлар, оиласи режалаштириш ва репродуктив саломатлик муаммолари бўйича билим бериш мақсадида ташкил этилган. 2000 йилгача касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурлари доирасида 30 нафар аёлга хизмат кўрсатилган бўлса, 46 нафар хотин-қизлар марказ кўмагида ишга жойлаштирилган. 154 нафар аёлларга психолог хизмати кўрсатилган. 24 нафар аёлга тиббий ва хуқуқий маслаҳатлар берилган.

Kundalik hayotimizda jins bilan bog'lanmagan ko'plab tushunchalar "erkaklarga xos" yoki "ayollarga xos" deb hisoblanadi. Ya'ni, o'ziga xos "jinsiy", gender xususiyatga ega bo'lib qoladi. "Erkaklarga xos" yoki "ayollarga xos" tushunchalarni aniq farqlash uchun "feminlik" (ayollik) va "maskulinlik" (erkaklik) tushunchalari qabul qilingan. Yangi tushunchalarning kiritilishi erkaklarga xoslik va ayollarga xoslikning biologik ziddiyatini bartaraf etish, va tegishli ravishda e'tiborni turli madaniyatlar shakllanishining ichki mexanizmlarini gender nuqtai nazaridan ochishga qaratish imkonini berdi.

Gender fanida gender farqlarning tashkil topish jarayoni odatda ijtimoiylashuv jarayoni bilan bog'lanadi. Ijtimoiylashuv- sosializasiya (sosializasiya – lotincha socialis – ijtimoiy) bu individ tomonidan jamiyatning to'laqonli a'zosi sifatida faoliyat yuritish imkonini beruvchi bilim, me'yor va qadriyatlarni o'zlashtirish jarayonidir. Ijtimoiylashuv o'z ichiga maqsadli ta'sirning ijtimoiy nazorat qilinuvchi jarayonlarini qamrab oladi. Masalan, tarbiya, yoki uning shakllanishiga ta'sir qiluvchi tabiiy jarayonlar. Ijtimoiylashuv asosiy institutlari va agentlari sirasiga oila, maktab, tengdoshlar guruhi, atrofdagilar, shu jumladan, qo'shnilar, tanish-bilishlar, do'stlar, ota-onalar va hokazolar va ayni paytda ommaviy axborot vositalari kiradi. Umuman olganda bu tegishli madaniy-me'yoriy andazalarni o'zlashtirish, qabul qilish va ifodalash jarayoni sodir bo'ladigan muhitdir. Xusan, jinsiy-rolli yoki boshqacha aytganda, gender ijtimoiylashuv jarayonida jamiyatda qabul qilingan madaniy me'yorlarga muvofiq ravishda erkak yoki gender o'zlikning shakllanishi sodir bo'ladi (identity – o'zlikni anglash). Ijtimoiylashuvning turli jihatlari psixologiya, ijtimoiy psixologiya, sosiologiya, tarix va etnografiya, pedagogika fanlari tomonidan o'rganiladi.

Gender o'zlik - muayyan madaniyatda amal qiluvchi erkaklarga xoslik va ayollarga xoslik bilan o'zining bog'liqligini anglashdir O'zini erkak yoki ayol sifatida identifikasiyalash – bu ushu jamiyat tomonidan ularning biologik jinsidan kelib chiqqan holda belgilangan psixologik sifatlar va harakatlar modelini qabul qilish demakdir.

Ijtimoiy psixologiya nuqtai nazaridan individlar gender me'yorlariga mos kelishga harakat qiladigan ikki asosiy sabab bor – bu me'yoriy va informasion tazyiq. Me'yoriy tazyiqning mohiyati shundaki, inson ijtimoiy yoki guruhiy kutishlarga moslashishi va shorqali jamiyat undan yuz



o'girmasligiga erishishi lozim. Ba'zan jamiyat an'anaviy tarzda qat'iyashib qolgan gender rollarga bo'y sunishdan bosh tortganligi uchun qattiq jazolashi mumkin.

Bunga ko'plab misollar bor: O'rta Osiyoda xotin-qizlar harakati va rivojlanishi tarixidagi Hujum harakatidan ko'zlangan maqsad ayollarning paranjida yurishdan voz kechishi, ularning ijtimoiy hayotda bilim olishda keng ishtirok etishga intilishiga erishish edi. Bu jarayon shafqatsiz kurash bilan davom etgan va natijada ayollarning oddiy insoniy huquqlari va tanlash erkinligini cheklovchi o'rta asrlar talablaridan bosh tortgani uchun ko'plab ayollarning qoni to'kilgan. Eronda oyatulloh Humayniy davlat rahbari bo'lgan davrda, 1979 yilning o'rtasidan 80-yillargacha kiyim va xatti-harakat tartiblariga rioya qilmagan 20 ming ayol o'lim jazosiga hukm qilingan. Shaxsga me'yoriy tayziq o'tkazish jarayoni, an'anaviy rollarga rioya qilishga majburlash oddiy demokratik me'yorlar va rivojlanishda jinslar tengligini tan olish mavjud bo'lмаган jamiyatlarda kuzatiladi.

Gender rollar - bu gender atrofidagi rollardan kelib chiqadigan ijtimoiy kutishlar, va ayni paytda nutq, uslub, kiyim va xatti-harakatlardir. Erkaklar va ayollar g'oyalari bir-biriga zid deb hisoblanadi, va ayrim jamiyatlarda rolli xatti-harakatlar qutblashgan bo'lishi mumkin: passivlik – ayollar roli, faollik – erkaklar roli. Gender rollar bilan bog'liq bo'lgan ko'rsatmalar ayniqsa, mehnatning erkaklar va ayollar mehnatiga bo'linishida yaqqol namoyon bo'ladi.

Axborot tazyiqi, o'z navbatida individ shaxsiga ta'sir ko'rsatadi, inson o'zi va dunyo haqidagi bilimlarni kengaytirib, muayyan ijtimoiy masalalarga qanday yondashish kerakligini anglashga intilar ekan, ko'pincha o'z tajribasiga emas, atrofdagilardan olayotgan axborotga tayanadi. Birinchi navbatda, bu gender rollarga tegishlidir. Erkaklar va ayollar turli rollarni bajaruvchi muhit, shuningdek, ommaviy axborot vositalari erkaklar va ayollar o'rtasidagi farqning qanchalik kattaligini ta'kidlab kelishadi. Bunday farqlar "tabiiy" xususiyatga ega ekanligi, o'zgarmasligi, bularning barchasi haqiqat ekanligi to'g'risidagi xulosa zo'r lab uqtiriladi va odamlar ushbu ko'rsatmalar va kutishlarga rioya etadi. Rivojlanish psixologiyasi sohasidagi mutaxassislar "differensial ijtimoiylashuv" atamasidan gender rollarini o'zlashtirish sodir bo'ladijan jarayonni belgilash maqsadida foydalanishadi. Differensial ijtimoiylashuv jarayoni ko'pincha bola tug'ilishidan avval vujudga keladi. O'g'il yoki qiz tug'ilishini bilish ota-onalar va atrofdagilar harakatiga ta'sir ko'rsatadi, shunga ko'ra bolaga ism, kiyim va o'yinchoqlar tanlanadi. Bola tarbiyasining har bir bosqichida, keyinchalik butun umri davomida "erkaklarga xos" va "ayollarga xos" harakatlar me'yorlari va stereotiplar mustahkamlanadi. 5 yoshga kelib bolalar qat'iyat bilan o'zlarini erkak yoki ayol jinsiga mansub deb hisoblaydi va bu gender identifikasiyaga mos keladi. O'zini anglash va atrofdagi voqelikni tushunish davomida individning ijtimoiy harakati kutilayotgan ijtimoiy me'yorlarga mos kelishi mumkin.

Adabiyotlar

1. Jerebkina. Vvedenie v gendernyye issledovaniya. Xarkov. 2001.
2. Osnovы genderных issledovaniy. Uchebnik. MGSI. M., 2001.
3. Xamdamova X. Оилада аёлларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Buxoro. Xalqaro konferensiya to'plami.2020.
4. Abduvahobova D. Роль женщины в развитии физической культуры в семье. Buxoro. Xalqaro konferensiya to'plami.2020.



GENDER USTANOVKALARNI O'RGANISHDAGI ASOSIY YO'NALISHLAR

Boysariyev N.
katta o'qituvchi,
Jizzax politexnika institute

Annotasiya: Maqolada o'quvchilarni gender tengligi ruhida tarbiyalash holatlari va uning nazariy asoslari, gender ustanovkalarni o'rganishdagi asosiy yo'nalishlar, erkaklar va ayollar qobiliyatlari qisman tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: gender, tehlik, huquq, ustanovka, xususiyat.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИЗУЧЕНИЯ ГЕНДЕРНЫХ ШКОЛ.

Бойсариеv Н.
старший преподаватель,
Джизакский политехнический институт

Аннотация: В статье частично анализируется ситуация с воспитанием студентов в духе гендерного равенства и ее теоретические основы, основные направления в изучении гендерных институтов, способностей мужчин и женщин.

Ключевые слова: пол, идентичность, право, позиция, характеристика.

MAIN DIRECTIONS OF STUDYING GENDER SCHOOLS

Boisariev N.
Senior Lecturer,
Jizzakh Polytechnic Institute

Resume: The article partially analyzes the situation with the education of students in the spirit of gender equality and its theoretical foundations, the main directions in the study of gender institutions, the abilities of men and women.

Key words: gender, identity, law, position, characteristics.

So'nggi yillarda gender tenglikni ta'minlash, ayollarning ijtimoiy va siyosiy hayotdagi rolini oshirish bo'yicha ishlar bir necha yo'nalishlarda olib borilmoqda:

- ayollar huquqlari to'g'risidagi qonun hujjatlarini takomillashtirish;
- ayollarni himoya qilishning institutsional asoslarni takomillashtirish;
- aholining gender tenglik va ayollar huquqlari to'g'risida xabardorligini oshirish;
- huquqni qo'llash amaliyotida ularga rioya etilishini ta'minlash uchun mas'ul mansabdor shaxslarni tegishli huquqiy me'yorlar asosida o'qitish.

O'zbekistonda bir qator qonun hujjatlari, jumladan, Prezidentning xotin-qizlar huquqlarini ta'minlash, xususan, gender tengligi va ayollarni zo'ravonlik va zulmdan himoya qilish, ayollar tadbirkorligini rivojlantirish maqomini kuchaytirish to'g'risidagi farmon va qarorlari qabul qilingan.

Gender tengligini joriy qilish nuqtayi nazaridan ta'limdagi ijobiy siljishlarni alohida ta'kidlash kerak. Ya'ni, 2017-yildan boshlab aksariyat oliy o'quv yurtlarida turli mutaxassisliklar bo'yicha sirtqi bo'limlar faoliyati tiklandi. Ta'limning ushbu shakli yosh ayollarga bolalarni parvarish qilish va boshqa oilaviy majburiyatlarni bajarishga xalal qilmasdan oliy ma'lumot olish imkoniyatini beradi.

Gender tenglik bo'yicha institutsional choralarga kelsak, ayni paytda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Senati tarkibida ayollar huquqlarini ta'minlash va kamsitishning har qanday shakliga barham berish bo'yicha milliy qonunchilikda xalqaro standartlarni uyg'unlashtirish bilan shug'ullanuvchi yangi Xotin-qizlar va gender tenglik masalalari qo'mitasi tashkil qilingan. Bundan tashqari, mehnatga oid huquqlarning kafolatlari va qo'llab-quvvatlashni yanada kuchaytirish,



uydagи zo'ravonlik qurbanlariga yordam berish maqsadida Zo'rlik ishlatishdan jabr ko'rgan shaxslarni rehabilitatsiya qilish va moslashtirish hamda o'z joniga qasd qilishning oldini olish respublika markazi va Xotin-qizlar tadbirkorligi markazi, Hukumat huzuridagi "Oila" ilmiy-amaliy tadqiqot markazi kabi yangi tuzilmalar tashkil topdi.

Mazkur yangi tashkil etilgan barcha mexanizmlar O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi bilan birgalikda BMT Konvensiyasiga muvofiq ayollar huquqlari, gender tengligi va xotin-qizlarga nisbatan kamshitishlarga barham berishning yagona yaxlit mexanizmiga aylanishi masalaning muhim tomonidir.

Ta'kidlash joiz, qabul qilingan normativ-me'yoriy hujjatlar va amaliy chora-tadbirlar O'zbekistonning gender siyosati sohasidagi muhim qadamidir va u qonunchilik hamda amaliyatning xalqaro me'yor va standartlariga to'liq mos keladi, shu bilan birga, ularning bir qismi BMTning inson huquqlari bo'yicha idoralari tavsiyalariga asoslangan.

Bugungi o'zgarishlar, bizning xatti-harakatlarimizga to'siqlik qiluvchi hodisalarga faol qarshilik ko'rsata olish ahloqiy poklanish xarakteriga egadir. Yangi yondashuv jamiyatning qanday yoshlarni tarbiyalashi bilan belgilanadi. Barcha gender ustakovkalarni uch guruhga taqsimlasa bo'ladi.

Birinchisi – maskulinlik - feminlik (yoki femininlik) ustakovkali. Boshqacha aytganda, bu mardlik-latofatlik ustakovkalar deb ataladi. Dastavval, maskulinlik (mardlik) va feminlik (latofatlik) tushunchalari nimani anglatishini ko'rib chiqamiz. I.S.Kon tomonidan taqdim etilgan "maskulinlik" atamasi ma'nosini tahlil qilishga asoslanib, feminlik va maskulinlik tushunchalariga berilayotgan mazmunni quyidagicha ifoda etish mumkin.

1. Maskulinlik va feminlik tushunchalari erkaklarga (maskulinlik) yoki ayollarga (feminlik) "xolisona xos bo'lgan" (I.Konning ta'kidlashicha) ruhiy va xulq-atvoriy xususiyatlarni aks etadi.
2. Maskulinlik va femininlik tushunchasi turli ijtimoiy tasavvurlar, fikrlarni o'z ichiga oladi, erkaklar va ayollar qanday va ularga qaysi xususiyatlar maqbul ekanligi aniqlanadi.
3. Maskulinlik va feminlik tushunchalarida ideal erkak va ideal ayolning me'yoriy qoliplari o'z ifodasini topadi.

Shunday qilib, birinchi guruhdagi gender ustakovkalarni mardlik va latofatlik haqidagi tasavvurlar aksini topgan muayyan shaxsiy fazilatlar va ijtimoiy-psixologik xususiyatlar yordamida erkaklar va ayollarni tasniflovchi ustakovkalar sifatida belgilash mumkin. Masalan, ayollarga passivlik, bog'liqlik, emosionallik, konformlik kabi xususiyatlar, erkaklarga esa – faollik, mustaqillik, kompetentlik, jahdordik va hokazolar xos. Ko'rib turganimizdek, maskulinlik va feminililik xususiyatlari qarama-qarshi qutblarga ega: faollik – passivlik, kuch – ojizlik. N.A.Nechayevning tadqiqotlariga ko'ra, ayolning an'anaviy ideali vafodorlik, sociqlik, kamtarlik, nazokat, latofat, itoatkorlik kabi fazilatlarni o'z ichiga oladi. U olib borgan so'rovnomalarning ishtirokchilarining aksariyati erkak va ayollarni an'anaviy nuqtai nazardan ifodalovchi fazilatlar va xususiyatlariga yondashganlar, masalan, ayol – muloyim, latofatli, sadoqatli, erkak esa – faol, ishonchli, kuchli.

Gender ustakovkalarning ikkinchi guruhi oilaviy, professional va boshqa sohalarda muayyan ijtimoiy rollarni mustahkamlash bilan bog'liq. Ayollarga, odatda, asosiy rollar sifatida oilaviy (ona, uy bekasi, turmush o'rtog'i) rollar, erkaklarga esa – professional rollar belgilanadi. I.S.Klesina ta'kidlashicha, "erkaklar o'z kasb-korida erishgan yutuqlariga qarab, ayollar esa – oilasi va bolalari mavjudligiga qarab baholanadi". Muayyan bir sohada (masalan, oilaviy) erkaklarga va ayollarga xos deb hisoblangan rollar majmui har xil. "Gender rollarni anglashga ta'sir ko'rsatuvchi ijtimoiy omillar" tadqiqotida 18 yoshdan 60 yoshgacha bo'lган 300 kishi o'rtasida so'rovnomalarning natijada er-xotin o'rtasida oilaviy majburiyatlarni taqsimlashda quyidagi differensiasiya paydo bo'ldi. Jumladan, faqat ayollarga xos deb uyni tozalash, ovqat pishirish, kir yuvish va dazmol qilish, idish-tovoq yuvish kabi rollar ta'kidlangan. So'rov ishtirokchilarining fikriga ko'ra, oilada erkakning vazifasi pul topish, uyda ta'mirlash ishlarini bajarish, axlatni olib chiqishdan iborat. So'rov qilinganlarning 90% ortig'i oilada erkak va ayollarning vazifasi haqidagi an'anaviy tasavvurlarni aks ettiruvchi "Ayolning asosiy burchi – yaxshi rafiq va ona bo'lish" va "Erkak – bu asosiy boquvchi, oilaning boshlig'i" degan tushunchalarni qo'llab—quvvatlaganlar.



Mazkur tadqiqot doirasida olib borilgan guruh intervyu qatnashchilarining aytganlariga ko'ra, ayolga ko'pincha uy bekasi vazifasi yuklanadi, ya'ni, respondentlar fikricha, u "oilaning yaxlitligini ta'minlaydi" va "uyda sog'lom muhitni yaratadi" deb hisoblashgani aniqlandi. Erkak esa "oila tayanchi" rolini bajaradi, va bu vazifa ko'proq rahbar qilish xarakterga ega: erkak oilada "strategik maqsadlarni belgilash" bilan shug'ullanadi, u "boshqaradi", "ko'rsatma beradi" va umuman hamma uchun namuna bo'ladi. Shu bilan birga dam olish, hordiq chiqarish bilan bog'liq rollar odatda ayollarga qaraganda erkaklarga mos deb hisoblanadi (do'stlar bilan pivo ichib, muloqot qilish, divanda dam olib yotish, televizor ko'rish va x.k. Bu hol, shuningdek, maktab darsliklarini o'rganish bo'yicha o'tkazilgan tadqiqot natijalarida ham o'z ifodasini topgan, ya'ni, erkak personajlar ayollarga qaraganda dam olish vaziyatlarida ko'proq aks ettirilgan. Shu tariqa bizx gender stereotiplarning gener ustanovkalar shakllanishiga ta'sirini ko'ramiz.

Gender stereotiplarning uchinchi guruhi erkaklar va ayollar o'rtasidagi farqlikni mehnatning muayyan turlari bilan shug'ullanish jarayonida o'z ifodasini topgan. Jumladan, erkaklarga, odatda ijodiy va yaratuvchanlik xarakteriga ega intsrumental soha faoliyatidagi mashg'ulot va kasblar, ayollarga esa – bajaruvchi va xizmat ko'rsatuvchi xarakteri bilan farqlanuvchi ekspressiv sohalar xos deb hisoblanadi. Shuning uchun "erkaklarga xos" va "ayollarga xos", deb ataluvchi kasblar mavjudligi to'g'risidagi fikr keng tarqalgan. YuNESKOning ma'lumotlariga ko'ra, erkaklarga xos kasblarning andozaviy ro'yxati arxitektor, haydovchi, muhandis, mexanik, tadqiqotchi va hokazo kasblardan, ayollarga xos kasblar esa kutubxonachi, tarbiyachi, o'qituvchi, aloqa xodimi, kotiba va boshqalardan iborat.

Olimlar fikriga ko'ra, "erkaklarga xos" rollar qatoriga sanoat, texnika, qurilish, harbiy, qishloq xo'jaligi boshqa sohalaridagi mutaxassisliklarning keng majmui kiradi. Ayollarga bu borada an'anaviy ravishda ta'lim sohasidagi (o'qituvchi, tarbiyachi), tibbiyotdagi (vrach, hamshira, doya), xizmat ko'rsatish sohasida (sotuvchi, farrosh, ofisiant) kasblar mos deb hisoblanadi. Erkaklarning ilm sohasidagi bandligi aniq, ijtimoiy fanlar, ayollarning esa ishtiroki – aksariyat hollarda gumanitar fanlar bilan bog'liq. Erkaklarga va ayollarga xos deb taqsimlashning ushbu "gorizontal" bo'linishi bilan birga vertikal bo'linishi ham mavjud, ya'ni, rahbar lavozimlarni ko'pincha erkaklar egallaydi, ayollarning o'rni esa ijobchi xarakterga ega. Gender ustanovkalarining keltirilgan tasnifi uzil-kesil emas, va u yetarli darajada shartli tusga ega bo'lganligi bois tahlilni oddiylashtirish uchun qabul qilingan. Gender ustanovkalarning qayd etilgan guruhlari orasida feminlik-maskulinlik ustanovkalari bir muncha umumiy va universal hisoblanadi. Ikkinci va uchinchi guruhdagi andozalar ko'proq shaxsiy xarakterga ega hamda aksariyat hollarda, oilaviy va professional sohalarni qamrab oladi. Bunda gender ustanovkalarining bayon etilgan uchta guruhi bir-biri bilan o'zaro qalin bog'langan. Ehtimol, gender ustanovkalarini tasniflash uchun turli xil asoslardan foydalangan holda ularning boshqa turlarini ham ajratib ko'rsatish mumkindir.

Xorijda gender ustanovkalarni o'rganishga ko'plab tadqiqotlar bag'ishlangan. Dastavval ular ustanovka tushunchasining o'zini, ustanovkalarning namoyon bo'lish shakllarini o'rganishga yo'naltirilgan. Keyinchalik mazkur tadqiqotlarda faoliyat ko'rsatish va tushuntiruvchi chizmalarning mazkur jarayon yuzaga keladigan mexanizmlarini izlashga chuqur kirishildi. 1950-yillarda olib borilgan bu sohadagi ilk tadqiqotlar erkak va ayollarning bir-birlari to'g'risidagi odatdag'i tasavvurlarini va ular asosida yuzaga keladigan ustanovkalarni aniqladi. Jumladan, o'tkazilgan tadqiqotlarning natijalari shuni ko'rsatdiki, ijobiy erkak qiyofasi ko'pincha kompetentlik, faollik va omilkorlik, ayollarda esa – dilkashlik, mehribonlik va ruhiy qo'llab-quvvatlash konnotasiyalarida ifodalanadi. Bunda erkaklarga xos salbiy xususiyatlar qatorida qo'pollik, avtoritarlik, ayollarda esa – passivlik, hissiyotlarga o'ta beriluvchanlik va hokazo. 1970-yillardagi keyingi tadqiqotlar professional faoliyatning turli jahbalarida namoyon bo'lувchi erkaklar va ayollar qobiliyatları nuqtai nazaridan ustanovkalarni o'rganishga qaratilgan edi. O'tkazilgan tajribalarda ishtirokchilar erkaklarning qobiliyatlarini ayollarnikiga qaraganda yuqoriqoq baholagani aniqlangan.

Adabiyotlar

1. Основы гендерных исследований. Учебник. М., 2001.



2. Xamdamova X. Оилада аёлларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Buxoro. Xalqaro konferensiya to'plami. 2020.
3. Abduvahobova D. Роль женщины в развитии физической культуры в семье. Buxoro. Xalqaro konferensiya to'plami. 2020.
4. Boysariyev N. Хотин-қизлар спортини ривожлантириш устувор вазифа сифатида. Buxoro. Xalqaro konferensiya to'plami. 2020.



O'QUVCHILARINING MUSTAQIL FIKRLASHINI RIVOJLANTIRISHDA O'QITUVCHINING ROLI

Karimov F.
o'qituvchi,
Jizzax politexnika instituti.

Annotation: Ushbu maqolada o'quvchilarining mustaqil fikrlashini rivojlantirishda ta'limi innovasiyalardan foydalanish yo'llarini aniqlash hamda ularni amaliyotga tatbiq etish xususida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: mustaqil, fikr, ta'lilot, innovasiya, tizim, shaxs.

РОЛЬ УЧИТЕЛЯ В РАЗВИТИИ НЕЗАВИСИМОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ

Каримов Ф.
педагог,
Джизакский политехнический институт.

Аннотация: В статье рассматриваются способы использования образовательных инноваций в развитии самостоятельного мышления студентов и их применение на практике.

Ключевые слова: независимый, мысль, учение, инновация, система, человек.

THE ROLE OF THE TEACHER IN DEVELOPING THE INDEPENDENT THINKING OF STUDENTS

F. Karimov
teacher,
Jizzakh Polytechnic Institute.

Abstract: The article examines the ways of using educational innovations in the development of students' independent thinking and their application in practice.

Key words: independent, thought, teaching, innovation, system, person.

O'zining qadr-qimmatini anglaydigan, irodasi baquvvat, iymoni butun, hayotda aniq maqsadga ega bo'lgan insonlarni tarbiyalash imkoniga ega bo'lamiz. Ana shundan keyin ongli turmush kechirish jamiyat hayotining bosh mezoniga aylanadi. Shunda odam olomon bo'lib, har lahzada ehtiyoj sezib emas, aksincha - o'z aqli, o'z tafakkuri, o'z mehnati, o'z mas'uliyati bilan, ongli tarzda, ozod va hur fikrli inson bo'lib yashaydi".

Demak, jamiyatni demokratlashtirish va insonparvarlashtirish kasb-hunar fani oldiga yuksak vazifalarni shart qilib qo'yadi. Ana shunday vazifalardan biri o'quvchilarning mustaqil fikrlashini shakllantirishdir. Aynan o'quvchilarning mustaqil fikrlashini shakllantirish orqali demokratik va insonparvar jamiyat uchun asosiy qadriyat sanalgan "jamiyat hayotida faol ishtirot etish", "hamkorlik", "individuallashtirish", "ongli intizom", "tolerantlik", "qadr-qimmat", "erkinlik" kabi tushunchalar hayotda o'z amaliy tasdig'i topadi.

Fikrlash - aqliy faoliyat mahsuli. Eng asosiysi, fikrlash - merosiy tushuncha, u barcha insonlarga xos. Falsafiy, pedagogik, psixologik adabiyotlarda fikrlashning bir qancha turlari ajratib ko'rsatiladi. Har biri o'zining tadqiqot obyektidan kelib chiqqan holda qaysi birlarini asosiy deb qarashga moyildirlar. Jumladan, falsafiy, psixologik, pedagogik lug'atlarda fikrlashning quyidagi turlari ajratib ko'rsatiladi: mantiqiy, abstrakt (mavhum), umumlashgan, nazariy, texnik, reproduktiv, ijodiy (produktiv), tizimli, kategorial, induktiv, deduktiv, algoritmik, tanqidiy va boshqalar.

Biroq hech birida "Mustaqil fikrlash nima?" degan savolga javob mavjud emas va hatto, fikrlash turlari qatoriga kiritilmaydi. Chet el davriy nashrlari, pedagogik va psixologik adabiyotlarida ham



mazkur tushunchaning mukammal ta'rifi ko'zga tashlanmaydi. Respublikamizda ham «mustaqil fikrlash» tushunchasi O'zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti I.Karimovning Oliy Majlisning IX sessiyasida so'zlagan "Barkamol avlod - O'zbekiston taraqqiyotining poydevori" nutqida birinchi bor e'tirof etilgan.

Bundan kelib chiqib aytish mumkinki, aynan "mustaqil fikrlash" jahon miqyosida O'zbekiston Respublikasi ta'lim sohasining qadriyatli yo'naliшини o'zida aks ettiradi.

Zamonaviy milliy psixologiyamizda birinchilardan bo'lib mustaqil fikrlash muammosini ijodiylik bilan bogliqlikda tadqiq etgan olma Z.T.Nishonova bo'lib, u o'zining "Mustaqil ijodiy fikrlashni rivojlantirishning psixologik asoslari" mavzusidagi doktorlik dissertasiyasida mustaqil fikrlash ijtimoiy psixologik omillar bilan bog'liq bo'lган shaxs xislati ekanligini asoslab bergen. Tadqiqotning maqsad va vazifalari doirasida o'smir va o'spirinlarni mustaqil fikrlashga o'rgatishning ijtimoiy psixologik va aqliy omillari maxsus psixologik trening dasturi yordamida o'rganilgan. Tadqiqot asosida O'zbekiston sharoitida o'spirinlarning o'zidagi "psixologik muhofazani" yengib, o'zgalar davrasida erkin, nostandart tarzda o'z fikrlarini tortinmay bayon eta olishlari ularda ijodiy mustaqil fikrlashni yanada rivojlantiruvchi omil ekanligi isbotlangan.

Mazkur tadqiqotning amaliy ahamiyati shundaki, tajriba va mashg'ulotlarda olingen natijalar ta'lim texnologiyalarini takomillashtirishda, o'quvchi bilan o'qituvchi fikrlash jarayenlarining uygunligi, "subyekt-subyekt" tarzidagi munosabatlarning asl mohiyatini tushungan holda, erkin fikrlovchi shaxs muammosi konsepsiyasini yaratishda alohida ahamiyatga egaligidir.

Psixolog Z.T.Nishonova o'zi olib borgan tadqiqotlari natijasini umumlashtirib, mustaqil fikrlashni ijtimoiy hodisa sifatida quyidagicha ochib beradi: "Mustaqil fikrlash - insonning bevosita o'ziga va o'zgalarning mavjudligiga bog'liq bo'lган, uning tashqi ijtimoiy muhitning turli ta'sirlariga nisbatan fikr-o'yłarı vositasida qarshilik ko'rsatish va o'z fikrini bayon etish qobiliyatidir"¹. Biroq mustaqil fikrlash faqatgina turli ta'sirlarga nisbatan fikr-o'yłarı vositasida qarshilik ko'rsatish va o'z fikrini bayon etishnigina emas, yuzaga kelgan muammoga javob topish asnosida o'quvchi yangi gipotezalarni o'ylab topishini ham qamrab olishi ta'rifda aks etmaydi.

Sh.Nurullayeva esa, "Boshlang'ich sinf ona tili darslarida o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatish metodikasi" mavzusidagi ilmiy tadqiqot ishida "mustaqil tafakkur", "tafakkurning mustaqilligi", "mustaqil fikrlash" tushunchalarini aralashtirgan holatda foydalanadi. Uning fikricha, "mustaqil fikrlash shaxsning shunday qobiliyatiki, bu jarayonda inson narsa va hodisalar xususida o'z qarashlariga ega bo'ladi. Mustaqil fikrlash - bu inson sezgi organlari va aqliy faoliyatning birligi natijasi o'laroq, mustaqil ravishda tahlil qilish, umumlashtirish, induktiv va deduktiv xulosalar chiqarish, taqqoslash, aniqlashtirish, mavhumlashtirish kabi fikriy amallardan foydalangan holda amalgalashiriladigan aqliy faoliyatdir".

Tadqiqotchi mustaqil fikrlash tushunchasining ancha mukammal ta'rifi berishga harakat qilgan. Biroq ta'rifa qanday yondashuv asosida shaxs voqyea-hodisani tahlil qilishi, umumlashtirishi, induktiv va deduktiv xulosalar chiqarishi, taqqoslashi, aniqlashtirishi, mavhumlashtirishi masalasi o'z aksini topmagan. Vaholanki, yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek, shaxsning erkinligi, tashabbuskorligi, voqyea-hodisalarga shunchaki emas, tanqidiy yondashish, ijodiy fikr yuritish orqaligina Sh.Nurullayeva ta'kidlab o'tgan aqliy faoliyat amalga oshirilishi mumkin. Muallifning ularni yaxlit hodisa sifatida ko'ra olmaganligi ta'rifda bir oz aniqlikning yetishmasligiga sabab bo'lgan.

Tadqiqotda o'quvchilarning mustaqil fikrlashini shakllantirishga ta'sir ko'rsatuvchi asosiy - fiziologik, psixologik, ijtimoiy va pedagogik omillar hamda maxsus - metodik omillar, ularning rivojlanishiga olib keluvchi «mahsuldor sabablar» alohida-alohida o'rganilgan.

Mustaqil fikrlashni shakllantirishga pedagogik jihatdan ta'sir ko'rsatuvchi mahsuldor sabablarni to'rtta umumiyl omilga ajratib ko'rsatish mumkin: fanlarning o'quv-uslubiy majmualar bilan ta'minlanganligi; mustaqil fikrlashni shakllantirish jarayonning tarkibiy qismi sifatida yuzaga chiquvchi sinf xonasining moddiy-texnik ta'minoti; bilimlar zahirasi hamda o'qituvchi shaxsi va pedagogik faoliyat.

Mustaqil fikrlashni shakllantirishga ta'sir ko'rsatuvchi pedagogik omillar (B.X.Xodjayev tasnifi bo'yicha). Muallifning fikricha, mustaqil fikrlashni shakllantirishga ta'sir etuvchi omillar yaxlit ko'rinishga ega bo'lib, tadrijiy tavsifga egadir. Ya'ni mazkur jarayonga ta'sir etuvchi mahsuldor



sabablarning to'planib borishi, ularning tabaqalashuvi, ta'sir doirasi ularni umumiy omillar tarzida jamlashga imkon beradi.

Mustaqil fikrlashni shakllantirishga ta'sir etuvchi omillarni bilish va ularning ta'sir etish darajasini baholay olish o'quvchilarning mustaqil fikrlashini muvaffaqiyatli shakllantirishga keng imkon yaratadi. Fikrlash bilan bog'liq adabiyotlarni o'rganish natijasida mustaqil fikrlashni ijodiy va tanqidiy fikrlash bilan chambarchas bog'liq va aloqadorlikda ekanligiga amin bo'ldik.

Mustaqil fikrlash - bu insonning muammoni, uni hal qilish yo'llarini o'zi ko'ra olishi va unga mustaqil javob topa olish qobiliyatidir. Mustaqil fikr tayyor mulohazalarga, boshqalarning fikrlariga qaram bo'lib qolmaydi. U voqyelikni bilishga ijodiy yondashadi va uni o'rganishning yangi yo'llarini izlab topadi. Mustaqil fikrlash fikrning tanqidiyligi bilan chambarchas bog'liq bo'lib, shaxs ijodiy faolligining muhim qirrasini o'zida aks ettiradi.

O'quvchilarining mustaqil fikrlashini rivojlantirish aniq ta'limiy sharoitni taqozo etib, auditoriya mashg'ulotlari jarayonida ta'limiy innovasiyalardan keng foydalanishni talab etadi. Mustaqil fikrlash - bu insonning muammoni, uni hal qilish yo'llarini o'zi ko'ra olishi va unga mustaqil javob topa olish qibiliyatidir. Mustaqil fikr tayyor mulohazalarga, boshqalarning fikrlariga qaram bo'lib qolmaydi. U voqelikni bilishga ijodiy yondashadi va uni o'rganishning yangi yo'llarini izlab topadi.

Adabiyotlar

1. А.Нурмонов. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Т. “Шарқ”, 2001.
2. Бендац Т.В. Гендерная психология. – М. 2006.
3. Xamdamova X. Оиласда аёлларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Buxoro. Xalqaro konferensiya to'plami.2020.
4. Abduvahobova D. Роль женщин в развитии физической культуры в семье. Buxoro. Xalqaro konferensiya to'plami.2020.



TILSHUNOSLIKDA GENDER TUSHUNCHASINING O'RGANILISHI.

Xamdamova X.

katta o'qituvchi,

Jizzax politexnika instituti

Annotasiya: Maqlada gender nazariyasining asosiy qoidalari, gender borasidagi ijtimoiy-psixologik tadqiqotlarda erishilayotgan natijalar, shuningdek tilshunoslikda gender masalalarining o'r ganilishi haqida so'z yuritilgan .

Kalit so'zlar: gender, nazariya, tadqiqot, tilshunoslik.

ИЗУЧЕНИЕ ПОНЯТИЯ ГЕНДЕР В ЛИНГВИСТИКЕ

Хамдамова Х.

старший преподаватель,

Джизакский политехнический институт

Аннотация: В статье рассматриваются основные принципы гендерной теории, результаты, достигнутые в социально-психологических исследованиях гендера, а также изучение гендерных проблем в лингвистике.

Ключевые слова: гендер, теория, исследования, лингвистика.

STUDYING THE CONCEPT OF GENDER IN LINGUISTICS

Khamdamova H.

Senior Lecturer,

Jizzakh Polytechnic Institute

Resume: The article examines the basic principles of gender theory, the results achieved in socio-psychological studies of gender, as well as the study of gender problems in linguistics.

Key words: gender, theory, research, linguistics.

Prezidentimiz ta'kidlaganidek, ayolning nafosati va nazokati, vafo va sadoqati, aql-zakovati va fidoyiligi asrlar mobaynida yer yuzida hayot abadiyligiga asos bo'lib keladi. Shu bois, ayolni e'zozlash, ayolga ehtirom ko'rsatish xalqimizga xos olijanob qadriyat hisoblanadi. Ayniqsa, yurtimizda aziz ayollarning sog'lom zurriyod, barkamol avlodni tarbiyalab voyaga yetkazishdagi o'rni va xizmatini munosib qadrlash, ularga eng yaxshi sharoitlarni yaratib berish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylandi.

Ayniqsa, Prezidentimizning "Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash" va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni mazkur yo'nalishdagi ishlarning yangi bosqichini boshlab berdi. Xotin-qizlarning bandligini ta'minlash, ularning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, ular o'rtasida jinoymatchilikning oldini olish borasidagi ko'rsatkichlar sezilarli darajada yaxshilandti.

Xalqaro hamjamiyatda keng foydalaniladigan "gender tenglik" tushunchasi – erkaklar hamda ayollar davlat va jamiyat hayotning barcha sohalari, jumladan, boshqaruv, qarorlar qabul qilish va xavfsizlik sektorida tenglik asosida ishtirot eta olishini nazarda tutadi.

Gender -inglizcha "gender" - "zot" so'zidan olingan bo'lib, jins tushunchasini fiziologik voqelik ustqurmasi bo'lgan ijtimoiy qurilma sifatida belgilaydi. Gender tushunchasining kiritilishi eng umumiyl ma'noda ikki tushuncha - biologik va ijtimoiy jins tushunchalarini farqlashga yordam beradi. Kundalik hayotimizda jins bilan bog'lanmagan ko'plab tushunchalar "erkaklarga xos" yoki "ayollarga xos" deb hisoblanadi. "Erkaklarga xos" yoki "ayollarga" xos tushunchalarini aniqroq farqlash uchun "feminlik" (ayollik) va "maskulinlik" (erkaklik) tushunchalari qabul qilingan. Yangi



tushunchalarning kiritilishi erkaklarga xoslik va ayollarga xoslikning biologik ziddiyatini bartaraf etish va e'tiborni turli madaniyatlar shakllanishining ichki mexanizmlarini gender nuqtai nazaridan ochishga qaratish imkonini berdi. 2 Sofya Babayan bu haqda: "Gender ijtimoiy tushuncha. Ayol yoki erkakning benuqson timsoli berilgan, xronologik va geografik muhit rang-barangligi, milliy an'analari, etnopsixologiyasi, dini, tarixi va milliy mentaliteti va boshqalarda ifodalanadi" – deb yozadi. Uning mazmuni, sharhi va ifodasi o'z ichida ham, madaniyatlararo ham o'zgardi hamda tarixiy o'zgarishlar ob'ekti bo'lib xizmat qiladi. Ijtimoiy omillar – yosh, toifa, irq va kelib chiqishi – alohida gender mazmuni, ifodasi va tajribasini tashkil etadi hamda uni biron bir soddalashtirilgan usul bilan jins yoki jinsiylikka tenglashtirib bo'lmasligini ajratib ko'rsatadi. Zamonaviy jamiyatshunoslik izchillik bilan va samarali tarzda ushbu tushunchani ijtimoiylik hamda uning shakllarini tahlil qilish borasidagi muhim asoslardan biri sifatida ishlab chiqmoqda. "Gender" tushunchasining mazmuni avvalo jinsnii ijtimoiy modellashtirish yoki tashkil etishda mujassamlashgan. Ijtimoiy jins ijtimoiy amaliyot yordamida tashkil qilinadi. Jamiyatda muayyan jins rollarining bajarilishini taqozo etadigan xatti-harakatlar me'yoriy tizimi vujudga keladi; tegishli tarzda ushbu jamiyatda "erkaklarga oid" va "ayollarga oid" bo'lgan xususiyatlar borasida qat'iy qaror topgan tasavvurlar qatori paydo bo'ladi.

Tilshunoslikning XX asrdagi taraqqiyotini va XXI asrdagi muhim yo'nalishlarini sotsiolingvistika, psixolingvistika, kompyuter lingvistikasi, kognitiv lingvistika kabi chegaradosh yo'nalishlar belgilab bergani beziz emas, chunki bu sohalar tilni bevosita uning amaliyoti bilan bog'lab o'rGANADI. Bu taxlit o'rGANISH tilshunoslikni yana bir bosqichga ko'tarishi bilan birga til haqidagi tasavvurlarni yanada oydinlashtirishga, uning strukturasini chuqurroq tahlil qilishga, tilning rivojlanishi, insondagi psixologik va fiziologik jarayonlarda tilning ahamiyati kabi masalalarni aniqlashtirishga yordam beradi. So'nggi paytlarda ommaviy axborot vositalari, xususan, matbuotimiz sahifalarida jinslararo munosabatlarga oid publisistik chiqishlar sezilarli darajada ko'paydi. Ayniqsa, ayollarning jamiyatdagi rolini oshirish ko'zda tutilgan mulohazalar ancha salmoqli. Bungacha ijtimoiy-psixologik tadqiqotlarda erishilayotgan eng jiddiy natijalar ham aynan jins tushunchasiga u yoki bu darajada taaluqli bo'lib chiqayapti. Modomiki, tilimizda bundan keyin jins, ya'ni gender istilohi faol ishtirok eta boshlar ekan, uning sotsiolingvistik tushuncha sifatidagi mazmunini aniqlashtirib borish kerak bo'ladi. Hozirgi kundagi gender muammosiga oid tadqiqotlarni V.A.Kirilinal ikki yo'nalishga ajratadi:

1. Gumanitar fanlar doirasida gender muammosi. Bunda sotsiologiya, psixologiyada o'rGANILGAN tadqiqotlar tilshunoslik uchun asos bo'ladi. Genderning kategoriya sifatidagi va antologik maqomi o'rGANILADI.

a) gender tahlilining umumilmiy prinsiplari. • gender – madaniyat va jamiyat taraqqiyotining hosilasi bo'lib qiyosiy harakterga ega; konvensional mohiyat sifatida tan olinadi. • gender boshqa sotsiomadaniy konstruktlar kabi o'zgaruvchandir. • gender umumilmiy kategoriyadir; har bir fan doirasida genderning o'ziga xosligini va qaysi metodlar yordamida o'rGANILISHINI e'tiborga olish kerak.

b) gender tahlilining lingvistik prinsiplari. • gender komunikativ muloqotning muhim mezoni sanaladi. • genderning madaniy simvolik tabiatini gender bilan bog'liq o'xshatishlarning yuzaga kelishiga olib keladi. • til va kommunikatsiyalarning gender aspektlarini o'rGANISH uchun lingvistik metodlar qo'llaniladi. Umuman tilshunoslikda qo'llanilayotgan (sotsiolingvistik, psixolingvistik, lingvomadaniyatshunoslik va boshqa) metodlar foydalilanildi.

2. Lingvistik genderologiya yoki gender lingvistikasi muammosi. Gender lingvistikasi – ilmiy yo'nalishdagi gender tadqiqotlari tarkibiga kirib, lingvistik tushunchalar yordamida genderni o'rGANADI. Bund odamlarning tilini ifodalanishi, erkak va ayollarga qanday baho berilishi hamda qaysi semantik oblastlarda ularning ko'proq tarqalganligi, buning asosida qanday lingvistik mexanizm mavjudligi bilan ifodalanadi.

Gender ko'p aspektli tushuncha hisoblanadi. Shu bois gender bilan bog'liq muammolar ko'pgina sohalarning tekshirish ob'ekti hisoblanadi. Xususan, sotsiologiya, psixologiya, kognitologiya, lingvistika kabi fanlarda gender turli aspektlarda tadqiq etilmoqda. Til qurilishida jinsiy farqlilik uning kaliti va mexanizmini beradi. Gender tilni tahlil qilishda bir qancha yo'nalishlarga murojaat qiladi:



- a) sotsiolingvistika – tilning ijtimoiy mohiyati, ijtimoiy vazifasi, tilga sotsial omillarning ta'siri, til taraqqiyotida til siyosatining roli kabi qator masalalarni o'rganadi ;
- b) psixolingvistika – nutqning vujudga kelish mexanizmini, bolalar nutqining shakllanishi jarayonini, nutqning axborot tashish funksiyasi kabi masalalarni o'rganadi ;
- v) etnolingvistika – tilning shu til egasi bo'lgan etnos madaniyatiga bo'lgan munosabatini, tilning funksiyalanish va rivojlanish jarayonida etnomadaniyat, etnopsixologik omillar o'rtasidagi aloqani o'rganadi ;
- g) neyrolingvistika – nutqiy faoliyat bosh miyaning mahsuli ekanligi, miya kasallanishining nutqiy faoliyatga ta'siri kabi masalalarni o'rganadi4 ;
- d) mentalingvistika – ob'ektiv olam qismlari va uning til tasavvurlari o'rtasidagi munosabat o'rganiladi.

Demak, yuqorida nomi tilga olingen fanlar chorahasida gender lingvistikasi sohasidagi fanlar paydo bo'ladi. Gender lingvistikasi o'zbek tilshunosligida endi tetapoya qilib kelayotgan fan sohalaridan biri bo'lib, lingvistik tushunchalar yordamida genderni o'rganadi. Gender lingvistikasi sohasidagi ilmiy tadqiqot ishlarida kattalar nutqi, o'smirlar nutqi, bolalar nutqiga e'tibor qaratilgani holda, ayol va erkaklar nutqi, o'g'il bolalar va qiz bolalar nutqi, badiiy asarlardagi gender munosabat borasidagi farqlanishlar; ijtimoiy rollar, faoliyat shakllarining bo'linishi, xatti-harakat va individlarning psixologik tavsiflaridagi farqlar nazarda tutiladi. Erkaklar va ayollarga xos vaqtini belgilash, erkaklar va ayollarning o'zlariga xos so'zlashuv uslubi, ularning tili va madaniyatidagi farqli jihatlari, genderdan o'zlashgan so'zlarning tilga ta'sir qilishi – dunyo ko'rinishida, til sohasida esa parchalar va mavzular bilan aloqadordir. Gender lingvistikasining dolzarb muammolaridan biri, gender munosabatda pragmatik o'xshatish, pragmatik ma'nodoshlik, pragmatik shakldoshlik, pragmatik ziddoshlik kabi hodisalar tadqiqi hisoblanadi. Chunki erkak va ayolning alohida-alohida pragmatik olami bo'ladi.

Erkak va ayollar nutqining yuzaga kelishida ularning psixologik xususiyati, yoshi, kasb-kori, ijtimoiy kelib chiqishi va oilaviy muhiti alohida ahamiyat kasb etadi. Shu jihatdan gender lingvistikasi doirasida neyrolingvistik tadqiqot yo'nalishini belgilash hozirgi davr tilshunosligining dolzarb muammosi hisoblanadi.

Tilshunoslikda an'anviy tahlil usullarida kuzatishlar olib borilishi bilan birgalikda, uni sotsiologiya, psixologiya hamda boshqa fanlar bilan bog'lovchi yangi tahlil usullariga qiziqish kuchaymoqda. Bu tahlil usullari bilan bog'liq tilshunoslikda yangi zamонавиyo'nalishlar paydo bo'lmoqda.

Ana shunday yo'nalishlardan biri – lingvogenderologiyadir. Bu fanning tadqiq manbai – tilning gender xususiyatlarini o'rganish bo'lib, bunda ikkita masala: ayollar va erkaklar nutqining tafovutlari hamda o'ziga xos xususiyatlari; til tizimida erkaklik va ayollik belgilari bilan bog'liq tushunchalarni ifodalovchi til birliklariga e'tibor qaratiladi. Tilshunoslikda gender masalalarini o'rganishda nutqiy faoliyatning barcha ko'rinishlari: yozma va og'zaki matnlar tadqiqot ob'ekti bo'lib xizmat qilishi mumkin. Dunyo tilshunosligida bu masalalarga bag'ishlangan ishlar anchagina. Til va gender muammosi tadqiqida diskursga alohida ahamiyat berilishiga sabab aynan so'zlashuvda ayollik va erkaklik belgilari bilan shartlangan ko'plab hodisalar, jumladan, nutqning ayol yoki erkaklarga xos xususiyatlari voqelanadi.

Bundan xulosa qilish mumkinki, o'zbek tilida faqatgina ayollargagina xos bo'lgan so'zlashuvning gender xususiyatlari, ayrim horijiy tillarda ikkala jins vakillariga ham xos bo'lishi mumkin. Bu fikrni dalillash kelgusida o'zbek tilining gender xususiyatlarini o'rganuvchi tadqiqotchilar zimmasiga tushadi. Xulosa qilib aytganda, o'zbek tilida diskursning gender xususiyatlarini o'rganish tilshunoslik, sotsiologiya va boshqa ijtimoiy fanlar kesimida muhim ahamiyatga ega.

Lingvistik genderologiya har qanday yangi yo'nalish kabi o'ziga xos qirralarga, ya'ni tushunchalar apparati kategoriyalari aniq shakllanmagan yangi yo'nalishdir. Bu yangi yo'nalish o'ziga xos tadqiqot usullari va metodlarining shakllanish jarayonidadir. Shu bilan birga tilshunoslik ilmiy maydonidagi olimlar lingvistik tadqiqotlar metodlaridan hamda, sotsiolingvistika,



psixolingvistika va boshqa gumanitar fanlar (lingvistika, tarix, adabiyotshunoslik va boshq.) metodlaridan foydalanishyapti.

Adabiyotlar

5. А.Нурмонов. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Т. “Шарқ”, 2001.
6. Бендас Т.В. Гендерная психология. – М. 2006.
7. Xamdamova X. Оиласда аёлларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Buxoro. Xalqaro konferensiya to’plami.2020.
8. Abduvahobova D. Роль женщин в развитии физической культуры в семье. Buxoro. Xalqaro konferensiya to’plami.2020.



YOSHLARNI GENDER TENGLIGI RUHIDA TARBIYALASHNING NAZARIY ASOSLARI

Ziyayeva M.
o'qituvchi, Jizzax politexnika instituti.
Suyunova D.
talaba, O'JTU

Annotasiya: Maqolada o'quvchilarni gender tengligi ruhida tarbiyalash holatlari va uning nazariy asoslari, gender tengligiga oid tadqiqotlar holati va gender inson ijtimoiy hayotining muhim kategoriyalirdan biri ekanligi qisman tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: gender, nazariya, tadqiqot, tenglik.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЕЖИ В ДУХЕ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА

Зияева М.
преподаватель,
Джизакский политехнический институт.
Суюнова Д.
студентка, УзГУМЯ

Аннотация: В статье частично анализируется ситуация с обучением студентов в духе гендерного равенства и ее теоретические основы, состояние исследований по гендерному равенству и тот факт, что гендер является одной из важнейших категорий социальной жизни человека.

Ключевые слова: гендер, теория, исследования, равенство.

THEORETICAL BASIS OF EDUCATION OF YOUTH IN THE SPIRIT OF GENDER EQUALITY

Ziyaeva M.
Lecturer, Jizzakh Polytechnic Institute.
D. Suyunova
student, UzSUWL

Resume: The article partially analyzes the situation with teaching students in the spirit of gender equality and its theoretical foundations, the state of research on gender equality and the fact that gender is one of the most important categories of human social life.

Key words: gender, theory, research, equality.

Gender tenglik mavzusi ko'tarilganda "pozitiv diskriminatsiya" degan tushuncha muhokama qilinmoqda. Bu masala yuzasidan ayrim tushuntirishlarga ehtiyoj borligi ma'lum bo'lmoqda.

Pozitiv diskriminatsiya – bu kam sonli bo'lgan guruh yoki qatlamga alohida imkoniyatlar va kvotalar berish degani. U korxonada, ta'limda, ilmda va hokazo sohalarda gender tenglikka erishish uchun qo'llanadigan usuldir.

Masalan, O'zbekistonda olima, muhandis, dasturchi, jarroh (va hokazo) ayollar kam. Ushbu sohalarda ayollarning ko'payishiga esa ehtiyoj mavjud. Shunday sharoitda qizlarni ushbu yo'naliishlarga ko'proq jalb qilib o'qitish, buning uchun ularga alohida shart-sharoitlar yaratish pozitiv diskriminatsiya hisoblanadi.

Qonunda davlat xizmatida gender siyosatini amalga oshirish uchun vaqtinchalik tarzda bir jinsdag'i xizmatchilar uchun kvotalash tizimi joriy etilmoqda. Ya'ni har bir davlat korxona va



tashkilotlarida xotin-qizlar va erkaklar vakilligining mutanosibligi ta'minlanguncha vaqtinchalik jins kvotalarini belgilanadi. Mutanosiblikka erishilgach, kvotalar bekor qilinishi mumkin.

Ya'ni gender tenglikni ta'minlash haqida so'z borar ekan, buning o'ziga yarasha to'lovi borligini e'tiborda tutish, byudjet taqsimoti va boshqa moliyaviy masalalarni yechish jarayonida buni ham nazardan qochirmaslik lozim. Istaymizmiyo'qmi, gender tenglik faqat huquqiy maydonda yechim topadigan masala emasligini tan olishimiz kerak.

So'nggi yillarda zamonaviy psixologiyada rivojlanayotgan gender yondashuv shaxsning jinsi bilan bog'liq xususiyatlari yangicha nazar bilan qarash imkoniyatini bermoqda. "Gender" tushunchasi ostida sosiomadaniy muhitda hayot davomida shakllanuvchi ijtimoiy yoki psixologik jins tushuniladi. Gender qurilishi manbai sifatida gender ustanovkalar, ya'ni erkaklar va ayollar xulq-atvor sifatlari va normalari haqidagi tasavvurlar xizmat qiladi. Mazkur xulq-atvor normalari inson hayot faoliyatining barcha jabhalariga, jumladan sport faoliyatiga ham taalluqlidir.

Erkaklar uchun tipik bo'lган sosializasiya jarayoni ayollarga nisbatan sport bilan shug'ullanishni ko'proq taqozo etadi, chunki shaxsdagi ustanovka tarzda qabul qilinuvchi "erkakcha" – kuch, tirishqoqlik, maqsadga intilish va boshqa shunga o'xshash sifatlarning shakllanishiga olib keladi. Garchi so'nggi paytlarda ayollar ham sport faoliyatiga ko'proq jalb etilayotgan bo'lsalar-da, shunga qaramay, hozirgi vaqtgacha faqat ayollarga yoki erkaklarga xos sport turlari deb e'tirof etilgan sport faoliyati turlari mavjud. Agressiv jismoniy aloqa – erkaklarga xos sport turlari imidji bo'lsa, joziba va maftunkorlik ayol-sportchilarga xos bo'lган xarakteristikalaridir. Shunday sport turlari borki, ular maskulinlik (matonatlilik, qattiqlik, kuchlilik, raqibi bilan munosabatda agressivlik) – bunday sport turlariga yakkakurash turlari kiradi va femininlik, ya'ni yumshoqlik, emosionallik, artistizm – bunday sport turlariga badiiy gimnastika, figurali uchish kiradi, ustanovkalariga taalluqli reprezentativ obrazlarni o'zida namoyon etadi. Bunday sport turlari bilan ham o'g'il bolalar, ham qizlar kichik maktab yoshidan boshlab shug'ullanib kelmoqdalar.

Ta'limda o'quv faoliyati, uning turlari, mustaqil o'quv faoliyatini rivojlantirish xususida juda ko'p ilmiy ishlar qilindi. Lekin gender tengligiga oid tadqiqotlar holati mamlakatimiz olimlari tomonidan to'liq ilmiy tadqiq etilmagan. Ammo vaqtli matbuot (gazeta va jurnallar, teleko'rsatuvalar, radio eshittirishlar) saxifalarida muammo tahlili yuzasidan bahs, munozaralar berib borilmoqda. Rivojlangan davlatlar olimlari tomonidan o'quvchilarni gander tengligi ruhida tarbiyalash holati qisman o'rganilgan. Rossiyalik olim B.A.Bodrev, A.P.Cherniyshhev va boshqalar mazkur muammoni ilmiy taxlil etgan. Boshqa xorij olimlari tomonidan "Gender" atamasiga ta'riflar berilgan.[1] (G.Sele, B.Kennon). Shuningdek, falsafa fanlari doktori F.Axmedshina ham shu mavzuning tahliliga bag'ishlangan tadqiqotlar ustida ishlab, bir necha maqola va qo'llanmalar chop ettirganlar. Bu holat ham soha olimlarining shu muammoni tadqiq etayotganligini bildiradi.

Hozirgi davrda jamiyatimiz rivojlanishining navbatdagi bosqichida psixologik bilimlar boshqa bilim sohalari bilan bir qatorda takomillashib bormoqda. Bugungi o'zgarishlar, bizning xatti-harakatlarimizga to'siqlik qiluvchi hodisalarga faol qarshilik ko'rsata olish axloqiy poklanish xarakteriga egadir. Yangi yondashuv jamiyatning qanday yoshlarni tarbiyalashi bilan belgilanadi.

Zamonaviy jamiyat hayotidagi ilmiy-texnika revolyusiyasi inson hayot faoliyatida o'ziga xos xususiyatlarning yuzaga kelishini taqozo etadi. Moddiy va ma'naviy ishlab chiqarishning barcha sohalarida insonning u bajarayotgan faoliyatida alohida ahamiyat kasb etadigan natijalar dolzarblashib bormoqda, bu faoliyatni bajarish insonni mas'uliyatni, xavf-xatar va tavakkalni, hayot va faoliyatdagi muvaffaqiyatsizliklarni kechirishga majbur qiladi.

"Gender" tushunchasi birinchi marotaba 1963 yilda R.Stoler ishlarida paydo bo'lgan. Keyinchalik lingistikadan kelib chiqqan (gender – tur) "gender" termini erkak va ayollarning jinsi – biologik – genetik, fiziologik va reproduktiv xarakteristikalari yig'indisidan farqli o'laroq madaniy tavsiflarini sharhlash uchun qo'llanila boshlandi. "Gender" tushunchasi yordamida insondagi tabiiylikni orttirilgan (madaniylik)dan tuzilmaviy ajratildi. Tushunchaning kiritilishi XX asrning 30-yllarida M.Midning etnografiya bo'yicha ishlarida kiritildi. Gender bu:

- ijtimoiy jins bo'lib, u xususan shaxslilik va guruhiy xulq-atvor xususiyatlari va individning jamiyatdagi huquqiy va mavqye-ijtimoiy pozisiyasini belgilashni taqozo etadi;



- biologik jins, morfologik va fiziologik xaraktristikalar majmuasi sifatida qatnashadi, erotik hissiyotlar va kechinmalar yo'nalganligi va namoyon bo'lishi bilan bog'liq individual xulqni ham aniqlaydi;

Ijtimoiy psixologiyada gender termini mazkur tushuncha ma'noviy mazmunining birinchi varianti bilangina bog'liq psixologik reallikni ifodalash uchun qo'llaniladi. Bundan tashqari psixologik fan doirasida so'nggi o'n yilliklar mobaynida subyektlarning u yoki bu ijtimoiy jinsga mansubligi mantiqida jinsiy differensiasiyasi psixologik tavsifini ko'rib chiqishga qimmatli yondashuv yuzaga keldi. Ta'kidlash joizkui, dastavval "gender" tushunchasining o'zi, keyinchalik "gender yondashuv, o'zining paydo bo'lishi bilan "ayollarga oid" deb atalmish tadqiqotlar bilan bog'liq. Shunga o'xshash keng qamrovli tadqiqotlardan biri Sandra Lipsis Bem tomonidan gender tafovutlarni o'rganish borasidagi tadqiqotlarni aytib o'tish mumkin. Uning 1993 yilda chiqqan "tender linzalari" monografiyasida jamiyat erkak va ayollarga ularning ishlari va imkoniyatlari haqidagi ma'lum ijtimoiy tavsiflarni kiritish haqidagi tasavvurlar batafsil yoritilgan.

Mazkur holatda jins – bu tarixiy taraqqiyot mobaynida orttirilgan ramziy ahamiyatli belgidir. Sandra Bem o'z monografiyasida erkak va ayollar xulq-atvoridagi tafovutlar, ularning ijtimoiy pozisiyalaridagi tafovutlar biologiklik tufayli, ya'ni jinsiy farqlardir degan keng tarqalgan fikr va ishonchlarni ko'rib chiqib, jins va gender hayotiy sikl (ontogenez) jarayonida qandy o'zaro ta'irga kirishishini tahlil qiladi. Asosiy g'oya bunda shu ediki, ijtimoiylik biologiklikka qaraganda ko'proq o'zgarishlarga moyil bo'ladi. Bem nazariyasiga ko'ra va kognitiv jarayonlar faoliyati prinsiplariga asosan insondagi idrok selektivdir, ya'ni u erkak va ayollarni qutbli idrok qilish odatiy sxemasiga joylashadi va reallikda hadan ziyod tarqalgan, lekin madaniyat orqali shakllangan idrok doirasiga hyech ham sig'maydigan narsalarni tanqidsiz qarab chiqmaydi .

Umum qabul qilingan stereotiplar empatiya va emosional sohadagi juda ko'p gender farqlar mavjudligi haqidagi g'oyani o'z ichiga oladi. Erkaklar va ayollar o'rtaidagi tafovutlar haqida gapirganda biz ko'pincha ayollar erkaklarga qaraganda emosiyalarini yaxshiroq ifodalaydilar va atrofdagilarga hamdardlik bildirishga ham moyilroqdirlar deb hisoblaymiz. Haqiqatan ham ayollar erkaklarga qaraganda hissiyotlarga beriluvchan degan fikrga ishonish gender stereotiplarni o'rganish mobaynidagi noyob topilmalardan biri hisoblanadi. Erkaklar va ayollar o'rtasidagi emosionallik tafovutlari bir nechta darajalarda qarash mumkin. Birinchi darajada biz boshqalarning emosional holatini tushunish (empatiya) qobiliyati va bu tushunishni ifodalash malakasi (empatik ekspressiya) bilan to'qnash kelamiz. Boshqa bir darajada bizni insonning o'zi tomonidan o'z emosiyalarini kechinishi (emosional kechinmalar) va mana shu emosiyalarni bildirish usullari (emosional ekspressiya) qiziqtiradi.

Gender inson ijtimoiy hayotining muhim kategoriyalirdan biri ekanligi kundalik voqyelikda namoyon bo'ladi. Bir jins vakillariga nisbatan xatti-harakat me'yorlari va kutishlar qo'llaniladi, bular boshqa jinsga nisbatan qo'llaniladiganlardan ancha farq qiladi. Buning uchun alohida o'g'il bolalarni va qiz bolalarni, erkaklar va ayollarni ifodalovchi maxsus atama va so'zlar qo'llaniladi. Alohida individlarning tasnifini umumlashtirish va ularni bir insonlar va hodisalar guruhiga qo'llash ustakovkalash deb ataladi. A.V.Merenkovning ta'kidlashicha, bu "idrok etish xususiyati, maqsadga intiluvchanlikning, shuningdek, mazkur madaniyatda qabul qilingan muayyan jins vakili turmushi va faoliyatidagi me'yor va qoidalarni hisobga olgan holda inson xulq-atvorining dasturiy anglashilishidir".

Adabiyotlar

1. Бендац Т.В. Гендерная психология. – М. 2006.
2. Xamdamova X. Оилада аёлларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Buxoro. Xalqaro konferensiya to'plami. 2020.
3. Abduvahobova D. Роль женщин в развитии физической культуры в семье. Buxoro. Xalqaro konferensiya to'plami. 2020.
4. Ziyayeva M. Хотин - қизлар спортини ривожлантириш истиқболлари. Buxoro. Xalqaro konferensiya to'plami. 2020.



JAMIYATNING MA'NAVIY QIYOFASI

Abdullayeva Nilufar Sultonbayevna
Toshkent moliya instituti o`qituvchisi,
nilufarabdullayeva.uz@gmail.com

Annotation: Maqola ayollarning jamiyatdagi o'rni masalasiga bag'ishlangan bo'lib, unda ta'limgardagi, xotin-qizlarning oilaviy va ijtimoiy hayotdagi faoliyati, ularda ruhiy-ma'naviy tarbiyani, axloqiy qadriyatlarni shakllantirish yo'llari tahliliy metod asosida yoritildi.

Tayanch iboralar: xotin-qizlar, ziyoli ayollar, jamiyat, ma'naviy tarbiya, ta'limgardagi, ijtimoiy hayot, oila, ta'limgardagi, faoliyat, axloqiy tamoyillar, huquqiy tarbiya

ДУХОВНЫЙ ОБЛИК ОБЩЕСТВА

Аннотация: Статья посвящена роли женщины в обществе, образовании, деятельности женщин в семье и общественной жизни, их духовно-нравственному воспитанию, формированию нравственных ценностей. В статье использован аналитический метод.

THE MORAL IMAGE OF SOCIETY

Abstract: The article is devoted to the role of women in society, education, the activities of women in the family and public life, their moral education, the formation of moral values. The article uses the analytical method.

Key words: women, intelligent women, society, moral education, education, social life, family, education and upbringing, activity, moral principles, legal education

Ta'limgardagi mavzusi yoritilar ekan, jamiyatda bu sohaning ustuni bo'lgan mutaxassis ayol, uning hayoti va faoliyati, ijtimoiy jarayondagi o'rni haqida fikr yuritish zarur, chunki ana shu jamiyatdagi ijtimoiy, iqtisodiy, ilmiy-texnik, madaniy-ma'rifiy rivojlanish ortida ularning aql-zakovati, fahm-farosati natijasi o'laroq bunyod bo'lgan kelajak qadam tashlamoqda. Har qanday jarayonda ma'naviy yetuk, ziyoli ayollarning o'rni tobora bilinib, ularning ilmu salohiyatiga, iqtidoriga bo'lgan ehtiyoj yanada ortmoqda. Bunga sabab, avvalo, ajdoddardan meros yuksak axloqiy-ma'naviy tarbiya bo'lsa, keyingisi insonni sevish, qadrlash kabi gumanistik tafakkurning aynan ayol siymosidagi in'ikosidir.

Ilmiy-texnik taraqqiyotning navbatdagi bosqichida hayot faoliyatini yuritar ekanmiz, turli jabhalarda ayol faoliyatining ijobiy mahsulini ko'ramiz. Oilaviy qadriyatlarga asoslangan hayot tarzini yuritayotgan ayol nafaqat sohada, balki o'z shaxsiy qo'rg'onida ham munosib tarbiyachidir, binobarin, bo'y cho'zayotgan nihol oldidagi daraxtdan nuqs oladi. Ayolga bo'lgan hurmat tuyg'usini ulug'lar ekan, dalat rahbari "Oila va jamiyat ustuni, hayotimizning fayzi va ko'rki bo'lgan xotin-qizlarni e'zozlash, ularga hurmat va ehtirom ko'rsatish xalqimiz uchun azal-azaldan buyuk qadriyat bo'lib kelgan va shunday bo'lib qoladi" [1], — degan edi o'z nutqida. Jamiyatdagi oliy qadriyatning o'zi ayollarni e'zozlashda namoyon bo'ladi. Har bir kasb va lavozim egasi o'zidagi barcha sifatlar, insoniy fazilatlar uchun bu zotdan qarzdorligini his qilib yashaydi. Ayniqsa, jismoniy va ma'naviy sog'lom avlodni tarbiyalab voyaga yetkazishda ayol kishining o'mi bo'lak.

Bugungi kunda O'zbekiston xotin-qizlarining hayotimizning barcha soha va tarmoqlarida o'zlarini to'la namoyon etib kelayotganligini ta'kidlar ekan, davlat rahbari ularning mehnatini yuksak baholaydi: "Sizlar davlat va boshqaruv idoralari, vakillik organlarida, ishlab chiqarish, tadbirkorlik va fermerlik tarmoqlarida, ijtimoiy sohalarda samarali mehnat qilib, Vatanimiz taraqqiyotiga munosib hissa qo'shamoqdasiz" [2], — deydi. Darhaqiqat, mustaqillik yillarida va ungacha bo'lgan davrda nafaqat o'zbek ayollari, balki mamlakatimizda yashayotgan turli millat vakilalari orasidan yetuk mutaxassislar, ilm-ma'rifat, ta'limgardagi fidoiyilar, olimalar, sportchilar, san'at va madaniyat



namoyandalari yetishib chiqdi. Davlatimiz rahbari aytganiday, “Hozirgi vaqtida mamlakatimiz xotin-qizlari orasida 514 nafar fan doktori, 6 nafar akademik, 15 nafar O’zbekiston Qahramoni, 17 nafar senator, 15 nafar Qonunchilik palatasi deputati borligini, shuningdek, mahalliy Kengashlar deputatlarining 23 foizidan ziyodini aynan ayollarimiz tashkil etishini alohida ta’kidlash lozim. O’nlab opa-singillarimiz “O’zbekiston fan arbobi”, “O’zbekiston xalq shoiri”, “O’zbekiston xalq o’qituvchisi”, “O’zbekiston xalq artisti” singari davlatimizning yuksak faxriy unvonlariga sazovor bo’lganlar. Shular qatorida 240 nafar yosh iste’dod egasi Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti bilan taqdirlangan.” [3]

Bugungi kun innovatsiyalari qurshovida yashayotgan ayollarning ilm-fan va ta’lim-tarbiya borasidagi hissalari haqida gap ketganda, nafaqat ularning ilg’or faoliyati va yutuqlari haqida, balki, bu yo’lda tabiiy ravishda yuzaga kelayotgan ayrim muammolar haqida to’xtalish ayni muddao. Shulardan biri axloqiy va huquqiy tarbiyadir. Jamiyatning ijtimoiy darajasi nafaqat iqtisodiy tamoyillar bilan, balki uning asosi bo’lgan ma’naviy, axloqiy va huquqiy tamoyillar bilan ham o’lchanadi. Bu tamoyillarga ega bo’lmagan jamiyat insoniyat jamiyatini bo’la olmaydi va u ertamikechmi inqirozga mahkum. Ana shu axloqiy-ma’naviy tamoyillarning yetakchi kuchi ayyolardir. Chunki ijtimoiy munosabatlар ularsiz sodir bo’lmaydi va bu ayni haqiqat. Atoqli rus pedagogi K.D.Ushinskiy axloqiy tarbiya masalasiga jiddiy e’tibor qaratish kerakligini ta’kidlaydi. U axloqiy tarbiyani shaxsni shakllantirish kabi ko’p qirrali jarayonning muhim jihatlaridan biri, shaxsning axloqiy qadriyatlarni o’zlashtirishi, axloqiy fazilatlarni rivojlantirish, idealga e’tiborni qaratish, axloq tamoyillari, me’yorlari va qoidalari asosida yashash qobiliyati, real sharoitdagи xatti-harakatlarda namoyon bo’ladigan e’tiqod va g’oyalar deya tushuntiradi [4].

Axloqiy va huquqiy tarbiya muammolari bugungi kunda, ayniqsa, xotin-qizlar orasida dolzarblik kasb etmoqda. Bu, o’z navbatida, yosh avlodning jamiyatdan uzoqlashish tendensiyalari o’sishi, ongning qonuniy va noqonuniy, shaxsiy va ijtimoiy tushunchalarini anglash qobiliyatining susayishi, odamlar o’rtasidagi axloqiy munosabatlarning deformatsiyasi, o’zboshimcha harakatlarning kuchayib borishi, e’tiborsizlik, chegaralarning buzilishi va ijtimoiy-madaniy xulq-atvor qoidalariiga rioya qilmaslik, tajovuzkor xatti-harakatlarning o’sishi, o’tmisht va hozirgi merosga, tilga humrotsizlik, global dunyoda ko’p konfessiyali jamiyat vakillari bilan do’stona munosabatlarni saqlay olmaslik va h. ko’zga tashlanadi.

Jamiyatda ayol tarbiyachi rolini bajara olishi uchun, avvalo, uning o’zi tarbiyali, oqila, ilmli bo’lishi kerakligini unutmaslik lozim. Shu sifatlar jamlansagina ko’zlangan maqsadga, ya’ni barkamol avlod tarbiyalashga erishiladi. Shuni tan olish kerakki, bugungi kunda ko’p qirrali ma’lumotga ega bo’lgan ko’plab odamlar, jumladan, ayollar xulq-atvorida, ko’pincha, axloqiy qoidalarga rioya qilmaslik, o’z hayotiy pozitsiyasini anglamaslik, o’zini boshqalardan ayro tutish va o’zgalardan ustun bilish, shaxsiy foydani ko’zlash kabi illatlar avj olgan. Milliy qadriyat, odob-axloq tushunchalari mo’rashib, sinadigan darajaga kelib qolgan. Bunday illatlarni turli vaziyatlarda, har qadamda ko’rish mumkin. Hukumat qaror va farmonlarida ana shularning oldini olish uchun bekamu ko’st choratadbirlar belgilab berilgan, biroq ularning amalidagi ijrosi ayrim hollarda yuzaki va sifatsizdir.

Ilm o’z yo’liga, ammo ayolning ma’naviy qiyofasi go’zal bo’lishi lozim. Bunda ta’lim va tarbiyani uyg’unlashtirgan holda olib borish zarur. Bu tushunchalarni bir-biridan ajratish mumkin emas, binobarin, biri ikkinchisini taqozo qiladi. Rus pedagog olimi A. F. Kiselev haqli ravishda shunday degan edi: ...odamlar o’z ichki dunyosini «qurish» dan to’xtadilar, chunki tarbiya odamning ichki dunyosini emas, tashqi dunyosini shakllantirishni maqsad qiladi. Bilim berishdan tashqari, shaxsda axloqiy sifatlarni, yuksak ichki madaniyatni shakllantirish zarur [5]. Fikrimcha, namuna bo’la oladigan, ilmli, o’z kasbining ustasi, farosatli, oqila xotin-qizlarni jamiyatga yetkazib berish uchun quyidagilarni amalga oshirish zarur:

1. Umumta’lim maktablarida qiz bolalar uchun alohida ma’naviy, axloqiy tarbiyaga yo’naltirilgan murabbiylik guruuhlarini tashkil etish, ularning faol va samarali ishlashini ta’minalash;
2. Xalq ijodiyoti namunalari (ibratli hikoyatlar, rivoyatlar, afsonalar, dostonlar, ertaklar, folklor va h.) asosida ma’naviyatni tarbiyalovchi kengaytirilgan darslarni tashkillashtirish;



3. San'at va adabiyotni chuqur o'rghanish, kitob mutolaasiga bag'ishlangan darsdan tashqari mashg'ulotlarni olib borish, badiiy asarlar, tasviriy san'at namunalarini tahlil qilish va xulosa chiqarish malakasini hosil qilish;

Ma'naviy tarbiya – bu shaxsiyatni shakllantirish kabi ko'p qirrali jarayonning muhim jihatlaridan biri, shaxsning axloqiy qadriyatlarni o'zlashtirishi, axloqiy fazilatlarni rivojlanterishi, idealga e'tiborni qaratishi, axloq me'yorlari va qoidalari asosida yashash qobiliyati, haqiqiy harakatlar va xulq-atvorda namoyon bo'ladigan e'tiqod va g'oyalardir. [5] Ana shunday e'tiqod va g'oyalar sog'lom hayot sari yo'l ochadi. Bunda ayollarning o'rni beqiyos.

Xotin-qizlar nafaqat oqila uy bekasi, balki jamiyat rivojiga hissa qo'sha oladigan yetuk mutaxassis, ilm-fan arbobi, ta'lim-tarbiya mayog'i bo'ishi lozim. Shuning uchun ham davlatimiz mustaqil bo'lgan ondan e'tiboran to hozirgacha xotin-qizlarning huquq va manfaatlarini ta'minlash, ular uchun munosib mehnat va turmush sharoitlarini yaratib berish, qobiliyat va salohiyatini ro'yobga chiqarish masalasi yurtimizda davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Endilikda bo'lajak onalarni sog'lom muhitda voyaga yetkazish, ularning ta'lim va tarbiyasiga ko'proq e'tibor qaratish kerakligi, gender tenglikni ta'minlash, oila qo'rg'onini mustahkamlash zarurligi dolzarb masalalardan biriga aylandi.

Ayollarni turli tazyiqlardan himoya qilish, ularni ijtimoiy, ma'naviy jihatdan qo'llab-quvvatlash, oila va jamiyatdagi nufuzini oshirish, ularning ta'lim-tarbiyasiga alohida e'tibor qaratish naqadar muhim masala ekanligi shubhasiz, biroq bu yo'ldagi to'sislarni bartaraf etish yakdil harakat va sog'lom mushohadani talab etadi. Buning uchun ayol timsoliga bo'lgan munosabatni o'zgartirish, ularning yuqori darajada ta'lim va tarbiya olishlari uchun keng sharoitlar yaratish lozim. Ularning aqliy salohiyatini ro'yobga chiqaruvchi chora-tadbirlarni amalga oshirish, ularni ruhan tarbiyalash, o'ziga ishonch hissini uyg'otish, turli jarayonlardagi faol ishtirokini ta'minlash butun bir jamiyat ravnaqini ta'minlash demakdir.

Foydalilanigan adabiyotlar ro'yxati (References):

1. Mirziyoyev Sh. (8 mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni munosabati bilan poytaxtdagi «O'zekspomarkaz» da tashkil etilgan tantanali bayram tadbirida so'zlagan nutqidan). <https://www.xabar.uz/siyosat/>
2. Mirziyoyev Sh. (06.03.2017 йил Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи) <https://uza.uz/uz/posts/>
3. Ушинский К. Д. Избранные педагогические произведения. Акад. пед. наук РСФСР. М. : Просвещение, 1968. -С. 78 (557 с.)
4. Селиванов Б. В. Этика. Теоретический курс авторизованного изложения. М. ; Новосибирск, 2005. -С. 188
5. Киселев А. Ф. Выбор // Педагогика. 2008. № 9. -С. 21



ЁШЛАРНИ ГЕНДЕР МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЙЁРЛАШ ЗАРУРАТИ

Абдуллаева Ранажон Матёкубовна

Ташкент давлат иқтисодиёт университети

доценти, психология фанлари номзоди.

e-mail: matyoqubovna67@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада хотин-қизларнинг жамиятдаги эркаклар билан тенг фаоллиги масалалари ёритилган. Гендер муносабатлари ҳар бир соҳада ва ҳар бир маконда аҳамиятлидир. Шу боисдан мақолада ёшларни оиласвий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига илк ёшлигиданоқ тайёрлаш тавсия этилган

Калит сўзлар: Гендер муносабати, хотин-қизлар, ёшлар, тасаввур, Конун, вазифа, тайёргарлик, саломатлик.

Абдуллаева Ранажон Матякубовна

Ташкентский государственный экономический

университет, доцент, кандидат психологических наук.

НЕОБХОДИМОСТЬ ПОДГОТОВЛЕНИЯ МОЛОДЁЖИ К ГЕНДЕРНЫМ ОТНОШЕНИЯМ

Аннотация: В данной статье рассматривается вопрос о равноправном участии женщин и мужчин в жизни общества. Гендерные отношения важны во всех сферах и во всех сферах. Поэтому в статье рекомендуется с раннего возраста готовить молодых людей ко всем аспектам семейной жизни.

Ключевые слова: Гендерное отношение, женщины, молодежь, воображение, закон, долг, подготовка, здоровье.

Abdullaeva Ranajon Matyakubovna

Candidate of Psychological Sciences., Associate Professor,

Tashkent State Economic University, Uzbekistan.

THE NEED TO PREPARE YOUNG PEOPLE FOR GENDER RELATIONS

Abstract: This article addresses the issue of women's equal participation with men in society. Gender relations are important in every field and in every space. Therefore, the article recommends preparing young people for every aspect of family life from an early age

Key words: Gender attitude, women, youth, imagination, law, duty, preparation, health.

Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан камситишни бартараф этиш, уларнинг тенг хукуқли эканлигини таъминлаш нафақат миллӣ ёки ҳудудий миқёсда аҳамият касб этади, балки айни замонда мамлакат хукуматининг бу борадаги устувор вазифаларига киради. Бош қомусимизда аёллар ва эркакларнинг тенг хукуқлилиги ҳақида алоҳида модда киритилган бўлиб, хотин-қизларга таълим олиш, касбий тайёрланиш, иш, меҳнат учун рағбатланиш ва хизмат юзасидан кўтарилишида тенг хукукий имкониятлар яратилган. Сўнгги йилларда бу борада мамлакатимизда қатор номатив-хукукий хужжатлар қабул қилинди ва такомиллаштирилди. Айниқса, Хотин-қизларнинг меҳнат хукуqlари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашга оид чора тадбирлар тўғрисидаги қарор, “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг хукуқлари ҳимояси борасида муҳим дастуриламал бўлди. Уларда гендер тенгликка хилоф бўлган барча чекловлар, хатти-харакатлар тўлиқ тавсифланди. Жумладан, жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида эркаклар ва аёлларнинг хукуқлари ҳамда эркинликларини камайтиришга ёки тан олмасликка



қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш жинси бўйича бевосита камситиш, сиртдан холис бўлиб туюладиган, бироқ бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан нокулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятлар, ҳолатлар, мезонлар ёки амалиётлар эса жинси бўйича билвосита камситиш сифатида қабул қилиниши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасида норматив-хукукий хужжатларига кўра, қуйидагилар жинси бўйича камситиш ҳисобланмайди: аёллар учун ҳомиладорлик, туғиш ва кўкрак сути билан боқиши даврида-махсус шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдаги фарқларни белгилаш; Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган тартибга кўра ҳарбий хизматга-фақат эркакларни чақириш; эркаклар ва аёллар репродуктив саломатлигини асраш билан боғлиқ-меҳнат муҳофазасини ўзига хос хусусиятлари; эркаклар ва аёлларнинг нафака ёшидаги тафовутлар;- қонунчилик асосида жамиятнинг барча жабҳаларида эркаклар ва аёлларнинг тенглигини таъминлашга қаратилган вақтинчалик маҳсус чора тадбирларни белгилаш; қамоқда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартларини ҳамда жиноий-хукукий таъсир кўрсатадиган бошқа чораларни тартибга солишдаги фарқларни белгилаш. Шу билан бирга, мамлакатимизда жамият ва давлат ишларини бошқариш, сайлов жараёни, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида аёллар ва эркакларнинг тенг иштироки кафолатланади. “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”,- дея таъкидлайди Президентимиз Ш.М.Мирзиёев. [1] Жумладан, оиласи муносабатлар соҳасидаги эркаклар ва аёллар хукуқларининг тенглиги: эркаклар ва аёллар никохининг ихтиёрийлигига; мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўймасликка; эр-хотинларнинг шахсий ва мулкий хукуқлари тенглигига; оила ичидаги низоларни ўзаро келишув бўйича ҳал қилишга; уйдаги меҳнат хусусида эркаклар ва аёллар хукуқлари ва мажбуриятларининг тенглигига; вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг хукуқлари ва манфаатлари ҳимоясини, оналик, оталик ва болалик ҳимоясини таъминлашда тенг иштирок этишга асосланган. Меҳнат муносабатларида эркаклар ва аёлларнинг тенг хукуқлари ҳамда имкониятларини таъминлаш мақсадида иш берувчи қуйидагиларни таъминлайди: ишга ёллашда, бўш иш ўринларини эгаллашда эркаклар ва аёллар учун тенг имкониятларни; тенг қийматли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг иш ҳақини (мукофотни); малака ошириш, қайта тайёрлаш ва хизматда кўтарилиш учун тенг имкониятларни; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар тутатилганда ёки қайта ташкил этилганда ходимларни ишдан бўшатишда эркаклар ва аёллар хукуқларининг тенглигини; фарзандлари бор эркаклар ва аёллар учун кулай бўлган оиласи кўллаб қувватлаш бўйича амалиётни жорий этиш ва ривожланиши, ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун кулай шарт-шароит яратишни; эркаклар ва аёлларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда саломатлигини сақлашни таъминлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини; эркаклар ва аёлларга тенглик асосида меҳнат фаолиятини амалга ошириш имконини берадиган иш шароитини яратишни; эркаклар ва аёллар учун меҳнат фаолиятини оиласи мажбуриятлар билан бирга бажариш имкониятини яратиш. [5]

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Боз Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг хукуқ ва имкониятларини кенгайтириш”га оид тўққизта вазифани ишлаб чиқди. Бешинчи мақсаднинг вазифалари (Гендер тенглик) мувофиқ, 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва етакчилик қилиш учун тенг



имкониятларни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, ушбу мақсад давлатнинг турли даражаларида Давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилишни ўз ичига олади. [2]

Ўзбекистонда бир қатор қонун хуҗжатлари, жумладан, Президентнинг хотин-қизлар хукуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинган. Гендер тенглигини жорий қилиш нуктаи назаридан таълимдаги ижобий ўзгаришларга эътибор қаратиш лозим. Яъни, 2017 йилдан бошлаб аксарият олий ўқув юртларида турли мутахассисликлар бўйича сиртқи бўлимлар фаолияти тикланди. Таълимнинг ушбу шакли ёш аёлларга болаларни парвариш қилиш ва бошқа оиласвий мажбуриятларни бажаришга халал қилмасдан олий маълумот олиш имкониятини беради. Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқида: “Мени кишиларимизнинг онгига пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни авваламбор она, оила кўргонининг кўриқчиси сифатида хурмат қиласиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”, -деб таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистонда хотин-қизлар хукуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг хукуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида 2019 йил сентябрь ойида “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. Хотин-қизларнинг эркаклар билан бир хил хукуқ ва эркинликларга эга бўлишининг, оналик ва болалик билан боғлиқ давлат сиёсати юритилаётгани, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини кучайтириш, сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш муҳим мезонлардан ҳисобланади. [4]

Бугунги кунда мамлакатимизда гендер тенглик бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор кучайтирилмоқда. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати таркибида аёллар хукуқларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича миллий қонунчиликда халқаро стандартларни уйғунлаштириш билан шуғулланувчи янги Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил қилинди. Мамлакатимизнинг 49 фоизини хотин-қизлар, уларнинг қарийб 64 фоизини 30 ёшгача бўлган хотин-қизлар ташкил этар экан. Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш, аёллар хукуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича амалга оширилаётган харакатлар бугунги кунда етарли бўлмай қолмоқда. [3]

Республикамизда 2019 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда аёлларни жинси бўйича бевосита ва билвосита камситишни тақиқланишига алоҳида урғу берилган. Мазкур қонун давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартағи “Хотин-қизларнинг меҳнат хукуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилди. Ушбу қонуннинг мақсади хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа жойларда тазииклар ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, тазииклар ва зўравонлиқдан жабрланганларни хукуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш ҳам қонуннинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади.

Умумий хулоса шундан иборатки, мамлакатимизда гендер тенгликка эришишда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада кучайтириш, шу орқали оиласи мустаҳкамлаш,



юқори интеллектуал даражадаги ёш авлодни вояга етказиш, жамият барқарорлигини таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Биз жамиятимизда ҳар бир ёш қизларни оила қургунча бўлган муддатда оилавий муносабатлар тўғрисида тасаввурлар шакллантирилишига, оиласдаги ролларни тўғри тақсимланишига тайёрлаб боришимиз мақсадга мувофиқдир. Шундай экан қизларимизни туғилганиданоқ жамиятимизнинг фаол аъзоси руҳида тарбиялашимиз, барча таълим-тарбия масканларида эса унга ўз қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантиришлари учун мавжуд имкониятларни яратиш, меҳнат жамоаларида эса ўз нуфузига монанд муносабатларни шакллантирилишига эришишимиз лозим. Қизларимизнинг қизиқиш ва қобилиятлари асосида мутахассислигини эгаллашлари ҳамда ўз мутахассисликларит бўйича жамиятджа фаол меҳнат қилишларига эришиш лозим. Буларнинг барчасини муваффақиятли амалга оширилиши учун қизларимизни бугунги кун талаби даражасида ҳаётнинг барча қирраларига, гендер муносабатларига тайёрлаб боришимиз ва уларда тўғри тасаввурлар шаклланишига эришишимиз лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ПФ-4947 сонли Ўзбекистон Президенти фармони 07.02.2017 й. 29 май.
2. Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси: Ўкув қўлланма. – Т.: 2006 – 142 б.
3. Сарибаева У.С. Оила барқарорлигига жинсий-психологик мутаносибликнинг таъсири. Психол. фан. ном. ... дис. автореферати: 19.00.05. – Т.: ЎзМУ, 2007. – 226.
4. Файзиева М., Жабборов А. Оилавий муносабатлар психологияси. – Т.: 2007. – 144 б.
5. Шоумаров Ф.Б. Оила психологияси: Академик лицей ва касб - хунар коллежлари ўқувчилари учун – Т.: Шарқ, 2000. - Б. 146-152.



ЎЗБЕКИСТОНДА АКТ СОҲАСИДАГИ ГЕНДЕР НОТЕНГЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ САБАБЛАРИ

Тўраева Гулбахор Ҳалимовна

Бухоро давлат университети

Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси

E-mail: gulbahor.th@gmail.com

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда Ахборот технологиялари соҳасида хотин-қизларнинг ўрни ва аҳамияти, IT йўналишида аёллар дуч келадиган мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш масалалари ёритилган. Айниқса, дастурчи-аёлларни тарбиялаш борасидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: АКТ, технологик инқилоб, гендер тенглик, гендер нотенглик, компьютер саводхонлиги, web-технология, web-дизайн, IT сфераси, IT мутахассислари, миллий менталитет,

БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё аёлларининг атиги 3% ахборот технологиялари соҳасига ихтисослаштирилган ўқув юртларида таҳсил олади. Эркаклар орасида эса бу кўрсаткич 10% дан кўпроғини ташкил қиласди. АҚШда ишчи кучининг деярли 50% ни аёллар ташкил этади, аммо АКТ соҳасида уларнинг сони атиги 25 % ни ташкил этади.

Сўнгги 5 йил ичида дунёдаги технологик сектор ва миллий хукуматларнинг қўллаб-кувватлаши туфайли қизларнинг АКТ соҳасидаги ролини оширишга ва гендер тенгликни таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қаратилган 3500 га яқин тадбирлар ўтказилди.

2017 йил 14 сентябрда Нью Йоркда БМТ шафелигига Инновацияларни ўзгартириш бўйича глобал коалиция эълон қилинди. Икки йил ичида 22 та ташкилот ва илмий муассасаларнинг бирлашиши аёллар ва қизларнинг технологик инқилобдан тўлиқ фойдаланишини таъминлади.

Коалиция дунёга машхур кўплаб компаниялар ва банклар, шу жумладан, “Cisco”, “Facebook”, “JPMorgan Chase”, “LinkedIn”, “Sony” қўллаб-кувватладилар. Улар ўз фаолият соҳаларида гендер тенгликка эришишга ва ушбу мақсадни барча жабхаларда илгари суришда янги технологиялардан фойдаланишга қарор қилдилар.

Янги альянс иштирокчилари аёллар ва қизларнинг инновациялар, технологиялар ва тадбиркорлик соҳасидаги олға силжишидаги асосий тўсиқларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар беради.

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар жаҳон ҳамжамиятида амалга оширилган гендерлик муаммоларни ҳал қилишдаги саъй-ҳаракатлардир. Хўш, бу борада Ўзбекистонда қандай ишлар амалга ошириляпти? Ўзбекистонда аёл ва қизларнинг компьютер саводхонлиги қай даражада? IT соҳасидаги аёл мутахассислар мавжудми?

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Шу жумладан, АКТ соҳасида ҳам бир қанча ўзгариш ва ривожланишларни кузатиш мумкин. Хусусан, республикамизнинг турли ҳудуларида IT-парклар ва Рақамли технологиялар ўқув марказларининг ташкил қилиниши, соҳа тараққиётининг муҳим омили сифатида хизмат қиласди.

“Интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон республикаси президентининг қарорида таъкидланишича, ўтган йили IT-паркнинг 5 та филиали ва Рақамли технологиялар ўқув марказларида 10 мингдан ортиқ ёшлар сабоқ олган.

Бу қамровни кенгайтириш мақсадида ҳар бир туманда камида биттадан мактабда IT-тўғараги очиш, яна 100 та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этиб, 20 минг йигит-



қизни дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасида тадбиркорликка ўқитиш режаси давлат дастурига киритилди.

Сир эмаски, мамлакатимизда IT соҳасидаги мутахассисларнинг аксариятини эркаклар ташкил қиласди. IT-парклардаги ўкув марказларида таҳсил олаётган ёшларни ҳам асосан йигит болалар ташкил қиласди.

Ўз-ўзидан савол туғилади, нега? Нега бугунги кунда аёлларимиз жамиятимизнинг барча тармоқларида фаоллик билан меҳнат қилаётган бир даврда IT сферасида уларнинг исмларини кам кузатамиз? Айтиш мумкинки, деярли учратмаймиз. Telegram ижтимоий тармоғидаги 9000 дан ортиқ ўқувчисига эга бўлган “Informatika va AT” каналида ўtkazilgan аноним сўровномада канал кузатувчиларининг атиги 7% ни аёллар ташкил қилиши маълум бўлди.

Бу борада аёл ва қизларнинг камёблиги бир қанча омилларга боғлиқлигини санаб ўтиш мумкин:

- Ўзбекистонда аёллар кўпинча соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий соҳа йўналишларида ишлайдилар. Фақатгина аёлларнинг камчилик қисмигина кўп миқдорли маош берувчи, жумладан, курилиш, транспорт ва коммуникация, ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритадилар.
- Миллий менталитет билан боғлиқ тўсиқлар. Жумладан, бизда ота-оналар қизларини асосан, ижтимоий соҳа йўналишида ўқитишга интиладилар. Аниқ фанлар йўналишида таълим олган қизлар ҳам, ёки математика ёки физика ўқитувчиси сифатида мактабга ишга жойлаштирилади. Ота-оналарда “компьютер бу қизларнинг иши” эмас, қабилидаги стереотипнинг мавжудлиги.
- ОТМларнинг компьютер илмлари, амалий математика ва информатика йўналишидаги битирувчиларнинг салмоқли миқдорини қизлар ташкил қиласди. Шунга қарамай, бу соҳада гендер нотенгликнинг мавжудлиги ачинарли ҳол.
- Аёлларнинг уй юмушлари билан ҳаддан ортиқ банд бўлишлари ва эркакларнинг бунга табиий ҳолат сифатида қарашлари.
- Аксарият аёл ва қизларимизда нафақат ахборот технологиялари мутахассисларининг камлигини, балки уларда оддий компьютер саводхонлигининг мавжуд эмаслигини кузатишмиз мумкин.
- Мактабларда информатика дарсларида асосий эътибор ўғил болаларга қаратилиши. Информатика ўқитувчиларининг ҳам ўз соҳаси бўйича етарлича билим даражасида эмаслиги.
- **Худудларда дастурлаш, web-технология, web-дизайн соҳасидаги мактабларнинг мавжуд эмаслиги. Салмоқли перспективага эга бўлган IT-мактабларнинг аксарияти Тошкент шаҳрида жойлашган.**
- **Ва албатта, энг асосий муаммо – Интернет. Ўзбекистонда чекка худуларда интернетнинг мавжуд эмаслиги, мобил интернетнинг жуда қимматлиги таълим сифатига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Сифатсиз интернет – сифатсиз таълим!**
- Аёл ва қизлар учун IT сферасида ташкил қилинадиган тадбирларнинг кам ташкил қилиниши ва ҳоз. Масалан, 2019 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида “IT Woman’s GAP” форуми, август ойида турли соҳадаги аёл ходимларининг ахборот технологиялари борасидаги саводхонлигини ошириш максадида бир ҳафталик “IT Woman Uzbekistan” семинар-тренинги ташкил қилинди. 2019 йилнинг ноябрь ойида эса, бир гурӯҳ ўзбекистонлик талаба қизлар, ёш олималар делегацияси Варшавада бўлиб ўтган «Perspektywy Women in Tech Summit 2019» номли II-Европа конференциясида иштирок этиб қайтишди. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай тадбирлар асосан, пойтахтда ташкиллаштирилади ва ўртacha даромадга эга бўлган оила фарзанди учун Тошкент шаҳрига бориб келиш ва у ерда бир икки кун яшаш оиланинг моддий ахволига сезиларли таъсир қиласди.



Юқоридаги муаммоларни инобатга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, мана шундай юқори савиядаги тадбирларнинг вилоятларда ташкил қилиниши соҳадаги ривожланишнинг бир кадам илгари силжишига ёрдам беради.

Яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш керакки, мақола учун статистик маълумот тўплаш мақсадида Ўзбекистон республикаси статистика қўмитасининг расмий web-сайтига (www.stat.uz) мурожаат қилдим. Сайтда гендер статистикаси бўйича фақат туғилишлар сони келтирилган. Берилган маълумотлар ҳам янгиланмаган – 2018 йилгача. Жамиятимизнинг қайси соҳаларида аёллар неча фоизни ташкил қилиши хусусида ҳеч қандай маълумот топилмади. Мана шу масалалар бўйича статистик сўровномалар ўтказиш, муаммоларнинг айнан жиҳатларини ўрганиш зарурлигига ва уларни бартараф этишга ёрдам беради.

Гендерлик масалалари жамиятнинг барча қатламларида мавжуд. Муаммо ва ечимларни битта мақолада ёритиб бериш жуда мушкул. Биз юқорида муаммоларнинг айрим жиҳатлари билан танишиб ўтдик. Бундай муаммоларнинг турли хил ечимларини излаш, муаммоларни ҳал қилиш илмли авлоднинг етишиб чиқишига замин яратади.

XXI асрда аёлларнинг жамиятдаги иштироки бутунлай ўзгармоқда. Агар биз эркак ва аёлларнинг teng имкониятлар билан таъминлай олмасак, инсоният учун аҳамиятли бўлган салоҳиятни тўла амалга ошира олмаймиз. Эркак ва аёллар орасидаги тенгликка еришиш миллатимизга янада ёрқинлик олиб келади.

Фойдаланилган манбалар:

1. “Интеллектуал мулк обьектларини мухофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон республикаси президентининг қарори.
2. https://uza.uz/uz/posts/intellektual-mulk-obektlarini-muhofaza-qilish-tizimini-takomillashtirish-chora-tadbirlari-togrисida_237643
3. Обзор Пекин+25: Гендерное равенство и расширение прав и возможностей женщин в странах СПЕКА // United Nation ESCAP // сентябрь, 2020 г.
4. <https://www.neg.by/novosti/otkrytj/genderne-ravenstvo-v-sfere-informacionnyh-tehnologij>
5. <https://www.uz.undp.org/>
6. <https://stat.uz/180-ofytsyalnaia-statystika-uz/6552-gender-statistikas>
7. <https://www.uzdaily.uz/ru/post/47711>
8. <https://www.spot.uz/ru/2019/04/11/it-woman/>



ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ГЕНДЕРНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

Жаббарова Э.
преподаватель,
Джизакский политехнический институт,
Узбекистан

Аннотация: В данной статье рассматриваются лексикографические аспекты гендерных исследований, а также конструирование гендерной идентичности в дискурсивных практиках массовой культуры.

Ключевые слова: гендер, культура, лексикография, знания, термин.

LEXICOGRAPHIC ASPECTS OF GENDER RESEARCH

Zhabbarova E.
Lecturer, Jizzakh Polytechnic Institute,
Uzbekistan

Resumе: This article examines the lexicographic aspects of gender studies, as well as the construction of gender identity in the discursive practices of mass culture.

Key words: gender, culture, lexicography, knowledge, term.

Зрелость научной дисциплины, высокая степень ее теоретической разработанности определяются тем, насколько обобщены ее результаты в той или иной форме лексикографической фиксации (словарь, глоссарий, справочник).

В 2002 г. вышел первый в России русскоязычный «Словарь гендерных терминов» (под редакцией А.А.Денисовой), содержащий 378 словарных статей, а также англоязычные терминологические эквиваленты.

Современная гендерология (теория и практика гендерных исследований) как междисциплинарная область интегрирует обширную информацию из целого комплекса гуманитарных наук, к которым относятся: философия, социология, антропология, политология, правоведение, литературоведение, лингвистика, психология, культурология и др. Коллектив авторов-энтузиастов объединения 49 ведущих специалистов из России и стран ближнего зарубежья.

Структура словарной статьи: термин, его варианты, синонимы, дефиниция или описательная характеристика понятий, комментарий, англоязычный эквивалент, библиография, фамилия автора. При отборе гендерных концептов действовали три критерия: важность понятия для системы терминов в целом; уровень просветительского потенциала понятия; закрепленность его в профессиональной речи. Словник не исчерпывает гендерную терминологию. Если исходить из принципа гнездового, только два ключевых концепта; феминистский...(как составная часть термина) и гендер/гендерный, -ая, -ое, -ые... заменяют примерно третью всего объема словаря.

Читая словарь по принципу гипертекста, можно приобрести фундаментальные и систематические знания, которые показывают, «какие роли, нормы, ценности, черты характера предписывает общество женщинам и мужчинам через системы социализации, разделения труда, культурные ценности и символы...» (О.А.Воронина). Словарь способствует повышению гендерной грамотности нашего общества, институционализации отечественных гендерных исследований, установлению равности прав и возможностей женщин и мужчин.

Как представляется, следующие этапы лексикографической разработки гендерных проблем – составление двуязычных и многоязычных словарей, расширение словарника и углубленное представление материала, составление библиографических справочников, аннотированных списков литературы.



Бурный расцвет интереса к проблемам гендера на рубеже тысячелетий совпал с тотальной информатизацией современного мирового сообщества, что незамедлительно вызвало целый ряд коммуникационных и культурологических проблем, к решению которых приступили специалисты в разнообразных сферах гуманитарных наук. На стыке разнообразных онтологий сформировалось целое направление – гендерная лингвистика, вырабатывающая сегодня свое отношение к сходствам и различиям в структуре, содержании и ходе коммуникации.

Результаты психолингвистического исследования (свободный и направленный ассоциативные эксперименты, метод субъективных дефиниций, анализ оценочного восприятия лексемы и др.) показывают, что исследуемый концепт имеет гендерную специфику.

Яркие гендерные отличия проявились при анализе оценочного восприятия концепта «быт». При общей тенденции восприятия быта как «нечто положительного, хорошего» для мужчин быт не несет той отрицательной характеристики, которая отмечается у женщин. Различия в отношении к концепту связаны, видимо, с большей занятостью женщин в домашнем хозяйстве, «приземленностью» и рутинностью их труда. Мужчины же достаточно редко заняты в домашнем быту (традиции и обычаи разделения труда на «женский» и «мужской»), поэтому их отношение к данному концепту в большей степени положительное, чем у женщин.

Свободный ассоциативный эксперимент позволил выделить образы, кодирующие исследуемый концепт в сознании носителей языка, а также отметить их гендерные особенности. Для мужчин актуальными оказались образы, связанные с уютом: диван, телевизор, комфорт, отдых и др.; для женщин – образы типичной бытовой деятельности: кухня, посуда, кастрюля, уборка, мусорное ведро, цветы, чистота и др. Это еще раз доказывает, что для мужчин концепт «быт» связан с положительными ядерными образами, для женщин более актуальными являются негативные образы рутинного домашнего труда.

В целом можно сделать вывод, что концепт «быт» в своем ядерном строении более близок женщинам, чем мужчинам.

Анализ британских словарей середины XX века иллюстрирует положение феминистской лингвистики о том, что лексикографические источники отражают и воспроизводят сексистское употребление языка.

Как известно, гендер проявляется в стереотипах, фиксируемых языком, в речевом поведении индивидов, осознающих себя лицами определенного пола. Гендерные стереотипы являются частным случаем стереотипа и обнаруживают его свойства как, например, устойчивость, категоричность, упрощенность, доходчивость, избирательность, обобщенность, эмоциональность и другие. Под гендерными стереотипами понимают стандартные мнения о качествах, атрибутах и нормах поведения представителей обоих полов той или иной социальной группы или отдельных лиц данной группы. Гендерная стереотипизация фиксируется в языке на всех его уровнях итесно связана с формами выражения оценки.

К стереотипным следует отнести и ритуалы, поскольку они воспроизводят принятые в обществе нормы, статусные отношения и формируют круг ожиданий людей относительно мужского и женского поведения, внешности, одежды и т.п.

Под коммуникативным поведением понимается совокупность норм и традиций общения народа, возрастной, профессиональной и т.д. группы. Гендерное коммуникативное поведение выступает как один из видов социально обусловленного коммуникативного поведения и как таковое требует систематизированного описания.

Разработана модель описания национального коммуникативного поведения, которая предполагает последовательное описание коммуникативного поведения народа по системе фактор – параметр-под- параметр – коммуникативный признак.

Представляется, что эта модель может лечь в основу систематического описания гендерного коммуникативного поведения, при этом мужское и женское коммуникативное поведение будут описываться отдельно, но на фоне друг друга, при соблюдении принципа



контрастивности. Выделяемые параметры будут характеризовать коммуникативное поведение мужчин в сопоставлении с женским коммуникативном поведением, и наоборот.

Основными факторами, систематизирующими описание гендерного коммуникативного поведения, являются: общительность, коммуникативная эмоциональность, вступление в контакт, характер поддержания коммуникативного контакта, характер выхода из коммуникации, коммуникативная приветливость, коммуникативный демократизм, коммуникативная самоподача, этикетность общения, коммуникативное давление, коммуникативный контроль, тематическая направленность общения, дискуссионность, предпочтаемый круг общения и тип собеседника, ориентация на собеседника, коммуникативная дистанция, физический контакт, соотношение верbalного и невербального общения, жестикуляция, мимика, громкость, темп общения.

Литература

- 1.Попов А.А. К проблеме отражения гендерного аспекта в лексикографии // Гендерный фактор в языке и коммуникации. – М., 1999..
- 2.Бендас Т.В. Гендерная психология. – М. 2006.
- 3.Абдувахобова Д.. Роль женщин в развитии физической культуры в семье. Бухара. Международная конференция.2020.
4. Эрназарова М. Аёллар спортини ривожлантиришда оиланинг тутган ўрни. Бухара. Международная конференция.2020.



ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО И ДОСТОЙНЫЙ ТРУД

Захарова М.

преподаватель средней
школы №19 г.Джизака, Узбекистан

Аннотация: В статье рассматривается вопрос гендерного равенства и достойного труда, а также один из наименее изученных вопросов лингвистических гендерных исследований – лексикографическое представление гендера.

Ключевые слова: гендер, исследования, лингвистика, труд, язык.

GENDER EQUALITY AND DECENT WORK

Zakharova M.

teacher of secondary school No. 19 in Jizzak, Uzbekistan

Resume: The article examines the issue of gender equality and decent work, as well as one of the least studied issues of linguistic gender studies - the lexicographic representation of gender.

Key words: gender, research, linguistics, labor, language.

Весь цивилизованный мир признает равноправие женщин и мужчин. Не допускается их дискриминация по какому-либо признаку. Каждое государство должно создать надлежащие условия для обеспечения равноправия мужчин и женщин во всех сферах общественной жизни. Гендерное равенство, являющееся неотъемлемой частью прав человека, подразумевает равенство полов, право женщин и мужчин принимать равноправное участие в процессах политического, экономического, социального, культурного развития и равноправно пользоваться общественными благами, возможностями и ресурсами.

Женщина и собственность Согласно Конституции, женщины и мужчины равны и имеют одинаковые права. Их равноправие распространяется на все сферы, в том числе и на собственность. Равные права собственности охраняются и признаются законом. Закон различает индивидуальную и общую собственность супругов. Индивидуальной собственностью каждого супруга является собственность, принадлежащая ему до брака, а также собственность, полученная им во время брака по наследству или в дар.

Общей собственностью супругов является все то, что они приобрели на протяжении брака. Следует принять во внимание, что зачастую один из супругов работает и содержит семью, а другой супруг занимается бытовой деятельностью, заботиться о детях и не имеет независимый доход. И в этом случае имущество, даже если оно приобретено на доходы только одного из супругов, считается общей собственностью.

Насилие в семье - это нарушение прав и свобод одного члена семьи другим членом путем физического, психологического, экономического, сексуального насилия или принуждения.

Физическое насилие – избиение, истязание, нанесение вреда здоровью, незаконное лишение свободы, либо такие действия, которые вызывают физическую боль или муки;

Психологическое насилие – оскорблование, шантаж, унижение, угроза или иные действия, вызывающие ущемление чести и достоинства человека;

Экономическое насилие – действие, вызывающее ограничение обеспечения питанием, жилищными и иным необходимыми для нормального развития условиями, осуществления прав на собственность и труд, а также права пользования и распоряжения собственной долей имущества, находящегося в совместной собственности;

Сексуальное насилие – половая связь с применением насилия, под угрозой насилия, либо используя беспомощность жертвы; половая связь или иные действия сексуального характера, либо развратные действия в отношении несовершеннолетнего лица;



Принуждение – физическое или психологическое принуждение лица к выполнению или невыполнению действий, выполнение или отказ от выполнения которых является его правом, либо к тому, чтобы на себе испытать воздействие, противоречащие его воле.

Страны нашего региона находятся на различных стадиях экономического развития; ситуация и задачи в области обеспечения равенства между женщинами и мужчинами также различны. Тем не менее существуют общие тенденции, отражающие статус женщин и мужчин на рынке труда и их социальные роли, основанные на ценностях и традициях, существующих как в обществе, так и в семье.

Советское законодательство содержало положения, гарантировавшие равные возможности для женщин и мужчин, включая сферу труда и экономику. Однако в советский период существовала тенденция для женщин заниматься «женскими» профессиями, уделяя больше времени воспитанию детей; при этом государство обеспечивало их различными выплатами и льготами. Женщины могли свободно вернуться на свое прежнее рабочее место, так как государство гарантировало защиту от безработицы.

В то же время мужчины традиционно выполняли функции кормильца семьи и занимали более высокое положение, работая на руководящих постах, хотя 30-процентная квота была гарантирована и женщинам. В переходный период многие женщины были вынуждены перейти из государственного сектора экономики в неформальный сектор, чтобы прокормить свои семьи, но теряя при этом социальную защиту и гарантии занятости. В настоящее время экономическая активность женщин в регионе продолжает оставаться довольно высокой: 80 работающих женщин приходится на каждые 100 мужчин. В то же время доля женщин в динамично развивающихся и высокооплачиваемых отраслях продолжает сокращаться на фоне возрастающей экономической и профессиональной сегрегации, и все большее число женщин остаются без работы продолжительный период времени.

В большинстве стран региона женщины получают лишь 60-80 процентов от средней заработной планы мужчин, в зависимости от страны и сектора экономики. Женщины также ограничены «стеклянным потолком», который не позволяет им занимать руководящие позиции; и они часто сталкиваются с так называемой «скрытой» дискриминацией на рынке труда. Хотя в последнее время структура семьи и гендерные роли существенно изменились, традиционные стереотипы, основанные на представлении о мужчине как о кормильце семьи, все еще превалируют в большинстве стран, что негативно отражается на положении женщин и мужчин, которые стремятся совмещать работу и семейные обязанности.

Другая вызывающая тревогу тенденция - резкое снижение участия женщин в процессе принятия решений и в политической жизни. Их представительство в национальных парламентах в среднем составляет около 10 процентов, а в некоторых странах женщины в этих органах совсем не представлены.

МОТ продвигает возможности достойного и производительного труда для женщин и мужчин в условиях свободы, равенства, социальных гарантий и уважения человеческого достоинства. Таким образом, МОТ считает гендерное равенство ключевым элементом своем видении достойного труда для всех мужчин и женщин. Мы стремимся поддерживать своих социальных партнеров – правительства, профсоюзы и организации работодателей – в воплощении на практике принципов гендерного равенства.

С целью определения степени гендерной обусловленности языковых форм объективации эмоциональных реакций, на материале современной австрийской художественной литературы были проанализированы содержащие МЕ эмотивные контексты. При этом речь шла не только об употреблении гендерно релевантных мотивов, но и о вероятности вербального - невербального появления-проявления, той или иной эмоциональной реакции.

Высокая представленность положительных эмоций (радость), нейтральных (удивление), негативных эмоций (испуг, растерянность, неуверенность, отвращение), а также их преимущественно речевая манифестация, наряду с частым употреблением первичных междометий, не только создают общий эмоциональный тон речевого контекста, но и подчеркивают их участие в создании стереотипа женственности. Представленность иных положительных и негативных эмоций (превосходство, уверенность, гнев/ярость, возмущение/досада, презрение), сдерживание эмоциональных реакций или их невербальное



выражение (вербализация «недостойных мужчин» эмоций может эксплицироваться автором во внутренней речи персонажа), – все это создает нейтральный тон речевого контекста и участвует в создании стереотипа мужественности.

Вопреки общепринятым взглядам многочисленных психологов и социологов эмоциональность свойственна как женщинам, так и мужчинам. Гендерной дифференциация эмоциональной сферы проявляется как на качественном уровне (в преимущественной реализации определенных эмоций), так и формально (в использовании характерных вербальных/невербальных средств их объективации). При этом исследование эмоциональной сферы должно осуществляться с учетом таких социальных параметров, как возраст, социальное положение, ситуация общения.

Литература

13. Бендас Т.В. Гендерная психология. – М. 2006.
14. Абдувахобова Д. Роль женщины в развитии физической культуры в семье. Бухара. Международная конференция.2020.
15. Хамдамова Х. Оилада аёлларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Бухара. Международная конференция.2020



ГЕНДЕРНЫЕ АСПЕКТЫ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ.

Эрназарова М.

преподаватель,

Джизакский политехнический институт,

Узбекистан

Аннотация: В данной статье рассматривается актуализация концептов женственности и мужественности, а также конструирование гендерной идентичности в дискурсивных практиках массовой культуры.

Ключевые слова: гендер, культура, общество, характер, литература.

GENDER ASPECTS IN THE INFORMATION SOCIETY.

Ernazarova M.

Lecturer, Jizzakh Polytechnic Institute,

Uzbekistan

Resume: This article examines the actualization of the concepts of femininity and masculinity, as well as the construction of gender identity in the discursive practices of mass culture.

Key words: gender, culture, society, character, literature

С позиций культурологии и герменевтики исследуется один из жанров развлекательной литературы – детектив. Массовую культуру относят к одному из проявлений информационного общества, она транслирует культурные смыслы от специализированной, элитарной культуры к обыденной. Одним из феноменов массовой культуры считается развлекательность, связанная с «преднамеренной редукцией сложных смыслов».

Детектив охватывает разные виды литературных нарративов, сюжетно объединяемых наличием криминального происшествия, тайну которого надлежит раскрыть. Этот инвариант имеет множество вариантов: от «аналитических» и «интуитивных» до «черных» детективов (Horrorkrimi, нем), семейных историй с криминальным налетом, шпионских детективов. – Объединяемые «формульным» характером повествования, детективы издаются на коммерческой основе, часто сериями, в виде книжек в мягких обложках и высокими тиражами поступают на рынок, подобно другим продуктам массовой культуры, стремясь к коммерческому успеху («индустрия культуры»). – Персонажи детективов могут соответствовать гендерным стереотипам или отклоняться от них в плане дальнейшей социализации или асоциальности. При создании образов женщин – матери, домохозяйки, сексуального объекта и т.д. – и образов мужчин – владельца, профессионала, сексуального субъекта и т.д. – воспроизводятся традиционные гендерные стереотипы и патриархатные отношения доминирования мужчин, неравенство статусов.

При изображении деловых людей, специалистов, женщин и мужчин, отношения становятся симметричными, гендерный аспект как бынейтрализуется, наступает статусное равенство, а в редких случаях и доминирование женщины. Но и при этом возможны патриархатные властные отношения, особенно это касается бытовой и интимной сфер.

С изображением асоциальных элементов общества и людей с психофизическими отклонениями связаны сдвиги в гендерной идентичности или полный отказ от нее вплоть до создания образов «ненатуралов» и бесполых персонажей. Параметры отмеченных моделей могут сочетаться и пересекаться, символически передавая подвижность границ в дихотомии мужское – женское, при относительной стабильности традиционных гендерных стереотипов мужественности и женственности. Это становится одной из причин притягательности детективной литературы, изображающей культуру и субкультуры большого города, увлекающей интеллектуальной игрой – раскрытием причин и мотивов поступков и действий своих персонажей, знакомя читателя с новыми «версиями жизни» и моделями поведения.



В исследованиях по гендерной лингвистике в последнее время произошел поворот к дискурсу, и изучение взаимодействия языка и гендера, в определенной степени, стало синонимичным изучению дискурса и гендера. Сказанное ни в коей мере не означает снижения значимости для гендерной лингвистики таких типов анализа как грамматический, фонологический, лексический и т.д. Вместе с тем, междисциплинарное исследование явлений дискурсного порядка, заняло центральное место в исследованиях взаимодействия языка и гендера. Представляется, поэтому, не случайным появление большого количества исследований, посвященных вопросам дискурса и гендера. Кроме того, существует огромное количество других публикаций (книг, диссертаций, статей), изучающих взаимодействие дискурса и гендера с различных позиций. Столь большое и разнообразное количество публикаций делает затруднительной любую попытку всеобъемлющего их обзора.

Дело осложняется тем, что в науке сегодня не существует четко определенного подхода к дискурсу, который можно было бы назвать гендерным дискурсным анализом; более того, не все подходы к дискурсу являются по сути своей гендерными точно так же, как не существует одного общего направления в гендерных исследованиях, которого бы придерживались все ученые, работающие в данной области. Мы попытаемся описать в общих чертах некоторые из различных форм, которые может принимать дискурсный анализ, и то, как эти формы могут быть использованы в изучении гендера.

Подходы к дискурсному анализу, рассматриваемые нами, опираются на четыре различных, однако часто взаимосвязанных исследовательские традиции:

- 1) антропологическую, фокусирующую внимание на вопросах, связанных с культурой;
- 2) социологическую, подчеркивающую общественный характер дискурса;
- 3) критическую, концентрирующуюся на изучение текста;

4) антропо-историческую, рассматривающую исторические проекции дискурса. В дальнейшем мы сосредоточимся на рассмотрении каждого из этих подходов, на анализе из положительных и отрицательных сторон.

Поскольку применение любого дискурсно-аналитического подхода к изучению гендера неизбежно приводит к возникновению теоретических предположений относительно дискурса, власти и идентичности личности человека, мы также коснемся того, каким именно образом определенные теории дискурса связаны с соответствующими гендерными теориями.

Для изучения природы социокультурной категории гендера полезно присмотреться к реальному употреблению русских существительных общего рода, а также примыкающих к ним существительных типа врач. Этот класс, как и вообще лексико-грамматическая категория рода, выделяется на основе «согласовательных» свойств слова (А.А.Зализняк). Но практическое применение этого, казалось бы, четкого критерия приводит к тому, что огромное множество обозначений лиц в русском языке распадается с этой точки зрения на целый ряд подклассов, имеющих к тому же нечеткие границы. Эксперимент состоял в том, что испытуемые должны были письменно решить специально составленную нами лингвистическую задачу, в которой перемешаны существительные мужского, женского и «общего» рода. Анализ результатов позволяет предположить существование нескольких гендерных стереотипов.

Литература

1. Попов А.А. К проблеме отражения гендерного аспекта в лексикографии // Гендерный фактор в языке и коммуникации. – М., 1999..
2. Piirainen E. Geschlechtsspezifik in der deutschen Phraseologie // Das Wort. Germanistisches Jahrbuch 1999. – М., 1999..
3. Бендас Т.В. Гендерная психология. – М. 2006.
4. Абдувахобова Д.. Роль женщин в развитии физической культуры в семье. Бухара. Международная конференция.2020.
5. Эрназарова М. Аёллар спортини ривожлантиришда оиланинг тутган ўрни. Бухара. Международная конференция.2020.



ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКОЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЕ ГЕНДЕРА

Юсупов К.
преподаватель,
Джизакский политехнический институт,
Узбекистан

Аннотация: В статье рассматривается один из наименее изученных вопросов лингвистических гендерных исследований – лексикографическое представление гендера.

Ключевые слова: гендер, исследования, лингвистика, лексика, язык.

LEXICOGRAPHIC REPRESENTATION OF GENDER.

Yusupov K.
Lecturer, Jizzakh Polytechnic Institute,
Uzbekistan

Resume: The article deals with one of the least studied issues of linguistic gender studies - the lexicographic representation of gender.

Key words: gender, research, linguistics, vocabulary, language.

Процессы межкультурной коммуникации обусловили становление антропологической и культурологической тенденций в современной лексикографии. Разные типы словарей при лексикографической разработке языковых единиц включают в словарные статьи культурологические пометы, дающие более полное представление о культурных концептах, реалиях, закрепленных за тем или иным языковым знаком.

Представляется, что словари должны четко фиксировать и гендерно значимую информацию. Под гендерно значимой информацией мы подразумеваем данные, закрепленные в языке, позволяющие определить те или иные гендерные отношения и стереотипы лингвокультурной общности – все то, что касается социокультурного статуса мужчин и женщин. Однако проблема лексикографического представления гендера находится лишь на начальной стадии освоения.

Методологическая основа лексикографического анализа в гендерных исследованиях изложена в работах М.С.Колесниковой. Одним из важнейших вопросов, по мнению автора, является «квалификация» анализируемого словаря, т.е. соответствие определенным требованиям, обеспечивающих «объективность и достоверность исследования». Подобная характеристика позволяет дифференцированно подходить к полученным результатам. Таким образом, при выборе лексикографического издания предлагается учитывать следующие критерии: тип и объем словаря, объективность словаря, его хронологическая характеристика.

Анализ лексикографических изданий может дать ответы на некоторые вопросы, решаемые в рамках лингвистической гендерологии, а именно:

- 1.Какими языковыми средствами конструируется гендер?
- 2.«Какие ограничения накладывает гендерный фактор на употребление языковых единиц; как эти ограничения фиксируются..? Как меняется описание семантики в связи с получением новых данных?» Второй вопрос наименее разработан и представлен лишь единичными трудами, среди которых исследования Э.Пириайнен, А.А.Попова, М.С.Колесниковой. Очевидно, что его разработанность влияет на достоверность результатов исследований первого направления. Решение названной проблемы тесно связано с представлением гендерного аспекта языка в лексикографии. Фразеологические словари широко используются как источник данных для описания гендерных концептов и стереотипов, однако проблема лексикографической фиксации гендерно значимой информации также почти не обсуждалась в научной литературе.



Так А.А.Попов, исследуя Словарь усилительных словосочетаний русского и английского языка, основное внимание уделяет изучению лексикографической фиксации ограничений, накладываемых на употребление ФЕ в связи с типом референции и адресата-адресанта высказывания. Было обнаружено, что некоторые словосочетания имеют гендерные пометы предписывающего характера с указанием на пол возможного референта (например, о муж., о жен.). Однако, степень ограничения, накладываемого на употребление этих ФЕ, не всегда является жесткой, и рестрикционные правила могут быть нарушены, что иногда приводит к изменению смысла ФЕ. Результаты данного исследования ставят вопрос о необходимости рассмотрения проблемы референции, а также проблемы верификации помет.

Одна из первых исследовала фразеологические словари немецкого языка с позиции гендерного подхода и выделила три группы недостатков маркировки гендерных характеристик ФЕ:

1. Полное отсутствие гендерных маркеров в словарной статье.

2. Неадекватные стилистические пометы (т.е. не содержащие необходимой достаточной оценочно-стилистической маркировки).

3. Искусственный характер примеров, иллюстрирующих некоторые фразеологизмы.

Исследования А.А.Попова и Э. Пириайнен позволяют предположить, что неразработанность принципов лексикографического представления гендера может обнаружиться и на материале других языков. Наше исследование обнаружило, что описание гендерно значимой информации в английских словарях также имеет произвольный характер и в некоторых случаях является неадекватным:

1. В одной и той же словарной статье даются взаимоисключающие гендерные пометы.

2. Разные словари дают противоречивые комментарии к одним и тем же ФЕ.

3. Исследуемые словари дают разные оценочно-стилистические пометы к одним и тем же ФЕ.

Таким образом, рассмотренные выше недостатки лексикографической разработки ФЕ указывают на необходимость разработки принципов фиксации и кодификации гендерно значимой информации, включенную в структуру и семантику ФЕ, и на материале английского языка.

Один из наиболее эффективных, апробированных и часто используемых методов изучения детской речи является метод свободных ассоциаций, который рассматривают как некую интегративную психолингвистическую модель анализа данных, позволяющую описать и исследовать образы группового языкового сознания, функционирующие в интракультурной среде (Гарганеева, 2002; Горощко, 2003). Отметим, что человеческое сознание не может быть полностью гетерогенным образованием, и наряду, например, с национальной принадлежностью его системообразующими факторами являются и пол, и возрастная, и социально-профессиональная принадлежность человека (Горошко, 2003).

В процессе исследования гендерных различий на базе украинского языка возникает ряд трудностей, которые, с нашей точки зрения, требуют детального рассмотрения. Во-первых, это практически полное отсутствие (в отличие, например, от русского языка) исследований онтогенеза ассоциативных связей на украинском материале. Во-вторых, возникают психолингвистические проблемы, связанные непосредственно со становлением украинского языка как государственного в рамках еще сравнительно молодого государства. В-третьих, можно выделить проблему неоднородности языка, связанную с историческим формированием украинского языка в условиях разных государств, а также с фактом влияния языков тех стран, с которыми граничит современная Украина.

Анализ работ на базе русского языка позволил автору сделать вывод о том, что гендерные различия в ассоциативном мышлении, столь очевидные уже в школьном возрасте, зарождаются гораздо раньше. Таким образом, влияние гендерного фактора на формирование внутреннего лексикона ребенка и на его ассоциативный механизм проявляется на начальных стадиях формирования его индивидуального сознания и в последствии может оказать значительное воздействие на «гендерные» особенности функционирования языкового



сознания индивида (Галунова, 2003). Сравнительный анализ показал аналогичные различия мальчиков и девочек на базе двух языков.

Литература

- 1.Попов А.А. К проблеме отражения гендерного аспекта в лексикографии // Гендерный фактор в языке и коммуникации. – М., 1999..
- 2.Piirainen E. Geschlechtsspezifik in der deutschen Phraseologie // Das Wort. Germanistisches Jahrbuch 1999. – М., 1999..
- 3.Колесникова М.С. Методологические проблемы лексикографического анализа в гендерных исследованиях // Гендер: язык, культура, коммуникация: Доклады Второй международной конференции (Москва, 22–23 ноября 2001). – М., 2001.
- 4.Кирилина А.В. Возможности гендерного подхода в антропоориентированном изучении языка и коммуникации // Кавказоведение. – 2002. – № 2. – М., 2002.



ОИЛАДАГИ ТАЗИЙҚ ВА ЗУРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ВА АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАСАЛАЛАР

АЁЛЛАР ВА ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ

Гуломова Комила Махаматжановна

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув
ҳамда педагог кадрларни қайта тайёrlаш ва
уларнинг малакасини ошириш институти таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада аёллар ва қизларнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги ўрни, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасида Республикамиз ва жаҳон мамлакатларида олиб борилаётган ислоҳатлар ва уларнинг натижалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Гендер, тенглик, БМТ, аёллар, халқаро, ЮНЕСКО, CEDAW тадқиқот.

ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО В УКРЕПЛЕНИИ РОЛИ ЖЕНЩИН И ДЕВОЧЕК В СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ

Гуломова Комила Махаматжановна

Докторант института педагогических инноваций,
переподготовки и повышения квалификации управленческих
и педагогических кадров профессионального образования

Аннотация. В статье рассматривается роль женщин и девочек в социальной, политической и культурной сферах, проводимые в нашей стране и во всем мире реформы по защите прав и свобод женщин и их результаты.

Ключевые слова. Гендер, равенство, ООН, женщины, международный, ЮНЕСКО, CEDAW, исследование.

THE EQUALITY OF GENDER IN STRENGTHENING THE ROLE OF WOMEN AND GIRLS IN SOCIAL LIFE

Gulomova Komila Maxatjanovna

PhD student of the Institute of Pedagogical Innovation,
Management of Vocational Education, Retraining and Advanced Training

Annotation. In this article, the position of women and girls social, political and cultural fields, on the protection of women's rights and freedoms in our Republic and was illuminated the reforms being carried out in the countries of the world and their results.

Keywords. Gender, Equality, UN, Women, International, UNESCO, CEDAW research.

Кириш. Бугунги кунда Республикаизда Конституциямиз, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ҳамда бир қатор Давлат дастурлари оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга улкан хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз БМТ томонидан қабул қилинган аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид кўплаб халқаро ҳужжат ҳамда шартномаларга қўшилган. БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, Халқаро меҳнат



ташкilotининг Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, Меҳнат ва бандлик соҳасида камситишлар тўғрисидаги конвенциялари шулар жумласидандир. [7]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” номли асрларида “**Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг мухим вазифамиз, биламиз” деб, оиласлар ва аёллар билан олиб бориладиган ишлар доимо давлатимизнинг дикқат-эътиборида эканини алоҳида таъкидлаган эдилар. [3]**

Замонавий аёл олимнинг илм-фан ва жамият тараққиётидаги ўрни ҳакида гапирганда, биз, авваламбор, эришилган ютуқлар ва кашфиётларга, гендер муносабатлар парадигмасидаги имкониятлар ва қобилиятларнинг тенглигига эътибор берамиз. Шу билан бирга, муваффақиятли илмий фаолиятни амалга ошириш, таълим соҳасида мартаба қуриш, эришилган ютуқларни дунё миқёсида тан олиш, иқтисодиёт ва таълимнинг турли соҳаларида ёш аёл олимларнинг ишланмаларини жорий этиш-замонавий аёл хаётининг бир қисми бўлишига ҳеч ким ҳалақит қиласлиги керак.

Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш Вазирлигининг ташкил этилиши аёлларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва қулай шарт-шароитлар яратишда пойдевор бўлди. Шунингдек гендер масалалари бўйича статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш бўйича - gender.stat.uz ташкил этилди. Ўзбекистон Парламенти **Пекин Декларацияси ва Ҳаракат Платформасини** амалга оширишда, шунингдек, Пекин + 25 ташабbusi бўйича Ҳисботни тайёрлаш юзасидан маслаҳат ва мунозараларда фаол иштирок этди. Ўтган йили "Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция" нинг 40 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон иккита янги яъни, "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида" ва "Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги" қонунларни қабул қилди.

Ўзбекистон Пекин Ҳаракатлар Платформасининг еттига жиҳати бўйича аёллар зўравонлигига барҳам беришда катта ютуқларга эришди.

Қашшоқлик, таълим ва касбий тайёргарлик имкониятларининг етишмаслиги, соғлиқни сақлаш ва репродуктив саломатлик масалалари, аёлларнинг ҳуқуқларига хурматсизлик, экологик муаммолар, қизларга нисбатан камситиш билан боғлиқ гендер муаммолари макроиқтисодий сиёsat, таълим ва соғлиқни сақлаш сиёsatи ва гендер масалаларини ҳисобга олган ташабbuslар билан минималлаштирилди.[7]

Бугунги кунда АҚШ ва Европа давлатларида таълим, сиёsat, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда аёлларнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Аёлларнинг гендер тенглиги умуман аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қарашлар XX асрнинг охирги йилларида кузатилгн ва уч босқичга бўлинган:

1. women's studies (аёллар тадқиқотлари);
2. feminist studies (феминист тадқиқотлар);
3. gender studies (гендер тадқиқотлар).

Россияда аёлларнинг жамиятдаги ўрни октябр тўйнаришидан кейин ўрганила бошланган. 1990 йилларда Россияда бу борада бир неча адабиётлар таржима қилинган. “Гендер назарияси антологияси” (Гапова, Усманова 2000), “Гендер тадқиқотлари асослари” курси бўйича антология (Воронина 2000) шулар жумласига киради. Америкада эса иккинчи жаҳон уришидан кейин аёлларнинг роли биринчи бўлиб иқтисод соҳасида намён бўла бошлаган. Худди шу йилларда американлик олимлар аёллар ўртасидаги гендер масалаларини тадқиқ қилиб уларни "Feminist Studies", "Women's Studies", "Signs", "Sex Roles", "Gender and Society" каби журналларда тадқиқот натижаларини ёритиб келганлар. Америка давлати гендер тарихида сиёsat, ҳуқуқ, дин ва маданият, ўрта ва олий таълим йўналишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бу соҳалар жамият миқёсида ижтимоий тенгликни яратишнинг асосий



пойдеворлари бўлиб ҳисобланган. Гендер тенглигини ўрнатиш, аёллар ҳуқуқларини тан олиш учун энг кескин кураш бу соҳаларда америкалик аёллар томонидан олиб борилди ва айниқса колледж ва университетларда ўқиш ҳуқуқи учун кескин курашлар олиб борилди ва илк ижобий натижаларга эришилди.

Хозирги кунда ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тарбақиёт Дастури асосида турли мамлакатдаги аёллар тенглигини ҳақиқий ҳолатини таҳлил қилиш, ўрганиш ва муҳофаза қилиш мақсадида “Гендер тенглиги индекси” (The Gender Equity Index) фаолият олиб боради. Бу индекс турли мамлакат аёлларнинг учта асосий соҳадаги фаолиятини баҳолайди. Булар:

1. Репродуктив саломатлик;
2. Фуқоролик ҳуқуқлари ва имкониятлари;
3. Меҳнат бозоридаги имкониятлари.[5]

2015 йил 22 декабрда БМТ Бош ассамблеяси томонидан 11 феврал кунини “Халқаро илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар куни” сифатида нишонланиши қабул қилинди. Бундай куннинг тадбиқ этилиши аёллар ва қизларнинг, жамиятда, фан ва таълимда ўрнини мустаҳкамлашда туртки бўлди. Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики дунёда атиги 30% аёллар илм-фан билан шуғулланадилар. Аммо олий таълим муасссаларига кириб таҳсил олаётган қизларнинг сони йилдан йилга эркакларга нисбатан ошсада, уларнинг кам сони таълимни давом этиб илм билан шуғулланадилар.[9] Бу борада Европа давлатлари анча илғор ҳисобланади. Сўнгги йилларда илм ва фан соҳасида аёлларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Улар асосан қуидаги соҳаларда намоён бўлмоқдалар:

- иқтисод соҳасида;
- таълим соҳасида;
- сиёсатда

Бу 3 та кўрсаткич бўйича Исландия давлати аёллари энг илғор саналади. Бу давлат 2009 йилдан бошлаб гендер тенглиги бўйича биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ундан кейинги ўринларни Норвегия, Швеция, Финландия ва Боливия давлатлари эгаллаб келмоқда. Норвегияда давлат бошқарувида фаолият юрутувчи аёллар 40% дан ошган. Финландия давлатида эса март ойининг ўртасида аёлларнинг барча соҳалардаги ютуқларини муносиб тақдирлаш учун ҳар йили Women of the World, WOW (Дунё аёли) номли фестивал ўтказиб келинмоқда. Юқоридаги соҳалар бўйича энг паст кўрсатгичлар Яман, Ироқ ва Сирия давлатларида кузатлган.[8]

Республикамизда ҳам жамиятда, фан ва таълим тизимида, оилада ва умуман барча соҳалардаги хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлашда кўплаб ислоҳатлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари, жумладан, “Давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини ошириш тўғрисида”,[1]“Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва бошқа кўплаб хужжатларни кўрсатиш мумкин. [2] Республикализ Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб аёллар ҳуқуқини халқаро меъёр ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW), аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги, оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро конвенцияларга қўшилди. CEDAW конвенцияси аёллар ҳуқуқини муҳофаза қилиш мақсадида 1979 йил 18 декабрда БМТ томонидан ташкил этилган. Конвенциянинг асосий мақсади сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги эркаклар ва ёллар ўртасидаги тенглик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, оиласвий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъий назар ҳимоя қиласди. [4] Мамлакатимизда аёлларнинг таълим олиши учун ҳам барча шарт шароитлар яратилган. Бундан ташқари ёш олима ва иқтидорли қизлар ҳар йили Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланиб келинмоқдалар. Сўнгги йилларда давлат бошқаруви ва сиёсатда ҳам ўзбек аёллари юқори лавозимларда фаолият юритиб ўзларини намоён этмоқдалар.



Шуни ҳам таъкидлаш керакки, дунё мамлакатлари ичида Ўзбекистонда аёлларнинг оиласидаги ўрни ва аҳамияти, уларнинг оиласига бўлган муносабатлари, мавқеи аҳамиятли ва юкори даражада баҳоланади.

Фан ва таълим соҳасида ҳам Республикаизда олима аёлларнинг сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Республикаизда бугунги кунга келиб таълим, мадецина, сиёсат ва барча турли соҳаларда хотин-қизларимизнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётгандарнинг 72 физизини аёллар ташкил этади. Юртимизда мутабар аёлларимизга шундай улкан имкониятлар яратилаётгандарнинг ўрни ундан самарали фойдаланиш, билим ва қўнималарни ривожлантириш, ўзбек аёлларини жаҳон мамлакатларда ҳам ўз ўринларига эга бўлишлари учун бунданда кўпроқ меҳнат қилишимиз лозим. Зоро, муҳтарам Юртбошимизнинг самимият билан “Ер юзидағи ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади” деб, бежизга айтмаганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1995 йил 2 мартағи “Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёллар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.-Тошкент, 2016
4. Convention on the Elimination of all Forms of Discrimination Against Women, CEDAW.-18 декабрь, 1979.
5. he World Economic Forum. The Global Gender Gap Report 2018//
<https://www.weforum.org/reports/the-global-gender-gap-report-2018>
3. Smagin B.A. Lekcii po discipline «Gendernaya sociologiya». Sankt-peterburgskij gosudarstvennyj morskoj tekhnicheskij universitet, 2014
6. Women, business and the law 2019: a decade of reform//
<https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/31327/WBL2019>
- 7.<http://parliament.gov.uz/>
- 8.<https://finland.fi/>
- 9.<https://ru.unesco.org/>



OILADAGI TAZYIQ VA ZO'RAVONLIKLARNI OLDINI OLISH HAMDA GENDER TENGLIK MASALALARI

Abduvaliyeva Ziyoda Norqo'ziyevna

Jizzax davlat pedagogika instituti Xotin-qizlar kengashi raisi, O'zbekiston Respublikasi Xalq Ta'limi a'llochisi hurshid.abduvaliyev@gmail.com

Vatanimizning taqdiri va kelajagi, jondan aziz bolalarimizning baxt-u kamoli kabi ulug' maqsadlar yo'lida barchamiz belimizni mahkam bo'g'lab ishlashimiz, bor aql-zakovat, bilim va tajribamizni, jonajon Vatanimizga farzandlik mehrimizni va sadoqatimizni safarbar etishimiz kerak.

Shavkat Mirziyoyev

Annotatsiya: Oilalarning mustahkamligi jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy xavfsizligini, uning ravnaqi, taraqqiyotini belgilovchi, hal qiluvchi omil hisoblanadi. Ota-onalar oilaviy hayotni boshqarishida mas'uliyatli bo'lishi, farzandlarni bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil eta olishlari, mehnatga layoqatli qilib, biror yaratuvchanlik bilan band bo'lishlarini ta'minlashlari kelajak hayotlarida as qotadi.

Tayanch iboralar: tazyiq va zo'ravonlik, oila instituti, sog'lom oila, on ava bola salomatligi, jamiyat taraqqiyoti, oila nosog'lomligi, o'z joniga qasd qilish, halollik, rostgo'ylik, bir-biriga mehr, bir-biriga hurmat.

Oiladagi muhit jamiyat hayotining ko'zgusi hisoblanadi hamda kuchli, barqaror va farovon davlat qurishda muhim o'rinn tutadi. Biroq, tuzilayotgan erta va qarindoshlar o'rtasidagi nikohlar yosh oilalar o'rtasidagi ajrashishlar, ayollar jinoyatchiligi sonining ortib borishiga sabab bo'lmoqda., voyaga yetmagan shaxslarning bezorilik va tartibbuzarliklari kabi holatlar hanuz uchrab turibdi. Demak, vaziyatni ijobiy tomonga o'zgartirish va kelajakda bu kabi salbiy hodisalarini bartaraf qilish uchun, oilalar bilan ishslash tizimida yangicha yo'nalishdagi va samara beradigan mehanizmlarni joriy etish talab qilinadi.

Mazkur vazifa O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 2-fevraldagi "Xotin-qizlarni qo'llab quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatini tubdan takomillashtirish chara-tadbirlari tog'risida"gi Farmonida o'z aksini topdi.

Shuningdek O'zbekiston respublikasi Prezidentining 2018-yil; 27-iyundagi Qarori bilan "O'zbekiston Respublikasida oila institutini mustahkamlash konsepsiysi" va uni amalga oshirish yuzasidan "Yo'l xatirasi" tasdiqlandi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining bir nechta qarorlari qabul qilindi.

Sog'lom oila muhitini yaratish, sog'lom avlodni shakllantirish, ona va bola salomatligini muhofaza qilish, sog'lom bola tug'ilishi, jismoniy va ma'naviy barkamol avlodni voyaga yetkazish borasidagi ishlarni yanada kuchaytirish va samaradorligini oshirishga qaratilgan bir qator huquqiy xujjat va dasturlar qabul qilinib, hayotga tadbiq etilayotganligi yurtimizda oilaga jamiyatning asosiy negizi sifatida qaralayotganligi va davlat himoyasida ekanligidan dalolat desak, mubolag'a bo'lmaydi, albatta.

Olia tarbiya maskani, unda shaxsning kelajagi uning tarbiyasi qanday amalga oshirilishiga, tarbiyachi hisoblanmish ota-ananing o'z burchi va vazifalariga qanday munosabatda bo'lishiga bog'liq. Oiladagi har bir kishining o'z burch va vazifalariga mas'uliyat bilan yondashishi oila mustahkamligi, jamiyat farovonligiga erishishning muhim omili hisoblanadi.

Shuningdek, jamiyat taraqqiyotining kutilgan darajaga chiqsa olmasligi, uning taraqqiyotiga to'sqinlik qiluvchi, uning inqiroziga olib keluvchi kuchlarning yuzaga kelishida ham oilaning ta'siri kattadir. Chunki oilalarning nosog'lomligi, noqobil va nizoli oilalar, ajrashishlar soninig ortishi



jamiyatga turli iqtisodiy, ijtimoiy ziyon yetqazadi. bunday nosog;lom psixologik muhitli, nizo-janjalli, o'zaro mehr-oqibqtsiz muhitda dunyoga kelib, shakllangan bolada ham keyinchalik nafaqat o'z ota-onasi, aka-ukalariga nisbatan, balki atrofdagilarga, qolaversa o'zi yashagan jamiyatga nisbatan ham salbiy munosabat shakllanadi va shu asosda o'z oilasi, o'z xalqi, o'z yurti uchun xavfli insonlarni yetishirib yetishishiga ham asos bo'lishi mumkin.oilada mehr va muhabbat topolmagan, ota-onani nizoli munosabatlardan bezib ketgan farzandlarda kuchli depritsiyaga moyillik, asabiy zo'riqish, o'zini tan olmaslik, o'zgalarga nisbatan qo'pol munosabatda bo'lishn kbi salbiy odatlar paydo bo'ladi. Bu hol ijtimoiy xatarga moyil yoshlarni paydo bo'lishiga olib keladi.

Kundalik turmushda tez-tez uchrab turadigan o'z joniga qast qilgan shaxslar, hayotda o'z maslagiga ega bo'limgan, aniq kelajagini ko'rolmaydigan, turli jinoyatchilik ijrochisi bo'lib qolayotganlarda avvalo hayotidan qoniqqanlik hissini past darajada ekanligini kuzatishimiz mumkin.

Buni oldini olish uchun avvalo ota-onalar oilaviy hayotni boshqarishni o'ta muhim mas'uliyat va san'at darajasidagi ijro deb bilishlari shart bo'ladi. Farzandlarini bo'sh vaqtlarini mehnat qilishga, biror yaratuvchanlik bilan band bo'lishini ta'minlashga, o'z faoliyati samarasidan huzurlanishga yo'naltirish, ogohlantirish taqazzo etadi. Shuningdek, irodaviy zo'r berishni chidamlilikni, ko'nikmalarini shakllantirishda ota-onalar hayotlari davomida ibtat-na'muna bo'la oishlari, nazorat qilishlari ta'lab qilinadi.

Yoshlarni olaviy hayotga tayyorlash, oiladagi nizoli holatlarni hal qilishning huquqiy asoslarini o'rganish, ajrimlarning oldini olish, shuningdek, oiladagi ma'naviy-ahloqiy qadriyatlarni mustahkamlashga oid boshqa masalalar bo'yicha kelishuvlar olib borilishi darkor. Bo'lajak oilaning taqdiri qanday shakllanishi ma'lum ma'noda bo'lajak er-xotin o'sib ulg'aygan oila muhitiga ham bog'liqidir. Bu borada eng avvalo 2 ta jihat muhim ahamiyat kasb etadi. Ulardan biri ota-onalarning shahsiy namunasi bo'lsa, ikkinchisi ota-onalarning farzandlarga bergen tarbiyasining ta'sirchanligidandir.

Shuning uchun ham bo'lajak oilaning, ota-onaning oiladagi o'rni belgilaydi. Bunda talabchanlik, iliq munisabat, farzandlar bilan bo'sh vaqtini birgalikda o'tkazish, oshkoraliq kabi jihatlarni o'z ichiga olgan tarbiya eng oqilona, samarali tarbiyalardan hisoblanadi. Bizga ma'lumki hozirgi zamонави油 oilalar bir pog'onali, ya'ni ota-ona va farzandlardan iborat tuzilgan bo'lib, farzandlar tarbiyasida bob ova buvilar ishtiroki, ular tajribasi va o'giti ta'siri oz bo'lganligi sababli yosh ota-onalar va pedagoglarning o'sib kelayotgan kelajak avlod tarbiyasiga ko'proq mas'uliyat bilan yondoshuvini talab etadi.

O'zbek xalqi tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak xalollik, rostgo'ylik, or-nomus, sharmu-xayo, mehru-oqibat, mehnatsevarlik kabi barcha insoniy fazilatlar eng avvalo oilada shakllanishini guvohi bo'lamiz. Bugungi kunda mana shunday ananalar davom etib, O'zbekiston oilalarida ota-onalar sog'lom iqlim, bir-biriga mehr va hurmat sharoitida farzandlarini el-yurtning ishongan munosib o'g'il-qizlari, Vatanning haqiqiy jasur, sog'lom, sodiq fuqarolari bo'lib voyaga yetishishlari uchun qayg'urishlari lozim bo'ladi. Chunki bu har bir er-xotinning ham davlat, ham jamiyat oldidagi burchi va vazifasidir. Hozirgi kunda oilalarni, hususan yosh oilalarni mustahkamlash, og'irini yengil qilish, ular duch keladigan turli muammolarini yechish, zarur yordam berish davlatimiz tomonidan amalgalashirilayotgan ustuvor vazifalardan hisoblanadi.

Xulosa qilib shuni ta'kidlash kerakki, shaxsning hayotdan qoniqqanlik mezoni uning o'z-o'ziga bo'lgan munosabatlari tizimi bilan uzviy bog'liq. Xususan, shaxsda kechadigan har qanday ijtimoiy va salbiy sifatlarning yuzaga kelishi uning bolalikdagi olgan ijtimoiy ta'sirlari, oila muhiti bilan hisoblashiladi va albatta uning nechog'lik hayotdan qoniqqanlik darajasiga ega ekanligini belgilovchi mezon bo'lib ham xizmat qiladi.

Foydalilanigan adabiyotlar ro'yhati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 2-fevraldagagi "Xotin-qizlarni qo'llab quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'riusida"gi PF-5325-sonli Farmoni.
2. Hamidova M. "Farzand tarbiyasi-kamolot mevasi". Toshkent. 2017 yil.
3. Akramova F.A. Oilada muomalani tashkil etish psixologiyasi. Toshkent/ 2006.



4. “Oilani mustahkamlashda ilmiy tadqiqotlar ko’lamining ahamiyati” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Jizzax. 2018.
5. D.Toshmuxamedova, D.Karimova, B.Mavlonov. O’zbekistonda zamonaviy oila (Ijtimoiy tadqoqotlar natijalari bo’yicha). Toshkent. 2019.
6. Faol tadbirkorlik, innovatsion g’oyalari va texnologiyalar – taraqqiyot poydevori. Tavsiyalar. Toshkent. 2018.



О'ZBEK MUMTOZ SHOIRLARI IJODIDA GENDER TENGLIGI MASALASI.

Madina Ahrorova

SamDCHTI, Ijtimoiy fanlar kafedrasi assistant o'qituvchisi
E-mail: madin ahrorova@mail.com

Annotatsiya Zamonaviy jamiyatshunoslik izchillik bilan va samarali tarzda gender tushunchasini ijtimoiylik hamda uning shakllarini tahlil qilish borasidagi muhim asoslardan biri sifatida ishlab chiqmoqda. "Gender – tabiatan belgilanmagan, ijtimoiy hodisalar ato etgan xususiyatlar yig'indisidir. Gender ayollar va erkaklarga ta'sir ko'rsatuvchi barcha ijtimoiy jarayonlarda mavjud, tashkil topadi va qayta tiklanadi. O'zbekistonda mustaqillik yillarda gender tenglikka erishish choralarini ro'yobga chiqarish yo'lida juda katta ishlar amalga oshirildi. Oilaning ijtimoiy muhofazasi, onalik va bolalik masalalariga mas'ul bo'lgan Bosh vazir o'rinnbosari rahbarligida 1991- yilda Xotin-qizlar qo'mitasiga asos solinganligi bilan institutsional rivoqlanishda sezilarli o'sishga erishildi. Xotin-qizlar qo'mitasi barcha hududlarda va jabhalarda vakolatli bo'lgan takomillashgan tizimga ega. Shu o'rinda savol tug'ilishi mumkin yurtimiz tarixida xususan, xonliklar davrida ayollar tengligi qay darajada bo'lgan. Mumtoz shoiralar Maxzuna, Nodira, Uvaysiy, Anbar Otin hamda Dilshodi Barno ijodi misolida maqolada ushbu masalaga murojaat qilinadi. Mumtoz shoiralarimizning ilmiy merosi hamda, ular yaratgan g'azallarni tahlil qilib, masalaning tub mohiyatiga oydinlik kiritamiz.

Kalit so'zlar: gender tengligi, qora, mazluma, chiston, bistu se adiba, devon, ma'rifatparvar, avom, zohid, fusu, mumtoz, benavo.

ВОПРОС ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В ПРОИЗВОДСТВЕ УЗБЕКСКИХ КЛАССИЧЕСКИХ ПОЭТОВ.

Аннотация. Современная социология последовательно и эффективно развивает концепцию гендера как одну из важных основ анализа социальности и ее форм. «Гендер - это набор характеристик, которые не определены природой, но наделены социальными явлениями. Гендер - это культурная маска пола, наше восприятие гендера в рамках наших собственных социокультурных представлений. Более того, гендер - это всего лишь гендер, который составляет гендер в результате его социализации. Гендер присутствует, формируется и возрождается во всех социальных процессах, влияющих на женщин и мужчин. За годы независимости Узбекистан много сделал для достижения гендерного равенства. Значительный прогресс был достигнут в институциональном развитии с момента создания в 1991 году Комитета женщин под руководством заместителя премьер-министра, отвечающего за социальную защиту семьи, материнства и детства. Комитет женщин имеет усовершенствованную систему, которая компетентна во всех областях и на всех фронтах. Это поднимает вопрос об уровне равноправия женщин в истории нашей страны, особенно в период ханства. В статье рассматривается этот вопрос на примере произведений поэтов-классиков Махзуны, Нодира, Увайси, Анбара Отина и Дильшоди Барно. Анализируя научное наследие наших поэтов-классиков и созданные ими стихи, мы проясним суть вопроса.

Ключевые слова: гендерное равенство, черный, угнетенные, чистон, бисту се адига, девон, просветитель, авом, захид, фусн, классик, бенаво

THE ISSUE OF GENDER EQUALITY IN THE WORK OF UZBEK CLASSIC POETS.

Annotation. Modern sociology is consistently and effectively developing the concept of gender as one of the important foundations for the analysis of sociality and its forms. "Gender is a set of characteristics that are not defined by nature, but are endowed by social phenomena. Moreover, gender is only gender, which is what constitutes gender as a result of its socialization. Gender does



not belong to man, but man belongs to sex, and he has power and language. Gender is present, formed, and regenerated in all social processes that affect women and men. During the years of independence, Uzbekistan has done a lot to achieve gender equality. Significant progress has been made in institutional development since the establishment of the Women's Committee in 1991 under the leadership of the Deputy Prime Minister in charge of social protection of the family, motherhood and childhood. The Women's Committee has an improved system that is competent in all regions and on all fronts. This raises the question of the level of women's equality in the history of our country, especially during the khanate. The article addresses this issue with the example of the works of classical poets Makhzuna, Nodira, Uvaysi, Anbar Otin and Dilshodi Barno. Analyzing the scientific heritage of our classic poets and the poems they created, we will clarify the essence of the issue.

Key words: gender equality, black, oppressed, chiston, bistu se adiba, devon, enlightener, avom, zahid, fusn, classic, benavo.

KIRISH.

Prezidentimiz ta'kidlaganidek, ayolning nafosati va nazokati, vafo va sadoqati, aql-zakovati va fidoyiligi asrlar mobaynida yer yuzida hayot abadiyligiga asos bo'lib keladi.

Shu bois, ayolni e'zozlash, ayolga ehtirom ko'rsatish xalqimizga xos oljanob qadriyat hisoblanadi. Ayniqsa, yurtimizda aziz ayollarning sog'lom surriyod, barkamol avlodni tarbiyalab voyaga yetkazishdagi o'rni va xizmatini munosib qadrlash, ularga eng yaxshi sharoitlarni yaratib berish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylandi.

Mamlakatimizda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar natijasida xotin-qizlarning ijtimoiy-iqtisodiy sohalardagi o'rni tobora ortib bormoqda.

O'tgan qisqa davr mobaynida xotin-qizlarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, ularning jamiyat va davlat hayotida faol bo'lishlarini rag'batlantirish borasida ko'plab amaliy ishlar qilindi.

Ayniqsa, Prezidentimizning "Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni mazkur yo'nalishdagi ishlarning yangi bosqichini boshlab berdi. Xotin-qizlarning bandligini ta'minlash, ularning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, ular o'rtasida jinoyatchilikning oldini olish borasidagi ko'rsatkichlar sezilarli darajada yaxshilandи.

Davlatimiz rahbarining Oliy Majlis Senati yigirmanchi yalpi majlisida so'zlagan nutqi xotin-qizlar masalasiga davlat siyosati darajasida qaratilayotgan e'tiborning yana bir yaqqol ifodasi bo'ldi. Bu boradagi islohotlarga hamohang tarzda Senatda Xotin-qizlar va gender tenglik masalalari qo'mitasining tashkil etilgani esa mazkur yo'nalishda parlamentning roli kuchayib borayotganidan dalolatdir.

Inson va xalqning baxtli taqdiri uchun kurash mavzusi xususan, o'rta asrlar adabiyotida ham chuqur ma'no kasb etdi. Chunki bu davrda feodal-klerikal axloq inson haq-huquqini poymol etdi. Shunga ko'ra ham o'rta asrlar adabiyotida ham inson shaxsining erk va haq- huquqlari mavzusi markaziy o'ringa ega bo'ldi. Ayni shu davrda Maxzuna, Nodira, Uvaysiy, Anbar Otin hamda Dilshodi Barnolar shu davrda yashab ijod etganlar. Ijtimoiy hayotdagi boshqa hamma salbiy faktorlar qatorida islonning xotin- qizlarga nihoyatda cheklangan munosabatining o'zi ularning ijdolarida erkinlik va ma'rifat uchun kurashishning o'ziga xos g'oyalarini maydonga tashlangan edi.

MATERIALLAR VA METODLAR.

O'zbek shoiralari ijodini o'rganish ular qoldirgan merosning to'la nashrlarini tayyorlash keying 15-20 yil ichida muhim qadamlar qo'yilganligi diqqatga sazovordir. Jumladan, A.Qayumov tomonidan tayyorlangan Nodira g'azallarining birinchi va ikkinchi nashri[1,313], Uvaysiy devoni, Shuningdek, filologiya fanlari nomzodi O'tkir Rashid tomonidan Uvaysiy, Nodira, Maxzuna sherlaridan iborat „ Uch shoira "nomi bilan nashr etilgan majmua kitobxonlarga manzur bo'lgan.[2,78]

O'zbek shoiralari ijodi bilan tanishishda T.Jalolov tuzgan „O'zbek shoiralari to'plami" alohida ahamiyatga ega[4,5]. Tojik adabiyoti namoyondalari Yoji Usmon,A.Muxtorov, T.Shodiyevlarning ilmiy izlanishlari hamda ular qoldirgan asarlar taxsinga loyiq. Toji Usmon tomonidan nashr etilgan



„Bistu se adiba”[6] to`plamida X asrdan boshlab o`zbek va fors-tojik tillarida ijod etgan 23 shoiralarning ijodi, sherlaridan namunalar va ular hayotidan parchalar keltirilgan. Dilshodi Barno uning hayoti va ijodini o`rgangan tojik olimi A.Muxtorov Dilshod va uning XIX XX asr boshlarida tojik xalqi ijtimoiy fikr tarixida tutgan o`rni”, „Dilshodi Barno va uning adabiy merosi” asarlarida adibaning ijtimoiy falsafiy fikrlarini yoritgan.

Filologiya fanlari nomzodi A.Jalolovning „1905-1917-yillar ma`rifatparvar- demokratik o`zbek adabiyoti” nomli tadqiqotida Toshkentda yashab ijod etgan progressiv shoirlar qatorida Nozimaxonim ijodiga ham to`xtalib o`tadi. Nozimaxonim „xo`rlangan mazlumalar” va ezilgan bechora mardumalar” haqida muhabbat bilan sherlar yozgani va „bechora avom fikri” bilan yashaganligi qayd etiladi. [7]

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Insoniyat badiiy tafakkurining ibtidosi inson va uning insoniylik huquqi haqida so`z boshlaydigan bo`lsak, haqiqiy insonparvarlik, ozod mehnat, chinakam demokratiya, haqiqiy shaxs ozodligi, eng ilg`or fan va madaniyat adolatli jamiyatdagina qaror topadi. O`zbek shoirlari adabiyotda uzoq asrlar davomida kuylanib kelingan ushbu mavzuni rivojlantiribgina qolmasdan, uning ayollar dunyosiga xos yangi aspektlarini kashf etdilar. Bu hol ularning ayolning samimiyy muhabbatini kuylashda, ayol qalbining eng nozik xis-tuyg`ularini ayol tili bilan ifodalashda, uning qadr-qimmatini yerga urib kelgan kuchlar: shayx, zohid, muttasiblarga va shariatning nihoyatda mahdud qoidalariqa qarshi norozilik bilan chiqishlarida o`z ifodasini topgan:

Mutriba bo`ldi noshod, el dardini etib yod

Qachon kelar baxtli kun, qachon bo`larmiz ozod?!

(Mutriba)

Mumtoz shoirlar haqida so`z boshlaganda, avvalo Qo`qon adabiy muhitini yaratib bergen Nodira ijodiga murojat qiladigan bo`lsak, Nodira inson hayotini tushuntiruvchi shayxni „orifi komil“ deb biladi.Unga e`tiqod bilan qaraydi lekin o`z atrofida bunday „orifi komil“ni ko`rmaydi. Shoira hayotida uchragan shayxlar aksincha boshdan-oyoq inson erkini kamsituvchi, tamagir, riyoxasi bo`lgan kishilar edilar. Nodira shayxlarni ayovsiz fosh qiluvchi Navoiy misralaridan ilhomlanib yozadi:

Riyoyu hirs tamasavtidur taronai shayx,

Eshitmakim, hamma afsun erur fasonai shayx

Bu yerda shayxni xarakterlashda uning fasonlarni „fusndan iborat“ deb aytish suhbatning sovuqligiga ishora qilish juda o`rinli qo`llangan obrazlardir. [8,619]

Inson erkining kamsitilishiga qarshi bunday e`tiroz Uvaysiyning ishqiy g`azallarida ham ko`pdir.

Ahli olam ani damidan omon topqon emas,

Nafsi shayton boshini kesguvuchi qotil zohid

Uvaysiy zuhd elining hukmron mafkura sohiblari sifatida har qanday jahl ishiga qodirligini yaxshi biladi. Shuning uchun ham shoira ularga bo`ysunishdan boshqa iloji yo`q (aslida shoira ularning kirdikorlarini qoralaydi) chunki ular „jahl mayini ichsa“ yomon oqibatlarga olib kelishi mumkin.

Musulmon dunyosidagi ayollarning haq- huquqlari, or- nomuslari ko`p asrlar davomida toptalib, vaxshiyona azob va haqoratlarga duchor qilinganliklarini aniq hayotiy faktlar misolida ishonarli tasvirlagan shoira- Mutribadir. Quyidagi satrlar zamon nafasi bilan yo`g`irilgan bo`lib, shoiraning Turkistonidan tashqari o`lkalarda ham uyg`onish boshlanganligining xabardorligini ko`rsatadi:

Ochib yuz ma`rifat sori, eting barbod xurofotni,

Biling, ul ufalik dugonalar yengmush jaholatin

Olib erkin nafas, onlar qilib, daf'an zalolatin,

Asrlar eltg`on ul bid`at uyqusidan uyg`oning!

Ko`rinib turibdiki, o`sha zamonlarda ayollar ozodlikka chiqish, ilm- ma`rifat ilinjidagi kurashda ma`rifat yo`lidan borganlar. Ayollarning ilm ahlidan bo`lishiga bo`lgan intilishlari mumtoz



shoiralar tashkil etgan maktablar misolida ko'rish mumkin. Uvaysiy, Nodira, Dilshod otinlar ilmga chanqoq ayollarga ta'lim berish bilan birga ularni birdamlikka, tenglikka chorlagan.[9]

Keling, qizlar, chalaylik daf ila soz,
Bir osoyish zamonni chorlaylik boz.

Diyorimizni ta'rif aylamakka
Hamma maqsadni birga aylaylik soz.

Qo'shiqni Nodira she'rig'a bog'lab,
Bo'layluk sozig'a bizlar hamovoz.

Uvaysiy birla Mahzuna qoshida
Turaylukluk suhbat aylab birga damsoz..

Jamoli misra asli ersa, Barno,
O'qug'an odam aylar oncha e'zoz.

Аёллар томонидан хуқуқий маданият андозалари, хуқуқий қадриятлар ва қоидаларнинг ўзлаштирилиши, хуқуқий меъёрлар, принципларнинг идрок этилиши унда амалдаги хуқуқий тизимга мослашиш ва муайян функцияларни бажариш имконини берувчи сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Мазкур ҳолат муайян хуқуқий меъёрларни, хуқуқ ва бурчларни адо этадилар, хуқуқий анъана ва қадри-ятларни ўзлаштирадилар. Шу тариқа уларда муайян хуқуқий билим, тажриба, хуқуқий онг ва маданият шаклланади. Яъни, аёлларнинг хуқуқий ижтимоийлашув хуқуқий соҳада бажариши лозим бўлган ролларга ўргатиш жараёнидир[3].

Аёлларнинг хуқуқий ижтимоийлашувда яна бир муҳим жараён хуқуқий қадриятларни ўзлаштиришда ўз ифодасини топади. Маълумки, «хуқуқий қадриятлар – бу инсонлар, жамият ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фуқаролар томонидан эъзозланадиган, қадрланадиган, уларнинг манфаатларига хизмат қи-ладиган хуқуқий: нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, тамой-иллар ва ҳодисалардир» [4]. Уларни ўзлаштириш орқали субъект мукаммал даражада хуқуқий ижтимоийлашувга эришади.

Оиласий тарбия доимо ўзининг мураккаб ва кўп қирралилиги, ажойиб ва сержилолиги билан ажralиб туради. Ҳар бир оила ўзига хос бир олам, олам ичидаги, шу билан бирга, оламга сифмаган олам, у тарбия ишида ўзига хос, тақрорланмас хусусиятларни ўзида намоён қиласди. Ана шунинг учун ҳам оиласий тарбиянинг ҳаммага маъқул тушадиган йўл-йўриклари мавжуд эмас. Оила жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғинидир. У ўзида оила аъзоларининг эҳтиёжлари, қизиқишилари, майллари, тарбияси ва бошқа ижтимоий фаолият турларини акс эттиради. Ота-оналарнинг бола шахсига илмий дунёқараш асослари, маънавий-ахлоқий, нафосат, меҳнат ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида тизимли таъсир кўрсатиши бугунги кундаги энг долзарб масала бўлиб қолмоғи лозим.

Ҳар бир оиласда болаларнинг ахлоқий, ақлий ва руҳий қобилиятларини эркин ривожлантиришлари учун барча имкониятларга зга бўлишлари, жамият бунда масъул эканлигини инобатга олиб, оиласий муносабатлар билан боғлиқ давлат миқёсидаги режалар ишлаб чиқишимиз лозим.

Хулоса килиб айтганда, оиласда ота-оналар ва болаларни бир-бирлари олдидағи хуқуқ ва мажбуриятларининг даражаси шу оиласда яшовчи ҳар бир шахснинг индивидуал дунёқараши ва ахлоқий етуклиги билан боғлиқдир. Оиласий муносабатларни амалга оширишнинг мавжуд усуслари турли-туманлиги билан фарқланади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь 19-20 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2018 йил Тошкент 2018 йил
3. Одилқориев Х.Т. Конституция ва баркамол авлод тарбияси. –Т.:
Хуқуқ ва бурч. 2010. №1. –Б. 44.
4. Якубов Ш.У. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий қадрият ва та-мойилларнинг шаклланиши. Автореферат ю.ф.н. илмий даражаси-ни олиш учун. –Тошкент. 2008. –Б. 12.



ИЖТИМОЙ ҲАЁТДА ХОТИН – ҚИЗЛАР СОЦИАЛ МАҚОМИДА ЗАМОНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР

Ахмедова Дилдора Олимжоновна
Ўзбекистон Миллий университети
“Ижтимоий иш” кафедраси стажёр тадқиқотчиси
ahmedovadildora4@gmail.com

Аннотация: Мақолада модернлашган жамиятларда оила ва оиласи муносабатлар, хотин – қизлар тенг ҳуқуқлиги уларни ижтимоий фаоллигини қўллаб қуватлаш шарт шароитларини яратилиши таҳлил этилган. Бунда замонавий оиласарда аёлларнинг шахсий салоҳиятининг роли ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистонда хотин – қизларни ижтимоий – сиёсий фаоллиги ўрганилган ва муаллифнинг фикри билан тўлдирилган.

Калит сўзлар: оила, оиласи муносабатлар, модернизация, меҳнат миграцияси, глобаллашув, гендер, феминлик, ижтимоий – психологияк, социал трансформациялар, ҳаётий цикл, никоҳ, даромад.

СОВРЕМЕННЫЕ ТРАНСФОРМАЦИИ СОЦИАЛЬНОГО ПОЛОЖЕНИЯ ЖЕНЩИН В СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ

Ахмедова Дилдора Олимжоновна
Стажер исследователь кафедры “Социальная работа”
Национального Университета Узбекистана
ahmedovadildora4@gmail.com

Аннотация: В статье проанализировано создание в современных обществах условий для поддержки семьи и семейных отношений, равноправия женщин и их социальной активности. Особое внимание уделяется роли и значению личного потенциала женщин в современных семьях. Общественно-политическая активность женщин в Узбекистане исследована и дополнена мнением автора.

Ключевые понятия: семья, семейные отношения, модернизация, трудовая миграция, глобализация, гендер, социально-психологические, трансформации, цикл, социально-политическая, брак, доход.

MODERN TRANSFORMATIONS IN THE SOCIAL STATUS OF WOMEN IN SOCIAL LIFE

Akhmedova Dildora Olimjanovna
Trainee researcher chair "Social work"
National University of Uzbekistan
ahmedovadildora4@gmail.com

Annotation: The article analyzes the creation in modern societies of conditions for supporting family and family relations, equality of women and their social activity. Particular attention is paid to the role and importance of the personal potential of women in modern families. The socio-political activity of women in Uzbekistan has been studied and supplemented by the author's opinion.

Keywords: family, family relations, modernization, labor migration, globalization, gender, femininity, women in development, socio-psychological, transformations, cycle, socio-political, marriage, income.

Модернлашган постиндустриал жамиятларда оила ва оиласи муносабатлар маълум трансформацияларни бошидан кечирар экан аввало бундай ҳолат хотин-қизлар тенг ҳуқуқлиги ғоялари уларга нисбатан дискриминациянинг ҳар қандай шаклларига барҳам берилиши



ғояларидан келиб улар ижтимоий фаоллигини қўллаб қувватлаш шарт-шароитларини яратилишига туртки бўлди. Хусусан, замонавий оилаларда шахсий салоҳиятнинг роли ва аҳамияти ўсиб бораркан, оила аъзоларининг ҳар бири, жумладан, хотин-қизларнинг ижодий салоҳиятини янада очилиши, уларнинг ижтимоий социал мослашувчанлик имкониятларини ўсиши кузатилмоқда. Натижада оиланинг анаънавий функциялари қаторидан янги – персоналитар (лотинчадан, persona – шахс) функция ўрин олди. Ушбу функцияга биноан, шахснинг индивидуаллиги, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан олинди. Оиланинг ҳар бир аъзоси, жумладан, аёлларнинг касбий-ижодий ривожланиши ва ўзлигини намоён этишда шарт-шароит яратилди.

XXI асрдаги илфор аёлларнинг ўзига хос социал қиёфасини шакллантирган бўлса, иккинчи томондан модернизациялашув жараёни аксарият давлатларда оилавий турмуш тарзи ижтимоий-психологик асосларини қайта қурилишига олиб келди. Анъанавий оилавий қадриятлар тизими трансформацияси оқибатида аёлларнинг ҳаётый қадриятлари ҳам ўзгарди.

Бизга маълумки, меҳнатга лаёқатлилик ва репродуктив ёши хотин-қизларда айнан бир пайтда кечиши боис, уларда маълум мутахассисликни эгаллаб касбий маҳоратга эришиш ҳамда оила қуриб фарзандларни дунёга келтириб улар тарбияси билан шуғулланиш ўртасидаги зиддиятли вазиятларни шакллантиради. Социологик нуқтаи назардан бу давр асосан индивид ёшининг ижтимоий конструкциясидан келиб чиқиб «ёшлик» ва «ўрта ёшлилар» босқичига тўғри келади[1]. Бу борада ўз тадқиқотларини олиб борган Э.Эриксон инсоннинг саккиз босқичли ҳаётый циклни ишлаб чиқар экан, унингча, бешинчи (ёшлик) ва олтинчи (етуклик) босқичида инсон касб танлаш, мос иш қидириш, ҳаётдаги йўлдошни танлаш, оила қуриш, фарзандларни дунёга келтириб, вояга етказиш билан шуғулланади. Бу даврда эркаклар оилавий ҳаёти касбий фаолиятига тўсиқ бўлмасдан давом этса, аёлларда аксинча, “оила ёки иш” танлови, ёки “қўш масъулият” муаммолари кўндаланг туриб қолади[2].

Шу боис, модернизациялаш шароитида инсон учун яратилган моддий-маънавий неъматлар тақсимотида ўзнинг муносаб улушига эга бўлиб истаги гендер номутаносиблик ғояларини четлаб ўтиб иқтисодий-молиявий мезонлар асосида аёл ва эркак зиммасидаги масъулиятни тенг тақсимлайди. Шу аснода оилавий ҳаёт циклининг тўрт асосий босқичи давомида аёлнинг эркак билан тенг шартлар ва имкониятлар асосида зарурий даромадни биргалиқда ишлаб топиш долзарблаштиради. Ушбу зарурият эса ўз ўрнида замонавий ижтимоий-сиёсий фаол аёллар ижтимоий мобиллигини ўсишига туртки беради. Агарда оила авваллари эрнинг маоши ҳисобига кун кечирган ва айнан эркак учун хордиқ имкониятлари яратилган бўлса эндиликда, эр ва хотин иккиси ҳам кареъра қиласидилар ва кун кечириш учун зарурий маблағни ишлаб топадилар. Иш билан банд аёллар уйига кеч кириб келади, уларни магазинда, кўни-кўшнилар билан бирга юрганини деярли учратиш мушкул. Истиқболда кундуз куни дўконда кексалар ёки гўдак болалари билан юрган аёлларнигина учратиш эҳтимоли баланд.

Анъанавий никоҳ қайди ўзгармоқда, никоҳ учун жуфтликни ёпиқ тизимидан очиқ шаклига ўтиш содир бўлмоқда; иккинчидан, ҳукмон жинсий маънавият ва аҳлоқ тизими қайта кўриб чиқилмоқда. Натижада аксарият ғарб давлатларида оила-никоҳ муносабатлари таназзулга учрамоқда. Аёлларнинг анъанавий мақоми ва роли тўғрисидаги турғун тушунчалар долзарблигини йўқотиб, унинг ўрнини персоналитар функцияси яққол бўлган эгалитар муносабатларга таянадиган нуклеар оила ёки никоҳнинг легаллашмаган эркин турлари оммалашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бутунжаҳон иқтисодиёт форуми эксперtlари охирги беш йилда юқорида таъкидланган ҳолатлар бўйича рейтингни тузиб келадилар. Бунда улар қўйидаги мезонларни ҳисобга оладилар:[3] 1) меҳнатга ҳақ тўлашдаги фарқ; 2) эркаклар ва аёллар даромадларининг нисбати; 3) бошқарув тузилмасига кирувчи ҳамда меҳнат билан машғул бўлган юқори малакали аёллар сони; 4) аёлларнинг маълумотлилик даражаси; 5) туғилиш, оиладаги ҳаёт шароитлари ва узоқ ҳаёт кечириш бўйича фарқлар; 6) парламент аъзолари бўлган аёллар ва вазир аёллар сони ва бошқалар.



Ваҳоланки, жамиятни модернизациялаш шароитида эркак ва аёллар ўртасидаги касбий-профессионал ва оилавий-никоҳ муносабатларидағи тенглик ғояларини зўр бериб тарғиб қилинсада расмий маълумотларга кўра кўп жабҳаларда гендер тафовут ҳамон сақланмоқда. Биргина бўш вақт тақсимотига кўра аёл уй ишларига 33,6 фоиз, эркаклар 11,3 фоиз вақт сарфлайди. Аёллар суткада уй ишига 3 соат, эркаклар эса 0,65 соат сарфлайдилар. Бундан ташқари, аёл ҳам 8 соат меҳнат қилиб, оиласда эркак каби ҳордик чиқариш, маданий дам олиш орзуси билан яшайди”[4].

Хуллас, модернизациялашаётган жамиятда аёлнинг ўрни ва роли ҳақида гап кетар экан, бу ижтимоий воқелик сифатида назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Ҳозирда ушбу масалага оид баҳс-мунозараларда бир-бирига зид икки хил қарааш шаклланиб улгурди:

Биринчи ёндашувга биноан аёллар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этишлари зарурлиги таъкидланади. Бундай позицияда турувчилар аксарият ҳолларда аёллар ва эркакларнинг хуқуқий тенглигини уларнинг амалий тенглиги маъносида талқин этадилар.

Иккинчи ёндашув вакиллари эса моҳият-эътибори билан аёллар фаолиятини асосан оилавий турмуш доираси билан чеклаб қўйиш ғоясини илгари сурадилар. Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-куватлаш, уларни инновацион фаолиятга ундаш давр талаби бўлиб, бу борада нозик мувозанатни ушлаб туриш мураккаблигича қолмоқда. Дунё мамлакатлари аҳолисининг турмуш тарзи, миллий-этник хусусиятлари, глобаллашиш, модернизация жараёнлари билан тўқнаш келган бир даврда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги жамият ва шахс ҳаёти барқарорлигини таъминлаш омили сифатида юқори интеллектуал ёндашувлар асосида қўллаб-куватланиши эса давр талаби бўлиб қолмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг ilk йиллариданоқ хотин-қизларга ғамхўрлик қўрсатиш, уларни ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, қиз болани замонавий касб-хунарга ўргатиш, уларни спортга кенг жалб этиш, соғлом оилани шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Буни Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракатлари ва ташкилотлари ҳам миқдор, ҳам мазмун жиҳатидан тобора юксалиб бораётганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама, жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган “Ҳаракатлар стратегияси”да **аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.**

Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ва коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-куватлаш мақсадида:

«Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли» танловининг маҳаллаларо ва туман (шахар) босқичларини ўтказиш;

«Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси – 2017» республика танловини ўтказиш;

Кўрғонтепа, Олот, Пахтакор, Дехқонбод, Косон, Нурота, Узун ва Қўшқўпир туманларида аёлларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш;

педагогик маълумотга эга бўлган, бироқ бола парваришлиш муносабати билан вақтинча ишламаётган аёлларга оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатида касаначилик фаолияти ташкил этиш.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши хотин-қизларда ва касб-хунар коллежларининг битирувчи қизларида тадбиркорлик кўнимкалари шакллантиради, уларнинг хуқуқий ва иқтисодий билимларини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 7 февраль куни хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига



бағишланган йиғилишда мамлакатимизда хотин-қизларнинг хукуқ ва манфаатларини таъминлаш иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаолигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Бизга маълумки, меҳнатга лаёқатлилик ва репродуктив ёши хотин-қизларда айнан бир пайтда кечиши боис, уларда маълум мутахассисликни эгаллаб касбий маҳоратга эришиш ҳамда оила қуриб фарзандларни дунёга келтириб улар тарбияси билан шуғулланиш ўртасидаги зиддиятли вазиятларни шакллантиради. Социологик нуқтаи назардан бу давр асосан индивид ёшининг ижтимоий конструкциясидан келиб чиқиб «ёшлик» ва «ўрта ёшлилар» босқичига тўғри келади. Бу борада ўз тадқиқотларини олиб борган Э.Эриксон инсоннинг саккиз босқичли ҳаётй циклни ишлаб чиқар экан, унингча, бешинчи (ёшлик) ва олтинчи (етуқлик) босқичида инсон касб танлаш, мос иш қидириш, ҳаётдаги йўлдошни танлаш, оила қуриш, фарзандларни дунёга келтириб, вояга етказиш билан шуғулланади. Бу даврда эркаклар оилавий ҳаёти касбий фаолиятига тўсиқ бўлмасдан давом этса, аёлларда аксинча, “оила ёки иш” танлови, ёки “қўш масъулият” муаммолари кўндаланг туриб қолади.

Натижада замонавий жамиятларда аёллар эмансипацияси барча ижтимоий ҳодисалар қатори ўзининг ижобий ва салбий хусусиятлари эга. Аёлларнинг эркаклар билан тенг хукуқларни ўрнатилишига эришиши бу албатта ушбу жараённинг энг катта ютуғи бўлди. Хукуқлар тенглиги ўрнатилиши билан аксарият ғарб давлатларида хотин-қизлар ўз мустақиллиги, эркини қўлга киритдилар.

Демак, эмансипациялашган аёллар оилавий-никоҳ муносабатларида аввало шахсий эрки, ихтиёридан келиб чиқиб танловни амалга оширсалар, меҳнат қилиш ва даромад топиш соҳаларида эркаклар билан ёнма-ён туриб муваффақиятларни қўлга киритиб бошладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Социология. Горохов 2018 С. 136-142.
2. Эриксон Э. Детство и общество. - СПб., 1996 С. 153-164.
3. В борьбе за равноправие женщины побеждают. Правда, не везде //Мир новостей. 2010, №42.
4. Шайхова Х.А. .Аёл мавқеи ва унинг муҳим муаммолари. // Хотин-қизлар камситилишига қарши курашнинг сиёсий-хукукий, маънавий-психологик муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2008 йил 12 июнь // Фалсафа ва хукуқ институти нашриёти. – 14 б.



БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ОИЛАДАГИ ШАВҚАТСИЗ МУНОСАБАТ ВА ЗЎРАВОНЛИКОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ АСОСЛАРДАН БИРИДИР

Базарова Рано Ачиловна
Республика болалар ижтимоий мослашуви
маркази етакчи мутахассиси
rano.bazarova1963@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада оилада болаларга нисбатан шавқатсиз муносабатнинг келиб чиқиши асосий сабаблари, зўравонликнинг бола руҳиятига салбий таъсири ва унинг келажагига сезиларли из қолдириши ҳақида баён этилади. Шунингдек, ота-оналарнинг бола тарбияси ва камолоти учун масъулияти ва уларнинг жавобгарлиги масаласи ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: зўравонлик, бола руҳияти, ота-оналик мажбуриятлари, бола ҳуқуқлари, ота-оналик ҳуқуки, қонунлар, жавобгарлик

Аннотация: В статье описаны основные причины жестокого обращения с детьми в семье, негативное влияние насилия на психику ребенка и его существенное влияние на будущее. Также обсуждается ответственность родителей за воспитание и развитие своих детей, и их обязанности.

Annotation: The article describes the main reasons for child abuse in the family, the negative impact of violence on the psyche of the child and its significant impact on the future. It also discusses the responsibility of parents for the upbringing and development of their children and their responsibilities. The article deals with the conditions of deprivation of parental rights and its legal consequences analyzed with the basis of national legislation.

Ўзбекистонда Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларини қабул қилган ҳолда ҳар бир шахснинг яшаш ҳуқуки, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, чунончи меҳнат қилиши, ижтимоий таъминланишга, таълим олишга бўлган ҳуқуқларининг ҳимояланганинига, ўз аксини топган. Жамиятнинг асосий негизи бўлган оила деб аталмиш мустаҳкам қўрғоннинг ҳимоя қилиниши, ҳар бир боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш каби ҳуқуқларининг таъминланиши ҳам давлатимиз сиёсатининг энг асосий йўналишларидан биридир.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қатор ҳуқукий хужжатлар оиласларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий етимликнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, ушбу тадбирлар тизими жаҳон миқёсида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий тадбирлар негизининг ажralmas қисми бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз сиёсатининг оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар тизими жаҳон миқёсида амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий тадбирлар негизининг ажralmas қисми сифатида намоён бўлиб келмоқда. 1992 йилда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ти Конвенциянинг ратификация қилиниши, мамлакатимизда болалар ҳуқуқларининг кенг маънода эътироф этиш усуллари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда ҳимоя қилишга даъват этилган ушбу муҳим халқаро ҳуқукий хужжатнинг барча асосий моддаларига тўла амал қилиб келишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боб, 63-моддасида оилага баҳо берилиб жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги таъкидлаб ўтилган бўлса, 64-моддасида ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандларини боқишига ва тарбиялашга мажбурилиги кўрсатиб ўтилган. Аммо жамиятда шундай ҳолатлар ҳам бўладики ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз мажбуриятларини унутиб қўядилар ва бу билан боланинг ҳуқуқларини поймол қилиб қўйганликларини англашмайди.



2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “нотинч оиласалар” фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналари масъулиятини ошириш, кашандалиқ, алкоголь ичимликлар истеъмол қилишва бошқа иллатлар профилактикасикаби долзарб вазифалар назарда тутилган. Бу эса, бола ҳукуқларини фаолиятига илғор иш усулларини жорий этиш, ҳукуқбузарликларни барвақт аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлиқда фаолият олиб боришга қаратилган.

Олиб борилган тадқиқотлар жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳукуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиласидиган оиласалар оиласадаги муҳит таъсирида юзага келишини исботламоқда. Зеро, ҳар қандай ҳукуқбузарликнинг келиб чиқишида оиласадаги носоғлом ижтимоий-рухий муҳит муҳим ўрин эгаллайди. Маълумки, ҳар қандай ҳукуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оиласада шаклланади. Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Оиласада ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган, лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсири кўрсатиб улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила ҳисобланади. Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганларни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсири этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик зарурати ва назоратсиз ёки қаровсиз қолган вояга етмаганларга нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилиши белгиланган. Болаларга нисбатан жисмоний, рухий, жинсий ёки иқтисодий таъсири ўтказиш ёки бундай таъсири ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаётига тажовуз қиласидиган гайриҳуқукий ҳаракат (ҳаракатсизлик) зўравонлик ҳисобланиши, ўзига нисбатан тазийк ва зўравонлик содир этилиши таҳдида остида бўлган бола жабрланувчи эканлиги барчага аён ва болаларга нисбатан тазийк ҳамда зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирларини белгилаш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 65-моддасида ҳар бир боланинг оиласада яшаш ва тарбияланиши ҳукуки, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳукуқига эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек, бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-қимматлари хурмат қилиниши ҳукуқига эгалиги белгилаб берилган.

Никоҳ орқали вужудга келган оиласада ҳулқ-атворларни ишонч ва ҳукуқидан махрум қилиш ҳолатлари учраб туради, бу эса шунчаки ахлоқий майший тор муносабат бўлмай балки давлат ва жамият аҳамиятига молик масаладир. Шу маънода қонунлар қабул қилинганда ушбу муносабатни оила қонунчилигига қўчирди. Аслида оила тўғрисидаги конун ҳужжатларининг вазифалари оиласи мустаҳкамлашдан оиласий муносабатларни, ўзаро муҳаббат ишонч ва хурмат, ҳамжиҳатлик бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оиласи унинг барча аъзолари масъуллиги асосида куришидан бирон бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймасли, оила аъзолари ўз ҳукуқларини тўсқинликсиз амалга ошириши ҳамда бу ҳукуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат. Гарчи жамиятда оила, ота-оналик ва болалик давлат ҳимоясида бўлса ҳам, Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовор бўлсада, тан олиш керакки ота-оналик ҳукуқидан махрум қилиш муносабатлари Оила кодексида ўз аксини топган.



Кундалик ҳаётимизда бундай муносабатлар тез-тез учраб туради. Қонунчилик бундай ҳолатлар юзасидан ҳам ўз муносабатини билдирган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 75-моддасида ота-оналиқ ҳуқуқини амалга оширишни меъёрлари белгиланар экан, ота-оналиқ ҳуқуқи болаларманфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмаслигини болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозимлиги назарда тутилади. Чунки ота-оналиқ ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усулларини менсимаслик шафқатсизлик, қўполлик инсоний, қадр-қимматни камситувчи муомала болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак. Ўз ота-оналиқ ҳуқуқини болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга ошираётган ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддасида ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилишни вужудга келтирувчи ҳоллар деб қуйидагилар белгиланган:

- ота-оналиқ мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа;
- узрсиз сабабларга кўра ўз боласини түгруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;
- ота-оналиқ ҳуқуқини суистеъмол қиласа, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;
- муттасил ичкилиkbозлиқ ёки гиёвандликка мубтало бўлган бўлса;
- ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасдан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Ўрганишлардан аниқландики, оилада болаларга нисбатан шавқатсиз муносабатнинг келиб чиқиши асосий сабаблари оиладаги ўзаро муносабатларда мувозанатларнинг бузилганигидир. Натижада ота-она томонидан болага нисбатан зўравонликлар содир этилиши унинг келажагига сезиларли из қолдириши муқаррардир. Оиладаги зўравонликлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар зўравонликнинг қуйидаги шаклларининг тез-тез учраб турганлигини намоён этди. Булароилада оила аъзоларига нисбатан руҳийтазийқ ўтказилиши, қадр-қимматни камситиши ва таҳқирлаш, доимий танқид қилиш ёхуд устидан кулиш, ишончини суистеъмол қилиш ва қурқитишдан иборат. Бу эса айнан оилада руҳий зўравонлик ҳукм суришидан далолат беради.Худди шунда оилада иқтисодий зўравонлик ҳолатлари ҳам мавжудким у асоссиз пул бермаслик, қанча пул сарфланишини ассосиз назорат қилиш, ўзи ишлаб топган пулинни тортиб олиш, оила бюджетидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишда намоён бўлади. Мисол учун ўспиринга ўртоқлари билан кинога ёхуд бошқа кўнгилочар жойларга боришга пул бермаслик оқибатида ўртоқлари орасида камситилишига сабаб бўлади.

Оиладаги зўравонникка болани жисмонан қийноққа солиши, тарсаки тушириши, яккалатиб жазолаш мақсадида қоронги хонага қамаб қўйиш ҳолатлари ҳам учраб туради бу боланинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади ва бола дарсдан сўнг уйга келишга безиб қолади, кўчада санқиб вақт ўтказади. Бу эса ўз навбатида боланинг хоҳ у қиз бола бўлсин, хоҳ у ўғил бола хулқининг бузилишига, ҳуқуқбузарлик содир этишига замин ҳозирлайди. Ота-онанинг болага нисбатан ҳаддан ташқари қаттиққўллиги, шавқатсизларча муносабати унинг руҳиятига, таълим –тарбиясига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Афсуски, оилаларда ота-оналар ёки оиланинг бошқа аъзоси томонидан болаларга нисбатан бундай муносабат кўрсатилиши ачинарли ҳолатdir.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Бугунги кунда юртимизда тобора кенг тарқалиб бораётган «Ўз болангни ўзинг асрар!» деган дъяват фақат куруқ шиор бўлиб қолмастан, ҳар бир ота-она, ҳар бир фуқаронинг қалбига, юрагига чуқур кириб бориши, амалий ҳаракатга айланиши зарур. Бунинг учун бу масалани, яъни, ота-оналарнинг фарзандлар тарбияси учун масъулияти ва бурчини ҳуқуқий асосда мустаҳкамлаб қўйиш вақти келди, деб” таъкидлаганликлари бежизга эмас.



Олиб борилган кўпгина тадқиқотлар содир этилган жиноятларнинг аксарияти инсонларнинг болалигида олган ҳаётий тажрибаси махсули бўлганлигини кўрсатади. Доно халқимиз оиланинг носоғлимли натижасида улгайган ва жиноятчилик кўчасига киришга улгурган болаларга қарата “Куш инида кўрганини қиласди” деган иборани ишлатади. Бундай ота – оналарга нисбатан белгиланган жазо чораларини кучайтириш орқали уларнинг фарзанд таълим –тарбиясига бўлган масъулиятини ошириш мақсадга мувофиқ

Оила кодексининг 81-моддаси биринчи қисмидаги оқибат ота-оналике хуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналике хуқуқидан маҳрум қилинган бўлса шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча хуқуқлардан шу, жумладан олиш шунингдек болали фуқаролар учун қонун хужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш хуқуқларидан маҳрум бўлишини белгилайди. Қонун чиқарувчи органларнинг бундай хуносага келишлари мутлақо табиий ва адолатлидир.

Қонунбузишлар сонининг ўсганлиги сабабли Президентимиз Шавкат Мирзиёев бола тарбиясига масъулиятсиз бўлган ота-оналарга нисбатан белгиланган жазо чораларини кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ота-оналарнинг фарзандлари тарбияси ва ўқитишдаги мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгарликни ошириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида (Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик) кўзда тутилган жарималар миқдорини оширишга, болалар хуқуқини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини таклиф этган.

Сўз ота-онанинг ўз фарзандларини тарбиялаш ва таълим олишини ташкил этиш бўйича белгиланган ота-оналике мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-оналарга нисбатан қатъий чоралар кўриш, жарима миқдорини ошириш ёхуд ота-оналике хуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида кетарэкан, қўйидаги хуносаларга келамиз:

биринчидан, ота-оналике хуқуқидан маҳрум қилиш юридик фактдир, у туфайли фуқаролик хуқуқ ва мажбуриятлари янгида вужудга келади, ўзгаради ёки кимларгадир нисбатан бекор бўлади;

иккинчидан, оилавий-хуқуқий муносабатларда ахлоқ нормаларини ҳамз инҳор унутмаслик керак. Чунки оилавий-хуқуқий муносабатларда мулкий эмас шахсий ахлоқий жиҳатлар устундир;

учинчидан, қонунларда ота-оналике хуқуқини тиклаш ҳам назарда тутиладики, ҳар бир хуқуқий норманинг сабаби, оқибати бўлгани каби унинг фуқароларни тўғри йўлга бошловчи хуқуқий кучи ҳам мавжуд.

Агар ота-она улардан бири ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини ёки бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг тегишли моддаларига асосан ота-оналике хуқуқи суд тартибида тикланиши мумкин.

“Бола ота-она қўлида бир омонатдир”, дейди буюк алломаларимиз. Болаларимиз, уларнингтақдири, келажаги ҳақиқатан ҳам жуда омонат эканини бутунги ҳаёт ҳар томонлама исботламоқда, - дейди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат фарзандларимизга тўғри тарбия бермасак, уларнинг жисмоний ва руҳий камолоти ҳақида қайғурмасак, шавқатсизларча муносабатларимизни тарбия усули деб билсак ана шу омонатга хиёнат қилган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Бола хуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодеси
4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони.2017.07.02.ПФ-4947
5. <http://staff.tiame.uz/> «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IVкурултойида сўзланган нутқ. 2017 йил 30 июнь. Мурожаат этилган сана 2021.08.02



МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ГЕНДЕР КАМСИТИШ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ МУАММОЛАРИ

Маджидова Дилдора Абдухамидовна,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Яхниева Мухайё Шурниязовна,

Акбаров Баходир Абдураҳмонович,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: мазкур мақолада дунё меҳнат бозорида меҳнат мигрантларини меҳнат бозоридаги гендер камситиш ва мажбурий меҳнат муаммолари тахлил этилган. Шунингдек, ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-куватлашга муҳтож бўлган аёл-меҳнат мигрантларининг қуидаги тоифалари аниқланган.

Калит сўзлар: миграция, меҳнат мигрантлари, аёл мигрантлар, гендер белгиси, шартнома муносабатлари, шафқатсиз мажбурий меҳнат, иш ҳақи.

МИГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ: ПРОБЛЕМЫ ГЕНДЕРНОЙ ДИСКРИМИНАЦИИ НА РЫНКЕ ТРУДА И ПРИНУДИТЕЛЬНОГО ТРУДА

Аннотация: В данной статье анализируются проблемы гендерной дискриминации и принудительного труда мигрантов на мировом рынке труда. Также определены категории женщин-трудовых мигрантов, нуждающихся в социальной защите и поддержке.

Ключевые слова: миграция, трудовые мигранты, женщины-мигранты, гендерный признак, договорные отношения, жестокий принудительный труд, заработка плата.

MIGRATION PROCESSES: ISSUES OF GENDER DISCRIMINATION IN THE LABOR MARKET AND FORCED LABOR

Resume: This article analyzes the problems of gender discrimination and forced labor of migrants in the world labor market. The categories of women labor migrants in need of social protection and support have also been identified.

Key words: migration, labor migrants, women migrants, gender, contractual relations, brutal forced labor, wages.

Дунёнинг меҳнат бозорида мигрант аёллар тахминан эркаклар сингари меҳнат қилиш вазиятини эгаллайдилар, факат эркаклар малакали ишчилар орасида кўпроқ учраса, аёллар одатий, оғир жисмоний меҳнат қилмайдиган ишчиларнинг энг қуи қатламида бўлишилари билан фарқланадилар.

Яна бир фарқли жиҳат – мигрант эркаклар ва аёллар меҳнатига тўланадиган иш ҳақи хисобланади. Меҳнат бозорида тенг меҳнат вазиятларини эгаллашларига қарамай, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда аҳамиятли фарқ мавжуд. Айниқса, ходимнинг малакасига талаб қўйилмайдиган, масалан, соатбай ҳақ тўланадиган иш жойларида гендер фарқлар юкори бўлиши мумкин. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аниқ иерархиясида россиялик фуқаролар ва мигрант эркакларга қараганда энг паст иш ҳақи мигрант-аёлларга тўланиши яққол ифодаланади. Бундан, мигрант аёллар икки томонлама: гендер белгисига кўра ва фуқаролик белгиси бўйича камситилишлари маълум бўлади. Шу тариқа, меҳнат бозорида ҳимояга муҳтож гурух – бу мигрант-аёллар ҳисобланади [1].

Айни вақтда шартнома муносабатларининг мавжудлиги меҳнатга ҳақ тўлашга таъсир кўрсатади. Қонуний асосда ишловчи мигрантларга ҳақ тўлаш шартнома муносабатларининг мавжудлигига боғлиқ. Бунда аниқ ҳолат кузатилади: ишчида меҳнат шартномасининг мавжудлиги фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси ва оғзаки келишув асосида ишлайдиган ишчиларга нисбатан солиштирганда меҳнат ҳақини оширади[2]. Эркаклар каби аёлларда ҳам



оғзаки келишувнинг мавжудлиги иш берувчи билан шартнома тузилишидан кўра кам ҳақ тўланишига олиб келади. Бироқ, меҳнат шартномалари эркак-мигрантлардан кўра аёл-мигрантлар билан камдан-кам тузилишини таъкидлаш лозим [3].

Ноқонуний ишлайдиган мигрантлар рухсат хужжатига эга бўлганларга нисбатан мажбурий меҳнат қилишга дуч келадилар. Аёллар ҳар доим ҳам иш берувчи билан ўзаро муносабатларини расмийлаштиришга эриша олмайдилар. Улар орасида ноқонуний ишлайдиганлар улуши бундай вазиятдаги эркакларга нисбатан юкори [4]. Мигрант аёллар орасида мажбурий меҳнатга жалб қилиш кент тарқалган. Шунингдек, ишга таклиф қилишда меҳнат шароитига, иш мазмунига, иш ҳақига тааллуқли ёлғон маълумотлар ёки ишдан бўшатиш, иш ҳақини бермаслик билан қўрқитиш орқали мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатлари мавжуд.

Аёллар орасида шафқатсиз мажбурий меҳнатнинг шаклларига энг қўп дучор қилинадиганлар – бева ва эридан ажрашган аёллардир. Улар юкорида айтиб ўтилган қийинчиликлардан ташқари, таҳдидлар ва жинсий зўравонликка ҳам учрайдилар [5].

Шу тариқа, ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-куватлашга муҳтоҷ бўлган аёл-меҳнат мигрантларининг қуидаги тоифаларини кўрсатиш мумкин:

- Мехрибонлик уйи битирувчisi;
- ота-она қарамогисиз ёки етимлиқда улғайганлар;
- вояга етмаганлар;
- турмушидан ажрашган ёки турмуш ўртоғи вафот этган ёлғиз она;
- доимий туарар-жойи бўлмаганлар;
- кам таъминланган қўп болали оила фарзанди;
- судланганлиги бўлган ёки маҳсус таълим-тарбия муассасаси битирувчisi;
- бокувчини йўқотган, ногиронлиги бўлганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мигрант аёллар фуқаролик белгиси ва гендер асосида камситилиш ҳолатлари учрайди. Меҳнатга ҳақ тўлашда ҳам камситиладилар, уларнинг маълумоти, тажрибаси инобатга олинмайди, шунингдек меҳнат шартномаси тузишда муаммолар юзага келади ҳамда мажбурий меҳнат, жинсий зўравонликка дуч келадилар. Бундай мигрант аёлларни ижтимоий ҳимоялаш ва реинтеграция жараёнининг самарадорлигини ошириш учун мажмуавий профессионал ёндашув талаб этилади. Бунда меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-куватлаш ва реинтеграция қилиш жараёни меҳнат мигрантлари, уларнинг оиласлари ҳамда жамиятнинг фаровонлигини таъминловчи мухим омил бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мукомель В.И. Гендерная дискриминация на рынке труда и принудительный труд // Современные исследования миграции населения: Сборник статей /Под ред. Е.В. Донец, О.С. Чудиновских. – М.: Экономический факультет МГУ имени М.В. Ломоносова, 2015. – С. 132-148.
2. Мукомель В. И.Мигранты на российском рынке труда: адаптация, интеграция, дискриминация // Трудовая миграция на постсоветском пространстве: тренды, проблемы, возможности регулирования: Сборник материалов Междунар. науч.-практ. конф. / под общ. ред. И.В. Фроловой. – Уфа: Мир печати, 2017. – 236 с. С. 18-35.
3. Смирнова С.В. Особенности адаптации трудовых мигрантов из стран Средней Азии/ Вестник ЮУрГУ, серия «Психология», 2011. № 42. 94-100-б.
4. Шаболотов Т.Т.. Проблемы и перспективы трудовой миграции в кыргызско-российских отношениях: автореферат дис. ... доктора политических наук: 23.00.02 . – Бишкек, 2012. 45 б.
5. Леденева В.Ю., Кононов Л.А. Государственное и муниципальное регулирование процессов адаптации и интеграции мигрантов в современной России : монография / В. Ю. Леденёва, Л. А. Кононов. – Москва: РУДН, 2021. – 296 с.



ЗДОРОВЬЕСБЕРЕГАЮЩАЯ ПОМОЩЬ ДЕТЯМ, ОКАЗАВШИМСЯ В ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЯХ-ЭФФЕКТИВНЫЙ ПУТЬ К РЕАЛИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПОДХОДОВ К ФОРМИРОВАНИЮ ВСЕСТОРОННЕ РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ

д.п.н., проф. Д. Д. Шарипова

Ташкентский государственный педагогический
университет им. Низами

Аннотация Maqolada favqulodda vaziyatlarda bo'lgan bolalar sog'lig'ini saqlashda yordam ko'rsatishning dolzARB muammolari, tabiiy ofatlardan keyin yuzaga kelgan og'ir sharoitlarda bolalarga tibbiy mutaxassislar etib kelguncha birinchi tibbiy va ijtimoiy yordam ko'rsatishga ota-onalarda ekologik kompetentlilikni shakllantirish masalalari muhokama qilinadi.

Kalit so'zlar: bolalar, sog'liqni saqlash, favqulodda vaziyatlar, ekstremal kompetentlik, ota-onalar.

Аннотация В статье рассматриваются актуальные проблемы оказания здоровьесберегающей помощи детям в чрезвычайных ситуациях, формирования экстремальной компетенции у родителей, призванных оказывать первую доврачебную медицинскую и социальную поддержку детям в трудных условиях, возникающих после природных катализмов

Ключевые слова: дети, здоровьесбережение, чрезвычайные ситуации, экстремальная компетенция, родители.

Annotation The article discusses the topical problems of providing health-saving assistance to children in emergency situations, the formation of extreme competence in parents who are called upon to provide the first pre-medical medical and social support to children in difficult conditions arising after natural disasters

Key words: children, health preservation, emergency situations, extreme competence, parents.

В Узбекистане активно реализуется социальная политика, направленная на оказание своевременной помощи лицам, оказавшимся в чрезвычайных ситуациях, о чем свидетельствует принятие ряда директивных документов ,в частности, ПП-4276 от 10.046-2019 г. «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства по чрезвычайным ситуациям», принятого в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2019 года « О внедрении в Республике Узбекистан качественно новой системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций, а также обеспечения пожарной безопасности».

21 век, отличающийся непостоянностью, различного рода природными катализмами, стихийными бедствиями, характеризуется тем, что очень часто возникают обстоятельства , приводящие к тому, что население и прежде всего дети самого разного возраста, неожиданно оказываются в чрезвычайных ситуациях, сопровождающихся различными травмами, психологическим стрессом и другими видами нарушения физического и психического здоровья. При этом следует рассматривать то, что произошло в очаге проявления возмущающих факторов (землетрясение, наводнение, ураганы, пожары, оползни и др.) и то, что происходит на последующих этапах жизни пострадавших после экстремального воздействия этих стихийных бедствий.

Практика показывает, что в момент возникновения чрезвычайных ситуаций человек прежде всего подвергается стрессу, который сильней проявляется у детей. Как известно, стресс (от английского stress –напряжение, давление)-состояние напряжения, совокупность защитных физиологических реакций, возникающих в организме человека в ответ на воздействие неблагоприятных факторов – холода, голода, психических и физических травм. При этом способность или неспособность человека контролировать стрессовые ситуации может иметь



решающие значение для нормального функционирования физиологических систем т. е, для его здоровья.

Вместе с тем, могут наблюдаться повреждения того или иного органа, требующего оказания первый медицинской помощи (кровотечение, переломы, вывихи, сотрясение мозга и т.д.), а также воздействие стрессовых ситуаций на психическую сферу, в частности, возникновение страха-отрицательных эмоциональных состояний, появляющихся при получении субъектом информации о возможной угрозе его жизненному благополучию, здоровью, о реальной или воображаемой опасности [3].

Родители или другие лица, оказавшихся поблизости, прежде всего успокаивают ребенка и пытаются оказать ему первую доврачебную помощь, которая является началом здоровьесберегающей деятельности человека и формирования экстремальной компетенция родителей, оказывающих следующие виды помощи: прежде всего, нужно избавить пострадавшего от воздействия раздражающего фактора (потушить горящую одежду, освободить от тяжести упавшего на него дерева или кусков бетона, очистить дыхательные пути от крови, слизи, инородных тел и помочь принять удобное для пострадавшего позу). Эту работу призваны выполнять медицинские и социальные работники, родители а также лица, случайно оказавшиеся на месте катастрофы.

Неоценимую помощь в вопросах сохранения психического здоровья пострадавших призваны оказать психологи. В работе И.Г. Малкиной-Пых дан всесторонний анализ различных аспектов работы психологов в очаге экстремальной ситуации, включающее набор рекомендаций по выживанию в экстремальных ситуациях и методы оказания первой медицинской помощи пострадавшим [4]. По мнению автора выделяется ряд этапов психологических состояний лиц, попавших в экстремальные ситуации. На первом этапе наблюдается острый эмоциональный шок, характеризующийся общим психологическим напряжением с преобладанием чувства отчаяния и страха при обостренным восприятии. Затем психофизиологическая демобилизация, существенное улучшение самочувствия, психоэмоционального состояния с преобладанием психических реакций, понижением моральных норм поведения, уменьшение уровня деятельности и мотивации к ней, депрессивные тенденции.

Согласно исследованиям, наблюдается зависимость психического здоровьесбережения пострадавших от характера, масштабности, внезапности, длительности, этапа ЧС, климато-метеорологических особенностей ситуации, состава и этнических особенностей пострадавших, степени вовлеченности в ЧС (группы пострадавших), состояния соматического и психического здоровья. Доказано, что уровень организации и согласованности действий различных служб при ликвидации последствий чрезвычайной ситуации, уверенность в контроле над ситуацией участников ликвидации, информационное освещение аварийно-спасательных работ, особенности взаимодействия участников ликвидации последствий чрезвычайной ситуации с группами пострадавших являются важными факторами, оказывающими влияние на распространенность и тяжесть психогенных последствий чрезвычайной ситуации. Таким образом, экстренная психологическая помощь характеризуется широким социальным охватом и должна учитывать социальные процессы, возникающие вокруг трагического события, позитивные и негативные аспекты социального взаимодействия, культурный контекст - существующие традиции, ритуалы и пр. [5].

Исходя из вышеизложенного, следует отметить, что здоровьесберегающая помощь детям, оказавшимся в чрезвычайных ситуациях-эффективный путь к реализации инновационных подходов к формированию всесторонне развитого поколения, сохранению его физического и психического здоровья.

Литература

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности министерства по чрезвычайным ситуациям». ПП.4276 от 10.04.2019 г.



2. Указ Президента Республики Узбекистан «О внедрении в Республике Узбекистан качественно новой системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций, а также обеспечения пожарной безопасности». № УП-5706 от 10.04. 2019 г.
3. Красильникова, И. М. Неотложная доврачебная медицинская помощь [Текст] : учеб. пособие / И. М. Красильникова, Е. Г. Моисеева. - Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2011. - 188 с.: ил. - Библиогр.: с. 135.
4. Малкина-Пых И. Г. Экстремальные ситуации. – М.: Изд-во Эксмо, 2005. – 960 с. – (Справочник практического психолога).
5. Шойгу Ю. С. Психология экстремальных ситуаций. Учебник для вузов Издательство: Питер, 2019.148 с.



ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ ИНВАЛИДОВ –ЖЕНШИН НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ УЗБЕКИСТАНА

Исмаилов Бекжон Салихович

научный соискатель Ташкентского
государственного юридического университета
кафедры “Теории государства и право”

Государство строит свою деятельность на принципах социальной справедливости и законности в интересах благосостояния человека и общества.

Конституция Республики Узбекистан, статья 14.

Аннотация. В статье рассмотрены проблемы формирования инвалид защитной концепции и определения инвалидности в международном праве. Проанализированы международные стандарты прав инвалидов в контексте прав человека. Изучены социальная защита инвалидов: общая характеристика с позиций системного подхода. Субъекты правоотношений по социальной защите инвалидов. Основания возникновения, изменения и прекращения правоотношений по социальной защите инвалидов. Организационно-правовые формы социальной защиты инвалидов. Уделены внимание на реабилитация инвалидов. Автором удалены внимание на социальную защиту прав инвалидов в Узбекистане.

Ключевые слова: инвалидность, защита, права, закон, государство, политика

PROBLEMS OF FORMATION OF THE MODERN SYSTEM OF SOCIAL PROTECTION OF DISABLED WOMEN AT THE PRESENT STAGE OF UZBEKISTAN

Bekjon Salikhovich Ismailov

research candidate of the Tashkent State Law University of the Department of “Theory of State and Law”

Annotation. The article deals with the problems of formation of disability protection concept and definition of disability in international law. International standards of the rights of persons with disabilities in the context of human rights are analyzed. Studied international legal mechanisms of implementation of rights of persons with disabilities, and promoting the implementation of disability rights at the international level: the theoretical and regulatory framework. The author pays attention to the social protection of the rights of disabled people in Uzbekistan.

Keywords: disability, protection, rights, law, state, politics

Введение и актуальность статьи

В последние годы Узбекистан вступил на путь более совершенное либерально-рыночных реформ и трансформации политической системы. В Послании Президента Узбекистана Парламенту 2020 года говорится: «.Следует отметить, что наш народ широко поддерживает проводимые в стране масштабные реформы. Первые результаты этих преобразований сегодня находят отражение в жизни соотечественников, растет их социальная активность, уверенность в завтрашнем дне.

Каждое решение, касающееся жизни страны, мы принимаем на основе непосредственного диалога с народом, с учетом мнений общественности. Краеугольным камнем нашей деятельности становится принцип “Не народ служит государственным органам, а государственные органы должны служить народу”».1 В связи с преобразованиями экономической системы страны в значительной степени снизился жизненный уровень



подавляющего большинства населения. Среди социальных групп, испытывающих наибольшие трудности при проведении экономических реформ в Узбекистане, люди с ограниченными возможностями занимают особое место. Они острее воспринимают экономическое и социальное неравенство, несостоительность государства при обеспечении социальных гарантий. В результате тяжелой экономической ситуации в стране большинство инвалидов и семей, имеющих детей-инвалидов, оказались в числе беднейших слоев населения. Исходя из сказанного, данная проблема, выбранная соискателем для ее исследования актуальна, и состоит в следующем:

Во-первых, проведенные научно-практические исследования показали, что уровень и качество жизни инвалидов значительно ниже, чем в среднем у населения, многочисленные их проблемы решаются недостаточно эффективно. В Узбекистане сегодня нужны реформы для реабилитации инвалидов на современном уровне которые отсутствуют эффективные государственные и региональные системы профилактики и реабилитации инвалидов. Во-вторых, отрицательная динамика численности и состава населения страны в последние годы не приостановила, а усилила тенденцию увеличения числа людей с ограниченными возможностями.

В-третьих, на масштаб инвалидности оказывают влияние множество факторов: состояние здоровья нации, социально-экономическое развитие, экологические процессы и др.

В-четвертых, проблема детской инвалидности стала одной из самых социально значимых.

9. Sayyida Ismat ad-din Karkar. Qur'on oyatlarida ayol. – Tunis.: "Tab' bimasna' al-kitob lish-shirkat at-tunisiya lit-tavzi", 2004. –72 bet. (Sayyida Ismat ad-din Karkar. Women in the verses of the Qur'an. – Tunis.: "Tab' bimasna' al-kitob lish-shirkat at-tunisiya lit-tavzi", 2004. –72 pages.)
10. Жабборов С. Мусулмон хукуқи ва одат нормалари. Т.: 2001-. 47 б.
11. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadis. Al-jomi' as-sahih – T. 3. – T.: "Q.B.T", 1994 . –421 bet. (Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadihs. Al-jomi' as-sahih – P. 3. – T.: "Q.B.T", 1994 . –421 pages.)
12. Yusupova, N. (2019). CONDITIONS OF MARRIAGE AND CIRCUMSTANCES PREVENTING CONCLUSION OF MARRIAGE IN ISLAMIC LAW. The Light of Islam, 2019(4), 10.
13. «Niso» surasi, 34. –84 bet. (Surah An-Nisa, 34. –84 pages.)
14. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadis. Al-jomi' as-sahih. – T. 1. – T.: "Q.B.T", 1991. –41 bet. (Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. Hadihs. Al-jomi' as-sahih. – T. 1. – T.: "Q.B.T", 1991. –41 pages.)
15. Жабборов С. Мусулмон хукуқи ва одат нормалари. Т.: 2001.- 16.
16. Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim manolarining tarjima va tafsiri. – T.: "Toshkent islom universiteti" nashriyot-matbaa birlashmasi, 2006. «Niso» surasi, 3. –77 bet. (Quroni karim oyatlari tarjimasi ushbu kitobdan olingan). (Abdulaziz Mansur. Translation and Interpretation of Quranic



Manuscripts. - T .: "Tashkent Islamic University Publishing House", 2006. Surat an-Nisa, 3. –77 pages.)

17. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning "Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash – davr talabi" mavzusidagi anjumandagi nutqi // Xalq so'zi, № 119. 2017 yil 16 iyun. (Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev at the conference on "Ensuring social stability, preserving the purity of our sacred religion - the requirement of time" // Public speech, // 119. June 16, 2017.)

18. «Niso» surasi, 3. –77 bet. (Surat an-Nisa, 3. –77 pages.)

19. Qaxxarova, M., & Raximshikova, M. (2020). MORAL CONTINUITY IS A SOCIAL-PHILOSOPHICAL, HISTORICAL PHENOMENON. The Light of Islam, 2020(3), 103-112.

20. Yusupova, N. (2020). Important Terms And Conditions Of Marriage Agreement In Islamic Law. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(11), 36-48.

21. Ismailova, Z., Choriev, R., Musurmanova, A., & Aripjanova, M. (2020). Methods of training of teachers of university on advanced training courses. Journal of Critical Reviews. Innovare Academics Sciences Pvt. Ltd. <https://doi.org/10.31838/jcr.07.05.85>



IMPROVEMENT OF MARRIAGE AND FAMILY LEGISLATION IN UZBEKISTAN

Kuchkarova Nafisa Bakhtiyarovna
Master of the Tashkent State University of Law
kuchkarovanafisa@gmail.com

Annotation. The article examines the legal regulation of the institution of family and marriage in national family law, as well as marriage as a legal institution, the concept of marriage. The author analyzes the relationship between the norms of family law and morality in the regulation of marriage and family relations. The history of the development of legislation on marriage is studied. The author pays attention to the borrowing of foreign experience in the legal regulation of the actual marriage and family relations between men and women in the Republic. The order and conditions of marriage.

Keywords: legal regulation, family, marriage, law, man, woman

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ БРАЧНО-СЕМЕЙНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО
УЗБЕКИСТАНА**

Кучкарова Нафиса Бахтияровна
магистр Ташкентского государственного
юридического университета
kuchkarovanafisa@gmail.com

Аннотация. В статье рассматриваются правовое регулирование института семьи и брака в национальном семейном праве а также брак как правовой институт, понятие брака. Проанализированы соотношение норм семейного права и морали в регулировании брачно-семейных отношений. Изучены история развития законодательства о браке. Автором уделены внимание на заимствование зарубежного опыта в вопросах правового регулирования фактических брачно-семейных отношений мужчины и женщины в Республике порядок и условия заключения брака.

Ключевые слова: ценность, правовое регулирование, семья, брак, закон, мужчина, женщина, ребенок

Введение

Как нам известно, постепенное вхождение Узбекистана в единое международное правовое поле, распространение на ее граждан, признаваемых мировым сообществом прав и свобод, в том числе свободы выбора своих решений и поведения в различных обстоятельствах, привело к возникновению отношений, не регулируемых действующим законодательством, в том числе и семейным. Проблема брака сегодня, как и всегда, является актуальной. Кардинальные изменения, происходящие в Республике Узбекистан в области политики, экономики, идеологии, затрагивают и государственно-демографическую сферу, в частности брачно-семейные отношения. Нашему обществу не безразлично, каким будет выращено и воспитано подрастающее поколение, каким оно вступит в новое тысячелетие. Нельзя понять и правильно оценить состояние и перспективу развития такого важного социального института, как институт семьи и брака, не изучив тех перемен, которые с ним произошли. Особое значение приобретает изучение перехода от закрытой к открытой системе формирования брака и усиление эмансипации женщин, влияние развития личной свободы каждого из членов сообщества на брак и семью и др.

Методология исследования:

многообразие методик, применяемых в данном исследовании, связано с тем, что оно затрагивает многие области общественных наук: социологию, политологию, историю, экономику, юриспруденцию. В работе используются, во-первых, аналитические технологии и



инструменты: метод исследовательской работы и научных изысканий, позволяющий выявлять вопросы и проблемы, присущие конкретному политическому сектору как семейного законодательство и семейных отношений .

Дикуссия

Указанные новации, как отмечается в литературе, напрямую связаны с глобальными социальными изменениями, происходящими не только в Узбекистане, но и во всем мире на современном этапе. К таким изменениям относят гендерное равенство продолжающуюся индустриализацию и связанную с ней урбанизацию. На современном этапе своего развития Узбекское государство, как часть мирового сообщества, встав на путь демократизации, старается усовершенствовать механизмы правления, реформировать право, определить пути построения гражданского общества и правового государства и идет по пути к новому Ренессансу. В связи со сказанным, исследование историко-правовых проблем приобретает особую актуальность, тем более что история права представляет собой часть духовной культуры нашего народа, активно влияющей на возрождение и становление его национального самосознания.

Значимость и необходимость исследования правовых систем прошлого, наследия предков особенно возрастают на современном Узбекистане, когда в первые истории Узбекистана принят в Совет ООН по правам человека на 2021-2023 гг. и регулирования совершенно новых общественных отношений.

Исследования и выбранная нами тема всегда была актуальной. Если изучить историю развития института брака то, уже в первом тысячелетии до нашей эры мы видим возникновение и развития семейных отношений на территории Древнего Узбекистана о чем свидетельствует древнейшая книга заастрийма “Авесто”. А также сегодня актуально для сравнительного анализа гражданско-правовые нормы ,семейно-правовые нормы и институты Авесты и зороастризма.

Поэтому мы думаем, изучая современных отношений института брак, также актуальна ее история развития:

- во-первых, преемственностью и необходимостью изучения исторического опыта народа в сфере права;
- во-вторых, осознанием практической необходимости реформирования современного права с учетом лучших традиций правового регулирования в истории народа;
- в-третьих, проанализируем пробела, имеющегося в изучении истории развитие института семьи и международного опыта.

Как в силлабусе по « Истории государство и право» есть раздел где говорится о зороастриской системе права, представляющая собой одну из оригинальных правовых систем древнего мира и нашего народа, Общие замечания об Авесте как о правовом источнике даются в отдельных учебниках как История политических и правовых учений Узбекистана и работах по истории права.

Анализ литературы: - Literature review

Ученые юристы Узбекистана подойдя к Авесте как политico-правовому памятнику, обращают внимание в основном на идеино-правовые постулаты Авесты, пронизанные требованиями справедливости и гуманизма. Это факт что, зороастриское право достаточно долгий период являлось действующим правом наших предков; а также зороастриские источники права - Авеста (Вендидад) и многие другие, которые анализируются в работе, активно использовались в процессе законодательной деятельности восточных территорий Средней Азии, то есть нашего государства, так как многие правовые институты и нормы зороастризма заимствованы исламом и ныне сохранились в жизни и быте современных узбеков. В этом заслуживает внимание работа ученых юристов как Ф.А.Мухитдиновой. Х.М. Мухаммедова, Е.Кутыбаевой, М.Ахмедшаевой и др.

Например, действительно Авеста» является самым ранним письменным источником зороастризма. Особенно имеется глава где в ней отведено вопросам семьи и брака. В X главе книги «Яшты» дом (семья) определяется словом «нманя», род – «висия», туман (в значении



географического объекта) – «зантума», народ – «наб», страна – «дахий», великий жрец – Зааратуштрот эма. Глава дома (семьи) определяется словом «нманопати», глава рода – «висиати», глава страны – «дахьюпати», а словом «наф» именуется родовой коллектив. Здесь также приводятся суждения, касающиеся таких жизненных традиций и обрядов, как почтительное и уважительное отношение к женщинам, их правам, достижение неприкосновенности семьи, ее прочной основы, долг родителей перед детьми, заключающийся в подготовке их к созданию семьи и собственного хозяйства [6, с. 185].

В книге «Яшты» отмечается, что основу общественных отношений составляет большая патриархальная семья. Глава семьи, рода назывался «пати», в значениях «семья, комната, дом» использовался термин «дмна». «Нманапати» (глава семьи), «нманапатни» (его супруга), их дети, внуки и правнуки составляли структуру патриархальной семьи. Род определялся по мужской линии, кишлак («вис») состоял из не менее 25 родственных «нмака» (семей), и возглавлял его «виспати» (старейшина). Однако в «вис» не входили дети дочерей, поскольку «вис» являлся патриархальной семьей («нмака») [6, с. 26–28].

Как пишется в «Авесте», мужчина должен любить землю, как любят пятнадцатилетнюю девушку; кто почтительно относится к земле, обрабатывает ее и правой и левой рукой, и левой и правой рукой, она будет еще более плодотворной, обогатит своим урожаем человека за его добросовестный труд. Если мужчина полюбит 15-летнюю девушку и сделает ее своей женой, посвятив ей всю свою любовь, девушка будет увеличивать потомство. Человек, любящий землю и девушку, обогащается сам, обеспечивает своей семье счастливую жизнь, добивается продления своего рода. Здесь отмечается, что совершенность жизненного уклада человека связана с его любовью к земле и подобному себе существу. По этой причине личность, помимо обретения счастья, очищается от всякого греха, его дом становится благоустроенным и свободным от всякого рода напастей.

У зороастрцев не допускался вторичный брак у мужчин или временное вступление в брак. Взаимная измена супругов жестоко пресекалась, женщина, вступившая в связь с посторонним мужчиной, считалась опороченной, наказывалась, и такой брак считался «нечистым» [7, с. 56].

В четвертой части «Авесты», «Вендиат», отмечается, что если у человека есть жена, то он лучше неженатого и прожившего жизнь без детей субъекта [8, с. 121]. Особо определяется долг человека перед окружающей природой, землей, семьей и женщиной. Наши предки с древних времен обращали внимание на устойчивые отношения в семье и рождение здорового потомства, прочность авторитета своей семьи, рода, боролись за свое достоинство. Весьма примечательно то обстоятельство, что идеи зороастризма, касающиеся семейных ценностей и чадолюбия, сформировались именно на нашей почве.

В произведении подробно освещены такие моменты, как сохранение целостности семьи, установки брака, обязанности мужа и жены, причины и условия расторжения брака. В отдельных «Яштах» приведены призывы или обращения Ахурамазды или Зороастра к молодоженам. Согласно обычаям зороастрцев, указание верного пути и оказание материальной поддержки всем людям, вступающим в брак, является обязанностью всех религиозных сект [9, с. 59].

Интересный факт о том что, согласно установкам религии зороастризма, холостяцкая жизнь не приветствовалась. Если девушка, достигшая совершеннолетия, не принимала во внимание желание родителей, коллектива и, не желая оставлять потомства, умышленно не выходила замуж, ее бросали в мешок и наказывали 25 ударами плетью. Мужчина с 17 лет обладал правом на женитьбу; если он, не желая заводить потомство, избегал этого, его клеймили, он обретал дурную славу и его заставляли постоянно носить на поясе железную цепь [10, с. 24].

Также пишется в «Авесте», мужчина, прежде чем жениться, должен стать зажиточным и крепким с материальной и духовной точки зрения. Для этого он должен своевременно и правильно питаться, в ином случае он не сможет исполнять свои обязанности. Человек,



который плохо питается, не в силах в полной мере исполнять супружеский долг, возносить молитву, не способен воспроизводить здоровое потомство [11, с. 64].

Как вышеуказанных учебниках определены зороастрийская правовая система и Авесто выявлены правовые нормы и институты различного характера, имеющие место и ныне в различных современных отраслях права;

- зороастрийская правовая система, как самостоятельная правовая система, имеет свои особенности, гражданско-правовые нормы и институты брака, прав и обязанностей родителей, усыновления, воспитания ребенка, привилегии беременной женщины, защита прав детей и нерожденных детей, ограничение прав и полномочий супругов с целью сохранения семьи и многое другое, регламентировались на достаточно высоком уровне;

зороастрийское право, являясь одной из разновидностей семьи права Древнего Востока и мира в целом, с одной стороны, испытывало на себе сильное влияние правовых систем древневосточных государств Египта, Вавилона и Индии, а с другой, само оказалось заметное влияние на формирование и развитие мусульманско-правовой культуры Востока; В «Авесте» строжайшим образом на законном основании запрещалось обзаведение семьей между родственниками. Это было продиктовано стремлением не допустить смешения крови. Когда Зороастр спросил у Ахурамазды: «Что ты дашь многодетной женщине?», Ахурамазда ответил: «Многодетных женщин я возьму под свою опеку, сделаю их жизнь счастливой и обильной». И по этой причине, согласно учению зороастризма, плодовитые и беременные женщины на общественной основе брались под защиту коллектива.

Многодетным семьям из государственной казны выплачивалось пособие, а женщине, родившей двойню или тройню, предоставлялись определенные льготы, и она награждалась верблюдом. Прерывание беременности женщины или потеря плода считались большим грехом. Виновные в этом приговаривались к смерти. Глава семьи, не осуществлявший заботу о своей жене и детях, наказывался ударами плетью. Беременной женщине, для того чтобы ее ребенок родился здоровым, рекомендовалось лишний раз не волноваться и не тревожиться, принимать только пищу, добытую честным путем..

Если до революции правовой основой брака и семьи в Средней Азии служили нормы шариата, то после нее в 1917–1920 гг. Советское государство осуществило новую правовую систему на принципах российского законодательства по общему стандарту. В том числе были созданы Кодекс законов об актах гражданского состояния, нормативные акты о Брачном, Семейном и Опекунском праве (1918 г.). Кодекс состоял из 4 разделов, 17 глав и 246 статей. Он формулировал положения, которые легли в основу всех последующих семейно-правовых кодификаций. И это было как первый этап большевистского эксперимента в сфере брачно-семейных отношений.

27 октября 1924 года была образована Узбекская ССР. Именно тогда Бухарская ССР вошла в состав Узбекской ССР и за её основным населением утвердилось название «узбек».

В новое время семейные отношения регулировались в основном нормами гражданского законодательства и права. 31 августа 1991 года в Ташкенте состоялась внеочередная 6-я сессия Верховного Совета Узбекской ССР, на которой была провозглашена государственная независимость Узбекистана.

С первых дней независимости республики Узбекистан приоритетом стало укрепление и защита семьи, здоровья матери и ребенка, воспитание здорового и гармонично развитого поколения, повышение благополучия семьи, усиление заботы о молодых семьях, как со стороны общества, так и со стороны государства.

В Основном законе республики Узбекистан, принятом 8 декабря 1992 года, было закреплено равноправие между мужчинами и женщинами; глава 14 Конституции Республики называется «Семья» и посвящена вопросам охраны и защиты семьи, материнства и детства [1, ст. 63–66]. После этого Кодекс о браке и семье стал называться Семейным кодексом Республики Узбекистан.

С 1991 по 1998 год семейные отношения в республике регулировались Кодексом о браке и семье Узбекской ССР, принятом 6 июня 1969 года, составленном на основе



законодательства Союза ССР и союзных республик о браке и семье от 27 июня 1968 года. Кодекс не учитывал специфические обычаи узбекского народа, местные и национальные особенности.

Новый период развития Семейного кодекса Республики Узбекистан связан с провозглашением года «Семьи» в 1998 году, который избрал собственный путь семейного правового обновления и прогресса

Основы семейного права Республики Узбекистан закреплены в Семейном кодексе Республики Узбекистан (Утвержден Законом РУз от 30.04.1998 г. № 607-I, введен в действие с 01.09.1998 г.), а также принятими в соответствии с ним нормативными актами (Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 171 от 12.04.1999 г. и др.). Кодекс состоит из 8 разделов, 30 глав и 238 статей.

Основными задачами семейного законодательства являются укрепление семьи, построение семейных отношений на чувствах взаимной любви, доверия и взаимного уважения, сотрудничества, взаимопомощи и ответственности перед семьей и всех ее членов, недопустимость произвольного вмешательства кого-либо в дела семьи, обеспечение беспрепятственного осуществления членами семьи своих прав и их защиты [3, ст.1].
(Analysis and results).

Особенностью Кодекса является применение местных обычаяев и традиций в семейных отношениях.

При отсутствии в законодательстве соответствующих норм в регулировании семейных отношений применяются местные обычай и традиции, не противоречащие принципам законодательства Республики Узбекистан [4, ст.8].

Основными принципами семейного права являются:

равноправие супругов в решении всех вопросов семьи;

равенство супругов и других членов семьи независимо от их национальности, расы, отношения к религии;

охрана и поощрение материнства;

забота о воспитании несовершеннолетних детей и обеспечение их интересов;

единобрачие;

свобода и добровольность брачного союза;

свобода расторжения брака под контролем общества;

взаимная моральная и материальная поддержка участников семейных отношений и забота друг о друге.

Следует отметить, что в последние годы особое внимание уделено созданию правовых основ охраны семьи, материнства и детства, гарантированию прав матерей и детей, достижению обеспечения стабильности семей.

Постановление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «Об утверждении концепции укрепления института семьи в Республике Узбекистан» от 27 июня 2018 года стало новым импульсом в стране, также как и Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах. В ней были четко прописаны дальнейшая поддержка, развитие и укрепление семьи, повышение ее роли в воспитании будущего поколения духовно зрелым и гармонично развитым.

В соответствии с постановлением президента с 1 сентября 2019 года в Узбекистане повышается минимальный возраст женщин, вступающих в брак, с 17 до 18 лет. Согласно статьи 15 Семейного кодекса республики, мужчины в Узбекистане могли вступать в брак с 18, а женщины – с 17 лет. Президент своим постановлением уравнял брачный возраст мужчин и женщин [3, ст. 5-8.]. Одним из основных элементов конструкции принципа равенства человека является достижение полного равенства между мужчинами и женщинами во всех сферах общественной жизни. Как гласит статья 46 Конституции Узбекистана признающая равноправие мужчин и женщин является полноценным отражением в Основном Законе положений Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин (Нью-Йорк, 18 декабря 1979 года) . Статья 2 Конвенции обязывает государства-участники



«включить принцип равноправия мужчин и женщин в свои национальные конституции или другое соответствующее законодательство, если это еще не было сделано, и обеспечить с помощью закона и других соответствующих средств практическое осуществление этого принципа» (1).

Реализация конституционного права, закрепленного в статье 46, является обязанностью законодательной, исполнительной и судебной ветвей власти, правоохранительных и правоприменительных органов. За прошедший короткий период выполнена практическая работа по защите прав и законных интересов женщин, поощрению их активности в общественной жизни и государственном управлении.

Указ Президента страны "О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи" от 2 февраля 2018 года вывел работу в этом направлении на новый уровень. С этой точки зрения принятый 2 сентября текущего года Закон "О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин" заложил основу для устойчивого развития страны, разработки целевых программ, направленных на конкретные цели, достижения важных результатов на основе обозначенных в законе принципов [3, ст.2].

В данном законе, состоящем из 32 статей, отражены такие понятия, как "гендер", "гендерная статистика", "гендерно-правовая экспертиза", "дискриминация по признаку пола", задачи и функции уполномоченных органов в этом направлении, нормы по обеспечению гендерного равенства для участия в государственном управлении, при приеме на работу и найме, получении кредита и занятии предпринимательством, меры, направленные на предупреждение гендерного неравенства, а также ответственность за это. В законе также приведены нормы приема на работу женщин и мужчин, согласно которым на замещение свободных должностей государственной службы, в том числе руководящих, будет объявляться конкурс. В государственных органах будет сформирована специальная комиссия, которая будет рассматривать данные о кандидатах.

В данном документе точно обозначены обязательства работодателя по обеспечению равных прав и возможностей для женщин и мужчин в трудовых отношениях.

Закон отвечает требованиям Конвенции ООН о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. В заключении хотела бы отметить того что, каждое государство стремится сформировать систему ценностей, соответствующих целям и задачам данного государства и общества и выражаемых главным образом в действующем праве. Основополагающие принципы организации суверенного государства Республики Узбекистан отражены в Конституции Республики Узбекистан.

Согласно статье 63 Главы XIV Конституции Республики Узбекистан, основной ячейкой общества является семья. [1, ст. 63–66].

Заключение:

Таким образом, выбор и позиционирование системы семейного законодательства Узбекистана как основы для проведения сравнительно-правового исследования обусловлены объективными обстоятельствами политического содержания и потребностью теоретического обоснования процесса формирования семейного законодательства на современном этапе. Объективным основанием для исследования заявленной темы является совершенствование семейного законодательства, также наличие ряда обострившихся в последнее время юридических проблем, связанных с семейным насилием, в том числе международным, защитой прав и законных интересов других участников семейных правоотношений, попавших в тяжелую жизненную ситуацию.

Актуализация концепции семейного права как самостоятельной отрасли права обусловлена и необходимостью нового подхода к изучению ее структуры. Структура семейного права и система семейного законодательства тесно взаимосвязаны. Несовершенство структуры семейного права прямо воздействует на систему семейного законодательства.

Поэтому совершенствование правового регулирования семейных отношений должно строиться на основе научно-обоснованной системы законодательства. Вышеизложенное



создает предпосылки для комплексного и объемного сравнительно-правового теоретического исследования содержания и структуры системы семейного законодательства Республики Узбекистан.

Ведь на Востоке издревле семью считают священной, уделяя особое внимание ее прочности. Семья – это маленькая Родина человека. Это понятие, символизирующее прочность уз, здоровый образ жизни; отражающее высокую духовность, сформировавшуюся на протяжении тысячелетий.

Семья в Узбекистане всегда была больше, чем союз двух людей: включая многочисленные родственные связи, она разрасталась до небольших сообществ со своими нравственными устоями, сохранявшими национальное самосознание и традиции преемственности поколений.

Использованная литература:

1. Конституция Республики Узбекистан. Ташкент :Ўзбекистон, 2019. С-40..
2. Постановление Президента Республики Узбекистан Ш. МИРЗИЁЕВА «Об утверждении концепции укрепления института семьи в Республике Узбекистан» от 27 июня 2018 года, Ташкент. Постановление Президента Республики Узбекистан. Ташкент, 22.04.2019 г. № ПП-4296 [Электронный ресурс] // Национальная база данных законодательства. URL: www.lex.uz
Закон "О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин" от 2 скетября 2019 г[Электронный ресурс] // Национальная база данных законодательства. URL: www.lex.uz
3. Семейный кодекс Республики Узбекистан от 30 апр. 1998 г. № 607-1 (с изм. и доп.) // [Электронный ресурс] // Национальная база данных законодательства. URL: www.lex.uz
4. Комментарии Семейного Кодекса Республики Узбекистан. Ташкент : Адолат, 2000. 448 с.
5. Мухитдинова Ф.А. Ахмедўаева М.А. Social problem of youth crime and the formation of the legal culture of students. T International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. <https://www.psychosocial.com/article/PR260423/14696/> DOI: 10.37200/IJPR/V24I6/PR260423 Pages: 4363-4377
6. Teaching sufism: ideas of bahauddin nakshbandi and its activity in Modern Uzbekistan. SRK Mukhittdinova Firyuza Abdurashidovna, Agzamkhadjaeva Saida Sabithanovna ...International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 28 No. 12 (2019) ISSN: 2005-4238 ...
<http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/1223>
7. Авеста. Перевод А.Махкама. – Ташкент, 2001. – С. 185.
8. Аширов А. Об «Авесте» и семейно-бытовых обрядах зороастрийцев. – «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 2002. – № 1. – С. 56.
9. Аширов А. Похоронные обряды из «Авесты». – Ташкент, 2007. – С. 24.
10. Буриев О., Раҳмонов Ф. Интерпретация в «Авесте» общественных отношений и система управления. – «Авеста» и идея национальной независимости: история Отечества, проблемы государственности и идеологии. – Карши: Насаф, 2002. – С. 26–28.
11. Махмудов Т. Об «Авесте». – Ташкент, 2000. – С. 40.
12. Хамидов Х. Благодатности «Авесты». – Ташкент, 2001. – С. 59.



ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Махфузахон Ҷалолдинова Абдуманноб қизи

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

таянч докторант

Аннотация: Ушбу мақолада аёлларнин ижтимоий ҳимоя қилишнинг гендер тенглик жиҳатлари фиқхий асослари, далиллари, ҳукмлари келтирилган. Булар ўрганилиб, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, уларни ҳар тарафлама қўллаб-куватлаш каби масалалар ислом ҳуқуқида келган баёни кўрсатилган.

Калит сўзлар: Ислом ҳуқуки, аёллар, ижтимоий ҳимоя, гендер тенглик, қонунлар, қарор ва фармонлар, оят, ҳадис.

ВАЖНОСТЬ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В РЕГУЛИРОВАНИИ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТИ В ИСЛАМСКОМ ПРАВЕ

Аннотация: В данной статье представлены юридические основы, аргументы и суждения по аспектам гендерного равенства в социальной защите женщин. Они изучаются, а роль женщин в обществе и их всесторонняя поддержка описываются в исламском праве.

THE IMPORTANCE OF GENDER EQUALITY IN THE REGULATION OF SOCIAL PROTECTION IN ISLAMIC LAW

Annotation: This article presents the jurisprudential foundations, arguments, and judgments of the gender equality aspects of women's social protection. These are studied, and the role of women in society, and their comprehensive support, are described in Islamic law.

Аёл миллат тарбиячиси, оила таянчи, жамиятнинг асосий бўғинидир. Халқимиз азал-азалдан аёлларни ор-номус даражасида ҳисоблаб, уларга хурмат-эҳтиром кўрсатади. Миллий ва диний қадриятларимиз асосига қурилган бу гўзал муносабат асрлар оша давом этмоқда.

Жамиятимизда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш устувор вазифаларимиздан бўлиб, айниқса ижтимоий ҳимоя жиҳатидан алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш зарур ҳисобланади. Бу борада юртимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Бешинчи мақсаднинг вазифаларига (Гендер тенглик) мувофиқ, 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштироқини ва етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, ушбу мақсад давлатнинг турли даражаларида Давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилишни ўз ичига олади.

2019 йил 9 сентябрда бир йўла иккита Ўзбекистон Республикасининг Конуни эълон қилинди. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”. Ушбу Конуннинг мақсади 1-моддасида таъкидланганидек, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.



Шунингдек, “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳам қонун қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг мақсади хотин-қизларни тазиик ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ислом таълимотида ҳам аёлга ўзгача бир юксак эҳтиром муносабати билдирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, арабларнинг жоҳилият давридан сўнг ислом аёлнинг мақомини кўтарди, эркаклар билан бир хил ҳақ-хукуқларга эга эканлигини кўрсатди. Нафақат аёлнинг жамиятда, оиласда ўз ўрнини белгилаб берди, балки моддий-маънавий ҳақлари, унинг ижтимоий ҳимояси ва таъминоти бўйича риоясини ҳам кўрсатиб берди.

Ислом ҳукуқининг асосий манбаси ҳисобланган Куръони каримда барча инсонлар, жинсидан қатъий назар, тенг эканини ва уларни бир жондан яратганини баён қилинади: “Эй, одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан қўрқингиз!...” (Нисо сураси 1-оят).

Шунингдек, инсонни яратилиши ва бошқа жонзорлардан мукаррам қилингани, бу мукаррамлиқда аёл ҳам эркакка шериклиги оятларда алоҳида таъкидланган. “Дарҳақиқат,(Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик...” (Исро сураси 70-оят).

Юқорида келтирилган оятлардан кўриниб турибдики, эркаклар ва аёллар инсон сифатида яратилган, ўзаро бу жиҳатдан тенг ҳисобланадаи. Уларнинг ўз ҳақ-хукуқлари ва бурчлари бор. Аёлларнинг ўзига хос қилиб яратилгани ҳам унга тегишли бўлган ҳукуқларида ҳам ўз аксини топган. Аёллар ислом динида она, опа-сингил, жуфти ҳалол ва қиз сифатида хурматланади. Улар мерос олади ва мерос қолдиради, никоҳда розилиги сўралади. Улар доим эркак қариндошлари таъминоти остида бўлишади. Куръони каримнинг ўндан ортиқ сураларида ва кўплаб ҳадиси шарифларда аёлларга тегишли ҳукмлар мавжуд. Жумладан, аёллар ҳақида “Нисо” (“Аёллар”) деб номланган сура ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси ислом динида аёлларга бўлган юксак эътибордир.

Ҳадиси шарифлардан бирида яратилиш жиҳатидан эркак ва аёлнинг асли бирлиги ҳақида шундай дейилади: “Албатта, аёллар – эркакларнинг туғишганлари” (Имом Абу Довуд ривояти).

Юридик фанлар доктори Н.Юсупованинг келтиришича, ислом ҳукуки манбалари оилавий муносабатлар – никоҳни ҳукуқий жиҳатдан ўзаро тенг субъектларнинг иттифоқи эканлигини таъкидлайди. Бунда тенглик ҳукуқ ва бурчларнинг бир хиллиги сифатида эмас, балки келиб чиқиши ва қадр-қиммат жиҳатидан Аллоҳ олдида тенглиги, аёл ва эркакнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган бир-биридан фарқ қиласидиган мажбуриятлар сифатида гавдаланади. Куръони каримнинг кўплаб оятларида эркак ва аёл муносабатларида қуйидаги жиҳатларга алоҳида:

- Аллоҳнинг олдида аёл ва эркакнинг тенглиги.
- Аллоҳнинг аёл ва эркакка бир хилда ғамхўрлик қилиши.
- Аллоҳ учун қилган яхши, савобли амаллари учун бериладиган ажр (мукофотнинг) тенглиги.

Шунингдек оилавий муносабатларинг ўзига хослиги яна бир адабиётда аёлларнинг эркаклар билан ўзаро тенглик жиҳатларини оиласда томонлардан келиб чиқадиган бир қатор ҳукуқ ва мажбуриятларда тенглиги, бу эса оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳукуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оиласда болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳукуқ ва манбаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида намоён бўлиши таъкидланади.

Ислом ҳукуқида оиласда аёл билан эркакнинг ўзаро тенглиги ҳақида тушунчанинг ўзига хос жиҳатлари бор. Бу қайсиdir маънода аёлларнинг яратилиш жиҳатидан хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда чегараланган. Яъни эркаклардан фарқли томонларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган. Албатта бу ҳолат аёлларнинг эркаклар билан ўзаро тенг бўлган ҳукуқларига тўсқинлик қилмайди.



Аёлларга физиологик хусусиятларини ҳисобга олиб енгилликлар яратилган. Масалан, эркак киши ҳар қандай ҳолатда намоз ибодатидан озод қилинмаса, аёл ҳайз ва нифос ҳолатларида намоз ўқимайди. Демак, ислом аёл организмининг табиий вазифалари билан боғлиқ ўзига хослигини назарда тутиб унинг вазифаларини енгиллаштиради. Шу билан бирга, аёлларнинг заифлиги боис оилани нафақа билан таъминлаш мажбурияти эркакка юклатилган. Аёлнинг оилани моддий таъминлаш мажбуриятидан озод қилинганлиги ва унинг нафақаси болалигидан то вафотигача бошқалар (ота-она, васий ёки ҳомий, эр)га юклатилганлиги сабабли мерос масаласида аёлнинг улуши эркакнидан кам бўлган.

Ислом ҳукуқида аёлларнинг туғилганидан то вафот этгунича бутун умри давомида бўладиган энг асосий ҳақларидан бири бу- нафақа ҳисобланади. Шу маънода, нафақа сўзи луғатда “яхшиликка маблағ чиқариш” маъносини англатади. Шариатда эса, ўз қарамоғидаги шахсни етарли кийим, таом ва маскан билан таъминлашдир. Нафақа сўзи яна «сарфлаш» маъносида ишлатилиб, ислом ҳукуқида кишининг хотини, болалари, ота-онасини моддий эхтиёжлар – озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаши тушунилади”.

Дарҳақиқат, Ислом таълимотида ўз аёлларига нисбатан яхши муносабатда бўлган эркакларни инсонларнинг энг яхшилари қаторига ҳисобланади. Хусусан ҳадиси шарифларда бу алоҳида таъкидланган: **“Мўминларни имон жиҳатидан комилроғи хулқи яхшироғидир. Сизларнинг энг яхшиларингиз – аҳли аёлига яхшилик қиласидиганингиздир”** (Имом Термизий ривояти).

Хуроса қилиб айтганда, аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш баркамол авлодни вояга етказишида муҳим омил бўлиб хизмат қиласи. Уларга бўлган бу муносабат эртанги авлод келажаги учун заминдор. Шунингдек гендер тенглик жиҳати ҳам уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ва ҳукуқларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. ТИУ. –Т 2004. –Б 77.
2. М.Мухаммад Юсуф. Кифоя II китоб. – Т.: Шарқ, 2008. – Б 516.
3. М.Усмоний. Енгил амаллар. Ф.Ғулом нашриёти. –Т 2018. –Б 125
4. Н.Юсупова Исломда аёл ҳукуқлари.-Т.: Академия, 2006. – Б 118.
5. Н.Юсупова. Ислом ҳукуқида никоҳ ва оилавий муносабатларнинг тарихий-назарий асослари. ЎзХИА. –Т 2019. –Б 34.
6. strategy.uz/index.php?news=745
7. <https://lex.uz/docs/4494849>
8. <https://www.lex.uz/docs/4494709>



АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИСЛОМ ДИНИ АХЛОҚ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎРНИ

Миракбарова Дилдора Миралишер қизи
ТДИУ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси
2-босқич таянч докторант (PhD)

Мақола аннотацияси (Abstract) Бугунги кунда давлатимиз томонидан гендер тенглик принципини ҳаётда қўллаш, амалга ошириш учун етарли шарт – шароитлар яратилган, қонун ва қонун ости хужжатлар қабул қилинмоқда, ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Лекин, афсуски, халқимиз улардан кенг фойдаланмаяпти ёки яқинлари томонидан бу ҳуқуқлар қўпол равишда бузилмоқда. Ҳуқуқий онгимиз, маънавиятимиздаги бўшлиқлар гендер тенглик муаммосида яққол кўриниб қолмоқда. Гендер тенглик миллий ва диний қадриятларимизга қарама – қарши тушунча сифатида қўйилмоқда. Лекин аслида Ислом дини гендер тенгликка қаршиими ёхуд аёлларга нисбатан агресив ҳукмронликни қўллаб – қувватлайдими?

Калит сўзлар (Keywords): Оила мустаҳкамлиги, Ислом, гендер тенглик, аёллар ҳуқуқлари, дискриминация, зўравонлик турлари, эркинлик, ахлоқ.

РОЛЬ ИСЛАМСКИХ НРАВСТВЕННЫХ ПРИНЦИПОВ В ПРЕДОТВРАТЕНИИ НАСИЛИЯ В ОТНОШЕНИИ К ЖЕНЩИНАМ

Миракбарова Дилдора Миралишер қизи
ТГЭУ кафедра “Социально-гуманитарные науки”
докторант 2-курса (PhD)

Аннотация В нынешние дни в нашем государстве созданы достаточные условия для реализации принципа “гендерного равенства”, принятые законы и постановления, проводятся реформы. Но, к сожалению, наши люди достаточно ими не пользуются или эти права грубо нарушаются со стороны родственников или окружающих их людей. Пустота в нашем идеологическом пространстве заметна в проблеме гендерного равенства. Гендерное равенство рассматривается как противоположность нашим национальным и религиозным ценностям. Но действительно ли Ислам против гендерного равенства и поддерживает агрессивную правлению над женщинами?

Ключевые слова: Укрепление института семьи, Ислам, гендерное равенство, права женщин, дискриминация, виды насилия, свобода, нравственность.

THE ROLE OF ISLAMIC MORAL PRINCIPLES IN PREVENTING VIOLENCE TO WOMEN

Mirakbarova Dildora Miralisher qizi
TSUE department of “Social scientces”
2nd year researcher of PhD

Abstract Even today, the state creates the necessary conditions for the implementation of the principle of gender equality, adopts laws and implements reforms. But, unfortunately, our people do not use them enough, or these rights are grossly violated by relatives or people around them. Deficiencies in our legal consciousness and spirituality are evident in the problem of gender equality. It is wrong to think that gender equality is contrary to our national and religious values. But is Islam really against gender equality and support for aggressive rule over women?

Keywords: The consolidation institute family, Islam, gender equality, women's rights, discrimination, types of violence, liberty, moral.



1. Кириш (Introduction)

Ҳар бир жамиятда ўз даври талабларига хос ва мос бўлган комил инсонни тарбиялаш энг долзарб вазифа бўлган. Бундай шахсни тарбиялаб, вояга етказишида аёлларимиз, оналаримизнинг ўрни бекиёсdir. Аёллар ҳақида гап кетганда кўз олдимишга мунис, ожиза бир хилқат келади. Лекин ҳаёт синовларидан бардош билан ўтишда улардаги маънавий қуч – қувватига қучли жинс вакиллари ҳам тан беришади. Бугунги кунда аёллар нафақат оила, уй – рўзгор ишлари билан бандлар, шу билан бир қаторда жамият ҳаётининг муайян соҳасида ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар, илмий янгиликлар яратиб, жамият тараққиётига ўз ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа – сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин – қизларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз”, деб таъкидлаганлар.

Мустақил Ўзбекистон гендер тенглиги бўйича бутун дунё миқёсида 188та давлат орасида 44-ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Парламентида хотин-қизларнинг улуши 32 фоизни ташкил этмоқда. Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбар лавозимларга тайинланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 20 июнь куни Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида “Бир нарсани тан олиш керак: аёллар халқнинг дардини бошқалардан кўра чуқур ҳис қиласи”, деб аёлларга нисбатан юксак эҳтиром кўрсатдилар. Шу куни Президент тақдимига биноан Танзила Норбоева, илк аёл, Сенат раиси этиб сайланди. Қайд этиш керакки, айни пайтда Олий Мажлис юқори палатасида 100 нафар сенатордан 22 нафари, Конунчиллик палатасида эса 150 депутатдан 18 нафари аёл киши. Халқ депутатлари туман ва вилоят кенгашларига депутатлик учун номзодларнинг 22-23 фоизини аёллар ташкил этади.

Давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш комиссияси аъзоси Саида Мирзиёёва 2020 йил 17-18 февраль кунлари Дубайда бўлиб ўтган Бутунжаҳон аёллар форумида иштирок этди ва у ерда нутқ сўзлади. “Ўзбекистоннинг янги стратегиясида инсон ҳуқуqlарини таъминлаш муҳим жиҳатлардан биридир, бунга эса хотин-қизлар ҳуқуqlарини таъминламасдан эришиб бўлмайди. Аёллар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига катта ҳисса кўшган, лекин уларнинг меҳнати доим ҳам муносиб баҳоланмаган. Шу боис, бугун Президентимизнинг хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ўзгартиришга қаратилган доимий сайд-харакатлари туфайли мамлакатимиздаги гендер вазият ўзгарди. Гендер мутаносиблиги аёлларнинг қарор қабул қилишдаги ролини оширади, натижада мамлакат ижтимоий муаммоларни янада самарали ҳал қила олади, чунки аёллар ижтимоий масалаларга кўпроқ таъсирчан. Баҳтли аёл бу - баҳтли оила, баҳтли мамлакат ва буюк келажак. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир муваффақиятли эркак ортида муваффақиятли, оқила аёл бўлади”, - дея таъкидлади.

2. Literature review (Мавзуга оид адабиётлар таҳлили)

1948 йил 10 – декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуqlари умужаҳон декларацияси” ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Миллати, дини, ирки, жинсидан қатъий назар ҳар бир инсоннинг тенг ҳуқуқли” лиги таъкидлаб ўтилган. Аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ва мустаҳкамлаш борасида бугунги кунда кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февраль куни “Хотин – қизларни қўллаб – қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуqlари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон карори, 2019 йил 2 сентябр куни “Хотин – қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ЎРҚ-552-сонли ва Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазиيқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартағи “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий



экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 192-сон қарори ва бошқа бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларимизга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. 2020 – 2030 йилларда Гендер тенгликка эришиш стратегияси устида ишланмоқда. 2020 йил июль ойидан Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси хузурида Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш ўз иш фаолиятини бошлади. Хотин – қизларни жамиятда ўз фикри ва ўрнига эгалигига ишончини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 486-сон қарорига кўра, 14та худудий ва 203та туман (шаҳар)ларда “Хотин – қизлар жамоатчилик кенгашлари” ташкил этилди. Бу савобли ишлар жамиятимизнинг ҳар бир соҳасини қамраб олаётганлиги жамиятимиз ҳаётида аёлларнинг ўрни нақадар юксаклигини эътироф этмоқда.

1967 йил 7 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 2263 (ХХII) – резолюцияси билан эълон қилинган “Аёлларга нисбатан камситишлиарга барҳам бериш тўғрисида”ги декларация қабул қилинди ва ушбу декларация 11 моддадан иборат. Унда аёллар ва эркакларнинг жамиятнинг барча соҳаларида тенг ҳукуклилиги таъминлаш белгиланиши билан бир қаторда, барча миллат ва элат вакилларини гендер тенглик принципини тўғри англаб етишлари лозимлиги қайд этилган. “Аёлларга нисбатан камситишлиарга барҳам бериш тўғрисида”ги декларациянинг 3 – моддасида “Аёлларнинг тўлақонли эмаслиги ғоясига асосланган тушунчаларга барҳам бериш, одатлар ва бошқа амалиётни тугатишга жамоатчилик фикрини тайёрлаш ва миллий интилишларни қаратиш мақсадида барча тегишли чоралар кўрилиши лозим”, деб белгиланган.

Шунингдек, 1980 йил 1 марта имзоланган, 30 моддадан иборат “Хотин – қизлар ҳукукларини камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинган. Ушбу конвенция шиори “... мамлакатнинг тўлиқ ривожланиши, бутун дунёда фаровонлик ва тинчлик иши барча соҳаларда аёлларнинг эркаклар билан баравар мумкин қадар кўпроқ иштирок этишларини талаб қиласди” деб белгиланган. Конвенциянинг 1 – моддасида “Мазкур Конвенциянинг мақсади ўлароқ “хотин – қизларнинг камситилиши” тушунчаси, ҳар қандай фарқ, жинсий белгиларига кўра истисно қилиш, чеклаш тан олмаслик, йўққа чиқариш ёки бўшаштиришга йўналтирилган, аёллар фойдаланаётган ёки амалга ошираётган ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва бошқа соҳада оиласидан шароитидан қатъи назар эркак ва аёлларга тенглик асосида инсон ҳукуqlари ва асосий эркинликлар берилишини англаради”, деб аёл ҳукуклари қонуний жиҳатдан қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида янги тузилма – Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасини тузишни таклиф қилди. Мамлакатда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, муносиб турмуш ва меҳнат шароитларини яратиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-куватлаш ҳамда камситилишига йўл қўймаслик, шунингдек бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши устидан тизимли парламент назоратини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Сенатининг хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Карори қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ахборот хизмати хабарига кўра, қўмитанинг асосий вазифалари қаторида мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга ва хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этишига қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқиш, гендер тенглик масалалари ва оила институтини ривожлантиришга оид конунларни мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига ҳамда халқаро ҳукуқ нормаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва тегишли хулосалар бериш каби муҳим йўналишлар белгиланди. Шунингдек, қўмита зиммасига аёллар ҳукуклари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича умумэътироф этилган халқаро



нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши, гендер тенглик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатлар нормаларининг амалиётга жорий этилиши ҳамда унда белгиланган тавсиялар ижро қилиниши юзасидан мониторинг олиб бориш вазифаси ҳам юклатилди. Жойларда аҳоли, жумладан хотин-қизлар билан бевосита мулоқот қилиш орқали гендер тенглик масалаларига оид ҳақиқий аҳволни ўрганиш ҳамда бу борада аниқланган долзарб масалаларни парламент назорати воситаларини кўллаган ҳолда ҳал этиш чораларини кўришга ҳам қўмита фаолиятида алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, Кўмита аъзолари репродуктив саломатликни, шунингдек оналик ва болаликни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаб, жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар, гендер тенглик ва оила институтига оид масалалар юзасидан мурожаатларини ҳам кўриб чиқадилар.

3. Research Methodology (Тадқиқот методологияси)

Ҳар бир илмий мақола ёритилаётганда, албатта, биз илмий методларга мурожаат қиласиз. Гендер тенглик бўйича ёзилаётган ушбу илмий мақола ҳозирги кунда асосан назарий қисмга эга. Назарий билимларни мустаҳкамлабгина амалиётда юқори натижаларга эришиш мумкин. Ушбу илмий мақолада асосан тарихийлик, қиёсий таҳлил, таққослаш, тизимлилик, муаммо методлари ва бошқалардан фойдаланишдан мақсад – “гендер тенглик” принципи, унинг ривожланиши, унга нисбатан илмий, фалсафий, диний муносабатларни қиёсий таҳлил қилиш, таққослаш орқали ўрганилиб, тизимлилик асосида муаммонинг келиб чиқиши ва ечимини топишга қаратилган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ёшларнинг мустақил фикрлашларини такомиллаштириш орқали маънавиятни, мағкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича эътиборга лойик тажриба тўпланган. Университет “Ижтимоий - гуманитар фанлар” кафедрасининг профессор ва ўқитувчилари томонидан уларга фалсафа, этика, эстетика, мантиқ, маънавият асослари, диншунослик ва миллий ғоя фанларидан сабоқ берилади. Ушбу фанларнинг талаба – ёшларнинг ахлоқи, дунёқарashi, тафаккури, маданияти, эстетик диidi, ғоявий иммунитетини шакллантириш, мантиқий фикрлаш кўнкимларини ҳосил қилишдаги аҳамияти беқиёсdir. Шу сабабдан устозимиз Исмоил Саифназаров томонидан ҳар бир босқич талабалари учун ишлаб чиқилган мустақил ишларнинг ёшларни чукур тафаккур қилишларига чорловчи мавзуларни эътироф этиш лозим. Жумладан, “Менинг оилам – менинг баҳтим”, “Устозим – ҳаётим чироғи”, “Маҳаллам – менинг фахрим” каби мавзулардаги мустақил ишлар ёшларни жамият ҳаёти билан қизиқишишга, жамият ривожига эркаклар ва аёлларнинг таъсирини ўрганишга ёрдам бериб, ўзларини ҳам янги марралар сари руҳий даъват этади.

Ўрганилаётган гендер тенглик масаласи ҳам чукур назарий ўрганилиб чиқилганидан сўнг амалиётда қўлланилиб, талаба ёшларга дарс сифатида ўтилишига, бу мавзуга оид билимларини ошириб, баҳсли саволларга жавоблар ойдинлашишидан умидвормиз.

Таҳлил ва натижалар (Analisis and results)

Афсуски, ҳаётда ҳар хил вазиятлар юз беради. Оилавий муносабатларда баъзида тушунмовчиликлар келиб чиқиши, хафагарчилик ҳолатлари рўй бериши мумкин. Албатта, бу вактинчалик тушунмовчилик бўлиб, эр – хотин бир – бирига нисбатан кечиримли бўлиши, кўнглига озор етказадиган, кейинчалик бир – бирини олдидаги ҳурмат ва андишани йўқотадиган сўзлар ишлатмаслиги, ярашилганидан сўнг хафагарчиликларни эслаб, бир – бирини дилини оғритмаслиги лозим. Шундай вазиятларни инобатга олган ҳолда Оламларнинг Буюк тарбиячиси бўлмиш Аллоҳ таоло Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримнинг Нисо сураси 19 – ояти “Улар билан тинч – тутув яшанглар. Агар уларни ёмон кўрсангизлар ҳам (сабр қилиб иноқ ҳолда яшайверинглар). Зеро сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб кўйган бўлиши мумкин” ни нозил қилди.

Жаннатнинг гул-у райҳонлари бўлмиш фарзандларимизни тарбиялаб, вояга етказувчи аёлларга нисбатан эрлари томонидан зўравонлик, куч ишлатиш каби ҳолатларнинг рўй берадётгани жуда аянчли ҳолат. Телеэкранларда, интернет саҳифаларда кўришнинг ўзида инсонда нафрат кўзғатувчи, одамларнинг кўплаб эътиrozларига сабаб бўлаётган ҳолатлар кун сайин кўпаймоқда. Бу биз эшитган ёхуд хабар топган ҳолатлар халос. Оиласини сақлаш,



фарзандларини ярим етим номидан асраб қолиш мақсадида бундай тазийкә учраётган аёллар қанча. Миллий ва диний қадриятларимизда эркакни ҳурмат қилиш, ҳурмат жиҳатидан ўзидан бир пагона юқори кўриш каби ҳислатлар аёлларда болалигидан шакллантирилади. Лекин қайси миллат ёки дин эркакка аёlinи шунчалик хўрлаш, жирканч ишларни қилишга мажбур этишга рухсат беради? Бу энг аввало инсонийликка, ахлоқ – одобга тўғри келмайдиган ҳаракатdir. Саҳиҳ ҳадисларга кўра, Абдуллоҳ ибн Замъа розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз ўз аёlinи қулни калтаклагандек калтакламасин» дедилар. Бу билан Ислом динида аёл кишининг қадр – қиммати юқорилиги яна бир бор таъкидланган.

“Камситиш” (“дискриминация”) - кишини ирқи, жинси, тили, дини ёки бошқа асосларга кўра ҳар қандай фарқлаш, четлатиш, чеклаш ёки мақбул қўриш ҳисобланиб, бунинг оқибатида кишининг хуқуқлари поймол қилинади ёки уларни рўёбга чиқариш қийинлаштирилади. Тенг шароитлар мавжуд бўлган ҳолатда нотенг муомала қилинса - бу камситиш бўлади. Европа Судининг фикрича, камситиш – бир хилдаги ҳолатда бўлган шахсга ёки бир гурух шахсларга турлича муомалада бўлишдир. Лекин, турлича муомалада бўлиш ҳамма вақт ҳам камситиш эмас. Турлича муомалада бўлишни оқловчи қонуний мақсад бўлмаса ёки турлича муомалани қўллаш шундай холис, оқил мақсадга мувофиқ бўлмаса – камситиш бўлади.

Зўравонлик эса қонун билан таъкидланган маънавий, руҳий ва жисмоний зарар етказувчи ҳаракатларни шахс хоҳиши иродасига қарши равишида амалга оширишдир. Зўравонликнинг кўринишлари турлича бўлиб, 2019 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида“ Қонунида зўравонликнинг тўрт асосий тури белгиланган. Булар:

1. Жисмоний зўравонлик;
2. Руҳий зўравонлик;
3. Жинсий зўравонлик;
4. Иқтисодий зўравонлик.

Жисмоний зўравонлик - Оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам қўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа хукуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш. Жисмоний зўравонликка шапалоқ тортиш, тепиш, туртқилаш, мушт билан уриш; зарб билан итариб юбориш; турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш; курол билан хавф солиш ёки яралаш; уйдан чиқишга жисмонан йўл қўймаслик; кечаси ухлашга қўймаслик кабиларни мисол келтиришимиз мумкин.

Руҳий зўравонлик деганда, хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, репродуктив соҳада назорат қилиш, ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушунилади.

Жинсий зўравонликка - хотин-қизларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш кабилар мисол бўлади.

Иқтисодий зўравонлик деганда эса, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган хукуқини, мулк хукуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид хукуқини оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушунилади.

Ушбу зўравонликларнинг барча тури афсуски айрим оилалардан учраб турибди. Ҳозирги кунда дунё миқёсида ҳар уч аёлдан бири жисмоний ёки жинсий зўравонлик курбони бўлмоқда. Одам савдоси қурбонларининг 71 фоизи – аёллар. Репродуктив ёшдаги аёллар орасида ўлим ҳолати ва ногиронликни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири – уларга нисбатан зўравонликнинг қўлланилиши.

Бугунги кунда кенг тарқалган зўравонликнинг яна бир тури — кибер



зўравонлик. Зўравонликнинг ушбу тури интернет орқали мутассил давом этувчи, такорий ва узоқ вакт давомида бироннинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи харакатларни амалга оширишда ифодаланади. Руҳий зўравонлиқдан зулм ўтказаётган шахс анонимлиги, Интернет орқали ёқимсиз хабарлар туну кун кенг оммага тарқалиши билан фарқланиб, жабрланувчига ғоят катта азоб-уқубат келтириши билан кескин фарқланади. Интернет тармоғидан фойдаланиб, иш ёки ўқиш жойи, оиласда турли хил ҳақоратлар, тухмат, таъна, миш-мишлар, уйдирма хабарлар тарқатишда ифодаланади. Шунингдек, Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали инсонинг руҳиятига қаттиқ таъсир этувчи, уни изтиробга солувчи бешафқат муносабат ва зўравонлик саҳналарини намойиш этишини ҳам шахсга бўлган зўравонлик, деб эътироф этишимиз мумкин.

Инсонпарварлик тамойилларини ва ахлоқ мезонларини ўзига шиор қилиб олган дунёвий динлар каби Ислом дини ҳам зўравонликнинг барча кўринишларига қарши. Аёллар қадр – қимматини таъкидлаб ўтувчи оят ва ҳадислар бисёр. Абдуллоҳ ибн Замъа розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз ўз аёlinи қулни калтаклагандек калтакламасин» дедилар. Чунки инсон ҳаёти, унинг шаъни ва ғурури олий неъмат сифатида берилган. Уни нафақат бошқа инсонлар, балки ўша инсоннинг ўзи ҳам бекадр қилишига ҳаққи йўқ. Шунингдек, Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳнинг важҳини истаб нафақа қилсанг, унга албатта ажр оласан, ҳатто аёлингнинг оғзига солиб қўйган нарсанг учун ҳам”, дедилар”. Демак, Аллоҳнинг ризолигини топиш оила мустаҳкамлиги ва хотиржамлиги билан эришилар экан. Оила аъзоларига иқтисодий ёхуд руҳий томондан азият етказиш эса энг тубан, пасткаш одамлар ишидир.

Ҳар йили бутун дунё бўйлаб “Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кун” номи остида кампания ўтказилади. Ушбу кампания аёлларга нисбатан зўравонлик инсон ҳуқуқларига зид ҳаракат эканини ифодаловчи фикр билан рамзий боғланган икки воқеа 25 ноябрь – Халқаро хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш кунида бошланиб, 10 декабрь – Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида яқунига етади. Ўзбекистонда ушбу кампания 2011 йилдан буён “Уйдаги осойишталиқдан дунёдаги тинчлик сари” шиори остида муваффақиятли ўтказилмоқда. 2020 йил 26 ноябрь куни “Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кун” кампаниясининг бу йилги очилиш маросими бўлиб ўтди ва ушбу тадбирда “COVID-19 пандемиясининг хотин – қизларга нисбатан таъсири: унинг оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилган чора – тадбирлар, олинган сабоклар ва кейинги қадамлар” мавзусида онлайн учрашув бўлиб ўтди.

Маълумки, 2020 йил 4 январдан бошлаб тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланган хотин – қизларга нисбатан ҳимоя ордери жорий этилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги хабарига кўра, 7 ой ичida 3592 нафар хотин – қизларга ҳимоя ордери берилган. Вазирлик маълумотига кўра, ҳимоя ордерлари берилган ҳудудлар Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Бухоро вилоятлари сони бошқаларга нисбатан қўп. Жорий йил 20 апрель ҳолатига кўра, оилавий зўравонлиқдан жабр кўрган 14 нафар аёл фарзандлари билан Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларидағи Реабилитация ва мослаштириш марказларига жойлаштирилди. Уларга керакли ҳуқуқий, психологияк, тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бу статистик маълумотлар инсон ўз устида ишлаб, ғазабини жиловлашни ўрганмагунигача шайтон васвасасидан ҳоли бўла олмайди. Ўзини, атрофидагиларини, жамиятини уятли ҳолатга солиб қўяверишини кўрсатмоқда. Зеро, баҳтли бўлиш, фаровон ҳаёт кечириш ҳар биримизнинг ўз қўлимизда.

4. Discussion and conclusion (Muhokama va xulosa)

Бу каби зўравонлик, аёлларнинг ҳақлари поймол этилаётган ҳолатлар ҳақида биз интернет тармоқлари, оммавий ахборот воситаларидан хабадор бўлиб турибмиз. Энг ачинарли томони шундаки, одамларнинг эти қотиб, бундай ҳодисаларни табиий жараёндек қабул қилишларидир. Аслида, бундай вахшийлик, одам қадрини ерга урувчи ҳолатлар миллатимиз, динимиз, умуман инсониятга ёт тушунчадир. Маърифатпарвар жадидчи Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида “Нафснинг роҳати, қалбнинг матонати,



фикрнинг саломати, вижданнинг ҳаловати ҳалим табиат бўлмоқ ила ҳосил бўлур. Чунки ҳалим кишилар ҳар қанча қувват ва қудрат соҳиби бўлса ҳам, ўзидан ожиз кишиларга шиддат ила муомала қилмас” деганлар.

Оила илмий-амалий тадқиқот маркази (хозирги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти) Тошкент шаҳар бош бошқармаси берган маълумотларга қўра, оиласдаги носоғлом маънавий – руҳий мухит оқибатида оиласдаги келишмовчиликларнинг ортиши, агрессив муомала, тарбиянинг бузилиши билан бир қаторда ҳукуқбузарлик ёки жиноят содир этилиши, жумладан аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш кузатилмоқда. Оиласдаги зўравонлик оқибатида содир этилаётган жиноятларнинг 9,2% қасдан одам ўлдириш, 3,7% ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш, 21,7% қасдан баданга оғир шикаст етказиш, 24,3% қасдан баданга енгил шикаст етказиш, 3,1% қийнаш, 1% ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, 7,8% номусга тегиши, 10,4% ҳақорат қилиш, 2,3% бошқа турдаги жиноятлар содир этилмоқда.

Ҳар бир иллат бекорчлик, ўзидан бошқани дардини ҳис қилмаслик, лоқайдликдан келиб чиқади. Макхул розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Гийбатчи, маддоҳ, таъна қилувчи ва ўликка ўхшаб юрувчи кишилар бўлишдан сақланинглар”, деган ҳадисларида “ўликка ўхшаб юрувчилар”ни касб билан шуғулланмайдиган кишилар, деб изоҳлаганлар”. Бу иллатлар нафақат бир инсон, балки жамият келажагига салбий таъсир қилишидан огоҳ бўлайлик.

Илмий мақолани ёзишдан мақсадимиз эркак ва аёл ўртасига нифоқ солиш ёки улардан бирортасини камситиши эмас. Балки миллий, диний, умуминсоний қадриятларни унутганлар учун эслатиш, амал қилаётганлардан эса ўrnak олишдан иборат. Ҳар бир инсон ҳақ – ҳукуқларини талаб қилганда эмас, балки бир – бирини ҳурмат қилганда, ҳукуқларини поймол қилмаганда, қадр топгандагина баҳтлидир.

Ислом динида Аллоҳ таолонинг 99 исмларидан бири “Роҳийм” – “латиф неъматлар берувчи”, “раҳм қилувчи” бўлиб, ҳар бир мусулмон инсон ушбу сифатни ўзида шакллантириши лозим қилиб белгиланган. Зеро, ҳадиси шарифларда “Раҳм қилмаган раҳм кўрмайди” дейилганини унутмайлик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References):

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2017-йил.
2. “Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида”ги декларацияси.
3. “Хотин – қизлар ҳукуқларини камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида“ Қонуни.
5. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға кириш тантанали маросимиға бағищланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил, 15 декабрь.
6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил, 22 июнь.
7. И. Саифназаров, А. Мухтаров, А. Бобоев “Илмий тадқиқот методологияси”. Ўкув-услубий қўлланма. Тошкент давлат иқтисодиёт университети. Тошкент – 2014 йил.
8. И. Саифназаров, Ф. Саифназарова “Ёшлар ва оила – ватан таянчи”. “ТА’LIM NASHRIYOTI”. Тошкент – 2018 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази “Зўравонлиқдан жабрланганлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш”. Услубий қўлланма. “Baktria press”. Тошкент – 2020 йил.



10. Жадид адабиёти намоёндалари. “Одоб – ахлоқ китоби”. “Yangi asr avlodi” нашриёти. Тошкент – 2018 йил.
11. Куръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. “Чўлпон” нашриёти, Тошкент - 1992-йил.
12. “Олтин силсила: 1-жуз: Саҳихул Бухорий”. “HILOL-NASHR” нашриёти. Тошкент - 2019-йил.
13. “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам». Таржимон: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “HILOL-NASHR” нашриёти. Тошкент - 2018-йил.
14. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Руҳий тарбия (Хулқланиш)”. З – жуз. “HILOL-NASHR” нашриёти. Тошкент - 2018-йил.
15. Ал-Фақих Абу Лайс Ас-Самарқандий “Танбехул – ғоғилийн” (“Faflatdan уйғониш”) З-китоб. “Мовароуннахр” нашриёти. Тошкент - 2003-йил.
16. Senat.uz интернет сайти.
17. Lex.uz интернет сайти.
18. Кун.уз интернет сайти.
19. t.me/mahallavaoila_instituti интернет сайти
20. www.jurix.ru интернет сайти.



ФЕМИНИСТИК КАМБАҒАЛЛИК ВА АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ МУАММОЛАР

Мирзамаҳмудова Мадина Одилжон қизи
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторантни
madinabonu1311@mail.ru

Мақолада гендер тенглиги, феминистик камбағалликни келиб чиқиши, Covid-19 пандемиясининг аёллар ўртасидаги камбағаллик даражасига таъсири, Осиё Тараққиёти банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таракқиёт дастури ҳисоботлари асосида камбағалликни камайтириш йўллари ва Ўзбекистонда аёллар ўртасида камбағалликни камайтириш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: гендер тенглиги, феминистик камбағаллик, инсон тараққиёти ривожланган мамлакатлар, Covid-19 пандемияси, ҳақ тўланмайдиган иш.

ФЕМИНИСТИЧЕСКАЯ БЕДНОСТЬ И ПОБЛЕМЫ В ЖЕНСКОЙ ЗАНЯТОСТИ

В статье представлена информация о гендерном равенстве, истоках феминистской бедности, влиянии пандемии Covid-19 на бедность женщин, способах сокращения бедности на основе отчетов Азиатского банка развития и Программа развития ООН, а также о проделанной работе снизить бедность среди женщин в Узбекистане.

Ключевые слова: гендерное равенство, феминистская бедность, развитые страны, пандемия Covid-19, неоплачиваемая работа.

FEMINIST POVERTY AND PROBLEMS IN WOMEN'S EMPLOYMENT

The article provides information on gender equality, the origins of feminist poverty, the impact of the Covid-19 pandemic on women's poverty, ways to reduce poverty based on reports of the Asian Development Bank and the United Nations Development Program, and the work being done to reduce poverty among women in Uzbekistan.

Keywords: gender equality, feminist poverty, developed countries, the Covid-19, unpaid work.


Бутун дунёда гендер тенглигини таъминлаш, аёллар ҳукуқи, эркинлиги ва иқтисодий фаоллигини ошириш муҳим ижтимоий-сиёсий вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, гендер тенглиги – аёллар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёsat, иқтисодиёт, ҳукуқ, маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида тенг имкониятларга эга эканлиги.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Барқарор ривожланиш мақсадлари” дастурининг 5 мақсади мамлакатлarda гендер тенглигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ташкилот томонидан ҳар йили дунёning 189 мамлакатлари ўртасида гердер тенглиги индекси кўрсаткичлари аниқлаб келинади. 1-расмда гендер тенгизлиги индекси рейтингида иштирок этган мамлакатлар ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, рейтинг аниқлашда аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгизликин акс эттирувчи уч ўлчов: репрадуктив саломатлик, имкониятларни кенгайтириш ва меҳнат бозори ўрганилиб аниқланган.

1-расм. 2019 йилда БМТ томонидан аниқланган гендер тенгизлиги индекси рейтинги[1]

Аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгизликнинг юқорилиги мамлакатда нафақат ижтимоий балки иқтисодий салбий оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Жумладан камбағаллик,





иҳсизлик, даромадларнинг табақаланиши ва ҳк. Камбағаллик – дунё мамлакатларини қийнаб келаётган долзарб муаммо ҳисобланади.

Феминистик камбағаллик – камбағаллар орасида эркакларга нисбатан аёллар сонининг кўплигини ва уларнинг камбағаллик ҳолатига тушиш хавфини тавсифлайди[2].

Феминистик камбағалликнинг асосий сабаблари сифатида аёлларнинг эркакларга нисбатан кам иш ҳақи тўланувчи касбларда бандлиги, шунингдек, бола парвариши, қарияларга ғамхўрлик қилиш, уй ишлари билан бандлигини айтишимиз мумкин. Аёллар эркакларга нисбатан кам иш ҳақи тўланувчи ва етарли хавфсизликка эга бўлмаган фаолият турлари билан шуғулланадилар. Иқтисодий фаолликнинг кескин пасайиши билан ишдан бўшатиш ва тирикчилик манбаний йўқотиш ҳолатлатлари аёлларда кўп кузатилади.

Шунингдек, ҳақ тўланмайдиган парваришлиш ва уй ишларини тақсимланиши дунё миқёсида эркакларга нисбатан аёллар ўртача 3,2 соат қўп вақт сарфлашади. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Қозоғистон ва Ўзбекистонда аёллар эркакларга нисбатан 1,5-4 баровар қўп ҳақ тўланмайдиган ишда ишлайдилар[3].

1-жадвал

2019 йилда инсон тараққиёти ривожланиш даражасига кўра гуруҳланган мамлакатларда ишчи кучининг бандлик коэффициэнти (фоизда) [4]

Мамлакатлар	15 ёш ва ундан юқори ишловчиларнинг бандлиги аёллар	эркаклар
Инсон тараққиёти жуда юқори мамлакатлар		
Финландия	55,5	62,8
Канада	60,8	69,4
Буюк Британия	57,6	68,1
Япония	52,7	71,3
Қозоғистон	62,7	75,5
Инсон тараққиёти юқори мамлакатлар		
Хитой	60,5	75,3
Ўзбекистон	52,4	78,1
Озарбажон	63,4	69,7
Инсон тараққиёти ўрта мамлакатлар		
Қирғизистон	44,8	75,7
Ҳиндистон	20,5	76,1
Покистон	21,9	81,7
Инсон тараққиёти паст мамлакатлар		
Нигерия	47,9	57,9
Афғонистон	21,6	74,7

1-жадвалда 2019 йилда инсон тараққиёти индекси кўра тўрт гурухга ажратилган 189 мамлакатлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Мехнатга лаёқатли ёшдаги (15 ёш ва ундан юқори ёш) меҳнат бозорида банд, ишлаётган ёки фаол иш излаётган аёллар ва эркакларнинг фоиздаги улуши ифодаланган бўлиб, ушбу натижаларга кўра, Финландия, Канада, Буюк Британия, Қозоғистон, Озарбажон каби мамлакатларда меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишловчи аёллар ва эркаклар орасида гендер тенглиги ўрнатилган.

COVID-19 пандемияси бутун дунё аёлларини эркакларга нисбатан уйда қолишларини талаб этди. Ушбу чора-тадбирлар озиқ-овқат хавфсизлиги, ҳақ тўланмайдиган ишларда ишлаш ва аёлларга нисбатан тазийк ва зўравонликлар хавфини ошишига сабаб бўлди. Дунёда 243 миллион хотин-қизлар турли тазийк ва зўравонликка дучор бўлди. Инсон тараққиёти ўрта ва паст гурухдаги мамлакатларда 30 фоиздан юқори аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кузатилган (2-расм).



2-расм. 2020 йилда инсон тараққиёти ривожланиш даражасига кўра гурухланган мамлакатларда аёлларга нисбатан зўравонлик холатлари (фоизда) [5]

Шунингдек, Covid-19 пандемияси даврида энг кўп зарар кўрган иқтисодий тармоқ норасмий сектор бўлиб, унинг асосий ишчилари бўлган аёлларнинг даромадларида кескин пасаш кузатилиди. Маълумотларга кўра пандемиянинг биринчи ойида бутун дунёдаги ишловчи норасмий ишчилар ўз даромадларининг ўртача 60 фоизини йўқотди: Иш ҳақи пастлиги ва оддий иш шароитларининг етишмаслиги, кассаланиш ва оиласвий таътил каби ишчиларни пуллик ҳимоя қилувчи соҳалар пандемияда энг кўп зарар кўрган секторлар ҳисобланади. 2019–2021 йилларда аёллар ўртасидаги қашшоқлик даражаси 2,7 фоизга пасайиши кутилаётган эди, аммо Covid-19 пандемияси сабабли бу кўрсаткич 9,1 фоизга ўсиши прогноз қилинди. Тадқиқотлар натижасига кўра, 2021 йилга келиб ўта қашшоқликда яшайдиган 25 ёшдан 34 ёшгacha бўлган ҳар 100 эркак учун ўта қашшоқ яшайдиган 118 аёл тўғри келади. 2030 йилга келиб бу фарқ 100 эркакка 121 аёлдан ошади [6].

Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда, 1400 га яқин аёллар республика ва вилоятлар, 43 мингдан ортиқ аёл туман ва шаҳар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда. Талабаларнинг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этиб, 2020 йилда 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қиз олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. 2020 йилда хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва манзилли ҳал этиш мақсадида “аёллар дафтари” жорий этилди. Ушбу дафтарга, 9 та мезон асосида 433 минг нафар хотин-қиз киритилган бўлиб, уларнинг 80 мингининг муаммолари ҳал этилган. 2021 йилда мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларни бандлигини таъминлаш мақсадида қўйидаги ишлар амалга ошириш кўзда тутилган: ўқув хонаси ва ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш учун тадбиркорларга 30 йилгacha муддатга имтиёзли ижарага бериш мақсадида Бандлик жамғармасидан 70 миллиард сўм ажратиш; 70 мингга яқин хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш учун Халқ банки орқали 2 триллион сўм кредитлар йўналтириш; эҳтиёжманд аёлларнинг даволаниши учун ҳар йили Хотин-қизлар жамғармасига қўшимча 30-50 миллиард сўм ажратиш; ёлғиз аёлларнинг фарзандларини мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш ва тўловларини қоплаш борасида енгилликлар бериш; вақтинча нотурар жойларда истиқомат қилаётган аёлларни уй билан таъминлаш учун ҳар бир худудга 10 миллиард сўмдан, отасидан айрилган муҳтоҷ қизлар учун 5 миллиард сўмдан маблағ ажратиш; хотин-қизларга турар жой ижараси компенсацияси учун 11 миллиард сўм ажратиш; аёлларга, шу жумладан, тазийикка учраган аёлларга малакали психологик ва ҳукуқий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш [7].

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда аёллар бандлигини таъминлашдаги энг катта муаммо бу – хотин - қизларни “уй қамоғида” сақлаш ҳисобланиб, уларни билим олиши, ишлашига тўсқинлик қилишдир. Пандемия оқибатида вужудга келувчи камбағалликни камайтириш борасидаги қилиниши керак бўлган ислоҳотлардан бири гендер тенгсизлигини камайтириш, аёллар бандлини таъминлаш, иш ўринларини кенгайтириш ва кредит дастурларини кўпайтириш ҳисобланади.



Фикримизча, мамлакатлар томонидан аёллар ўртасида камбағалликни қисқартириш учун қуидаги вазифаларни амалга оширилиши мақсадга мувофик; аёллар учун иқтисодий ёрдам пакетларини ва ортиб бораётган камбағалликка қарши курашиш чораларини жорий этиш; пандемиянинг иқтисодий таҳдидига ҳамда ёмонлашаётган меҳнат ва яшаш шароитига эътибор қаратиш; ижтимоий ҳимоя тизимларига барча аёллар ва қизларни қамраб оладиган узоқ муддатли сармоялар иқтисодий тикланиш ва келажакда барқарорлик гарови эканлигини унутмаслик лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Asian Development Bank. CAREC Gender Strategy 2030. Inclusion, Empowerment, and Resilience for All. January 2021. p.3– 40 p .
2. Мирзамаҳмудова М.О. Аёллар ўртасида камбағаллик даражаси ва уни бартараф этиш йўллари//Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar. 2020 й. № 7-8. б.75. –Б. 74-79.
3. Asian Development Bank. CAREC Gender Strategy 2030. Inclusion, Empowerment, and Resilience for All. January 2021. p.5– 40 p .
4. United Nations Development Programme. Human development report 2020. The next frontier Human development and the Anthropocene. USA 2020. p. 361-3645– 396 p.
5. United Nations Development Programme. Human development working paper. Gender inequality and the COVID-19 crisis: A Human Development perspective. 2020. p.9 – 18 p.
6. Мирзамаҳмудова М.О. Аёллар ўртасида камбағаллик даражаси ва уни бартараф этиш йўллари//Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar. 2020 й. № 7-8. б.76. –Б. 74-79.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2021 йил 26 февраль куни хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари мухокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишидан. <https://president.uz/uz/lists/view/4186>



ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Дурдона Мустафоева

ТИҚХММИ, “Профессионал таълим ва жисмоний маданият” кафедраси доценти, PhD.

Фируза Садикова

ТИҚХММИ, “Профессионал таълим ва жисмоний маданият” кафедраси тадқиқотчisi

Зиёда Асирова

ТИҚХММИ, “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” йўналиши 1-босқич магистранти

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда шу билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳаларида меҳнат қилаётган аёллар фаолияти, уларга берилаетган давлатимизнинг юксак фахрий унвонлари, орден ва медаллари, буюк аждодларимиз, миллатимиз тарихидан ўзбек аёли, ўзбек оналари нафақат ўз элими, балки дунё ҳамжамияти, умумбашарият тараққиётига ўзининг улкан хиссасини қўшган машҳур ўғлонлари билан фахрланиши, хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, улардаги салоҳиятнинг намоён этилиши учун жамиятда яратилган имкониятлар доирасини янада кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Хотин-қизлар, унвон, келажак авлод, аёл қалби, интеллектуал салоҳият, қонунчилик палатаси, аёл иқтидори, машҳур ўғлонлар, мукофат, шоир ва олимлар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ АКТИВНОСТЕЙ ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. В статье говорится, что работа женщин в различных секторах и отраслях, а также деятельность женщин в области сельского хозяйства, их почетные звания, ордена и медали, великие предки, история нашей нации, узбекские матери, не только наша собственная, но и мировое сообщество, слава их знаменитых сыновей, повышение статуса женщин, повышение их интеллектуального потенциала и создание их потенциала в обществе вопросы дальнейшего расширения спектра возможностей.

Ключевые слова: женщины, будущее поколение, женские сердца, интеллектуальный потенциал, законодательная палата, женские таланты, награды, поэты и учёные.

FACTORS OF IMPROVEMENT OF SOCIO-POLITICAL ACTIVITY OF WOMEN AND GIRLS IN UZBEKISTAN

Annotation. In the article, the activity of women working in different spheres and sectors of our country, as well as in the fields of Agriculture, the high honorary titles of our state, orders and medals, our great ancestors, Uzbek women from the history of our nation, Uzbek mothers are not only our own ambassadors, perhaps, the issues of awarding women with their outstanding sons who have made a huge contribution to the development of the world community, the development of the world community, the promotion of their potential, the further expansion of the scope of opportunities created in the Society for the manifestation of their potential have come to a standstill.

Keywords: women, rank, future generation, female heart ,ualual potential, legislative palatasi, femaleididori, famous sons, award, poets and scholars

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 8 март Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлиланган учрашувдаги нутқида Ўзбекистон деб аталган жонажон Ватанимизда ҳар қайси мард йигит аввало меҳрибон онаси, оиласи, фарзандлари



бахтили бўлишини албатта истайди, Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу йўлда ўзининг бутун борлигини бағишилашга тайёр туради.

Хозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутати бўлиб, 1 минг 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда.

Ўнлаб опа-сингилларимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Ўзбекистон фан арбоби”, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Ўзбекистон халқ артисти” сингари давлатимизнинг юксак фаҳрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъоди билан Ватанимиз равнақига астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган “Мўътабар аёл” кўкрак нишони тассис этилди.

2018 йил 2 февралда ПФ-5325 “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” Президент Фармони эълон қилинди. Бунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳукуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса таълим муассасаларида раҳбар аёлларнинг ўкув жараёни самарадорлигини ошириш соҳасидаги олиб бораётган ишлари тақсинга сазовордир. Бугунги кунда ҳар қандай жамиятнинг асосий «кўзгуси» – хотин-қизлар эканлиги шубҳасизdir. Негаки, жамиятнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар, ўша жамият аҳолиси турмушининг фаровонлик даражаси, оиласалар барқарорлиги, келажак авлод – фарзандлар тарбияси, иқтидори, жамиятдаги интеллектуал салоҳият, маънавият ва маданият, маърифат, кўйингки, барча жабхаларда эришилган ютуқлар шу жамият тараққиётига хотин-қизларнинг қўшадиган ҳиссаси ва ўша жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади. Халқимиз орасида «Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратади», деган нақл бежиз вужудга келмаган. Буюк аждодларимиз, миллатимиз тарихидан маълумки, ўзбек аёли, ўзбек оналари нафақат ўз элемиз, балки дунё ҳамжамияти, умумбашарият тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган машҳур ўғлонлари – жасур, ботир Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби саркардалари, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, ҳазрат Хўжа Аҳрор Вали каби азизу-авлиёлари, жаҳонни турли жабхаларда лол қолдирган олимлари – Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Имом Ал Бухорий, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Мирзо Улуғбек, адиллари – Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Умар Ҳайём, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек кабилар билан машҳурдирлар. Мағрур, жасур ва доно Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим, Увайсийлар номлари нафақат биз учун, балки илғор фикрли дунё аҳли учун ҳам илиқ ва улуғ эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган хотин-қизларнинг ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллаши, ўзларидағи салоҳиятни намоён этишлари ва жамиятда амалга оширилаётган маънавий-маърифий, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ислоҳотларда уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш мақсадида илк мустақиллик йилларидан бошлаб, давлатимиз томонидан имкониятлар яратишда, аввало, уларнинг оналик ва оиласадаги бош тарбиячилик вазифаларига асосий эътибор қаратилмоқда. Чунки, бу иккала ўта муҳим вазифани бажаришда аёлнинг жамиятдаги мавқеи, нуфузи, ижтимоий-иктисодий



жиҳатдан таъминланганлиги, маънавий-маърифий жиҳатдан етуклиги, сиёсий онги, ижтимоий тафаккури, хуқуқий маданияти ва саводхонлиги бекиёс аҳамиятга моликдир.

Хотин-қизлар мавқенини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, улардаги салоҳиятнинг намоён этилиши учун жамиятда яратилган имкониятлар доирасини янада кенгайтириш – ўз-ўзидан оиласаларнинг мустаҳкамланишига, жамият тараққиёти ривожига, қолаверса, ҳалқаро миқёсда ҳам мамлакатимиз нуфузининг янада юксалишига, фарзандлар тарбиясининг яхшиланишига, хотин-қизлардан аксариятининг нафақат ўз оиласари учун, балки жамият тараққиёти учун, жамият ривожи учун фидойиларча меҳнат қилишларининг фаоллашувига, хуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида аёллар иштирокининг бундан-да кўпайишига кўмаклашиши муқаррар. Аёл қадрини қанчалик юқорига кўтаришга мусассар бўлсак, миллий ғуруrimiz, маънавият ва маданиятимиз янада юксалиши, оиласаримиз барқарорлиги таъминланиши, ҳалол ва пок, фидойи, ватанпарвар, жамиятга фойда келтирувчи, миллатимизни бутун жаҳонда кўз-кўз қилтирувчи фарзандларимиз сони кундан кунга кўпая бориши табиий ҳолдир. Зоро, ҳар томонлама фаол ва оқила, доно, изланувчан, замонавий аёл меҳнатидан, салоҳиятидан нафақат унинг оиласи, балки бутун жамият манфаатдор бўлиши чин ҳақиқатдир ва биз қураётган жамиятнинг оғир юкини дадил кўтариб, унинг пойдеворини мустаҳкамлаб турадиган асосий куч – жамиятимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро, шу жумладан, хотин-қизлар эканлигини унутмаслигимиз керак.

Асосий қисм. Мамлакатимизда аёлларнинг ўз иқтидорларини намоён қилиш қобилиятига яраша ишлаши учун барчашароитлар яратилган. Ана шу имкониятлардан фойдаланиш даражаси эса унга боғлиқ. Агар аёл ўзини нафақат аёл, балки инсон сифатида жамиятдаги ўрнини англаса, унга табиат ато этган қобилиятни тўғри йўналтира олса, фақат оила қуришни эмас, балки ҳалол меҳнати билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши лозимлигини ҳаётининг мақсади деб билса, бу аёл албатта ўз ҳаётидан қаноатлана олади. Агарки фақат оиласи ҳаётининг асосий мақсади қилса, пировард натижада намоён қилинмаган қобилият, фойдаланилмаган имконият, эришилмаган ютуқлар у учун армон бўлади ва қалбida барча нарсага эриша олган аёлларга нисбатан ҳасад туйғуси шаклланади, бу унинг ғазабнок бўлишига олиб келади. Шуниси қувонарлики, сўнгги йигирма йилда ўз мақсадини аниқ билган, оила бекаси, фарзандларининг онаси бўлиш билан бир қаторда, жамият тараққиётининг турли соҳаларида касби орқали камолотга эришаётган аёлларнинг сони кўпайиб бормоқда. Юртимизда барча учун «Тенг имконият ва тенг хуқуқлар белгиланган», шу боис маош олиш, ишга кириш, у ёки бу соҳада муайян ютуқларга эришиш ҳоҳ эркак ёки аёл бўлсин, бу исоннинг мақсадли фаолиятига боғлиқ.

Аёлнинг ҳар қандай ишга масъулияти икки ҳисса кучли. Қаерда бўлмасин, таълим тизимими, соғлиқни сақлаш, транспорт соҳасими ва бошқа бўлишидан қатъий назар аёл ўз вазифасини ортиғи билан бажара олади. Бироқ баъзи соҳаларда, тўғрироғи аёлларни раҳбар лавозимига тайинлашда уларга нисбатан ишончсизлик устиворлик қилади. Масалан Ўзбекистонда 70 дан ортиқ Олий ўкув юрти бор, бироқ уларнинг бирортасини аёл бошкараётгани йўқ. Лекин раҳбар ўринбосарлик вазифасида бир қанча аёлларимиз: профессорлар: Г.Боқиева, Б.Абдуллаева, Г.Рихсиева ва бошқалар фаол, наъмунали раҳбар бўлиб ишлаб келмоқдалар, 90 йилларда эса профессор Ҳалима Алимова Тошкент текстил ва енгил саноат институти ректори лавозимида ишлаган ва айнан шу институт Ўзбекистон республикаси тест маркази томонидан ўтказилган аттестация ва аккредитациядан энг юқори балл билан биринчи ўринни эгаллаган. Опанинг бошқа ишга ўтганлигига анча йиллар бўлсада институтда ҳалигача улар ўрнатган темир тартибга риоя қилиниб келинмоқда. Нима учун?, шунинг учунки раҳбар аёл ўз жамоасини оиласи сифатида қабул қилади, хўжаликдаги ютуқ ва камчиликларни сархисоб қилиб, ҳар қандай муаммони ҳал қилишнинг энг осон, беозор йўлини танлайди. Шу боис аёлларимизга раҳбар лавозимлари ишониб топширилса, улар орасида Ўзбекистоннинг бирор давлатдачи Мухтор элчиси, вазир, вазир ўринбосари ва ҳаказо кабиларни аёлларимиз ҳеч иккilanмай эплаган бўлар эди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки аёлнинг шахс сифатида камолотга эришувида эркакнинг ўрни жуда ҳам салмоқли.



Чунки фақат эр қўлласагина аёл ўз мақсадига эркин эриша олади, фақат эр қўлласа аёл жамиятда ўз ўрнини топади, фақат эр тушунсагина оиласда ўзаро ишонч, садоқат ва хурмат бўлади, фақат эрнинг мададини хис қилсагина аёл чинакам баҳтли бўлади ва қалби ором топади. Бир замонлар аёлларга заифа, ожиза дейишган. Бу сўзлар ҳозир ҳам онда-сонда учраб туради. Бизнингча, ҳеч бир даврда аёл ожиза бўлган эмас ва ҳозир бундай эмас. Чунки фақат аёл Аллоҳ унга ато этган тўлғоқ азобини сабр тоқати, кучи, бардоши билан енга олади, тўлғоқ азобининг нималигини эса фақат аёл билади. Аёл ҳар қандай мусибатни кўтариши, ҳар қандай жисмоний оғир ишни бажариши мумкин. Фақат аёл ишдан қайтиб, чарчоқни ҳам сезмасдан овқат пишириши, кир ювиши, болага қараши, меҳмон қутиши, меҳмонга бориши, турмуш ўртоғининг кўнглини олиши ва бу ишларни кундалик юмуш сифатида бажариши мумкин. Бугунги кунда аёл ва эркакнинг тенг хукуклиги ҳақида кўп фикрлар илгари сурилмоқда. Энг аввало ҳар иккаловининг масъулияти, ўзининг оила оладидаги бурчини тўлиқ хис қилиши, ўзаро хурмати, оиласидаги муаммоларнинг ечимини бафурча биргалашиб ҳал қила олиши, эркакнинг ўзини аёлидан юқори қўймаслиги, беписанд бўлмаслиги, шунингдек аёлнинг ҳам эрига нисбатан айнан шундай муносабати, оила бюджетини талон тарож қилмаслиги кабилардир. Агар аёл тенг хукуклиман деб, оналик масъулиятини унутса, ўзини фақат ишга бағишиласа-ю, уйда саранжом-саришталик бўлмаса, бундай «тенглик» ҳеч кимга татимайди. Агарки эр кўча хандон уй зиндан бўлса, аёлининг бошини таънаю дашномлардан аритмаса бундай оиласдан барака кетади. Шу боис «тенг хукуклилик»да муроса-ю мадора, ўзаро ҳамкорликка риоя қилиш мухим. Агар биз менталитетимизга фарзандларимизга муносабатни уларнинг ёшига, жисмоний ўсишига эмас, балки, кўнглига мос slab борсак фойдадан ҳоли бўлмайди. Бугунги эркаклар учун аёлларнинг қадри ошмоқда. Дунёнинг қайси мамлакатида бўлмасин эркак учун аёл энг аввало иффати, назокати, ҳаё- ибоси, меҳри-вафоси, садоқати билан қадрли. Нима учун?, чунки шиддат билан ўтаётган умрнинг ҳар бир куни сарқаш дарё тошқинлари каби муаммоларга тўлиб-тошиб ётибди. Кун бўйи ишдаги ташвишлардан чарчаб уйга келган эркак албатта аёлидан эътибор, меҳр кутади. Агар аёл шу эътибор ва меҳрни бера олса эркак қаерда бўлмасин уйига ошиқади, аёлига ташна бўлиб яшайди ва бу ташналик уни ҳеч қачон тарк этмайди. Европадаги тадқиқотларга кўра овқат пишириш, кир ювиш, тикиш бичиши биладиган аёллар сони камайиб бормоқда экан.

Хуроса қилиб шуни ҳам таъкидлаш лозимки, илгари аёллар фақат оила ишлари билан машғул бўлишган. XXI аср аёлларининг эса фарзанд тарбияси, оиласига садоқатидан ташқари бошқа қадриятлари ҳам шаклланди. Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши, эгаллаган касби орқали жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш истагидир, бу ижобий ҳол. Ундан ташқари такомиллашган майший хизмат кўрсатиш технологиялари муайян даражада қўл меҳнатини осонлаштириди. Бугунги ўзбек аёли ким: бошқарувчими ё буйсунувчи, эргашувчими ё эргаштирувчи? Замонавий ўзбек аёли портретига қандай чизғилар билан бойитиш мумкин? Аёл барча даврларда энг аввало «Она»дир, кейин эса у бошқарувчи ва буйсунувчи, эргаштирувчи ва эргашувчи ҳамдир. Оналик бу табиат қонуни ва уни бузишга ҳаракат қилганлар адашганлар тоифасига киради. Ижтимоий фаолияти эса унинг иқтидори, қобилияти, ташаббускорлиги билан белгиланади. Ҳеч бир даврда аёллар фақат бошлиқ бўлиши ёки фақат эргашиши лозим деб ҳисобланмаган. Аксинча ҳозирги кунда аёлларга муносабат ижобий томонга ўзгариб, уларнинг она бўлиши билан бир қаторда потенциал қобилияtlаридан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.” Ўзбекистон “ 1992й
2. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.”Шарқ” 1997 й.
3. Ш.Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5325-сонли Фармони. Т.2018 йил 2 феврал.



4. Ш.Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни ва оилани кўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Ги 201-сонли Қарори. 2018 йил 13 март. Инсон хукуклари Умумжакон декларацияси. Т., 19.98 й.

5. Аёл хукуклари. Аёллар ва сайловлар. Аёллар ва нодавлат ташкилотлар. “Аслларни фукаройи ва хуқуқий ўқитиш дастури”. Т., 1999 й

6. Туйчиева С. Ўзбекистон Республикаси да бозор мупосабатларига ўтиш шароитида шахс ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий маданиятнинг роли. Автореферат. Т.. 2004 й.



ОИЛАДА ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ВА АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАСАЛАЛАР

Дилдора Мухитдинова
London School of Business and Finance

*Бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас,
балки мамлакатда амалга оширилаётган
ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор
иштирокчиси ҳам бўлиши керак.
Мирзиёев Ш. М.*

*Аёлни йиглатманг! Зоро, Аллоҳ унинг
кўз ёшлиарини санагувчидир.
Нисо сураси.*

*Аёл - муқаддас.
Александр Дюма.*

Аннотация. Мақолада оиласда тазиик ва зўравонликни олдини олиш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш йўллари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Калит сўзлар: инсон хуқуqlари, аёллар дискриминацияси, гендер тенглик тамойиллари, хуқуқий саводхонлик, хуқуқий онг ва хуқуқий маданият, Давлат Конституцияси Қонунлари.

Аннотация. Избавление от насилие и оскорблений в семье, обеспечение гендерного равенства и вопросы направленные на улучшение социальных условий женщин.

Ключевые слова: защита прав человека, дискриминация женщин, принципы гендерного аспекта, юридическая грамотность, правовое сознание и правовую культуру, Государственный конституционный закон.

Annotation: Getting rid of violence and abuse in the family, ensuring gender equality and issues to improve the social conditions of women.

Key words: protection of human rights, discrimination against women, gender principles, legal literacy, legal consciousness and legal culture, State Constitutional law.

Социал адолатга суюнган ва инсон хуқуқларини ҳурмат қилаб илган жамият албатта туркираб, обод бўлади. Зоро, айнан ана шундай ёндашув ҳар қандай демократик жамиятнинг асосини ташкил этади. Бугун, дунё ҳамжамияти ўз олдига фуқароларнинг хуқуқлари паймол этилмайдиган, ҳар қандай дискриминациядан озод бўлган, гендер тенглик тамойиллари барқарорлаштирилган давлат тизимиға эга бўлиш вазифасини кўндаланг қўйган. Ер юзидаги одамларнинг, тенгизлиги, турли тазиик ва зўравонликларнинг ҳукм суриши, асосан, аёлларнинг дискриминацияси жамиятнинг илгарилашига зарар етказадиган катта тўсиқлардан биридир. Бугунги кунда оиласда тазиик ва зўравонликни олдини олиш, гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитини яхшилаш, аёллар дискриминациясини йўқотиши мақсадида тинимсиз кураш олиб борилмоқда. Айнан шу йўналишда турли дастурлар ишлаб чиқилиб, уларни хаётга тадбиқ этиш ишлари жадал илгари сурйилмоқда.

Маълумки, аёллар хуқуқлариниг топталиши, уларнинг таҳқирланиши, хўрланиши турли шароитларда турли қўринишларда намоён бўлади. Булар - оиласда, иш жойида, жамоатчилик орасида, турли мамлакатларда, турли ўзига хос қўринишларда бўлади. Сабаб ва оқибатлар қандай йўсинда, қайси мамлакат ва худудда бўйлмасин, айнан аёллар



дискриминацияси тенгсизликнинг бутун дунёда энг кўп тарқалган кўринишидир. Дунё бўйича содир этиладиган хукуқбузарликларнинг статистик маълумотлари ҳам юқоридаги қайдни тасдиқлайди. Бу статистик маълумотларга кўра аёллар орасида саводсизлик, камбағаллик, ишга яроқсизлик, ўзини моддий жиҳатдан таъминлай олмаслик, ногиронлик, балоғат ёшига етмасдан оила қуриш эркакларга нисбатан анча кўп. Дунё бўйича аёлларга нисбатан жиноят содир этиш анча юқори.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчилик бўйича шуғулланувчи бошқармаси тақдим этган маълумотларга кўра дунё бўйлаб бир кунда 137 нафар аёл ўз яқини ва қариндошлари қўлида ҳалок бўлади. 2017 йил маълумотларига кўра ўлдирилган 87 минг нафар аёлнинг ярмидан кўпроғи ўзининг яқин инсонлари қўлида қурбон бўлганлар. Улардан 30 минг нафари севгилиси ёки бирга яшайдиган эркак тамонидан ҳалок этилган. Шунингдек, 20 минг аёлни қариндошлари ўлдириган. Оиладаги жиноятларнинг 80 фоизидан ортиқ қисмида, асосан, аёллар қурбонга айланиши хавотирни кучайтиради.

Шуни таъкидлаш муҳимки, юқоридаги қайдлар матбуот юзини кўрган, хатга тушган хабарлар бўйича ҳисобга олинган рақамлардир. Аслида бир кунда ёки бир йилда қанча аёл ҳалок бўлишини аниқлашнинг деярли имкони йўқ. Аниқланган қотиллик ҳолатларининг аксарият қисми расман тасдиқланмаган ёки сабаблар ва жиноятчилар аниқланмаган. Аксарият ҳолларда баъзи жиноятлар ҳақида тегишли ташкилотларга хабар берилмайди.

Ўзбекистон давлати дунё ҳамжамиятининг бир бўлاغи сифатида аёллар дискриминациясини йўқотиш, тазиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш борасида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Ўзбекистон давлати гендер тенглик тамойилларини жорий этишнинг назарий ва амалий жиҳатларини чукур таҳлил қиласи. Гендер тенглик тамойиллари жамиятнинг барча соҳалари ва барча одамлари ҳаётини қамраб олар экан, аёллар тақдирига бўлган эътибор ҳамиша биринчи ўринда туради. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб хотин-қизларга эркаклар билан тенг хукуқлар берилиши борасида қатор тадбирларни амалга ошириди. БМТ нинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишлиарнинг барча шакларини йўқ қилиш ҳақида” ги конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналиқни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги, “Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлиар тўғрисида” ги конвенцияларига қўшилиши ана шулар жумласидандир. Бундан мақсад – Ўзбекистон хотин-қизлари хукуқларининг камситилишига барҳам беришдан иборат. Ўзбекистонда хотин-қизларни эъзозлаш, жамиятдаги ролини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Бунинг исботи сифатида 2019 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ги, “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан химоя қилиш тўғрисида” ги қонунларни эслашимиз кифоя. Бу ҳаракатларнинг барчаси Ўзбекистонда аёллар дискриминациясининг мавжуд илдизларини таг-томири билан суғириб ташлашга қаратилган. Аёллар дискриминациясининг кўринишларини, тарихи, келиб чиқиши ва давомийлигининг сабаблари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари гендер тенглик тамойилларини изчиллик билан жорий этилишни тақазо қиласи.

Аёлларнинг хукуқлари Давлат Конституцияси Қонунлари томонидан қонунийлаштирилган давлатда қандай қилиб аёллар дискриминацияси пайдо бўлиши мумкин, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб топиш учун энг аввал ўтмишга мурожаат қилишимиз масалани қисман ёритиш имконини беради. Қадимдан маълумки, Ўрта Осиё ерларида турли-туман миллатлар, элатлар, қабилалар ўтроқ ва кўчманчи сифатида умргузаронлик қилганлар. Ўша даврларда ҳам эркаклар билан аёллар орасида тенгсизлик тафовутлари мавжуд бўлган. Маҳаллий ҳокимият бошқаруви, қабила ва улус оксоқоллиги, ҳарбий қўмондликлар, молмулка жавобгар кимсалар албатта эркаклар бўлган. Эркаклар овқат топиб келиш, ҳарбий юришларда иштирок этиш, мол-мулкни тақсимлаш, ўз худудини қўриқлаш ва шу каби юмушлар билан шуғулланганлар. Аёллар эса зурриёд дунёга келтириш, бола тарбияси билан шуғулланиш, уй-рўзғор ишларини бажариш каби юмушларни бажарганлар. Ўша даврлардан аёлларга ожизадек қараш, уларга фақат оиласга хизмат қилувчи итоаткор одамга қарагандек



муносабатда бўлиш иккинчи жинс аъзолари учун одатий ҳолга айланган. Бу нарса уларда ўз аёли устидан ҳукмронликни қўлга олиш, камситиш, тазиик ўтказиш, ҳатто ҳаётини ўзи истаганча ҳал қилишга изн берган. Ўз навбатида аёллар ҳам давр шароити ва давр рухиятидан келиб чиқиб, ўзларини ожиза, кучсиз ҳисоблаганлар, эркакларни хўжайин деб билганлар. Эркакларнинг ҳар бир қарашларини, фикрларини ўзларига нисбатан қатъий жорий қилинган қонун сифатида қабул қилганлар. Асрлар мобайнида аёлга ожизадек қараш сарқити XXI асрга келиб ҳам ўз моҳиятини тўла йўқотмай, маълум кўринишларда сақланиб келмоқда. Бу ҳолат чекка вилоятларнинг чекка қишлоқларида айниқса кучли. Айрим кимсалар аёлларни иккинчи даражали одам сирасига киритадилар. Улар устидан ўз билганларича ҳукм чиқарадилар. Бу нарса қизларнинг таълим олишлари, уларни эрта узатиш ҳолларида яққол кўринади. Ўз ота-онаси, яқинлари таъкики сабабли ўрта ва олий таълим муассасаларида ўз билимини ошира олмаган хотин-қизлар ҳаётда ўз ҳукуқларини, ўз фарзандларининг ҳукуқларини ҳимоя қила оладиган даражадаги шахс бўлиб етишиш имкониятидан айриладилар. Балоғат ёшига етмаган, ўзини ўзи ҳимоя қила олмайдиган, ўз ҳукуқларини билмайдиган қизларнинг эрта оила қуриши ва жоҳил эрлар томонидан таҳқирланиши ҳам маънан, ҳам жисмонан мажруҳликка олиб келади. Олис қишлоқларда эскича урф-одатлар сарқитларининг сақланиб келаётганига маҳаллий аҳолининг ўз қобиғига ўралиб олиши, янгича онг ва янгича фикрлашни ўзида мужассамлаштиришга ҳаракат қилмаслиги, саводсизлик ва эскича қарашлар ботқоғига ботиб қолиши, дунёвий билимлар, янгиликлар, фан-техника ютуқлари ва бу ютуқларнинг инсоният учун очган имкониятларидан бехабарлик, гумроҳлик сабаб бўлади. Бошқа бир сабаб ушбу ҳудудлардаги маҳалла комитетларининг, аёллар ва болалар билан ишловчи ташкилотларнинг сусткашлиги, ўз ишига масъулиятызлиги, тарғибот-ташвиқот ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги билан боғлиқ. Барчага ўрнак бўлиш, одамларга тўғри йўл кўрсатиш, муаммоларни ҳал этиш, маҳаллийчилик ва урф-одат бидъатларидан қутулиб, ўз вазифасини сидқидилдан бажариш кучли билим, юқори савия, кенг фикрлилик ва ўз ишига садоқатлиликни талаб этади. Шу нуқтаи назардан давлтимиз жойларда хотин-қизлар билан ишловчи мутасадди ташкилотлар масъулиятин янада ошириш вазифасини юклайди.

Аёлларнинг камситилиши, таҳқирланиши аксарият ҳолларда ўз яқинлари, оила аъзолари томонидан етказилиши бу масалага ниҳоятда жиддий ёндошиш талабини қўяди. Ўз оиласи аъзолари, яқинлари томонидан таҳқирланган хотин-қизлар ота-онаси, ака-укаси, эри, қайнона-қайнотаси томонидан ҳукуқлари топталганини овоза қилиш, бу ҳақда тегишли ташкилотларга арз қилиш кабилардан ор қилади. Ўз навбатида аёлнинг таҳқирланаётганини кўриб-билиб турган қўни-қўшнилар, маҳалла-кўй оила ичидаги муаммоларга аралашмасликка ҳаракат қиладилар. Шундай вазиятлар бўлади-ки, нотинч оила ҳақида хабар беришга журъат этган қўни-қўшнилар ёки таҳқирланган аёлнинг ўзи қаттиқ тазиик остига олинади. Бундай тазиикдан қўрқиб тегишли ташкилотларга топширилган аризалар қайтариб олинади. Маҳаллий аҳоли ҳудудларида иш фаолиятини олиб бораётган “Фуқаролар йигини” ҳодимлари, маҳалла тинчлигини сақлаш бўйича милиция ҳодимлари аксарият ҳолларда аризанинг нима сабабдан қайтариб олингани сабабини билишга қизиқмайдилар. Қайтариб олингтан ариза бўйича иш ёпилиб, муаммога барҳам берилади, гўё. Бироқ, муаммонинг фожеаси айнан ана шу ердан бошланади. Қилинган жиноят жазосиз қолгани сабабли ҳимоясиз аёлни таҳқирлаш янада кучаяди. Бу эса оғир вазият, баъзи ҳолларда ҳатто қотиллик содир этилишига олиб келади.

Эркак кишининг ўзини оиланинг якка ҳукмдори ҳисоблашига, хотини ва болалари тақдирини қандай ҳоҳласа шундай ҳал қилишига нафақат Ўрта Осиё давлатларида, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида оддий ҳолдек қараб келинган. Бу ҳол Африка, Ҳиндистон, Афғонистон мамлакатларида айниқса кучли. Кўп ҳолларда тенгсизликнинг бу кўринишини миллий анъана билан боғлаш орқали оқлашга ҳаракат қилинган. Сунъий равищда миллий анъана никоби кийдирилган зўравонликнинг оқибатлари эса жазосиз қолиб кетаверган. Жамият салоҳиятига пурт этказмаслик мақсадида оила ичидаги жиноятлар яширилган, оила-мустаҳкам кўргон сифатида тараннум этилган.



Кейинги пайтларда оммовий ахборот воситалари оиласдаги фожеавий воқеаларга катта эътибор қаратди. Бунинг натижасида оиласдаги зўравонликлар кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилина бошлади. Ўз қисматини ошкор қилишдан уялган аёллар секин-аста оиласдаги зўравонлик ҳақида гапира бошладилар. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик муаммолари билан иш олиб борадиган жамоатчилик ташкилотлари ташкил этила бошлади.

Оиласдаги зўравонлик жабрдийдалари асосан, хотин-қизлар ва болалардан иборат экани бу муаммони бартараф этиш нақадар тезкор зарурат эканини таъкидлайди. Мутахассислар оиласдаги зўравонликни турларга бўлиб изоҳлайдилар: ҳиссий зўравонлик, иқтисодий зўравонлик, шаҳвоний зўравонлик, жисмоний зўравонлик.

Бугунги кунда уйдаги зўравонликка - бу жиноят эмас, шунчаки жанжал, оила иши, деб қараш нотўғри талқин эканлиги юз фоиз исботланди. Зўравонлик шунчаки оиласдаги иш деб қаралган чоғда ҳеч қандай жиноятга кирмайди. Демак, жиноят йўқ жойда жазо ҳам бўлмайди. Оиласдаги зўравонлик эса жиноятдир. Оиласдаги жиноят жазоланадиган жиноятдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсоннинг қадр-қиймати даҳлсизлигини, ҳар ким ўз шаъни ва қадр-қийматини ҳимоя қила олиш ҳуқуқини белгилаб қўйган. Жиноят кодекси моддаларига мувофиқ, майший зўравонликда айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка, улар ҳатти-ҳаракатида жиноий ҳуқуқбузарлик бўлганида жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 52-моддасида кўзда тутилган хотин-қизлар ва болаларга нисбатан тан жароҳати етказишга доир статистика маълумотларига кўра, 2019 йил давомида республика ҳуқуқбузарликнинг ушбу тури бўйича умуман 38.533 шахсга нисбатан 27.817 та иш кўриб чиқилган. Улардан жабрдийда бўлганларнинг 1.114 таси вояга етмаган болалар, 13.498 таси хотин-қизлар, 4.411 таси эрхотин келишмовчилигидаги хотин-қизлар. Умумий соннинг 16.822 таси огохлантириш билан чекланган. Шуни таъкидлаш керакки, ҳуқуқбузарлик ишларининг тўхталишига томонларнинг келишуви сабаб бўлган.

Оиласдаги зўравонлик аёлларга нисбатан жамиятдаги турли дискриминациянинг бошланғич шаклидир. Шу нуқтаи назардан аёллар дискриминациясининг ушбу кўринишини қўшни давлатларда яшовчи хотин-қизларга нисбатан қўлланилган ҳолатлар билан солишиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва бартараф этиш йўллари борасида тажриба алмашиш, биргаликда мос ва хос чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳудудларда рейдлар уюштириш мақсадга мувофиқ. Бироқ, аёллар дискриминациясининг оиласдаги зўравонлик кўринишини шундай муаммоқи, бу муаммони оила аъзоларининг иштирокисиз ҳал этиш мушкул. Бу борада ҳам эркаклар, ҳам аёллар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият шаклларини намоён қилиш жуда муҳим.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувидаги ролини кучайтириш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини ошириш, ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида самарали меҳнат қилишларига шароит яратиш жамиятимизнинг олий мақсадидир.

Бугун бутун дунё ҳамжамияти инсон ҳуқуqlари ҳақида қайғуар экан, бир нарсани эсдан чиқармаслигимиз лозим. Эркак ва аёл ҳуқуқлари ҳақида гап кетганида уларнинг айнан қайси жиҳат ва соҳаларда тенг ҳуқуқли эканликларини англаш ва фарқлаш жуда муҳим. Аёл киши билан эркак киши биологик ҳамда психологияк жиҳатдан бир-бираидан фарқ қиласди. Шу нуқтаи назардан айнан эркак киши ҳилқати ва жисмига хослик аёл киши ҳилқати ва жисмига ёт ва бегона бўлиши инкор этиб бўлмайдиган фактдир. Бу фарқларни ҳисобга олиш уларнинг жамиятдаги ўрнини тўғри белгилаш, бурч ва мажбуриятларни тўғри қўйиш, аёл ва эркак ҳуқуқларини шу мезонлар асосида тўғри белгилаш имконини беради. Аёлларга бериладиган ҳуқуқлар аёлларнинг ўзига хослигига қараб, эркакларга бериладиган ҳуқуқлар эркакларнинг ўзига хослигига қараб қонун томонидан белгилаб берилиши мақсаддага мувофиқдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон аёлларининг ўз иқтидорларини намоён қилиши, қобилиятига яраша фаолият кўрсатиши, ўзининг илм-заковатига мувофиқ даражаларга эришиши, жамиятда ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд. У



эркин фикрлашга, руҳан ва жисман озод яшашга, баҳтли бўлишга шак-шубҳасиз тўла ҳақлидир. Жамият эса аёллардан ҳар қандай шароит ва вазият ўзининг АЁЛ эканлигини унутмаслигини кутиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқук ҳамда имкониятлар кафолатлари” тўғрисидаги қарори. ЎРҚ-562-СОН.02.09.2019.
2. Насилие над женами в современных российских семьях. Горшкова И.Д., Шурыгина И.И. М.:МАКС Пресс, 2003.
3. Мужчины и женщины в сфере домашнего труда...// Гендерное равенство: поиски решения старых проблем. Мезенцева Е.Б. МОТ, М.: 2000
4. Ёшлилар ва конфликтлар: Конфликтлар ечимиини ўрганиш. Туйчиева Г.У. Тошкент. 2008й.



ЎСМИРЛАРДА ЖИНСИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ОТА-ОНАНИНГ ГЕНДЕР МАҚОМИ

Одина Отажонова

К.Беҳзод номидаги Миллый
рассомлик ва дизайн институти
доценти, психология фанлари номзоди

Аннотация. Ушбу мақолада оиласда ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари таъсирида тарбияланаётган қиз боланинг аввало онасининг отасига муносабатига эътибор қаратишини, онанинг оиласда бажараётган гендер ролига қараб ўзини келажакда айнан аёллик ва оналик ролига тайёрлаб бориши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: жинсий идентификация, гендер роли, оиласда ўзаро муносабатлари, гендер стереотиплар ота-она, қиз бола, ўғил бола, авлод, лидерлик мақомлари, ижтимоий установкалар.

Аннотация. В данной статье обсуждается влияние внутрисемейных отношений между родителями на формирование и воспитание дочери в семье, а также гендерная роль матери, которая в свою очередь является неотъемлемой частью этого процесса.

Ключевые слова: половая идентификация, гендерная роль, внутрисемейных отношений, гендерные стереотипы, родители, дочь, сын, поколение, лидерства, социальные установки

Annotation. Influence of intra-family relations between parents to the forming and up-bringing of a female child, as well as, gender role of a mother that in its turn is an integral part of these processes are discussed in this article.

Keyword: gender identification, gender role, intra-family relationships, gender stereotypes, parents, daughter, a son, generation, leadership, social installations.

Мамлакат мустақиллигининг тарих олдида қисқа бўлган даврида оила, оналиқ ва болалик масалалари давлатимиз олиб бораётган устивор йўналишлар билан уйғун тарзда ечимини топа бошлади. Чунки фуқаролик жамияти ва ундаги оиласларда рўй берадиган ҳар қандай ўзгаришлар бир-бирига ўзаро боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан қаралганда, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда оиласининг, ота-оналарнинг, жумладан, хотин-қизларнинг ўрни бекиёсдир.

Она Ватанимиз ер юзидаги энг кучли ва қудратли бўлмоғи учун, шу замин фарзандлари жисмонан соғлом, ақлан етук ва баркамол бўлишлари шарт. Бу муҳим шартни адо этиш учун, энг аввало бола камол топаётган оила деб аталмиш муққадас даргоҳда, унга яқин инсонларнинг ўзаро муносабатлари самимият хукмрон бўлиши, яъни, оиласининг маънавий муҳити соғлом ва унда яшовчи инсонлар яхши хулқ эгалари бўлишлари айниқса муҳимдир.

Зеро, доно халқимизда “Куш уясида кўрганини қиласи” деган нақл бежис айтилмаган. Бу нақлнинг замирида кўп ҳикмат бор, яъни бола оиласда тарбия топаркан, ота-онадаги хулқ-атворни, муомала маромларини қандай бўлса, шундайлигича қабул қиласи ва ўз ҳатти-ҳаракатларида ҳам шу сифатларни намоён қила бошлайди.

Шу ўринда, оиласий муносабатларда аёлнинг ўрнини тарғиб қилган олималардан бири Охунд Лутфуллоҳ Сулаймон қизи Олимат ул Банотнинг “Муошарат одоби” рисоласидаги ушбу фикрларни келтириш жоиздир: “Оиласининг баҳту саодати ҳам хотунларнинг ақлли-ю илмли бўлмоқларига боғланмишдир. Хотунлар яхши тарбияли болаларни етиштирадилар. Уларнинг тарбиялари орқали дунёда улуғ зотлар етишиб чиқиши муқаррардир. Агар хотун ўқиган бўлса, ўзининг ким эканлигини, вазифаси нимадан иборат эканлигини шак-шубҳасиз билади. Болаларини эса гўзал тарбия қиласи, эри билан яхши муомалада бўлади ва ниҳоят, Аллоҳ Таолонинг амрига мувофиқ ҳаёт кечиради. Ва шу сабабли ўзи ҳам. эри ҳам, болалари ҳам дунё ва охиратда масрур бўлади”



Шунингдек, оила масалалари бўйича чоп этилган ва ҳозиргача ўз қадрини йўқотмаган қимматли асарлардан яна бири татар олими Ризоуддин ибн Фахруддиннинг “Оила” китобидир. Бу асарда у оиласда фарзанд тарбиясида онанинг ролини юқори баҳолаб, у “Хотунлари тарбияли бўлган халқ – тарбияли-ю, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ тарбиясиз, хотунлари тиришқоқ, тадбиркор, иродали бўлган халқ бою, хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ факир бўлиши аниқдир” деб таъкидлайди.

Хотин кишининг бола тарбиясидаги роли хусусида: “Болаларига тарбия бера билмаган ва ҳусни ахлоқ ўргата олмаган хотиндан фойда ўрнига улуғ заарлар кўрилур. Зеро бундай хотунлар халқ орасида вабо микробларидан заарли бўлган инсонларни етиштирурлар” деб айтган фикрлари бугунги кунда ҳам ибратлидир.

Зеро, фарзанд камолотида ота – онанинг ўрнини бекиёсdir. Чунки ота ҳам, она ҳам фарзандига ҳулқидан ортиқ мерос бера олмас дейилади муқаддас китобларимизда. Шу боис, биз тадқиқ этган муаммонинг замирида ана шу масаланинг ечимига жавоблар топиш масаласи ётади.

Тадқиқотимизда ҳозирги эркинлик ва демократик муносабатлар ривожланиб бораётган шароитда ўзбек оиласидаги ўсмир ёшли ўғил ва қизларнинг жинсий идентификациясини тўлиқ оиласидаги ўрганилди ва ота-оналиникнинг ушбу жараёнга таъсирини аниқланди ва гендер мавзуси комплекс ижтимоий-психологик тадқиқотнинг предметига айлантирилди.

Бизга маълумки, бола дастлаб ота-онасининг ҳулқидаги жинсий тафовутларни, сўнгра бошқа катталар, ўқитувчилар, таниш-билишларнинг ҳулқига назар солиб, эркак ва аёлга хос сифатларни идрок қиласди ва ўзини у ёки бу жинс вакилига идентификация қиласди. Яъни, жинсий идентификациянинг илк муҳити – бу оила ва ундаги эр-хотин муносабатларидир. Бола шаклланадиган дастлабки ижтимоий тасаввурлардан бири – “агар жинсимга мос равишда ҳаракат қиласам, мени бошқалар қоралашади”, деган фикрdir. Шахснинг ўзгаларга ва ўзга жинс вакилига бўлган муносабатларининг йўналишини белгиловчи ғоя ҳам айнан шундай ижтимоий тасаввурга асосланади.

Маълумки, ота-оналар идентификацияси ота-оналар шахсидаги муҳим шахсий фазилатларга қаратилган бўлади, яъни улар ўз навбатида бола томонидан англашмаган тақлид қилиш орқали рўёбга чиқишини эътироф этишади. Болалар ўз ўйинларида ота-оналарининг ҳатти-ҳаракатларини ва феъл-атворларини яққол акс эттирадилар. Кўғирчоқни қўлига олиб ўйнаётган қиз болани кузатганда унинг қўғирчоқни ширин сўзлар айтиб эркалаётганини, авайлаб тиззасисга ётқизиб алла айтадигини кўриш мумкин. Бу ҳолатда қизалоқнинг онасига, унинг ҳатти-ҳаракатларига тақлидини кўриш мумкин.

Оила муҳити йигит ва қизларда ўз жинси тўғрисида муайян билим ва тасаввурларнинг шаклланишига имкон берувчи ижтимоий макон экан, айнан жинси тўғрисидаги адекват тасаввурлар энг аввало ота ёки онанинг ўз жинсига мос ва хос ижтимоий ҳулқ андозаларини намоён этишга қанчалик даражада тайёрлигига боғлиқ бўлади. Яъни, қиз боладаги айнан феминин сифатлар ва уларнинг шахсан англаниш даражаси онасининг жинсий сифатларига ва улар орқали отанинг она ижтимоий ролларини тўғри баҳолаши, муносабат билдиришига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам биз ўсмирлардаги жинсий идентификациянинг мазмунини белгилашда ота-оналардаги жинсий тасаввурлардан ҳам келиб чиқиб ўргандик.

1-жадвал

Ўсмирлардаги гендер идентификациянинг шахсий “Мен” образига алоқадорлиги (Кун методикаси бўйича, фоиз ҳисобида, n=148)

Ижтимоий роллар	Ўсмир қизлар (n=83)		Ўғил болалар (n=65)	
	Қайд этилган сифатларнинг ўртача микдори	Фоиз ҳисобида	Қайд этилган сифатларнинг ўртача микдори	Фоиз ҳисобида
Оилавий роллар	10,5	28,9	7,5	21,5
Касбий роллар	7,5	19,3	9,0	32,3



Бошқа ижтимоий роллар	14,0	51,8	12,5	46,2
-----------------------	------	------	------	------

Тадқиқот обьектимиз бўлмиш ота-оналар ҳамда уларнинг ўсмирик ёшидаги фарзандларида шахсий ҳамда гендер идентификациянинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари ўрганиб чиқдиқ.. Бунда биз тадқиқотнинг мантифи ва ўз олдига қўйган мақсадидади келиб чиқиб М. Кун ва Т. Макпартлендлар томонидан таклиф этилган “Мен кимман?” деб номланган тестдан фойдаландик. Айнан шу методик воситадан шахс ижтимоийлашувида гендер хусусиятларнинг ролини аниқлашнинг амалий аҳамияти катта, чунки ушбу методика шахсдаги шахсий ҳамда гендер хусусиятларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ эканлигини аниқлаш имконини беради. Юқоридаги жадвалда келтирилган рақамларга эътибор берадиган бўлсак, ўсмириларда жинсидан қатъий назар, ижтимоий ролларга нисбатан шахсий идентификацияси брасида улар ижтимоий тасаввурларида яқинлик мавжуд. Масалан, қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам ўзларига таъриф берганларида шахсий ўринлари ва мақомларини оилавий роллар ва касбий роллардан кўра бошқа турли ижтимоий роллар доирасида тасаввур қиласидар. Бундан ташқари, олинган натижалар ўсмирилар ижтимоий установкаларида барибир жинсий ўзига хослик борлигини ҳам кўрсатди. Масалан, ўсмир қизларда оилавий установкалар йигитларга нисбатан яққолроқ ифодаланган. Деярли 29 фоиз қизлар учун гендер идентификация оилавий роллар мақомидан келиб чиққани ҳолда, 21,5 фоиз йигитларда унинг оилада тутган мақоми устун ифодаланган ёки бошқа ижтимоий роллар ҳам қизлар томонидан теранроқ акс этган (мос равишда 51,8% ва 46,2%). Бу ҳам ижобий факт бўлиб, йигитларнинг ўсмирик давридаёқ келажакка интилиши ва ўзини ижтимоий роллар доирасида тасаввур қилишидан далолат беради.

Шу ўринда биз ушбу натижаларни 36 нафар ўсмир бола уларнинг отаси (36 нафар) ва оналари (36 нафар) нинг Кун методикаси юзасидан берган жавобларини солишитирдик. Куйидаги 2 - жадвалда солиширма натижалар ўз аксини топган.

2- жадвал

Ота-оналар ва ўсмириларнинг шахсий ва жинсий идентификациялари натижалари (Кун методикаси асосида, фоиз ҳисобида, n=108)

Ижтимоий роллар	Ўсмирилар (n=36)		Ота-оналар (n=72)	
	ўғил болалар (n=15)	қизлар (n=21)	оталар (n=36)	Оналар (n=36)
Оилавий роллар	21,5	28,9	27,8	37,5
Касбий роллар	32,3	19,3	41,7	32,5
Бошқа ижтимоий роллар	46,2	51,8	30,6	30,0

Ота-оналарнинг фикрларини ўсмир ёшли уларнинг фарзандлари ва тенгдошларини билан солишириш бу ўринда ёшга оид тафовутларнинг ва ижтимоий мақомдаги фарқнинг сезиларли таъсири борлигини кўрсатди. Масалан, аёл-оналар бизнинг тахминларимизни аниқ исботладилар. Чунки уларнинг “Мен-концепция”сида хотин-қизларнинг оилавий муносабатлар доирасидаги мукаммал ва барқарор ўрни стереотип тарзда мавжудлиги кўринди. Яъни, 37,5 фоиз оналар ўзларидаги шахсий ва гендер сифатларни аввало оиладаги “аёл – она” мақомидан келиб чиқиб тасаввур қилишлари маълум бўлди. Кейинги ўринларда касбий роллар ва бошқа ижтимоий роллар баён этилган. Шуниси характерлики, айнан хотин-қизлар жавобларида замонага мос бир установка акс этди, уларнинг жавобларида у ёки бу ролга кескин устиворлик бериш хос эмас. Масалан, биз кутмаган ҳолда оилавий роллар 37,5%, касбий роллар – 32,5% ва бошқа ижтимоий роллар 30 фоизлик ўринни эгаллади. Бу замонавий ўзбек аёлининг ҳар соҳада ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интилаётганлиги, фақат уй доирасида чекланмасдан, ундан ташқари ҳам ўз шахсини муносиб ролларда кўришга интилаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Эътиборли жиҳати шундаки, тадқиқотимиз оилада ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари таъсирида тарбияланаётган қиз боланинг аввало онасининг отасига муносабатига эътибор қаратишими, онанинг оилада бажараётган гендер ролига қараб ўзини келажакда айнан аёллик

ва оналик ролига тайёрлаб боришини исботлади. Отанинг онага муносабатига қараб эса, қизлар одатда ўзини келажакда турмуш ўртоғига нисбатан қандай тутишини ўрганиб боради. Ўғил болалардаги жинсий тарбиясида ҳам шунга ўхшаш тамойил устивор бўлади, яъни, у ҳам ота оналар ўзаро муносабатларига мос тарзда ўзини келажакда оила бошлиғи, эр ролига ҳамда онасининг юриш-туриши ва фарзандларга муносабатига қараб, оталик ролига руҳан тайёрлаб боради.

Олинган натижалар шуни кўрсатади, катталарнинг оилавий муносабатлари характери уларнинг ўз фарзандларида гендер ўзига хосликни тарбиялаш, жинсий идентификациянинг шаклланишига имкон берувчи ижтимоий психологик мухит ролини ўйнайди. Чунки давр тақозоси билан хотин-қизларда шаклланаётган янги, демократик, фаол сифатлар қизлар психологиясиға қанчалик ижобий таъсир кўрсатса, шу оиласда камол топаётган ўғил боланинг тасаввурларида жинслараро мулоқотнинг самарали шакллари тўғрисида билимлар бўлишига ҳам имкон беради. Тўлиқ оила муҳитида ҳамкорлик ва шерикчиликка асосланган эр-хотин муносабатларида эркакнинг ўрни ва роли ҳам ўғил болада эркак жинсига оид идентификацион сифатларнинг намоён бўлиши ва шаклланишига мақбул шарт-шароит яратиши ўз исботини топди. Эркакнинг фаол ва етакчи мавқеи, ундаги лидерликнинг сифати ва туридан қатъий назар, қиз болада истиқболдаги оилавий муносабатларда замонавий аёл-она образига эга бўлиш ва гендер муомила маромларини аниқ тасаввур этишга имкон беради.

Замонавий ўзбек оиласидаги эркаклар ва аёлларнинг ўзаро муносабатларида аёллар мавқеининг мустаҳкамланиб бораётганлиги, уларнинг лидерлик позицияларида акс этади, бунда лидерликнинг ҳамкорлик ва шерикчиликка асосланган услуби ўсмир ёшларда жинсий идентификациядаги ижобий жараёнларни таъминлайди. Чунки оилавий муносабатлардаги шерикчилик ҳамда гендер tenglik аёллик ва эркаклик образларида фемининлик сифатларининг маскулинлик ва андрогенлик сифатлари билан уйғунлашувини таъминлайди.

Бугунги сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларга бой даврда хотин-қизларда шаклланаётган янги, демократик, фаол сифатлар кўплаб гендер тадқиқотлар истиқболини белгиламоқда. Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини самарали ташкил этишда гендерменежмент дастурларидан фойдаланиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бутадқиқотлардан кўзланган мақсад Ўзбекистонда хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оила, давлат ва жамият қурилишидаги беназир ўринларини янада ошириш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, тадқиқ этилаётган барча гендер муаммоларининг ўта долзарблиги энг аввало унинг тарбиявий моҳияти билан изоҳланади. Биз илгари сурған муаммоларнинг ҳаётий ва долзарблиги ўзбек халқи маънавий маданиятининг ўсиши ва ушбу жараёнга фаннинг аралашуви билан ҳам боғлиқdir. Республикаизда йил сайн ривожланиб бораётган ижтимоий психология фани жамиятимиз буюртмасига мувофиқ, ҳар бир индивид шаклланишининг асосий ўчоги хисобланган оила муаммоларини ҳозирги давр талаблари даражасида тезроқ ва самаралироқ ечишга ёрдам бермоғи, оилавий ҳаётга тааллуқли бўлган субъектив жараёнларни бошқаришнинг йул-йўриқларини кўрсатмоғи, соғлом, баркамол, мукаммал авлодни ўз жинсига ҳамда миллий қадриятларимизга хос тарзда тарбиялаш, шунингдек, аёлларнинг оила ва жамиятдаги муносиб мавқеларини таъминлаш, оналикини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом наслни яратиш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасизdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Олимат ул –Банот. Муошарат одоби // Масъул мух. А. Ирисов; тарж. ва нашрға тайёрл. Т. Зиеев. - Т.: Мекннат, 1991.- 32 б.
 - 2.Ризоиддин ибн Фахриддин. Оила. – Т.: Мекннат, 1991 – 64 б.
 3. Бендас Т.В.Уровень организованности групп и проблема лидерства (на примере студенческих групп). - Л., 1981.
 - 4.Бендас Т.В. Психология лидерства: Гендерный и этнический аспекты. –СПб, 2002 – 216 .
 - 5.Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. - Т., 2006 – 142 б.



6. Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тұғрисидаги ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши . Психология фанлари докторлигини илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация . Т., 1994 – 312б.
7. Панкратова Т.М. Гендерные установки и особенности межгруппового восприятия.- Ярославль, 2001-167 б.
8. Палуди Мишель. Психология женщины .- СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2003 – 384 .
9. Абдусатторова О.А. Жинсий идентификациянинг оиласи муносабатлардаги ўрни // Мактав va hayot - 2006 -8 сон - 11-12 б.
10. Журавлева И.В. Влияние половых характеристик на вербальное поведение человека //Гендерные исследования в гуманитарных науках: современные подходы. Материалы научной международной конференции. Иваново.15-16 сентября 2000 г.Часть II. Социология, политология, юриспруденция, экономика.Иваново: Издат центр »Юнона», 2000.-С.43-46.
11. Зайнобиддинов. Ж Идентификация оилада бола шахсини шакллантиришга таъсир этувчи омил сифатида // Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари.- Респ. Илм-амал. Анжум. Маъруз. Қиск. Баёни.-Т . 1993. -135-136 б.
12. Каримова Л.И. Гендерный и полоролевой аспекты восприятия рекламы –Вестник Казахского НУ.- Серия «Психология и социология»-Алматы,2004-№2-с.55-58.



ОИЛА ТАРБИЯ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Орзиқул Ҳакимов Мелиевич

Жizzax политехника институти доценти, с.ф.н.

Курбонов Завқиддинжон Ҳамидуллоевич

Жizzах политехника институти

ассистенти

Аннотация. Инсон тафаккур тараққиёти тарихидан маълумки, дастлаб шахснинг камолоти оилада шаклланади. Оиланинг миллий тарбия борасидаги аҳамиятини амалга ошириш нақадар муҳим эканлиги борасида фикр юритамиз. Жамиятимиз тараққиёти ўзининг ривожланиши қонуниятларига асосланган ҳолда шахс етуклигини таъминловчи ва тарбия самарадорлигини оширувчи омилларни вужудга келтириш талабини қўймоқда.

Калит сўзлар: фарзанд, оила, тарбия, жамият, соғлом турмуш тарзи, глобаллашув жараёни, уй-рўзгорни бошқариш, меҳр-муҳаббат, урф-одатлар, анъаналар, умумисоний қадриятлар, оила жамиятнинг таянчи, ижтимоий муҳит, ахлоқий масъулият.

Аннотация Из истории развития человеческой мысли известно, что зрелость личности формируется в семье. Мы думаем о том, как важно осознать важность семьи в национальном воспитании. Развитие нашего общества, основанное на законах его развития, требует создания факторов, обеспечивающих зрелость личности и повышающих эффективность образования.

Ключевые слова: ребенок, семья, воспитание, общество, здоровый образ жизни, процесс глобализации, ведение домашнего хозяйства, любовь, обычаи, традиции, универсальные ценности, Семья - это опора общества, социальная среда, моральная ответственность.

Annotation: It is known from the history of the development of human thought that the maturity of the individual is formed in the family. We think about how important it is to realize the importance of the family in national upbringing.

The development of our society, based on the laws of its development, requires the creation of factors that ensure the maturity of the individual and increase the effectiveness of education

Keywords: child, family, upbringing, society, healthy lifestyle, globalization process, household management, love, customs, traditions, universal values, The family is the backbone of society, the social environment, moral responsibility.

Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳатлар, илм – маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм – маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл – заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак .

Тараққиётга эришиш учун ракамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт.

Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориши имкониятини беради. Зеро бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чукур кириб бормоқда. [1. 12-13бет] Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона



кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак. Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг” деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак. [2. 47бет]

Президент Шавкат Мирзиёев биринчи марта ўтказилаётган Ўзбекистон ёшлари форумига ташриф буориб, нутқ сўзлади. Давлат раҳбари ўз нутқида “Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда сизларнинг ғайрат – шижоатингиздан куч – қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман” – деди Шавкат Мирзиёев ўз сўзида.

“Биз юртимизда қандай ислоҳотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч – ғайратингиз, азму шижоатингизга суннамиз. Барчангиз яхши биласиз, бугун ўз олдимизга улкан марралар қўйганимиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли айни ушбу соҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошироқдамиз. Ишонаманки, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишида сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар “Ёшлар: 1+1” дастури доирасида ишсиз ва уюшмаган ёшларни касб – ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиши ташкил этилди. “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” тамойили асосида 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ўшни бириктириш ташаббуси кўплаб тадбиркорларимиз томонидан фаол қўллаб – қувватланди. 2021 йилда камида 500 минг нафар ўшни иш билан таъминлаши мумкин бўлган бу эзгу ҳаракатни давлатимиз раҳбари маъкуллади.

Президент Шавкат Мирзиёев. Шуни инобатга олиб, касб – ҳунар ҳамда тадбиркорлик кўнилмаларига ўқитиши орқали маҳсус сертификат олган ёшларга Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз паст ставкада микрокредитлар ажратиш юзасидан зарур чоралар кўрилади. Бу кредитлар 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан берилади. “Бугун ўғил – қизларимизни қийнаётган жиддий муаммолардан бири – ўқишини тамомлаган ёшлар бандлиги, - дея сўзини давом этди. Президент кўплаб мактаб ва коллеж битирувчилари, баъзан олий маълумотли йигит – қизлар ҳам, иш топишда қийинчиликка учрамоқдалар.” Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласи фарзандларини қўллаб – қувватлаш ва ёш оиласи мұқаддас билиб, уни асраб – авайлаб келади. Оила мустаҳкам бўлса, жамият барқарор бўлади. Бир нарсани унумаслигимиз лозим: хонодонларимиздаги тинчлик – тотувлик, аввало, оиласидаги соғлом мухитга, мустақил ҳаёт остонасида турган қизларимизни оилавий турмушга тайёрлаш билан бевосита боғлиқ – деди давлатимиз раҳбари.” [3. 1бет]

Ҳар бир инсоннинг, ҳар бир оиласидаги, жамиятимизнинг мұқаддас вазифаси-қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларни жисмоний ва маънавий томондан етук қилиб тарбиялаш, ота-онасига, Ватанига содик инсонлар этиб тарбиялашдан иборат. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг Конституциясида оила-жамиятнинг асосий бўғини, оналик ва болалик давлат томонидан ҳимояланади, вояга етган, меҳнатга ярокли болалар ўзларининг ота-оналарига ғамхўрлик қилиши шарт, деб кўрсатилган. Бу ишончли ҳуқуқий кафолатларда халқимиз босиб ўтган узоқ ва ёрқин тарихий йўлнинг ўлмас мерослари ётибди. Ахир, ота-онага, бир- бирорга муруват, хурмат- иззат буларнинг барчаси асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, бизгача этиб келган ва қонимизга, танимизга сингган энг ардоқли инсоний хусусиятдир. Шундай экан, келажак авлодларнинг тақдиди, авваломбор, ёшларда шаклана бошлайди. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати, жамоат ташкилотлари ёшлар билан ишлашда уларни ўзларининг бирдан – бир таянчлари деб билади. “Қуш уясида кўрганини қиласи” дейди халқимиз. Инсон учун энг азиз нарса бу- оила. Мустаҳкам оила, тотув маҳалладагина ибратли ўғил- қизлар ўсади.

Оила ва унинг тарбия вазифалари соғлом турмуш тарзи, шахс фоалияти жамият тараққиёти олдидағи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек “Бола туғилган



кунидан бошлаб оила мухитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар оиласиб ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, хис этади” [4. 8бет] Жамият ривожланишининг истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда, оиласида тарбия оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз тақозо этилади.

Оила тарбияси жамият маънавиятининг юксалишини ифодалайди. Глобалашув жараёни шароитда жамиятнинг юксак ахлоқини сақлаб қолиш, оиласида тарбия функцияларини самарали таъминлашнинг асосий йўналишларини ёритиш каби масалалар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Тарбия тушунчаси моҳиятини кенгроқ тушунишимиз оиласи тарбиявий функциясини кенгроқ англашимизга имкон беради. Тарбия кенг қамровли тушунча, чунки у онг маҳсули ҳисобланади. Инсоннинг онг даражасининг мезони ҳисобланади. Тарбия тушунчасининг қуйидаги талқинлари мавжуд. Болани вояга етказиш, парваришлаш, қаров тарбиялаб ўстириш, инсоннинг олган билимларини амалиётга қўллай олишга ўргатиш. Тарбия ниҳоятда маданиятли иш Файласуф Н.Пирогов таъкидлаганидек: “Тарбия масаласида майда нарса йўқ” Умуман, тарбия инсонларни ёшлиарни объектив ва субъектив тасвирлар асосида ахлоқий ақлий амалий, жисмоний шаклланиш жараёни бўлиб тарбияга ўзи ҳоҳлаган сифатларни тарбияланувчилар онига сингдириш учун уларнинг руҳиятига маълум мақсадга йўналтирилган тизимли таъсир кўрсатишига айтилади.

Тарбия мазмуни таълим ва маълумот олиш жараёнларига кирадиган ишларнинг мазмуни билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг натижаларини ўзига акс эттиради. Тарбиянинг энг хусусиятли белгиларидан бири унинг узлуксиз жараён эканлигидир. Шу маънода оила тарбиясининг йўналишларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин ахлоқий тарбия, ақлий тарбия, экологик тарбия, жисмоний тарбия, диний тарбия, жинсий тарбия, эстетик тарбия ва бошқалар. Тарбиянинг қанчалик гурухларга ажратиб ўрганмайлик, фарзандларимизнинг келажаги ота-онанинг ўrnаги ва шакллантирган тарбиясига боғлиқ. Негаки, фарзанд учун ота-она томонидан бериладиган энг катта бойлик одоб-ахлоқдир. Оила тарбия олиш ва мухитидир. Бугунги глобалашув жараёнида таълим ва тарбия зарурати янада ошмоқда. Жамият тараққиётини ҳалокатдан сақлаб қоладиган куч тарбиядир.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Мен Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир”, деган чукур маъноли сўзларни эслайман” [5. 29-бет].

Демак, тарбия масаласига доимо эътиборни қартиш асосий вазифа ҳисобланади. Оила шаклланишидан бугунги кунгача кўп жиҳатларни ўзида қамраб олди, жамиятнинг асоси сифатидаги холатини тўла намоён этди. Оила жамиятнинг гавҳаридир. Оила тушунчаси кичкина Ватан, миллатларнинг маданият ўчоғи, инсонлар эҳтиёжини қондирадиган макон сифатида эътироф этилган. Умуман, оила ва унинг хусусиятлари ҳақида турли хил фикрлар мавжуд, жумладан, оила бу вояга етган икки жинснинг бир-бирини севиш, ардоқлаш, хурмат қилиш асосида ихтиёрий равишда тузилган қонуний иттифоқи сифатида кўп жиҳатли муносабатларни ифодалашни назарда тутиши ҳақида ёки оила-кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, уй рўзгорни бошқариш) маънавий (эр-хотин ота-она ва болалар) ўртасидаги соғ-муҳаббат туйғуси ва бошқа муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик бўлиб, инсон яшashi учун қулай шароит яратиб берувчи, унинг турли эҳтиёжларини қондирувчи макондир [6. 241 бет].

Оила кишиларнинг табиий-биологик (эр-хотинлик, жинсий муносабатлар, бола кўриш), иқтисодий (мулкий муносабатлар, ҳовли-жой, бошпана уй-рўзғорни бошқариш) ҳукуқий (масалан, никоҳни фуқаролик ҳолатларида давлат томонидан қайд этиш) маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасида масъулият, меҳр-муҳаббат туйғуси каби) муносабатларга асосланган бирлик [7.206 бет] эканлиги қайд этилган. Оила доимо муқаддас даргоҳ сифати қаралган. Инсон хаёти узлуксиз оила фаолиятида кечади, яъни аввало тугилган оиласида, кейин эса ўзи бунёд этган оиласида умргузаронлик қилади. Ушбу ҳолатларда оила инсоннинг шахс сифатида қарор топишига тарбиявий таъсирини ўтказади. Оиласида инсоннинг дунёқараши шаклланиб, сўзлашишдан бошлаб ўз халқи одатлари, анъаналари ва умуминсоний қадриятларигача ўрганади. Маълумки оила жамиятнинг таянчи сифатида қаралади. Чунки



оилалар йигиндиси жамиятни ташкил этади. Жамиятдаги ўзгаришлар оиласа бевосита таъсирини кўрсатади, бир вактнинг ўзида оиладаги вазиятлар ҳам жамиятга таъсир этади. Шу сабабдан оиласа қай даражада ижтимоий мухит мавжуд бўлса, жамият шу даражада ўзгаради.

Ҳар бир жамият оилалар мажмуидир, ундаги маънавий мухит ҳам барча оилалардаги одоб-ахлоқдан келиб чиқади [8. 16 бет]. Демак оила-муайян маконда мураккаб ижтимоий груп асосида, табиий биологик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган, унинг аъзолари никоҳ ёки қон-қариндошлик ришталари, умумий турмуш тарзи, ахлоқий масъулият ҳамда ўзаро ёрдам асосида фаолият юритади. Ҳар бир оила умумжамият талаблари асосида фаолият юритади. Жамият тараққиётининг ривожи эса унинг бағрида мавжуд бўлган оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қиёфасининг шаклланганлик даражасига бевосита боғлиқдир. Оила мафкуравий тарбиянинг энг мухим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки, оила-жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар аввало оила мухитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади. Оилавий муносабатлар-бу оила аъзолари бўлган шахслар ўртасида турли йўналишларда ташкил этилувчи муносабатлардир. Ўзбекистонда оилавий муносабатларни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси ва фуқаролик кодекси, Президент Фармонлари, Қарорлари ва ушбу соҳага тегишли меъёрий ҳужжатлар, давлат дастурлари, халқаро ҳуқуқ меъёrlари шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби оила муносабатларига бағишиланган. Унинг 63-моддасида эса оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган.

Оилаларни бошқа ҳарактерловчи белгиларга нисбатан янада гурухлаш мумкин. Оиланинг узлуксиз амалга оширадиган вазифаларни унинг функциялари сифатида намоён бўлади. Оиланинг функцияларига иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив, фелиотситологик функцияларини келтириш мумкин [9. 48бет]. Шу нуткаи назардан юқоридаги фикрлар асосида қўйидаги хулюсаларни қилиш мумкин:

Мамлакатимизда оилалар фаровонлигини юксак даражага кўтариш масалалари доимо давлат эътиборида бўлмоқда. Оила тарбиянинг дастлабки манзили бўлиб, оиласа тарбия жараёни тўғри ташкил этилиши нафақат ота-онага, балки, унинг бошқа аъзоларига ҳам боғлиқ ҳисобланади. Тарбия узлуксиз ва такомиллаштирилиб бориладиган жараён ҳисобланади, таълим ва тарбия ажralмас ва ўзаро тўлдирувчи жараёндир. Фарзандларимиз тарбиясини шакллантиришда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз аҳамияти мухимлигига қолмоқда. Маҳалла, таълим муассасалари мухити тарбиянинг шаклланишига таъсир этувчи самарали омиллардир.

Ушбу масалалар юзасидан қўйидаги таклифларни келтириш мумкин: -оила мукаддаслиги фарзандлар тафаккурига сингдирилиши лозим;

- оиласа тарбиянинг шаклланишига таъсир этувчи ҳар бир жиҳат доимо эътиборга олиниши зарур;

-оила жамиятнинг асоси сифатида оилаларни ҳам моддий ва маънавий қўллаб-куватлашни янада такомиллаштириб бориш лозим;

-оиласа тарбиянинг самарадорлигини таъминлаш учун тарбиянинг усул ва воситаларидан аниқ ва тўғри фойдаланиш керак;

-фарзанд тарбиясида оила маҳалла, мактаб ҳамжиҳатлигини янада ошириш.

Мустақил Республикализнинг ишончига амалий иш билан жавоб беришга, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг таянчи ва ҳал қилувчи кучи бўлишга тайёр эканлигини кўрсатади. Ўзбекистон ёшлари юқори маълумотли, мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг барча соҳаларида банд бўлган ва хусусий тадбиркорликда фаол ишлаётган ёшлардир, қатъий ҳаётий йўналишларга эга бўлган, Ватанга содик, юксак маънавиятли, ахлоқий пок ва ватанпарварлик туйғуси ривожланган, ўз келажагига ва ўз мамлакатининг ёрқин эртасига ишонч билан қарайдиган йигит ва қизлардир.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси 2020 йил 24 январь Тошкент. 12-13 бет
2. Шу манба 47 бет
3. WWW. gazeta. uz / uz / 2020 / 12 / 25 / forum / сўзлаган нутқи.
4. Каримов И.А Баркамол авлод орзуси Т: « Ўзбекистон» 1999 й. 8-бет.
5. Каримов И.А Юксак маънавият-енгилмас куч Т: « Маънавият», 2008 й 29-бет.
6. Абдулаева М.Н ва бошқалар Фалсафа қисқача изоҳли луғат Т: .
7. Шарқ 2004 й. 241- бет.
8. Носирхўжаев С.М Лафасов М.Ф Зарипов М.З” Маънавият “асослари Т: . Шарқ 2005 й. 206-бет.
9. Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи Т: .” Маънавият” 2007 йил 16- бет.
10. Шоумаров Ф.Б Оила психологияси Т: . Шарқ 2007й. 48- бет.
11. 10.Давлат, Жамият, Оила ва Ёшлилар тарбияси муаммолари Тошкент. “Ўзбекистон ” – 1997. – 96 бет
12. 11.Ўзбекистон ёшлари ижтимоий қиёфа Тошкент- 2008.- 132 бет



АЁЛ МАЬНАВИЯТИ – ЖАМИЯТ МУВОЗАНАТИ

Фарангиза Раимовна Раджабова

Навоий давлат педагогика институти,
санъатшунослик факультети, “Педагогика-
психология” кафедраси ўқитувчиси.

Рухшона Раимовна Шобоева

Самарқанд давлат архиектура-курилиш
институти Қурилишни бошқариш факультети
“Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” кафедраси
ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада давр хотин—қизларини, оилада қизлар тарбиясини шакллантиришда миллийлик, миллат менталитетига уйғунлашиши лозим бўлган гендер масалалари ва тўхтовсиз ривожланиб бораётган жамиятда қизлар тарбиясидаги отоналарнинг ўрни ва вазифалари педагогик асосланади, шунингдек, ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўллари муҳокама қилинади.

Таянч иборалар: Давр аёли, жамият янгиланиши, миллий қадриятлар, аёлга муносабат, жамият олдидағи масъулият ва бурч, миллий тарбия, фикр тарбияси, миллат давомийлиги, мамлакат ривожи.

Аннотация: Эта статья педагогически основана на гендерных проблемах, роли и ответственности родителей в воспитании девочек в постоянно развивающемся обществе, а также способах решения этих проблем.

Annotation: This article is pedagogically based on gender issues and the role and responsibilities of parents in the upbringing of girls in a constantly evolving society, as well as ways to address these issues in the formation of women, the upbringing of girls in the family.

Давр аёлининг қалбидағи янгиланишлар қай жиҳатлари билан афзал? Унинг воқеликка муносабати идрок ва тахлил этишдаги нұқтаи-назаричи? Оиласи ва жамият олдидағи масъулият ва бурчларини аёл қай даражада тушуниб етмоқда. Фарзанд тарбиялаётган она эртанинг талаб-эҳтиёжларини англай биладими?

Озод, юртнинг истиқболи, онанинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти, оилавий бурчлари, эрга, қариндош-уруғ, қўни-қўшнига муносабати ҳақидаги фикрларда аёл маънавиятининг бир бўлاغи, турли хил қирралари акс этади.

Бугунги кунда аёл ўз-ўзига катта талаб қўйиб яшashi керак. Жамият тўхтовсиз ривожланиб бораётган экан, аёл ҳеч қачон фикрлашдан тўхтамаслиги керак.

Шарқ халқларида тарбия борасида улкан маънавий мерос яратилган. Бу мерос асрлар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб сайқалланиб халқ баркамоллигини таъминлаш учун хизмат қилмоқда. Ана шундай анъаналаримиздан бири аёллар, оналар, қизлар тарбиясидаги бой педагогик тажрибадир.

Ўзбек қизларининг кўркам хулқли бўлиши энг асосий фазилатлардан бирини ташкил қилади. Хулқ қизнинг ахлоқ-одоб, гўзаллик, меҳнат ва шарм-ҳаё қаби хусусиятлари тарбиясининг фақат назарий асосини эмас, балки ана шу тарбиявий мажмуасининг ўз шахсий ҳаётида қўллаши деб изоҳлаш тўғри бўлади.

Хозирги кунда жамият юксалган сари тарихимизга миллий қадриятларимизга эътибор жуда кучайиб бормоқда. Мана шундай миллий қадриятларимиздан бири «Аёлга муносабат» масаласидир. Бу масала энг долзарб масала бўлиб, жамиятимиз тараққиёти билан боғлиқдир. Чунки оила аёл билан фаровон, тинч, мустаҳкамдир. Оила тинч бўлса, жамиятимиз, бутун давлатимиз, юртимиз тинчдир. Оила билан аёлларимиз эркакларга нисбатан кўпроқ боғлангандир. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, «Аёл аввало ҳар бир



инсоннинг бешигининг тебратадиган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб авайлайдиган фидоий инсондир».

«Аёл фарзанд тарбиячиси бўлиши билан бирга меҳрибон рафиқа ҳамдир. Жамиятимизда эса олим, шоира, мураббий, ижодкор, тадбиркор, мохир бошқарувчи каби масъулиятли ўринларни эгаллаганлар. Аёлга бўлган муносабатни биринчи ўринга қўйиш, яъни аёлнинг хурматини, иззатини жойига қўйиш, унинг мавқеини янада юксакларга кўтариш давр талабидир.

Тарихимизга назар солсак, қадимдан ота-боболаримиз ҳам аёлларга муносабат масаласига жуда катта эътибор бериб, уларнинг хурмат-иззатларини жойига қўйганлар. Масалан бундан 2 минг йил олдин яшаган бобомиз Алп эр Тунга даврида аёллар шундай катта хурматга эга бўлганларки, агар уй тўрида ота-она ёнма-ён ўтирган бўлса, болалари эшиқдан кирганда аввал онасига, сўнгра отасига таъзим бажо келтирган эканлар. Бу одат ўша даврнинг энг олий оиласиги анъанаси бўлган экан.

Буюк бобокалонларимиз соҳибқорон Амир Темур ҳам Сароймулхонимдай оқила, фаросатли аёл қошида бош этган. Энг қийин дамларда Сароймулхонимнинг маслаҳатларига амал қилган. Фарзандлари, айниқса тахт ворисларининг тарбиясини унга ишонган.

Оила тарбияси каби катта маъсулият биринчи навбатда ота ва она зиммасига тушади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида айтиш керакки, болалар тарбиясида асосий таъсирчан куч-кудрат бу-Онадир. Ота кўпчилик халқларда оиланинг моддий эҳтиёжларини қондириш ва таъминлаш қолаверса оиланинг хўжалик ишлари билан банд бўлади. Бу ўзбек оилаларининг тарихидан маълум бўлган ҳақиқат ва ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган анъанадир. Шунга қўра бола билан кўпроқ она бирга бўлади.

Халқимиз оилада қизлар тарбиясини ташкил этиш борасида асрий тажрибага эга. Мазкур тажриба мазмуни шарқона одоб - ахлоқ, ҳаё - ибо, покизалик ҳисси билан йўғрилган панд - насиҳатлар, мутафаккирларнинг қарашлари, илмий - назарий ва амалий ғоялардан ташкил топган.

Энг аввало аёл ҳар бир оила кўрки ҳисобланади. Оилада фарзанд тарбияси, фарзанднинг ким бўлиб етишишига бевосита аёл сабабчи. Бу эса бевосита жамият билан боғлиқ ҳодисадир. Аёлнинг оилада фарзандга берган тарбияси билан жамиятга фойда келтириш мумкин.

Замонавий жамият ўзининг билимларига, қобилиятларига таянадиган, мустақил қарор қабул қилишга кодир, ҳамда ўзини мукаммаллаштиришга ва ўз қобилиятларини ҳаёт фаолиятида амалга оширишга интигурувчан етук шахсни талаб қиласди.

Хозирги кунда қизлар тарбиясини ташкил этиш, тарбиялаш, энг яхши фазилатларни вужудга келтириш, одоб, ахлоқ, шарм-ҳаё каби барча ижобий хислатларни қизларда акс эттириш ота-онанинг зиммасидаги энг масъулиятли вазифадир. Бу борада ўзини тута билиш, иззатли билиш, уят, шарм-ҳаё, ибо, ширин сўзлик, меҳрибонлик, серҳаракатлик, пазандалик, чеварлик, қизларнинг энг гўзал бетакрор таърифларидир.

Ўзбек қизларини оилада оналик фаолиятига тайёрлашда оила ҳаётининг, миллат ҳаётининг давомийлигини таъминлашда билимларни, тажрибаларни болаларга ва айниқса қизларга бера олишга ўргатиш мамлакат тараққиётини ташкил этишининг асосий шарти ҳисобланади.

Инсоннинг оила шароитида табиий равишда шаклланиши йўлга қўйилган, одам ўзи билмас ришталар билан боғланган оила чинакам гуллаётган оиладир. Бундай жамият ўзи кўкарган навдасида ўсиб унаётган япроққа ўхшайди. Худди шу сабабдан ҳам одамни оиладан ташқари тасаввур қилиш самарасиз ва ижтимоий мазмундан бегонадир. Борди-ю инсоният жамияти қандайдир замонлар келиб оиласиз жамият бўлар экан, бундай жамият-сунъий ўсимликка ўхшаш бебошлар жамиятига айланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, агар оналарнинг қизларга берадиган ижобий билимлари, кўнишка тажрибалари давом этмас экан, яъни аждодлардан авлодларга ўтказилмас экан, оила ҳаёти ҳам, ижтимоий ҳаёт ҳам тўхтайди. Қизларни келгуси оила ҳаётига тайёрлаш оилани, миллатни, мамлакатни умуман халқнинг ҳаётини давом эттириш деб изоҳлаш мумкин.



Етук давр аёлинин неча минг йиллар давомида одоб-ахлоқ борасида ўз аҳамиятини йўқотмаган миллатимиз менталитети яратган бой маънавий меросимиз билан уйғуллашган ҳолда шакллантириш жамият учун зарурат ҳисобланади. Зеро, аёл маънавияти – жамият мувозанатидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. .Каримов И.А. Юксак – маънавият енгилмас куч. Тошкент:.. 2008 ..
2. Аҳмад Яссавий ҳикматлар. Тошкент: 2001.
- 3 Хидирова Ф Оиласда қизларни мустақил оиласвий ҳаётга тайёрлаш. Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2006.
4. Мусурмонова О. Оила маънавияти-миллий ғуур.-Тошкент.”Ўқитувчи”.1999.
5. Асқарова О. Миллий ғуур тарбияси:-Тошкент “Ўқитувчи”, 2003



ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАЬНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Н.Рахмонбердиева
ТИҚХМИИ “Гуманитар фанлари
кафедраси” кат.ўқитувчиси
Т. Қўйлиев
ТошДАУ “Гуманитар фанлари
кафедраси” доценти

Аннатация: Мақола информацион мазмунга эга. Оила инсоният тарихининг барча даврларида жамиятнинг асосий пойдевори бўлиб келаётган муқаддас даргоҳ эканлигини тасдиқловчи маълумотлар берилган. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги аёлларнинг ўрни ва нуфузини ошириш бўйича мисоллар келтирилган.

Калит сўзлар: Авесто, Юксак маънавият енгилмас куч , ростгўй, меҳнатсевар, ҳалол, табиий-биологик, хуқуқий, маънавий.

Аннотация: Статья информативная. Предоставлена информация, подтверждающая, что семья - это священное место, которое было главной основой общества во все периоды истории человечества. Приводятся примеры повышения роли и престижа женщин в нашей общественно-политической жизни.

Ключевые слова: Авесто, Высокая духовность - сила непобедимая, честная, трудолюбивая, честная, природно-биологическая, законная, духовная.

Annotation: The article is informative. Information has been provided confirming that the family is a sacred place, which has been the main foundation of society in all periods of human history. Examples of enhancing the role and prestige of women in our social and political life are given.

Keywords: Avesto, High spirituality is an invincible, honest, hardworking, honest, natural-biological, legal, spiritual force.

Ш. Мирзиёев 2016 йил 14 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида жамиятимиз ҳаётида ва оилаларимиз мустаҳкамлигида хотин-қизларимизнинг ўрни ҳақида куйидагиларни алоҳида уқтирган эдилар: “Яратганинг бебаҳо мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз, қадрли оналаримиз, меҳрибон рафиқаларимиз, мунис опасингилларимиз, севимли қизларимиз ва набираларимиз ҳаётда бизга барча тўсиқларни енгиб ўтиш, олдимизга кўйган мақсадларимизга эришиш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб, ҳамиша чексиз ишонч, куч ва мадад берадилар”[1].

Оила инсоният тарихининг барча даврларида жамиятнинг асосий пойдевори бўлиб келаётган муқаддас даргоҳ эканлигини тасдиқловчи минглаб Шарқ ва Фарб мутафаккирларнинг ўлмас ғоялари билан муҳрланган тарихий хужжатларга эгадир. Жумладан, Зардушт “Авесто”сидан XX аср бошларидағи миллатпарвар, маърифатпарвар боболаримизнинг, Антик даврнинг улуғ сиймолари Аристотелдан то XVIII-XIX аср француз ва инглиз маърифатпарварларигача бўлган барчаси оила жамиятнининг таянч буғини ва ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини таъкидлаб келганлар. Оила кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг энг кичик хужайраси, ижтимоий маданий организмидир. Оила – кишиларнинг табиий-биологик, хуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган тарихий бирлигидир.

Ҳар қандай жамиятнинг келажаги, тақдири ва тараққиёти ёш авлоднинг қандай тарбияланганлиги ҳамда қандай тарбия топаётганига боғлиқ эканлиги борган сари равшанлашиб бормоқда. Оиласа бу қадар чуқур ва кенг кўламда дикқат қаратилиши бежиз эмас. Айниқса Шарқда, жумладан Ўзбекистонимизда бу масалага жиддий эътибор қаратилаётганининг бир қанча сабаблари бор. Уларга эътиборсиз бўлсак авлодларимиз



томонидан яратилган ва бугун ҳам амалда бўлган – катталарга хурмат ва кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, олижаноблик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирувчи миллий урф-одатларимиздан узоқлашиб қолишимиз ҳеч гап бўлмай қолмоқда.

Чунки эшигимиз остонасида эгарланган отдай, олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳатларимизга раҳна соловчи, турмуш тарзимизга соя ташлашга тайёр турган “оммавий маданият” ниқоби остидаги салбий турмуш тарзини ёшларимиз амалиётига ўтказмоқчи бўлган кучларнинг босими мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. “Аслида бир қарашда “оммавий маданият” хурфикрлилик, инсон эрки тарафдоридек кўринади, лекин барча “илму амали”нинг негизига эътибор берилса, аслида у инсоннинг фикрлашига, тафаккур қилишига зид экани аён бўлади”[2]. Зеро, мутахассисларнинг яқдил бўлиб тасдиқларича, Фарб жамиятларида қонун-қоидалар, Шарқда эса қадриятлар устундир. Шунинг учун ҳам “Бугун дунё оиланинг мақоми тўғрисидаги мунозаралар авж олган даврда яшамоқда”[3].

Зардушт ўз “Авесто”сида ота ва онанинг фарзандлари учун масъул эканликлари, Аристотел ҳар қандай оила давлатнинг бир қисми эканлигига урғу қаратилса, Т.Гобсс, Ж. Руссо ва Ф. Бэконлар янги давр талаблари, нормалари ва меъёрларига таяниб оиланинг ҳуқуқий мақоми, қонуний никоҳ ва ота-она ҳамда болаларнинг ўзаро инсоний муносабатларига эътибор қаратади. Маърифатпарвар жадидчи бобомиз Абдурауф Фитрат эса табиянинг муҳим белгиси сифатида тарбиячи вазифасига дикқатимизни жалб этади ва бундай деб ёзади: “Оила тарбиячиси тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатига мустаҳкам ўрнашади. Шахс рухияти, ахлоқ гавҳари ва одамлари болалигиданоқ шаклланади. Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати бор, бу эса шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боҳлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади”[4].

Юртимизда мустақиллик йиллари бошида жаҳон тажрибасидан ўтган ва турмуш тарзимизнинг азалий қадриятларига таянилган ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиласа махсус – 4 моддадан иборат XIV бобнинг бағишинланганлиги [5] ва унда 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 16-моддасидаги ҳалқаро ҳуқук қоидалари ҳам ўз ифодасини топганлиги бизда оила ва у билан боғлиқ масалалар фақатгина ўз чегараларииз доирасида қолиб кетмаганимизни тасдиқлайди.

Сир эмаски, оила-жамият ядрои ҳисобланаб, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятлар ривожини таъминловчи, маънан етук, ахлоқан пок, руҳан соғлом ва жисмонан баркамол авлодни тарбияловчи муқаддас даргоҳ сифатида узоқ ва синовли даврларни ўз бошидан ўтказиб келмоқда.

Республикамиз Президенти Ш. Мирзиёев бу ҳақда фикр билдириб “**Биринчи вазифа** – биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро хурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур”[6],- деган эдилар.

Конституциямизнинг “63- моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва teng ҳуқуқлигига асосланади” [7]-дейилган. Бу эса ўз навбатида оилаларнинг мустаҳкамлиги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, миллий хавфсизлигини, унинг равнақи, тараққиётини белгиловчи, ҳал қилувчи омил ҳиобланади. Бинобарин, жамиятимиз баркарорлиги, инсоният тараққиёти, мустақиллигимизнинг янада мустаҳкамланиши, шубҳасиз миллий тараққиётдан миллий юксалиш сари боришимизда асосий ядро бўлиб хизмат қиласи.

Баркамол, маънавий бой, ахлоқан ва жисмонан соғлом кишиларни тарбиялаб вояга етказиш илк бор оиласа амалга оширилади. Бунинг учун эса оила қуришга тайёргарлик кўраётган томонлар турмуш ва виждан қонунлари, миллатимизнинг кўп асрлик мустаҳкам ва давр синовларидан ўтган тажрибаларига таянган ҳолда амалга оширишлари фойдадан холи



эмас. Оила ёшларни одоб аҳлоқли, ростгўй, меҳнатсевар, ҳалол ва самимий бўлиб вояга етишлари учун замин тайёрлади.

Биринчи Президентимиз И. Каримов шунинг учун ҳам ўз вақтида “Юксак маънавият енгилмас куч” номли асарида бундай деб ёзган эдилар: “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни таъсири бекиёсdir. Чунки инсоният энг соф ва покиза туйғуларга, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурларга, бириинчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг ҳаракатини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оиласда қарор топиши табиийдир”[8].

Шундай экан, оила ҳамиша жамият таянчи ҳисобланган муқаддас даргоҳ эканлигини унутмаслик лозим. Зеро, жамиятнинг мустаҳкамлиги, давлатнинг барқарорлиги, биринчи навбатда, оиланинг соғломлигига, ушбу муқаддас маскандаги аҳилликка, ота-оналарнинг фарзандлари учун юксак масъулияtlарини тўла ва чуқур ҳис этишларига боғлиқdir. Оилада миллат давомийлиги, миллий қадриятларнинг боқийлиги сақланади. Оилада авлодлар умр занжирини мустаҳкамловчи авлод дунёга келади, камол топади.

Жамиятимиз ўз тараққиётининг янги босқичи – бозор қонуниятларига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида амалга ошираётган кенг кўламли вазифалар, оилаларимиз тинчлиги ва осойишталиги, фарзандларимиз баҳт саодати, хуллас, “Шу сабабли оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз”[9], деб алоҳида таъкидлаган.

Фойданалинган адабиётлар рўйхати:

1. Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз . Т.: “Ўзбекистон”, 2018. 1- жилд.143- бет.
2. И.Саифназаров, Ф.Саифназарова. Ёшлар ва оила – ватан таянчи. Т. - “TALIM NASHRIYOTI”. 2018, 99- бет.
3. Тимоти Ж.Уинтер (Абдулҳаким Мурод) XXI асрда Ислом: Постмодерн дунёда қиблани топиш. “Шарқ”. Т, : 2005. 91- бет.
- 4.А. Фитрат. Оила. Т,: “Маънавият”. 1988, 34-бет.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т,- “Ўзбекистон”, 2019. 21-22- бетлар.
6. Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз . Т.: “Ўзбекистон”, 2018. 1- жилд.281- бет.
- 7.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т,- “Ўзбекистон”, 2019. 21- бет.
8. И. Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т,: “Маънавият”, 2008. 52-бет.
9. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз . Т.: “Ўзбекистон”, 2018. 1- жилд, 144- бет.



ГЕНДЕР АДОЛАТИДА ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ

Рўзиева Моҳинур Шахмardon қизи

СамДУ тарих факультети талабаси
mohinurshaxmardonovnaa@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада аёлларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни кечада ва бугун мисолида ёритилган ҳамда аёлларнинг жамиятдаги хукуqlари акс еттирилган.

Калит сўзлар: тарих, Туркестон, ислом, Қуръони карим, феминизм, мустақиллик, Конституция, гендер тенглик.

Аннотация: Эта статья иллюстрирует роль женщин в социально-политической жизни общества вчера и сегодня и отражает права женщин в обществе.

Ключевые слова: история, Туркестан, ислам, Коран, феминизм, независимость, Конституция, гендерное равенство.

Abstract: This article illustrates the role of women in social and political life of women in the past and in the present and denies the rights of women in society.

Key words: history, Turkestan, islam, Koran, feminism, independence, constitution, gender equality.

XIX аср охири - XX аср бошларига келиб, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг тутган ўрни ва иштироки масалалари Туркестон маърифатпарварларининг дикқат марказида бўлган. Чунки аёл миллат фарзандлари тарбиячиси ҳисобланниб, уларнинг маърифатли бўлиши муҳим аҳамиятга молик саналган, шу боис, хотин-қизлар маорифи масалалари мазкур даврнинг долзарб муаммоларидан бири саналиб келган. Ўша даврда аёлларнинг жамиятдаги ролини оширишда уларнинг билим салоҳиятини юксалтиришда эркаклар билан жамият ҳаётида, ўзаро тенглик асосида, ижтимоийлашган ҳолда фаолият олиб боришда, биринчи навбатда, маориф соҳасини ислоҳ қилишдан бошланганлиги бежиз эмас, албатта.

Шарқда қадимдан шариат ва одат меъёрлари тамойиллари ўзбек аёлининг ҳаёт тарзини белгилаб берган. Муқаддас Қуръони каримнинг “Нисо” сурасида аёл, уй, оила, давлат, жамиятга алоқадор бўлган муҳим масалаларга жавоб берилади. Хусусан, эр-хотин ўртасидаги алоқалар – уларнинг бир-бирлари олдидағи хукуқ ва бурчлари ҳамда эр оиласида бошлик экани ва бу хукуқдан у қандай фойдаланиши лозимлиги ҳақида йўл-йўриклар берилади. Сўнгра оила доирасидан жамият миқиёсига чиқиб, жамият мустаҳкам бўлиши учун кишилар ўртасида бирдамлик ва меҳр-шафқат, хослик ва бағрикенглик барқарор бўлиши зарурлиги ўзига хос услубда уқтирилади. Бу сурада бошқалардагига нисбатан аёлларга оид шариат хукмлари кўп ва батафсил баён этилганлиги сабабли унга «Нисо – аёллар» номи берилган.

Мисрлик олим Мухаммад Қутб мусулмон аёлларнинг хукуқий ҳолати ҳақида “Европада аёллар ўз хукуқларига асрлар давомида узоқ ва шиддатли курашиб эришган бўлсалар, мусулмон аёллар эса ўз иқтисодий ва хукуқий мустақилларини ислом дини орқали қўлга киритганлар...” дея таърифлаган.

Аёллар хукуқлари инсон хукуқларининг ажralmas қисмини ташкил этади. Тарихдан маълумки, хотин-қизларнинг тенг хукуқлиликка эришиш йўлидаги назария феминизм номи билан аталган. Феминизм, яъни хотин-қизлар хукуқларини химоя қилиш ва уларни кенгайтириш учун кураш тарихи узоқ ўтмишга эга.

Ўзбекистон мустақиликка эришгач, барча аҳоли қатламларининг тенг хукуқлиги масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди ва унинг норматив-хукуқий асослари мустаҳкам қарор топди. Ўтган давр мобайнида давлат аёллар хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган барча ташабbusларини қўллаб-куvvatlab келмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг жамиятдаги тенглик тамойилига амал қилишининг ёрқин кафолати сифатида, бош Қомусимиз –



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг хукуқлидирлар”, дега кафолатланган. Таъкидлаш лозимки, аёллар тенг хукуқлиги масаласи халқаро хукуқнинг ҳам энг долзарб ва изчил ривожланиб бораётган тармоқларидан бири саналади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Ўтган йиллар мобайнида аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қарийб 100 дан ортиқ миллий ва халқаро хукуқий хужжатлар қабул қилинди ва ратификация қилинди. Хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлаш ҳозирги жадаллик билан ривожланиб бораётган замонда муҳим аҳамият касб этади. Чунки жуда кўплаб касбларда аёллар меҳнатига эҳтиёж бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг ташаббуси билан ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташаббус ишлаб чиқилди. Жумладан, бешинчи ташаббус айнан хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида алоҳида чора-тадбирлар жорий қилинишига бағишиланди. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг таълим олиш хукуқи ҳам тўла таъминланган бўлиб, давлат бошқарувида аёлларнинг иштироки борган сари фаол тус олмоқда.

Хусусан, бугунги кунда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизи, Конунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизи хотин-қизлардан иборатdir. Бугунги кунда аёлларимиз барча соҳаларда эркин ишлаш имкониятига эга бўлиб, хоҳ маориф бўлсин, хоҳ санъат ёки ижтимоий-сиёсий соҳалар ҳамда тадбиркорлик ва фермерлик соҳалари бўлсин барчасида аёллар меҳнат қилиш хукуқига эгадирлар. Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни саклаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдни, илм-фан, таълим-тарбия маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигига 45 фоиздан ортиқни саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда.

Шунинг баробарида, аёлларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари давлатимиз ва халқимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. Мамлакатимизда гендер тенглиги бўйича миллий институтлар, яъни Конституциявий суд, Олий Мажлиснинг инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон хукуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти хузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институтлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг фаолияти самарадорлигига алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, ҳозир Адлия ва Ички ишлар вазирликларида, Бош прокуратурада гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича маҳсус тузилмалар ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Гребенкин Г. Узбеки \\ Туркестанские ведомости. 1871, № 30.
2. Электрон ресурс: Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. PDF/4219 КБ.
3. Муҳаммад Қутб. Ислам ва-ал-маръя. Шабухат хавла-л-ислам. - Қохира, 1954.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2014.



ОНАЛАР САЛОМАТЛИГИ МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Рўзиқулова Ойхумор Шермаматовна.
ТИҚХММИ, Геодезия ва геоинформатика кафедраси доценти.

Комилова Ниуфар.

Ўзбекистон миллий университети География

ва табиий ресурслар факультети

Ижтимоий-иқтисодий география кафедраси профессори.

Кубаева Юлдуз Исмаиловна.

Тошкент давлат педагогика университети,

Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

(бошланғич таълим) кафедраси магистранти

Оналар саломатлиги-миллат қўзгуси. Онани қўлига келажак эгалари топширилади. Демак, оналар соғлом ва интеллектуал савияси юқори, дунёқараш кенг, ҳар соҳада эркакларга чин маънода елкадош бўлишлари талаб этилади. Бу улкан масъулият. Оналаримиз, жумладан бўлажак оналар яъни қизалоқлар соғлиги бугунни энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Умуман аёлларга қўрсатилаётган эътибор таҳсинга лойиқ. Қонунлар миллат, жамият таракқиётига умуман барча инсонлар манфаатига хизмат қилишини кўзда тутиб қабул қилинади.

Ҳозирги кунда республикада хотин-қизларга, аёлларга эътибор сиёsat даражасига кўтарилди. Олий таълимга кириш имтиҳонларида кам таъминланган, ижтимоий аҳволи ночор, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, ногиронлиги мавжуд каби маҳаллада рўйхатда турадиган оила қизларига берилаётган имтиёзларни айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, турли соҳаларда муваффақиятларга эришган қизлар ўртасида “Зулфияхоним” танловини ўtkазилиши ва уни имкониятларини ҳам айтиш ўринли. Албатта, бундай эътибор ва муваффақиятларга эришишнинг қонуний асоси яратилган ва тобора такомиллаштирилмоқда.

Жиноят Кодекси (ЖК)нинг 148-моддаси 2-қисмига – қонунга зид равишда ҳомиладорлик ёки болани парваришлиш сабабли ишга қабул қилишни рад этиш ёки ишдан бўшатиш ҳолатлари юзасидан тузатишлар киритилди. Ҳозирга қадар ушбу таркибдаги жиноят доирасида жабр кўрганлар сифатида фақат аёллар эътироф этилган. Бироқ, болани эркаклар ҳам – оталар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ҳам парвариш қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

География жуда кенг тармоқли соҳа. Жумладан, тиббиёт географияси касалликларни ҳудудлар бўйлаб тарқалиш хусусиятлари, уларнинг сабаб ва оқибатларни ўрганади.

Onalar o'limni koeffitsienti
(Sog'liqni saqlash vazirligi ma'lumoti)
(100 000 tirk tug'ilganga nisbatan)

Hududlar	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020*
O'zbekiston Respublikasi	30,4	21,0	23,1	20,2	20,0	19,1	18,9	17,4	21,0	20,2	19,6	18,5
Qoraqalpog'iston Respublikasi	29,9	26,4	27,9	23,6	25,6	22,0	29,0	25,4	13,2	27,4	36,5	30,5
Andijon	21,0	18,3	21,2	18,9	17,1	17,7	12,9	10,2	11,9	13,8	18,0	14,7
Buxoro	28,7	23,1	30,4	20,4	29,9	10,4	7,6	7,8	8,1	19,8	19,4	9,6
Jizzax	18,6	27,0	27,8	19,7	14,6	16,7	25,1	28,5	42,0	26,6	30,2	13,1
Qashqadaryo	20,5	14,1	15,6	15,3	15,3	15,9	15,3	10,3	26,1	17,1	15,0	10,0
Navoiy	49,2	27,2	38,8	16,6	41,5	19,9	24,7	24,0	29,2	27,8	17,6	33,6
Namangan	31,1	21,7	21,1	15,8	10,6	11,2	8,1	9,7	21,2	12,0	11,1	5,4
Samarkand	20,0	16,0	16,2	17,5	18,2	19,4	21,4	18,1	22,2	19,2	21,9	9,9
Surxandaryo	23,5	13,7	16,6	13,3	15,9	19,8	18,6	22,4	20,0	27,8	23,4	36,2
Sirdaryo	35,6	12,3	12,9	12,7	18,0	17,2	5,6	11,3	17,0	27,2	14,5	38,0
Toshkent	47,8	32,8	31,7	28,4	21,8	27,7	44,3	35,0	32,9	27,0	21,8	28,8
Farg'ona	30,4	17,0	25,1	20,9	21,7	18,3	12,6	14,0	21,2	13,5	19,4	23,7
Xorazm	43,2	30,6	28,5	37,4	29,1	27,3	15,2	17,9	10,6	15,0	14,6	11,9
Toshkent sh.	47,4	25,4	26,4	23,6	21,6	26,1	25,7	18,2	18,5	28,5	15,9	20,0



* (жадвал Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида таёrlанди)

Жадвалдан оналар ўлими коэффициентини таҳлил қилдиган бўлсак, 2009-2020 йиллар оралиғида туманлар миқёсида оналар ўлими Қорақалпоғистон республикасида йиллар кесимида кўп бўлиб келган. 2020 йил Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида оналар ўлими максимал кўрсаткичга етиб, 36-38 нафарни ташкил қилди. Нисбатан ижобий кўrсаткичлар Наманган, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида қайд этилди.

Инсон саломатлиги жамият тараққиётининг ҳар бир даври учун кечиктириб бўлмайдиган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланганлик ҳолати мазкур ҳудудда яшовчи аҳолининг саломатлик ва саводхонлик даражаси билан белгиланади. Айнан шу икки кўrсаткич давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва инсон салоҳиятини ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ифодалайди.

Республикамизда аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш соҳасини модернизация қилиш, муттасил ортиб бораётган касаллик гурух ва турларини камайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” нинг 4-бандида «...аҳоли ўртасида касалланиш кўrсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш; соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўrсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган» вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда тиббий географик тадқиқотларнинг кўлами анча кенгайган бўлиб, айниқса онкологик яъни ўсма касаллуклари географиясини ўрганиш сўнгти даврларда ниҳоятда долзарб тус олмоқда.

Кўкрак бези билан боғлиқ ўсма касаллуклари кўпроқ Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида кузатилиши аниқланган. Касалликнинг бош сабаби экстроген гармони билан боғлиқ бўлиб, эрта турмуш қуриш холатлари оқибатида бундай хасталиклар тез авж олиши тадқиқотларда кузатилди.

Ўбекистан шароитида кўпроқ овқат ҳазм қилиш аъзолари (ошқозон, йўғон ва тўғри ичак), кўкрак бези фаолияти билан боғлиқ рак шакллари аҳоли орасида кенг тарқалган. Масалан, агар мамлакатимизда бундай хасталиклар билан касалланиш миқдори 1991 йилда ҳар 100 минг кишига нисбатан 76,2 ташкил қилган бўлса 2016 йилда бирмунча камайган (66,7). Хавфли ўсма касаллуклари энг кўп учрайдиган ҳудудлар Тошкент шаҳри (138,6), Бухоро (78,3), Тошкент (73,3) ва Навоий (67,7) вилоятлари ҳисобланади. Қолган вилоятларда эса бу кўrсаткичлар республика даражасидан анча паст. Айниқса, йирик саноат ва аҳоли ўта тифиз жойлашган шаҳарларда, шунингдек, фойдали қазилма конлари қазишига ихтисослашиб қолган ҳудудларда бу ҳол янада сезиларлидир. 1991 дан кейинги йиллардаги мазкур касаллик гурухи республикада йил сайин камайиб бормоқда. Бироқ мамлакатнинг айрим вилоятларида бу кўrсаткичлар бирмунча юқорилигича қолмоқда. Таҳлил этилаётган йилларда, жумладан, Андижон, Жиззах, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ўзгаришлар индекси бирмунча юқори. Бу ҳол вилоятда ушбу касаллик турининг ниҳоятда жадал ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Эслатиш зарурки, онкологик касаллуклар кундалик турмушимиз билан бевосита алоқадор ижтимоий касаллуклар ҳисобланади. У нафакат саноат марказлари, транспорт зичлиги юқори бўлган минтакалардагина эмас, қолаверса, аҳоли социал шароитлари меърида бўлмаган ҳудудлар учун ҳам хосдир. Чунки ҳар қандай хасталикнинг бош сабаби бу инсон танасида ўз-ўзини ҳимоя қилиш тизимининг (иммунитет) етарлича бўлмаслиги, ташки ва ички муҳит қаршиликларига бардош бериш қувватининг заифлиги билан белгиланади. Бу ҳолатлар кўпинча экологик инқироз ўчоқларида, урбанизация даражаси юқори бўлган минтакаларда кўпроқ кузатилади.

Ўсма касаллуклари ривожланган мамлакатларда ўлим кўrсаткичи бўйича иккинчи ўринни эгаллайди ва ривожланиш даражаси ўртача ривожланаётган мамлакатларда тобора аҳамиятли эпидемиологик омил бўлиб қолмоқда. 1930 йилдан 2000 йилгача ўсма касаллуклардан ўлим асосан ўпка раки ҳисобига бирмунча ўсади, айни вақтда унинг ошқозон



раки, бачадон, йўғон ва ингичка ичак раки сингари турлари билан касалланиш пасайди (Комилова, 2018).

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, қизалоқларга умуман хотин-қизларга берилаётган имтиёзлар сирасига спорт билан шуғулланишга эътиборни алоҳида қайд этиш ўринли. Соғлом овқатланиш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш орқали ҳар қандай касалликларга қарши кураш тизимини мустаҳкамлаб, оналар саломатлигини миллат кўзгуси даражасига чиқариш барчамизни бурчимиздир. Бу борада ўзимиз ўrnak бўлишимиз талаб этилади. Бежизга ёши улуғ аҳоли қатлами орасида: “Қуш уясида кўрганини қиласи” дейилмаган.



ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Нажмидинова Умида Акрамжоновна,
Ўлмасова Шоҳсанам Дилшодовна,
Самарқанд вилояти Самарқанд
шаҳар 11 - умум таълим мактаби
инглиз тили фани ўқитувчилари,

Аннотация Мақолада инновацион таълим технологияларининг усуллари, жумладан, интерфаол таълим методлари ҳамда дидактик ўйин технологияларининг мазмун моҳияти ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: инновация, педагогика, таълим методлари, таълим самарадорлиги, таълим сифати, таълим хизмати, инновацион таълим шакллари.

РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

В статье раскрыто содержание инновационных образовательных технологий, включая интерактивные методы обучения и дидактические игровые технологии.

Ключевые слова: инновации, педагогика, методы обучения, эффективность обучения, качество образования, образовательные услуги, инновационные формы обучения

ROLE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION

The article reveals the content of innovative educational technologies, including interactive teaching methods and didactic game technologies

Key words: innovation, pedagogy, teaching methods, learning efficiency, quality of education, educational services, innovative forms of education

Таълим сифатини оширишда инновацион технологияларнинг алоҳида ўрни бор. Ҳар бир дарс мавзуси ўзига хос алоҳида педагогик ва инновацион технологиянинг усул ва воситаларини талаб этади. Талабаларни ўқитишида юқори самарага эришиш учун инновацион технологиялардан дарс жараёнида унумли фойдаланиш лозим. Инновацион таълим технологиялари ноанъанавий таълим турига хос бўлиб, ундан мақсадли фойдаланиш тингловчиларга ўқув машғулотларини яхши тушуниб олиш имкониятини беради. Анъянавий таълим ўқувчиларни тайёр билимларни ўзлаштиришга ўргатган. Унда ўқитувчи шахси асосий ўринни эгаллаб, ўқувчи эса бу жараённинг пассив иштирокчиси бўлиб келган. Фан ва техника тараққиётининг ривожланиши натижаси ҳамда илмий ахборот хажмининг кескин ошиб кетиши оқибатида таълимда анъянавий усул кам самара берадиган бўлди. Фанни ишлаб чиқаришдаги ўрни ортиб бориши натижасида инновацион таълим ва педагогик технологияларнинг ўқув жараёнига киритишига бўлган қизиқиш ҳам ортиб борди. Замонавий технологиилар ўқувчиларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган билимлардан ўзлари хулоса чиқаришга ўргатади. Тадқиқот ишларида ўқув машғулотлари муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойихалаштириши, инновацион таълим шаклларидан фойдаланишини ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир дейилган. Шу сабабли ҳам республикамизнинг барча умум таълим мактабларида ўқитишининг инновацион таълим шаклларидан фойдаланишга катта эътибор берилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча умум таълим мактабларида инновацион технологияларнинг қуидаги интерфаол методлари қўлланилмоқда:



«Зинама-зина» - ушбу технология ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Ўқувчилар бу технология орқали гурухларда ишлашга ўрганади, ўтилган мавзуни субъект ўқитиш орқали мустаҳкамлайди.

“Балиқ скелети” - бу усул орқали ўқувчилар мустақил, кенг, ижодий, танқидий фикрлашни ўрганади. Ушбу технология балиқ модел чизмаси орқали намойиш этилиб, бунда унинг тепа қисмига ечилиши керак бўлган муаммо ёзилади. Пастки қисмига муаммони ҳал этилиш йўллари ёзиб борилади.

“Венн диаграммаси”- ушбу технология ўтилаётган мавзу ҳақида ўз фикрига эга бўлиш, матн билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён этиш, ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларни баҳолай олишга қаратилган методлардан биридир.

“Модулли ўқитиш технологияси” -бу дарс мавзуси мантиқан тугалланган, нисбатан мустақил қисмлар (модуллар, блоклар)га ажратилган бўлади. Бундай қисмлар ўқув элементлари дейилади. Ўқитувчи дарснинг технологик харитасини олдиндан ишлаб чиқади. Харитада ҳар бир ўқув элементи бўйича ўқувчи эришиши лозим бўлган мақсад, у бажарадиган ўқув вазифалар ва унинг ўзлаштириш даражасини текшириш учун саволлар қўйилади. Модул дастури машғулотда ўқувчилар ўзлаштирган билимни якунлаш билан тамомланади. Модулли ўқитиш технологияси якка ўқувчига ёки ўқувчиларнинг кичик гурухига мўлжалланади.

Семинар машғулотларини янада самаралирок ташкил этишнинг энг замонавий усуллари бу «Дидактик ўйинли» технологиялардир.

Ушбу технология ўқувчиларни касбга йўналтириш, ўқувчиларнинг мулоқат ва нутқ маданиятини ривожлантириш, улар билимларини чуқурлаштириш ва шахсини ривожлантириш вазифасини бажаради. Дидактик ўйинли технология дарсларни мазмунига кўра саҳналаштирилган ролли ўйинлар, ижодий ишбилармонлик ўйинлари, конференция ва ўйин машқли дарсларга ажратади.

“Саҳналаштирилган ўйинлар”-муаммоли вазиятнинг бир тури бўлиб, ҳаётий вазиятларни ўқувчилар томонидан саҳналаштирилишдан иборат. Уларда дидактик мақсад ўқувчилар олдига вазифа тариқасида қўйилади. Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ўйин қоидасига бўйсундирилади.

“Ишбилармонлик ўйинлари” - ишбилармонлик ўйинларида иштирокчиларига ўйин мавзуси таклиф этилади. Мавзу бўйича улар олдига таклиф этилган муаммони ечиш қўйилади. Ҳар бир иштирокчи ўз ролига мувофиқ келадиган чиқиш тайёрлайди ва бу ҳақда барча иштирокчилар билан маслаҳатлашади. Гурухнинг барча аъзоларини фаолияти умумий мақсадга эришишга қаратилади. Баҳолаш ўқувчиларнинг ташкилий фаолияти ва уларнинг умумий мақсадга эришишдаги ролли ўйинларининг мазмуни билан белгиланади.

“Ижодий ўйинлар”- технологияси ўқувчилар ўзлаштирган билим, қўникма ва малакалари ижодий қўллаш, ўқиш жараёнида пайдо бўладиган муаммоли вазиятларни ижодий изланиш орқали ҳал этишдан иборат. Бундай ўйинлар ўқувчиларнинг мустақил ижодий изланишлар ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришга, билимларни янада мустаҳкамлаш ва янги билимлар беришга қаратилган бўлади. Ижодий ўйинлардан барча фанлардан айниқса, “Инглиз тили”, “Она тили ва адабиёт”, “рус тили”, “Тарих” ва шу каби фанларнинг йирик мавзулар ва боблар бўйича ўрганилган билимларни умумлаштириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бунда гуруҳдаги ўқувчилар ўзлаштириш даражаси ва сони бўйича бир хил имкониятга эга бўлган гурухларга ажратилади. Ҳар бир гурух ўқитувчи тавсия этган топшириқларни мустақил ижодий бажаради. Гурухларни шартли равишда бир неча мутахассисларга ажратиш мумкин. Ҳар қайси гурух мутахассислари ўқитувчи тавсия этган топшириқларни мустақил ижодий бажариб, фанда “янгилик” кашф этишади. Ўз жавобларини кўргазмали куроллар ёрдамида асослаб беришади.

«Илмий конференция дарслари» технологияси- илмий конференция дарслари ўқиш фаолиятини илмий изланиш, маъruzга ва баҳс шаклида ташкил этишдан иборат. Бундай



дарслар яхши ўқийдиган ва қизиқувчи ўқувчиларга асосланган булиб, улар конференцияда чиқиши учун маъруза ва кўргазмали воситалар тайёрлашади. Қолган ўқувчилар конференция иштирокчилари сифатида ўзларини қизиқтирадиган муаммолар юзасидан саволлар тайёрланади. Ўқитувчи ҳар бир талабанинг мавзусини тахлил килиб беришда иштирок этади. Илмий конференция дарсининг асосий мақсади ўқувчиларни қўшимча адабиётлар, илмий-оммобоп материаллар билан ишлаш, маъруза тузиш, ўз фикрини баён этиш кўникма ва малакаларини нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантиришда катта имкониятлар яратиб беради. Ўқитувчи илмий конференция дарси мавзусини олдиндан белгилаб беради. Уни алоҳида кичик мавзуларга ажратади. Кичик мавзулар учун қўшимча адабиёт танлайди. Конференцияга тайёргарлик бўйича зарур кўрсатмалар беради.

Хулоса қилиб айтганда, дарс машғулотларининг семинар турини ташкил этишда дидактик ўйинлар технологиясидан, маъруза турини ташкил этишда эса интерфаол методларидан фойдаланиш катта самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Крившенко Л.П., и др Педагогика: учеб. /– М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 288 с.
- 2.Виненко В.Г. Общие основы педагогики. Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К0 ”, 2008. – 300 с.
- 3.Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: Молия, 2012. – 192 с.
- 4.Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Управление качеством образования. – Т.: Университет, 2004. – 611 с.
- 5.Файзуллаева Д.М., Лутфуллаева Н. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик. Модули бўйича Ўқув услубий мажмуа. Тошкент 2016.
- 6.Олимов Қ.Т. “Замонавий таълим технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар” модули бўйича йўқув услубий мажмуа, Бухоро, 2015 йил.
- 7.Муратов Х.И. ТДИУ “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2014 йил www.iqtisodiyot.uz



ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ - БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Севара Султонова Исмоил қизи
Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги
138-мактаб ўқитувчиси,
Аккунаева Махмуда Абдумаликовна
Сирдарё вилояти, Бахт шаҳридаги
14-мактаб ўқитувчиси.

Аннотация: Мазкур мақолада хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, интилиш ва ташаббусларини кўллаб-куватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини, Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласига жуда катта эътибор қаратилётгандиги. хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш ва уларнинг оиласидаги ва умуман жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган масалалар тадқик қилинган

Калит сўзлар: Хотин-қизлар, оила ,ижтимоий масалалар, давлат сиёсати гендер тенгликни таъминлаш, жамият ва давлат, ижтимоий-сиёсий фаоллик, аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари. эркинлик ,масъулият

Аннотация: Данная статья посвящена проблеме женщин в Узбекистане, которая поднялась до уровня государственной политики по повышению социально-политической активности женщин, защите их здоровья, обеспечению их прав и свобод, поддержке их стремлений и инициатив, созданию достойных условий труда и проживания. были изучены вопросы, направленные на защиту интересов женщин и укрепление их положения в семье и обществе в целом

Ключевые слова: Женщины, семья, социальные проблемы, государственная политика, гендерное равенство, общество и государство, социально-политическая активность, права и интересы женщин. свобода, ответственность

Annotation: Dannaya statya posvyashchena probleme jenshchin v Uzbekistane, kotoraya podnyalas do urovnya gosudarstvennoy politiki po povysheniyu sotsialno-politicheskoy aktivnosti jenshchin, zashchite ix zdorovya, obespecheniyu ix prav i svobod, podderjke in stiyaleniya i stremleniy i stremleniy. bili izuchenы voprosy, napravленные na zashchitu interesov jenshchin i ukreplenie ix polojeniya v seme i obshchestve v tselom

Keywords: Women, family, social issues, public policy, gender equality, society and the state, socio-political activism, women's rights and interests. freedom, responsibility

Давлатимиз раҳбари йил номини бежиз илм, маърифат, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлаб қўймадилар. Бунинг замирида ҳам халқимиз фарзандларини илмли қилиш, уларнинг тафаккурини, дунёқарашини юксалтириш мақсади ётибди. Шундагина рақамли иқтисодиёт ҳам ривожланади. Одамларда, айниқса, бўлажак оналарда келажак тақдирига бўлган ишонч мустаҳкамланади.

Шуни айтиш керакки, интеллект ва инновация бирлашган жойда аёллар учун ҳам янгидан-янги имкониятлар яратилади. У ҳатто уйда ўтириб илғор Ахборот Коммуникация Технологиялари ёрдамида ишлай олади, ўқиб-ўрганиб, янги касбларни эгаллайди.

Шунинг учун ҳам айни пайтда амалга оширилаётган “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Натижада ахборот технологиялари соҳасида нафақат ўғил болалар, балки қизларнинг салоҳиятини кашф этиш эшиклари кенг очилади.



Одамларнинг дахлдорлик ҳиссини ошириш, давлатга, оиласига, жамиятга нисбатан муносабатини ўзгариши, масъулиятни ҳис қилишга ўргатиш эса ўзаро ахилликни, давлатимизнинг халқчил сиёсати остида жипслashiшини талаб қилади. [2].

Бундай эзгу ишларга бағрикенг, меҳнаткаш, зукко, фахм-фаросатли, оқила, меҳрибон оналаримиз, опа-сингилларимиз, қизларимиз ўзларининг муносаби ҳиссаларини қўшимоқдалар. Уларнинг гўзаллиги, юзларидағи самимий кулги, байрамона рух, кўтаринки кайфият эса халқимизнинг забардаст инсонлари кучига куч, гайратига ғайрат, илҳомига илҳом қўшиши, шубҳасиз.

Етарли билимларга эга бўлмаслик кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Президентимиз биздан аёллар учун яна нима керак, қандай имкониятлар яратиб берайлик, деб кўп сўрайдилар.

Бугунги кунда хотин-қизларимизни қийнайдиган қўплаб муаммоларнинг илдизи улар билимларининг етишмаслиги, ўз ҳуқуқларини етарли даражада талаб қила олмаслигига бориб тақалади. Афсуски, оиласидаги ажримлар, келишмовчиликлар сабаб уйсиз, жойсиз қолаётган, ҳаттоқи, болаларининг таъминоти учун ҳам пул талаб қила олмаётган аёлларимиз бор орамизда. Жамият ва давлат бунинг олдини олиш учун нималар қилиши мумкин? [2].

Айнан шулардан келиб чиқиб, нималарни амалга ошириш лозим? Аввало, қизларимизнинг таълимига, билим олишига, касб эгаллашига катта эътибор қаратиш лозим.

Улар ўртасида турли мавзуларда кенг тушунтириш ишларини мунтазам равища олиб бориш зарур. Хотин-қизларимизни ҳаётга тайёрлашга барча тизим бирдек жавобгар бўлиши керак. Бунга бутун жамиятни жалб қилишнинг уддасидан чиқилса, аёллар масалалари билан шуғулланадиган маҳсус идорага ҳам ҳожат қолмайди.

Бунда айни пайтда ишлаб чиқилаётган Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш стратегияси дастуриламалга айланиши, шубҳасиз. Шундан келиб чиқиб, стратегияда давлат ва жамият томонидан бу борада қилиниши лозим бўлган барча тадбирлар акс эттирилди. Унда 2020 йилдан 2030 йилгача бўлган давр қамраб олинди. Энг муҳими, ушбу мақсадлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳам уйғундир. [3].

Ушбу стратегия фақат Сенатнинг тегишли қўмитаси ва комиссияси аъзолари томонидан ишлаб чиқилмади, балки унинг тайёрланишида кўплаб нодавлат ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари ҳам фаол қатнашди. Мазкур изланишлар давом эттирилмоқда.

Бугун жамиятнинг деярли ҳеч бир муаммосини, ҳатто келажаги буюк давлат қуриш вазифасини ҳам аёллар иштирокисиз ҳал қилиш мушкул. Келажаги буюк давлат қуриш борасида биз, энг аввало, ёш авлодга таянамиз. Фарзандни камолга етказиш оиласидан тарбияни тўғри йўлга қўйишдан бошланади. Оиласидаги ўғил-қизларимизнинг қандай инсонлар бўлиб етишиши ҳаммадан бурун аёлларимизга боғлиқ.

Кимлардир балки, аёл кишининг раҳбар бўлганининг нимаси яхши, дейиши мумкин. Нозик ҳилқат соҳибалари ижтимоий масалаларга кўпроқ юракдан ҳис қилиб ёндашади, дилидан ўтказиб қарорлар қабул қиласидилар. Ижтимоий масалалар эса, бу — халқнинг дарди, халқнинг муаммоси, шу кеча-кундузда унинг бошидан ўтаётган муаммолар билан узвий боғлиқдир, - мана саволга аниқ жавоб. [3].

Аёл буни кўпроқ, теранроқ туйишининг яна бир сабаби: у оила бекаси, болалар тарбиячиси, ва оила шифокордир. Сиёсий ҳаётда фаол бўлган хотин-қизларимиз айнан мана шундай хислатлари туфайли қонунларнинг янада ҳаётий бўлиши учун курашадилар, уларда аниқ масалалар, муаммоларнинг ечимларини ифодалаш учун жон куйдирадилар.

Бинобарин, Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласига жуда катта эътибор қаратиляпти. Уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари Конституциямиз, қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган.

Жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитларни яратилмоқда. Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабатда ўзининг тарихий илдизларига эга бўлган аждодларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нисбатан хурматли ва иззатли муносабатда бўлишга даъват этишган. [4].



Республикамиз БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш ҳақида”ги конвенциясига, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналини мухофаза қилиш тўғрисида”ги, ”Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида”ги конвенцияларига МДҲ давлатлари ичдан биринчилар қаторида кўшилди. Бу хужжатлар хотин-қизлар манбаатларини мухофаза қилиш ва уларнинг оиласидаги ва умуман жамиятдаги мавқенини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий - ҳуқукий хужжатлар комплексининг таркиби қисмидир. [1].

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини мухофаза қилиш, интилиш ва ташабусларини кўллаб-куватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни кўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонининг қабул қилинганини бунинг ёрқин ифодасидир. [1].

Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манбаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналиқ ва болаликни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. [3].

Ушбу Фармоннинг қабул қилинишидан асосий мақсад хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқенини мустаҳкамлашга, салоҳиятини тўла намоён этишига, оиласардаги ижтимоий-маънавий мухитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон аёллари давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, уларнинг оиласидаги мавқеи мустаҳкамланаяпти. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёsat хотин-қизларимизга чинакам баҳтли яшashi учун, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оиласий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун зарур имкониятлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни кўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони. 2018 йил 2 феврал.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони. 2020 й. Декабрь.

3. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Конуни. 2019 йил 2 сентябрь.

4. Файзиев Турғун. Темурий маликалар. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994.

5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон деклерацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини химоя қилиш миллий тизими. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

6. Маҳкамова Ф. Аёлларнинг жамиятдаги ўрни - жамоатчилик эътиборида// Аёлларнинг жамиятдаги ўрни — жамоатчилик эътиборида// <http://old.xs.uz/>; “Ижтимоий фикр”: Аёлларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ўсиб бормоқда // <https://daryo.uz/> k/ 2018/ 01/ 24/ ijtimoiy-fikr-ayollarining-mamlakat-hayotidagi-orni-osib-bormoqda/

7. Норбоева Т. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манбаатлари – давлат эътиборида. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 й.13 октябрь



8..Нишонова Н. Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертация – Тошкент, 2020.



ХОТИН ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

У.А.Насритдинова

ТИҚХММИ Чизма геометрия ва муғандислик
графикаси кафедраси
доценти п.ф.ф.д.(PhD), umiasp@mail.ru,

У.Р.Тоғаева

ТИҚХММИ Гидротехника қурилиши
факультети 102 гурух талабаси

Аннотация Мақолада хотин қизларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишда оиланинг ўрни ва аҳамияти ундаги аёлга нисбатан мотивация бериш омиллари ва корхона ёки ташкилотда бу омилларни ривожлантириш йўллари атрофлича ёритилган. Мақолада шунингдек Республикаизда бу борада олиб борилаётган сай-ҳаракатлар, гендер тенглиги бўйича дунё миқёсида аёлларнинг жамиятдаги ўрнини оширишга қаратилган ижобий ўзгаришлар ҳақида фикр юритилган. Буларни амалга оширишда оила ва корхонада интеграцион ёндашув асосида қайси омилларга эътибор берилиши лозимлиги келтирилган ва таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: аёлнинг оиладаги фаоллиги ошурувчи омиллар, хотин қизларнинг корхона ёки ташкилотдаги фаоллигини оширувчи омиллар, гендер тенглиги, рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш

ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН В ОБЩЕСТВЕ

Аннотация В статье подробно обсуждается роль и значение семьи в увеличении участия женщин в обществе, факторы, которые мотивируют женщин в этом, и пути развития этих факторов на предприятии или в организации. В статье также рассматриваются усилия, предпринимаемые в нашей стране в этом направлении, позитивные изменения, направленные на повышение роли женщин в обществе в мире по вопросам гендерного равенства. Представлены и проанализированы факторы, которые следует учитывать при их реализации на основе комплексного подхода в семье и на предприятии.

Ключевые слова: факторы, увеличивающие участие женщин в семье, факторы, увеличивающие участие женщин в предприятии или организации, гендерное равенство, стимулы, поддержка

FACTORS FOR INCREASING WOMEN'S ACTIVITY IN SOCIETY

Annotation The article discusses in detail the role and importance of the family in increasing the participation of women in society, the factors that motivate women in this, and the ways in which these factors develop in an enterprise or organization. The article also discusses the efforts made in our country in this direction, positive changes aimed at increasing the role of women in society in the world on gender equality. The factors that should be taken into account when implementing them on the basis of an integrated approach in the family and at the enterprise are presented and analyzed

Key words: factors that increase women's activity in the family, factors that increase women's activity in the enterprise or organization, gender equality, incentives, support

Барчамизга маълумки бугунги кунда нафақат таълим жараёнида балки барча соҳаларда хотин қизларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш уларнинг оиладаги ҳамда корхона ва ташкилотдаги фаолиятига муносиб баҳо бериш орқали жамиятда соғлом ва маънавий-маърифий илм билан бойитилган мухит ривожланишига эришиш мумкин.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” да белгиланган асосий вазифаларни мантикий давом эттириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 2-февралдаги “Хотин



қизларни қўллаб- қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги гендер тенглиги тўғрисидаги қатор фармонларида хотин қизларнинг оиласидаги ва иш фаолиятидаги ролини ошириш фикрлар билдирилган[1,2].


Бу борадаги фикрлар албатта ҳар бир оиласидаги аёлга тегишли эканлиги унинг ижтимоий келиб чиқиши, жамиятдаги ўрнидан қатъий назар ҳәётидаги муаммоларни бартараф этишда туғри қарор қабул қилиш, оиласидаги вазифасини сидқидилдан бажариш, фарзанд тарбияси каби оғир ва шу билан бирга муҳим бўлган вазифаларни бажаришда аёлларнинг тадбирлилиги, оқила ва уддабуронлиги, ақли ва бошқа фазилатлари муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари оиласидаги аёлга таянч бўладиган энг аввало оила бошлиғи хисобланади. Шундай аёлларимиз борки, улар оила ва фарзанд тарбиясини ҳамда жамиятда тутган ўрнини карерасини бир вақтни ўзида ривожлантириб боради ва бунга эришади. Ташқаридан қараганда бу аёллар фарқлидек кўринади лекин унинг таянчи оиласидаги энг яқин инсони турмуш ўртоғининг тушуниши ва қўллаб қувватлашида деб биламан [5,6].

Шу боис ушбу мақолада айнан олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган хотин қизларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга таъсир этувчи бир нечта омиллар уларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганишга ва ушбу фаолликни оширишда нималарга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини ёритишга ҳаракат қилдик [3,4].

Барчамизга маълумки жамиятдаги фаол аёл сифатида барча аёллар ўз соҳаси нуқтаи назаридан фикр юритиши одат бўлиб қолган. Шу анъанага содик қолган ҳолда олий таълим соҳасида аёлларнинг фаоллигини ошириш борасида аввало бизга ўrnak бўла оладиган турли фазилатлар билан наъмуна бўладиган аёлларни келтириб ўтсан техника фанлари доктори профессор Д.Ф.Кучкарова илм-фанга баҳшида умр сифатида ушбу аёлга таъриф бериш мумкин. Қатор шогирдлар, илм чўққиларини оғишмай забт этишда берган ўйтлари ҳар қачон қулоғим остида жаранглайди. Ўрта осиёда ягона олима аёл сифатида график таълим самарадорлигига қўшган ҳиссаси бекиёс бўлсада табиатан камтар инсон [7,8].

Педагогика фанлари доктори профессор З.К.Исмоилова педагогика соҳасидаги кўплаб шогирдларнинг устози, қатор ўқув адабиётлари муаллифи, ҳарқачон табассум билан муаммоларни бартараф этувчи, жамиятдаги фаол аёл сифатида ўзини кўрсата олган инсон.



1- Расм. Оиласидаги соғлом муҳитни шакллантиришнинг муҳим омиллари тузилиши




Буларни яна кўплаб келтириш мумкин[9,10]. Аммо вазифамиз бугунги кунда хотин-қизларимизни, ёш янги ҳаёт остонасида турган магистрант ва талаба қизларимизни жамиятдаги фаоллигини оширишда оилада ва иш фаолиятида таъсир этувчи бир қатор бир-бираига таъсир этувчи омилларни кўриб чиқамиз.

Ушбу соғлом муҳитни шакллантириш омилларини оилада оила бошлиғи эркак томонидан асосан ташкил қилиниши лозим. Албатта бу омилларнинг яхши самара бериши учун аёл ҳам маъсулиятли ва ўз вазифаларини бажариши, оилада ўзаро ҳурмат бўлиши лозим. Аёлни жамиятда ўрнига эга бўлиши ва ўзига бўлган ишончни шакллантириш бир томондан ҳаёт синовлари ва қийинчиликлари бўлса, иккинчи томондан унга яратилган оиладаги шароитга боғлиқ.

Ушбу омилларни таҳлил қиласидан бўлсак,

- аёл оилада ўз фикрини мустақил баён этиши ва бу фикр тўғри ёки нотўғрилиги бўйича оила бошлиғи тўғри қарор қабул қилиши лозим. - аёлни оилада қўллаб –куватлаш уни тушуниш бўлмаса у йиллар давомида ҳамма юкни ортиб оҳири ҳамма нарсага қизиқиши сўниши мумкин.
- агар аёлни оилада кичик муваффақиятини эътироф этсангиз у бунданда янги марраларни забт этишда оғишмай ҳаракат қиласи
- аёл оила ва фарзанд ҳамда иш фаолиятини олиб боришида қийинчиликларга учраши табиий агар оилада уни куллаб-куватлаб ёрдам берилса у янада ривожланади
- Бир ҳил муҳитдан қочиши оила даврасида дам олиш ва маданий ҳордиқ кейинги мазмунли ишлашнинг бошланишидир[5].



2-расм. Таълим муассасаси томонидан аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишдаги муҳим омиллар

- оилада доим янгиликка интилиш, ўрганиш бўлса бу оила ўсади
- агар аёлга бир оғиз ширин сўз айтилса кифоя 1-расм. Унинг қалби тоғдек кўтарилади. Аммо кутилмаган қувончли сюрпризлар ҳам ёмон эмас масалан бу фарзандларнинг ўз қўллари билан бажарган расм ёки бошқа меҳнатлари, эркак томонидан пиширилган ширин таом бўлиши мумкин[6].



Бундан ташқари аёлни жамиятдаги фаоллигини оширишда у фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилот ҳам жуда муҳим рол ўйнийди. Масалан олий таълим соҳасида фаолият олиб бораётган аёлларга ўз фаолиятидан қониқиш ва ўзларига нисбатан талабчанликни оширишда муассаса томонидан яратиладиган шароит ва эътибор муҳимдир. Куйида таълим муассасаси томонидан аёлларнинг фаолиятига нисбатан алоҳида эътибор нуқтаи назаридан қўйидаги ёндашув ва таклифлар тузилиши келтирилган. 2-расм.

Шундай қилиб хотин қизларнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини оширишда оила ва ташкилотдаги ўзаро таъсир этувчи омиллар соғлоим муҳит асосида шакллантирилса ўйлайманки аёллар жуда кўп соҳаларда етакчи ва илм даргоҳларида бошқарув фаолиятини олиб боришга қодирдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909 сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.70-71 .

5. Юсупова Ш. Аёлларнинг маънавияти келажак кўзгуси. Оила ва жамият журнали. 2018 й. №2 сон. 25-30 бетлар

6. Қаххорова Б. Таълим, тарбия оила муаммолари. Педагогик таълим журнали, 2017 й. №3 сон. 45-52 бетлар.

7. Маликова Ш. Хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва аҳамияти. Оила ва жамият журнали. 2019 й. №5 сон. 52-57 бетлар

8. Раҳмонов А Педагогик таълимда таълим ва тарбиянинг ўрни, аҳамияти Педагогик таълим журнали, 2019 й. №4 сон. 48-55 бетлар.

9. Азизхўжаева К Педагогик таълим босқичлари. Педагогик таълим журнали, 2006 й. №4 сон. 25-32 бетлар.

10. Парпиева В Оилада аёлнинг ўрни ва аҳамияти. Оила ва жамият журнали. 2016 й. №3 сон. 45-52 бетлар



ОИЛАЛАРДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА КЕКСА АВЛОД – ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ КЎЗГУСИДИР

Тургунова Азиза Ташпулатовна,
Низомий номидаги ТДПУ, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), в.б. доцент,
aziza.turgunova.88@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада шарқ халқларида гендер тушунчасини ривожлантириш ва амалиётга тадбиқ этиш масалалари, жамият ва оиласда гендер тарбияни амалга оширишда аёл ва эркакнинг ролига эътибор қаратилади. Шунингдек, ижтимоий ҳаётда аёллар ролини ошириш, моддий қўллаб-қувватлаш, ғамхўрлик қилиш, уларнинг оғир меҳнатига йўл қўймаслик, бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинган.

Таянч иборалар гендер тенглик, тарбия, ижтимоийлашув, таълим-тарбия жараёни, миллий қадриятлар, кўникма, танқидий тафаккур, фуқаролик позицияси, оила, шахс, ташаббускорлик, ибрат, кекса авлод.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В СЕМЬЕ ПОЖЫЛОГО ПОКОЛЕНИЯ- ПРИМЕР ДЛЯ МОЛОДЕЖИ

Аннотация: Данная статья посвящена развитию и реализации гендерного понятия у народов Востока, роли женщин и мужчин в реализации гендерного образования в обществе и семье. Раскрыты и обсуждены также вопросы повышения роли женщин в общественной жизни, финансовой поддержки, предотвращения их тяжелого труда и трудоустройства.

Ключевые слова: гендерное равенство, воспитание, социализация, образовательный процесс, национальные ценности, навыки, критическое мышление, гражданская позиция, семья, личность, инициатива, пример, старшее поколение.

ENSURING GENDER EQUALITY IN THE ELDERLY GENERATION FAMILY - AN EXAMPLE FOR YOUNG PEOPLE

Abstract: This article is devoted to the development and implementation of the gender concept among the peoples of the East, the role of women and men in the implementation of gender education in society and the family. The issues of enhancing the role of women in public life, financial support, prevention of their hard work and employment were also disclosed and discussed.

Key words: gender equality, upbringing, socialization, educational process, national values, skills, critical thinking, citizenship, family, personality, initiative, example, older generation.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ти 562 –сон қонунида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш белгилаб қўйилди. Қонунда “гендер” тушунчасига таъриф берилиб, гендер – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳат ҳисобланади дейилган.

Бундан кўриниб турибдики ҳозирги кунда гендер тенглиги масаласи жуда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Аслида “Гендер” тушунчасининг лугавий маъноси лотинча “genus”, яъни “жинс” маъносини англатиб, жамиятда ҳар икки жинс вакиллари ўзларининг шахсий фазилатларини намоён қилиш учун тенг, бир хил шароит ва имкониятларнинг мавжудлигини англатади. Биологик жинс инсонларни аёл ва эркакларга ажратса, гендер эса – аёл ва эркакларнинг жамиятдаги статусини ажратишга қаратилган. Жамиятда аёл ва



эркакларнинг ўз ўрнини топиши ва белгилаши учун давлат уларга бир хил шароит ва имконият яратиб бериши гендер тенгликни таъминлашда асос бўлиб хизмат қиласи.

Дунё аҳолисининг ярмини аёллар ва қизлар ташкил этади бу инсоният салоҳиятининг ярмига тенг деганидир. Шу сабабдан аёллар ҳуқуқларни кафолатлаш ва уларнинг қадр қиммати, ўз имкониятларини юзага чиқариши, эркин қарорлар қабул қилиши, билим олиши, касб эгаллаши учун имкониятлар яратиш нафақат гендер тенгликка эришиш учун балки жамият маънавий ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Аёллар ва қизлар бу орқали ўз оиласига қўшимча даромад келтиради, ватани ривожланиши учун ҳисса қўшади, сиёсий жараёнларда иштирок этади. Зиёли аёлнинг фарзанди тарбияли, билимга чанқоқ, юртни, ватанини севадиган соғлом фарзанд бўлиб улгаяди.

Айрим давлатларда гендер тенглик ёки тенгсизлик муаммоларини жамиятнинг барча соҳаларида жумладан, сиёsat, иқтисодиёт, меҳнат бозори, ҳуқуқ, мафкура маданият, таълим, илм-фанда намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Бунга мисол сифатида меҳнат бозорида аёлларнинг ролини таҳлил қиласи. Сўнгги йилларда хотин-қизларни меҳнат бозорида ҳақ тўланадиган ишларда иштироки ўсиб бораётган бўлсада, аёлларни ишлатиб маошини бермаслик, оғир меҳнатга жалб қилиш холатлари учраб турибди бу эса аёлларни эрларига моддий жиҳатдан қарам қилиб қўймоқда. Аёллар кўпинча бир кунлик ёки вақтингчалик ишларда эркаклар эса яхши маошли доимий ишларда ишлаб келмоқда. Айрим жойларда иш берувчиларнинг аёл кишиларни ишлатишни хоҳламасликлари гендер тенгсизликни юзага келтиради. Баъзи иш берувчилар ходимнинг жинси унинг касбий фаолиятини, ишдаги муваффақиятларини белгилайди деб ҳисоблашади. Масалан, эркак киши аёл кишига нисбатан бизнесда омадлироқ деган фикр кенг тарқалган. Эркаклар аёлларга қараганда мантикий тафаккурга эга, улар ишбилармонлик муносабатларини фойдалилик, ҳамкорлик асосида амалга оширади. Аёллар эса меҳрибонлик, ҳамдардлик, сезги асосида қуради деб ишонишади. Аслида эса эркаклар аёлларга қараганда хар қандай холатда ўзини тута олади ва хавфли вазиятларда қийналмай қарор қабул қила олади. Меҳнат муносабатларида ҳамкорлик алоқаларида эса кўпинча аёллар устувор ҳисобланади, сабаби аёлларда шахслараро муносабатларда аёллик фазилатлари яъни сезги, аёллик жозибаси, ишбилармонлик муносабатларида мураккаб сиёsat қобилияти, мулоқот қилишда майнлик, хушмуомалалик устувор ҳисобланади. Иш жойларида учрайдиган муаммолар иш ҳақининг пастлиги, меҳнат поғоналаридан қўтарилилмаслик, раҳбариятнинг қаттиқ танқидларига эркаклардан кўра кўпроқ аёллар тоқатлироқ, чидамлироқ бўлишади. Аслида эса эркак бўладими ёки аёл иш берувчи ўз ташкилотида самарали, тиришқоқ, ўз устида ишлайдиган, фойда келтирадиган тажрибали ишчини кўришни хоҳлайди.

Муаммога Ўзбекистон мисолида қарайдиган бўлсак, жамиятимизда аёллар масаласига катта эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати таркибида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш бўйича миллий қонунчиликда халқаро стандартларни уйғунлаштириш билан шуғулланувчи янги Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил қилинди. Бундан ташқари, меҳнатга оид ҳуқуқларнинг кафолатлари ва қўллаб-куватлашни янада кучайтириш, уйдаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш мақсадида Зўрлик ишлатишдан жабр қўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Республика маркази ва Хотин-қизлар тадбиркорлиги маркази, Ҳукумат хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази каби янги тузилмалар ташкил этилди. Қабул қилинган норматив-меъёрий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг гендер сиёсати соҳасидаги муҳим қадамидир ва у қонунчилик ҳамда амалиётнинг халқаро меъёр ва жаҳон стандартларига тўлиқ мос келади.

Гендер тенгликни таъминланганлигини 2019 йил декабрь ойида Олий Мажлисга ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайлов натижаларида ҳам кўришимиз мумкин, сайловга кўра, аёл депутатлар сони Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 32 фоизини, аёл сенаторлар эса Сенат аъзоларининг 25 фоизини, маҳаллий Кенгашларда эса хотин-қизлар



улуши 25.6 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон парламенти жаҳондаги 190 та парламент орасида 44-ўринни эгаллади.

Жамият ривожланишининг асосий кўринишларидан бири ҳар икки жинс вакиллари ўртасида тенг хукуқлар, тенг имкониятлар тизимининг мавжудлигидир. Агар қайсиидир жамиятда гердер тенглик таъминланмас экан у жамиятда ривожланиш бўлмайди, сабаби аёл ва эркак хукуқлари бузилар экан ўша жамият ижтимоий ҳаётида тенгсизлик юзага келади, меҳнат унумдорлиги пасаяди, иқтисодий ўсиш секинлашади, фарзандлар носоғлам туғилади, қашшоқлик даражаси ортиб боради.

Афсуски жамиятимизда аёллар ва эркаклар хукуқлари тенглиги ҳар доим ҳам бир хилда намоён бўлавермайди, сабаби эркакларнинг аёл кишини ожиза деб билиши баъзи оилаларда тарбия орқали анъана сифатида сингдирилган. Бежизга айтишмайди “Куш уясида кўрганини қилади” деб. Оилаларда гендер тенгликни таъминлашда катта авлоднинг ўрни жуда муҳим, геронтопедагогик тадқиқотларга кўра, авлодлар ўртасида ворислик қонунияти орқали айнан катта авлод ўз ибратлари илму маърифати орқали, билим ва тажрибаларини келажак авлодга ўргатиб, ёшларнинг қалбига сингдириши, ҳаётга татбиқ қилиши лозим. Шу сабабдан ҳам оила ижтимоий институт сифатида гендер тенглик масалалари ҳам биринчи навбатда оилада эр хотин ўртасидаги муносабатларда шаклланади. Нега энди айнан оилалар ва уларнинг муҳитида эркак ва аёлнинг тенглик масалаларини ўрганиш давлат сиёсати даражасида ўрганилмоқда? Сабаби, айнан оила омили турли ижтимоий мақомларни эгаллайдиган жамоа сифатида шахс тарбияси, авлодлар ворисийлиги билан инсонга бутун умри давомида таъсир этувчи, мавжуд бўлишига кўра тоифаланувчи фуқаролик жамияти институтларидан биридир.

Ўз даврида жадид бобокалонларимиздан А.Фитрат “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам кучли ва тартибли бўлади” деб таъкидлаган. Демак, оилалар кичик ижтимоий институт сифатида фаолият олиб бориши билан индивидуал қобилиятларни, шахсий, касбий қизиқишиларни, таълимий, тарбиявий, ахлоқий меъёрларни, эркак ва аёл ўртасидаги тенглик масалаларини шакллантиради. Шу сабабдан оилада эр ва хотин ўртасида тенглик ғояси, бир-бирларини хурмат қилиш, ҳамкорлиқда фаолият юритиш, эркин фикр юритиши учун шароит яратиш, хукуқ ва эркинликларини кўллаб қувватлаш, гендер тенгликни таъминлашнинг бошланғич кўринишлари хисобланади.

Биз биламизки қадимдан эр ўз оиласини боқиши, пул топиб келиши, уй рўзғорини бут қилиши, моддий томондан таъминлаши, аёл эса уй юмушларини бажариш, овқат қилиш, бола тарбияси билан шуғулланиши лозим бўлиб келган. Кўп йиллар давомида ривожланиб анъанага айланган эр боқувчи хотин она таъмойили эр ва хотин ўртасидаги муносабатларга катта таъсир ўтказди, сабаби жамиятда ҳар бир инсоннинг қизиқишилари, интилишлари, салоҳияти ва лаёқати ўзига хос индивидуалдир. Лекин шундай бўлсада аёллар оиласини, фарзандларини ишидан кўра устун кўради, қадрлайди. Кўпчилик ўзбек аёлларига мартабадан кўра фарзандларининг баҳту саодати ва фаровон ҳаёти муҳумроқдир.

Бугунги кунда оилаларда аёллар гендер тенглигини бузилишида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- кўпчилик оилаларда аёлларнинг эркакларга молиявий қарамлиги;
- оилада уй юмушлари асосан аёлларга юклатиб кўйилганлиги;
- болалар тарбияси билан кўпроқ аёллар шуғулланиши;
- аёллар маошининг эркакларга нисбатан камлиги;
- оилаларда аёлларнинг таълим олишига тўсиқларнинг мавжудлиги ва х.к.

Минг афсуски, кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда тарқалаётган айрим эркакларнинг ўз турмуш ўртоғига муносабати ёки аёлларнинг ўзбек аёлига хос бўлмаган ўзини тутиши, муомаласи, ҳақорату дашномлардан иборат гап-сўзлари каби айрим ҳолатлар киши кўнглини хира қилмоқда. Бундай ҳолатларни кўриб, кўпни кўрган айрим кекса авлод вакиллари ва ўрта ёшли кишиларнинг норози бўлиб гапиришига, уларни гоҳ илмсизлик, гоҳ ахлоқсизлик ва гоҳида одобсизликда айблашларига тез-тез гувоҳ бўламиз.



Аслида эса гендер тарбиянинг асоси оиладан бошланиши барчамизга маълум албатта. Бу масалада маърифатпарфар бобомиз Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” номли асарида шундай дейди: “Тарбияни кимлар қилур? Қаерда қилинур?” деган саволга келадур. Бу саволга биринчи уй тарбиясидир. Бу она вазифасидир. Иккинчидан мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидир, деб жавоб берса бу киши деюрки “қайси оилаларни айтарсиз билимсиз боши пахмоқ, қулоғи тухмоқ оналарни? Ўзларида йўқ тарбияни қандай олиб берурлар” дер. Отасига нима дерсиз, десак “Қайси ота? Тўйчи улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи илм қадрини билмаган илм учун бир пулни кўзлари қиймаган замондан хабарсиз оталарни айтиурсиз? Авлал ўзларини ўқитмоқ, тарбия қилмоқ лозимдир” деб таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам кўп нарса катта авлод ибратига боғлиқ. Чунки ёшларни фазилатларга бой шахс сифатида камол топтиришнинг асосий омилларидан бири ибратдир.

Хулоса қилиб айтганда, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштириш ва гендер тенгликни таъминлашда эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўз ўрни бор. Оилавий ҳаёт масалаларида эркак ва аёл жамиятдаги меъёрларга амал қилиши, зиммасидаги бурч ва вазифани қонун доирасида, адолат тамоилларига риоя қилган ҳолда бажариши, оила бошқаришни билиши, ёшларни ўз ортидан эргаштира оладиган, турли ишларга чиройли тарзда сафарбар эта оладиган салоҳиятга эга бўлиши, нафақат оила аъзоларига, балки жамиятнинг барча аъзоларига ибрат бўлиши зарур. Эр ва хотиннинг гендер тенглик масаласида бир-бирларини тушуниши, хурмат қилиши оилавий масалаларни биргаликда ҳал қилишга харакат қилиши оилада юзага келадиган ҳар қандай низо, ихтилоф ва муаммоларни тинч йўл билан бартараф қилишга имконият яратади. Сабаби, ота-она, келажак авлод эгалари – ёшлар учун ибрат кўзгусидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- № ZRU-561 (2019). Закон Республики Узбекистан «О защите женщин от притеснения и насилия» от 2.09.2019 г. [Электронный ресурс] URL: <https://lex.uz/docs/4494712> (дата обращения: 04.06.2020).
- № ЗРУ-562 (2019). Закон Республики Узбекистан «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» от 03.09.2019 г. [Электронный ресурс] URL: <https://lex.uz/rus/docs/4494873> (дата обращения: 04.06.2020).
- Абдурауф Ф. Оила. -Т.: Маънавият, 1998. – 112 б.
- Oppenheimer, V. (1997). Women's Employment and the Gain to Marriage: The Specialization and Trading Model, Annual Review of Sociology, 23. P. 453.
- Айвазова С.Г. Гендерное равенство в контексте прав человека. Консорциум женских неправительственных объединений. — Москва: Эслан, 2001.
- Базуева Е.В. Зарубежный опыт развития системы институтов гендерной власти эгалитарного типа Статья // Социологические исследования, 2015, №05 - М.: Наука. 2015 – С.102-109.
- Бендас Т.В. Гендерная психология. СПб.: Питер, 2006. — 431 с.
- Воронина О.А. Феминизм и гендерное равенство. М., Эдиториал УРСС, 2003. – 320 с.
- Гам Александр Владимирович Гендерное равенство в правах и жизнетворчестве как фактор развития семейных отношений // Образовательный вестник «Сознание». 2016. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/gendernoe-ravenstvo-v-pravah-i-zhiznetvorchestve-kak-faktor-razvitiya-semeynyh-otnosheniy> (дата обращения: 31.10.2020).
- Заборин Н.В., Осадная О.Е. (ред.) Гендерные проблемы и развитие. Стимулирование развития через гендерное равенство в правах, в доступности ресурсов и возможности выражать свои интересы. Весь Мир, 2001. – XX + 386 с. — ISBN 5-7777-0153-1.
- Кейзик Анна Сергеевна Гендерное неравенство на современном этапе развития общества // Символ науки. 2015. №7-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/gendernoe-neravenstvo-na-sovremennom-etape-razvitiya-obschestva> (дата обращения: 31.10.2020).



12. Тихонова Н.Е. Гендерные аспекты влияния реформ 90-х годов в России на положение бедных городских домохозяйств. Гендерное равенство в России: законодательство, политика, практика. Материалы научно-экспертного семинара. Москва, 26 февраля 2003 года. — 11 с.



THE GENDER EQUALITY OF WOMEN AND THEIR ROLE IN THE SOCIETY

Umarova Feruza Nigmatovna

Umarova Shaxzoda Zoirjon kizi

Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Mechanization Engineers

Annotation. Gender is the term used to describe socially constructed categories based on sex (sex refers to a biological distinction). Gender is a social construction. It passes through the concept of gender that society transforms female and male human beings into social women and men, assigning their roles and giving them cultural value. Women in recent years have been given an equal opportunity as men to participate in some areas such as politics, education. Gender equality is achieved when women and men enjoy the same rights and opportunities across all sectors of society, including economic participation and decision-making, and when the different behaviors, aspirations and needs of women and men are equally valued and favoured. Gender equality is not only a fundamental human right, but it is a necessary foundation for a peaceful, prosperous and sustainable world. The state of equal ease of access to resources and opportunities regardless of gender and the state of valuing different manners, and needs equally is discussed in this article.

Key words: gender, equality, concept of gender, cultural value, society, behaviors, opportunities, aspirations, economic participation.

Introduction. Gender stereotypes are structured beliefs about the socio-psychological characters of women believe that men and women are substantially different on number characteristics [1]. I prefer to think that all people are the same no matter what you are – a man or a woman. We all eat, drink, sleep, cough, and laugh at the same things. But in some ways each person is different and individuals' differing wants and preferences may conflict with each other. Many conflicts between men and women had happened in the world to prove who is better and supreme. Psychologists maintain that gender turns out to be the one of the most important determinants of human behavior, and try to make sense of seemingly senseless misunderstandings that haunt men and women relationships. Psychologists' data show: women tend to focus of intimacy and men on independence. Though all humans need both intimacy and independence, women tend to focus on the first and men on the second. That is the main difference leading to numerous conflicts and problems between genders [2].

Research Methodology. About half of our population is women, so, democratically speaking; they deserve all the rights and importance in society, which can help them to perform their roles. Social norms construct and reinforce attitudes about women and men proper work roles, their participation in family and community life, modes of dress and demeanour and their appropriate styles of verbal behavior. That is a stereotype that a woman is a housewife and a man is a money-earner. People believe that men and women are substantially different on a number of characteristics. Men are considered higher in self-interest, women are considered higher in a concern of others. Men are forceful, adventurous, aggressive, self-confident, rude, independent, ambitious, active and dominant. Women are affectionate, emotional, gentle, weak, sensitive, nagging and sentimental.

Women are as important as men in any society. They stay in the house and keep it in good order. They cook food for the family. After marriage, they give birth to children. They provide every comfort to their husbands and children. Quite a few women stay outside the house to teach or work in government and private offices, hospitals, business centers, banks, and public places. In the villages, they work side by side with men in the fields and look after animals at home. In this way, they contribute to social and national progress.

The work and functions of women are greatly important for the family. Properly educated and trained women can be of immense help to their husbands and working members of the family. They can teach, train and bring up their children on the right lines. They can advise their husbands and



other members of the family in important property, business and professional matters. Their role, then, in the family becomes supremely important [10].

We need educated and well-trained women in the villages and small towns. Female teachers, doctors, social workers, government officers, and teachers are needed everywhere. Many of our schools and colleges for girls are without enough female teachers. The clinics and hospitals in the villages and towns require female doctors, nurses and paramedics (doctors' helpers) in most places. Social workers for the guidance of women and children in the village and town streets, houses, markets and public places like parks, railway and bus stations, and health centers are urgently needed. These trained social workers can advise women and children about what they can and should do for a better life. They can tell them about safe and cheap travel from one place to another. They can discuss ways of keeping healthy and fit.

Analysis and results. In the bigger cities, we need educated and trained women to work in schools, colleges and universities, hospitals, offices, firms and companies, airports and seaports, business centers, factories, TV stations, and newspaper offices in different capacities. The fields of engineering, aviation (flying and airplane operation), agriculture and industry are open to women now. They can work in the home and work outside to earn money and to keep active in professions of their liking. There are professions like medicine and teaching where women can work better than or equally well with men. Female schoolteachers, doctors, nurses, composers, artists, designers and shop assistants are in great demand. It all shows the importance and usefulness of women in our society and other societies as well.

For centuries, men considered women the less intelligent of the sexes. This terribly wrong perception caused immense loss to their self-dignity. However, at present, women have been playing major roles in politics, economy, household, society, and nation building. A youthful, fashion-conscious and smart girl has replaced the timid female of the past. Women are jostling shoulders with men and competing with them in engineering, sciences, space research, medicine, and business. This marked change in their status reflects the fact that their emancipation is almost complete.

Only, a few decades ago, the condition of the woman was increasingly poor. Her position was secluded and she was assigned a lower status in society. She was virtually condemned to lead her life as a beast of burden. For a very long time, she was unable to raise her status from a mere household drudge. She was forced to run the house and do all its furnishing, cleaning, cooking, sewing, sweeping, dusting, washing and so on. Besides this, she had to rear her children and serve her husband. She had to be respectful and submissive before men. They were denied all sort of higher education and were strictly confined to the four walls of the house. She was always treated in a brutal manner and was generally regarded as the silly, sentimental and dull creature. It was a common belief that women were created only to please men.

Women have finally come out of the four walls of the house and found their way to the higher educational institutions. Moreover, education, in turn, has enlightened them broadening their outlook and horizon simultaneously. They have set up their own organization for the welfare and progress of women at large. They have started claiming equal rights with men and have succeeded appreciably on many fronts. They have entered practical life and are playing a significant role for both their country and family. It is observed in recent times that a number of women are entering the once male-dominated management areas. They are taking an active part in the politics of the country and are fully determined to compete against men in every professional walk of life [5].

Modern women are no longer ignorant and shy as women had been up to the near past. Now they are considerably brave and have a lot of confidence to accomplish the tasks assigned to them. She has the complete liberty to decide her affairs quite independently. Man no more enjoys the right to impose his authority on women. She has virtually emerged as an earning member of the family, for today, men and women have to be the joint operators of the economic switchboard.

Today the world has undergone a sea change. The new economic affairs have impelled women to come out of their homes and join various professions in order to supplement the income of their menfolk. However, women, by nature, are tender, compassionate and sympathetic. They can, therefore, become good teachers, nurses, physicians, social workers, journalists, wardens of



orphanages and homes for old and poor persons. This is, however, not to say that they cannot succeed in other professions. Some people object to nursing as something anti-Islamic. They are totally mistaken, for the pages of history give a vivid' account of the brave Muslim women who helped the wounded Muslim warriors in the battlefields. The dramatic spread of education has enormously contributed to the positive approach of men towards women's careers. The medical field is regarded highly noble profession and woman doctors, as well as nurses, are respectable figures all over the country [6].

In modern times, almost all the professions are virtually open to women. They are entering public services as class I and class II officers in the executive Jobs as judicial magistrates, civil judges, income-tax officers, customs officers, school, college and university teachers and various other crucial jobs. Some women are joining as lawyers, secretaries, airhostesses, ticket collectors, computer operators, sales women, bank officers, and police officers and so on.

The women of the rural areas have always played an extremely active role in the economic field. They are no longer restricted to the fields only. They are working effectively in the fields of poultry breeding, sewing, embroidery, midwifery, nursing, preserving vegetables and fruits. The radio and television have made them fully aware of their rights. This development has changed the very face of the countryside regarding the status and dignity of women. Women should develop their aptitudes in accordance with their own nature without imitating the males. Their part in the progress of civilization is higher than that of men.

Women constitute nearly half the population of the East. The country where women are kept in ignorance is destined to be doomed. The history of the developed countries affords increasing evidence that the progress of a country has always synchronized with the liberation and education of women. The same thing happened in Japan and Turkey, and today we find that both the countries are counted among the developed countries of the world [7]. Matrimony is no more the sole aim of a woman's education; it has rather assumed new dimensions in recent times. Women are getting an education in order to perform well at home, at the workplace, in the community and society. So, much greater facilities are needed for the education and training of women at large.

Conclusion. Today's woman has decisively rejected the sentimental myth of "frailty which kept depicting her as man's plaything and a purchasable commodity. The woman is playing a crucially important role in the making of a nation. The man has also revised his attitude towards woman. **Ladies First** is the order of the day and the man calls it courtesy to conceal' his defeat at the hands of a modern woman. Today's women are more hardworking and sincere in all the walks of life and are more productive than their male counterparts. To my mind, people downgrade women's achievements, sometimes they are great, people have negative opinions about women's work capacities though it is not always true; women have been represented negatively in many areas though they work in most areas shoulder-to-shoulder with men; and women's stereotypical characteristics are not as highly regarded as men's are; though women are usually more tactful, punctual, responsible and hard-working than men [8].

References:

1. 72nd session of The United Nations General Assembly, 2016, 14 September.
2. PD-4947 Strategy of action on five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, 2017, 7 February.
3. Law "On amendments and additions to the law of the Republic of Uzbekistan "on courts" dated December 14, 2000.
4. President Decree PD-No.4966 dated 21 February 2017 "On measures to radically improve the structure and efficiency of the judicial system of the Republic of Uzbekistan"
5. Peshkova, Svetlana. Women, Islam, and Identity: Public Life in Private Spaces in Uzbekistan. Syracuse, NY: Syracuse University Press, 2014.
6. Peshkova, Svetlana. "Leading against Odds: Muslim Women Leaders and Teachers in Uzbekistan." Journal of Feminist Studies in Religion 31, no. 1 (2015): 23–44.



7. Peshkova, Svetlana. “Chaos, Violence, and Dynasty: Politics and Islam in Central Asia.” Central Asian Survey 34, no. 4 (2015): 564–66.
8. Turaeva R. Migration and Identity: The Uzbek Experience. New York: Routledge, 2016.
9. <https://gk-usbekistan.de/ru/2018/05/20/узбекистан-прогресс-в-области-прав-че/>
10. <http://sud.uz/ru/zashita-prav/>
11. www.constitution.uz
12. www.lex.uz



ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДАГИ ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Х.Ш.Зиявутдинова
Андижон Давлат Университети докторантни

Мақолада ўзбек оилаларидаги оилавий зўравонлик муаммоси муҳокама қилинади. Оилавий зўравонликни ўзи нима, қандай кўринишлари ва турлари мавжуд эканлиги, оилавий зўравонликка учраган аёллар психикаси ёритиб берилади. Бундан ташқари оилавий зўравонликни олдини олиш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар ва тавсиялар берилади.

Калит сўзлар : оилавий зўравонлик, аёллар зўравонлиги, руҳий камситилиш, иқтисодий зўравонлик, жисмоний зўравонлик, психологик зўравонлик, сексуал зўравонлик, гендер установкалар

В статье рассматривается проблема домашнего насилия в узбекских семьях. В нем объясняется, что такое домашнее насилие, как оно выглядит и какие виды. Детям, выросшим в семье, где есть домашнее насилие, рассказывается о последствиях этой ситуации. Кроме того, будет дана работа и рекомендации по профилактике домашнего насилия в нашей стране.

Ключевые слова: домашнее насилие, насилие в отношении женщин, психологическая дискриминация, экономическое насилие, физическое насилие, психологическое насилие, сексуальное насилие, гендерная установка

The article discusses the problem of domestic violence in Uzbek families. It explains what domestic violence is, what it looks like, and what types it is. Children raised in a family with domestic violence are affected. In addition, the work to be done in our country to prevent domestic violence and recommendations will be given.

Keywords: domestic violence, violence against women, psychological discrimination, economic violence, physical violence, psychological violence, sexual violence, gender setting.

Ҳозирги кунда оилавий зўравонлик - кўламига кўра глобал муаммо. Оилавий зўравонлик - зўравонлик ҳаракати оила аъзосининг бошқа аъзоларига (хотин, ота-она, болалар ва бошқалар) нисбатан амалга оширилиши тушунилади. Умуман олганда бутун дунёда статистик маълумотларга кўра аксарият ҳолларда оилавий зўравонликдан хотин-қизлар жабр кўради. Оилавий зўравонлик жинсий, жисмоний, иқтисодий ва руҳий зўравонлик шаклларида амалга оширилиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёлга ҳаёти давомида ўз умр йўлдоши томонидан жисмоний тазийк ўтказилади. Турмуш курган аёлларнинг 30 фоизи ҳамроҳи томонидан зўравонлик ҳолатларига дуч келганлари ҳақида маълум қиласди. Аёллар ўлимининг 38 фоизи уларнинг турмуш ўртоғи томонидан амалга оширилади ва зўравонликка дуч келган аёлларнинг 42 фоизигина муаммо ҳақида очик сўзлайди. Афсуски, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Бизнинг мамлакатимизда оиладаги зўравонликка кўпинча бир оила муаммоси сифатида қаралган. Одамлар бундай муаммоларни уйдан ташқарига олиб чиқмасликка ҳаракат қилишади. Аксарият ҳолатларда зўравонлик қурбони шармандлик ва турли гап-сўзлардан қўрқиб, жим юришга мажбур бўлади. Бундай вазиятда қолган аёлларнинг индамаслигига бир неча сабаб бўлади: кимлардир молиявий ёрдамсиз қолишдан қўрқса, бошқалари фарзандлари ва ўз ҳаёти учун хавфсирайди. Зўравонлик қурбони бўлган аёл ҳар томонлама қийин ҳолатда қолади. Охир-оқибат бу аёл рухиятида доимий қўрқув, депрессияни пайдо қилиб, ўз жонига қасд қилиш кабилар билан тугайди. Аёлга нисбатан, айниқса, турмуш ўртоғи томонидан зўравонликнинг қайд этилиши оилада соғлом муҳит бузилиши ва фарзандлар камолига хавф соладиган жиддий муаммодир.



Президентнинг зўравонликка учраган аёлларга ёрдам тизимини яратиш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш ва унинг мудҳиш оқибатларига барҳам беришга қаратилган Қарори қабул қилинди. Яъни оилавий зўравонлик масаласига давлат миқёсида эътибор қаратилди ва Республикамизда оилавий зўравонликка қарши кураш ва уни олдини олиш мақсадида 2019 йил 3 сентябрдан “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” Конуни кучга кирди.

Конунга мувофиқ хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Ҳукумат ва давлат ташкилотларининг соҳадаги ваколатлари ва хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари белгилаб берилди. Зўравонликка учраган аёлга шошилинч ёрдам кўрсатиш ва уни ҳимоя қилиш учун реабилитация ва мослашув марказлари очилди, зўравонликка учраган аёллар мурожаат этиши учун бутун республика бўйлаб ягона “ишонч телефони” ишга туширилди, оилавий зўравонликка жазо муқаррарлиги таъминланди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларини ва «Оила» марказини зудлик билан хабардор қилишиб белгилаб қўйилди. Эндиликда аёл ўзи ва болаларининг жонига қасд қиласлиги, қийин онларда бошпана ва мадад топиши, айборлар эса жазоланишига умид пайдо бўлди. Бу албатта оила фаровонлиги, ёшларни соғлом оила мухитида усib ривожланиши учун муҳим пойdevor вазифасини бажаришига ишонамиз.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – №6 (766) – 70-модда. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б. 25 – 150.
2. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси: ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида қабул қилинган (1995 йил 16 ноябрь, Париж) // Нашр учун масъуллар: А.Сайдов, К.Жўраев. – Тошкент: ЮНЕСКО, 1999. – 15 б.
3. “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш” тұғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конуни.
4. Ениколопов С.Н., Агрессия в обыденной жизни – Москва: Педагогика, 2014. – 144 с.
5. Солнцева Н.В., Управлением педагогической деятельности – Москва: Питер, 2008
6. Платонова Н.М Насилие в семье: особенности психологической реабилитации – Москва: Речь, 2004



ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ – БИЗНИНГ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗ

Турсунова Бибиражаб

Жиззах политехника институти

хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси

Ҳасанома Севара Даврон қизи

Жиззах политехника институти талабаси,

“Зулфия” номидаги Давлат мукофоти совриндори

Аннотация: Мақолада, хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, улар ўртасида юзага келаётган салбий иллатларнинг олдини олишда парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим эканлиги, бунда парламент ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги, аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, уларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, бизнинг фуқаролик бурчимиз эканлиги ҳақида айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: тазийқ, зўравонлик, стереотиплар, руҳий жароҳат, реабилитация, форум, парламент, гендер комиссия, хуқуқий, психологик.

ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ ПРИТЕСНЕНИЙ И НАСИЛИЯ В ОТНОШЕНИИ ЖЕНЩИН-НАШ ГРАЖДАНСКИЙ ДОЛГ

Аннотация: В статье говорилось о том, что важно установить парламентский и общественный контроль за защитой женщин от притеснений и насилия, профилактикой негативного жестокого обращения между ними, о необходимости наладить сотрудничество между парламентом бунда и общественными организациями, улучшить социальные условия жизни женщин, защитить их от притеснений и насилия, это наш гражданский долг.

Ключевые слова: домогательства, насилие, стереотипы, ментальный жargon, реабилитация, форум, парламент, гендерная комиссия, юридическая, психологическая.

PREVENTING HARASSMENT AND VIOLENCE AGAINST WOMEN IS OUR CIVIC DUTY

Annotation: The article said that it is important to establish parliamentary and public control over the protection of women from harassment and violence, the prevention of negative ill-treatment between them, the need to establish cooperation between the Bund Parliament and public organizations, to improve the social conditions of women, to protect them from harassment and violence, this is our civic duty.

Keywords: harassment, violence, stereotypes, mental jargon, rehabilitation, forum, parliament, gender commission, legal, psychological.

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатида аёлларга бўлган эътибор бизнинг юртимиздаги каби давлат сиёсати даражасига қўтарилимаган. Бунинг натижаси ўлароқ, жамиятимизда аёллар катта ижтимоий кучга айланган.

Шунга қарамай, хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ишлатувчи шахслар ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистонда қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларни қўллаб-куватлаш учун кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда марказлар ва уларнинг қошида фаолият юритаётган бошпаналар бундай аёллар ва уларнинг фарзандларига малакали хуқуқий, психологик ёрдам бериб, вақтинчалик ётоқхона билан таъминлашмоқда.



Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик инсониятнинг энг ўткир муаммоларидан биридир. Мазкур муаммо иқтисодий ривожланиши ва ижтимоий сиёсий тузумидан қатъи назар, дунёning ҳар бир мамлакатида тарқалган.

Зўравонликнинг гувоҳи бўлган инсонлар оғир ҳис-туйғуларни бошларидан кечиришлари, яъни тушунмовчилик, оғриқ, қўрқув ва ва чорасизлик билан бирга, ўзларини йўқотиб қўйишлари ҳам мумкин, руҳий жароҳат олганда ҳатто катта ёшдаги одам ҳам ўзини ўнглаб олиши жуда қийин.

Аксарият ҳолларда зўравонликка учраган аёллар ўз вазиятлари ошкор бўлиб қолмаслиги учун ўзларининг муаммолари ҳақида гапиришга, ёрдам сўрашга қўрқишиади.

Албатта, зўравонлик содир этилганида қўмак берувчи ташкилотлар (маҳалла фуқаролар йиғини, реобилитация маркази ёки ҳуқук тартибот идоралари)га мурожаат қилинган тақдирда ҳам асл ҳақиқатни, факт ва далилларни яшириш ёки нотўғри ахборот бериш ҳолатлари кузатилади. Аммо ёрдам сўраб мурожаат қилаётган хотин-қизлар ва уларни қўллаб-кувватловчи ёрдам берувчи шахслар зўравонлик ҳолатида Қонунда қўрсатилганидек, конфидинциаллик ва шахсий маълумотларни ошкор қилиш мумкин эмаслигини ёдда тутишлари лозим. Хотин-қизларни тазиик ва зўравонлиқдан химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасида қайд этилишича:

Это говорит о том, что наши дети не знают, куда следует обращаться в подобных случаях, в случаях насилия над детьми.

Проведенное тестирование подтверждает наличие насилия среди детей, домашнее насилие в нашем обществе, что являются одним из самых частых проявлений гендерного неравенства в будущем. И важным шагом на пути к решению этой проблемы является гендерное образование, которое необходимо начинать как можно раньше.

Использованная литература:

1. Кодекс Республики Узбекистан «Об административной ответственности»- Ташкент. 22.09.1994. lex.uz- docs
2. Семейный Кодекс Республики Узбекистан. – Ташкент: «Адолат», 2008.
3. Уголовный Кодекс Республики Узбекистан. lex.uz- docs
4. Агаронян А.С. Культура повседневной жизни.- Ташкент: «Узбекистан», 1982.
5. Буковская Н. Взрослым о детях.- Москва: «Молодая гвардия», 1969.
6. Кочетов А.И., Верцинская Н.Н. Работа с трудными детьми.- Москва: «Просвещение»,1986.
7. Разумихина Г.П. Мир семьи.- Москва: «Просвещение», 1986.
8. Чихалова С.Н. Трудные судьбы подростков - кто виноват? - Москва: «Юридическая литература», 1991.



БОШҚАРУВДА РАҲБАР АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ

Байбаева Мухайё Худайбергеновна

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети,
“Педагогика” кафедраси доценти педагогика фанлари номзоди

Мустафаева Дурдона Асиловна

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш
муҳандислари институти, “Профессионал таълим ва жисмоний маданият”
кафедраси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)

Усманов Қобулжон Камилович

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети,
Спорт ўйинлари факультети, “Теннис, бадминтон назарияси
ва услубияти кафедраси” мудири

Аннотация: Мақолада бошқарув фаолиятини амалга оширишда раҳбар аёлларнинг
роли, ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Таянч сўзлар: бошқарув, аёл, жамоа, раҳбар, фаолият, қобилият, механизм.

Abstract: The article presents reviews of the role and specifics of women managers in the implementation of managerial activities.

Keywords: management, woman, team, manager, activity, ability, mechanism.

Мустақиллик барча фуқароларни. хусусан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини
оширишга кенг имкониятлар яратди. Истиқлол шароғати билан аёллар мамлакат хаётининг
барча жабҳаларида фаол иштирок этмоқда, уларнинг давлат ва жамият тузилишидаги мақоми
ва мартабаси юксалиб бормоқда.

Инсоният тарихи шундай гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси
жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан
белгиланади.

Бугунги кунда ўзбек аёлинин дунё танимоқда ва тан бермоқда. Аёлларимизнинг бошқарув
фаолиятининг илм соҳасида, иқтисодиёт, манавий-марифий соҳада қилаётган меҳнатлари,
ватанимиз тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Аёлларнинг ижтимоий иқтисодий
ривожланишдаги ўринларини алоҳида эътироф этмоқ жоиз. Ўзбекистон аҳолисининг 52% дан
кўпроғини аёллар ташкил этади ва бугунги кунда Хотин-қизлар жамият тараққиётининг
қудратли омилига айланган. Мамлакатимизда содир бўлаётган демократик ўзгаришларга,
иқтисодий ислоҳатларни амалда оширишда ҳалқ ҳўжалиги, илм фан, маданият ва маърифат
тизимининг бошқарув соҳаларида ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан
иштирок этмоқдалар. Давлатимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини
ҳимоя қилиб, оиласи мустахкамлаш, ёш авлодни баркамол соглом қилиб тарбиялашга тўлиқ
имконият бермоқда. Жамият аёлни том маънодаги озодлиги, эркинлигининг тарофдоридир. Бу
эса жамият ва аёл масаласини қоғозда эмас, аксинча, амалда рўёбга чиқаришини талаб
қиласарди. Миллий истиқлолга жамият ва хотин-қизлар масаласини миллий ва мамлакат
тараққиёти манфаатлари асосида ҳал этиш учун имконият яратиб, ҳамда унинг ҳукукий
асосларига пойdevor солди. Аввало, таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг бош қомусида,
хусусан унинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркакларнинг teng ҳукуқлилиги қонунан
мустахкамланди. Кейинчалик пайдо бўлган кўплаб меъёрий ҳужжатларда эса хотин-қизлар
масаласини ҳал этиш Ўзбекистоннинг мустақиллик шароитидаги устивор соҳаларидан бири
эканлиги таъкидланади. Айни пайтда мамлакатимизда 12 млндан ортиқ хотин-қизлар
истиқомат қилишмоқда. Саноатда ишловчиларнинг 48% маданият ходимларининг 60-70% ни,
савдо, жамоат овқатланиш, майший соҳада ишлайдиганларининг 50% га яқинини хотин-
қизлар ташкил этмоқдалар. Шу билан бирга бугунги кунда мамлакат парламенти, вилоят,
туман, шахар, даражасида раҳбарлар орасида 300дан ортиғи хотин-қизлар, шунингдек,



вазирлар ўринбосарлари, корхона раҳбари ўринбосарларидан 17,5 ини хотин-қизлар ташкил этади. Олий ўкув юртларида ўқиётганларнинг 38%ини, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, маориф санъат ва киномотография ўкув юртларида таълим олаётганларнинг умумий сонидаги 48,8%ини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Юртимизда бошқарув соҳаларида аёллар иштирокини таъминлашда хукукий кафолатлар яратиш, уларни раҳбарлик лавозимига кўтариш, нодавлат ва халқаро ташкилотлар фаолиятилари иштирокини кенгайтиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Аёллар давлат, нодавлат ташкилотларида раҳбарлик ўринларига дадил чиқмоқдалар, шунга қарамай, таркиб топган муомала амалиёти ва аёллар ҳақида идрок этишнинг салбий андозалари хамон сақланиб келмоқда. Бу жараён аёлларнинг давлат бошқарув органларида иштирок этиши ва сиёсий салоҳиятларини руёбга чиқаришда жиддий тўсиқдир. Бунинг бир қанча сабаблари бўлиб, уларнинг айримлари қўйидагилар:

- 1) аёлларнинг хукукий ва сиёсий билимлари даражасинингетарли эмаслиги;
- 2) эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган айрим одат меъёрларнинг «қадрият» сифатида тан олиниши.

Фуқаролик жамияти ҳар бир кишидан ижтимоий фаолликни талабэтади. Ижтимоий фаоллик эса хукукий саводхонлик билан узвий боғлиқ бўлган жараёндир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хотин-қизларнинг иқтисодий ижтимоий хукуклари билан бирга сиёсий хукуклари ҳам кафолатланган. Жумладан, улар давлатни бошқариштизимидағи лавозимларга, Олий Мажлисга ва маҳаллий хокимиятларгасайланиш ёки сайлаш, сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиш, хусусий корхоналар очиш ёки тадбиркорлик билан шуғулланишимкониятига эга. Демак, хотин-қизлар Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари қатори, хукукий нуктаи назардан teng бўлиб, қизиқиши ва ҳаётй эҳтиёжларига қараб, муайян фаолият тури билан шуғулланиши, давлатни ва жамиятни бошқаришда иштирок этиши мумкин. Бу хукукий меъёр Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон давлат сиёсатининг бош йўналишлардан бири-аёллар аҳволини яхшилаш, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш. Шунингдек, хотин-қизлар хукуклари, эркинликлари ва манфаатларини химоя қилишданиборат. Республика хукумати, вазирликлар, давлат ва нодавлатташкилотлари томонидан опа-сингилларимизнинг конституциявий хукукларини химоя қилиш, уларнинг юртимиз хаётининг барча соҳаларида тўлақонли иштирокини таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо давлатимиз раҳбари бундай тадбирлар бугунги кун талабларига жавоб бермаётгани, хусусан, хотин-қизлар қўмиталарининг турли раҳбарлик лавозимларига сайланган аксарият фаоллар хотин-қизларнинг бошланғич жамоаларидан ажратиб қолаётгани, улар ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакиллари эмас, балки давлат хизматчилари деб қараётганини таъкидлаган эди. Натижада хотин-қизларнинг ҳақиқий аҳволи, уларнинг ташвишу муаммолари эътибордан четда қолиб кетган. Айниқса, аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда, сиёсий соҳадаги ислоҳотлар жараёнида уларнинг иштирокига кам эътибор берилаётганини ҳам инкор этиш кийин. Бунинг учун, аввало, хотин-қизлар орасидан энг фаол ақл-заковати юксак, фидойи, ватанпарвар аёллар заҳирасини шакллантириш, уларнинг яратувчанлик салоҳиятини фуқаролик жамиятини қуриш, ватан тараққиёти, юрт осойишталиги ва халқфаровонлиги йўлида фаол меҳнат қилишга сафарбар этиш зарур.

Янги Ўзбекистон муносабатларига ўтиш шароитида тобора демократиялашаётган жамиятда давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларида хотин-қизлар роли ва ўрнининг муҳимлиги; аёлларнинг ижтимоий хаётдаги мақомини оширишга қаратилган барча имконият ва саъй-харакатарини бирлаштириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, жамият янгиланишида аёллар иштирокини кучайтириш керак.

Хулоса қилиб айтганда, мустақилликни эркин фикрлайдиган, фидойи,



сабр-матонатли зиёли инсонларгина мустахкамлайди. Бу жараёнда илму салоҳияти ва машаққатли меҳнати билан мамлактимиз тараққиётига бекиёс ҳисса қўшаётган раҳбар аёлларнинг хам ўз ўрни бор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.. "ўзбекистон". 2003 й.
2. Инсон хуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. Т., 1998 й.
3. Ўзбекистон аёллар нодавлат нотижорат ташкилоти. Маълумотнома, Т., 2000 й.
4. Аёл хуқуклари. Аёллар ва сайловлар. Аёллар ва нодавлатташкилотлар. "Аслларни фуқаровий ва хуқуқий ўқитиш дастури". Т., 1999 й.
5. "Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хотин-қизлар ролини ошириш истиқболлари" мавзусида ўтказилган Форум материаллари. Т.. 2006 й.
6. Жамият ва бошқарув. 2006 й. 1-сон.
7. Саодат. 2004-2008 й.



АЁЛЛАРНИНГ ОИЛАДАГИ ВА ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ, УЛАРНИ ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТ ДАРАЖАСИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Курбонова Гулчехра Абдуллаевна
Ўзбекистон давлат консерваторияси
“Мусиқа педагогикаси” кафедраси доценти,
Психология фанлари номзоди,
Турон фанлар академиясининг академиги

THE ROLE OF WOMEN IN THE FAMILY AND SOCIETY, THEIR CHARACTERISTICS OF THE IMPACT OF THEIR LEVELS FROM THE POINT OF VIEW OF THE LEVEL OF INTELLECTUAL COMPETENCE

Kurbanova Gulchehra Abdullaevna
State Conservatory of Uzbekistan Associate Professor of "Music Pedagogy", Candidate of Psychological Sciences, Academician of the Turan Academy of Sciences

“Жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади”.
Шавкат Мирзиёев

Аннотация. Мазкур мақолада хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллиги, аёлларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, оила ва оиласий тарбия масалалари, ўзбек оиласида берилаётган тарбия нуқсонлари, оналик вазифалари, оиласардаги шахсларро муносабатлар ва таълим-тарбия тизими ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: оила, хотин-қизлар, фарзанд, ота-она, хулқ-атвор, муомала, шахс маънавияти, ёшлиар, тарбия, соглом авлод, салбий хислат, муносабат.

Abstract. This article discusses the socio-political and social activism of women, comprehensive support for women, family and family upbringing, the shortcomings of education in Uzbek families, the role of motherhood, interpersonal relationships in families and the education-upbringing system.

Keywords: family, women, children, parents, behavior, treatment, personal spirituality, youth, upbringing, healthy generation, negative traits, attitudes.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтиуни мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хотин-қизларнинг оиласида, давлат ва жамият қурилишидаги ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси аёлларнинг онг, тафаккури, интелектуал салоҳият даражасига боғлиқ. Уларнинг илм-фан сирларини пухта эгаллашлари, илм билан шуғуланишлари, шу тариқа ўз қобилиятлари ва имкониятларини жамият тараққиёти ва фарзандлари учун йўналтиришлари ҳалқ, миллат, мамлакат келажаги йўлида ижтимоий фаол бўлиш гаровидир.

Аждодларимиз ҳам фарзанд тарбиясига бефарқ қарамаганлар. Ҳаётдаги ҳар қандай хатти-харакатнинг оқибати тўғри баҳоланган. Негаки, оила шахсни вужудга келтирувчи, улғайтирувчи, бинобарин жамиятни ҳамиша янги авлодлар хисобига тўлдириб берувчи буюк



кучдир. Ҳар бир оиланинг ўтмиши, уларнинг ўз анъананалари, удумлари бор, оилаларга шу нуқтаи назардан баҳо берилади.

Аёлларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги фаоллигини ошириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларни ҳолати аёлларни ҳар томонлама қўллаб-куvvatлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш-нинг самарали механизmlарини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

Жумладан: Кузатишлиримизга қараганда, оилавий тарбияда ота-она ҳамда фарзанд ўртасидаги муносабатлар ўзига хос самараcиз усууллар орқали амалга оширилмоқда. Масалан, оилавий тарбияда ота-оналар баъзан фарзандларига ўта-даражада меҳр қўядилар. Уларни асраб авайлайдилар, эъзозлайдилар. Уларга гард юқтирмасликка ҳаракат қиласидилар. Айтган ёки истаган нарсаларни муҳайё қилишга интиладилар. Бир қарашда ота-она шундай қилса нима қилибди дейсиз. Аммо ота-оналарнинг болаларга бундай муносабатлари болаларда салбий хислатларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Ота-онаси томонидан кўрсатилаётган бундай муносабат натижасида болада манманлик, бирорларни менсимаслик, тайёрга-айёрлик, меҳнатнинг қадрига етмаслик, сабр-тоқатсизлик каби салбий хислатлар пайдо бўлмоқда. Бундай хислатларга эга бўлган болаларда ўзбек халқига хос бўлган меҳнатсеварлик, олийжаноблик, ўзгаларни хурмат ва эъзозлаш, меҳнатнинг қадрига етиш хислатлари шаклланмайди. Шунингдек, уларда мақтанчоқлик, бирорларнинг устидан кулиш, ночорлигини юзига солиш одатлари ҳам кузатилади. Бундай руҳда тарбияланган болалар муаммоли вазиятларда мустақил фикр юритиш, муайян қарорларга келиш борасида ҳам қийинчиликларга учрайдилар. Бундайлар ўз тенгкурлари билан келиша олмасликлари, дўстлари доирасининг торлиги туфайли кўпинча тенгдошларидан яккаланиб қоладилар. Ота-оналарнинг тарбияси, меҳри меъёрда бўлиши зарур, Ота-оналарнинг фарзандларига ҳиссий ва амалий муносабатларини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказилди.

Ушбу тажрибамизда В.В. Бойко томонидан таклиф этилган «Болаларга нисбатан муносабатни аниқлаш» тестининг татбиқи бўлиб, бунда ота-оналарнинг «болаларига» нисбатан «ҳиссий муносабат» ва «болаларга нисбатан амалий муносабат»лари аниқланди. Тест натижаларида шу нарса аниқланди, ота-оналарнинг болаларига ҳиссий ва амалий муносабатларида кўрсаткичлар: ҳиссий муносабатлар – 56,7 фоиз, амалий муносабатлар – 52,3 фоизни ташкил этди. Ота-оналарнинг фарзандларига ҳиссий ва амалий муносабатлари натижаларида шу нарса намоён бўлди, уларнинг ҳиссий ва амалий муносабатларининг қолган даражаларида ҳам деярли тенг миқдорий қийматларда гавдаланди. Аслида бу ҳолатни кейинги

Болага амалий муносабат N=300	М.К.	%	Болага ҳиссий муносабат N=300	М.К.	%
Юқори	157	52,3%	Юқори	170	56,7%
Ўрта	60	20%	Ўрта	75	25%
Паст	83	27,7%	Паст	55	18,3%
Жами	300	100%	Жами	300	100%

тадқиқот натижаларимиз ҳам тасдиқлаган. Бундан кўринмоқдаки, ўсмир ижтимоий перцепцияси шаклланишида ота-оналарни ҳиссий муносабатларидан яққол амалий муносабатларга ўтиш зарурати мавжуд.

Тадқиқотларимизда кузатилиши ота-оналар оилада фарзандлари билан турлича муомала ва муносабатда бўлишлари маълум бўлди. Буни хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг ўз ота-оналари хулқ-атворлари тўғрисида берган маълумотлари ҳам кўрсатиб турибди. Бунга кўра, жиноятчилик хулқига эга бўлган болалар ва ўсмирлар тарбия кўрган



оилаларда ота-оналарнинг қўпинча фарзандларига «эркинлик бериш» асосида муомала муносабатда бўлишлари кузатилди.

Назаримизда болаларга ҳаддан ортиқ эркинлик бериш уларни ўз билганича иш тутишга, қилаётган ишининг тўғри ёки нотўғрилигини англаб етмасликка олиб келади. Ота-она назоратидан, сўраб тергашидан четда қолган ўсмири ўзини эркин билиб, кўнгли тусаган ишга қўл уради. Бундай хатти-ҳаракатлар баъзан ноқонуний бўлиши ҳам мумкин.

Бугунги кунда ўзбек оиласида мавжуд бўлган тарбиядаги нуқсонлардан бири ота-оналарнинг рад этиш, тақиқлаш, рухсат этмаслик асосидаги тарбиялаш усулидир. Бу хилдаги тарбия усулида болаларнинг хоҳиш-истаги, ўй-хаёллари, орзу ва интилишлари, фикр ва мулоҳазалари инобатга олинмайди. Бундан ташқари бундай тарбия усулида болаларга ўз фикр мулоҳазаларини очиқча баён этиш, мустақил қарорларга келиш ва муайян вазиятларга ўз нуқтаи назарини билдириш имконияти чекланади. Бундай тарбия усулида баъзан болаларнинг хатти-ҳаракатлари мажбурий тарзда тақиқлаш усуллари билан бошқариб борилади. Уйда бу нарсага тегиш мумкин, бу нарсага тегиш мумкин эмас, бу кийимни киясан, бунисини киймайсан қабилидаги муносабат ўрнатилади. Боланинг қизиқиши, эркинлиги, ўзига ёқсан кийимни кийиши, кўнгли истаган иш билан машғул бўлиши, қизиқсан китобини ўкиши ва хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши ота-она ихтиёри билан амалга оширилади. Оилада ота ёки онанинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлади. Бундай усулда тарбияланган болаларда мустақил фикр юритиш қобилиятининг суст ривожланиши, тортичоқлик, ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта олмаслик, тобелик, қўрқоқлик ва журъатсизлик каби салбий хислатлар ёрқин намоён бўлади. Журъатсиз, тобе, тортичоқ болада фаоллик ва ўз-ўзига ишонч ҳисси етишмайди. Шунингдек, уларда нутқнинг суст ривожланиши ҳолати ҳам кузатилади. Бундай болалар бутун умр давомида бирорларга тобе бўлиб яшайдилар. Уларда раҳбарлик, бошқарувчанлик қобилиятлари суст ривожланган бўлади. Улар бирорларнинг гап-сўзларига тез учадилар. Шунинг учун улар алдовлар, кўзбўямачиликлар, таъмагирликлар қурбонига айланадилар. Улардаги фикрлаш қобилиятининг суст ривожланганлиги низоли вазиятларга тез-тез тушиб қолишилкга сабаб бўлади. Бундайлар низоли вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилишга қийналадилар.

Оилада ва таълим муассасаларида тарбиянинг меъёрда бўлиши, унинг тўғри тақсимланиши жуда катта аҳамиятга эга.

Ўзбек оилаларида берилаётган тарбия нуқсонларидан яна бири оилавий тарбияда миллий қадриятларимиздан, яъни эртак, мақол, ривоят ва ҳадис илмидан етарлича фойдаланилмаётганлигидир.

Ўзбек оилаларида ота-оналарнинг болалар тарбиясига ёшлигидан эътибор бермаслик ҳолати тарбиядаги камчиликлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Болани қанчалик эрта ўргатсанг, тарбия берсанг, шунчалик тез мослашади, ўрганади. Афсуски, кўпгина ота-оналар ёшлигига фарзандимнинг қорни тўқ, усти бўт бўлса бўлди деб ўйлашади. Ёши 16-17га бориб, мактабни битираётганда эса фарзанди ҳақида ўйлаб қолишиади. Бу даврга келиб фарзанд тарбияси, унинг эртанги куни ҳақида ўйлаши кеч бўлганлигини кўпчилик ота-оналар англаб етмайдилар

Юқоридагилардан хulosса қилиб айтиш мумкини, оилавий тарбиядаги нуқсонлар ва оилалардаги шахслараро муносабатлар ҳамда носоғлом оилавий психологик мухит ёшлар ўртасида турли хил ножӯя хатти-ҳаракатларнинг шу жумладан, хулқ оғишининг келиб чиқишида асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг Юксак маънавият- енгилмас куч асарларида “Оиладаги маънавий мухит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етишини тушуниш қийин эмас... Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди” деб бежиз айтмаганлар.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, ҳалқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, албатта, мустақил давлатимизнинг



мустаҳкамлиги, ҳалқимизнинг озод ва фаровон ҳаёт кечириши жамиятимизнинг асосий бўғини, таянчи бўлиши оиласи боғлиқдир.

Бизнинг миллий мухитимизда, яъни менталитетимизда фарзандлар ота-оналарига ўхшашга ҳаракат қиладилар, ота-оналар эса ўзлари беихтиёр ўз ҳарактер ва хусусиятларини, орзу-ҳавасларини фарзандларига сингдириб борадилар. Айнан ана шундай ҳарактер хусусиятларидан бири бўлган меҳр-муруватлилик ота-онадан фарзандларига ўтади. Айниқса, ўсмирилик давридаги болаларга ота-онанинг меҳрибонлиги, доимий назорати ва дўстона маслаҳати катта аҳамиятга эга. Аммо афсуски, кўпгина ота-оналар фарзандини “бебош” қилиб қўймаслик учун бу ажойиб инсоний туйғудан чўчийдилар. Улар боланинг тантик, шахсиятпараст бўлиб қолишидан ташвишланадилар. Лекин жуда кўп салбий хусусиятлар бола ота-онанинг тўғри муруватидан, эркалашидан, эътиборидан маҳрум бўлган шароитларда вужудга келади. Шунинг учун ҳам бола уни севишларига, ғамхўрлик қўрсатишига ишонч ҳосил қилиши ота-онанинг мухим вазифасидир.

Ҳар қандай фарзанд учун, аввало, ота-онанинг меҳрибончилиги, эътибори зарур. Аксарият жиноятчи бўлиб қолган болалар ота-оналарининг ва яқин қариндошларининг меҳрибон эмаслигидан азият чекадилар. Бундай носоғлом оила мухитида руҳан эзилиб, ҳар хил касалликларга чалиниши мумкин. Бундан ташқари, у бекорчилик оқибатида, ичкилиқбозлик, ўғрилик, гиёҳвандлик, жиноятчилик қўчаларига кириб кетиши ёки турли жиноий ва диний экстремистик гурухларнинг таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Оиланинг мустаҳкам бўлиши, оиладаги тинчлик-тотувлик, фаровонлик, албатта, эр-хотин муносабатларига боғлиқдир.

Ақлан етук, аҳлоқан пок, жисмонан бақувват фарзандлар яхши оилаларда камол топади. Шунинг учун ҳам оилада соғлом маънавий, аҳлоқий мухитни вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлаш умумдавлат аҳамиятига молик масаладир. Чунки, ижтимоий ҳаётда юз берадиган барча ўзгаришлар, яъни, ундаги ютуқ ва камчиликлар мураккабликлар ва зиддиятлар оилада ўз аксини топади. Шунга кўра, оила ва оилавий тарбия масалалари ҳар доим ҳам долзарб муаммо сифатида эътироф этилади. Айниқса, бола шахсида “Мен” сиймосини таркиб топишида ота-она томонидан берилаётган таълим-тарбия ва таъсирини аҳамиятлилиги ҳамда оиладаги психологик мухитнинг соғломлиги, шахслараро муносабатлардан қониққанлик даражаси билан боғлиқлиги масаласи мухим саналади. Маълумки, шахсда ўзини ўзи англашни таркиб топишида ота-она шахсининг таъсири мухим ҳисобланади.

Катта ўсмирилик ёшида ўзини ўзи англашнинг ўзига ўзи баҳо бериш, “Мен” образи, рефлексия даражаси ва бошқаларда намоён бўладиган айрим аспектларининг шаклланиш хусусиятлари ва уларнинг мазмунан бойиши ўз оилавий вазиятини идрок қилиш спецификаси билан ўзаро алоқадордир деган таҳлил олға сурилади;

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда кескин ўзгарган ҳаёт шароитлари ва таълим тизими, унинг мақсади, мазмуни, турлари ўртасидаги ўзгаришлар ёш авлоднинг маънавий тарбиясига янгича қараш, уни бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш, баҳолаш ва унда ҳалқимизнинг бой маданий меросидан мақсадли фойдаланишин талаб этмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш эса:

- таълим-тарбия ишлари, шакллари усул ва воситаларини жаҳон андозаси талабларига мос ҳолда ривожлантириш;
- маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш;
- ёшларда соғлом турмуш тарзи маданиятини қарор топтириш;
- ёшлар тарбияси ва уларнинг маънавий камолотида маҳалла, оила ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги тизимини яратиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавий маданиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсdir. Чунки инсоннинг энг соғ ва покиза туйғулари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Шунингдек, инсон ҳарактерини, табиати ва дунёкарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар, шу муносабатлар тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар оила шароитида, ота-онанинг ибрат-намунасидан шаклланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, оила тарбияси шахс маънавиятини



шакланишидаги асосий восита экан, бу ўринда бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Шу маънода ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, улар онгида “Соғлом турмуш тарзи – соғлом оила, соғлом оила бу соғлом фарзанд, баҳтли келажақдир” тасаввурини шакллантириш, бўлажак ота-оналар яъни, талаба ёшлардаги репродуктив маданиятни шакллантириш бу йўналишдаги ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан саналади.

Ўз илмий изланишларида табиий ва ижтимоий фанларнинг энг долзарб муаммоларини ечишга эътибор қаратган ал-Беруний педагогик фикрларида оила, фарзанд тарбияси муаммолари алоҳида ўрин олган. Беруний оиланинг репродуктив вазифасининг моҳиятини жамиятга соғлом шахсларни тарбиялаш, этишириб бериш билан боғлайди ва бунда ота-оналарга қаратса болани мўътадилликда саклашни тавсия этади. Бунга асосан болани қаттиқ ғазабланишдан, қўркиш ва хафаликдан, уйкусизликдан сақлаш орқали эришилишини айтиб, уларни ҳоҳлаган ва фойдали нарсасини топиб беришга, севмаган нарсасидан узоқлаштиришга ҳаракат қилиш кераклиги уқтирилади. Ота-онанинг болага турлича муносабати турлича хулқларни келтириб чиқаради. Яхши хулқларни пайдо бўлиши, бола руҳиятига таъсир қилибина қолмай, унинг физиологик ўсишига ҳам ёрдам беради. Ёмон хулқ эса турлича мижоз бузилишларига ҳам олиб келади. Аксинча, бола организмидаги ўзгаришлар унинг руҳиятидаги, хатти-ҳаракатидаги ўзгаришларни келтириб чиқаради. Мутафаккир бу фикрлари билан бола хулқ-авторининг мўътадиллиги натижасида тан ва рух соғломлиги келиб чиқишини ҳам илмий асослаб беради.

XI асрда яшаб ижод этган машҳур мутафаккир Юсуф Хос Хожиб ўзининг “Кутадфу билиг” асарида оиланинг шаклланниши ва мустаҳкамланишидаги эр-хотин муносабатларига алоҳида эътибор беради. Оила, деб уқтиради Юсуф Хос Хожиб, инсон зиммасига қатор ижтимоий ва ахлоқий вазифаларни юклайди, уларни бажариш эр-хотиннинг бурчидир. Мутафаккир оила қуришда қўёв-қайлиғларнинг насл-насабига эътибор бериш керак дер экан, бу нарса авлодлар қонининг покизалиги ва соғлигига, соғлом фарзандларни дунёга келишига ишора эканлигини уқтиради.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий ўзининг машҳур “Махбуб ул-қулуб” асарида оила ва фарзанд тарбияси масалалари умуминсоний ғоя эканлигини олға суради. Хусусан, асарнинг “Ўйланиш ва хотинлар тўғрисидаги” фаслида Навоий ўйланиш ва унинг фойдаси оила одоби, фарзанд қуриш, оиласида ва фарзанд тарбиясида аёлларнинг фазилатлари ҳақида ажойиб фикрлар баён этади. Навоий аёлнинг турмушдаги хиссасига қуидагича тўхталади: “Яхши хотин – оиланинг давлати ва баҳти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осоиишталиги ундан. Ҳуснли бўлса – кўнгил ёзиғи, тарбияли, хушмуомила бўлса – жон озигидир. Оқила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом турдади. Бундай аёллардан гўзал хулқли ва баркамол фарзандлар тарбия топурлар”. Бундан ташқари аллома оиласидаги айрим иллатлар, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчиликлари, ёмон хулқ-авторлари фарзандларнинг руҳий ва жисмоний камолотига салбий таъсир этишини таъкидлаб, оиласида соғлом иқлимини қарор топтириш лозимлигини уқтиради.

Мавжуд манбааларни таҳлилидан, келтирилган назарий фикрлардан кўриниб турибдики мамлакатимизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларда репродуктив маданиятни шакллантириш бўйича ўзига хос миллий, тарихий тажриба мавжуд. Бу тажрибаларни илмий асосда ўрганиш ва таҳлил этиш бизда қуидаги хulosаларни шакллантиришга асос бўлди:

1. Оила ва оилавий муносабатлар, фарзанд кўриш ва уни тарбиялаш борасида олиб борилган илмий изланишлар оилавий тарбияни ташкил этишда ўзига хос услубий йўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.
2. Республикализнинг соғлом авлодни шакллантириш борасидага талаблари мазкур илмий тадқиқотларда ўз аксини топган.
3. Соғлом оила, соғлом авлодни шакллантириш масалалари шарқ мутафаккирларининг илмий меросида ўз аксини топган бўлиб, унинг асосида маънавий баркамол шахсни тарбиялаш ғояси ётади.



4. Шарқ мутафаккирлари оила ва жамиятни диалектик бирлиқда олиб қараб, оиланинг мустаҳкамлиги, фарзанд кўриш, насл қолдиришдаги маданиятлилик даражаси жамият ривожини кафолатлайди дея таъкидлаб ўтганлар.
5. Оиласа эр-хотиннинг тенглигини тўрут омил: мол, насаб, ҳусн ва иймон билан ўлчаб, ёшларни оила қуришга тайёрлашда мазқур омилларнинг мавжудлигига эътибор қаратиш оила барқарорлиги, насл поклигини таъминлайди деб ҳисоблаганлар.

Шундай экан ҳозирги кунда оиласа, фарзанд тарбиясида кўпроқ ўз ҳиссаси бор аёлга эътиборли бўлиш, уни қадрлаш, унинг маънавий, руҳий жиҳатдан юксалишига имкон яратади. Бугун ўзбек аёлининг ўрни нафақат оиласа, балки жамиятда ҳам эгалиги ҳам яққол кўринмоқда. Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини кўтариш мустақил давлатимизнинг устивор ва асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқдаки, бу юртимизда аёлларнинг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатланганлиги ва муҳофазаланганлигидан далолат беради. Чиндан ҳам аёлни улуғлаган, авайлаб-асраган юртнинг келажаги порлоқдир. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилиб, ўзбек аёлларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари, ўзларининг иқтидор ва имкониятларини тўла намоён этишлари учун барча шароитлар яратиб берилган ва бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур муаммонинг ижтимоий, психологик ва педагогик жиҳатларини илмий асосда кенгроқ ўрганиш заруратини юзага келтиради. Хотин-қизлар фаолиятига эътиборни кучайтириш, уларга имконият яратиб бериш, ёшларни ҳаётга тайёрлаш борасида илгари сурилган ва ҳаётий тажрибаларда синалган тарбия мазмуни ҳозирги даврда ҳам ёш авлодни ҳусусан ўсмир йигит-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда ижобий натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Оила психологияси проф.Ғ.Б. Шоумаров таҳрири остида.Т.: Шарқ, 2001.
- 2.Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари (Республика илмий-амалий конференцияси маърузаларининг баённомаси)
3. Курбонова Г.А. Оиласи шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсири (Тасвирий санъат мисолида): Автореф. дис. ... психол. фан. номзоди. – Т., 2009. - 188 б.
4. Бойко В.В. Репродуктивное поведение семьи и личности /социально-психологическое изучение рождаемости. Дис. ... доктора психол. наук. – Л.: 1981.- 495 с.
5. Бреслав Г.М. Эмоциональные особенности формирования личности в детстве: Норма и отклонения. – М.: Педагогика, 1990. - 144 с.
6. Волков А. Г. Семья – объект демографии. – М.: Мысль, 1986. - 271 с.
7. Гарбузов В. Сила вашего примера // Семья и школа. – М., 1985. - № 12. – С. 17-29.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА ИЛМ-ФАН СОҲАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БАЪЗИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ўлжаева Шоҳистаҳон Мамажоновна
тариҳ фанлари доктори, профессор ТИҚҲММИ
“Гуманитар фанлар” кафедраси мудири
sh.uljayeva@tiame.uz

Ушбу мақолада янги Ўзбекистонни барпо этишда илм-фан соҳасида гендер тенгликни таъминлашнинг баъзи долзарб масалалари таҳлил қилинган. Унда бугунги кунда жаҳонда юз беряётган илм-фан ва технология соҳаларидағи инқилоблар, уларнинг давлат ва жамиятларга таъсири кўрсатиб ўтилган.

Юртимизда олий маълумотли зиёлиларнинг кўпайиши илм соҳасининг равнақига муҳим таъсир кўрсатади. Барча соҳаларда олий маълумотли мутахассислар кўпайса давлат ва жамият ҳаётида сифат ва самарадорликка эришилади, бу ўзгаришлар ўз навбатида ҳар бир фуқаронинг ҳаётининг яхшиланишига сабаб бўлади. Бугунги кунда илм-фан соҳасида аёлларимиз ҳам фаолият олиб бормоқдалар. Шунга қарамасдан уларнинг салмоғи нисбатан камчиликни ташкил этади. Мақолада гендер тенгликка эришиш борасида бажарилиши лозим бўлган баъзи масалалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, гендер тенглик, илм-фан, инновация

НЕКОТОРЫЕ АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В НАУКЕ ПРИ СТРОИТЕЛЬСТВЕ ОБНОВЛЕННОГО УЗБЕКИСТАНА

Ульжаева Шоҳистаҳон Мамажоновна
Доктор исторических наук, профессор, заведующая
кафедрой «Гуманитарных наук» ТИИМСХ
sh.uljayeva@tiame.uz

Аннотация. В статье анализируются актуальные вопросы обеспечения гендерного равенства в науке при строительстве нового Узбекистана. В нем описываются революции в науке и технологиях, которые происходят сегодня в мире, и их влияние на государства и общества. Увеличение количества высокообразованной интеллигенции в нашей стране оказывает существенное влияние на развитие науки. Увеличение количества высокообразованных специалистов во всех областях приведет к повышению качества и эффективности жизни государства и общества, что, в свою очередь, приведет к улучшению жизни каждого гражданина. Сегодня наши женщины тоже работают в сфере науки. Однако их вес относительно невелик. В статье анализируются некоторые вопросы, которые необходимо решить для достижения гендерного равенства.

Ключевые слова: Узбекистан, гендерное равенство, наука, инновации.

SOME TOPICAL ISSUES OF ENSURING GENDER EQUALITY IN SCIENCE DURING THE CONSTRUCTION OF A NEW UZBEKISTAN

Uljaeva Shohistahon Mamajonovna
Doctor of Historical
Sciences, Professor, Head of the Department
of Humanities, TIIAME

Summary. The article analyzes topical issues of ensuring gender equality in science during the construction of a new Uzbekistan. It describes the revolutions in science and technology that are taking place in the world today and their impact on states and societies.



The increase in the number of highly educated intelligentsia in our country has a significant impact on the development of science. An increase in the number of highly educated specialists in all areas will lead to an increase in the quality and efficiency of life of the state and society, which, in turn, will lead to an improvement in the life of every citizen. Today our women also work in the field of science. However, their weight is relatively small. The article analyzes some of the issues that need to be addressed to achieve gender equality.

Key words: Uzbekistan, gender equality, science, innovation.

Кириш. Тадқиқот ишининг долзарбилиги.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида илм-фан ва технологияларни ривожлантириш орқали давлат бошқаруви, сиёсий тизимлар, иқтисод, ижтимоий ва маданий соҳаларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш жараёнлари кечмоқда. Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларига инновациялар кириб келмоқда. Албатта бу илм-фан ва технологияларнинг кенг масштабларни эгаллаётгани, уларнинг бир дақиқа ҳам тўхтамаётгани ва кун сайин уларнинг шиддати кукчайиб бораётгани билан изоҳланади. Аслида бу жараёнлар интеллектуал қатлам ва гуруҳларнинг кўпаяётгани ва уларнинг тури ҳамда сифати ортиб бораётганини кўрсатади. XXI аср том маънода информацион жамиятлар, робот техникалари асридир. Кейинги юз йилликларда сунъий интеллектлар барча жабҳаларни қамраб олади, инсоннинг қўл меҳнатига талаблар камайиб боради. Албатта бу янгиликлар, инсонларга қулайлик яратади, ҳар бир соҳани бошқариш ва улардан фойдаланиши осонлаштиришга хизмат қиласди. Юридик ва жисмоний шахслар эндилиқда кўпгина истеъмолчилик ҳамда бошқа талаб-эҳтиёжларини электрон тизимлар орқали ҳал қилишга эришиши кундан кучнга авж олиб бормоқда. Бугун ҳамма соҳаларга “акъли тизимлар кириб келди. Бу жараёнлар аллақачон ҳалқаро майдонда ҳам турли соҳаларни яқинлаштириб дунё тизимларини бир нуктада кесиштилмоқда. Бугун илм-фан ва технологиялар ривожланган давлатларда иқтисодиётини ўсиш кузатилмоқда, кўп соҳаларни бошқариши осонлаштиришга, сифатни оширишга, шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугун дунёмида яна глобал тармоқ номли параллел пайдо бўлди, унинг шиддати ва тўлқинлари турли давлат ва жамиятларни келгуси мақсад ва вазифаларини ўйлаб кўришга, шуларга монанд ҳолатда стратегияларни ишлаб чиқишига мажбур қилмоқда. Бугун глобал тизимлар туфайли кўз очиб юмгунча дунёнинг турли бурчакларида яшаётган одамлар ҳалқаро майдонда, сиёsat ва жамиятлар рўй бераётган ўзгаришларни, янги инновацион янгиликлар, технологиялар ҳақида билиб олмоқда ва у янгиликлар бошқа давлат ва жамиятларда кўлланилиб жаҳон бозорида кенг тарқалмоқда. Глобаллашув дунёни кичик бир нуктага жамлаб, ҳатто фуқаролик жамиятлари ривожига ҳам катта таъсир ўтказиб келмоқда. 2017-2021 йилларни ўз ичига олган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам илм-фан, рақамли иқтисодиёт, акъли тизимлар ва бошқа соҳаларга алоҳида эътибор қаратилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва бошқа масалалар мақсад-вазифа сифатида қўйилган.

Албатта илм-фан ва технологиялар ривожи илмий изланишлар, иқтидорли олимларни шакллантириш ва уларни янгиликлар, кашфиётлар қилишга сафарбат қилиш билан боғлиқдир. Бу масалада аёлларнинг илм-фан соҳасидаги гендер тенглигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.



Муаллиф янги Ўзбекистонда илм-фан соҳасида гендер тенгликни таъминлаш муаммоларини ёритишида бугунги давлат ва жамият ҳаётида аёлларнинг ўрнини кўтаришга қаратилган сиёсатдан келиб чиқиб долзарб масалаларни ёритишига ҳаракат қилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review)[1]

Охирги 3-4 йил ичида Ўзбекистонда барча соҳаларда катта ижобий силжишлар рўй бермоқда. Охирги йилларда қабул қилинган аксарият қонун, фармон, қарор ва фармойишларда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги илм-фан соҳасидаги аёллар учун махсус “Олима аёллар грантлари”нинг ажратилиши ҳақидаги қарори ва бошқа хукуқий хужжатлар мазкур мақоланинг асосий манбаси бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг усуслари. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг нутқ, маъруза ва асарларида илгари сурилган услубий тавсиялар, тарихий, тизимли, мантикий, социологик, қиёсий, статистик ва бошқалар мақоланинг асосий усуслари ҳисобланади.

Мунозара

Юртимизда олий маълумотли зиёлиларнинг кўпайиши илм соҳасининг равнақига муҳим таъсир кўрсатади. Бунинг учун аввало жамиятимизда учраб турадиган баъзи эскирган ва давлат ва жамиятни ортга ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган анъана ва стереотипларга қарши кураш олиб бориш керак.

Бунинг учун аввало илм-фан соҳалари вакиллари олдинги сафларда бўлиши, улар ёшларга ибрат ва намуна сифатида кўрсатилиши, илмий ишлари тарғиб қилиниши, ижтимоий аҳволи яхшиланиши талаб этилади.

Бугун том маънода янги Ўзбекистон янгича дунёқараш устига қурилиши керак. Яъни халқимиз топганини тўйга, ҳашаматли уйлар қуришга, турли майший маросим ва тадбирларга эмас, аввало билим олишга, ота-оналар фарзандларини дунёда энг рақобатбардош, билимли ва малакали мутахассислар бўлиб етишиши учун жидду жаҳд кўрсатишлари керак.

Ҳанузгача баъзи оиласаларда “Қиз бола ўқиши шарт эмас” деган қолоқ тушунчалар сақланиб қолган. Баъзи ота-оналар иқтидорли қизларни ўқитмайдилар, уларнинг истак-хоҳишларини инобатга олиб фарзандларини тўғри йўналтирумайдилар.

Бугун жаҳонда илмий салоҳияти кучли давлатлар бугун иқтисодий томондан мислсиз бойиб бормоқдалар. Дунё бойликларини ҳеч ерни қазимасдан, катта-катта кучлар, технологияларни жалб этмасдан бошқалардан кўп пул ва капиталларни жамғармоқдалар. Ўша давлатлар ва жамиятлардаги ўзига хослик шундаки, улар ўз инвестицияларини фарзанд тарбияси, билими, соғлигига тикмоқдалар. Улар турли стресс ва тўсиқларга бардошли қилиб тарбияланмоқда. Ўша жамиятларда илм-фан соҳасида ҳам гендер тенгликка эришишга интилиш кучаймоқда.

Ана шу жараёнларда аёллар муҳим роль ўйнамоқдалар. БМТ томонидан 11 феврал Халқаро олима хотин-қизлар куни ҳисобланади. Бу сананинг ўз тарихи бор.

1815 йил 11 февралда инглиз математиги Ада Лавлейс туғилган кун. Ада Лавлейс механик ҳисоблаш машиналари учун биринчи ҳисоблаш машинасини яратган ва у бу каби ускуналар кейинчалик турли-туман вазифаларни бажариши эҳтимоли, хусусан, мусиқа ёзишда ҳам қўллай олиш мумкинлиги ҳақида башорат берганди. У дунёдаги биринчи программист олима ҳисобланади.

Тарихда илм-фан кашфиётлар туфайли Уйғониш тўлқинлари юзага келганди. Ана шу тўлқинларни ҳаракатлантириувчи кучи-фарзандларини билим олишга йўналтирган оналар эдилар. Тарихимизда жамият фикрини илмга йўналтирган даврлардан бири Амир Темур ва темурийлар давридир[2]

Темурийлар ва Бобурийлар даврида бир нечта тилларни билган, илми зиёда аёллар Мирзо Улуғбек, Бойсунғур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзо каби ўз даврининг забардаст



олимларининг шаклланишида ҳал қилувчи ролни ўйнаган эдилар. Сароймулхоним, Маликат оғо, Гавҳаршодбегим, Гулбаданбеким, Гулрангбеким, Ҳамида Бону, Мумтоз Маҳал бегим ва бошка жуда кўплаб аёллар ўз даврининг энг илғор олимлари бўллитб давлат ва жамият равнақига катта ҳисса қўшгандилар.

Бугун жаҳон миқёсида аёлларни илм билан шуғулланишига имкониятлар яратилаётганига қарамасдан бу соҳада хотин-қизлар эркакларга нисбатан камчиликни ташкил этади.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, жаҳон миқёсида 2018 йилда ўндан уч қисм (28,8%) тадқиқотчилар аёлларни ташкил этади.

Бугун кўпчилик жамиятлар каби Ўзбекистода ҳам илм-фан соҳасида гендер тенгликни таъминлаш масалалари кўндаланг туради. Янги Ўзбекистон жамиятида илм-фан соҳасида ҳам гендер тенгликни таъминлаш учун катта саъий-ҳаракатлар қилинмоқда.

Бугун олий таълим тизимида ҳам хотин-қизларнинг салмоғини кўтариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига хотин-қизларни қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсияномалар бериш ва ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси эълон қилинди.

Унга кўра, Республика олий таълим муассасаларига ажратилган қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида олий маълумот олиш истагида бўлган иқтидорли хотин-қизларнинг танловда иштирок этиш учун тавсияномалар қўйидаги мезонлар асосида берилади:

- кам таъминланган, доимий даромадга эга бўлмаган ва тўлов контрактини тўлашга лаёқатсиз бўлган оиласалар;
- тўлиқсиз оиласада тарбияланаётган, яъни ота ёки онаси вафот этган хотин-қизлар;
- 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида яшаётган бева аёлларнинг (эр) қизлари;
- отаси ёки онаси ногирон бўлган ва кам таъминланган оиласалар;
- оғир уй-жой шароитларида яшаётган ва доимий уй-жойига эга бўлмаган оиласалар;
- ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган кам таъминланган ва иш қидирувчи шахс сифатида аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида ҳисобда турганлар;
- ногиронлиги бўлган фарзанди бор оиласалар;

- олий маълумотли хотин-қизлар билан қамраб олиш даражаси республиканинг ўртacha кўрсаткичларидан бир неча баравар паст бўлган туманлар, шунингдек, олис ва бориш қийин худудларда яшовчи оиласалар фарзандлари учун уларни ўз худудида муйян муддат ишлаш шарти билан[3].

Бу ҳам гендер тенглик учун қўйилаётган катта қадамлардан биридир.

Бугунги ислохотлар жараёнида аёллар мавқенини кўтаришга, илм-фан соҳасида гендер тенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда хотин-қизларни илм-фанга кенг жалб қилиш, фан-таълим ва иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида илмий фаолият билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг янги ғоя ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш учун илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган ташаббускор амалий ва инновацион лойиҳалар натижалари бўйича иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммолари, реал эҳтиёжлари ҳамда худудий муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий ҳажмдор маҳсулотлар ва инновацион технологияларни яратишдан иборат.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 31 январда олимлар, ёш тадқиқотчилар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ҳамда ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувида илм-фан соҳасида аёлларнинг ўрнини янада ошириш учун “Олима аёллар грантлари” танловини эълон қилиш юзасидан белгилаб берилган устувор вазифалар доирасида ташкил этилмоқда[4].



Танловда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Xалқ таълими вазирлиги тизимидағи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида ҳамда илмий фаолият билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларда фаолият юритаётган хотин-қизлар иштирок этишлари мумкин.

Хозирда Ўзбекистон кенг масштабли ислоҳотлар ва силжишлар сабаб Учинчи Ренессансга қадам қўймоқда. Аёлнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшashi учун катта имкониятлар сафарбар этилмоқда. Шундай бўлса-да, хали олдинда турган муаммолар талайгина.

Бизнинг назаримизда иқтидорли аёлларнинг илмий ишларни муваффақиятли ёқлаб олишлари учун баъзи тўсиқлар мавжуд.

Аввало, иш берувчилар аёлларнинг фарзанд кўриши, болалари сабаб баъзан касаллик таътилига чиқиб туриши, кўп вақтини оиласи учун сарфлаши сабабли кўпроқ эркаклар билан ишлашни афзал кўрадилар. Шунингдек, наинки Ўзбекистонда, балки дунёнинг турли жамиятларида ҳам “Дунёда ақлли эркаклар кўпми, аёллар кўпми?” каби нисбий саволга турлича жавоблар бериб келинади. Яъни баъзилар аёлларга нисбатан эркаклар ақллироқ деб ҳисоблайдилар. Дунё миқёсида ҳам рейтинги баланд университетларда аёллар камчиликни ташкил этади.

Саммерс фикрига кўра, эркакларга нисбатан ақлли аёллар кўп, аммо эркаклар орасида ўта ақллилар аёлларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Бизнинг назаримизда, тартибли, озода, масъулиятни ҳис қилувчилар нисбатан аёллар орасида кўпчиликни ташкил этади.

Жамиятда оlima аёлларнинг кўпайиши бизнингча қатор ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади. Чунки ўзбек олимаси бир пайтнинг ўзида катта вазифа ва функцияларни бажаради. У аввало янги оилада келин, бека, бир неча фарзандни вояга етказаётган онадир. Оlima аёл келинлик, оналиқ, бекалик вазифалари билан бирга илмий тадқиқот ишларини олиб борар экан, албатта унга катта масъулият юкланади.

У вақтни тежашни, сабрни, вазиятлардан максимал фойдаланишни ўрганади, фарзандларини ҳам илмли бўлишига, ўзи каби чаққон ва илғор бўлишига ўргатади. Оlima аёлнинг оиласида тарбияланган фарзандлар Ўзбекистоннинг ички ва ташки имижини оширишга ҳам хизмат қилади.

Агар ўзбек жамияти ўз иқтидорли қиз-аёлларининг истак-хоҳишлигини тушунгандаридан ва қўллаб-кувватлагандаридан балки уларнинг олимлар орасидаги салмоғи бугунги статистик маълумотлардан юқори бўлиши мумкин эди.

Баъзи илмий ишга иштиёқи бор қизлар ҳам талабларнинг кучлилиги сабаб оилани танлашга мажбур бўладилар. Иқтидорли аёллар ва қизларнинг аксарияти вилоятлардан келиб ўқийди. Ўқишни битиргач улар олдида илмий иш олиб боришлари учун майший ва психологик муаммолар пайдо бўлади. Аввало уй-жой, яшаш харажатлари, оила қуриш, психологик қўркув, ташвиш, ўз кучига ишончсизлик ва бошқа тўсиқлар пайдо бўлади. Баъзи ҳолатларда устозларнинг ёшларни қўллаб-кувватламаслиги, илмдаги баъзи носоғлом рақобат, нохолисликлар, устоз-шогирд муносабатларининг яхши йўлга қўйилмагани ҳам ёшларни илмий ишга киришишдан чўчитади.

Иқтидорли қизларнинг ота-оналари ҳам аксарият ҳолатларда уларни турмушга узатиш ва кейинги ташвишдан қутулиш устида бош қотирадилар. Бу борада устоз-шогирд тизимлари ва таълим муассасаси ва ота-оналар ўртасидаги алоқалар узвийлиги таъминланиши керак. Шунинг учун ҳам олий таълимда илмий иш ёзишга лаёқатли қизлардан иборат “Ёш оlima қизлар” клуби ташкил этилса мақсадга мувоғиқ бўлади.

Бу каби иқтидорли қизларимизга ижтимоий ҳимоя, устозларининг қўллаб-кувватлаши ва оила аъзоларининг кўмаги керак бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Мактабгача таълим тизимининг машғулотлари инновацион дарслар билан бойитилиши, улар техник қурилмаларни ясашга ўргатилиши, болалар учун кучли таълим дастурлари яратилиши лозим. Қизлар ҳам мана шу жараёнларда фаол бўлиши керак.



Бизнингча, мактабларда таълим олаётган иқтидорли ўкувчи қизларнинг алоҳида мониторинги олиб борилиши ва уларнинг қайси соҳага қизиқишлирига қараб олдиндан тайёргарликлар кўриб бориш, уларда мантикий фикрлаш, маҳсус танланган мавзулар орқали уларни тафаккур қилишга ундаш керак. Мактаб ўкувчиларининг конструкторлик маҳоратлари давлат ва маҳсус фондлар томонидан тақдирланиб турилиши лозим. Шунингдек, катта илмий кашфиётларни молиялаштиришга хизмат қилувчи соҳалар бўйича катта компания ва ташкилотлар ҳам йилда грант ажратиши йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бизда ёшларга мотивация бериш ишлари яхши йўлга қўйилиши лозим.

Китобхонлик билан бирга иншолар танлови ўтказилиши лозим. Ҳар бир мактабда иқтидорли ўкувчи қизлар клуби ташкил этилиб уларга тил ўргатиш ва бошқа фанлар бўйича маслаҳат дарслари қўйилиши лозим. Мактаб кутубхоналари бойитилиши билан бирга электрон адабиётлар сони ва сифатини ошириш, халқаро кутубхоналар тизимларидан фойдаланишга имкон яратиш, аудио китоб ва видеотақдимотлар, видеомаърузаларни бепул тақдим этиш керак бўлади. Ўша клублар қайсиdir долзарб масалалар бўйича катта баҳсга айланиши лозим. Келажакда мактабларда инновацион марказлар тузилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Айнан илм-фанга кўникма ва қизиқишлирининг пойдеворлари мактабларда қўйилади. Қайсиdir соҳаларга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этишга яна-да эътибор берилса ва уларга маълум ишларни бажарган ёшлар қабул қилинса, ишланмалар танлови ташкил этилса ўйлаймизки, келажакда илм-фан равнақи асослари кучайтирилиши мумкин.

Бизнингча, келажакда олима бўлиш лаёқатига эга бўлган қизларимиз учун ҳам “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” тутилиши керак. Бу дафтарларга бир неча тилларни билган, Ўзбекистон ва жаҳон миқёсида қайсиdir натижаларга эришган қизлар киритилиши ва уларга шароитлар яратиб бериш керак бўлади.

“Иқтидорли қизлар дафтари” ва уларнинг фаолияти Низомлари, мақсад ва вазифалари аниқ-тиниқ кўрсатилиши лозим.

Ўзбек аёли илмий иш билан шуғулланар экан, унга талаб эркаклар билан бир хил қўйилади. Ҳолбуки эркаклар аксарият ҳолатларда уй-рўзгор ишларидан озод этилган. Аёл ишдан уйга келгач, уй юмушлари билан бирга болалар тарбияси билан ҳам шуғулланади. Бугунги ўзбек жамиятида баъзи ҳолатларда оиласаларда аёлларга нисбатан эркаклар пассив позицияни эгаллаб олганлар. Илм билан шуғулланувчи инсонларнинг фарзандлари учун боғча ва мактабларда узайтирилган дастурлар ишлаб чиқилиши керак. Оила ишларида эркакларни фаоллаштириш, хусусан ўғил болани асосан эркак тарбиялаши, қизларнинг тарбиясига ҳам аввало ота масъул бўлиши лозим.

Бугун олима аёлларнинг иш соатлари ва дам олиш кунларини қайта кўриб чиқиши лозим бўлади. Ривожланган мамлакатларда аёлларнинг эрталабдан кечгача ишда ўтириши талаб этилмайди. Уларнинг фаолиятининг натижаси инобатга олинади. ОТМлардаги аёллар педагогик фаолиятдан кейин илмий ишлари билан шуғулланиши, бўш вақтларини ўзлари бошқариши тўғри бўлади.

Бугун олима аёл сиймоси ёш қизлар, аёллар учун этalon бўлиб хизмат қилиши, мамлакатда “Олимлар йили” ҳам эълон қилиниши керак. хотин-қизларни илм-фанга кенг жалб этиш учун таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва глобал тармоқларда олий маълумотли аёл имижини кенг тарғиб қилиш керак. Шунингдек, олима аёллар учун маҳсус медаль ва орденлар ҳам жорий этилиши керак.

Ўзбек оиласида камол топган олима аёллар том маънода замонамиз қаҳрамонлариidlар. Жамиятда олима аёл қанча кўп бўлса у шунча равнақ топади, олима аёлнинг фарзанди том маънода зиёли ва ахлоқ-одобли бўлади, улар олима оналарининг издошлари бўлиб тарбияланиши мумкин. Олимлар оиласи кўп ҳолатларда давлат ва жамиятга хизмат қиладиган, мамлакатнинг ички ва ташки майдонларида хавас қилса арзигулик имижини яратса оладиган шахс сифатида камол топадилар.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

- [1] 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // <https://lex.uz/docs/3107036>; Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги // <https://lex.uz/docs/3431440>; Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси <https://lex.uz/docs/5073447>; Инновацион ривожланиш вазирлиги илм-фан соҳасидаги аёллар учун маҳсус “Олима аёллар грантлари” <https://mininnovation.uz/uz/competitions/1858>.
- [2] Uljaeva Shohistahon, Khamidov Khojiakbar, Kalkanov Eshmatboy, Urazalieva Gulshada, Normatov Otabek // Some Pages Development of Entrepreneurship in the Empire of Amir Temur // -Pp.5250-5253 <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v9i1/A2951109119.pdf>; Shohistahon Uljaeva, Kiyomiddin Nazarov, Gulshada Urazalieva, Gulnora Xudayberdieva // Some Features of Public Administration in the Empire of Amir Temur. Pp. 5254-5256. <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v9i1/A2952109119.pdf>; Uljaeva Shohistahon, Akilova Ugilkhon, Khatamova Rano, Zakirova Dilfuza, Elmuratova Shokhista. History of Medicine in the Epoch of Amir Temur and His Dynasty // International Journal of Soft Computing and Engineering, 2019. <https://www.ijrte.org/download/volume-8-issue-3/> ; Shohistahon Uljaeva, Azimov Khakimali, Khakimova Makhruya, Mamadaminova Bakhtigul, Turdiboyeva Maksuda. The Unani medicine history in Central Asia // International Journal of Soft Computing and Engineering, 2019. (Scopus Journal) <https://www.ijrte.org/download/volume-8-issue-3/>; Uljaeva Shohistahon, Khakimova Makhruya, Turdiboeva Makhksuda, Botirova Khalima, Zakirova Dilfuza // The European Culture Under the Empire of Amir Temur // -Pp. 4653-4655. <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v9i1/A2935109119.pdf>; Uljaeva Shohistahon Mamajonovna, Nosirkhodjaeva Gulnora Abdukaxxarovna, Azimov Khakimali Imomovich, Tadjibaeva Dilnovoz Ozodovna // A History of Historiography and some Sources of the Period of Amir Temur and Temurids. Pp. 4819-4823. <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v9i1/A2930109119.pdf>; Uljaeva Shohistahon, Gofurova Khilola, Inagamova Guzal Takhirovna, Isakulova Bakhtigul Khujamo // About Central Management System State of Amir Temur. -Pp. 4834-4836. <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v9i1/A2937109119.pdf> ; Uljaeva Sh. M., Ismailova Z.K., Nazarov K.N., Djumaniyazov R.M., Nishanbaeva G. J. Some considerations on the study of history of humanitarian sciences and medicine in Uzbekistan through GIS systems // European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 02, 2020. Pp-3131-3141.
- [3] <https://xs.uz/uzkr/post/otmga-khotin-qizlarni-qoshimcha-grant-asosida-qabul-qilish-tartibi-belgilanadi>
- [4] <https://mininnovation.uz/uz/competitions/1858>



ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИ ЯРАТИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЗАРУРАТИ

Ҳакимова М.Ф.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

"Инновацион таълим" кафедраси

мудири, п. ф.д., профессор

Қамбаров Д.С.

Гулистан давлат университети

"Жисмоний аданият"

кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф томонидан давлатимиз мустақилликка эришган кунидан бошлаб, юртимизда аёлларнинг ижтимоий иқтисодий соҳада, тадбиркорликда, фан ва техника тараққиётида, давлат курилишидаги нуфузини кўтариш, ўрнини кенгайтириш ҳамда хотин-қизлар фаолияти билан боғлиқ бўлган бир қатор масалаларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги борасида фикр юритилган.

Калит сўзлар: оила, хотин-қизлар, ижтимоий муҳит, жамият, инсон хукуqlари, маърифат, тарбия.

НЕОБХОДИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН В СОЗДАНИИ СЕМЕЙНОГО БЛАГОПОЛУЧИЯ

Аннотация: В статье обсуждается необходимость повышения статуса женщин в социально-экономической сфере, предпринимательстве, науке и технологиях, государственном строительстве, а также уделяется особое внимание ряду вопросов, связанных с деятельностью женщин в нашей стране.

Ключевые слова: семья, женщины, социальная среда, общество, права человека, просвещение, воспитание.

THE NECESSITY OF INCREASING THE SOCIAL ACTIVITY OF WOMEN IN CREATING FAMILY WELL-BEING

Annotation: In this article, the author discusses the need to raise the status of women in the socio-economic sphere, entrepreneurship, science and technology and state building, as well as a number of issues related to women's activities in our country since independence.

Keywords: family, women, social environment, society, human rights, enlightenment, upbringing.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, хеч шубҳасиз, оиласининг ўрни ва таъсири бекиёсdir. Чунки, инсоннинг энг соғ ва покиза туйғулари, илк хаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойdevori оила шароитида қарор топиши табиийdir. Шунингдек, ижтимоий ҳаётда аёл илмий салоҳиятининг юксак бўлиши – жамиятда барқарорлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам бўлиш омилларидан биридир.

Оила ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, халқимизнинг муқаддас урф-одатлари сайқал топадиган, келажак авлоднинг камолотига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Асосий қонунимизнинг 63-моддасида, "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хукуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва teng хукуқлилигига асосланади", - дея белгилаб



кўйилган. Мазкур тамойил асосида мамлакатимизда оилани ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, унга моддий ва маънавий кўмак бериш чоралари кўрилмоқда.

Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи янада мустаҳкамланди. Давлатимиз раҳбарининг ҳар йили 8 март байрами муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган табрикларида инсон том маънода эркин, озод ва фаровон яшайдиган фуқаролик жамияти қуриш йўлида жонкуяр ва фидойи хотин-қизларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини таъкидлар экан, жумладан шундай деган эди, “...олдимизда янги-янги муаммо ва синовлар пайдо бўлаётган ҳозирги ғоят мураккаб даврда сиз, муҳтарама опа-сингилларимиз ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида – бу давлат ва жамият қурилиши, саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим-тарбия ёки соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт бўладими – буларнинг барчасида биз билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилиб келаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди”.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг илм-тараққиётидаги ўрнини кенгайтириш, уларнинг иқтидорларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жамиятимизда хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий ваколатларини кенгайтириш, фаолият самарадорлигини янада оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ҳозирда хотин-қизларнинг салмоқли қисми таълим муассасаларида, нодавлат нотижорат ташкилотларининг таълим, аёллар ҳуқуқлари, репродуктив саломатлик, касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни ҳимоялаш каби соҳаларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар қандай тузум ва ҳар қандай ижтимоий муҳитда аёллар ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш орқали оила фаровонлигига эришилади. Оила фаровон бўлса, бу ўз навбатида, жамиятнинг равнақига олиб келади. Шунинг учун хотин-қизлар масаласини олиб чиқиши орқали жамият миқёсида таҳсинга лойик жуда кўп вазифаларни бажариш мумкин. Аёлга хос бўлган маънавий фазилатлар унинг табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлишида намоён бўлади. Аёл маънавияти ижтимоий ҳаётнинг ёрқин кўзгусидир. Чунки аёлда ҳам оилавий турмуш, ҳам иқтисодий ва сиёсий ҳаёт ўз аксини кўрсатади. Аёл маънавиятининг ҳар бир қирраси жамият ижтимоий сиёсий ҳаёти билан узвийлашади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқида, “Мени қишиларимизнинг онгидаги пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни авваламбор она, оила қўргонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиласиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий қузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”-деган эди.

Албатта, бизнинг давлатимиз мустақилликка эришган кунидан бошлаб, юртимизда аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш учун уларга иш ўринларини яратиш, хотин-қизларнинг иқтисодий соҳада, тадбиркорликда, фан ва техника тараққиётида ҳамда давлат қурилишидаги нуфузини кўтариш, ўрнини кенгайтириш каби масалалар давлат сиёсати даражасида улуғланди. Аёлни улуғлаш ва уни ҳимоя қилиш борасида қабул килинган муҳим хужжатлар аёлларнинг барча қатори меҳнат ва ижод қилиши, ижтимоий ҳаётда ва давлат қурилишида иштирок этиши лозимлигини исботлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, хукуматимиз муҳим хужжатларининг моҳиятида жамиятдаги ижтимоий ва маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёш авлодни ўтмишимизга муносиб ворислар қилиб тарбиялаш, халқимизнинг қадриятларини қадрлаш, ёшларимизни турли оқимлардан ҳимоя қилиш, хотин-қизларимизнинг ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш каби масалалар ўрин эгаллаган.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этиш асосан бугунги ёш авлоднинг зиммасида экан, уларни билимли, маданиятли, меҳнатсевар, ташаббускор, изланувчан этиб шакллантириш ҳаёт тажрибасига эга, қийинчиликларда тобланган ёши улуғларимиз, фахрийларимизнинг, шу билан бирга мазкур ишга дайвват этилган тарбиячилар, муаллимлар, олимларнинг ва умуман барчанинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Шулардан келиб чиқиб,



мамлакатимизда 2021 йил “Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши ҳам фикримизнинг далилидир. Бу борада ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ёшларни маънавий ва жисмоний шакллантириш, иқтидорли ёшларни танлаш, рағбатлантириш борасида давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг намунасидир. Шу боисдан ҳам келажак борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш, уларни жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида фаол иштирок этишларини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурч ва вазифалари ҳисобланади. Мазкур ҳолатда энг аввало, ёшларимиз онгида маънавият ва ахлоқийлик каби юксак фазилатларни тарбиялашимиз зарур бўлади, яъни ёшлар тарбияси соҳасидаги сиёсатни кенг жабҳада олиб борилиши жумладан, оиласидаги тарбия пойdevорини таълим масканларида ҳам уйғун равишда мустаҳкам қўйилишига эътибор қаратилиши зарур.

Тарихдан маълумки, бутун дунёда илғор фикрли инсонлар ҳамиша, асрлар оша хотин-қизлар масалаларига жуда катта аҳамият қаратиб келганлар. Бунинг сабаби, аёлнинг табиатан гўзаллиги, донологи, оқилалиги, бунёдкорлиги, яратувчанлиги, меҳнатсеварлиги, юртпарварлиги, адолатлилиги, меҳр-шафқатлилиги, энг муҳими, унинг нозик жисмига ҳаттоқи жуда қучли эркакнинг ҳам қўлидан келмайдиган оғир, ўта масъулиятли, шу билан бирга, шарафли, муқаддас вазифанинг - оналик вазифасининг юклатилганлигига бўлса, ажаб эмас. Чунки аёл кишигагина оналик ва оиласидаги бош тарбиячилик ролини бирваракайига олиб бориш, амалга ошириш табиатан инъом этилгандир.

Бугунги кун ўзбек аёли маърифатли, маънавияти юқори, тафаккури теран, шу билан бирга замонамизга ҳос барча ижобий хислатларни ўзида мужассамлаштирган оқила ва доно бўлиши ҳамда аёл жамиятнинг негизи ҳисобланган оиласидаги фарзандлар тарбияси билан шуғулланиб қолмасдан, жамиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлмоғи лозим.

Хозирда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини, ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш тақозо этилмоқда ва хотин-қизлар фаолияти билан боғлиқ бўлган бир қатор масалаларга алоҳида эътибор бериб келинмоқда, жумладан:

- хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқенини, ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш;
- хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва ўзларидаги салоҳиятни турли жабҳаларда намоён этишлари учун янада кенг ва реал имкониятларни яратиб бериш;
- аёлларнинг ўй-рўзгор, болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган юмушларидан, ўз оиласидан узоқлашмаган ҳолда оила даромадини кўпайтиришига ўз улушкини қўшишини, уйда туриб меҳнат фаолияти билан банд бўлишларини таъминлаш;
- оиласарда юзага келган муаммоларни ҳал этиш, оналарнинг фарзандлар тарбияси ва парвариши борасидаги ташвишларини камайтириш;
- хотин-қизларнинг тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш, уларнинг кичик ва оиласидаги бизнес билан шуғулланишлари учун қулай шароитларни яратиш ва тадбиркор аёлларга ҳар томонлама кўмаклашиш;
- мамлакатда соғлом онани шакллантириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш;
- оиласар, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган аёлларга жаҳон давлатларининг ҳеч бирида кузатилмаган эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилади. Мустақилликка эришганимиздан бўён, аёл зотини улуғлаш учун унинг номига йиллар аталди, аёл номида мукофотлар жорий этилди. Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатда аёллар сонини кўпайтириш ҳақида квоталар жорий қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон хукуқларига олий қадрият сифатида қаралаётган юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш учун барча хукуқий асослар, шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, вакиллик органларига оид сайлов қонунчилигига аёлларга имтиёзлар белгиланган. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Конунда хотин-қизларнинг сони сиёсий



партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камидаги 30 фоизини ташкил этиши лозимлиги қайд этилгани ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этишлари учун Ўзбекистонда яратилган ҳукуқий ва ташкилий шароитлар давлат сиёсатининг муҳим йўналишидир. Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш муаммоларини ҳал этишга хотин-қизларни тобора кўпроқ жалб этишга; аёлларнинг молиявий кредитлардан фойдаланишини таъминлашга, аёллар ва болалар жиноятига қарши курашга, экологик хавфсизликка, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларда, қонун лойиҳалари муҳокамасида, сайлов жараёнида хотин-қизларнинг қатнашишига катта аҳамият берилмоқда.

Элимизда ардокли бўлиб яшаб ўтган, юртимиз шаънини улуғлаб, дунёларга танитган, илм-фанимиз довруғини сарҳадлар оша шарафланишига эришган фидойи аёлларимизнинг ҳаёти, ижоди биз учун, айниқса ёш қизларимиз учун бир умр ибрат мактабидир.

Бизнинг юртимизда аёлларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш учун уларга иш ўринларини яратиш, хотин-қизларнинг иқтисодий соҳада, тадбиркорликда, фан ва техника таракқиётида ҳамда давлат қурилишидаги нуфузини кўтариш, ўринни кенгайтириш каби масалалар давлат сиёсати даражасида кўтарилди. Ўзбекистонда биринчи навбатда, аёлларни, оиласи ва болаликни ҳимоя қилишнинг ҳукуқий базаси яратилди, иккинчидан, аёллар ва оиласи давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, жойларда уларга аниқ ёрдам кўрсатишга алоҳида аҳамият берилди ва бу ишлар бугунги кунда амалга ошириб келаётганини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Аёлни улуғлаш ва уни ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган муҳим хужжатлар аёлларнинг барча қатори меҳнат ва ижод қилиши, ижтимоий ҳаётда ва давлат қурилишида иштирок этиши лозимлигини исботлаб берди. Президентимизнинг «Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини кўтариш давлатчилигимизнинг устувор ва асосий йўналишларидан биридир» деган сўзларининг ўзи ҳам юртимизда аёллар ижтимоий ҳукуқларининг нақадар кафотланганлигидан далолат беради.

Оила ҳар биримиз камолга етадиган, фарзандларимиз ўсиб-улғаядиган муқаддас даргоҳдир. Унда инсон камолоти учун зарур бўлган барча омиллар мавжуд. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда оиласи ва томонлама равнақ топтириш масаласига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Аёл зоти жамиятнинг сифат белгисини қўйиб берувчи, ижтимоий ҳаёт муаммоларини бартараф этувчи, ўзининг ақли ва салоҳияти билан фарзандларини камолга етказувчи, тарбия ва маърифатнинг эгасидир. Шундай экан, Ўзбекистон аёллари келажак эгалари бўлган фарзандларини нафақат дунёга келтириш, балки бу фарзандни баркамол этиб тарбиялашда ўз ўрни мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Жамиятда юзага келадиган маънавий баркамоллик, аввало, унинг энг кичик ячейкаси бўлмиш – оиласи мустаҳкам ва баркамол бўлишига бевосита боғлиқдир. Оиладаги маънавий вазият – аввало аёлнинг ақлий салоҳияти, онги, дунёқараши даражасига чамбарчас боғланган. Бу эса аёлдан билим даражаси кенг ва чуқур бўлишини талаб қиласи.

Жумладан, оила маданий ҳодиса сифатида ҳалқимизнинг бой ва қадимий тарихини, моддий ва маънавий меросини, қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни авлоддан-авлодга асл ҳолида етказадиган, миллий фахр сифатида авайлаб асрайдиган ва жаҳон миқёсида умуминсоний қадрият тарзида намойиш этадиган уюшмадир. Шунингдек, жамиятимизнинг фаровонлиги, жаҳонда тараққий этган давлатлар сафидан ўрин олиш учун тўла имконият яратмоқ ниятида меҳнат қиладиган жисмоний соғлом, маънавий бой, ахлоқий пок, комил фарзандларни ҳам оила тарбиялаб вояга етказади. Олимларнинг таъкидлашларича, ота-оналар фарзанд тарбиясида асрлар давомида шаклланган анъаналарга, бу борадаги умуминсоний қадриятларга таянганида, давр руҳи ва эҳтиёжларини эътиборга олганида яхши натижаларга эришадилар. Бу ишнинг самараси кўпроқ тарбиянинг мақсади ва усувларига боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, мамлакатимизда янгиланиш жараёни кечаетган ҳозирги даврда жамият қурувчилари бўлмиш ёшларни маънавий бой, ахлоқий етук, юқори билимли, жисмонан бақувват, хар томонлама камол топган шахс этиб шакллантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Юксак инсоний хислатларга эга баркамол шахс, аввало, оиласи шаклланади ва



ўзи тарбия топган оила анъаналари унинг жамият фаолиятида ўз ўрнига эга бўлишида катта аҳамият касб этиши шубҳасизdir.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин -қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 5325-сон Фармони www.lex. Uz.
2. Мусурмона О. Оила маънавияти – миллий ғурур. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 2000 б.
3. Шарипова Д. Маънавий баркамол шахсни шакллантириш –жамият тараққиётининг асоси.–Т.: Фан ва технология, 2002. –21 б.
4. Каримова В.М. Оила психологияси: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. – Т.: Fan va texnologiya, 2015. – 252 б.
5. Куронов М. Оила ва баркамол авлод тарбияси.–Т.:Маънавият, 2012. –134 б.
6. Нажмидинова К.У. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. (монография).-Т.: Адолат, 2016.-224 бет.



ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИКА АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Дониёрова Матлуба Адашбаевна,
т.ф.н., доцент, Жizzах Политехника институти
matlubadoniyorova1980@gmail.com

Султонова Сарвиноз Баходир қизи
Жizzах Политехника институти магистранти

Аннотация. Мақолада олий таълим тизимида мутахассислик фанларини инновацион педагогика асосида самарали ташкил этиш масалалари ёритилди.

Таянч иборалар: олий таълим, мутахассислик, тўқимачилик, инновацион педагогика, машғулот, самарали, ташкил этиш

ПРЕПОДАВАНИЕ СПЕЦИАЛЬНЫХ ДИСЦИПЛИН В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОЙ ПЕДАГОГИКИ

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы эффективной обучение специальных дисциплин в системе высшего образования на основе инновационной педагогики.

Ключевые слова: высшее образование, специализация, текстиль, инновационная педагогика, обучение, эффективный, организация

TEACHING SPECIAL DISCIPLINES IN HIGHER EDUCATION ON THE BASIS OF INNOVATIVE PEDAGOGY

Abstract. The article discusses the issues of effective teaching of special disciplines in the higher education system based on innovative pedagogy

Key words: higher education, specialization, textiles, innovative pedagogy, training, effective, organization

Халқаро майдонда кечётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсати натижасида нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан қилинган 29 декабр 2020 йилда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномада [1] Янги Ўзбекистонни билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этишда, муҳим йўналишларда бошлаган ишларни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилди. Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўкув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илгор халқаро мезонларга мослаштириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-637-сонли “Таълим тўғрисида”ти Конунда “таълим” атамасига таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўнинмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўнинмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён сифатида таъриф берилган. [2]

Ҳукуматимиз томонидан қўйилган қатор тизимли вазифаларни бажаришда таълим тизимида, жумладан олий таълимнинг самарали кечишини таъминлаш, бўлажак мутахассисларнинг етук касб эгалари сифатида Янги Ўзбекистон Миллий иқтисодиётида



ўзининг муносиб хиссасини қўшиш учун соҳага оид фанларни чуқур ўзлаштиришда таълим жараёнини модернизациялаш бугунги куннинг долзарб масалалардан биридир.

Кейинги вақтларда дарс машғулотларини ташкил этишда “Инновацион таълим технологиялари” ва “таълим инновациялари” каби атамалар жуда тез-тез тақрорланмоқда. Лугавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича,[3] инновация қўйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovationas” – киритилган янгилик, ихтиро) – техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар, ундан ташқари, илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши, деб берилган.


Илмий адабиётларда “новация” (янгилиш, янгилик) ҳамда “инновация” (янгилик киритиш) тушунчаларининг бир-биридан фарқланишига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўкув предметининг ўзига хос технологияси мавжуд. Ўкув жараёнидаги педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижага беришига қаратилган педагогик жараёндир. Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танлаган мазмун, услугуб, шакл, воситага, яъни провард натижада педагогик технологияга боғлиқ. Ўқитувчи ва талабанинг дарс жараёнида мақсаддан натижага эришишида қандай педагогик технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратиган бўлиб, бунда талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб, фойдаланиладиган педагогик технология танланади. Масалан, натижага эришиш учун балки, фильм (ёки тарқатма материал, чизма ва плакат, ахборот технологияси, ўкув услубий адабиётлар) зарур бўлади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи ва талабаларга боғлиқ. Шу билан бирга ўкув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур. Бу жараёнда ўқитувчи ўкув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, энг асосийси, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжини ва ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак. Шундагина керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқача айтганда, [4] талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Олий педагогик таълимдаги ислоҳатлар ва унинг модернизациялашуви профессор ўқитиувчилардан дарс жараёнида ташаббускорликни, ижодий ёндашувни, талабалардан мустақил фикрлашни талаб қиласди. Олий педагогик таълимдаги дарс - педагогик ижодкорликнинг асосий майдонидир. Ўқитувчининг асосий педагогик эҳтиёжи - ўргатиш, етказиб бериш - айнан дарс жараёнида амалга оширилади. Шундай экан, дарс олий педагогик таълим жараёнини ташкил қилишга инновацион ёндашувни, янгича муносабатни талаб қиласди. Стандартлаштирилган дарслар жараёнида ўқитувчи олдида муҳим бир масала туради яъни талабаларни илғор замонавий билим олишга жалб қилиш, уларни инновацион таълим сари олға ҳаракатлантиришdir. Бу эса ўқитувчи ва талабаларни биргалиқдаги меҳнатга жалб қиласди. Бунинг учун, талабаларни ўқитиша мажбур қилмасликни талаб қиласди. Педагогик ҳамкорликнинг хусусиятларидан бири - дарсда талабадаги қўрқувни йўқотиш, уни эркинрок, дадилроқ иштирокини таъминлаш, ўзининг кучига ишонтириш, унга жиддий, ижод қилишга қодир шахс сифатида қарашдир.

Дарс машғулотини “Муаммоли маъруза” шаклида ташкил этилиши ўқитувчининг тажрибаси ва дарс ўтиш малакаси билан боғлиқ бўлиб, “муаммоли вазиятлар”ни ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлаш талабаларни эркин ижодий фикрлаш ва фикрларини тўғри баён этиш имкониятини беради. Қуйида тўқимачилик соҳасига оид дарс машғулотини инновацион педагогика асосида ташкил этиш бўйича тақдимотлар келтирилди.



Маъруза бошланишида ўқитувчи соҳага оид Президент ва хукумат Қарорлари бўйича талабаларнинг хабардорлиги ва бу ҳақдаги тушунчаларни умумлаштириш мақсадида “Breinstorming” усулидан фойдаланиши тавсия этилади. [5] 1-расмда тўқимачилик соҳасига оид маъруза дарси тақдимоти келтирилиб, талабалар фикрини жамлаш, уларда эркин фикрлаш ва тушунчаларни баён этиши учун аниқ бир савол мисол тариқасида келтирилди.



1-расм. “Breinstorming” усулида мавзуга оид саволнинг берилиши

Бу усул ҳамма вазифаларни бажаради, лекин унинг асосий вазифаси - таълим олувчиларни ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларни муаммони мустақил тушуниш ва ечишга қизиқтириш ва уларда муомала маданияти, фикр алмашиниш малакаларини ривожлантириши, ташқи таъсир остида фикрлашдан озод бўлиш ва ижодий топширикни эчишда бирламчи йўл фикрларини энгид ўтишни тарбиялайди. Анъанавий таълимда вазифани ечиш вақтида қўпгина таълим олувчилар ўз ғояларини айтишга ботина олмайдилар. Ўз таклифларининг хатолиги ва таълим берувчининг салбий муносабатидан, бошқа иштирокчиларнинг йўқ қилиб юборувчи танқиди ва кулгисидан асосли қўрқадилар. Ақлий хужум усулини ҳар бир дарс машғулотида қўллаш мумкин. Ақлий хужум усулини қўллаш ўқитувчининг дарс ўтиш маҳорати ва тажрибасига боғлиқ.

Мавзуга оид таянч сўз ва ибораларни беришда турли тилдаги таржимаси орқали берилиши инновацион педагогикада самарали бўлиши бир неча бор дарс машғулоти давомида ўз исботини топди. 2-расмда таянч сўзларни уч тилли луғат кўринишида берилди.

Мавзуга оид таянч сўзлар:

Жинси матоси	Джинсовая ткань	Jeans, denim
Пахта толаси	Хлопковое волокно	Cotton fibre
Хом ашё	Сырье	Raw material
Танда или	Основная нить	Warp
Аркок или	Уточная нить	Weft
Тандалаш	Снование	Warping
Бўяш	Крашение	Dyeing
Охорлаш	Шлихтование	Sizing
Улаш ёки ўтказиш	Привязывания или пробирания	Tying or drawing
Тўқувчилик	Ткачество	Weaving

2-расм. Мавзуга оид уч тилли луғат

Ўқитувчининг Т-технологиясидан оқилона фойдаланиши талабани берилаётган маълумотларни тавсифлаш, қиёслаш, солишиши орқали хulosалар қилиш, шунингдек, юқори даражада ўзлаштириш имконини яратади.




**“Т”-ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁРДАМИДА ЖИНСИ МАТОСИННИГ
АФЗАЛЛИК ВА КАМЧИЛИКЛАРИНИ
ҶЕРИТИШ**

- | | |
|---|---|
| <ol style="list-style-type: none"> 1. Эскиришга чидамли, узок вакт фойдаланиш имконияти; 2. Гигроскопик; 3. Мато “нафас олади”, яъни ҳаво ўтказувчанлиги яхши, лекин шамолдан химоя килади; 4. Электрланмайди; 5. Чанг олмайди; 6. Универсал, аксессуардан тортиб, турфа хил буюмлар тайёрлаш мумкин; 7. Ташиб кўрининиши – жозинбали, кулай ва комфорт. | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ювилгандан вактда қаттиклиги ортади; 2. Ювандан кейин секин курйиди; 3. Тахланган жойларда вакт ўтиши билан ранги унникиб, ўчиб кетиши кузатилади; |
|---|---|

3-расм. Мавзуга оид маълумотларни қиёслаш учун Т-технология

Кўрсатиш усули нарса, жараён ва ҳодисаларни уларни тасвирий кўринишда кўрсатиш ва қабул қилишни кўзлайди. Бу усулнинг асосий вазифаси - ўргатиш. Кўрсатишнинг воситаларига схемалар, жадваллар, расмлар, суратлар, албомлар, хариталар, яssi моделлар хизмат қиласди.



ТАСВИРНИ ИЗОҲЛАНГ!

4-расм. “Кўрсатиш” усули орқали талабаларнинг умумтаълимга оид билимларини бойитиш

“Такрорлаш – билимнинг онаси”, деган мақолга амал қилинса, Кластер методини уйга вазифа сифатида бериш мақсадга мувофиқ хисобланади.



Хуноса. Дарс машғулотларни ташкил этишда машғулотнинг турига қараб, педагог ва талаба харакатини ўзаро мувофиқлаштириш учун қўлланиладиган интерфаол усуллар тўғри танланиши ва мақсадга мувофиқ йўналтирилиши лозим. Бунда машғулот олиб борувчи ўқитувчининг илмий салоҳияти, педагогик маҳорати ва дарс ўтиш этикаси бирламчи деб ҳисобланса, ахборот-коммуникация воситалари, жумладан мультимедиа воситалар дарс самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 29 декабр 2020 йилда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.
4. Алиқулова М.М. Инновацион педагогика. Услубий қўлланма. ТДИУ нашриёти, 2012 йил.
5. Дониёрова М.А. “Жинси матолари ишлаб чиқариш технологияси мавзусини инновацион педагогика асосида ташкил этиш” мавзусидаги битирув иши. ТТЕСИ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази, 2020 йил.



JAMIYATNING MA'NAVIY QIYOFASI

Abdullayeva Nilufar Sultonbayevna
Toshkent moliya instituti o`qituvchisi,
nilufarabdullayeva.uz@gmail.com

Annotatsiya: Maqola ayollarning jamiyatdagi o`rni masalasiga bag`ishlangan bo`lib, unda ta`lim-tarbiya, xotin-qizlarning oilaviy va ijtimoiy hayotdagi faoliyati, ularda ruhiy-ma`naviy tarbiyani, axloqiy qadriyatlarni shakllantirish yo`llari tahliliy metod asosida yoritildi.

Tayanch iboralar: xotin-qizlar, ziyoli ayollar, jamiyat, ma`naviy tarbiya, ta`lim, ijtimoiy hayot, oila, ta`lim-tarbiya, faoliyat, axloqiy tamoyillar, huquqiy tarbiya

ДУХОВНЫЙ ОБЛИК ОБЩЕСТВА

Аннотация: Статья посвящена роли женщины в обществе, образовании, деятельности женщин в семье и общественной жизни, их духовно-нравственному воспитанию, формированию нравственных ценностей. В статье использован аналитический метод.

Ключевые слова: женщины, интеллигентные женщины, общество, нравственное воспитание, образование, общественная жизнь, семья, образование и воспитание, деятельность, нравственные принципы, правовое воспитание

THE MORAL IMAGE OF SOCIETY

Abstract: The article is devoted to the role of women in society, education, the activities of women in the family and public life, their moral education, the formation of moral values. The article uses the analytical method.

Key words: women, intelligent women, society, moral education, education, social life, family, education and upbringing, activity, moral principles, legal education

Ta`lim-tarbiya mavzusi yoritilar ekan, jamiyatda bu sohaning ustuni bo`lgan mutaxassis ayol, uning hayoti va faoliyati, ijtimoiy jarayondagi o`rni haqida fikr yuritish zarur, chunki ana shu jamiyatdagi ijtimoiy, iqtisodiy, ilmiy-texnik, madaniy-ma`rifiy rivojlanish ortida ularning aql-zakovati, fahm-farosati natijasi o`laroq bunyod bo`lgan kelajak qadam tashlamoqda. Har qanday jarayonda ma`naviy yetuk, ziyoli ayollarning o`rni tobora bilinib, ularning ilmu salohiyatiga, iqtidoriga bo`lgan ehtiyoj yanada ortmoqda. Bunga sabab, avvalo, ajdodlardan meros yuksak axloqiy-ma`naviy tarbiya bo`lsa, keyingisi insonni sevish, qadrlash kabi gumanistik tafakkurning aynan ayol siymosidagi in`ikosidir.

Ilmiy-texnik taraqqiyotning navbatdagi bosqichida hayot faoliyatini yuritar ekanmiz, turli jabhalarda ayol faoliyatining ijobiy mahsulini ko`ramiz. Oilaviy qadriyatlarga asoslangan hayot tarzini yuritayotgan ayol nafaqat sohada, balki o`z shaxsiy qo`rg`onida ham munosib tarbiyachidir, binobarin, bo`y cho`zayotgan nihol oldidagi daraxtdan nuqs oladi. Ayolga bo`lgan hurmat tuyg`usini ulug`lar ekan, dalat rahbari “Oila va jamiyat ustuni, hayotimizning fayzi va ko`rki bo`lgan xotin-qizlarni e`zozlash, ularga hurmat va ehtirom ko`rsatish xalqimiz uchun azal-azaldan buyuk qadriyat bo`lib kelgan va shunday bo`lib qoladi” [1], — degan edi o`z nutqida. Jamiyatdagi oliy qadriyatning o`zi ayollarni e`zozlashda namoyon bo`ladi. Har bir kasb va lavozim egasi o`zidagi barcha sifatlar, insoniy fazilatlar uchun bu zotdan qarzdorligini his qilib yashaydi. Ayniqsa, jismoniy va ma`naviy sog`lom avlodni tarbiyalab voyaga yetkazishda ayol kishining o`rni bo`lak.

Bugungi kunda O`zbekiston xotin-qizlarining hayotimizning barcha soha va tarmoqlarida o`zlarini to`la namoyon etib kelayotganligini ta`kidlar ekan, davlat rahbari ularning mehnatini yuksak baholaydi: “Sizlar davlat va boshqaruv idoralari, vakillik organlarida, ishlab chiqarish, tadbirkorlik va fermerlik tarmoqlarida, ijtimoiy sohalarda samarali mehnat qilib, Vatanimiz taraqqiyotiga munosib hissa qo`shmoqdasiz” [2], — deydi. Darhaqiqat, mustaqillik yillarda va ungacha bo`lgan davrda



nafaqat o`zbek ayollari, balki mamlakatimizda yashayotgan turli millat vakilalari orasidan yetuk mutaxassislar, ilm-ma'rifat, ta'lim-tarbiya fidoiyları, olimalar, sportchilar, san'at va madaniyat namoyandalari yetishib chiqdi. Davlatimiz rahbari aytganiday, "Hozirgi vaqtida mamlakatimiz xotin-qizlari orasida 514 nafar fan doktori, 6 nafar akademik, 15 nafar O`zbekiston Qahramoni, 17 nafar senator, 15 nafar Qonunchilik palatasi deputati borligini, shuningdek, mahalliy Kengashlar deputatlarining 23 foizidan ziyodini aynan ayollarimiz tashkil etishini alohida ta'kidlash lozim. O`nlab opa-singillarimiz "O`zbekiston fan arbobi", "O`zbekiston xalq shoiri", "O`zbekiston xalq o`qituvchisi", "O`zbekiston xalq artisti" singari davlatimizning yuksak faxriy unvonlariga sazovor bo`lganlar. Shular qatorida 240 nafar yosh iste'dod egasi Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti bilan taqdirlangan." [3]

Bugungi kun innovatsiyalari qurshovida yashayotgan ayollarning ilm-fan va ta'lim-tarbiya borasidagi hissalari haqida gap ketganda, nafaqat ularning ilg'or faoliyati va yutuqlari haqida, balki, bu yo`lda tabiiy ravishda yuzaga kelayotgan ayrim muammolar haqida to`xtalish ayni muddao. Shulardan biri axloqiy va huquqiy tarbiyadir. Jamiyatning ijtimoiy darajasi nafaqat iqtisodiy tamoyillar bilan, balki uning asosi bo`lgan ma'naviy, axloqiy va huquqiy tamoyillar bilan ham o`lchanadi. Bu tamoyillarga ega bo`lmagan jamiyat insoniyat jamiyatni bo`la olmaydi va u ertamikechmi inqirozga mahkum. Ana shu axloqiy-ma'naviy tamoyillarning yetakchi kuchi ayyolardir. Chunki ijtimoiy munosabatlar ularsiz sodir bo`lmaydi va bu ayni haqiqat. Atoqli rus pedagogi K.D.Ushinskiy axloqiy tarbiya masalasiga jiddiy e'tibor qaratish kerakligini ta'kidlaydi. U axloqiy tarbiyani shaxsni shakllantirish kabi ko'p qirrali jarayonning muhim jihatlaridan biri, shaxsning axloqiy qadriyatlarni o`zlashtirishi, axloqiy fazilatlarni rivojlantirishi, idealga e'tiborni qaratish, axloq tamoyillari, me'yorlari va qoidalari asosida yashash qobiliyati, real sharoitdagi xatti-harakatlarda namoyon bo`ladigan e'tiqod va g'oyalar deya tushuntiradi [4].

Axloqiy va huquqiy tarbiya muammolari bugungi kunda, ayniqsa, xotin-qizlar orasida dolzarblik kasb etmoqda. Bu, o`z navbatida, yosh avlodning jamiyatdan uzoqlashish tendensiyalari o'sishi, ongning qonuniy va noqonuniy, shaxsiy va ijtimoiy tushunchalarini anglash qobiliyatining susayishi, odamlar o'rtasidagi axloqiy munosabatlarning deformatsiyasi, o`zboshimcha harakatlarning kuchayib borishi, e'tiborsizlik, chegaralarning buzilishi va ijtimoiy-madaniy xulq-atvor qoidalariiga rioya qilmaslik, tajovuzkor xatti-harakatlarning o'sishi, o'tmisht va hozirgi merosga, tilga hurmatsizlik, global dunyoda ko'p konfessiyali jamiyat vakillari bilan do`stona munosabatlarni saqlay olmaslik va h. ko`zga tashlanadi.

Jamiyatda ayol tarbiyachi rolini bajara olishi uchun, avvalo, uning o`zi tarbiyali, oqila, ilmli bo`lishi kerakligini unutmashlik lozim. Shu sifatlar jamlansagina ko`zlangan maqsadga, ya`ni barkamol avlod tarbiyalashga erishiladi. Shuni tan olish kerakki, bugungi kunda ko'p qirrali ma'lumotga ega bo`lgan ko'plab odamlar, jumladan, ayollar xulq-atvorida, ko'pincha, axloqiy qoidalarga rioya qilmaslik, o`z hayotiy pozitsiyasini anglamaslik, o`zini boshqalardan ayro tutish va o`zgalardan ustun bilish, shaxsiy foydani ko`zlash kabi illatlar avj olgan. Milliy qadriyat, odob-axloq tushunchalari mo`rtlashib, sinadigan darajaga kelib qolgan. Bunday illatlarni turli vaziyatlarda, har qadamda ko`rish mumkin. Hukumat qaror va farmonlarida ana shularning oldini olish uchun bekamu ko`sht choratadbirlar belgilab berilgan, biroq ularning amalidagi ijrosi ayrim hollarda yuzaki va sifatsizdir.

Ilm o`z yo`liga, ammo ayolning ma'naviy qiyofasi go`zal bo`lishi lozim. Bunda ta'lim va tarbiyani uyg`unlashtirgan holda olib borish zarur. Bu tushunchalarni bir-biridan ajratish mumkin emas, binobarin, biri ikkinchisini taqozo qiladi. Rus pedagog olimi A. F. Kiselev haqli ravishda shunday degan edi: ...odamlar o`z ichki dunyosini «qurish» dan to`xtadilar, chunki tarbiya odamning ichki dunyosini emas, tashqi dunyosini shakllantirishni maqsad qiladi. Bilim berishdan tashqari, shaxsda axloqiy sifatlarni, yuksak ichki madaniyatni shakllantirish zarur [5]. Fikrimcha, namuna bo`la oladigan, ilmli, o`z kasbining ustasi, farosatli, oqila xotin-qizlarni jamiyatga yetkazib berish uchun quyidagilarni amalgalashirish zarur:

4. Umumta'lim maktablarida qiz bolalar uchun alohida ma'naviy, axloqiy tarbiyaga yo`naltirilgan murabbiylik guruhlarini tashkil etish, ularning faol va samarali ishlashini ta'minlash;



5. Xalq ijodiyoti namunalari (ibratli hikoyatlar, rivoyatlar, afsonalar, dostonlar, ertaklar, folklor va h.) asosida ma’naviyatni tarbiyalovchi kengaytirilgan darslarni tashkillashtirish;
6. San’at va adabiyotni chuqur o’rganish, kitob mutolaasiga bag’ishlangan darsdan tashqari mashg’ulotlarni olib borish, badiiy asarlar, tasviriy san’at namunalarini tahlil qilish va xulosa chiqarish malakasini hosil qilish;

Ma’naviy tarbiya – bu shaxsiyatni shakllantirish kabi ko’p qirrali jarayonning muhim jihatlaridan biri, shaxsning axloqiy qadriyatlarni o’zlashtirishi, axloqiy fazilatlarni rivojlantirishi, idealga e’tiborni qaratishi, axloq me’yorlari va qoidalari asosida yashash qobiliyati, haqiqiy harakatlar va xulq-atvorda namoyon bo’ladigan e’tiqod va g’oyalardir. [5] Ana shunday e’tiqod va g’oyalar sog’lom hayot sari yo’l ochadi. Bunda ayollarning o’rni beqiyos.

Xotin-qizlar nafaqat oqila uy bekasi, balki jamiyat rivojiga hissa qo’sha oladigan yetuk mutaxassis, ilm-fan arbobi, ta’lim-tarbiya mayog’i bo’ishi lozim. Shuning uchun ham davlatimiz mustaqil bo’lgan ondan e’tiboran to hozirgacha xotin-qizlarning huquq va manfaatlarini ta’minalash, ular uchun munosib mehnat va turmush sharoitlarini yaratib berish, qobiliyat va salohiyatini ro’yobga chiqarish masalasi yurtimizda davlat siyosati darajasiga ko’tarildi. Endilikda bo’lajak onalarni sog’lom muhitda voyaga yetkazish, ularning ta’lim va tarbiyasiga ko’proq e’tibor qaratish kerakligi, gender tenglikni ta’minalash, oila qo’rg’onini mustahkamlash zarurligi dolzarb masalalardan biriga aylandi.

Ayollarni turli tazyiqlardan himoya qilish, ularni ijtimoiy, ma’naviy jihatdan qo’llab-quvvatlash, oila va jamiyatdagi nufuzini oshirish, ularning ta’lim-tarbiyasiga alohida e’tibor qaratish naqadar muhim masala ekanligi shubhasiz, biroq bu yo’ldagi to’siqlarni bartaraf etish yakdil harakat va sog’lom mushohadani talab etadi. Buning uchun ayol timsoliga bo’lgan munosabatni o’zgartirish, ularning yuqori darajada ta’lim va tarbiya olishlari uchun keng sharoitlar yaratish lozim. Ularning aqliy salohiyatini ro’yobga chiqaruvchi chora-tadbirlarni amalga oshirish, ularni ruhan tarbiyalash, o’ziga ishonch hissini uyg’otish, turli jarayonlardagi faol ishtirokini ta’minalash butun bir jamiyat ravnaqini ta’minalash demakdir.

Foydalilanigan adabiyotlar ro’yxati (References):

6. Mirziyoyev Sh. (8 mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni munosabati bilan poytaxtdagi «O’zekspomarkaz» da tashkil etilgan tantanali bayram tadbirida so’zlagan nutqidan). <https://www.xabar.uz/siyosat/>
7. Mirziyoyev Sh. (06.03.2017 йил Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишиланган учрашувдаги нутки) <https://uza.uz/uz/posts/>
8. Ушинский К. Д. Избранные педагогические произведения. Акад. пед. наук РСФСР. М. : Просвещение, 1968. -С. 78 (557 с.)
9. З. Селиванов Б. В. Этика. Теоретический курс авторизованного изложения. М. ; Новосибирск, 2005. -С. 188
10. Киселев А. Ф. Выбор // Педагогика. 2008. № 9. -С. 21



АЁЛЛАРНИНГ ОИЛАДАГИ ВА ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ, УЛАРНИ ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТ ДАРАЖАСИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Курбонова Гулчехра Абдуллаевна

Ўзбекистон давлат консерваторияси "Мусиқа педагогикаси"

кафедраси доценти, Психология фанлари номзоди,

Турон фанлар академиясининг академиги

Аннотация. Мазкур мақолада хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллиги, аёлларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, оила ва оиласий тарбия масалалари, ўзбек оиласарида берилаётган тарбия нуқсонлари, оналик вазифалари, оиласардаги шахслараро муносабатлар ва таълим-тарбия тизими ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: оила, хотин-қизлар, фарзанд, ота-она, хулқ-автор, муомала, шахс маънавияти, ёшлиар, тарбия, соғлом авлод, салбий хислат, муносабат.

THE ROLE OF WOMEN IN THE FAMILY AND SOCIETY, THEIR CHARACTERISTICS OF THE IMPACT OF THEIR LEVELS FROM THE POINT OF VIEW OF THE LEVEL OF INTELLECTUAL COMPETENCE

Курбонова Гулчехра Абдуллаевна

State Conservatory of Uzbekistan Associate Professor of "Music Pedagogy", Candidate of Psychological Sciences, Academician of the Turan Academy of Sciences

Abstract. This article discusses the socio-political and social activism of women, comprehensive support for women, family and family upbringing, the shortcomings of education in Uzbek families, the role of motherhood, interpersonal relationships in families and the education-upbringing system.

Keywords: family, women, children, parents, behavior, treatment, personal spirituality, youth, upbringing, healthy generation, negative traits, attitudes.

“Жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади”.
Шавкат Мирзиёев

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рӯёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, хуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хотин-қизларнинг оиласи, давлат ва жамият қурилишидаги ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси аёлларнинг онг, тафаккури, интелектуал салоҳият даражасига боғлиқ. Уларнинг илм-фан сирларини пухта эгаллашлари, илм билан шуғулланишлари, шу тариқа ўз қобилиятлари ва имкониятларини жамият тараққиёти ва фарзандлари учун йўналтиришлари ҳалқ, миллат, мамлакат келажаги йўлида ижтимоий фаол бўлиш гаровидир.

Аждодларимиз ҳам фарзанд тарбиясига бефарқ қарамаганлар. Ҳаётдаги ҳар қандай хатти-харакатнинг оқибати тўғри баҳоланган. Негаки, оила шахсни вужудга келтирувчи, улғайтирувчи, бинобарин жамиятни ҳамиша янги авлодлар ҳисобига тўлдириб берувчи буюк кучдир. Ҳар бир оиласининг ўтмиши, уларнинг ўз анъананалари, удумлари бор, оиласарга шу нуқтаи назардан баҳо берилади.



Аёлларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги фаоллигини ошириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларни холати аёлларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий мухитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш-нинг самарали механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради.

Жумладан: Кузатишларимизга қараганда, оилавий тарбияда ота-она ҳамда фарзанд ўртасидаги муносабатлар ўзига хос самарасиз усууллар орқали амалга оширилмоқда. Масалан, оилавий тарбияда ота-оналар баъзан фарзандларига ўта-даражада меҳр қўядилар. Уларни асраб авайлайдилар, эъзозлайдилар. Уларга гард юқтирумасликка харакат қиласидилар. Айтган ёки истаган нарсаларни муҳайё қилишга интиладилар. Бир қарашда ота-она шундай қилса нима қилибди дейсиз. Аммо ота-оналарнинг болаларга бундай муносабатлари болаларда салбий хислатларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Ота-онаси томонидан қўрсатилаётган бундай муносабат натижасида болада манманлик, бирорларни менсимаслик, тайёрга-айёрлик, меҳнатнинг қадрига етмаслик, сабр-тоқатсизлик каби салбий хислатлар пайдо бўлмоқда. Бундай хислатларга эга бўлган болаларда ўзбек халқига хос бўлган меҳнатсеварлик, олийжаноблик, ўзгаларни хурмат ва эъзозлаш, меҳнатнинг қадрига етиш хислатлари шаклланмайди. Шунингдек, уларда мактанчоқлик, бирорларнинг устидан кулиш, ноҷорлигини юзига солиш одатлари ҳам кузатилади. Бундай руҳда тарбияланган болалар муаммоли вазиятларда мустақил фикр юритиш, муайян қарорларга келиш борасида ҳам қийинчиликларга учрайдилар. Бундайлар ўз тенгкурлари билан келиша олмасликлари, дўстлари доирасининг торлиги туфайли кўпинча тенгдошларидан яқкаланиб қоладилар. Ота-оналарнинг тарбияси, меҳри меъерда бўлиши зарур, Ота-оналарнинг фарзандларига ҳиссий ва амалий муносабатларини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказилди.

Ушбу тажрибамизда В.В. Бойко томонидан таклиф этилган «Болаларга нисбатан муносабатни аниқлаш» тестининг татбиқи бўлиб, бунда ота-оналарнинг «болаларига» нисбатан «ҳиссий муносабат» ва «болаларга нисбатан амалий муносабат»лари аниқланди. Тест натижаларида шу нарса аниқланди, ота-оналарнинг болаларига ҳиссий ва амалий муносабатларида қўрсаткичлар: ҳиссий муносабатлар – 56,7 фоиз, амалий муносабатлар – 52,3 фоизни ташкил этди. Ота-оналарнинг фарзандларига ҳиссий ва амалий муносабатлари натижаларида шу нарса намоён бўлди, уларнинг ҳиссий ва амалий муносабатларининг қолган даражаларида ҳам деярли тенг миқдорий қийматларда гавдаланди. Аслида бу ҳолатни кейинги

Болага амалий муносабат N=300	M.K.	%	Болага ҳиссий муносабат N=300	M.K.	%
Юқори	157	52,3%	Юқори	170	56,7%
Ўрта	60	20%	Ўрта	75	25%
Паст	83	27,7%	Паст	55	18,3%
Жами	300	100%	Жами	300	100%

тадқиқот натижаларимиз ҳам тасдиқлаган. Бундан кўринмоқдаки, ўсмири ижтимоий перцепцияси шаклланишида ота-оналарни ҳиссий муносабатларидан яққол амалий муносабатларга ўтиш зарурати мавжуд.

Тадқиқотларимизда кузатилиши ота-оналар оиласида фарзандлари билан турлича муомала ва муносабатда бўлишлари маълум бўлди. Буни хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг ўз ота-оналари хулқ-атворлари тўғрисида берган маълумотлари ҳам қўрсатиб турибди. Бунга кўра, жиноятчилик хулқига эга бўлган болалар ва ўсмирлар тарбия кўрган оиласида ота-оналарнинг кўпинча фарзандларига «эркинлик бериш» асосида муомала муносабатда бўлишлари кузатилди.



Назаримизда болаларга ҳаддан ортиқ эркинлик бериш уларни ўз билганича иш тутишга, қилаётган ишининг тӯғри ёки нотўғрилигини англаб етмасликка олиб келади. Ота-она назоратидан, сўраб тергашидан четда қолган ўсмир ўзини эркин билиб, кўнгли тусаган ишга кўл уради. Бундай хатти-ҳаракатлар баъзан ноқонуний бўлиши ҳам мумкин.

Бугунги кунда ўзбек оиласида мавжуд бўлган тарбиядаги нуқсонлардан бири ота-оналарнинг рад этиш, тақиқлаш, рухсат этмаслик асосидаги тарбиялаш усулидир. Бу хилдаги тарбия усулида болаларнинг хоҳиш-истаги, ўй-хаёллари, орзу ва интилишлари, фикр ва мулоҳазалари инобатга олинмайди. Бундан ташқари бундай тарбия усулида болаларга ўз фикр мулоҳазаларини очиқча баён этиш, мустақил қарорларга келиш ва муайян вазиятларга ўз нуқтаи назарини билдириш имконияти чекланади. Бундай тарбия усулида баъзан болаларнинг хатти-ҳаракатлари мажбурий тарзда тақиқлаш усуллари билан бошқариб борилади. Уйда бу нарсага тегиш мумкин, бу нарсага тегиш мумкин эмас, бу кийимни киясан, бунисини киймайсан қабилидаги муносабат ўрнатилади. Боланинг қизиқиши, эркинлиги, ўзига ёқсан кийимни кийиши, кўнгли истаган иш билан машғул бўлиши, қизиқкан китобини ўқиши ва хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши ота-она ихтиёри билан амалга оширилади. Оилада ота ёки онанинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлади. Бундай усулда тарбияланган болаларда мустақил фикр юритиш қобилиятининг суст ривожланиши, тортичоқлик, ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта олмаслик, тобелик, қўрқоқлик ва журъатсизлик каби салбий хислатлар ёрқин намоён бўлади. Журъатсиз, тобе, тортичоқ болада фаоллик ва ўз-ўзига ишонч ҳисси етишмайди. Шунингдек, уларда нутқнинг суст ривожланиши ҳолати ҳам кузатилади. Бундай болалар бутун умр давомида бирорларга тобе бўлиб яшайдилар. Уларда раҳбарлик, бошқарувчанлик қобилиятлари суст ривожланган бўлади. Улар бирорларнинг гап-сўзларига тез учадилар. Шунинг учун улар алдовлар, кўзбўймачиликлар, таъмагирликлар қурбонига айланадилар. Улардаги фикрлаш қобилиятининг суст ривожланганлиги низоли вазиятларга тез-тез тушиб қолишиликга сабаб бўлади. Бундайлар низоли вазиятларда тӯғри қарорлар қабул қилишга қийналадилар.

Оилада ва таълим муассасаларида тарбиянинг меъёрда бўлиши, унинг тӯғри тақсимланиши жуда катта аҳамиятга эга.

Ўзбек оиласида берилаётган тарбия нуқсонларидан яна бири оилавий тарбияда миллий қадриятларимиздан, яъни эртак, мақол, ривоят ва ҳадис илмидан етарлича фойдаланилмаётганлигидир.

Ўзбек оиласида ота-оналарнинг болалар тарбиясига ёшлигидан эътибор бермаслик ҳолати тарбиядаги камчиликлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Болани қанчалик эрта ўргатсанг, тарбия берсанг, шунчалик тез мослашади, ўрганади. Афсуски, қўпгина ота-оналар ёшлигига фарзандимнинг қорни тўқ, усти бўт бўлса бўлди деб ўйлашади. Ёши 16-17га бориб, мактабни битираётганда эса фарзанди ҳақида ўйлаб қолишади. Бу даврга келиб фарзанд тарбияси, унинг эртанги куни ҳақида ўйлаши кеч бўлганлигини кўпчилик ота-оналар англаб етмайдилар

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, оилавий тарбиядаги нуқсонлар ва оиласида шахслараро муносабатлар ҳамда носоғлом оилавий психологик мухит ёшлар ўртасида турли хил ножўя хатти-ҳаракатларнинг шу жумладан, хулқ оғишининг келиб чиқишида асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг Юксак маънавият- енгилмас куч асарларида “Оиладаги маънавий мухит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етишини тушуниш қийин эмас... Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди” деб бежиз айтмаганлар.

Бугунги кунда биз хеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, ҳалкимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, албатта, мустақил давлатимизнинг мустаҳкамлиги, ҳалқимизнинг озод ва фаровон ҳаёт кечириши жамиятимизнинг асосий бўғини, таянчи бўлиши оиласида боғлиқдир.



Бизнинг миллий мұхитимизда, яъни мінталитетимизда фарзандлар ота-оналарига үхшашга ҳаракат қыладилар, ота-оналар эса ўзлари беихтиёр ўз ҳарактер ва хусусиятларини, орзу-хавасларини фарзандларига сингдириб борадилар. Айнан ана шундай ҳарактер хусусиятларидан бири бўлган меҳр-муруватлилик ота-онадан фарзандларига ўтади. Айниқса, ўсмирилик давридаги болаларга ота-онанинг меҳрибонлиги, доимий назорати ва дўстона маслаҳати катта аҳамиятга эга. Аммо афсуски, кўпгина ота-оналар фарзандини “бебош” қилиб қўймаслик учун бу ажойиб инсоний туйғудан чўчийдилар. Улар боланинг тантиқ, шахсиятпараст бўлиб қолишидан ташвишланадилар. Лекин жуда кўп салбий хусусиятлар бола ота-онанинг тўғри муруватидан, эркалашидан, эътиборидан маҳрум бўлган шароитларда вужудга келади. Шунинг учун ҳам бола уни севишлирига, ғамхўрлик кўрсатишига ишонч ҳосил қилиши ота-онанинг мұхим вазифасидир.

Ҳар қандай фарзанд учун, аввало, ота-онанинг меҳрибончилиги, эътибори зарур. Аксарият жиноятчи бўлиб қолган болалар ота-оналарининг ва яқин қариндошларининг меҳрибон эмаслигидан азият чекадилар. Бундай носоғлом оила мұхитидан руҳан эзилиб, ҳар хил касалликларга чалиниши мумкин. Бундан ташқари, у бекорчилик оқибатида, ичкиликбозлик, ўғрилик, гиёҳвандлик, жиноятчилик кўчаларига кириб кетиши ёки турли жиноий ва диний экстремистик гурухларнинг таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Оиланинг мустаҳкам бўлиши, оиладаги тинчлик-тотувлик, фаровонлик, албатта, эр хотин муносабатларига боғлиқдир.

Ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан бақувват фарзандлар яхши оилаларда камол топади. Шунинг учун ҳам оилада соғлом маънавий, ахлоқий мұхитни вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлаш умумдавлат аҳамиятига молик масаладир. Чунки, ижтимоий ҳаётда юз берадиган барча ўзгаришлар, яъни, ундаги ютуқ ва камчиликлар мураккабликлар ва зиддиятлар оилада ўз аксини топади. Шунга кўра, оила ва оилавий тарбия масалалари ҳар доим ҳам долзарб мұаммо сифатида эътироф этилади. Айниқса, бола шахсида “Мен” сиймосини таркиб топишида ота-она томонидан берилаётган таълим-тарбия ва таъсирини аҳамиятлилиги ҳамда оиладаги психологик мұхитнинг соғломлиги, шахслараро муносабатлардан қониққанлик даражаси билан боғлиқлиги масаласи мұхим саналади. Маълумки, шахсда ўзини ўзи англашни таркиб топишида ота-она шахсининг таъсири мұхим ҳисобланади.

Катта ўсмирилик ёшида ўзини ўзи англашнинг ўзига ўзи баҳо бериш, “Мен” образи, рефлексия даражаси ва бошқаларда намоён бўладиган айрим аспектларининг шаклланиш хусусиятлари ва уларнинг мазмунан бойиши ўз оилавий вазиятини идрок қилиш спецификаси билан ўзаро алоқадордир деган таҳлил олға сурилади;

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда кескин ўзгарган ҳаёт шароитлари ва таълим тизими, унинг мақсади, мазмуни, турлари ўртасидаги ўзгаришлар ёш авлоднинг маънавий тарбиясига янгича қараш, уни бугунги кун нуқтай назаридан ўрганиш, баҳолаш ва унда халқимизнинг бой маданий меросидан мақсадли фойдаланишини талаб этмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш эса:

- таълим-тарбия ишлари, шакллари усул ва воситаларини жаҳон андозаси талабларига мос холда ривожлантириш;
- маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш;
- ёшларда соғлом турмуш тарзи маданиятини қарор топтириш;
- ёшлар тарбияси ва уларнинг маънавий камолотида маҳалла, оила ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги тизимини яратиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавий маданиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсdir. Чунки инсоннинг энг соғ ва покиза туйғулари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Шунингдек, инсон ҳарактерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар, шу муносабатлар тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар оила шароитида, ота-онанинг ибрат-намунасидан шаклланади. Шу нуқтай назардан караганда, оила тарбияси шахс маънавиятини шакланишидаги асосий восита экан, бу ўринда бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам мұхим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Шу маънода ёшларни ҳар томонлама соғлом ва



баркамол этиб тарбиялаш, улар онгида “Соғлом турмуш тарзи – соғлом оила, соғлом оила бу соғлом фарзанд, баҳтили келажакдир” тасаввурини шакллантириш, бўлажак ота-оналар яъни, талаба ёшлардаги репродуктив маданиятни шакллантириш бу йўналишдаги ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан саналади.

Ўз илмий изланишларида табиий ва ижтимоий фанларнинг энг долзарб муаммоларини ечишга эътибор қаратган ал-Беруний педагогик фикрларида оила, фарзанд тарбияси муаммолари алоҳида ўрин олган. Беруний оиланинг репродуктив вазифасининг моҳиятини жамиятга соғлом шахсларни тарбиялаб, этиштириб бериш билан боғлайди ва бунда ота-оналарга қаратса болани мўътадилликда сақлашни тавсия этади. Бунга асосан болани қаттиқ ғазабланишдан, қўркиш ва хафаликдан, уйқусизликдан сақлаш орқали эришилишини айтиб, уларни ҳоҳлаган ва фойдали нарсасини топиб беришга, севмаган нарсасидан узоқлаштиришга ҳаракат қилиш кераклиги уқтирилади. Ота-онанинг болага турлича муносабати турлича хулқларни келтириб чиқаради. Яхши хулқларни пайдо бўлиши, бола руҳиятига таъсир қилибгина қолмай, унинг физиологик ўсишига ҳам ёрдам беради. Ёмон хулқ эса турлича мижоз бузилишларига ҳам олиб келади. Аксинча, бола организмидаги ўзгаришлар унинг руҳиятидаги, хатти-ҳаракатидаги ўзгаришларни келтириб чиқаради. Мутафаккир бу фикрлари билан бола хулқ-авторининг мўътадиллиги натижасида тан ва руҳ соғломлиги келиб чиқишини ҳам илмий асослаб беради.

XI асрда яшаб ижод этган машҳур мутафаккир Юсуф Хос Хожиб ўзининг “Кутадғу билиг” асарида оиланинг шаклланиши ва мустаҳкамланишидаги эр-хотин муносабатларига алоҳида эътибор беради. Оила, деб уқтиради Юсуф Хос Хожиб, инсон зиммасига қатор ижтимоий ва ахлоқий вазифаларни юклайди, уларни бажариш эр-хотиннинг бурчидир. Мутафаккир оила қуришда куёв-қайлиғларнинг насл-насабига эътибор бериш керак дер экан, бу нарса авлодлар қонининг покизалиги ва соғлигига, соғлом фарзандларни дунёга келишига ишора эканлигини уқтиради.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий ўзининг машҳур “Маҳбуб ул-қулуб” асарида оила ва фарзанд тарбияси масалалари умуминсоний ғоя эканлигини олға суради. Хусусан, асарнинг “Уйланиш ва хотинлар тўғрисидаги” фаслида Навоий уйланиш ва унинг фойдаси оила одоби, фарзанд қуриш, оилада ва фарзанд тарбиясида аёлларнинг фазилатлари ҳақида ажойиб фикрлар баён этади. Навоий аёлнинг турмушдаги хиссасига қўйидагича тўхталади: “Яхши хотин – оиланинг давлати ва баҳти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса – кўнгил ёзиғи, тарбияли, хушмуомила бўлса – жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради. Бундай аёллардан гўзал хулқли ва баркамол фарзандлар тарбия топурлар”. Бундан ташқари аллома оиладаги айрим иллатлар, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчиликлари, ёмон хулқ-авторлари фарзандларнинг руҳий ва жисмоний камолотига салбий таъсир этишни таъкидлаб, оилада соғлом иқлимини қарор топтириш лозимлигини уқтиради.

Мавжуд манбааларни таҳлилидан, келтирилган назарий фикрлардан кўриниб турибдики мамлакатимизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларда репродуктив маданиятни шакллантириш бўйича ўзига хос миллий, тарихий тажриба мавжуд. Бу тажрибаларни илмий асосда ўрганиш ва таҳлил этиш бизда қўйидаги хulosаларни шакллантиришга асос бўлди:

6. Оила ва оилавий муносабатлар, фарзанд қўриш ва уни тарбиялаш борасида олиб борилган илмий изланишлар оилавий тарбияни ташкил этишда ўзига хос услубий йўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.
7. Республикализнинг соғлом авлодни шакллантириш борасидага талаблари мазкур илмий тадқиқотларда ўз аксини топган.
8. Соғлом оила, соғлом авлодни шакллантириш масалалари шарқ мутафаккирларининг илмий меросида ўз аксини топган бўлиб, унинг асосида маънавий баркамол шахсни тарбиялаш ғояси ётади.



9. Шарқ мутафаккирлари оила ва жамиятни диалектик бирлиқда олиб қараб, оиланинг мустаҳкамлиги, фарзанд кўриш, насл қолдиришдаги маданиятлилик даражаси жамият ривожини кафолатлайди дея таъкидлаб ўтганлар.
10. Оиласида эр-хотиннинг тенглигини тўрут омил: мол, насаб, ҳусн ва иймон билан ўлчаб, ёшларни оила қуришга тайёрлашда мазкур оимилларнинг мавжудлигига эътибор қаратиш оила барқарорлиги, насл поклигини таъминлайди деб ҳисоблаганлар.

Шундай экан ҳозирги кунда оиласида, фарзанд тарбиясида кўпроқ ўз ҳиссаси бор аёлга эътиборли бўлиш, уни қадрлаш, унинг маънавий, руҳий жиҳатдан юксалишига имкон яратади. Бугун ўзбек аёлининг ўрни нафақат оиласида, балки жамиятда ҳам эгалиги ҳам яққол кўринмоқда. Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини кўтариш мустақил давлатимизнинг устивор ва асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқдаки, бу юртимизда аёлларнинг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатланганлиги ва муҳофазаланганлигидан далолат беради. Чиндан ҳам аёлни улуғлаган, авайлаб-асраган юртнинг келажаги порлоқдир. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилиб, ўзбек аёлларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари, ўзларининг иқтидор ва имкониятларини тўла намоён этишлари учун барча шароитлар яратиб берилган ва бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур муаммонинг ижтимоий, педагогик ва педагогик жиҳатларини илмий асосда кенгроқ ўрганиш заруратини юзага келтиради. Хотин-қизлар фаолиятига эътиборни кучайтириш, уларга имконият яратиб бериш, ёшларни ҳаётга тайёрлаш борасида илгари сурилган ва ҳаётий тажрибаларда синалган тарбия мазмуни ҳозирги даврда ҳам ёш авлодни ҳусусан ўсмир йигит-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлашда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда ижобий натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Оила психологияси проф.Ғ.Б. Шоумаров таҳрири остида.Т.: Шарқ, 2001.
- 2.Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари (Республика илмий-амалий конференцияси маърузаларининг баённомаси)
3. Курбонова Г.А. Оиласида шахслараро муносабатларнинг фарзанд ижтимоий перцепциясига таъсири (Тасвирий санъат мисолида): Автореф. дис. ... психол. фан. номзоди. – Т., 2009. - 188 б.
4. Бойко В.В. Репродуктивное поведение семьи и личности /социально-психологическое изучение рождаемости. Дис. ... доктора психол. наук. – Л.: 1981.- 495 с.
5. Бреслав Г.М. Эмоциональные особенности формирования личности в детстве: Норма и отклонения. – М.: Педагогика, 1990. - 144 с.
6. Волков А. Г. Семья – объект демографии. – М.: Мысль, 1986. - 271 с.
7. Гарбузов В. Сила вашего примера // Семья и школа. – М., 1985. - № 12. – С. 17-29.



АЁЛЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛАРИНИ ЮҚСАЛТИРИШНИ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Рўзиқулова О.Ш.
ТИҚХММИ, Геодезия ва
геоинформатика кафедраси доценти,
Ҳамадуллаева Л.Ш.
ЕРБ факультети талабаси

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам аёлларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишнинг хуқукий асослари яратилган. Ўзбекистоннинг бош қомусида ва Таълим тўғрисидаги қонуннинг тегишли бандларида “Ўзбекистон республикасининг ҳар бир фуқароси бепул таълим олишга ҳақли” эканлиги белгилаб қўйилган.

Олиб борилган социал тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозирги жадал ривожланиш жараёнида ўғил болаларга нисбатан қизлар ўзларига берилган имкониятларни теран англаған ҳолда, ҳар бир соҳада бошқарувчанлик қобилиягини кучли номоён қилмоқдалар. Буни биз Олий таълим тизимиға қабул жараёнида, турмушга чиқиш борасида (ўзлари ҳолаган йигит билан оила қуриш истагини билдиришлари) ҳамда бошқа соҳаларда ҳам ўз фикрларини эркин ифода қилишларида, тортинасадан аёл эканликларидан фаҳраниб, эмин-эркин яшашларида кўришимиз мумкин.

Аёлни бахти, менимча табиат инъом қилган – оналик саодатида бўлиб, бу энг олий неъматdir. Демак, оналик билан бирга ўз-ўзидан оилада соғлом фарзандни тарбиялаш масаласи юзага келади. Тарбия борасида эркак ва аёлга бирдек масъулият бўлсада, асосан аёллар З ёшгача фарзанд тарбияси билан банд. Мактабгача таълим муассасасида бола таълим ва тарбияланишни давом эттирасида, асосан оналар МТМ (мактабгача таълим муассасаси)дан болани олиб, кечки овқатга ҳаракатни бошлайдилар, бир вақтнинг ўзида бола тарбиясини ҳам олиб боради.

Ота ишдан қайтди, овқатланди, ҳол-аҳвол сўрашиб, бугунги ўтган кунни муҳокама қилдилар. Сўнгра бола яна онаси билан ишлашда давом этади. Кўп ҳолларда отани болалар билан ишлашга сабри ҳам, ҳафсаласи ҳам етишмайди...

Уяли телефонини олиб, ётогига кириб кетди. Она идишларни йиғишириш, болани таълими-тарбияси билан шуғулланади. Биргалиқда ўйинлар ўйнайди. Орада кирларни ҳам ювади. Уйларни ҳам йиғиширишга киришади.

Она интеллектуал салоҳиятини ошириш учун театрга бориши, спорт билан шуғулланиши, дугоналари билан сухбатлашишга, китоблар ўқишига вақт топа оладими....Топиши керак, топишга мажбур. Сабаби, келажак унинг қўлида тарбия топмоқда. Болалар камоли учун ўзидан кечади, болалари унинг “ўзи”га айланади, менимча.

“Ҳаётим мазмунисан”, “болаларни сендан бошқасига ишонмайман, сен бу мен” деган эркаклар назариясини амалдаги ҳаракатларини қачон бошлайдилар (машхур шоиранинг ...қаҳрамон йигитлар кечирсин мени... деган жумласига қўшилган ҳолда). Гендер тенглиги ҳақиди кўплаб гапирилмоқда. Амалдаги тенгликка қачон етамиз. Менинг фикримча, биз аёллар ўзлигимизни англасак, вақтини ва жойини топиб, бизларга шароит яратиб беришларини аста-секинлик билан илтимос ва талаб қила бошласак; умуман ўзимизни қадримизга ўзимиз биринчи ўринда етиб, “Эр-хотин қўш хўқиз” бўлса, эркак хўқизни юкларини елкамиздан олиб ўзига топширсангина етамиз.

Шарқона урф одатларимиз эрни пирлардек кўришни, эркакдан бир поғона паст туришни, бир қадам ортда юришни ўргатган. Буни ҳеч қачон инкор қилмаймиз, албатта шунга лойик эр бўлса.

Хуқуқшунос Ф.Тожиевни фикрича, (2020 й.) биз кўп ҳолларда анъаналар билан яшайдиган халқмиз. Лекин тараққиёт истасак, қонунлар билан ҳам яшашни бошлашимиз керак. Урф-одатлар шунчаки урф-одат бўлгани учун эмас, инсон шаъни ва қадр-қимматини улуғлагани, турмушини қулай қилгани, муносабатларни уйғунлаштиргани билан қадрли.



Ижобий урф-одат ва анъаналарни инсонни камситувчи ва таҳқирловчи иллатлардан фарқлашда ўртада факат бир мезон туради: инсон шахси ва унинг ҳукуклари. Биз кўзи очик миллат сифатида бу фарқни ажратиб олишимиз лозим [2].

Гендер тенглик тўғрисидаги қонун ижтимоий-сиёсий соҳаларда аёлларнинг ролини ошириш учун замин яратади. Ҳозирда жамиятимизда “илғор аёл” образи тобора хирадашиб бормоқда. Бутун мамлакат бўйлаб биронта аёл ҳоким йўқ, олий таълим муассасаларидан факат биттасида аёл киши ректорлик қилмоқда. Аёл вазирлар ва вазир ўринbosарлари бармоқ билан санарли, аёл элчиларимиз умуман йўқ (хатто урушдан энди чиқкан Афғонистоннинг ҳам хорижда 5 нафар аёл элчиси бор).

Бугун аёллар депутат, мураббий, шифокор сифатида эркаклар билан ёнма-ён фаолият юритмоқда, тадбиркорлар учун жорий этилган имтиёзлардан кенг фойдаланмоқда, ўз шахсий бизнесига, мол-мулкига эга бўлмоқда. Буларнинг барчаси аёлларимизга яратилаётган имтиёзлар, шароитлар туфайлидир.

Олий таълим тизимида (ОТМ) ҳам кўпгина аёллар эркаклар билан бир қаторда фаолият юритмоқдалар. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигини 2020 йил 17-июнлаги 326-сонли буйруғига кўра ОТМда Хотин-қизлар Кенгаши ташкил этилди ва низоми тасдиқланди. Мазкур низомга кўра кўплаб ваколат ва имтиёзлар берилиди. Энг асосийси хотин-қизларни ҳимоялаш ва кўллаб қувватлаш, соғлом она-бала яъни оиласаларни ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, аёлларга барча соҳаларда шароитлар яратилган. Буюк файласуфлар ёзганидек, қанча олмоқчи бўлсанг, ундан кўпроқ беришинг керак. Демак аёлларимиз оиласада турмуш ўртоқларидан меҳр, эътибор кутса, аввал шу нарсаларни беришлари керак. Ишхонада бўлса, ўзларига юқлатилган вазифаларни режа асосида бажаришлари лозим. Кўп йиллар “Гулхан” ва “Ғунча” болар журнallари бош муҳаррири бўлган Яйра Саъдуллаева “....мен ўз уйим остонасида ҳатлаб кирап эканман, бош муҳаррирларимни эшик ортида қолдириб кирадим. Бор меҳримни оиласа бердим ва улардан берганимдан ортиғини кўрдим” дейди. Бу барча аёлларга ибрат бўладиган жиҳат Вафодорлик борасида Зулфияхонимдан ўrnak оламиз.

Фойдаланилган адабиёттар рўйхати

1. ЎзРҚ-561-02.09.2019
3. Тожиев Ф. Гендер тенглиги: эҳтиёжми ёки ҳашамат?

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

У.П.Умурзаков

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН - ҚИЗЛАРНИНГ ИЛМ - ФАН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ. ГЕНДЕР ТЕНГЛИК.....	3
Narbaeva T.K., O. Musurmanova, Ismailova Z.	
ENSURING GENDER EQUALITY FOR WOMEN IN UZBEKISTAN IS AN IMPORTANT ISSUE OF REFORMS.....	6
Jeong Sohye, Zukhra Ismailova, Ulugbek Nulloev	
THE ROLE OF WOMEN IN PUBLIC SECTOR AND FAMILY WELFARE.....	15
Turban Victoria Viktorovna, Prophet Natalya Vasilievna, Koval Irina Andreevna, Geyko Evgeniya Viktorovna, Mustafoeva Durdona Asilovna	
AWARENESS OF THEIR OWN FEMININITY, ABILITIES AND POTENTIAL IN THE MODERNIZATION OF THE SYSTEM BY FEMALE STUDENTS AS FUTURE PSYCHOLOGISTS.....	18
Sara Straussberger, Choriev R., Guzal Eshchanova, Zukhra Ismailova	
THE IMPACT OF GENDER APPROACHES ON EDUCATIONAL EFFECTIVENESS.....	26
O.R. Dzhamboldinova, D.A Solikhodjaeva, Ismailova Z., Tuychiev Kh.	
THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF GENDER APPLICATION AND MANAGEMENT IN THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION.....	31
О.Р.Жамолдинова, Д.А.Солихўжаева	
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ГЕНДЕР ЁНДАШУВНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	37
Lych Oksana, Chudakova Vira, Khokhlina Olena, Perminova Lyudmila, Voronyuk Irina, Ismailova Z.	
RESILIENCE AS A CONDITION FOR THE SUCCESS AND COMPETITIVENESS OF WORKING WOMEN IN LATE ADULTHOOD.....	44

ИЛМ – ФАН - ТЕХНИКА ВА ИННОВАЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Дилноза Юлдашева

ОЛИМА АЁЛЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА.....	56
Ostonov Jahongir Davlatovich	
XX ASRDA AFG'ONISTONDA AYOLLAR MASALASI VA ISLOHOTLAR.....	60
Ахмедходжаева И.А., Апакходжаева Т., Ибрагимова З.	
ГЕНДЕР В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ.....	63
Умарова Наргиза, Одилова Дилноза, Норова Фарзона	
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАРИ.....	71

Куватова Нозима Бахтиёрова

ТАЪЛИМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ.....	75
Х.Н.Қодирова	
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА “ОПТИКА” БЎЛИМИНИ ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДИК ТАЪМИНОТИ (“PV lighthouse” дастурий тизими мисолида).....	78

Ў.Х. Курбонова

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ТАЛАБАНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ВА ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ.....	82
---	----

Арипжанова Махфузा Акмаловна

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОТИН- ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ.....	86
--	----

Ш.И.Низамова

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИННОВАЦИЯЛАР.....89

Maxmudova Maloxat Axmatovna, Nasirova Shaira Narmuradovna

ТА’ЛИМ ТИЗИМДА КОМПУТЕРЛИ О‘QITISH JARAYONINI
SHAKLLANTIRISH АНАМУЯТИ.....92

Рашидова Дилбар Каримовна

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМ-ФАНИ РИВОЖИДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ.....95

Казоқов Р.Т., Хабибжонова Хушруя Муроджон қизи, Аминова Азиза Алижановна

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАҶФУЛОТЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР

ИШТИРОКИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЎРНИ.....98

Дустназарова Санобар Атауллаевна

АЁЛ –ЖАМИЯТ ГУЛТОЖИ, МЕХР ВА МУҲАББАТ ТИМСОЛИДИР.....101

Файзуллаева Нилуфар

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО
ПОТЕНЦИАЛА СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЁЖИ.....104

Ж.У Хайтбаева, Д.Э.Муродова

ТУПРОҚШУНОСЛИК СОҲАСИДА ҲИССА ҚЎШГАН ОЛИМА АЁЛЛАР.....107

Дурдана Мустафоева, Хайрулло Тўйчиев

АЁЛЛАР ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ ВА ОИЛА ТИНЧЛИГИ ПОСБОНЛАРИДИР.....109

Халдаров Хикматилло Ахматович

ЭРГОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ.....114

Хусайнбекова Гульчира Мавланбековна

ИСЛОМДА АЁЛГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИ.....119

Элибаева Наргиза Туйчи қизи

ИЛМ-ФАН-ТЕХНИКА ВА ИННОВАЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ

ТАЪМИНЛАШДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИНГ ИШТИРОКИ.....121

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН
ИННОВАЦИЯЛАР, МАҶНАВИЙ МАҶРИФИЙ ИСЛОҲАТЛАРНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА**

Ҳасанова Феруза Раҳмоналиевна

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ.....124

Kholikulova Khulkar Yuldashevna

PROFESSIONAL TRAINING AND PROFESSIONAL EDUCATION
OF DISABLED WOMEN IN MODERN SOCIETY.....130

Алиева Камола Равшановна

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИНГ
ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....135

Зияева Шолпан, Худойбердиева Фатима, Пулатова Дурдана

ГЕНДЕРНАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА.....141

Аббасова Муҳаё Садиллоевна

ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ БАХТИ ШУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА, ТИНЧ-ТОТУВ
ЯШАЁТГАНИ ВА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНИДАДИР!.....145

С.Дж.Саидова

ШАРҚ АЁЛЛАРИ МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИ ТАРИХИЙ-МАҶНАВИЙ
ХОДИСА СИФАТИДА.....150

Шадманова Гулчера, Тошева Мафтуна	
ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН – ҚИЗЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ.....	154
Юлдашева Иноят Закиряевна	
ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВLAT ДАСТУРИ - МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИНИ БАРПО ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИДИР.....	158

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ХОТИН – ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗ ҚОБИЛИЯТЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҶАРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Ачилова М.Э.	
ШАРҚДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАСИГА МУНОСАБАТ: ТАРИХ ВА ИСЛОҲОТЛАР.....	161
Файзиева Ширин Шодмоновна, Юлдошева Шахрибону Анвар қизи	
ОИЛА ВА ТАЪЛИМ УЗВИЙЛИГИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ.....	165
Маджидова Дилдора Абдухамидовна, Акбаров Баҳодир Абдураҳмонович	
МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РЕИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.....	169
Бегимова Мафтуна Аззамовна	
КЕЛАЖАК АЁЛ ҚЎЛИДА ЙЎРГАКЛАНАДИ!.....	172
Р.А.Мулладжанова	
“ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ВА УНДА ХОТИН - ҚИЗЛАРГА ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР”.....	175
Рўзиева Моҳинур Шахмардон қизи	
ГЕНДЕР АДОЛАТИДА ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ.....	179
Махкамбаев А.Х., Рихсибаева М.Ф., Махмудов Ш.А.,	
АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ.....	181
Sidikova Mastura Xakberdiyevna	
OILADA AYOLNING GENDER TENGLIGI VA UNING FARZANDLAR TARBIYASIDAGI AHAMIYATI.....	183
Зоирова Лола Хамидовна	
АКТУАЛЬНОСТЬ ПОДГОТОВКИ ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ МЕДИЦИНСКИХ ФИЗИКОВ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ.....	187
Ф.А. Ахмедшина,	
ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО: НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ И ЗАДАЧИ.....	191
Эргашева Махсуда Пулатовна	
АЁЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ: ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК.....	195

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ ҲАМДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА ҲАМДА ОТМ-ОИЛА-МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЖАЛЬ ЭТИШ

Рахмонали Ҳасанов	
МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗМИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	199

Suvonkulov Muzaffar Zairovich,	
TURKLARDA OILA, AYOLLAR VA GENDER MASALASI.....	205
Алимухамедова Нодира Ядгаровна,	
РОЛЬ ЖЕНЩИН В РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА.....	208
Саидова Мадина Хамидовна, Курегова Анастасия Алексеевна	
РАЗВИТИЕ ЖЕНСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО.....	212
Атаева Дилфузा Пулатовна,	
ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ВА УЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДАГИ ИШТИРОКИ.....	217
Zaripova Nilufar Egamberdiyevna	
BOSHQARUVNING RIVOJLANISH TARIXI VA HOZIRGI KUNDAGI AYOLLAR BOSHQARUVI HOLATIGA TIZIMLI YONDASHUV.....	220
Исматуллаев Фарҳоджон, Орифа Омонова	
ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА АЁЛЛАРНИ ЎРНИ ВА РОЛИНИ ОРТИБ БОРИШИ.....	227
Маджидова Дилдора Абдухамидовна, Акбаров Баходир Абдурахмонович	
МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИ ИЖТИМОЙӢ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РЕИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.....	231
Раджапова Наталья Базаровна	
ПОЛИТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ЖЕНЩИН В СТРАНЕ.....	234
Рӯзиева Дилшода Мавлоновна	
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИ (Навоий ва Бухоро вилояти хотин – қизларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки мисолида).....	238
Саидова Мадина Хамидовна, Шоназарова Азиза Исокул кизи	
УПРАВЛЕНЧЕСКАЯ РОЛЬ ЖЕНЩИН В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ УЗБЕКИСТАНА...250	
Сирожиддинова Фируза Хосилбековна	
ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РАҲБАР АЁЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ.....257	
Холматова Нигина Рустам кизи,	
ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО В УЗБЕКИСТАНЕ КАК ПОКАЗАТЕЛЬ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ ПРИНЦИПОВ ГОСУДАРСТВА.....260	
Сангирова Умида Равшановна, Шахноза Хошимова	
ФОРМИРОВАНИЕ ПОНЯТИЯ И СПЕЦИФИКИ ГЕНДЕРНОЙ ЭКОНОМИКИ.....264	
Рахмонбердиева Н.Б., Юнусова Н. Ш.	
СМЫСЛ ЖИЗНИ И ПРЕДНАЗНАЧЕНИЕ ЧЕЛОВЕКА.....268	

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ХОТИН – ҚИЗЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТЛАРИНИ ЎКСАЛТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

Allanazarova Mohira Baxtiyor qizi	
JAMIYATDA AYOL-QIZLARNING DOLZARB MUOMMOLARI VA GENDER TENGLIGI DUNYO HAMJAMIYATIDAGI O'RNI.....	271
Abduvahobova D.E.	
GENDER TAFOVUTLARINI O'RGANISH NAZARIYASIDAN.....	275
Atabekova Feruza	
GENDERNING IJTIIMOY MUNOSABATLARDAGI AHAMIYATI.....	278
Boysariyev N.	
GENDER USTANOVKALARINI O'RGANISHDAGI ASOSIY YO'NALISHLAR.....	281
Karimov F.	
O'QUVCHILARINING MUSTAQIL FIKRLASHINI RIVOJLANTIRISHDA O'QITUVCHINING ROLI.....	285

Xamdamova X.	
TILSHUNOSLIKDA GENDER TUSHUNCHASINING O'RGANILISHI.....	288
Ziyayeva M., Suyunova D.	
YOSHLARNI GENDER TENGLIGI RUHIDA TARBIYALASHNING NAZARIY ASOSLARI.....	292
Abdullayeva Nilufar Sultonbayevna	
JAMIYATNING MA'NAVIY QIYOFASI.....	295
Абдуллаева Ранажон Матёкубовна	
ЁШЛАРНИ ГЕНДЕР МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЙЁРЛАШ ЗАРУАТИ.....	298
Тўраева Гулбахор Ҳалимовна	
ЎЗБЕКИСТОНДА АКТ СОҲАСИДАГИ ГЕНДЕР НОТЕНГЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ САБАЛари.....	302
Жаббарова Э.	
ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ГЕНДЕРНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ.....	305
Захарова М.	
ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО И ДОСТОЙНЫЙ ТРУД.....	308
Каримова Х.Х., Апресян М.	
COVID-19 И ЕГО ВОЗДЕЙСТВИЕ НА ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО.....	311
Курбанова Дилрабо Шерипбаевна	
XXI АСР - ЖАМИЯТДА АЁЛНИНГ РОЛИ.....	315
Рўзиева Дилобар Исомжоновна	
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ ЎРНИ.....	318
Соатова Д.	
УПОТРЕБЛЕНИЕ МЕЖДОМЕТИЙ В ГЕНДЕРНОЙ ПРИРОДЕ.....	322
Хазраткулова А.В.	
ИНТЕГРАЦИЯ ГЕНДЕРНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ.....	325
Эрназарова М.	
ГЕНДЕРНЫЕ АСПЕКТЫ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ.....	328
Юсупов К.	
ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКОЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЕ ГЕНДЕРА.....	330
 ОИЛАДАГИ ТАЗИЙҚ ВА ЗУРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ВА АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАСАЛАЛАР	
Гуломова Комила Махаматжановна	
АЁЛЛАР ВА ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ.....	333
Abduvaliyeva Ziyoda Norqo'ziyevna	
OILADAGI TAZYIQ VA ZO'RAVONLIKLARNI OLDINI OLISH HAMDA GENDER TENGLIK MASALALARI.....	337
Madina Ahrorova	
O'ZBEK MUMTOZ SHOIRLARI IJODIDA GENDER TENGLIGI MASALASI.....	340
Saidganiyeva Shahodatxon Talatbek qizi	
OILADAGI AYOLLARNI ZO'ROVONLIK OQIBATLARIDAN HIMOYALASH.....	346
Xafizova Zilfiya, Umarova Shaxzoda	
THE STRENGTH OF THE FAMILY AND GENDER EQUALITY IS A REQUIREMENT OF THE TIME.....	350
Аллабергенова Шохида Рустамовна	
СОЦИАЛЬНЫЕ И КУЛЬТУРНЫЕ ФАКТОРЫ РИСКА ПРИМЕНЕНИЯ НАСИЛИЯ В ОТНОШЕНИИ ДЕТЕЙ.....	353

Атамирзаев Иброҳим Ҳакимович	
ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ОИЛАДА АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИНинг МУХИМ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	356
Аҳмедова Дилдора Олимжоновна	
ИЖТИМОЙ ҲАЁТДА ХОТИН – ҚИЗЛАР СОЦИАЛ МАҚОМИДА ЗАМОНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР.....	360
Базарова Рано Ачиловна	
БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ОИЛАДАГИ ШАВҚАТСИЗ МУНОСАБАТ ВА ЗЎРАВОНЛИКОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ АСОСЛАРДАН БИРИДИР.....	364
Маджидова Дилдора, Яхняева Мухайё, Акбаров Баҳодир	
МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ГЕНДЕР КАМСИТИШ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ МУАММОЛАРИ.....	368
Д. Д. Шарипова	
ЗДОРОВЬЕСБЕРЕГАЮЩАЯ ПОМОЩЬ ДЕТЯМ, ОКАЗАВШИМСЯ В ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЯХ-ЭФФЕКТИВНЫЙ ПУТЬ К РЕАЛИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПОДХОДОВ К ФОРМИРОВАНИЮ ВСЕСТОРОННЕ РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ.....	370
Исмаилов Бекжон Салихович	
ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ ИНВАЛИДОВ –ЖЕНШИН НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ УЗБЕКИСТАНА.....	373
Қаххорова Матлюба Маноғовна	
ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ.....	383
Kuchkarova Nafisa Bakhtiyorovna	
IMPROVEMENT OF MARRIAGE AND FAMILY LEGISLATION IN UZBEKISTAN.....	389
Махфузон Ҷалолдинова Абдуманноб қизи	
ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ.....	396
Миракбарова Дилдора Миралишер қизи	
АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИСЛОМ ДИНИ АХЛОҚ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	399
Мирзамаҳмудова Мадина Одилжон қизи	
ФЕМИНИСТИК КАМБАҒАЛЛИК ВА АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ МУАММОЛАР.....	407
Дурдана Мустафоева, Фируза Садикова, Зиёда Асилова	
ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ.....	411
Дилдора Мухитдинова	
ОИЛАДА ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ВА АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАСАЛАЛАР.....	416
Одина Отажонова	
ЎСМИРЛАРДА ЖИНСИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ОТА-ОНАНИНГ ГЕНДЕР МАҚОМИ.....	421
Орзиқул Ҳакимов Мелиевич, Қурбонов Завқиддинжон Ҳамидуллоевич	
ОИЛА ТАРБИЯ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	426
Фарангиза Раимовна Раджабова, Рухшона Раимовна Шобоева	
АЁЛ МАҲНАВИЯТИ – ЖАМИЯТ МУВОЗАНАТИ.....	431
Н.Рахмонбердиева, Т. Қўйлиев	
ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАҲНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ПОЙДЕВОРИ.....	434

Рўзиева Мохинур Шахмардон қизи	
ГЕНДЕР АДОЛАТИДА ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ.....	437
Рўзиқулова Ойхумор, Комилова Нилюфар, Кубаева Юлдуз	
ОНАЛАР САЛОМАТЛИГИ МИЛЛАТ КЎЗГУСИ.....	439
Нажмиддинова Умида, Ўлмасова Шоҳсанам	
ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ РОЛИ.....	442
Севара Султонова, Аккунаева Махмуда	
ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ - БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ.....	445
У.А.Насритдинова, У.Р.Тогаева	
ХОТИН ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ.....	449
Тургунова Азиза Ташпулатовна	
ОИЛАЛАРДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА КЕКСА АВЛОД – ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ КЎЗГУСИДИР.....	453
Umarova Feruza Nigmatovna, Umarova Shaxzoda Zoirjon kizi	
THE GENDER EQUALITY OF WOMEN AND THEIR ROLE IN THE SOCIETY.....	458
Х.Ш.Зиявутдинова	
ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДАГИ ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	462
Турсунова Бибиражаб, Ҳасанома Севара Даврон қизи	
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ – БИЗНИНГ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗ.....	464
Холикова Раҳбар Эргашевна	
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ – ҚУВВАТЛАШ, ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА.....	467
Хрульнова Гелена Вячеславовна	
ОСНОВНЫЕ ЗАДАЧИ ПРОФИЛАКТИКИ ЖЕСТОКОГО ОБРАЩЕНИЯ С ДЕТЬМИ.....	473
Черятникова Т.А.	
ПРОБЛЕМА ЖЕСТОКОГО ОБРАЩЕНИЯ С ДЕТЬМИ.....	476
Байбаева Мухайё, Мустафаева Дурдона, Усманов Қобулжон	
БОШҚАРУВДА РАҲБАР АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ.....	480
Курбонова Гулчехра Абдуллаевна	
АЁЛЛАРНИНГ ОИЛАДАГИ ВА ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ, УЛАРНИ ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТ ДАРАЖАСИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	483
Ўлжаева Шоҳистахон Мамажоновна	
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА ИЛМ-ФАН СОҲАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БАЪЗИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.....	489
Ҳакимова М.Ф., Қамбаров Д.С.	
ОИЛА ФАРОВОНИГИНИ ЯРАТИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЗАРУРАТИ.....	496
Дониёрова Матлуба Адашбаевна, Султонова Сарвиноз Баходир қизи	
ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИКА АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ.....	501
Abdullayeva Nilufar Sultonbayevna	
ЈАМИYATNING MA'NAVİY QIYOFASI.....	506

Курбонова Гулчехра Абдуллаевна

АЁЛЛАРНИНГ ОИЛАДАГИ ВА ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ, УЛАРНИ
ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ДАРАЖАСИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН
ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ ХУСУСИЯТЛАРИ.....509

Рўзиқурова О.Ш., Ҳамадуллаева Л.Ш.

АЁЛЛАРНИНГ ИНТЕЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛАРИНИ
ЮКСАЛИРИШНИ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ.....515

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-
ҚИЗЛАРНИНГ ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИДАГИ
РОЛИ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ
МАВЗУСИДА І-ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

МАТЕРИАЛЛАР ТҮПЛАМИ

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

